АҲАД ҲАСАН

ОЧИҚ ДАРВОЗА

(Танланган асарлар)

Ушбу битикларимни бир чақмоқ чақинидай ўтган қисқа умрини одамларга, адолатга, ҳақиқатга, адабиётга бахш этиб, бу бебақо дунёга сиғмай эрта кетган, дили пок, тили пок, кўзи пок, қалами бурро, сухандон жигарпорам – ўғлим Илҳомжоннинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

Тошкент, 2010 йил.

КИТОБ ҲАҚИДА ИККИ ЧИМДИМ СЎЗ

Ҳаммада бўлганидек, менинг ҳам ўз фалсафам бор. Назаримда: табаррук заминга бўлган эътиқод, она-Ватанга бўлган садоқат, одамларга бўлган жўшқин меҳр она алласидан бошланиши чин ҳақиқат. Буни инкор қилиб бўлмайди. Ана шу ҳаётбахш аллага содиқ қолган юртдошларим ҳақида ёзиш мен учун ҳам фарз, ҳам қарз эди. Айтар зарур гаплар ҳақида узоқ йиллар имкон қадар битиклар битдим, бугун эса ижод намуналаримни бир ерга жамлаб, қўлингиздаги ушбу сайланма китобни юзага келтирдим. Буни қанчалик уддалай олдим, энди буёғи Сиз муҳтарам китобхонга ҳавола...

Муаллиф

Тошкент, 2010 йил.

ҲИКОЯЛАР

(1960-1985 йиллар)

СЎНГАН ЮЛДУЗ

О, инсон қисмати бунчалар чигал,
Бунчалар хилма-хил фоже ва аза.

Абдулла Орипов

Урушнинг охири кўринмасди. Жанг комига тушмаган хонадон қолмади. Ҳар эрта қишлоқда нохуш, ғусса тўла хабар тарқарди: кимдир отасидан ажраган, кимнингдир эридан қора хат келган, кимдир бедарак кетган қариндоши учун аза очган!

Одамларнинг кўксида жароҳат. Оталар дийдасида ғам-андуҳ тошдай қотиб қолган. Оналар бағри лахта қон. Келинчакларнинг қайноқ қучоғи совиган, бокира қизларнинг пардоз қутичаси сандиққа ташлаб қўйилган, уларнинг хина эзишга, сурма ва ўсма тортишга мослашган нозик бармоқлари шиддатли меҳнат зарбидан тарам-тарам ёрилиб, кафтларини қадоқ босиб кетган.

Қанча оғир бўлмасин, Назира ишдан нолимасди, ташвиши фақат эридан эди. Бу хонадонга тушганига ҳали бир ҳафта бўлмай, Шарифжон жангга кетди. Назира келинчак либосининг оҳори тўкилмай, чимилдиққа буруқсатиб кирган атирининг ҳиди димоғидан кўтарилмай, биринчи бўсанинг ҳарорати совимай туриб, эрини фронтга узатди. Мана энди унинг йўлларига нигорон...

Назиранинг уйдаги бирдан-бир овунчоғи Шарифжоннинг сурати эди. У даладан қайтди дегунча еттинчи лампани ёқиб олиб, суратга тикилгани тикилган.

Бу суратдаги гўё бир ҳафталик турмуши давомида Шарифжоннинг қиёфасидан пайқаб улгуролмаган фазилатларни қидирар, баъзан уни хаёлан қайта кашф этарди: “Қошлари шунчалик қора, бир-бирига шунчалик туташмиди? – ўйларди келинчак. – Эҳтимол, бунақа кўз дунёда биттадир, фақат Шарифжонимга насиб қилгандир...”

Назира ташқарига чиқиб, ҳавоза ёғочига тираб қўйилган тахта каравотга чўзилди. Кафтларини боши остига болиш қилиб, кўкка қараб ётди. Уруш осмонидан йироқ бўлган Шофиркон осмонида юлдузлар порларди. Келинчак юлдузларга маҳлиё бўлиб ётганида, нақ тепасидаги бир юлдуз ловиллаб ёниб ўчди. “Кимнингдир юлдузи сўнди, – пичирлади Назира. – Бечоранинг ҳаётдан насибаси узилди...”

Эртасига почтальон чол уникига қора хат олиб келди. Чол ҳали эшикдан чиқмай, ҳовлига қишлоқ кенгашининг котиби Латифий кирди.

Бу шум хабардан Назиранинг эси оғиб, ҳавоза поясига ҳушсиз суяниб ўтирар, мудҳиш хатни ғижимлаб турган қўли, йўқ, қўлигина эмас, бутун

танаси титрарди. Кеча тунда ловиллаб сўнган юлдуз кўз олдидан нари кетмасди...

Инсонни мусибат чулғаганида юракка далда бўладиган бир оғиз ширин сўз, шоир айтганидай, нондай арзанда бўлиб қолади. Латифий буни жуда яхши биларди. У Назирага ҳамдардлик изҳор этди:

– Тақдир экан, кўнишдан бўлак илож йўқ, синглим. – У йиғлоқи бир товушда гапирар эди. – Шарифжон бизнинг ҳам жигаримиз эди. Ҳаммамизни куйдириб кетди. Илож қанча, синглим, тақдирга тан бермоқ керак!

Латифий Назиранинг бошига эгилиб, таъзия билдириш баҳонасида унинг ярим очиқ ёқасидан кўриниб турган мармардай оппоқ тўшига, садафдай бўйнига, патила-патила сочилиб ётган кокилларига маҳлиё бўлиб қараб турар, райҳон исига монанд, фақат бокира қизлардангина анқийдиган ажиб бир ҳиддан сармаст эди.

Илтифот инсонда майл пайдо қилади. Майл эса ҳамиша муҳаббатга олиб боради, дея қаттиқ ишонарди Латифий. Шунинг учун ҳам у Шарифжон урушга кетганидан бери илтифотдан ўқ ясаб, Назирани нишонга оларди...

Муқимбой Латиповни ҳамқишлоқлари Латифий деб аташарди. Бунда хиёлгина масхараомуз оҳанг ҳам йўқ эмас эди. Латифий учраган қизга ошиқона шеърлар тўқир, кўпинча диндор отасидан ўрганиб олган байтларни ўзиники қилиб, кўча-кўйда айтиб юрарди:

Тавба гуноҳни ер,
Садақа балони ер...

Латифийни армияга олишмади: чап қўли қийшиқлиги учун у ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилди. Тез кунда қишлоқ кенгаши котиблигига ўтиб олди. Кенгашнинг ҳамма ходимлари урушга кетган, катта бир идора ҳувиллаб, Латифийнинг муштдаккина телба бошига қолган эди.

Латифий қишлоқ кенгашига дахлдор ишлардан ташқари, хўжаликда марказлашган почта бўлими бўлмаганлиги сабабли, армиядан келаётган хат-хабарларни тарқатиш билан ҳам шахсан ўзи шуғулланар эди. Идора ҳар куни хат-хабар илинжида келган хотин-қизлар билан тўлар эди. Улар Латифийнинг бошида чуғурлашиб, уни эрмак қилишар, бири дафтарини яширса, бири қаламини олиб қочар эди. Шунда Латифийнинг чакаги очилиб, дарров шоирлиги тутиб кетарди:

Келинг, қизлар, келинг, қизлар,
Қаламимни беринг, сизлар...

Бир куни Назирани кўрди-ю, тилдан қолди. Ўзи билан ўзи бўлиб, бир неча кун хаёл суриб юрди. У қандай қилиб келинчакни ром қилиш режасини тузарди: “Ўзи ҳам жаннат боғининг товусидай нарса экан”, ўйларди оғзи сув очиб.

Ўтган бир ой давомида Латифийни қанча мудҳиш хаёллар чулғаган бўлса, ҳозир барини бир ерга жамлаб, энг сўнгги қарорга келди: “Назиранинг

марги – эри ҳақида икки энлик қорахат... Куни кеча Фармон сариқдан қорахат келган эди. Худди ўша хатга ўхшаган, қотириб ёзаман. Масалан, мана бундай деб бошлайман: “Эрингиз Шарифжон Сирожиддинов Сталинград остоналарида бўлган жангда қаҳарамонларча ҳалок бўлди...” Вассалом! Биламан, бу қалтис иш, лекин китобларда ошиқлар ўзини сувдан олиб ўтга, ўтдан олиб сувга уради-ку!”

Латифийнинг режаси махфий ва қатъий эди: Шу кундан бошлаб Шарифжоннинг хатлари Латифийнинг столи ғаладонига келиб тушаверди. Тумандан келадиган кунлик почтани ўзи қабул қилиб олар, қишлоқ-қишлоққа ажратиб, почтачи чолга берар, Шарифжоннинг хатларини эса яшириб қўяр эди. Чол брезент халтасини елкасига ташлаб, эшикдан чиқди дегунча, у Шарифжоннинг хатини қўлига оларди. У солдатнинг ўт ичида қон кечиб, окоп захларига кўксини бериб ёзган муҳаббатномасини эрмак учун ўқиб, кейин кула-кула ёқиб ташларди.

Шарифжоннинг бугунги хати кўк конвертда эди. Конвертнинг орқасига “Осторожно, фото” деб ёзилган. Латифий хатни очаётганида биринчи марта қўли қалтиради. Кафтидаги суратга узоқ термилди. Шарифжон анча озган, лекин ҳарбий кийим, кўкрагидаги орденлар унга салобат бахш этиб турибди. Сурат орқасига: “Суюкли ва ардоқли Назирамга!” дея ёзилган эди.

Латифий илжайиб қўйди. Чўнтагидан гугурт олиб, суратга ўт қўйди. Сурат унинг қўлида жизғанак бўлиб, кулдонга тушди. Кейин ўтириб, Назиранинг қўлидаги мана шу мудҳиш қорахатни битди...

Назиранинг ҳовлиси бирпасда қўни-қўшнилар билан тўлди, йиғи-сиғи авжга чиқди. Йиғилганлар қорахат келтирган қора хабар билан бутунлай саросимага тушиб қолишган эди. Латифий одамлар орасидан секин суғурилиб чиқиб кетди. Бироқ унинг шум қадами бу хонадондан узилмади...

Латифий бир куни Назираникига келиб, ҳол-аҳвол сўради. Чиқиб кетаётганида ҳавоза остидаги каравотга бир даста пул қўйди. Келинчак ҳайрон қолиб, тахтадаги пулни Латифий томон сурди. Олмайман деб рад этганди, Латифий қишлоқ кенгашини ўртага солди:

– Ҳозир раис ҳам, саркотиб ҳам ўзимман. Қишлоқ кенгашининг қарори билан ёрдам фондидан сизга арзимас ёрдам уюштирган эдим. Таъзиядор одамсиз, тортинмай олаверинг, мен чўнтагимдан берармидим.

Назира пулни олишни ҳам, қайтаришни ҳам билмай, ҳайрон эди: “Урушга деб ҳар куни уйлардан пул, дон-дун териб юришибди-ю, қишлоқ кенгашида қанақа ёрдам фонди бўлиши мумкин? – ўйларди Назира. – Бошимга кулфат тушгани учун мени суямоқчими, юрагимга далда бермоқчими? Ҳозир раис ҳам, котиб ҳам ўзи. Яхши бошлиқ ғуссага ботган ҳар бир хонадонни ана шундай суяши керак”.

Латифий яна бир кун ярим қопча буғдой келтириб, Назиранинг пойгагига қўйди. Назира олмайман деб кўп қақшади, лекин Латифий уни бир амаллаб кўндирди. Пойгакда қўлини ювиб, уйга кирди. Девордан Шарифжоннинг суратини олиб ўпди, кўзига ёш олди. Кейин чой устида Назирага анча насиҳат қилди:

– Кўп куяверіб, шундай ҳусн-тароватинггизни ғам-кулфатга ботириб қўйманг. Ҳали ўн гулингиздан бири ҳам очилгани йўқ, ўзингизни эҳтиёт қилинг, синглим!

Назира товуш чиқармай йиғлар, ҳадеб дастурхоннинг попугини сийпар эди...

Латифий бир ҳафтадан кейин яна келди. Қўлтиғида қоғозга ўроғлиқ уч метр шойи бор эди. Яна неча бор келган бўлса, қуруқ келган эмас: билагузук, маржон, совун, атир...

Назиранинг онаси – хушрўйгина кампир хаста эрини якка ташлаб, узоқ Деволактепа қишлоғидан қизини кўргани тез-тез келар, икки-уч кун тунаб, қайтиб кетар эди. Кампир Назиранинг ёш боши билан ёлғиз қолганидан ҳамиша хавотирда эди. Бир куни кўчириб кетгани келди. Қизи аввал индамади, кейин уйнинг остонасига ўтириб йиғлади.

– Шарифжоннинг чироғини ўчириб, қандай кетаман? Кошки уйнинг эшигини очиб-ёпадиган бирор оғайниси бўлса. Одамнинг тафти, дами – нафаси тегиб турмаса, уй нураб кетади, онажон!

Назира умрбод шу уйда яшашни, шу ҳовлида қолишни истарди. Бу истак унинг хаёлини негадир Латифийга олиб бориб уларди. У Латифий ҳақида ўйлаганида бошида майл тўла бир фикр чарх урарди: “Қора кунимга мени суяди, юрагимга далда берди. Нима қилай, тақдирим шу экан: қорахати қўлимда бўлса...”

... Латифий ичкуёв бўлиб Назираникига келгандан кейин қилмишларини ўйлаб, бирдан ваҳимага тушиб қолди. Бунинг устига Шарифжоннинг хати сира узилмасди. У уруш қаъридан Назиранинг номига тез-тез хат йўллар, жавоб олмаётганидан зорланарди. Латифий учун бундан ҳам даҳшатлиси – қорахатнинг йўқолгани, изсиз кетгани эди. Агар хатни ўз қўли билан куйдириб ташлаганида, иш чаппа кетиб, бирор бало бўлганида ҳам Латифий жўнгина қутулиб кетиши мумкин эди!

Латифий сохта хат учун Назирани авраб кўрди, пўписа қилди, ташлаб кетаман, деб қўрқитди – ҳеч фойда чиқмади. Бундан Назира шубҳага тушиб қолди. У йўқотганман, деб бир сўзда туриб олди. Шундан кейин Латифий Шарифжоннинг суратини девордан юлиб отди.

– Ҳеч бўлмаса бекитиб қўй!

Латифий излаган қорахат у юлиб отган суратнинг орқасида – картон қоғознинг орасида эди. Назира суратни бағрига босиб, туни билан йиғлаб чиқди:

Сочларинг каби қорадир бахтим,
Толеим қоп-қора кўзларинг каби...

Кейин суратни сандиққа ташлаб қўйди.

Ғарқ пишиқчилик фасли – куз келди. Топган-тутганини фронтга жўнатиб, тишининг кирини сўриб кун кўраётган одамларнинг мева-чевадан илиги тўлиб қолди, юзига анча ранг югурди. Энди жангда ҳам, далада ҳам кўтаринки бир руҳ ҳукмрон эди.

Назира дугоналари билан кун бўйи елиб-югуриб пахта терар, уни бурни ерга теккудек бўлиб хирмонга ташир, уйга жуда кеч қайтарди. Латифий бўлса, у билан энди қизиқмай қўйган, фақат ўз ташвиши билан овора эди.

Назира ҳар кунги одати бўйича саҳар ғира-ширасида туриб, далага жўнамоқчи бўлиб, супага чиққан эди, кутилмаганда дарвоза тақиллаб қолди. Югуриб бориб очса, қай кўз билан кўрсин... остонада эри – Шарифжон турибди!

– Салом, Назира!

Назира орқасига тисарилди:

– С... с-сиз ти-рикмидингиз?

Шарифжон нима гаплигини фаҳмламай, шавқ билан кулиб юборди.

– Нима, мен ўлишим керакмиди? Мени кутмаганмидинг, Назира! – деди у хотини томон шиддат билан талпиниб. Назира ўзини Шарифжоннинг қучоғига отди. Отди-ю, бир лаҳза ўтмай унинг иссиқ, ҳароратли бағридан суғурилиб чиқди.

– Тўхтанг, менга тегманг, ялинаман... Менга ит теккан!

Келинчак худди эси оғиб қолгандай, ўзини юлиб-юлиб олар, бўзлар эди. Шарифжон ҳайрон бўлиб унга талпинса, ўзини олиб қочарди. Тоқати тоқ бўлган эр:

– Ўзи нима гап, тушунтирсанг-чи? – деб бақирди.

Назира Шарифжонни супада қолдириб, ўқдай отилиб уйга кирди. Латифий бир томони сандиққа тираб қўйилган каравотда хуррак отиб ухларди. Назира каравотни ёнлаб ўтиб, яшириб қўйган қорахатни олиш учун сандиққа ёпишди, кўрпа-тўшакни Латифийнинг устига ағдариб юборди...

Шарифжон ғижимланган хатни қўлига олиб, ҳеч нарса тушунмади.

– Бу нима?

– Қорахат... Сиз ҳақингизда...

– Қорахат? – У қоғозни обдон синчиклаб ўқиди: – “Извешение. Эрингиз Шарифжон Сирожиддинов Сталинград остоналарида бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди...” Шарифжон хатни охиригача ўқий олмади, додлаб юборди. – Ахир бу сохта хат-ку! Мана муҳри ҳам, ўзи ҳам – ҳаммаси сохта! Менинг ўлимим кимга керак бўлиб қолибди?!

Шу пайт Шарифжоннинг кўзи пойгак эшигининг остонасида оёқ яланг, иштончан қалтираб турган эркакка тушди. Шарифжон гап нимадалигини энди тушунди:

“Қорахатнинг эгаси мана шу экан-да! Менинг ўлимим шунга керак бўлган экан-да!”

У остона томон бир қадам ташлаб:

– Латифий! – деди ғазаб билан.

Латифийни даҳшат босди. Қорахатни кўриб, жони чиқиб кетди. Шарифжон қоғозни унинг тумшуғи тагига тиради:

– Малъун!!!

Латифий Шарифжоннинг қўлидан хатни бир ҳамла билан суғуриб олди-да, ғижимлаб, шартта оғзига тиқди, кейин, афтини буруштириб ютиб юборди!

Шарифжон саросимага тушиб қолди. У остонани эгаллаб турган бу сўхтаси совуқ кимсанинг ювуқсиз юзига, жияклари қип-қизил, киприксиз кўзларига, қалт-қалт титраётган ингичка иякларига ҳайрон бўлиб қарар, рўпарасидаги шу замоннинг одамими ёки жаҳаннамдан келган тирик арвоҳми, буни ҳозир фарқлай олмасди.

Шарифжон унинг гирибонидан бўғиб, остонадан тортиб туширди-да, юзига тарсаки тортиб юборди. Латифий икки қадамча нарига букчайиб йиқилди.

– Хонадонимни буздинг, муҳаббатимни барбод қилдинг, хоин!

Жаҳлга минган Шарифжон муштини дўлайтириб, типирчилаб ётган Латифийнинг тумшуғига тиради.

– Умримда бировга қўл кўтарган одам эмасман. Бу мушт ва тарсакини фақат фашист газандаларига ишлатган эдим. Афсуски, оёғим остидан яна бир газанда чиқиб қолди. Айт-чи, малъун, сен қайси бир газандадан камсан?!

Латифий туриб қочишга пайт пойларди. Лекин Шарифжон ҳали-бери жаҳлдан тушадиган эмас эди. Латифий унинг важоҳатини сўндириш учун яна айёрликка ўтди.

– Тўхта, урмай тур, Шариф. Гуноҳ фақат мендами? Ахир, у йўлимни пойлаб, кўзини сузмасайди...

– Ёлғон! – Назира чинқириб юборди. – Ёлғон! Ишонманг, ёлғон гапиряпти!

Шарифжон эзилиб ингради.

Латифий бу дафъа ҳам нишонни аниқ олганди. Шарифжоннинг муштга қисилган қўли бўшаб, ёнига осилиб қолди. Латифий унинг кўзини шамғалат қилиб, икки қадамча эмаклаб борди-да, туриб қочди.

Шарифжон гангиб қолди. Хотинига ўгирилди, бир лаҳза разм солиб турди. Хўрлиги келди, йиғи хуруж қилди. Кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Ўкириб юбормаслик учун хотинидан юзини шартта тескари ўгириб:

– Аслида дарахтнинг мўртига қурт тушади, – деди бўғзидаги йиғи билан бўғилиб. – Не-не умидларим, ушалмаган қанча-қанча орзуларим бор эди. Ҳаммаси барбод бўлди! Агар билсанг, ҳозир тўғри госпиталдан келишим эди. Жароҳатландим, отпуска беришганди... Энди сафга қайтишим керак. Хайр!

Назира чурқ этмади. Супада ҳайкалдай қотиб тураверди.

Шарифжон Латифийни излади, атрофга аланглади. Кўзи нураган пахса деворнинг орқасига лип этиб ўтган шарпага тушди. Шарифжон шаҳд билан олдинга икки-уч қадам босди-ю, негадир тўхтаб қолди:

– Эшитиб қўй, газанда, сен билан урушдан кейин – сен кутмаган йигитлар қайтгандан сўнг яна учрашамиз!

Шарифжон хотинига қайта қарамади. У хазон бўлган биринчи муҳаббатини ўзи туғилиб ўсган, улғайган, қадрдон уйининг остонаси тагига кўмиб, видолашиб, дарвозадан чиқиб кетди. Тупроғи кўпчиган супада керза этикнинг сон-саноқсиз излари қолди...

***

Зарафшон бўйларидаги қайрағочлар учида қип-қизил нур ўйнади. Қуёш Арслонқир ортида пардоз-андозини қилиб, бўйдор дарахтларга тўш уриб, ҳаволана бошлади. Қовжираб қолган кўкатлар бошидан йилтираб шудринг тўкилди. Яйловга ҳайдаб чиқилаётган подаларнинг маъраши, чўпон-чўлиқларнинг овозлари эшитила бошлади. Назира бундан ташвишга тушиб, қадамини тезлатди. У овоз эшитилмайдиган, одамлардан йироқ, кимсасиз бир жой қидириб топиш илинжида дарё ёқалаб, югуриб-елиб борарди. Бирпас тўхташга юраги дов бермас, ортидан Латифий таъқиб қилиб келаётгандай туюларди. Бундан ҳам даҳшатлиси, у бировга рўпара келиб қолишдан қўрқарди: “Энди одамларга қайси юз, қайси кўз билан қарайман, – ўйлаб борарди Назира. – Боя Шарифжон тўғри айтди, дарахтнинг мўртига қурт тушади. Бардошим етмади, садоқатни енгилтакликка қурбон қилдим, аёллик шарафимни оёқости этдим. Кўр, кўзи очиқ кўр эканман! Оҳ, тоғ бардошли аёллар, садоқатли оналар, вафодор келинлар, сизларга ҳавасим келяпти! Афсуски, энди кеч...”

Келинчак Арслонқир этагида ҳолдан кетиб йиқилди. Бир лаҳза кўзини юмди. Бўлмади, дарё шов-шуви безовта қилди. Кўкка қараб анча ётди. Тепасида уруш осмонидан йироқ бўлган қадрдон даштининг кенг осмони. Тиғи хиралашган куз қуёши бир парча булут увадасининг ортига ўтиб кетди. Кўкни тўлдириб қушлар галаси учиб ўтди.

“Қушлар тунда юлдузларга, кундузи қуёшга қараб йўл топади, дейишади, – ўйлади Назира. – Мен эса на юлдузларга қараб, на қуёшга қараб, на одамларга қараб ўзимга йўл топа олдим...”

Зарафшон тинимсиз шовулларди. Келинчак жойидан туриб, қирғоққа яқин келди. Юрагига ваҳм тушди. Негадир шу топда ўша сўнган юлдузни эсга олди. Уни бу дафъа Шарифжоннинг насибасига эмас, биринчи марта ўз тақдирига йўйди:

– У менинг юлдузим эди... – деди секин пичирлаб.

Дарё тўлқин отиб, пишқириб оқар эди...

ОЧИҚ ДАРВОЗА

Сен ўтқазиб кетган ниҳол
Ўсиб бўйингдай бўлди.
Новдалари барг чиқарди,
Боши гулга кўмилди.

Ҳамид Олимжон

– Хў-ў-ш, – деди раис қўлидаги қирмизи пиёланинг чойини айлантириб, – шундай қилиб, тўй дегин, Қобилжон?

Қобилжон уялиб ерга қаради. Кенг манглайини, қирра бурнининг устини майин тер босди:

– Шундай, раис бува,

– Мен сенга айтсам, – деди раис чойни охиригача ҳўплаб, – тўй сеникида ҳам эмас, келинникида ҳам эмас, колхоз клубида ўтади. Гап – шу, ўғлим!

Қобилжоннинг уйида, тўй олдидан “раис чақирди” зиёфатига йиғилган оқсоқоллар бир-бирига қараб, шивирлаб қолишди. Ташқарида ивирсиб, бири деразадан, бири эшик тирқишидан бурнини тиқиб, ичкаридан гап “ҳидлаётган” ёш-яланглар раиснинг бу сўзидан чапак чалиб юборишди:

– Яшасин, тўй клубда ўтадиган бўлди! Ур-р-а!

Қобилжон эсанкираб қолди.

Раис энди қўзғалмоқчи бўлган эди, Қобилжон журъатсизгина қилиб:

– Тўйнинг клубда ўтишига бувим кўнармиканлар? – деди.

– Нега кўнмасинлар? – деди ўтирганлардан кимдир раисдан олдин. – Иккита забардаст инженернинг тўйи кироийи ўтса, клубда ўтсин-да! Кампир кўнмасалар, ўзимиз айтамиз, тушунтирамиз, кўндирамиз.

– Йўқ, кўнмайдилар, – деди йигит бу дафъа қатъий қилиб, – ўзингиз гаплашиб кўринг, раис бува.

– Майли, – деди раис жойига қайта ўтириб. – Командир бувининг раъйига кўндаланг тушмай яна. Чақир, ўзим гаплашаман.

Қобилжон чиқиб кетаётганди, раисни яна огоҳлантирди:

– Эрталаб доктор келиб, кампирни ортиқча уринтирманглар, деб кетди. Сўзлашганда бир оз...

– Э, болам-е, қари қарининг дилини оғритмайди, – деди раис Қобилжонга қараб. – Бор, командирни олиб чиқ!

Пойгакда елкасига сочиқ ташлаб хизматга қўл қовуштириб турган қўнғиз мўйловли новча йигитга раиснинг “командир” дегани тўхтаб-тўхтаб нашъа берди:

– Командир буви дейсиз, кампири тушмагур фронтда ҳам бўлганми, раис бува?

– Ҳа, фронтда ҳам бўлган! Колхоз фронтининг забардаст командири бўлган! – деди раис вазмин бир товушда. – Эҳ, болам, бу гаплар сенлар учун афсона. Биз кексаларга эса ҳақиқат, аччиқ ҳақиқат! Райҳон бувининг далада қанақа ишлаганини эсласам, танам ҳали-ҳали зирқираб кетади. Бир ҳисобда,

бригадирликни ўғли Саъдулладан тортиб олди, десам ҳам бўлади. Кулма, рост айтяпман. Ҳамма урушга кетиб бўлди. Колхозда муштдаккина болалару хотин-халаж қолди. Фронтга бамисоли ўқ-доридай пахта ҳам зарур. Бошқарув билан гаплашиб, Саъдуллани вақтинча фронтдан сақлаб қолдим. Буни эшитиб Райҳон бувининг жазаваси тутди, ўғлини узиб-узиб олди: “Пахта ишини хотин-халаж ҳам қилади. Сен тенги йигитлар ҳозир урушда жон олиб, жон беряпти. Йигит бўлиб Гитлерга бас келмасанг, фашистни қирмасанг... мени уятга ўлдирдинг-ку?!” Раҳматли Саъдулла: “Кўрдингизми, мени не кўйга солиб қўйдингиз”, дегандай, менга мўлтираб қараб турди-турди-ю, бирдан ўкириб йиғлаб юборди. Ўша кеча йўлга тушди. Қизил эшелонга ўтқазиб, буви билан иккимиз жўнатиб қайтдик. Эртасига она ўғлининг ўрнига бригадир бўлди. Саъдулладан қолган ёдгор – Қобилжон муштдаккина эди. Келини Солияни қизидан зиёд кўриб бағрига босди. Уни ҳеч ким бригадир демасди, ҳамма “Командир буви” деб чақирарди. Чунки айтгани айтган, дегани деган, яккасўз командирдай эди. Ана шулар хўжаликни тишида тишлаб, опичлаб, бало-қазолардан омон олиб ўтди!

Раис оқсоқоллар билан ташқари чиқди. Шу пайт Қобилжон ичкари ҳовлидан бувисини суяб чиқарди. Кампирнинг бир ёнида Қобилжоннинг ойиси – Солия. Кампир келинига алланималар деб гап маъқуллаб келарди.

Раис супа четидан, ўзи айтмоқчи орқа фронтнинг забардаст командири – Райҳон бувига тин олмай қараб турарди: “Саксон олти ёш, – беихтиёр пичирлади у, – бу фариштадай инсон, эҳтимол, умрида саксон олти минг хил азоб-уқубатга кўксини қалқон, қўлини косов, сочини супурги қилгандир-ов. Букилмас одам бу!”

Райҳон буви раисни кўриб, неварасидан қўлини бўшатиб олди. Раис югуриб келиб унинг елкасидан қучди, қўлини олиб кўзига суртди, тўй билан қутлади. Кейин Солия опани муборакбод қилди. Кампирнинг юзи, кўзи чарақлаб кетди.

– Раҳмат, азизларим, раҳмат! – деди икки қўлини кўксига босиб. – Сизни кўриб, раис бува (ҳурматан шунақа дерди), кўксим тоғдай бўлди. Саъдуллагинамни ўзингиз қизил вагонга чиқазиб узатгандингиз, эсингиздми? Яна ўзингиз неварагинамнинг қизил тўйи устида уни кутиб оладиган бўлдингиз. Тўй кечаси болагинам, албатта, келади. Ишонинг, раис бува. Дарвозани кеча-кундуз очиқ қўяман. Келиб қолса, кўча-кўйда овора бўлиб юрмасин, дейман-да!

Раиснинг вужуди жимирлаб кетди. Кўзларини бувидан яширди. Бўғзи бўғилиб қолди. Кўз ёшларини яширинча артиб, Қобилжонга, кейин онасига қаради: Солия опа пастки лабини тишлаб, йиғидан тўлиб турган бўлса-да, кўзларида умид учқунлари порларди...

Раис Қобилжон билан кўз учириб олди-да:

– Тўйни зўр қилиб ўтказидиган бўлдик, командир буви, – дея гапни клуб томонга буриб. – Орден-медалларингизни тақиб, шайланиб...

– Ҳаммасини тақаман, раис бува, – деди Райҳон буви гапни раиснинг оғзидан шартта юлиб, – аммо-лекин, сиз билиб қўйинг, тўйда келин билан куёвнинг жойи мана бу ерда бўлади! – Кампир раисни пештоқи ёғочдан

ўймакор қилинган уй томонга бошлаб борди. – Мана бу деворни Саъдуллагинамнинг ўзи шуваган. Қаранг, андавасига ҳали улгурмаганди. Панжаларининг изини кўряпсизми? Қобилжон деворни ганч билан шувайман деди, қўймадим. Девордаги манави икки михга қаранг, буни ҳам Саъдуллагинамнинг ўзи қоққан. Зардўзи сўзанам бор, мана бундоқ қилиб икки михга осасиз-да, остига келин-куёвни ўтқазиб қўясиз. Мих дедимми, йўқ, бу мих эмас, Саъдуллагинамнинг икки қўли... Мана, мен бу ерда, неварагинамнинг ёнгинасида ўтириб, очиқ дарвозага қараб тураман!

Раис лол эди. Юз минг хаёлга ғарқ бўлиб зўрға тик турарди. Кампирни телба деса, гапларининг мағзи тўқ. Мотамсароликнинг ҳам чеки бор-да, командир буви, деб дашном берай деса, йўқ. Райҳон буви ўғли учун бир кун ҳам мотам тутмади, бир кун ҳам аза очмади. Уруш қаъридан мудҳиш “қорахат” олганида ҳам ишонмади. Унинг илинжи фақат битта – умид!

Раис ақлини танибдики, шу одамларнинг қувончига, ғурбатига шерик. Неча эшелон ўсмирларни ўзи урушга жўнатди, неча эшелон етим-есирларни фронтдан ўзи қабул қилиб олди. Уруш гирдобига тушган неча-неча хонадонни ўзи суяб қолди. Улар учун қанча куйди, пинҳона кўз ёши қилди, яширинча йиғлади. Лекин ҳеч вақт ҳозиргидай довдираб қолган эмас. Нима бўлди унга? Қариликми ё? Одам дийдаси керак бўлганида шунчалик қаттол, лозим бўлганда шунчалик йиғлоқи бўлиб қоларканми? Ундай бўлса, кампир нега йиғламайди?

“У йиғини, аза ва мотамни умидга алишиб олган, – ўйлади раис, – у йиғламайди, дод солмайди, сочини юлмайди, кутади, фақат кутади, дарвозани ланг очиб қўйиб кутади! Ахир, шу умидворликнинг ўзи фарзандни она қалбида сўнгги нафасигача тутмайдими?!”

– Командир буви, – деди раис хайрлашаётиб, – “Волга”ни ихтиёрингизга қўйиб кетаман. Келин-куёвни ўзингиз қайдга олиб боринг. Орден-медалларингизни тақиб, шайланиб, кейин тўғри клубга...

Райҳон буви гапни охирагача эшитмай, раисга дарров қуллуқ қилди:

– Тақиб чиқаман, раис бува, неварагинамнинг тўйида тақмасам, қачон тақаман. Боламнинг боласи – ширин ўрик данаги... Тақаман, раис бува, тақаман!

Кампир меҳмонларни дарвозага ўзи кузатиб чиқди.

ЧИРОҚЛАР

Улар Ўркачтепанинг қуйи томонига жойлашишди. Атроф тақир яланглик, бошқа дўнгликларнинг олислигидан бўлса керак, бунда ивирсиб юрган одамларга тепа яна ҳам баландроқ, яна ҳам ваҳималироқ кўринарди. Бирин-кетин тепага чиқиб, чўлни кузатишар, уфқнинг сон-саноқсиз эгри-бугри сеҳрли чизиқларини санаётгандай суқ билан тикилишарди. Бўталоқнинг ўркаччасидай дўппайиб кўринаётган узоқ қояларга туннинг енгил пардаси тушди, қуёшнинг сўнгги ҳароратсиз нури Ўркачтепа бошида уймалашиб турган кишиларнинг юзида ўйнаб, қалтираб сўнди. Улар кечни кигизкапа ўртасида ёқилган гулхан атрофида ўтказишди. Бири кийим қуритар, бири ҳордиқ истаб чўзилар, яна бири шахмат сурарди. Лекин барибир, гурунгнинг мавзуи дам-бадам ўзгариб, эртанги иш режасига бориб тақаларди.

– Қанчалик совуқ бўлмасин, ишни тонгда бошлаш керак. Аммо-лекин назаримда, ҳозирча шароит шу: капа, гулхан, изғирин! – Бригадир Қилич аъзоларнинг руҳи билан ҳисоблашаётгандай синовчан боқди. У пастак капанинг шифтини ялагудек бўлиб тил чўзаётган гулхан алангасидан кўз узмай, босиқ товушда дона-дона қилиб сўзларди: – Қалдирғочнинг дарвозаси туйнук дейишади. Биз бу ерда биринчи қалдирғочмиз, ҳар қайсимиз филдек бўлсак ҳамки, чўлнинг ана шунақа “туйнуги”га рўпара келиб қолдик. Эндиги вазифамиз – йигитлик заковатини ишга солиб, шу “туйнук”дан ўтиш, сўнг бутун жамоа хўжалиги сиғадиган ҳаёт дарвозаси очиш!

– Ҳали бу кигизкапа экан-ку, хумга солиб, устимиздан шуваб ташласангиз ҳам яшайверамиз-у, лекин сўзимиздан қайтмаймиз! Йигитнинг зўри ер очади-да!

Ўнг кўзи сал ғилай, кичик жуссали Саъдулла кўзларини одатича ўйнатиб, ўртага кулги ташлади:

– Лекин битта таклиф бор: шу, бригадиримиз, қандоқ айтсам экан? Хай, очиқчасидан кела қолай: лўли қизга хуштор бўлганларини айтиб берсалар... Маъқулми, ўртоқлар?

Аъзолар бараварига гуриллаб кулиб, Саъдулланинг гапини қувватлашди. Қилич анча ялинтиргандан кейин айтиб беришга рози бўлди:

– Ҳарбий хизматдан қайтган кунимнинг эртаси эди. Кўчада сайр қилиб юргандим, қишлоқ ўртасидан ўтадиган ариқ бўйида нотаниш бир қизни учратдим. У ариқ ёқасида туриб атрофни томоша қиларди. Кўзи менга тушиши билан ўзини қайрағоч панасига тортди. Синчиклаб турдим, қайта кўринмади. Секин бордим. Қарасам, буғдойранг, истараси ҳаддан ташқари иссиқ, кўкраги қаварган ўн саккиз ёшлардаги бир лўли қиз қора эшагининг нўхтасидан қўлини ўтказиб, ён-верига аланглаб турибди. Эшакда икки қулоғи нон увоқларига зич тўлдирилган, рангсиз шолдан тикилган хуржун, хуржуннинг ўнг қулоғидан тожи кесилган бир даканг хўроз осилиб, мажолсиз типирчилар эди. Қиз мендан ҳадиксираб, ўзини четга олди ва қўлларини кўксига одоб билан босиб, салом берди. Қизнинг ихчам жуссаси,

хилватда учрашганимиз хавотириданми, енгил титрар, узун киприкли кўзлари гоҳ менга, гоҳ ерга боқарди...

– Кимни кутяпсиз? – дедим, товушим ўзимникига сира ўхшамас, худди қизитилмаган доирадай дўриллаб эшитиларди. Иқрорим шуки, унинг оҳу кўзлари менга қадалганида юрагим “жиз” этиб: “Жонон қиз экан!” деган фикрга ўралашиб қолгандим... Сўнг, ўзимда қандайдир журъат ҳис қилиб, қизни гапга солган эдим, у очилиб кетди:

– Онамни кутяпман, танирсиз, фол очадилар... – у хўрсинган товушда гапирарди. – Кунда ҳолим шу, онам аллақайси эшикка кириб кетадилар. Мен бўлсам, шу шалпанг қулоқ қурғур билан хуржунга қоровул!

Қиз сўнгги сўзидан енгил кулиб қўйди. Унинг кулгиси жуда ширин эди, ҳатто, гапнинг очиғи, “Қани энди бир умр рўпарамда шундай жилмайиб турса!” деган хаёлга ҳам бордим.

– Қаерда турасизлар?

Саволим ғалати туюлди шекилли, қиз истеҳзоли, аммо ўзига ярашиқ жилмайди. Мен унинг кулгисидан “лўлига ҳам шунақа савол берадиларми, хоҳлаганда кўчиб, хоҳлаганда қўнаверамиз-да!” – деган таънани уққандай бўлдим.

Шунда қиз ўз саргузаштидан ҳикоя қилди:

– Эсимни таниганимдан бери ўн етти жойни кўрдим. Ҳозирча, бир йилдан бери Жилвоннинг бу ердан йигирма километрча наридаги Ингичка қоя деган жойида турамиз. Эрта-индин у ердан ҳам кўчмоқчимиз, амаким ҳоли жонимизга қўймай кўчиртирмоқчи бўлиб турибди. Айтганини қилмай иложимиз йўқ, чунки отам “Болаларимдан хабардор бўл!” деб унга васият қилган эканлар...

Қизнинг кўчмоқчимиз деганидан юрагим “шув” этиб кетди – менга қолса, уни сира кўчиртирмасдим. Шу майл билан яна суриштира бошладим. Исми Нигор, аллақайси қишлоққа яқин бир кўл бўйида яшаганларида тўртинчи синфда ўқиган экан...

Бурро гапириб турган Нигор кутилмаганда жимиб, рўпарадаги Паххук бибининг дарвозаси томонга имлади. Мундоқ қарасам, семизлигидан икки ёнига лангар ташлагандай, ҳассасини дўқиллатиб қизнинг онаси келяпти. Кампир хайр-садақадан норозига ўхшайди: жуда тажанг.

– Бузоғининг латта чайнашини фолимда очиқ чиқарибман-у, танга бермайди-я ноинсоф!

Паххук биби бўлса, дарвозадан бошини чиқариб:

– Ажаб қилдим! Янаги келганингда итимга қоптираман сен ёлғончини! – деди ва дарвозасини тарақлатиб ёпди.

Кампир мени Нигорнинг қаршисида кўриб, рашки қўзғаб кетди ва назаримда “фол ҳақи”нинг қусурини мендан олмоқчидай кўринди:

– Хўш, нима гап? – Шишинқираган кўзларини пирпиратиб, менга тикилди у. – Нега бу ерда турибсан?!

Гангиб қолдим. Яхшиямки, қиз бурролик билан гапни илиб кетди:

– Шалпанг қулоқ ўлгурингиз хуржунни ағдарди. Барака топкур акам ортиб бердилар.

Кампир бир сакраб эшакка чўнқайди, пошнаси билан ниқтади ва жониворнинг бўйнига ўхшатиб туширди. Нигор ортда итоаткорона елиб бораркан, кўча муюлишига етганида, менга қараб қўл силкитиб қўйди. Уни қайта кўрмадим. Эҳтимол, кўчиб кетган бўлса...

Сўнаётган гулхан капа деворларига хира соя солади. Ташқарида изғирин қутургандан қутуриб, даҳшат солиб ўкиради, капани қаттиқ-қаттиқ силкитиб ўтади. Саъдулла гулханга ўтин босиб, тиззасида туриб қоматини ростлади:

– Э, жуда юрагингдан урган экан-да!...

***

Бригадир ҳафсала билан елиб-югурди. Гоҳ навбат сўраб трактор рулига ўтиради, гоҳ раис бошлаб келган қишлоқ усталари олдида пайдо бўлиб, маслаҳат олади. У эртасига қишлоқдан движок олдиртириб, пешма-пеш тикланаётган уйларга, Ўркачтепа пештоқларига лампочкалар қуриб ташлади. Қоялар пинжида ўрмалаётган тракторларнинг ёрқин кўзлари пештоқ чироқлари билан тўқнашади, рулдаги йигитнинг хиргойиси тракторнинг бир меёрдаги гуриллашига қўшилиб, атрофга сингиб кетади...

Қилич пайкалнинг муюлишига етганда тракторни кутилмаганда тўхтатди ва рўпарасидаги зовурнинг баланд қирғоғидан қичқириб қўл силкиётган отлиқ қизга қараб шошилди. Қиз изғириндан жунжиб, ер тепиниб пишқираётган отнинг жиловини зўрға тутиб турарди.

– Чўл йигитларига салом! – деди у табассум аралаш Қиличга қичқириб. Иккиси ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин, қиз чўлдаги отарларга бораётганини, йўл-йўлакай бошқарма топшириғини етказмоқчи бўлиб тўхтаганини айтди.

– Бригадангизга келиш учун яна ўн бешта қиз раисга ариза берган экан. Кечаси мажлисда бошқарув буни маъқуллади, эрта тонгда келишади.

– Жуда соз! – деди Қилич бутун хурсандлигини гўё шу икки сўзда ифода этгандай. – Жуда соз, кутамиз!

Зоотехник қиз вақт тиғизлигидан нолиб, от чоптириб кетди. Қилич бу қувончли воқеадан аъзоларини хабардор қилгандан кейингина, танланган пайкалнинг торлигини, эрта-индин рўпарадаги сон-саноқсиз барханларга бориб тақалишини фаҳмлади. Фаҳмлади-ю, эти жимирлаб кетди: “Демак, чапга бурилиш, зовурдан ўтиш керак!”

Қилич зовурдан ўтиб, кучли изғирин оқимига тушиб, алламаҳалгача нари-бери юрди, ястаниб ётган бепоён Жилвоннинг истиқболи ҳақида ўйлаб, Ингичка қоя қапталигача борди. Изига қайтмоқчи эди, қоя пастидан итнинг қаттиқ ҳургани эшитилди. Сўнг, эшакнинг дағал ҳанграши итнинг ҳам, ҳадиксираб қийқиллаётган товуқларнинг ҳам товушини босиб кетди. Қилич қояга чиқиб, атрофга кўз югуртди. Пастда, юз қадамча нарида, бир-биридан анчагина узоқ қилиб тикланган икки чодир яққол кўриниб турарди. Беридаги чодирнинг юқори томони кўҳна бир пахса деворга туташтириб қурилган. Деворнинг ўрта белидаги туйнукка қумғоннинг қопқоғидаккина шиша қистирилиб, атрофи шувалган эди. Шиша туйнукдан нур қия тушиб турарди. Қилич секин пастга тушиб, чодирни обдан кўздан кечирди: “уйнинг” қарши деворига отнинг ем тўрвасидай узун халта осилган, пойгакда тўнтарилган

эски пақир устида чироқ милтирайди, унинг хира шуъласида боши очиқ, соч толалари белида тартибсиз сочилган қиз йиртиқ ёстиққа ўнг тирсагини тираб, китоб варақлайди. Унинг ортидаги кўрпачада бошига оқ дока рўмол ташлаган гавдали кампир қанор-қопдай чўзилиб ётибди, лунж шириб хуррак отишидан бурун катаклари титраб, тез-тез очилиб ёпиларди...

Йигит эгилди-да, кўзларини туйнукка қадаб, қизга боқди... Яна боқди, бу – Нигор эди! Ҳаяжондан Қиличнинг вужуди жимирлаб, манглайи шишага сезилар-сезилмас тегиб кетди: “Қандоқ чақирсам экан? Ёки “ғинг” демай жўнайми? Йўқ, асло!” Ҳозир унинг бирдан-бир тилаги – қиз билан учрашиш, сунбул сочларини силаш эди...

Йигит буни юрагига қаттиқ тугиб, чодирни чир айланар, чора тополмай яна туйнукдан мўраларди: қиз ҳамон китоб варақлайди, кампир хуррак отади, чироқ милтирайди...

Қилич тиззаларини ерга тираб, чодир тирқишидан секин пичирлади:

– Нигор...

Қиз чўчиб бошини кўтарди ва онаси томон кескин ўгирилди. Йигит мерганлардек бир кўзини чиппа юмиб, иккинчисини тирқишдан қадаб турарди. У қизнинг ниятини пайқаб, титраб кетди.

– Нигор, қўйинг, уйғотманг... мен хуржунингизни ортиб берган солдат боламан. Қўрқманг... – у зорланиб, тез-тез пичирларди: – Солдат боламан... Сизни излаб келдим...

Нигор ўрнидан ирғиб турди, эски чопонини бошига илиб, чодирдан чиқди.

– Сизмисиз, ака!

Қилич унинг билагидан чаққон тутиб, қоя томонга етаклаб борди.

– Яхшимисиз, Нигор? – у ҳаяжондан ҳамон титрарди, – сизни излаб келдим...

– Мунча бемаҳалда?

Қилич бу ерга қандай келиб қолганини батафсил айтиб берди.

– Сиз билан учрашмоқчи эдим. Лекин ҳозир буни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Чунки сиз бу ердан кўчамиз деган эдингиз, шундайми?

– Ҳа, кўчдик. Яккақудуқ кўлига кўчиб бордик. Борсак, кўл қайда, пайкал-пайкал пахта экиб ташлашибди. Бирам оқ уйларки, анқайиб қолибмиз. Шартта изимизга қайтдик. Амаким жуда тажанг одам-да, аччиғи чиқиб: “Биз бечораларга чимтол кўлни ҳам кўп кўрдингми!” деб, сўкинди.

Қилич ҳузур қилиб кулди:

– Бу ишларни юрагида ўти бор йигит-қизлар қиляпти! – у ўзини ҳам “юрагида ўти борлар” тоифасига қўшиб, чўлга келиш воқеаларини фахр билан ҳикоя қилиб берди.

– Сиз билан учрашган кунимнинг эртасига иш сўраб идорага бордим. Раис ҳаммомга кассир қилиб қўйди. Енгил иш эмасми, дарров кўна қолдим. Уч-тўрт кун чек сотдим. Тавба, ҳаммомга кирган ҳам, чиққан ҳам менга қараб кулади, ишшаяди. Ҳайрон бўламан, аччиғим чиқади. Бирови нима дейди-я: “Бу иш сизга оғирлик қилади, яхшиси, қамиш гулидан бирорта

супурги ясаб, бинолар пештоқидаги радиокарнайларнинг чангини артинг!” дейди.

Нигор ўзини тутолмай пиқ этиб кулиб юборди.

– Боплабди!

– Сўраманг, жуда боплади! – деди йигит тан олиб, – кейин билсам, раис мени синаш учун атай ҳаммомга қўйган экан. Кейин ёшлар йиғини бўлди, масалани кўндаланг қўйиб, одам айириб берасизлар, Жилвондан ер очаман, вассалом, деб туриб олдим.

Қилич қизнинг тирсагидан тутиб, қояга бошлаб чиқди ва нурли манзил томон имлади:

– Ҳу, ана, кўряпсизми – бизнинг чироқлар!

Ўркачтепа чироқлари, унинг атрофида ўрмалаётган тракторларнинг нурли кўзлари яна ҳам жимжимадор бўлиб, бепоён чўлга этак-этак юлдуз сочиб юборилгандай кўринарди.

– Қаранг-а, қанчалик ёрқин чироқлар! Назаримда, ҳаёт бор жойда, ҳаёт яратилаётган жойдагина ана шундай ёрқин, ўчмас чироқлар ёнса керак! – Нигор қоя пастидаги чодири томон ўгирилди ва ички бир тўлғониш билан уҳ тортди:

– Мўридаги нурга қаранг, бу – бизнинг чироқ! Жардаги бўрининг кўзлари ҳам бундан ёруғ. Чунки бунда... ҳаёт йўқ! Сиздаги чироқлар – ҳаёт чироқлари! Бу чироқлар ҳар қандай зил одамнинг ҳам юрагига ғулғула солади, ҳаётда бир из қолдиришга ундайди. Шунинг учун ҳар тун қояга чиқиб томоша қиламан. Лекин бориб кўришга юрагим дов бермайди, амакимдан ҳайиқаман. Онам ҳам касал, унга қарашаман.

Яккакудуқдан келганимиздан бери қишлоққа ҳам борганим йўқ, бўлмаса, бу ердалигингизни эшитардим, – деди қиз ўзини оқлаб ва енгил хўрсиниб қўйди: – Эҳтимол кўмаклашардим...

– Нега эҳтимол экан? – эътироз билдирди йигит, – ҳали ҳам кеч эмас. Тонгда докторни юбораман, мажбуран бўлса ҳам онангизни пунктимизга элтади. Сиз онангизга қарашмоқчи бўлиб борасиз, эртага қишлоқдан келадиган қизлар қаторида ишлайверасиз.

– Розиман, Қилич ака! – Нигор гоҳ йигитнинг кўзларига, гоҳ Ўркачтепа чироқларидан нажот истагандек узоқларга боқарди. – Соғайгандан кейин онам ҳам кўнарлар, лекин амаким-чи?

– Амакингизни ҳам олдиртирамиз! Эртага бормасалар, индинга борадилар – ҳаётнинг ўзи бошлаб бориб, сафимизга қўшади!.. – деди йигит қатъий қилиб. Ўзи узоқдаги чироқларга илтижо қилиб: “Чақиринг шу қизни, чорланг, чорланг, чироқлар!” дер эди ичида.

ДАВРОН БОБО

Сенинг кўкрагингда ўт бор, соч шу
ўтни... Аланга олдир, ёндир!

Абдулла Қаҳҳор

Чўл қўрғошин тусига кирган: чўққилар, барханлар ва жарликларда қор уюлиб ётади. Аччиқ изғирин бепоён чўлни ялайди, қор уюмларини тўзғитиб учиради. Қудуқбоши овулида меҳмон бўлиб қайтаётган икки йўловчи – чол билан кампир ана шу совуқда йўлсиз, сўқмоқсиз чўлда боришарди. Улар эрталаб ўтган қўй сурувларининг изини қора олиб, туя ўркачидай баланд-паст тепаликлар оша юришади. Бақувват гавдали, устма-уст чакмон кийиб олган етмиш ёшлардаги Даврон бобо чўл изғиринларига кўникиб қолган бўлса ҳам, тепаликка кўтарилгани сари кўзларидан тирқираб ёш думалайди, орқада келаётган кампирига ўгирилганида, мош-гуруч соқолини изғирин юлқийди, ҳар томонга тўзғитади; соқоли юз-кўзини қоплайди, чолнинг аччиғи чиқади.

– Бунча имилладинг, кампир! Кеч тушяпти, илдам юр!

Кампир ҳассасини дўқиллатиб, унга етиб олади.

– Чўл кишиларининг, мана кўриниб турибди, дегани ҳам икки тошдан кам чиқмайди, – деди кампир тўнғиллаб. – Каромхон-ку, аравада элтиб қўяман девди-я. Ўлгудек ўжарсиз-да!

Даврон бобо аччиғидан бўғилиб, кампирига олайиб қаради, сўнг йўғон овозда тўнғиллади:

– Қизиқмисан, нима қиласан бировни ишдан қолдириб? Ўзинг кетмон чополмаганингдан кейин нима қиласан ишлаётганнинг кетмонини ўғирлаб?!

– Ким ўғирлаяпти? – Кампир ялт этиб чолига қаради, – ие, ҳали...

– Аммо-лекин сен ҳам... бу бир мисол-да! Ўзимиз қанча фойда келтиряпмизки, бировни ишдан қолдирамиз, демоқчи эдим. Рост эмасми? Боя Каромхон билан дарвоза олдига чиқиб турсам, бир мўйсафид ўтиб қолди. Бир зиёрат қилай деб, пешвоз чиқиб саломлашдим. Ўзи десанг, етмиш бешга кирган, ҳали ҳам ишларкан. Каромхон уйга таклиф қилган эди, ишга кетяпман, деб кўнмади. Хайриятки, ишлар қалай, неча ёшдасиз, деб сўрамади. Неча пуллик одам бўлардим? Кўрдингми, қариликни гирибонидан тутиб, ўз измига соладиган қандай одамлар бор? Мен билан сен етмишга кирмай, осмон тешилади деб учиб кетаётган қушни отмаган кишидай нуқул қариликни баҳона қиламиз. Инсон чўғга кўмилган тухум эмаски, бир парт этса-ю, тамом бўлса! Қарилик шунақа бўларкан деб бекор ётганимиз ётган. Курк товуқ ҳам ётади, аммо-лекин унинг ётиши эгаси учун фойдали – жўжа чиқаради. Биз эса...

Даврон бобо бирдан жим қолди. Одатда, қариялар бирор тўғрида қизишиб, аччиқланиб гапирсалар, гапнинг охирини ютадилар ва анчагача аччиқлари сўнмай туради. Бундай пайтларда уларни бошқа мавзуга бошлаш лозим бўлади. Кампир чолининг бундай одатини яхши биларди.

– Ҳайронман, чўлларни обод қилишаверса, ундан кейин қўйларни қаерда боқишади, а?

– Ие, – деди чол шамолда қизарган кўз жиякларини катта очиб, сўнг дағал овозда кулди. – Қўйлар фақат нообод чимтолда боқилсин деган қонун бор эканми? Кўрдингми, марказдан келган маърузачи гапирганида бормадинг, хабарсиз қолдинг. Яхши гапирди, қўй боқиш учун ажратилган яйловларнинг суратини кўрсатди. Қолдинг, кўрмадинг. Кўрмаганингдан кейин биров тошбақадан йиқилиб белим синди, деса ҳам ишонаверасан, киши. – Чол яна қайнаб кетди. – Ҳеч иш қилмасак ҳам фарзандларимиз очаётган янгиликнинг маънисига тушуниб борайлик. Тушунишнинг ўзи сўнаётган юрак ўтингни алангалатади.. Ҳа, ўзимизни мажбур қилган эдик, мана тўрт чақирим йўл босиб қўйдик. Демак, кучимиз бор экан! – Даврон бобо кучли изғириндан бош ўгириб, устма-уст йўталди ва бужмайган, энкайиб қолган кампирининг тирсагидан тутиб, чўққи этаги билан йўл бошлади:

– Кеч тушди, чаққон бўл, кампир!

Осмон қорайиб боради: унда-бунда тентирашиб юрган булутлар бир-бири билан қучоқлашади, сўнг бир умрга видолашаётгандай кўз ёши қила бошлайди. Тун қоронғилашгани сайин олисдаги овул чироқлари янада равшанроқ порлаб кўринади. Чол билан кампир ўша чироқларни қора олиб, икки томонида баланд дўнглик посбонлик қилаётган чуқур жарликни ёқалаб боришади. Тепанинг чап елкасини қабристон қоплаган. Доим қаҳр-ғазабдан кўзлари ёниб юрувчи бўрилар увиллаганича дайдиб юради. Бундай манзарадан Даврон Бобонинг енгига тирмашиб келаётган кампирнинг кўзлари тиниб, юраги увишади.

– Энди нима қиламиз? Тезроқ...

– Жим! – Бобо икки қўлини ўнг қулоғига карнай қилиб, нафас олмай, қулоқ солди: аллақандай ҳорғин, заиф овоз эшитилди. Улар жуфт чўғга айланган, жарда милтираб турган кўзларни кўрдилар.

– Қўй-ку, вой жонивор... – деди чол оғир тин олиб, – Толмаснинг отаридан адашиб кетган бўлса керак.

Кампир чолни қистар эди.

– Тўхтаб тур, қаёққа кетамиз? – деди чол кескин бурилиб, – яхшиси, сен бориб бирортасига хабар қил. Қолган йўл икки чақирим ҳам чиқмайди. Ташлаб кетсак, жонивор бўриларга ем бўлади.

– Сиз ем бўлсангиз майлими?

– Пичоғим бор. Тез жўна!

Кампирнинг вужуди қалт-қалт титрарди. Лекин шу пайт унинг кўз олдида бўрининг қонли панжаларидан қутулиш учун тўрт томонга талпиниб, мунгли маъраётган ожиз қўй гавдалангандай бўлди... – Кампирни қандайдир куч ҳушига келтириб, рўпарадаги овул томон етаклади...

Бўрон авжга минди. Оппоқ қор уюмлари кир сувидай қорайиб, эриб борарди. Даврон бобо қўйнинг маърашига чидай олмай, сирғаниб жарга тушди. Жониворнинг оёқлари майиб бўлган эди. Чол чакмонини ечиб, қўйни унга солди-да, камари билан таранг тортиб, орқасига боғлади. Оёғи тийғанар,

тепаликдан шариллаб оқаётган ёмғир суви жарга яқин келгунча кучли оқимга айланиб, Даврон бобонинг устига қуйилаверарди. Чол пичоқ билан қияликни шошилинч тилди, кейин оёқларини тираб, олдинга талпинди, оёғи тойиб, тиззаси зарб билан жар деворига тегди. Яна талпинди, бўлмади...

Даврон бобонинг уст-боши жиққа ҳўл бўлиб, нафас олиши оғирлашди. У ҳолсизланиб, манглайини жарга қўйди: “Кампир нима қилди экан?...”
Бирпасдан кейин икки забардаст чўпон от суриб жар ёқасига етиб келди...

ЯШАРИШ

Ўттизда тушдию сочимизга оқ,
Олтмиш ёшимизда бўлдик навқирон.

С.Шипачёв

Ҳаво дим. Қуёш кул ранг парда ортидан ҳарорат пуркайди. Иссиқдан водий гўё ҳансирайди, тафти юзга уради. От туёғидан бурқсиб кўтарилаётган чанг ҳавода муаллақ қолади. Аҳён-аҳёнда эсадиган гармсел дим ҳавога сингиган бу чангни таъқибига олиб, йўлнинг икки томонидаги дон пайкаллари – олтин бошоқли буғдойзорга таратади...

Эгарда чайқалиб борарканман, боя яқин ўртада ўркач-ўркач бўлиб кўриниб турган хирмонлар қапталидан чиқиб қолдим. Ажойиб манзаранинг мафтуни бўлиб, фотоаппаратни қўлга олгандим, бирдан... хирмон ортидан нимдошгина дўппи кийган бир бош кўтарилди. Бу нуроний мўйсафид менга қараб жилмайиб турарди:

– Ҳой, мирзо йигит, мен-ку аппаратингга сиғарман, аммо-лекин хирмонларимизни сиғдиролмассан!

Шошиб қолдим. Бобо менга қараб келарди. Тушишда отдан таппа тушиб қўйибман, чолнинг олдида қизариб кетдим. У шаҳардан келаётганимни, сафар баҳонаси билан биринчи бор заруратдан от минганимни дарров пайқабди, мийиғида кулиб, шама қилди:

– Отдан тушишнинг ўнгу-сўли йўқ, омон-эсон тушдингиз, бўлади, бўтам! – деди ва хирмон қуйисидаги сўрига бошлади. Сўридан юз қадамча нарида эшиги қаршимизга қараб очиладиган уйдан ўрта бўйли бир қиз бизга пешвоз чиқди.

– Қизим, – таништирди бобо, – исми Фотима... Комбай-трактор ҳайдайди...

Зангори комбинзон кийган, қорамағиз, кўзлари чақнаб турувчи бу қизнинг ихчам жуссасидан, назаримда, шижоат томиб тургандай эди. Унинг тарам-тарам бўлиб турган ёноқларидаги лўли қизларникига ўхшаган сунъий холи табиийликка анча мойил бўлиб, ҳуснига сингиб кетганди. Қиз сўрига дастурхон ёзиб, чой қўйди. Мен уни суратга олиб, бўйнимдаги масъулиятдан тезроқ қутулишга ошиқардим. Фотима ишга жўнамоқчи бўлиб турганди, сўридан тушиб, аппаратни қўлга олдим:

– Синглим, илтимос... фасонроқ кийиниб чиқа қолинг. Механизатор экансиз, суратга олмоқчиман. Газетага бераман...

– Бор фасоним шу! – деди қиз кулиб ва хайрлашиш учун қўл узатди. – Вақтим зиқ, иш бошига айланиб борарсиз. Шу баҳонада комбайнни ҳам кўрасиз... Хайр ҳозирча!

Жўнади. Ўсал бўлдим. У водийда ўз ёноғидаги қора холдек кўзга аранг чалиниб, ҳамон узоқлашиб борарди... Қиз ортидан узоқ қараб қолганимни бобонинг кулгисидан сўнг фаҳмладим, баттар хижолат бўлдим. Ноқулайликдан чиқиш учун ўртага гап солган бўлдим:

– Чўлдан қуроқ ҳам қолдирмабсиз, ота. Ободлик кишининг меҳрини тортиб, ўзига сеҳрлаб қўяди, – дедим; яъни, кўп хавотир тортманг, қизга эмас, водий манзарасига термилиб қолдим демоқчи эдим. – Чўл қайта яшарибди!

Барибир , Салим бобо менинг аҳволимни сезиб сезмасликка олди.

– Ҳа, ўғлим, талаб шу – яшариши керак! Инсон нима учун меҳнат қилаётганини билади, шу боис танаси кексайса ҳам, қалби яшариб боради. Қалби яшарган чол тек турадими, чўлни яшартиради, замонни яшартиради!..

Рўпарамда чордана қуриб ўтирган бу ажойиб – нуроний мўйсафиднинг бошига йиллар оппоқ гардини аямай тўкибди-ю, лекин вужудини сўндиролмабди; гўё лой сўрида бронзадан улкан бир сиймо қуйиб қўйилган-у, қалин қошларини чимириб, ўткир нигоҳ билан йироқ-йироқларга термилиб тургандай! Чолнинг бақувват гавдасига зеб бўлиб тушган узун соқолини она-табиатнинг неча-неча қор бўронлари ивитган, эҳтимол, етмишинчи баҳорнинг шабадаси сийпаб ўтгандир? Ҳар ҳолда, ёши етмишдан кам эмас.

– Сўраганнинг айби йўқ дейдилар. Чамамда, ёшингиз етмишдан ошган-а, ота? – ийманибгина сўрадим, лекин бу водий донишмандининг кумуш ранг боши, соқоли, қуюқ мош-гуруч қошлари “Сўрашга не ҳожат эди, наҳотки бизга ишонмасанг?” деяётгандай туюлди. Бобонинг юзидаги ажинлари сийраклашиб, уни йигитларники сингари самимий ва илиқ бир жилмайиш безади, сўнг баралла кулиб юборди.

– Етмишда дейсанми? Оббо, сен-э! Эндигина қирқ тўртга кирайми-кирмайми деб турибман. Нега ишонмайсан? Бошпуртимни кўрсатайми?

Мезбондан сал ранжидим. Лекин гоҳо шундай чолларга учрайсанки, “Бобо” дегудек бўлсанг, бир қат учиб, сесканган бўлади-ю: “Хўш-э, ака денг, ака!” дейди, ҳазилкашлик қилади, кулдиради. Салим бобонинг ҳозирги гапини ўшандай чоллар ҳазилига йўйиб кўргандим, кўнглим ўз-ўзидан очилиб кетди:

– Ундоқ бўлса, сизни ака дейишим керак экан-да, бобо?

Кулишдик.

– Қизиғ-а, бу ёш деганинг инсонга соядай эргашгани-эргашган, – деди ота соқолини бармоқлари билан тез-тез тараркан. – Лекин минг эргашсин барибир , умримнинг фақат ҳозирги қирқ тўрт йилига иқрорман. Олдинги ўттиз йилини сира-сира тан олмайман. Йўқ, асло тан олмайман!

– Нега? – Ажабланиб сўрадим.

– Нега дейсанми? – деди бобо гапимни кесиб. Нағалнинг нима хизмат ўташини биласанми?

– Туёққа қоқилади! – дарҳол жавоб бердим.

– Балли, туёққа қоқилади, вазифасини ўтаб, роса еналганидан кейин аллақаёққа улоқтирилади! Шундайми? Балли. Мен тан олмаётган ўттиз йиллик умримни, йигитлик вужудимни бой деган махлуқ ғажиб, худди туёқда еналган ўша нағалдай қилиб улоқтирган эди! Ҳа, улоқтирди. Лекин мен тўғри бориб ловиллаб турган олов устига тушдим, унда тобландим, қайта яшардим! – Салим бобо манглайидаги ажинларни икки қалин қоши ўртасида йиғиб, тугунча қилди. Бу унинг аччиғи чиққанидан дарак берарди. Эҳ, ўғлим, у замонларда кошкийди камбағални инсон ўрнида кўришса!

Ота-бола Тайлоқбойга муте эдик. Бой ўлгудек хасис, зиқна эди. Таомга тишимизнинг кирини сўрардик. Кўп ўтмай, очлик отамни чўктирди-ю, бечора қазо қилди. Фақирни туянинг ўркачида ит қопади, деган нақл бор. Ҳақиқат экан. Бойнинг янги сотиб олинган қўқон аравасига кунда ортаётганимда, от ҳуркиб гижинглаган эди, кунда ағдарилиб, оёғимга тушди. Оғир шикастландим. Сурункасига бир ой бойнинг сомонхонасида ётдим. Ярам бижиб, қуртласа қуртладики, лекин тузалмади. Шундан кейин бир вақтлар мени иштаҳа билан ютган бой хонадони вужудимни ғажиб, кучимни шимиб, дарвозасидан ташқарига, кўчага улоқтириб ташлади. Ҳайдар деган темирчи дўстимнинг кулбасида ётиб, анча соғайдим. Бойдан иш ҳақи талаб қилдим. Қайда? Нажот истаб қозига бордим. Оч-яланғочлигимдан нолиб гапирганимда, у кемшик тишларини очиб: “Ҳазрати амиримизнинг филдак-филдак азиз туялари оёқ яланг лўкиллаб юрибди-ю, сен ношукурни қара-я!” деди, башарасини чўзиб, аввал ўшқирди, сўнг ҳиқ-ҳиқ кулди... Кўрдингми, ўғлим, қарға қарғанинг кўзини чўқимайди, деганлари шунақа бўлади!

Бобо оғир тин олди, чой ҳўплади.

– Энди ўзинг айт, бой чангалида қолган, қорин қайғуси билангина ўтган умрнинг нимасини тан олай? Агар чўлнинг очилишига озгина ҳиссам қўшилган бўлса, демак, бу қайта туғилишимнинг, қайта яшаришимнинг шарофати. Ҳа, мақолангга ҳам шундай деб ёз!

Салим бобо қошларини чимириб, манзилига оғиб бораётган қуёшга қаради:

– Ие, бўтам, – деди жойидан қўзғалиб, – гап билан овора бўлиб, Фотимахонни унутибмиз-ку!

– Жўнаш керак! – дея сўридан тушдим.

Ҳаво очилиб, водийда салқин шабада айланди, дарахтларнинг учи, бошоқлар қимирлаб қолди. Салим бобо мен била ёнма-ён, ўнг оёғига хиёл “лангар” ташлаб борар, бу оқсоқланиши қора ўтмишини менинг кўз олдимда гавдалантирарди. Аравадаги кунда... бойнинг катакдай сомонхонаси... сомонхонадаги тирик мурда...

О, умр! Қўли билан чўл бағридан халқ насибасини юлиб бераётган шу ажойиб сиймо бир парча куюк нонга зор бўлиб, бой сомонхонасида инқиллаб ётдими, а? Эсиз умр!..

– Шу топда дейман, ўғлим, – дея елкамга қўл ташлаб, хаёлимни бўлди чол. – Лўлиларнинг ҳаётга чап бериб юрадиган пирининг гирибонидан тутиб: “Энди иқрор бўлиб айт-чи, қўли гул инсон қадами етмаган қайси чимтол кўлни биласан?” деб сўрасанг, нима жавоб бераркин? Аминман, лўлининг хўрлиги келиб, ҳўнграб юборади: “Чўл-кўл дегани ғанимат бўлиб қолди, худо бизга шуни ҳам кўп кўрди!” деб худодан нолийди. Гоҳо Фотимага тегишиб шундай десам, қизим тушмагур дарров элатининг тарафини олади: “Одам боғда туриб харобазорни, янтоқзорда туриб боғни тасаввур этса – ободликнинг қадрини, яшашнинг жозибасини ўшанда яхшироқ тушунар экан. Бугун-эрта лўлилар ҳам чодир қуришга чимтолкўл тополмай қоладилар-да, боққа кириб қолиб, янтоқзорни лаънатлайдиган бўладилар, ота!” дейди, элатини қўллайди.

– Элатини дейсизми?

– Ҳа, элатини... У лўли қиз-да... – Отанинг товуши хиёл қалтираб, юзи алланечук оқариб кетгандай бўлди. – Асли менда фарзанд бўлмаган... Аммо-лекин шукур, фарзандсиз яшамадим. Уруш бадарға қилган кўп гўдакларни чолу кампир тарбия қилдик, отаси топилганини отасига, онаси топилганини онасига жўнатдик...

Орага жимлик чўкди. Тепамизда тўр ёйиб турналар ғут-ғутлаб ўтади. Аллақайси бута остида саратон, тиллақўнғиз чириллайди. Олтин бошоқзор шабадада енгил чайқалади, тоғ-тоғ хирмонлар ортида жавлон ураётган моторлар гуриллайди, қизнинг тордан учаётгандай майин овози таралади:

Умрида ҳеч гул кўрмай, йиғлаб
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда.

Салим бобо элас-элас эшитилаётган қўшиққа бир лаҳза қулоқ солиб турди-да, сўнг менга қараб жилмайди:

– Эшитяпсанми, Фотиманинг товуши... У доим шу қўшиқни айтади! – деди ва қиз томонга фахр билан боқиб, сўзида давом этди: у мени ота дейди. Аслида ота-онасини билмайди, элатларидан суриштирсам, ўлган дейишди. Узоқ қариндошларидан бири – сўққабош кампир қўлида катта бўлган. Мен уни ўша кампирнинг қўлидан олиб қолганман. Бунга қарийб тўрт йил бўлди. Жамоа хўжалигимиз Жилвонга ҳужум бошлаган йили мен ҳам қозон-товоқни чўлга кўчирдим. Буни кўриб, қишлоқда бири кулди, бири “қариликда йўрғалик!” деди, ишқилиб, ҳали ҳаётимизда қўнғироқнинг тилидай қайси томонга сал қийшайса, бир овоз чиқарадиганлар бор-да! Билган топиб гапиради, билмаган қопиб: “Чол бобо, шўр ялашга ярайсизми?” деб писанда қилганлар, ҳиринглаб кулганлар ҳам кўп бўлди. Кулса кулаверсин! Ие, қари эканман деб, соқолимга қўнган пашшани кампиримга кўритиб ётаверишим керакми? Арғамчига қил қувват, деганлар. Кўп бўлмаса, озроқ нафим тегар ёшларга! Ё йўқми? Келдик. Бу чўл деганинг, ўғлим, исми-жисмига жуда мос бўлади: ўнқир-чўнқир, бархан, шўр! Аммо-лекин биз шу шўр остидаги хазинани қишлоқда туриб кўриб келганмиз-да? Бунда аввалига шўр яласанг, сўнгида бол ялайсан. Ҳа, шундай, бўтам!

Салим бобо фарзанд доғи вужудига титроқ солган бояги чолга сира ўхшамас, гўё узоқ сафардан қайтган ўғлининг меҳрига тўйиб, қўлларини сермаб, гапириб борарди:

– Ана шу катта пайкалнинг қуйисида эгарсифат бир қир бор эди. Қир қапталида қатор чодирлар қурилган, лўлилар яшар экан. Биз ҳам келиб, улар рўпарасидан кигизкапа қурдик. Бир-биримиз билан борди-келди қилиб турдик. Ҳар кеч ялангликда гулхан ёқиб, ёшу қари ўйинга тушамиз, ишқилиб, бир-биримизга қоришиб кетдик. Даста гулдан кўра бир туп янтоқни афзал кўрадиганлари кўчиб кетди, кўпи уй-жой қилиб биз билан қолди. Ўшанда Фотима аллақайси кўлга кетаётган сўққабош кампирдан ажралиб, менинг бағримда қолган эди...

Тепамизда ҳамон турналар тўр ёйиб ғут-ғутлайди. Хирмонлар бошида чумчуқлар галаси чирқиллаб, гўё уларга тўкин насиба берган Салим бобо шаънига мадҳиялар ўқиб, чарх уради.

Энди Фотиманинг шўх овози моторлар гуриллашини босиб, баралла эшитилади:

Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...

ЗАРАФШОН ТЎЛҚИНЛАРИ

Маликжон карьерда бир ўзи тунаб қолган эди. Тонгда уйғониб, вагон-ётоқдан чиқди. Табиат ажойиб. Икки юз қадамча нарида дарё шовуллайди. Рўпарадаги тоғдан каклик сайрагани эшитилади. Яқин-ўртада бедана битбилдиқлайди. Яна аллақандай қуш уйқусираб патиллади, қанотларини икки-уч қоқиб, кейин жимиб қолди.

Тоғнинг баланд чўққисига қип-қизил нур югурди. Ҳаял ўтмай, карьердаги экскаваторларнинг қора кўланкасига равшанлик инди. Тоғнинг эгарга ўхшаган чўққисидан тасмадай узун нур ошиб, Зарафшоннинг асов тўлқинларида камалакдай товлана бошлади.

Маликжон сеҳргар тўлқинларга маҳлиё бўлиб, анча қараб турди. Кейин муздай сувда ювиниб, коржомасини чаққон кийди-да, экскаватор кабинасига чиқди. Лекин хаёли сеҳргар тўлқинлар билан ҳамон банд эди. Негадир бу бебош тўлқинлар Меҳрининг патила-патила, қоп-қопа сочларини ёдига солади, хаёлини унга элтиб улайди: “Раъйимга кирмадинг, шаддод қиз! Мен сени бахтли қилолмасдимми?”

Маликжон Меҳри туфайли, мана уч ойдирки, изтироб чекади...

Ўшанда Маликжон фермада ҳайдовчи эди. Соғувчи қиз-жувонларни таширди. Меҳри ферма машъали, қизларнинг сардори, гўзали эди. У ҳамиша пошнаси баланд қизил этикча кияр, иккита қилиб ўрилган узун, қоп-қора сочи тақимида чайқалар, бошида қирмизи дуррачаси ял-ял ёнарди.

Маликжоннинг Меҳрига ишқи тушиб қолди. Ёлғиз учратиб, севги изҳор қилди, ялинди. Қиз: “Севган йигитим бор”, – деб кўнмади.

Бир куни Маликжон фермага ташвиш билан кириб келди-да, Меҳрига учраб: “Мени доктор юборди. Отанг қаттиқ оғриб қолибди, сени олиб кетгани келдим”, – деди. Қиз ишонди. Маликжон уни кабинага ўтқазиб, фермадан олиб чиқди-да, машинани қишлоққа эмас, тўғри чўлга қараб сурди. Қиз Маликжоннинг ниятини шундагина пайқади. У билан қаттиқ талашди, башарасини дабдала қилиб ташлади: урди, юлди, тишлади!

Машина йўлсиз ўнқир-чўнқирга тушиб, ёвшан оралаб секин ўрмаларди. Қиз йигитнинг панжаларидан юлқиниб чиқди-да, кабина эшигини очиб, ўзини отиб юборди...

Меҳри ўшанда шикастландими, йўқми, Маликжон буни ҳанузгача билмайди. Фақат шуни аниқ биладики, то машинани тўхтатиб тушгунича, Меҳри қишлоққа қараб югурди. Маликжон ортидан чопди, уни тутиб: “Мени шарманда қилма”, – деб ялинмоқчи, кечирим сўрамоқчи, оёғига йиқилмоқчи эди. Лекин унга етолмади...

У қишлоқдан ҳозироқ чиқиб кетишга жазм қилди. Машинани тўғри гаражга элтиб тиқди-да, Меҳрининг назаридан узоқ, таниш кўзлардан йироқ – Шофиркон гидроузели қурилишига жўнаб кетди. Мана, уч ойдирки, экскаваторчига шогирд тушиб ишлаяпти. Ҳар дақиқа қишлоқдан нохуш хабар кутади...

Маликжон қуёш тоғ елкасига миниб, дарё тарафга ошиб ўтгунича анча иш қилиб қўйди. Энди экскаваторнинг тупроқда силлиқланган пўлат “кавуши” худди қуёшга ойна тутгандай ялтираб, кўзни қамаштиради.

Маликжон машина ҳокандозидан тўкилаётган тупроққа кабина ойнасидан қараб туриб, ҳайрон бўлди: майда шағал билан қоришган сурмадай қоп-қора тупроқ худди юлдуздай жимирлаб, ёниб тўкиларди... У аввалига хокандозда қуёш нури синаяпти, деб ўйлади. Кабинадан отилиб тушди, тупроққа ҳовучини тутди: ҳовури чиқиб турган иссиқ тупроққа қўшилиб олтин танга тўкиларди!

Маликжон ҳовлиқиб кетди. Битта тангани олиб, чапланиб қолган нам тупроқни ишқаб туширди-да, кўзига яқинроқ тутди, нима қилишини билмай тангани ҳидлади, тиши билан босиб кўрди: соф тилла! Маликжон қувончданми, қўрқувданми, аллақандай даҳшатга тушиб, танаси титраб, ерга чўккалади, қучоғини кенг очди ва худди сажда қилаётгандай, тупроқ уюмига кўксини босди:

“Мана – менинг бахтим! Бугун қучоққа сиғмас бахт ва бойлик топдим. Остонамни тилладан қилсам етиб ортади. Буни эшитиб, ҳали минг-минг пушаймон бўласан, Меҳри!”

Маликжоннинг кўкси илиқ тупроқ уюми устида бетиним хаприқади, кўзи олдида хаёлан “кашф” этилган тилла остона ва... Меҳри чарх уради! Гўё қиз пошнаси баланд қизил этикчасининг қошиқдай учини олтин остонага босайми, босмайми деб ийманиб тургандай.

Маликжон офтоб нурида жимирлаб турган тангаларга ғаламисдай тикиларди. Кейин уларни тупроқдан тез-тез ажратиб, қўйнига, чўнтакларига жойлай бошлади. Шу пайт ортидан – йўл тарафдан бир товуш қулоғига чалинди:

– Ҳорма, ўғлим!

Маликжон сесканиб кетди. Ҳовучидаги тангаларни тупроққа итқитди-да, ортига қайрилди. Йўл бўйида оқ от минган, соқоли кўксига тушган, кўкраги очиқ бир чол эгарда жилмайиб турарди:

– Баракалла, ўғлим, кам бўлма, тупроқ олсанг олтин бўлсин!

Маликжон довдираб қолди.

– Ас-салом-м, – деди тутилиб, – к-келинг-г...

Қўл чўзмоқчи бўлиб яқин борганда, от асов экан, орқага тисарилди, пишқирди. Бобо ҳарчанд уринди, отни тинчитолмади, жиловини зўрға тортиб туриб сўради:

– Устанг қаерда?

– Қишлоққа кетган.

– Дам олиш кунлари дам олгин, – деди бобо насиҳатомуз, – ўзингни аягин, болам, бунақада ҳориб қоласан.

Маликжон индамади.

– Асли қаерликсан?

– Шофирконданман.

– Ие, менинг келиним ҳам Шофиркондан.

– Қайси қишлоғидан? – деди Маликжон шошиб.

Чол унинг сўнгги гапини эшитмади. От типирчилаб, уни суриб кетди.

Маликжон Рашид бобони яхши танимас эди. Икки-уч марта узоқдан, ҳозиргидай отда ўтиб кетаётганида кўрган эди, холос. Яқинда ўғли тоғ ён бағридаги хўжаликка бўлим бошлиғи бўлиб келган, чол ҳар замонда ундан хабар олгани келиб-кетарди.

Маликжоннинг танаси ловиллаб, бошидан тутун чиқиб кетгандай бўлди. Назарида, чол ҳамон тепасида жилмайиб: “Тупроқ олсанг, олтин бўлсин!” – деб тургандек эди.

“Бу нима дегани? – Унинг юрагида қора шарпа ўрмалай бошлади. – Наҳотки, тангаларни кўрган бўлса? Кўрди, чоғи... Ҳозир бориб милицияга қўнғироқ қилади. Бошимга бир балони солади бу бехосият чол! Нажотнинг фақат битта йўли бор. Тангаларни тоққа олиб чиқиб, вақтинча кўмиб қўяман. Кейин чол олдидан ҳам бир ўтаман, қани, оғзини искаб кўрай-чи, нима гап?..”

Июль қуёши тиккага келган. Ҳаво дим. Ер иссиқдан гўё ҳансирайди. Атрофда жимир-жимир сароб ўйнайди. Кўкатлар бутасида қовжираб қолган. Маликжон дарёнинг осма кўпригидан ўтиб, энтика-энтика тоққа кўтарила бошлади. У эрталабдан бери туз тотмаган, оч-наҳор эди. Мажолсиз қаддини ростлаб, атрофга қаради. Пастда – тоғ этагида дарё тасмадай ингичка, қорайиб кўринади. Карьердаги экскаваторлар шундоққина кўзга ташланиб турибди. Ҳув қуйида, полизда, бўркнусха қилиб тикилган синтетик чайла кўзга товланиб кўринади. Оқ яктакли чол чайла атрофида ивирсиб юрибди. Маликжон чолнинг ҳаракатларидан назарини олмай, анча кузатиб турди: Рашид бобо отни етаклаб, бир оз яёв юрди-да, тоққа томон шитоб билан от сурди. Йигит ўзини қоя панасига олди: “Бу чол менга бунча ўчакишиб қолди? Умидвор-да, чоғи...”

Қуёш хира тортиб, булут ортига ўтиб кетди. Кўкни чанг пардаси қоплади. Атрофни куйган тошнинг ҳиди тутиб кетди. Кун худди қуёш куяётгандагидай тусга кирди. Шамол зўрайди, тоғнинг тақир қирини ялаб, илондай вишиллай бошлади. Ҳаял ўтмай, тоғни ларзага солиб, момақалдироқ ўкирди. Сўнг жала қуйиб берди. Тоғ устини хумдон ҳидига ўхшаш аччиқ бир ис тутиб кетди. Қояларда чирсиллаб чақин чақнади, Маликжон довдираб қолди. Унинг комбинзони ёқасидан, қаппайиб турган чўнтакларининг оғзидан, темир тугмаларидан чирсиллаб учқун сачрай бошлади. Йигит додлаб юборди, унинг танасига гўё ўт кетгандай эди.

Маликжон бор кучини тўплаб, изига – пастга қараб ўқдай отилди...

Рашид бобо Маликжон билан дарёнинг осма кўприги устида рўпара келди. Йигит тоғдан худди қушдай учиб тушди-да, отдан бир-икки қадам нарида йиқилди. От қулоқларини диккайтириб, олдинги оёқлари билан кўкка сапчиди. Бобо жиловни зўрға кўприк ёғочига илиб, ёрдамга шошилди. Йигитнинг ҳўл, соябони синган шапкасини ечиб ташлаб, бошини кафтига олди, тиззасига қўйиб елпиди: комбинзоннинг ёқасини йиртиб, кўкрагини шамоллатмоқчи бўлганди... Қай кўз билан кўрсинки, қўйни тўла танга! Рашид бобо унинг икки ён чўнтагидан ерга тўкилиб ётган тангаларни кўриб, баттар ҳайрон бўлди. Ёқасини ушлаб қўйди. Йигитни ҳушига келтириш учун уни тез-тез таталади, елпиди, юзларини, кўкрагини сийпади.

Маликжон анчадан кейин ўзига келди, кўзини очди. Чолни кўриб аввал ҳайрон бўлди, кейин қўрқиб кетди. Қўйнини, чўнтакларини пайпаслади. Йиртилган ёқасини, ерга тўкилиб ётган тангаларни кўриб, жойидан учиб турди. Кўзлари соққадай ўйнаб, калта ияги тинимсиз титрарди. Унинг шу зайлда қараб туриши, бобонинг назарида, ўлжасига човут солмоқчи бўлган калхатни эслатарди.

– Э, нодон болагинам-эй... – деди Рашид бобо йигитнинг ҳозирги важоҳатини кўриб, – қайси подшонинг хазинасини ўмариб келяпсан?

Маликжон гапирмади, чолга жавобсиз қараб тураверди. Назарида бобо осойишта ва шафқатли кўринади: “Бир нима берсам кўнадиган кўринади, – ўйлади у. – Лекин баравар тақсимлаймиз, деса, менга жабр бўлади...”

– Нега бунча тикилиб қолдинг? Бундоқ ўзингни танит, кимсан ўзи? Пормангга қараганда тракторчи кўринасан, – деди чол ҳамон авзойини бузмай, мулойим жилмайиб. – Э, тўхта-тўхта, бояги экскаваторчи йигит эмасмисан? Исминг нима эди, ҳа, Маликжон... Бу тангаларни қаердан олдинг?

– Топдим.

– Қаердан?

– Узумини енг, боғини сўраманг! – Маликжон қўйнидан бир ҳовуч танга олиб бобога узатди. – Ерга тўкилганлари ҳам сизники, териб олинг!

Рашид бобо қўл чўзмади.

– Сендан сўраяпман, қаердан олдинг буларни?

– Қаердан олганимни боя кўрдингиз-ку, яна нега анойилайсиз? – деди дағал товушда кесатиб. – Сизнинг дуоингиз Лайлатулқадрдан зўр экан. Ўшандан бери олган тупроғим тиллага айланяпти!

– Шунақа дегин, – деди Рашид бобо. – Мен ҳаммани шунақа дуо қиламан. Қўй-чи, тоғда нима қилиб юрибсан?

– Яширгани чиққандим, – деди у рўйирост. – Бу тоғ эмас, нақ дўзах экан. Ярим белига чиққанимни биламан, момақалдироқ ўкириб берди, яшин урдими, деб қўрқдим. Жавзои саратонда бунақа бўлишини биринчи кўришим. Ишонасизми, танамдан шундоқ ялт-ялт ўт чиқиб кетди, – деди ерга тупуриб. – Падарига лаънат!

Рашид бобо кулиб, Маликжоннинг кифтига қоқди. Унинг очиқ, рўйирост гапириши бобога маъқул тушган эди.

– Бундан қўрқма, ўғлим, тоғ деганинг бир кунда юз хил турланиб туради.

Бир замонлар мен ва ҳамроҳларим ҳам сенинг ҳолингга тушган эдик. Тоғдан ошаётганимизда, бирдан, десанг, момақалдироқ ўкириб, чақмоқ чақиб, жала қуйиб берди. Ўшанда қўлимиздаги милтиқлар найзасидан лов-лов олов чақнаган эди. Командиримиз ёшгина рус йигити эди. Жуда билағон, тили бурро эди. “Қўрқманглар, биродарлар, бу Сан-Эльм чироғи”, деди. Фанда номини шунақа деб аташаркан-да! Ҳаво қаттиқ исиганда тоғларда тез-тез шунақа ҳодиса содир бўлиб турар экан. Мен сенга айтсам, саркарда Суворовнинг аскарлари ҳам Альп тоғларидан ошиб ўтаётганида шунақа ҳодисага йўлиқишган экан. Буни ҳам командиримиз айтиб берган эди. Юр, кетдик, сени чайлага элтиб, мастава қуйиб бераман. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан. Келиним тушмагур маставани қайнатиб, устини бостириб қўйибди-да, эри билан мажлисга кетибди. Мен ҳам идорадан бир хабар олай, деб чиққандим, сенга йўлиқиб қолдим. Кетдик, юр!

Иккиси яёв ҳангомалашиб кетишди.

– Қўй-чи, ўғлим, тангаларни ростдан ҳам ўзандан топдингми? – синчковлик билан сўради чол. – Ҳойнаҳой, экскаторингга илиниб чиққандир-да?!

– Бамисоли чақмоқдай ялтираб кетди.

– Бори шуми?

– Ҳа.

Чол юришдан тўхтаб Маликжонга узоқ қараб турди.

– Оз, топганинг жуда кам, ўғлим, – деди хаёлчан бир ҳолда. – Бир фойтунми, икки фойтунми, уч фойтунми... Ўзим ҳам ҳозир аниғини билмайман-у, ишқилиб жуда кўп бўлиши керак.

Маликжон шошиб қолди.

– Ие, буни сиз қаердан биласиз, ота?

– Ўз қўлим билан ағдаргандан кейин биламан-да!

– Ўз қўлим билан дейсизми?

– Ҳа, кир, дастурхон бошида ҳаммасини гапириб бераман.

Ичкарига киришди. Йигит сал ноўрин чайқалса, ичидаги “хазина” тўкилиб кетадигандай, жуда эҳтиётлик билан кўрпачага ўтирди. Чол равоқдан иккита коса олиб, чиқиб кетди. Маликжон уйга бир қатор аланглади: деворда белига оқ ип тортилган қўшоғиз милтиқ осилган. “Ўзи ҳам даққиюнусдан қолган экан, – деб ўйлади, – қўндоғи ойнадай ялтираб

кетибди. Чол буни ҳозир ҳам ишлатармикан? Керак бўлганида ишлатса керак. Чол ҳали бақувват... Уф, қандай кунларга қолдим. Топганларингни баравар тақсимлаймиз, деса ҳам рози эдим”.

Икки қўлида буғи чиқиб турган коса кўтариб чол кирди. Маликжон дастурхон ёзмоқчи бўлиб, ярим қўзғалиб чўзилганди, қўйнидан бир ҳовуч танга шарақлаб хонтахтага тўкилди.

– Тилла дегани асли мен билан сенга юқмайди, ўғлим, – деди чол кулиб. – Борингни мана шу ёстиққа тўк-да, бундоқ одамдай роҳатланиб ўтир. Агар яна бир кун шу зормандани қўйнингда олиб юрсанг, кейин бир умр ўғри мушукдай одамларга ҳадиксираб қарайдиган бўласан. Бунинг номи улуғ бўлгани билан инсонни нуқул тубанликка судрайди. Тиллага ҳирс қўйган одам узоқни кўролмайди, деган машойихлар. Овқатдан ол. Қўли эгри бир қўшним бор, пичоғи доим мой устида. Ўзиям ҳут бўлмаса, ҳамални амал қилиб ютадиганлардан. Яқинда ўттиз икки тишига тилла қоплатганди. Шу ўлаксанинг чатоғи чиқиб, иши терговга тушганди. Қоплама тишларини битта қўймай суғуртириб, оғзини гўрдай қилиб прокурорга борибди. Ўзини ғариб-нотавон қилиб кўрсатмоқчи бўлган-да!

Маликжон бу гапдан қизариб кетди. Боя тангани ғаламисдай оғзига тиққани, устига қорни билан ташлангани кўз олдига келди, уялди, терлади. “Чолнинг гапи тўғри. Бу зорманда одамни оч бўри қилиб юбораркан!” – Тангаларни ёнбошидаги ёстиққа тўкиб, ўзидан анча нари суриб қўйди у.

Иштаҳаси тортмаса ҳам, маставани шопириб оз-оздан ичиб, ота йўлда ваъда қилган фойтун ҳақидаги ҳикояга қулоқ тутди.

– Дунёда қизиқ ишлар бўларкан, ўғлим. Қирчиллама йигит чоғимда тақдир Саид Олимхон билан тўқнаштириб қўйса бўладими! Ўшанда амирга адоватим бор эди. Менга унаштириб қўйилган қўшнимнинг қизи Гавҳархонни Ғиждувон амлокдори амирга тортиқ қилиб жўнатди. Далла кампир қизни фойтунга солиб элтаётганида, Зарафшоннинг Сарипул кўприги устидан Гавҳархон ўзини дарёга отиб, нобуд бўлди. Бу мусибат мени адойи тамом қилиб, буткул чўктириб қўйди. Дарёдан ўн метрча баландда бир парча еримиз бўларди. Бир эрта, тонг энди бўзариб келаётганди, дарёдан мешда сув тортиб, ер суғораётгандим. Бир маҳал қарасам, рўпарамда еттита фойтун олдинма-кетин тизилиб турибди. Ҳар отки, сўлиғини чайнаб, ер тепиниб, кишнаб, танасидан буғ кўтариляпти. Аввал кўрмаган бўлсам ҳам, амир Олимхон эканлигини дарров билдим. Амир олдинги фойтунда, елкасига зардўзи чакмон ташлаб, юзи очиқ, сочлари жингала-жингала тилларанг маржаси билан ёнма-ён ўтирарди. Кейинги фойтунларда қуролланган извошчилар, аслаҳаларини шайлаб турган шербаччалар ва хотин-халажлар бор эди. Амирга салом бермоқчи бўлгандим, лекин у мендан олдин улгурди:

– Салом, шербачча! – деди мулойим, лекин ташвишли овозда. – Дарёнинг саёз жойини яхши биласанми?

– Яхши биламан, амирим, – дедим беихтиёр қўл қовуштириб. Негадир шу топда Сарипул кўпригидан ўзини дарёга отган Гавҳархон кўз олдимда гавдаланиб кетди: у дайди тўлқинлар ичидан чинқириб, менга томон қўл чўзиб келаётгандай эди!

– Ма, ол, – дея иккинчи фойтунда ўтирган қора, лаби тиртиқ одам оёғи остидаги тўрвадан бир ҳовуч тилла танга олиб менга отди. Тангалар оёғим тагига, тупроққа келиб тушди.

– Омон-эсон бошлаб ўтсанг, яна катта инъом оласан! – деди амир энди амирона оҳангда. – Қани бошла, шербачча!

Бошлаб кетдим. Дарёнинг юқори оқимига қараб, ҳозир сенинг экскаваторинг турган жойга, ҳа, тахминан ўша ерга бошлаб келдим. Дарёнинг бу жойи кенг, қирғоғи паст кўрингани, суви жуда сокин оққани билан туби чуқур эди.

– Мана, амирим, мен биладиган саёз жой шу ер. Чўпон-чўлиқлар, йўловчилар ҳамиша шу ердан кечиб ўтишади, – дедим. Амирга таъзим қилиб, ўзимни орқага олдим. Аввал лаби тиртиқнинг фойтуни сувга тушди. Кейин амирнинг фойтуни... Лаби тиртиқнинг фойтуни дарёнинг ўртасига етганда, кўринмай кетди. Аҳён-аҳёнда отнинг чимирилган қулоғи кўринарди, холос. Бошқа фойтунлар ҳам сув оқимига тушган, орқага қайтишнинг эса ҳеч иложи йўқ эди. Елкаларигача сувга чўккан шербаччалар ғарқ бўлаётган амир билан унинг маржасини қутқариш, уларни бир амаллаб нариги қирғоққа олиб чиқиш билан овора эдилар. Ўзимни секин қирнинг пастига олдим. Ортимдан қарсиллаб ўқ узилаверди. Эртасига билсам, амир ғиждувонлик Абдулла бойваччанинг уйида тунаб, азонда қочиб кетаётган экан. Сен топган хазина ағдарилган фойтунлардан тўкилиб қолган. Агар тегишли жойга хабар қилсак, қолган қутганини ўзлари қидириб топиб олишади. Бу зорманда асли фуқароники эди, яна эл хазинасига қайтиши керак!

Маликжон чолнинг бу гапини эшитиб, бир учиб тушди.

– Нима, сиз мени сотмоқчимисиз ҳали? – деди жойидан қўзғалиб. – Қаматаман, денг?!

– Ие, нега энди, ўғлим, – деди чол шошиб, унинг елкасига кафтини босаркан. – Қўрқма, болам, ўтир, гапимни охиригача эшит!

– Яширмоқчи бўлиб тоққа олиб чиққанимни эшитишса, мени омон қўйишадими? – деди аччиғи чиқиб. – Ота гўри – қозихона қилмай, шуни бараварига тақсимлаб олсак бўлмайдими?! Келинг, сизга зиёдроқ кетса ҳам розиман, бола-чақали одамсиз, менинг кимим бор, сўққабошман.

Чол ялт этиб унга қаради:

– Бу гапни бир айтдинг, иккинчи такрорлама, болам. Саксон йил имонимга ғубор юқтирмадим. Энди келиб-келиб бир-икки ҳовуч чувринди танга учун ўзимни булғайманми?!

Маликжон тутақиб кетди.

– Бараварига кўнмасангиз, зиёдига кўнмасангиз, ахир пичоқсиз сўйиб, сиртмоқсиз осдингиз-ку мени!

– Бас! – деди бобо беҳол қичқириб. – Агар ниятинг шундай бўлса, тангаларингни ол-да, ҳозироқ кулбамдан чиқиб кет! – Ота асабий бўлиб нимадир излар, атрофга аланглади, кейин пойгакнинг кўпчиган нам тупроғидан бир сиқим олиб, йигитга ўдағайлади: – Мана менинг ризқ-рўзим. Сенинг ўн ҳовуч тилладан бир сиқим қора тупроқни афзал кўраман!

Маликжон йиғлаб юборди.

– Мени нима қилмоқчисиз? Айтинг, нима истайсиз мендан?

– Сенга айтадиганимни айтиб бўлдим, – деди бобонинг йигитдан ихлоси қайтиб. – Энди билганингни қил!

– Билганимни қиладиган бўлсам, – деди у ёстиққа сочилиб ётган тангадан бир сиқим олиб, жаҳл билан жойидан тураркан. – Бу зормандаларни қаердан топган бўлсам, худди ўша ерга улоқтираман-да, устидан экскаваторни юргизиб юбораман!

Иккиси ҳам асабийлашган, жаҳлга минган, иккисининг ҳам танаси титрарди: бирининг қўлида бир сиқим тупроқ, бирининг қўлида бир сиқим олтин!..

Ким билади, баногоҳ эшик очилиб, чолнинг келини билан ўғли ичкарига кирмаганда, бу машмаша нима билан тугарди!

Хонага хотинини бошлаб йигит кирди.

– Салом, – деди остонада туриб.

– Ассалом-м... – деди келин ҳам, сўнг Маликжонни кўриб беихтиёр инграб юборди: “Вой ўлай, нега келдинг, шарманда-а!” Бу – Меҳри эди.

– Салом, Меҳри... – деди Маликжон ютиниб, овози дарз кетиб. – Сен... сен...

Маликжон хонтахтани ёнлаб ўтиб, очиқ эшикка юзланганди, оёғи кўрпачага илиниб қоқилиб кетди. Ёстиқ ағдарилиб, тангалар уй билан битта бўлиб сочилди. У оёғи остида ётган тангаларга, деворга беҳол суяниб турган Меҳрига бир лаҳза тикилди-ю, ўзини ташқарига урди.

Ўртага оғир сукунат чўкди. Бобо икки ҳамқишлоқнинг муносабатидан ниманидир илғаб олди-ю, лекин индамади. Чолда йигитга нисбатан қандайдир ачиниш ҳисси туғилди: “Муҳаббатда ҳам омадинг чопмаганмиди, болагинам!”

– Тангаларни териб, ёстиқ жилдига солиб бер, қизим, – деди бобо келинига. – Битта ҳам қолмасин, тез бўл! Сен ўғлим, идорангга югур, директорни топиб, айт, туманга телефон қилсин. Маликжон ўғлимиз Зарафшон бағридан тилла хазина топибди. Югур!

Рашид бобо тугунни қўлига олиб, сўқмоққа тушди. У карьерга қараб жадаллаб бораётган Маликжонни қора олиб, бир дунё хаёл билан ортидан изма-из борарди: “Болалигинг олисда қолди. Анча ташвиш кўрган бошинг бор. Энди янглиш қадам ташлама, болагинам!..”

Маликжон тўғри дарёга қараб юрди. Қирғоқдаги тол кундасига мажолсизгина ўтирди. Рашид бобо етиб келиб, унинг елкасига аста қўлини қўйди.

ҚОПЛОН

– Хо-о-тин! – чақирди Арслонов. – Ҳў-ў-ў, х-о-о хотин!

– Ҳозир, – овоз берди ошхонада ивирсиб юрган хотини шошиб. – Ҳозир, Қўчқор ака.

Эри уйқудан “ўнг ёни”да турганини аёли дарров пайқади: бир ойдан бери қовоқларидан қор ёғади, бир ойдан бери бошлари терговдан чиқмайди, идорама-идора изғийдилар...

Боши парёстиққа ботиб кетган эр диванда ётганича, қўлидаги китобдан кўз узмай, ўзича ғудранарди:

– Да-а, мана буни ҳақиқий психология деса бўлади. Э, лаънати сартарош-е!..

Йўрғалаб келган хотин унинг оёқ томонида тўхтади.

– Сартарошга нима қипти, Қўчқор ака? – сўради қўлини гулли пешгирига артаётиб.

Арслонов қўлидаги “Эртаклар” китобини жун босган кўкрагига қўйиб, кўзойнагини ишқаб тозалади. Кейин китобни қўлига олиб, хотинига ўқиб бермоқчи бўлган жойини излади.

– Хўш, қаерда қолди? Ҳа, мана, топдим... “Сартарош подшонинг соч-соқолини қириб бўлгунича юз кўйга тушармиш: гоҳ жўшиб кетармищ, гоҳ ўз-ўзидан совиб қолармиш...” Хўш, буёғини эшит. Қизиғи буёқда. “Сартарошхонанинг тўрида устаранинг “оҳори”ни оладиган тасма осиғлиқ турармиш. Сартарош ана шу тасмага яқинлашганида, кутилмаганда қони қайнаб, подшога қоплондай ташлангиси келармиш. “Подшонинг бошини танасидан жудо қиламан!” – дея ўз-ўзига пичирлар, иттифоқо, орқасига ўгирилгани ҳамон, яна хонаки мушукдай ювош тортиб қолар эмиш. Подшо сартарошнинг бу ҳолатини анчадан бери кузатиб юрган экан, ниҳоят сабабини сўрабди. Сартарош бор воқеани айтиб берибди. Подшо сартарошхонанинг остини қаздириб кўрсаки, тасма осиғлиқ турган девор тагида... бир хумча олтин танга кўмилган эмиш!

Алқисса, подшо сартарошга қараб:

– Мана шу сени қутуртирган, даюс! – дебди...”

– Во-ой-й! – деб юборди хотин ичига санчиқ киргандай. – Ўзимизнинг Қоплоннинг ҳам ҳаракатлари бежо, Қўчқор ака. Подшонинг сартарошидан бешбаттар қутурган. Сизга анчадан бери айтаман деб юрувдим.

– Нима-нима, ҳаракатлари бежо дейсанми? – Эр қўлидаги китобни улоқтириб, ўрнидан ирғиб турди. – Қани, бир бошдан гапир-чи?

Хотин диванга дурустроқ ўрнашиб олиб, бармоқларини навбат билан битта-битта букди.

– Биринчидан, ўлгур Қоплонингизни шу кунларда иштаҳаси суст, ейишга сира рағбати йўқ. Иккинчидан...

Хотинининг бачкана гапидан эрнинг ҳафсаласи пир бўлди.

– Э, бор гапинг шуми? Майда гапинг сира қолмади-қолмади-да! – деди жеркиб. – Ҳозир кимда иштаҳа қолди? Мана, ўзимдан қиёс: бошимга шу савдо тушганидан бери, назаримда, мен овқатни эмас, овқат мени еяпти.

Олдин катта-катта топардик, катта-катта ердик. Ҳаммаси ўтди-кетди. Бу Қоплонга таъсир қилмайди, дейсанми? Ит ит бўлгани билан унда ҳам нерв бор, сезиш, пайқаш, эшитиш органлари бор. Бу бир психология, агар билсанг, хотин.

– Тўхтаб туринг, Қўчқор ака, гапимни охиригача айтиб бўлай, – эри томон энгашиброқ шивирлади хотин. – Ўлгур Қоплонингиз ётган жойини искаб, нуқул ер тирнагани тирнаган. Бу қилиги бояги сартарошнинг қутурганидан камми?!

Бу гап уни ҳушёр торттирди.

– Қоплоннинг бу қилиғи ёмон, – деди Арслонов нафаси суст кетиб. – Ҳозир киши йўғида ер тирнаса, эрта-индин одам борида ҳам шу қилиғини такрорлайди. Кўрган кишининг хаёли қочиши мумкин. Қоплонни сотиб олиб келганим эсингдами? Мушукдаккина нарса эди: думи қирқилмаган, шалпангқулоқ. Икки кўзининг остида бир жуфт майиздаккина холи бор. Эсингдами, сен шу холига қараб Тўрткўз қўймоқчи бўлган эдинг. Дидинг паст, хотин. Хайрият, гапингга кирмаганим: Тўрткўз қайда-ю, Қоплон қайда?

– Нима бўлганда ҳам, ундан шунча йил меҳримизни дариғ тутмадик, – деди хотини куюниб, – егани олдида, емагани кетида бўлиб ўсди.

– Битта айбимиз шуки... йўқ-қ, бу шахсан менинг айбим, Қоплоннинг авлод-аждодини ўшанда суриштирмаганман. Ким билади, эҳтимол бир пайтлар отаси қутургандир ёки онасининг авлодида бирор қусур ўтгандир. Итга, отга, хотинга... ҳм... эҳтиёт бўлиш керак... Олдин ҳам Қоплоннинг шу қилиғини пайқаганмидинг?

– Йўқ, – деди хотин товушига баттар сирли оҳанг бериб. У эрининг жун босган қулоғига энгашди. – Жойини ўзгартирганингиздан кейин... ҳалиги хумчани оёғи тагига гумдон қилганингиздан бери шу қилиғи чиқди ўлгурнинг!

– Арслоновнинг нафаси ичига тушиб кетди. – Да-а, буям бир психология! – деди бутун вужудини нохуш ҳис қамраб. – Мана сенга сартарош-у, мана сенга Қоплон! Мана буни ҳақиқий эртак деса бўлади. Йўқ-йўқ, хотин, бу энди эртакка ўхшамаган эртак!..

Арслонов хотинига “нонуштани тезлат” деди-да, оёғига шиппагини илиб, ҳовлининг кунгай тарафидаги дераза ёнига келди. Қирмизи пардани суриб, ташқарига қаради. Ҳовли жимжит. Дарахтларга баҳор нафаси урган. Турфа гулларга бурканган ҳовли кўркам эди.

Йўқ, баҳорнинг бокира таровати ҳам Арслоновнииг кўнглини очолмади. Баттар ғаши келди: “Кимга тўй, кимга аза, – деди бир ойдан бери сарсон-саргардон бўлиб юрганларининг алами қайта қўзғаб. – Кўнглим қаърида қора зимистон ин қуриб ётганида, Қоплоннинг бу қилиғи етмай турганди!”

У дераза яқинидаги нақшинкор стул устида турган японча магнитофоннинг ялтироқ тугмасини босди. Шу топда кўнглидаги ғуборни ёзадиган қандайдир шикаста бир куйми, қўшиқми эшитгиси келарди:

Жонга қўйғоч нақди ишқинг, қилди кўнглимни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон, ганж пинҳон айлагач!...

Арслонов пичирлаб қўшиқнинг сўнгги мисраси “Ганж пинҳон айлагач”ни такрорлади. Сўнг бунга ҳам қаноат қилмай, тасмани орқага айлантириб, қўшиқни яна бир бор эшитди:

“Ўлтурур маҳрамни султон, ганж пинҳон айлагач...”

– “Ганж пинҳон айлагач...” – деди Арслонов қоматини ростлаб, – “ганж пинҳон айлагач...

У энди пардани кескин суриб, айвон остидан Қоплонни излади, топди, лекин Қоплон ҳам Арслоновдек безовта эди: кунгурадор айвоннинг нақш гулли устунига боғланган ит ётган жойини искар, олдинги оёқлари билан ерни тирнаганча ҳадеб ғингширди...

Арслоновнинг вужудида яна нохуш ҳис хуруж қилиб, кўксини ғиппа бўғиб олди. Қоплонга илтижоли қаради: “Эҳ, Қоплонжон, мен сени ўзимники деган эдим. Бутун топган-тутганимни оёғинг тагига келтириб тўкдим. Наҳотки, билмасанг!..

Арслонов чайқалиб, йиқилиб кетишига оз қолди. Тирсакларини деразага тиради. Шу кўйи анча турди, кейин манглайини муздай ойнага босди: наҳотки, Қоплоннинг феълини ҳам чиндан оёғи остида кўмилган шу хумча айнитган бўлса?!

Эҳ, қора хумчадаги бу бисотни тўплагунча озмунча ранж-алам чекдими Арслонов? У билан отаси ўртасида шу сабабдан қанча машмашаю ғурбат кечмади?..

Ота туман марказидаги пахта тайёрлаш пунктига сўроқлаб келганида, Қўчқор пункт ҳовлисининг чеккасидаги сарҳовуз бўйида куппа-кундуз куни ухлаб ётарди.

Ҳовузнинг қуйи томонида ўчоқ-қозон, ёнгинасида кабоб қўраси, ерда сихлар сочилиб ётибди. Қўранинг олови ҳали сўнмаган. Фақат чўғнинг устини юпқа кул босган. Тол бутоғида яримта қўйнинг гўшти осилиб турибди.

“Меҳмон кутганга ўхшайди”, – буларни кўриб Арслон бобонинг ўз-ўзидан жаҳли чиқди. – Бу хумса меҳмон кутадими ё ишлайдими? Бошлиқман, деб хаёлига келган номаъқулчиликни қилаверадими одам дегани?”

У пункт ҳовлиси билан сарҳовузни ажратиб турган пастаккина девор олдига келиб қаради. Пунктда одам тирбанд. Пахта ташиётган тракторларнинг кети узилмайди. Пахта топширувчилар ва қабул қилиб олувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қулоғи орқасига қалам қистирган тарозибонлар жонсарак. Лаборант қиз-жувонларнинг пахта ташиётган тракторчи йигитларга гап отишлари, уларнинг шўх-шўх кулгулари чолга завқ бағишлади. Кўнгли бир оз ёришди. Ҳайбатли транспортёрларнинг турнақатор тележкалардаги пахталарни ҳаял ўтмай юқорига пайдар-пай олиб чиқишини Арслон бобо узоқ томоша қилди.

“Эҳ, жонимизни азобга қўйиб юрган эканмиз-да-а! Катта бир хўжаликнинг пахтасини уч киши мана шу баландликка елкалаб чиқардик, – кўкка ўрлаган хирмондан кўз узмай ўйлади чол. – Мана бу машина ўрнида

узун нарвон бўларди ўшанда. Қанорни елкалаб, тепага чиқаётганимизда нарвон худди қилкўприкдай ҳайбатли лапанглар эди. Ерга қарасанг, юрагинг орқага тортиб кетарди. Энди ҳамма ишни техниканинг ихтиёрига бериб қўйиб, бу хумсанииг куппа-кундузи ухлаб ётишини қара?!”

Ота яна ўғлининг бошига келди. Бу гал унга узоқ тикилиб қолди: ўғлининг силлиқ, чиройли юзи, бежирим бурни, кўзлари...

“Шу кунгача пайқамаган эканман, – ўйлади чол, – тавба, раҳматли онасининг худди ўзи. Қовоқлари мунча ўхшамаса! Раҳматлининг хиёл қисилган кўзларида ҳамиша мендан яширин бир сир бор эди. Беш йил турмуш қилиб, унииг кўзларига тикилиб, бу сирни ечолмаганман. Ахири, пахта ғарами устидан йиқилиб тушиб, касалхонада ётганимда ўша сир ошкор бўлган: хўжалик раиси Бекмуродга илашиб кетди. Қўчқор ўшанда тўрт яшар бола эди. Урушдан кейинги оғир, қаҳатчилик йиллари, бола икки ўртада – гоҳ Бекмуродникида, гоҳ меникида. Мендан ранжиса, уларникига кетиб қолади, улардан ранжиса, мени қўмсаб келади. Лекин қуш қаердан тўйиб дон чўқиса, ўша ерни манзил қилади, деган нақл бор. Она меҳри уни кўпроқ Бекмуродникига тортарди. Бунинг устига, ўзи ҳам нафси ёмонроқ эди, шум эди. Бир куни нозик меҳмонлар учун тузалган дастурхондаги шоколадларни битта қўймай еб битирибди-да, кейин ялтироқ қоғозларига нон милкидан ўраб, худди ўзидай қилиб ликопчаларга териб қўйибди. Меҳмонлар очиб кўришсаки, шунақа аҳвол... Бекмурод меҳмонлар олдида Қўчқорнинг юзига тарсаки тортиб юборган... Бир гал мен йўғимда уйга келиб, “Беломор-канал”нинг қутисини олиб, папирос доналарининг уч томонига гугуртнинг “сири”ни кўчириб, жойлаб чиқибди эринмай. Папиросни лабимга қистириб, тутатганимни биламан, бирдан олов вағиллаб мўйловимга ёпишса бўладими?”

Ота беихётиёр жилмайиб қўйди. Бироқ шу аснода фарзандининг “Раис дадаси”га ўхшаб одамлардан ажралиб, куппа-кундузи бу тахлит ётиши кўнглини ранжитди.

– Ҳой, Қўчқор, турасанми? – деди зардаси қайнаб. – Уялмайсанми, ўғлим?

Қўчқор оғриниб ўрнидан турди. Отасини кўриб, уст-бошини тузатди.

– Меҳмон келувди, – деди ғудраниб. – Бошлиқларим, юқоридан...

– Арши аълодан келмайдими? Иш пайти... яхши эмас...

– Зарур одамлар, – деди Қўчқор, – керакли одамлар...

– Зарур дединг, керакли дединг, олдинги бошлиғинг... ҳалиги Эрматов эдими фамилияси? Кўрдинг-ку, миси чиқиб кетди. Булар ҳам шунақалардан бўлмасин тағин...

– Унақа бўлмайди, – норозиланиб тўнғиллади Қўчқор. “Дадам тумшуқларини суқмайдиган жой йўқ, – ўйлади ўзича. – Нима зарур бу кишига? Тавба, дадамнинг шу феъллари сира қолмади-қолмади-да!”

– Нохуш бир гап эшитдим, – деди отаси энди мавзуни ўзгартириб, – пунктда ёнғин чиқибди, шу ростми?

Қўчқор зўраки кулди:

– Қанча жойдан ташвиш тортиб, шу гап учун келдингизми?

– Безарармн, ишқилиб?

– Безарар. Катта зиён бўлмади, хайрият. Транспортёрдан учқун чиққан.

– Нега чиқади?

Ўғил чайналди.

– Бугун катталар кўриб кетишди. Эртага мутахассислар келиб акт қилади. Шу билан тамом-вассалом!

– Акт қилишади, дегин? Улар тузадиган акт... Тавба, кимга фойдаю кимга зарар? Қани айт-чи? У ёғига ақлим етмайди-ю, лекигин шу зарар давлатниинг чўнтагиданми, ахир?! Ўт қўйган ким-ким... Масалан, сенинг лоқайд одамларинг. Шундайми? Зарарини давлат тортадими, а?

– Бу бир бахтсиз ҳодиса-да, – деди Қўчқор отасини юпатиш, ўзини оқлаш учун. Шунинг учун ҳам давлат гострах деган катта идорани очиб қўйган.

– Йў-ў-ўқ, мени чалғитма. Бахтсиз ҳодиса, деб масалан, бир пайтлар бизга ўхшаганларнинг пахта босилган хирмондан қулаб тушганини айтса бўлади. Унда давр шунақа эди, ҳали кўп нарсага зор эдик. Энди-чи? Шундай ақлли техникадан бахтсиз ҳодиса чиқарган бошлиқларни... Биласанми, нима қилиш керак? Қўй-қўй, гапни чалғитма. Сен ишлаган жойда ҳамиша ўт чиқади, чақмоқ чақади, яшин уради... Ишқилиб, бахтсиз ҳодиса содир бўлаверади, ҳайронман...

Чол ўғлига қадалиб олганди. Қўчқор отасининг нигоҳига тоб беролмай ерга қаради.

“Бир ишкал топмай кетмайди бу чол, – деб ўйлади яна. – Хайрият, боя бошлиқлар бор пайтда келмапти”.

– Бекмуроддан кейин колхозда раислик қилганингда ҳам ем-хашак базасига ўт кетган эди. Ёнғин қандай содир бўлганини сира эслайсанми?

– Нима қиласиз, дада, эски гапни кавлаштириб?

– Ўғлим, эскисини кавламасанг, янгисидан сабоқ ололмайсан. Ўшанда йўқ нарсани бор қилиб, “Хашак тайёрлаш режасини ошириб бажардик”, деб юқорига маълумот бериб юборгансанлар. Бунинг эвазига шон-шуҳрат, мажлислар тўри сенларники бўлган. Устингдан “юмалоқ” хат тушиб, текшир-текшир бошланганидан кейин, тавба, бир кечада ем-хашак базасига ўт кегган...

Текширгани келган комиссия эса ёнғиннинг устидан чиқиб, калаванииг учини тополмай, папкасини қўлтиқлаганча кетиб қолган. Шу ёнғинни ҳам бахтсиз ҳодиса деб атагандиларинг... Ҳеч бўлмаса, буёққа ўтганингдан кейин тўғри ишлашинг керак эди. Ўғлим, кўнглим сендан доим хавотирда. Бекмуроднинг йўлидан юрганинг етар, ўғлим...

Ўғил энди отасининг гапини бўлмай қўйган эди.

Ота ўзи гапириб, охири ўзи жим бўлди.

У кетишга чоғланган эди, ўғил монелик қилмади.

Бир ҳафтадан кейин Арслонов ота уйига борди. “Волга”дан тушишга тушди, лекин машинанинг эшигини ёпишни ҳам, ёпмасликни ҳам билолмай иккиланиб қолди. Рўпарасида боғча – оппоқ бино савлат тўкиб турарди! Қўчқор кўзларига ишонмай, дарвозага яқинлашди, уни ушлаб кўрди – ўша

дарвоза, ўша ҳовли. Лекин дарвоза янгидан бўялган, бир тавақасига кунгабоқарнинг, иккинчи тавақасига даста гул кўтариб, онасига талпиниб турган қизалоқнинг сурати солинган. Ҳовли ичи шишадек ялтираб турибди. Шакароб қилиб сув сепилган.

Қўчқор ҳовлига қандайдир хавотир тортиб, бегона одамдек қадам қўйди. Отаси ҳовлида, супадаги гулзорнинг остини юмшатаётган эди. Улар лоқайдгина кўришишди.

– Соғлиғингиздан хавотир тортиб келувдим, дада. Бардаммисиз? – деди Қўчқор меҳрибончилик кўрсатган кўйда.

– Хавотир тортма, ўғлим, юрибман, – деди чол.

– Боғча очибсиз. Номини "Кунгабоқар" деб атабсиз... – энди илмоқли гап қилди ўғил.

– Шунақа бўлди, ўғлим. Ёлғиз бошимга катта ҳовли, боғчага топшириб қўя қолдим... "Кунгабоқар"га келсак, бу яхши экин, офтобга ўч. Офтобсиз яшай олмайди. Жангда зах окопга кўксимизни босиб, ҳафталаб бир чимдим нур кўрмай ўтганмиз, ўғлим. Ўшанда соғинтирган офтобга ўхшайди кунгабоқар...

Орага оғир сукунат чўкди. Сукунатни охири ўғил бузди:

– Ҳозир ўзингиз қаерда турибсиз, дада?

– Мана бу уйчада. Боғчанинг қоровуллигини ҳам қиляпман.

– Маоши қалай? Ижара ҳақига баравар келадими?

Ота кулди.

"Ҳамма нарсани пулга чақади", – деб ўйлади ранжиб. Лекин тезда ранж ўрнини қандайдир ачиниш ҳисси эгаллади.

– Текинга, ўғлим, – деди босиқлик билан. – Ижроқўмдан маош чиқазишган экан, бориб бекор қилиб келдим.

– Бундан чиқди... уйлар ҳам текинга?

– Болаларга кекса отангдан ёдгорлик, ўғлим.

– Яхши қилмабсиз, дада, – деди Қўчқор бош чайқаганча. – Яхши қилмабсиз. Ҳеч бўлмаса, ижарага қўйинг эди, ўзингизга баҳоли қудрат даромад бўларди, бир кунингизга ярарди...

Ота яна кулди.

– Кафанлигингга ярарди, демоқчисан-да? Очиқроқ гапиравер, ўғлим. Отанг бунақа гапларга кўникиб кетган.

– Очиғини айтсам, дада, – деди Қўчқор хуноби ошиб, – уйни текинга беришингиз, маошдан ихтиёрий воз кечишингиз, пенсия пулларингизни ҳали у фонд, ҳали бу фондга ўтказишингиз... Умуман, мен сизга ҳайронман. "Йигирманчи аср Ҳотамтойи пайдо бўлибди", деб ҳеч ким сизга ҳайкал ўрнатмайди, хотирингиз жам бўлсин!

– Яна раис дадангга тортяпсан, – деди чол энди асабийлашиб, – Менга ҳайкал қўймай, тешиб чиқмайди, деб мол-мулк йиққанларга қўядими?! Менинг дунёда биргина ўкинчим, сени изимга сололмадим. Афсуски...

– Ёшингиз анча жойга бориб қолди, – деди Қўчқор – ўртадаги сукунатни бузиб. – Қайта большевик бўлиб туғилмайсиз, дада. Ҳар нарсага хунобингиз ошавермасин! Нима қиласиз ўзингизни мунча қийнаб?!

Ота “ялт” этиб ўғлига қаради: “Ҳали сен менинг мункиллаб қолганимни кўриб, большавой Арслоннинг иродаси букилди, деб ўйладингми? – Хаёлидан бир лаҳза шу фикр кечди чолнинг, кечди-ю, бутун танасини ногаҳон титратиб юборди. – Э, нодон! Э, нокас-э!”

– Бир гапни тўғри айтдинг: энди большавой бўлиб туғилмайман. Бу гапинг ҳақ. Айбим – сени измимга сололмадим: ёмон одамлар гирдобидан суғуриб ололмадим. Гуноҳим шу. Эҳтимол, бу гуноҳи азим мени қабримда ҳам тинч қўймас!

Шу билан гап тугади. Ўғил киндик қони томган ҳовлидан худди бегоналардек бош эгиб чиқиб кетди...

Қўчқор уйга катта тугун кўтариб келганида, хотини довдираб қолди. Эрининг қўлидан тугунни олишга олди-ю, лекин эсхонаси чиқиб кетди.

– Бунча пулни қаердан...

– Қаердан ўмардинг демоқчисан-да, а? – Қўчқор хотинининг елкасидан қучиб, ўзига тортди. – Узумини е, жонидан, боғини сўрама!

– Ие, ичибсиз-ку, – деди хотини ўзини четга тортиб. – Ҳеч бўлмаса, отангизни қирқлари ўтгунича...

– Қирққача “қирқи”дан оз-оз... Ҳи-ҳи... Энди отамга ўзим ҳайкал ўрнатаман.

– Боғчани отангизниг номларига қўйишибди, эшитдингизми? – деди хотини жонланиб. – Бориб кўрдим. Суратларини ҳам илиб қўйишибди катта қилиб...

Бунга жавобан Қўчқор нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин ўйланиб, қўлини силтаб қўя қолди.

... Арслонов нонуштадан сўнг дераза қаршисида туриб, Қоплоннинг ҳаракатларини кузатарди. Эшик қўнғироғи нақ қулоғи остида жиринглади. Арслонов сесканиб, дарвоза томон қаради. Ким бўлди экан? Лекин ҳеч нарсани илғай олмади: ҳовлини қоплаб келаётган туман аста-секин қуюқлашмоқда эди. Қўнғироқ яна жиринглади. “Терговчи бўлса керак, – деб ўйлади бетоқатланган Арслонов. – Уйни тинтув қилгани келган...”

Ошхонадан хотини югуриб чиқди. Гулли пешгирини белидан ечиб, ўзини рўпарадаги ойнага солди. Кейин эрига, дарвозани очайми, деган маънода қараш қилиб, негадир илжайди. Эр маъюсгина бош ирғади, хотинининг ялтиллаган тишларига кўзи тушиб, сесканиб кетди.

Унинг боши айланиб, кўзи тинди: негадир собиқ бошлиғи Эрматовни эслади. Наҳотки, менинг ҳам куним битган бўлса, – деб ўйлади. Бир лаҳза отаси хаёлидан кечди, сўнгги учрашувни хотирлади. Кўз ўнгида бир жуфт кунгабоқар лов-лов ёнгандек бўлди...

Ташқаридан хотини кирди.

– Почтальон чақириқ қоғози ташлаб кетди. Эртага...

– Терговчиданми?

Хотини индамади. “Эртагача бир гап бўлар, – ўйлади ўзича Арслонов. – Бугун... Бугун ғанимат. Туман тарқасайди, кўчани бир айланардим, отамнинг қабри... Йўқ, саройдек бу ҳовлини кимга қолдириб кетаман? Бу ерда ўзимдан бўлак ишончли зот йўқ. Қоплоннинг феъли айниган, хотинимниг оёқ

босиши ҳам бежо... Негадир кейинги пайтларда оғзи кулгидан бўшамай қолди, жилпанглагани жилпанглаган...”

– Хотин, – қичқирди Арслонов бехос бўғилиб, – аввалларидан туман бунақа куюқ бўлмас эди-ку. Парда...

– Қанақа туман? – деди хотин эридан хавотир тортиб. – Ташқарида қуёш чарақлаб турибди-ку, Қўчқор ака.

– Қуёш? – ҳайрон бўлди Арслонов. – Қара, ташқарини туман қоплаб ётибди-ку!

Хотини югуриб келиб, эрининг манглайига кафтини қўйди.

– Вой иситмангиз бор, – у эрини суяб диванга ётқизди. – Вой, сизга нима бўлди? Эрталаб бинойидай эдингиз...

Уй аптечкасини очиб, хотин эрига дори-дармон қилди. Унинг лахча чўғдай ёнаётган манглайига сочиқни ҳўллаб босди. Эри бир оз тинчиб, кўзи илинган эди, доктор қўшнисини айтиб келгани оёқ учида чиқиб кетди...

Арслонов жойида безовта бўлиб, алланималар деб алаҳсиради: кимларгадир ялиниб-ёлворди... Бир маҳал қараса, ўзи ҳовлида, Қоплоннинг ёнида эса – терговчи турган эмиш. Ит итлигини қилиб, хумча кўмилган жойни ҳадеб искармиш, ғингшиб ер тирнармиш...

Арслонов дод солиб, ўрнидан турди. Хотинини чақирди. Қоплон ерни эмас, худди унинг кўксини тирнаётгандек эди. У сабри тугаб, манглайидаги ҳўл сочиқни олиб ерга урди. Рўпарасидаги деворга осиғлиқ ов милтиғини қўлига олиб, дераза олдида турганича Қоплонни нишонга олди. Отди. Милтиқ товушидан ўзига келди...

Ит ваҳимали ангиллаб йиқилди. Қоплон тепкини босганидан кейин йиқилдими, олдин йиқилдими, Арслонов буни аниқ пайқамай қолди. Унинг кўз олдини энди қоп-қора туман қоплаб олган эди...

МУҲАББАТНИНГ СОМОН ЙЎЛИ

Қўлимда таклифнома. Суқсурдай ошиқ-маъшуқ бир-бирига иболи қараб турибди. Ўрталарида шафақдай ёнаётган юрак. Мана бу байт шу юракда лов-лов ёниб, шу юракдан тошиб чиқаётгандай:

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда...

Ўрталарида шафақдай ёнаётган юрак. Тавба, овозинг дўриллашдан ўтиб, ўспиринликка қадам қўйганинг сари, кўп гапларнинг тагига етиб қоларкансан. Қаранг, юрак ёнаркан. Ёнадиган юракларнинг ўз йўли бўлармиш. Буни ҳам энди биляпман. Бу йўлни ҳеч ким ўзгартолмайди дейишади. Вақтида отам қилич ҳам солиб кўрган экан бу йўлга...

Қилич!

Ҳу, ана, ўша қиличнинг соф мисда йўғрилган, шода-шода маржон тақилган безакли ғилофи уйим тўрида, раҳматли отамнинг сурати ёнида

осиғлиқ турибди. Қаттол уруш бошланган йили отам тўшакда ана кетди-мана кетди бўлиб ётганида, жангга жўнаётган бир йигитга қилични тутқазиб: “Душманнинг бошига яраб қолар. Ола кет, бўтам!” деган экан. Ғилоф менга ёдгор қолган. Узоқ йиллар онам сандиғида ётган. Яқинда онагинам воқиф этди бундан. Менга қолса, юзта қилич ғилофидан бир китоб муқовасини афзал кўраман. Лекин бу отамдан менга ёдгор, унинг табаррук қўли теккан. Шу табаррук қўл билан битилган бир хат чиқди ғилофдан! Истасангиз, сизга ҳам ўқиб берай...

“...Бўйи етган қиз нурли чироққа ўхшайди: парвонага “талаш” бўлади! Ўша нурли чироқ – Рузвоннинг парвоналаридан бири мен эдим. Қизлар дунёси бир тутам эди назаримда. Бир қизга юз киши оғиз уриб, зўр чиққани илади, дейишарди. Мен ҳам ўша “илувчилар”нинг бири, ўша кунларнинг там-там йигитларидан эдим.

Рузвонни биринчи бор агитарава пештахтасида кўрганман. Ўша пайтлар паранжисини ташлаган хотин-қизлар қизил араваларга ўтириб олиб, кўчама-кўча кезишар, қора чиммат ортидаги заъфаронларни сафларига чорлашарди. Рузвон, бошида шафтоли гули рангида қийиқча, жуда майин, иболи бир товушда куйлаб бораради:

Оличани гуллатган
Баҳорингдан ўргилай...

Овози кўпроқ най товушига ўхшаб кетарди. Уни шу зайлича – қийиқча остидан қиё мўралаб, қўшиқ куйлаётган бир алпозда юракка кўчирганман!

Шу қизнинг илҳақи бўлиб қолдим. Қизи борнинг нози бор, қабилидан бўлди иш. Охири, ўртага бақувватроқ қалин тушди-ю, қуда-кудағайлик бошланди. Ора-чирада қудалар томонга қулоқ туттириб кўраман, қизнинг гирибони чок, суйганим бор деб, кўнмаётганмиш!

Рузвонлар биздан тўрт қишлоқ нари – Баландсойда туришарди. Бу қишлоқ билан бизнинг қишлоқ йигитлари азалдан қирқпичоқ бўлиб келишган. Айтишларича, бир вақтлар Баландсойнинг обрўли хонадонидан тушган келинни бизнинг қишлоқлик куёв иффатсиз чиқди, деб эшакка тескари ўтқазиб, сазойи қилган экан. Шу-шу, икки ўртада катта жанжал туриб, қиз бериб, қиз олиш ғурбатсиз тугамасди. Шундай қишлоқдан қиз суғуриб олаётганимдан, бир томони, фахрланардим.

Бир куни қиттак кайф қилиб, Баландсойнинг оғзи катта йигитларидан бирига катта кетиб, оғзимдан гуллаб қўйибман: “Кўрдингларми, қиз олиш мана бундоқ бўлади!”

Баландсойнинг йигитлари бир оғиз бўлиб, никоҳ кечасини бузадиган бўлишибди. Ишқилиб, тўй ғавғосиз ўтмайдиган. Бунинг ваҳми аллақачон юракка тушган. Ҳаммасидан Рузвоннинг кўнмаётгани иззат-нафсимга кўпроқ тегарди.

– Бу ўжар қизнинг кўзини мошдай қилиб очмасам, номимни бўлак қўяман. Уддабуролигимни билиб қўйсин.

– Гап шу, дедим қавм-қариндошларни йиғиб, – тўйга қиличимни юбораман, келинни ана шу қиличга никоҳлаб келасизлар!

Рузвон шу қилич билан чимилдиққа кирган. Начора, қадимдан қолган удум: қиз қилич билан ёнма-ён қўйилиб, никоҳ қилинган. Келин отга минганида қилич эгарда турган!..

Йўлда... Ҳамма бало йўлда бўлган. Рузвон, йўл бошлаб келаётган кишининг қўлидан жиловни суғуриб олиб, уйимиз томон от чоптиради. Супада эдим, от дукурини эшитиб, чопиб дарвозага чиқдим. Қай кўз билан кўрай: эгарда Рузвон, қўлида қилич! Ўтакам ёрилиб, кўзимнинг пахтаси чиқиб кетди.

– Хонашер, майдонғариб бўлиб чиққан ошиқ сенми?! – деди қилични оёғим остига улоқтириб. – Ол, бир кунингга яраб қолар. Қилич билан муҳаббатни эмас, душманни чопадилар, номард!

Рузвон бирдан от жиловини қўйворди. У ўқдай учиб, кўздан ғойиб бўлди. Эртасига билсам, ўша суйгани уни йўл бўйида кутиб турган экан...

Азиз ўғилгинам, бир кун улғайиб отангнинг бу муҳаббат можаросидан хабар топарсан. Онангга тайинлайман, сени бундан албатта воқиф этади. Шуни билгилки, муҳаббат юзига тепадан туриб қараган одам бир умр уволга қолади. Муҳаббат йўлини тўсиб бўлмайди, бу йўл ришталарига на пичоқ, на қилич кор қилади. Бамисоли сомон йўлидай бу йўл, уни ҳеч ким ўзгартиролмайди!

Ўғилгинам, бу йўлга тушганингда ҳушёр бўл, севишинг мумкин, лекин севилишни унутма. Ўрталарингда юрак баравар ёнсин!”

... Дарвоқе, юрак! Қўлимда таклифнома. Ошиқ-маъшуқ ўрталарида шафақдай ёнаётган юрак...

ТЎЛИН ОЙ

Оташин севганим у – сен эмассан!

М.Лермонтов

“Чўлпонгинам!

Тошкентдан ҳозиргина келиб тушдим. Юракни ўртовчи мана бу хабарни – тўйингни ҳам ҳозиргина эшитдим. Эҳтимол, бу хат энди сенга бориб тегмас. Текканида ҳам қўлларингда ғижимланиб, йўлларингда бамисоли хасдай қолиб кетар. Эҳтимол, ғафлатда қолганимдан мени энди бир умр кечирмассан. Эҳтимол... Йўқ, азизам, чин севги, одатда, мана шунақа пайтларда синовдан ўтади. Иккимизга ҳам синов энди бошланди, чамамда...

Биламан, сенга ҳам қийин. Агар мени десанг, маломат ўқига нишон бўласан. Билган билади, билмаган: “Чўлпон хотин устига тушди”, дейди. Менга ҳам тегадигани шу: “Шерали хотин устига хотин олди”, дейди, иккимизга бир хил маломат, бир хил тақдирни насиб кўрибди. Мана бу гапни бирор китобда ўқиганмидинг: “Пешонангга битилган бир меваки, есанг онанг ўлади, емасанг отанг...”

Чўғ устида турибман. Энди бор умидим сендан: умидим, умиддошим, тилагим, тилакдошим – ўзимнинг Чўлпонгинам!

Хатни Сарвидан бериб юбордим. Жавобига мунтазирман. Эгартепа пастида бўламан.

Шерали”

II

Сарвининг қизил бахмалдан бели бурма қилиб тикилган жужунчасининг чўнтагида Шералининг ана шу хати – муҳаббатномаси бор эди. У Чўлпонларникига шамолдай елиб-югуриб борарди. Қиз бу ерга етиб келганида эса... дугонасининг тўйига тараддуд қизиган эди. Сарви бир четда қотиб анграйиб қолди.

Тўй... Бўркнусха қилиб бежиримгина тикланган синтетик ўтовларнинг қаймоқранг деразалари ланг очиқ, наридан бери тортилган пардалари шабадада енгил ҳилпирайди. Супа ўртасида катта гулхан ёқилган. Нозиккина йигит чирмандани оловга тутяпти. Ҳозиргина туяни чўктириб тушган чўққи соқолли оқинни болалар ўраб олган. Кимдир чолга мулозамат қилиб, ғилофга тортилган дўмбирасини қўлидан олади.

Хизматга бел боғлаганларнинг қўли қўлига тегмайди. Ерўчоқдаги дошқозонга ошпаз пиёз ташлади, жаз-жуз қилиб, ҳиди димоқларни тутиб кетди. Саксовул танасига тортилган ширбозни мўйловдор қассоб чаққон шиляпти. Четдаги каравотда тўрт-беш қария чордана қуриб, чой ичяпти. Ташқарида, деразага тираб қўйилган сунъий қопламали столда “Эфир” приёмниги жаранглаяпти. Қўшиқдан кейин бошловчининг таниш овози янгради: “Қизилқумда қўзилатиш мавсуми тугай деб қолди. “Шофиркон” давлат хўжалигининг бош чўпони Чўлпоной Маматова 700 совлиқнинг ҳар юз бошидан 170 қўзи олишга эришди...”

Хонадан мис самовар кўтариб чиққан Мамат ота супа ўртасида қотиб, қўлидан самоварни тушириб юборди. Уйдаги хотин-халаж қалдирғочлар каби ярим белларигача деразага тизилиб, радиога қулоқ тутишди:

“Чўлпонойнинг мусобақадоши, республика чорвадорлари қурултойининг қатнашчиси, бош чўпон Шерали Арслонбеков ҳам катта ютуқларни...”

Эшиттиришнинг буёғи Мамат отага маъқул тушмади: “Шералига энди бало борми? – дея аччиғи чиқди отанинг. – Уни албатта Чўлпоннинг номига қўшиб мақташ радиодагиларга шунчалик зарур тушибдими? Қўшиб мақтайдиган бўлсанг, куёвим Эрмаматни қўш, ўшани мақта. Ўша куни келиб кетган мухбир боланинг иши бу, гапнинг бир учини эшитган кўринади...”

Шундай бўлса ҳам, қизи ҳақидаги мақтовлар Мамат отани роса элитди. У қувончини ичига сиғдиролмай, хотинини чақирди. Аёли деразага тирсагини қўйиб, ичкаридан товуш берди:

– Ҳа-ю, дадаси...

– Эшитдингми, кампир, қизингни марказдан мақтади. Қизилқум қизи, деди.

– Эшитдим, дадаси, эшитдим. Мана, ўзи ҳам эшитди. Вой, радиога тушган қизимга гиргиттон бўлай!

Ичкаридан онанинг қизини ўпгани, негадир унга дашном бергани ташқарига, ҳамон эшик олдида анграйиб турган Сарвига бемалол эшитилиб турарди:

– Нега йиғлайсан? На қовоғинг очилади, на кўз ёшинг тинади. На илож, қайсар отангнинг қайсарлигига бас келиб бўлармиди, қизим? Опангни шунақа қилиб узатди... Менга ҳам осон дейсанми? Юзим ёнади-ю, ичим шундоқ қурум, дуд. Ахир, тўй устида йиғламоқ увол, қизим... Сен ҳам кул, кул бундоқ!..

Сарви эшик олдида. Унга эътибор берадиганнинг ўзи йўқ, ҳамма ўз иши билан банд. Қиз бирдан ҳушёр тортди, кўзлари ногаҳон чақнаб кетди: наҳотки дугонасининг тўйи шунчалик тез бошланиб, шунчалик тез енг учида ўтиб кетса! Наҳотки чўнтагидаги хат...

Ичкарида қиз йиғлайди, она ўксийди, ташқарида ота қудаларни кутади.

Сарви отилиб ичкари кирди.

Куёвнинг ҳам пойгаси яқин, ҳализамон келиб қолади. Ҳу, ана, йироқ-йироқларда – қир бошида машъала ёнди, куёв келяпти, куёв!

Овул болалари, хотин-халаж куёв йўлига пешвоз чиқди...

III

Пардозхонада фақат Чўлпон билан Сарви қолган эди. Эшикни ичкаридан тамбалаб олгандан кейин Сарви хатни дугонасига берди. Чўлпон табаррук бир нарсани олгандай, хатни кўксига маҳкам босиб, кўзларига суртиб, Сарвига қайтариб берди:

– Ма, ўзинг ўқи... Кўзим тинган, ҳозир ҳарф танимайман...

Сарви хатни ўқиб, ниҳоясига етказганда эшик тақиллади. Кимдир қиқирлаб товуш берди:

– Ҳой, кенг уйнинг келинчаги, ўсмадан бундоқ бизларга ҳам қиттак қолдир...

Бир тўда қизлар ғуж бўлиб, ичкари киришди. Дугоналар келинчакнинг қошларида ўсма, кўзларида сурма эмас, йўқ, ёш, жиққа ёш кўришди!

– Сизлардан яширмайман, дугоналар, – деди Чўлпон қизлар билан қучоқлашиб, ўпишаркан. – Бу хат Шералидан. Ҳозир қурултойдан келибди. Қулоқ солинглар, мана, хатининг охирида нима дебди: "... иккимизга бир хил маломат, бир хил тақдирни насиб кўрибди... пешонангга битилган бир меваки, есанг онанг ўлади, емасанг отанг..." – Рост, на кўниб биламан, на рад этиб. Ахир қачонгача Қизилқум қизлари эски удумлар қурбони бўлади? Қачонгача сукут қиламиз, дугоналар? Мана, отам топган куёв остонамда турибди. Оғзи қулоғида, гўё ундан зўр киши бу дунёда йўқдай. Ахир, у отамнинг менга қўйган баҳосини нақд тўлади. Энди рад этсам, фойдасиз: мен уникиман! Уники! Йўқ, мен бу ноҳақликка ҳеч қачон бўй бермайман. Ҳаммасига – келгинди куёвига ҳам, удумига ҳам тупураман. Севгимга содиқ қоламан. Қочаман, қочаман, қочаман!..

– Қочасан?! – чуввос солишди қизлар. – Қаёққа?

– Қочаман! – деди Чўлпон қалт-қалт титраб. – Эгартепада мени Шерали кутяпти. Барибир мен бормасам, у келади. Унда ғурбат яна катта бўлади. Қочаман...

Чўлпон йиғлаб, юз-кўзларига қўлларини босиб, бошини Сарвининг тиззасига ташлади. Вужуди титрар, худди эси оғиб қолгандай, беихтиёр пичирларди: "Қочаман! Қочаман! Қочаман!!!"

У бирдан ҳушёр тортиб, бошини кўтарди. Кўзларида, юзларида ногаҳоний бир журъат ҳукмрон эди унинг. Жойидан учиб турди.

– Чилдирма чалиб туринглар... Ташқаридагилар ҳозирча хавфсирамаса бўлгани... Хайр, мен кетдим!

Орқа дераза "ширқ" этиб очилиб, "ширқ" этиб ёпилди. Чўлпон ўзини саксовулзорга олди. Чилдирма эса қизлар қўлида "така-тум-так" мақомида тарақларди.

IV

Қизлар "ялла"сини келинни тўйга олиб киргани келган Хомон кайвони бузди.

– Хомон бийи, Чўлпоной ҳозиргина ташқари чиқди, – дейишди қизлар чуғурлашиб, кайвонини ўйинга тушириб. – Чўлпон келгунча бир ўйнаб беринг, жон бийижон...

Чилдирма энди "Келин қочди, ёр-ёр" мақомига ўхшаш бир усулда тарақлар, кампир киприксиз кўзларини сузиб, елка қоқар эди.

Қизлар Хомон кампирни ҳали-бери бўшатадиган эмасдилар, лекин хонага Мамат ота кирди.

– Чўлпон қаерда?! Қаерда у? Қаёққа кетди?!

Овулда тўс-тўполон кўтарилди.

Изламаган жой қолмади. Теварак-атрофга товуш бериб кўришди. Йўқ, Чўлпон топилмади.

Тўйдагиларнинг оғзига хунук бир гап тушиб қолди:

– Келин қочибди...

– Ҳойнаҳой, Шерали билан қочгандир, беномус...

– Шералиси бошга битган бало бўлди, – дерди йиғлагудек бўлиб кампирлар. – Қизларга йўл очилди, энди... Эркак дегани биттасига кўнса-да, уйда нозаниндай хотини турибди-ю...

Тўй тарқади. Йиғлаган ким, кулган ким. Жаҳлга минган куёв оғзидан шоди кириб, боди чиқади. Жўраларини ёнига олиб, дўнгликка чиқди, атрофга аланглади, товуш берди. Шу пайт... Чўлпон Эгартепага етиб борган бўлса керак, Шералининг тулпори чўзиб-чўзиб кишнади. Чўлда синчиликда ном чиқарган Эрмамат тулпор овозини дарров таниб, жўраларига қараб қичқирди:

– Шералининг оти-ку! Эгартепада кишнаяпти... Отимни келтир, отимни келтир, отимни!.. – У қичқирар, гандираклар, қамчи дастасини Эгартепа томон ўқталарди. – Сен қочоқ қизни ерга кирган бўлсанг қулоғингдан, осмонга чиққан бўлсанг оёғингдан сургаб, законний қилиб олиб келмасам, Эрмамат номимни бўлак қўяман! Ҳой, эшитдингларми, халойиқ!

Эрмамат бир сакраб эгарга чўнқаяркан, Мамат отага ўшқирди:

– Агар қизинг топилмаса, қалин пулларимни бурнингдан қуртдай қилиб суғуриб оламан. Билдингми? Чу! Чу!

V

Кутиш...

Кутавериб, Шералининг тоқати тоқ бўлди. Бу хўрликка ҳатто қуёш ҳам чидаёлмай, тинкаси қуриб, Эгартепа бошига мажолсизгина келиб қўнди. Шералининг нақ тепасига бир пой этикдай муаллақ осилиб турган булут увадасига анор суви пуркалгандай бўлди. Шафақ ёниб чиқди. Атрофга аста-секин қоронғилик чўкди.

Шерали Чўлпоннинг йўлларига кўз йиртиб бетоқатланар, папирос чекар, тепага чиқиб, йўлга термилар, яна пастга тушиб, чекарди. Гўё аччиғини папиросдан оларди. Унинг бу ноҳақликдан асаблари бамисли тордай тортилиб, ўзидан-ўзи нохос чалинар, ҳар чалинганида эса қўрқинчли бир садо берарди: “Келмади...Чўлпонинг келолмади. Кут, кутавер, шу ерда бир умр кутсанг ҳам энди келмайди Чўлпонинг... Йигит бўлсанг, ўзинг бор...”

Шерали асаб торларининг садосига ён бериб, узангига энди оёқ қўйганди, тулпор қулоқларини диккайтириб, ер тепиниб кишнади. Узоқдан ниманингдир қораси кўринди. Шерали югуриб унга пешвоз чиқди: Чўлпон! Қиз йигитнинг бағрига отилди. У ҳаллослар, йиғлар, иссиқ оғушда тўхтаб-тўхтаб жилмаяр эди.

– Ҳозир тўй тарқайди, – деди бир маҳал ўзига келиб Чўлпон. – Изимизга тушишди. Бошланг, измингиздаман!

– Кетдик, – деди Шерали қизни кўтариб от сағрисига қўяркан. Ўзи эса бир сакраб эгарга ўрнашди...

Тулпор адир сукунатини бузиб, қаршидаги тепа бошида пардоз-андоз қилаётган тўлин ойга қараб йўл солди. Ой пардоз қутисидан эндигина бош кўтариб, аста-секин ҳаволаниб борарди.

Эй дунё ошиқларининг сирдоши, гўзал ой, бу кеч бунчалар бепарвосан? Сенга талпиниб бораётган мана бу ошиқ-маъшуқларнинг ташвиши наҳот қиттак бўлса ҳам ҳаяжонга солмайди сени?! Ахир, қанақа сирдошсан ўзинг! Булар сенга азалдан таниш-ку! Уларнинг илк бўсаларига ўзинг шоҳид бўлгансан-ку! Шундай дамларда бутун борлиқни бир лаҳза унутганларида, сен қир-адирлар ошиб, уларнинг қўй-қўзиларига қўйчивонлик қилгансан-ку, ахир!

Биласанми, бу қизил дуррачали сирдошинг худди ўзингга тортди, тўлин ой. Сезяпсанми, бу қизнинг кўксида бу кеч сеникига ўхшаган бир ғурур, чўл қизларига ибрат бўларли жасорат, ажиб бир ғулғула бор. Ҳу, ана қара-я, саксовулзор қапталидаги ҳовлида тўй тарқаяпти. Тўйхўрлар хомуш, саросимада. Мамат отани кўряпсанми, қайтариб берадиган қалин пуллари аламига куйиб, соқолини юляпти. Кўрдингми, Эгартепага қараб бир тўда йигитлар от солишди, уларнинг олдидагиси куёв – Эрмамат бўлади. Йилқичи Эрмаматни наҳот танимайсан? Дарвоқе, сен фақат ошиқ-маъшуқларнигина танийсан, ўшаларнигина тан оласан! Шундайми?

Мана, куёв боланинг Чўлпонга етишига икки тепа масофа қолди, холос. Кейин нималар бўлишини сира ўйлайсанми, гўзал ой! Бу кеч бунчалар бепарвосан, тўлин ой?!

VI

Чанқоқлик нималагини Эрмамат чўлда туғилиб, чўлда ўсиб, энди биринчи бор билди. Айниқса, ароқдан роса бўккандан кейинги ташналик унинг вужудини лоҳас қилиб ташлаган эди. У эгарга чўкиб, ҳолсизланиб, тили оғзига сиғмай борарди. “Ароққа қимизни газак қилган аҳмоқнинг ҳоли шу-да!” – деб ўзини-ўзи ичида сўкиб борарди у.

Хаёлида фақат сув ичсам деган фикр айланарди. Қани энди бу яқин ўрталарда ўтовми, қўшми кўрина қолса?

Арслонқирдан ошгандан кейин изма-из елиб келаётган Шомурод мўйлов Эрмаматга етиб олди. Ёнма-ён бораётган отлар терга пишиб, кўпикка ботган. Айниқса, Эрмамат минган жийроннинг ҳоли хароб, хомлигидан бўлса керак, бор куч-қуввати баданидан гўё пар бўлиб чиқаётгандай эди.

– Отни хароб қиласан, – деди Шомурод узангисини унинг узангисига тарақлаб уриб. – Хароб қиласан отни. Ҳозир чўкиб қолади. Тўхтат бир оз. Тўхтат деяпман, Эрмамат!

Шомурод жийроннинг жиловини ёли устидан энгашиб оларкан, от ҳам шунга маҳтал тургандай дарҳол тўхтади. Эрмаматнинг баттар ғаши келиб, Шомуродни қамчи билан савалагудек бир алпозда эгарда қақшаб турарди. Ташналик уни анча сулайтириб қўйган бўлса-да, Шомуроднинг ҳозирги қилиғидан, негадир, уни Шерали билан азалдан тил бириктириб қўйган рақиб ҳисоблади. Унга ташналигидан сир бергиси келмай, ўзини бардам тутишга уринди:

– Жиловни қўйвор, Мўйлов! Дўст бўлиб нега душманнинг ишини қиласан? Менинг изимга шунинг учун тушганмидинг? Шуми сенинг жўрачилигинг?

Мўйлов жийронни имлаб кўрсатди:

– Жўраликка жўраман-у, лекин отга қара, отга...

Жийрондан кўтарилаётган кўпик ва буғ Эрмаматга негадир яна сувни эслатди: кўзи олдида бир пақир сув пайдо бўлиб, томоғи баттар қақраб кетди: “Сув!”

– Отни баҳона қилиб, Шералига ён босаётганинг йўқми, ишқилиб?

– Мен Шералини бирор вақт ҳозиргидек ёмон кўрмагандим, – деди Мўйлов. – Сенга қўшилиб чиққанимнинг сабаби ҳам шу. У билан бир бетма-бет бўлиб, дурустроқ дашном бергим бор. Ахир уйида хотини, суқсурдай боласи туриб-а... Бу қилиғи йигитга иснод!

Эрмамат эгарда ийиб кетиб, қўлини Мўйловнинг елкасига ташлади:

– Менга ҳам алам қиладигани шу, Мўйлов!

– Алам қилади, Эрмамат, – деди Мўйлов чуқур ўксиб. – Чўлда хотинни иккита қилиш отангдан бери келмасин, дегандим. Йўқ, бу офат Шералига ҳам юқди. Менга шуниси алам қиляпти. Лекин биласанми, Эрмамат, Шералига етиб борганда ҳам, ўрталарингда жанжал турмаслиги керак. Сен билан изма-из келаётганимнинг иккинчи сабаби шу. Янги директорнинг табиати анча нозик кўринади, ўрталарингдаги тўполонни эшитиб, чўл йигитларидан ранжиб юрмасин яна.

– Буёғига парво қилма, Мўйлов. Тутсам, шартим шу: отига чаппа ўтқизиб, тўйхонагача сазойи қилиб элтаман! Директор ўшанда ҳам барибир мен томон бўлади. Айтмоқчи, қолганлар қани?

– Келишяпти, – деди Мўйлов. – Уларни кутиш керак, отни алишиб олмасанг бўлмайди. Отинг жуда хом экан.

Эрмамат орқага қараб, ҳеч нарса илғаёлмади, олдинга қаради. Олдинда... қаршисидаги тепа бошида, тўлин ойнинг нақ тагида Шерали минган тулпор худди қора холдай бўлиб кўзга аранг кўринарди. Эрмамат уларни бирдан кўздан йўқотиб қўйди. Тепадан ошгандан кейин ўнгга кетдими, сўлга кетдими, деб ўйларди у. Негадир ўнгга – Сойовулга кетган деган қарорга келди. У Сойовулга ўрталаб чиқмоқчи бўлиб, Мўйловга маслаҳат солди.

Мўйлов узангида тик туриб, уёқ-буёққа аланглаб қаради. Чапда, наридаги дўнглик бошида ниманидир илғагандай бўлди. От суриб борди. Қараса, саксовул ходасини тепаликка қоқиб, бургутнинг қотирилган танасини унга маҳкам боғлаб қўйишипти. Бургут худди тирикдай, тумшуғи билан юқори тарафга имлаб: “Марҳамат, бу томонда ўтов бор!” деяётгандай. Бу белгига Мўйлов дарров тушунди ва Эрмаматни чақириб, унга уқтирди:

– Бургут тумшуғига қараб, ўрталаб тўғри юр, Сойовулга чиқасан. Мен шу ерда кутаман, орқадагилар келиб ўтиб кетишмасин. Ортингдан етиб борамиз.

Эрмамат от суриб кетди. Икки дўнг нарида, ясси бархан пастида қўш деразали синтетик иккита ўтов кўринди. Хоналардан қуйида қудуқ: қудуқ устида икки биқинида тикланган ёғочга движок ўрнатилган. Тасмали мотор

паст қувватда ишлаб, цементланган тоза ҳовузчага бир меъёрда сув қуйяпти. Ҳовузча биқинидан очилган туйнукка нов тиркаб қўйилган: зилол сув новдан шилдираб, янги ўтқазилган ниҳоллар тагига оқяпти.

Сувни кўриб, жийрон кишнаб юборди, ҳовузга талпинди. Эрмамат жиловни бўшатмай, эгардан ўзини “тап” этиб ташлади-да, отининг тизгинини қудуқ чўпига калта илиб, ўзини сувга урди.

Қантарилган от тепинар, кишнар, гижинглар эди. Буни эшитиб, ўтовдан қирқ ёшлар чамасидаги жуссасизгина жувон чиқди. Орқасидан паст-баланд икки бола бир-бирини суриб, ташқари чиқишди-ю, ҳовузга энгашиб турган кишидан ётсираб, эшик кесакисини тутганча остонада анграйиб қолишди. Аёл тўғри йигитга қараб юрди. Эрмамат сувдан бошини кўтариб, лабларини енги билан артиб, унга қаради. Кўзлари бирдан ялт этиб ёнди: онаси – Гулсум!

Гулсум опа Эрмаматнинг иккинчи онаси. Бир вақтлар Эрмаматни туққан онасидан зиёд севарди бу аёл. Ҳали унда Эрмаматнинг мўйлови сабза урмаган, дардчил ва ногирон бола эди. Эндиликда танаси тарвақайлаб кетган бу йигитга жуда кўп оналик меҳри сингган Гулсум опанинг. Ўшанда... Эҳ-ҳе, бу эрка ўғил икки она қўлида тантиқ бўлиб ўсди: унисидан ранжиса бунисининг, бунисидан ранжиса унисининг қўлига қўниб юрди. Йиллар ўтди. Эрмаматнинг ёши улғайди. Ҳарбийга бориб келди... Гулсум опа уни армиядан қайтган куни кўрган: роппа-роса уч йил бўлди. Ўшандан бери Гулсум опадан на отаси хабар олади, на ўзи. Хотиннинг ўзи сўроқлаб борганида эса унга рўйхуш беришмасди. Бунинг сабаби бор: туман қўмитасига ферма мудирларини тасдиқлагани чақиришганди, бюрода икки хотинлик масаласи қўққисдан кўтарилиб қолди-ю, ишдан “урилиб” қайтди. Тош аканинг иккинчи хотин туфайли лавозимидан тушиши Гулсум опанинг бошига битган бало бўлди. Ўшандан бери Гулсум опа эридан ўтган ситамларни ютиб, қақшагани қақшаган...

– Сени қайси шамол учирди, Эрмаматжон? – деди аёл қўлини унинг елкасига қўйиб силаркан. – Вой, болагинамдан ўргилай... Отанг йўқламаса ҳам сен йўқлабсан, бошим осмонга етди, болагинам!

Эрмамат уни ўзидан нари итариб, бир қадам орқага сурилди:

– Сен шу ерда турасанми? Муродқудуқдан нега кўчдинг?

Гулсум опанинг пешонаси тиришди, кўзига ёш олди. Боягина кулиб, чақмоқдай чақнаб турган кўзларида бир лаҳзада ёш халқа урди. Бунчалик тез ўзгаришни – кулиб туриб йиғлашни тақдири хўрланган, алданган, таҳқирланган хотинларгина бажара олса керак. Иккинчи хотин ҳозир худди шу алпозда эди.

– Отанг қарамай қўйди. Қарасам, болаларим чирқиллаб қоладиган... Акамнинг отарларига ёрдамчи чўпон бўлиб ўтдим. Яқинда шу Сойовулга кўчиб келдим.

– Бу ерга отлиқ... бирор киши келмадими?

– Йўқ, – деди аёл, – ҳеч ким келмади.

Эрмамат отга қараб юрган эди. Гулсум опа унинг енгидан маҳкам тутди:

– Қаёққа кетасан? Тунаб кет, болам...

Эрмамат пошнаси баланд этигининг учини узангига қўйди.

– Вақтим зиқ, қўйвор, шошиляпман! Икки қочоқнинг изидан тушганман!

Аёл йиғламсиради:

– Укаларингни бирров кўрмай кетасанми?

Эрмамат индамади, ўзини эгарга олди.

Гулсум опа билдики, “болагинаси” бу ерга қўққисдан келиб қолган, энди бар тутқазмай кетмоқчи. Хотиннинг аччиғи чиқди.

– Даданг асти нима қилмоқчи? Нега болаларга қарамай қўйди?

– Бола керак бўлмаса, отамга элтиб ташла!

– Отанг тарбия қилган боланинг биттаси сенми? Кўрнамаксан! Сенга берган нон-тузим бир кун ёқангдан тутади. Мен болаларимни тишимнинг кири билан ҳам боқаман, хор қилмайман. Лекин энди отанг билан бўлганим-бўлган!

Эрмамат шошиб отга қамчи кўтарганди, Гулсум опа бир қўли билан жиловдан, иккинчиси билан узангидан маҳкам тутди.

– Отангга айтки, ўзимни ҳам, болаларимни ҳам ёқлайдиган йўлни энди топдим! Яна шуни айтиб қўйки... Хай, майли, буёғини директорнинг ўзи айтади ҳали. Отангнинг устидан шикоят ёзганман, билдингми?..

Эрмаматнинг тоқати тоқ бўлиб, сўкиниб, отга устма-уст қамчи урди. Онанинг оёқлари ердан кўтарилиб, отда анчагача сурилиб борди-ю, кейин қўллари узилиб, кўкси билан ерга йиқилди...

...Отни алмаштириб олган Эрмамат Шералининг кетидан от сурди. Мўйлов эса, бориб тўйдагиларни тинчитинглар, деб ширакайф йигитларни қайтарди-да, ўзи Эрмамат билан изма-из елиб кетди.

VII

Рақиблар ўртасидаги масофанинг таноби тортилиб, тобора қисқариб борарди. Бир-бирининг оғушига ғарқ бўлиб, секин от йўрттириб бораётган Шерали билан Чўлпон буни ҳозиргина пайқашди. Чўлпон тулпорга қамчи босди. Шерали ҳар замонда орқага қайрилиб, рақибига разм солиб бораркан, танасида йигитлик ғурури жўш уриб, юрагини ғалати бир ғулғула қитиқларди: “Мард бўлиб номарднинг ишини қиляпман. Қочишни номардларга чиқарган-ку, ахир!”

– Ҳадеб қочаверамизми, Чўлпон? – муштини эгар корсонига тираб, энгашиб сўради йигит.

Чўлпон ярим қайрилиб, оғзини унинг қулоғига тутди:

– Нима хаёлга борганингизни тушуниб турибман. Заруратда қочиш ҳам санъат, деган ўтган қочоқлар...

Шералининг кўнглига бу гап сиғмади. Қовоғини солиб, қизнинг қулоғига яна энгашди:

– Яхшиси, тўхтайлик, муддаосини билайлик-чи, нима дейди?

Чўлпон рад қилди:

– Йўқ, йўқ. Тўхтасак, қочишдан ҳам хунукроқ бир фалокат юз бериши аниқ, – деди у қатъий қилиб. – Кўряпсизми, у қутуриб келяпти. Бунинг устига маст... Бўлак бирор йўлни топиш керак.

Бўлак йўл...

“Масалан, қанақа йўл? – ўйларди Шерали. – Туман маркази яқин бўлсаки, шу боришда тўғри раҳбарга учрасанг. Улар ҳаммаси мени танийди. Қурултойда гапирганимда, туман раҳбарининг ўзи қўлимни сиқиб, “баракалла”, деганди. Марказгача яна уч юз километр бор. Хўжаликнинг янгилиги шу топда белга тепяпти-да, бунинг на маркази, на идораси, на овул кенгаши бор ҳали. Ҳаммасидан ҳам зарури никоҳ қайд этиш идораси экан...”

– Нималарни ўйлаяпсиз? – деди қиз безовталаниб. – Тез бўлинг, бўлак бирор йўл топинг!

Бўлак йўл...

– Масалан, қанақа йўл?

– Тўғри директорникига бориб кирсак-чи? – деди Чўлпон ўзининг фикридан ўзи хаприқиб. – Энг қулайи шу йўл. Мен яқинда ем масаласида келиб кетгандим. Директор Боймурод яйловида туради. Идораси ҳам, ётоғи ҳам бир жойда.

Шералининг бунга бир мойил бўлгиси келди-ю, яна бўйни ёр бермади.

– Борган билан, барибир, директор менга рўйхуш бермайди. Эрмаматнинг аэропортда мен тўғримда айтган гаплари ҳали унинг эсидадир.

– Буёғидан хавотир тортманг, ҳаммасини ўзим тушунтириб бераман унга, – деди Чўлпон Шералига далда бериб.

Йигит тулпорнинг тизгинини директорнинг уйи томон бурди:

– Чу!

VIII

Янги хўжалик, янги директор...

Чорва моллари жамоа хўжаликлари қўлида бўлганида, мана шу уч хонали пачоққина бинони Боймурод яйловида аллақайси бир хўжалик қуриб кетганди. Директор чўлга келган куниёқ бу ерни беш жамоа хўжалиги чорваси негизида ташкил этилган янги давлат хўжалиги марказига чўтлаб, шу уйга шартта кўчиб кирди ва қурилишни тезроқ бошлашни сўраб, туман қурилиш ташкилотларига шошилинч талабнома юборди. Директорнинг ҳозирча ётоқхонаси ҳам, идораси ҳам шу бинода эди.

Шерали билан Чўлпон келиб отдан тушганларида, хонанинг газета тутиб қўйилган юқори деразасидан хира нур сизиб турарди. Шерали шошиб эшикни тақиллатди, тезликда жавоб бўлмагандан кейин ичкарига кирди. Орқасидан Чўлпон ҳам кирди. Директорни уйқу тоза элитган экан, бирдан чўчиб уйғонди. Оёғининг учи тегиб кетиб, диваннинг чарм лўласи тарақлаб полга тушди. Столдаги графиннинг қопқоғи зириллаб кетди, китоб жавонидаги чироқнинг қизил пилиги пирпиради. Директор чойшабни бўйнигача тортиб, тепасида турганларга қалин қошларини кериб: “Нималар бўляпти-а?” дегандай қаради.

Шерали билан Чўлпон унга баравар салом беришди, бемаврид келганлари учун одоб юзасидан узр сўрашди. Шундан кейингина директор ҳушёр тортиб, нималар бўлаётганини тушуниб етди.

– Ҳечқиси йўқ, – деди у жилмайиб – ҳар бир тревогаларни кўрганмизки, сизларники унга урвоқ ҳам бўлмайди. Қани, ўтиринглар. – Чойшабни ён-верига қистириб ёнбошлади-да, ўнг қўлини чаккасига тиради. – Йўл толиқтириб қўйган экан, озгина мизғиб, кейин отарларга чиқмоқчи эдим... Хўш, тинчликми ўзи?

Чўлпон чироқнинг пилигини кўтариб, директорга яқин стул суриб ўтирди.

– Бир ҳисобда тинч ҳам, нотинч ҳам. Буёғи энди сизга боғлиқ, Нор ака...

Ташқарида отларнинг дукури, кишнагани, деразага яқин келганида эса тизгиннинг шарақлагани, отнинг пишиллагани эшитилди. Эрмамат отдан тушибми, тушмайми, болохонадор сўкинди:

– Занғарнинг отини кишанлаб қўй, қочолмасин, Мўйлов!

Мўйловнинг унга қарши гапиргани эшитилди:

– Бас, сўкинма, ишинг тинч битадиган бўлди. Ҳаммасини директорнинг ўзлари бартараф қиладилар.

Эрмамат даҳлизда гандираклади, хона эшигини тополмай деворларни пайпаслади, умивальникка тарақлаб урилди. Шерали эшикни очиб, уни бошлаб кирмоқчи бўлганди, Эрмамат унинг қўлини силтаб ташлади.

– Қўйвор, хотинбоз, занғар!

Хонага ундан олдин қўланса ароқ ва тер ҳиди буруқсаб кирди. Эрмамат остонада не ҳолатда қаққайиб турди-ю, кейин Чўлпонга қараб, аччиқ жилмайди:

– Иҳм, ошиқ-маъшуқлар ҳам шу ерда-ку! Бузоқнинг чопиши сомонхонагача экан-да. Бу ерга адашиб келиб қопсиз, жоним, бу ер ЗАГС хонасимас. Бу табаррук жой, директор Нор ака Зоҳидовнинг уйлари, кабинетлари, ҳа...

Нор ака қаҳр билан Эрмаматни силтаб ташлади. Мўйлов отларни саранжомлаб ичкари кирганида, Эрмамат директорнинг оёғига йиқилиб, зорланарди:

– Нор ака, акажон, – ялиниб-ёлворарди у. – Ахир шу ҳам инсофданми? Қарийб ўзимнинг законний хотиним бўлиб қолган бир қизни ўғирлаб қочиб келса... Шу тўғрими, ахир? Қайси закунда бор бу ноҳақлик? Мен бу қиз учун отасига ўн минг нақд тўлаганман. Не-не умидлар билан бошлаган тўйимни азага айлантириб, Чўлпонни мажбуран олиб қочиб келди бу номард. Мен энди қай юз билан ташқари чиқаман, қай юз билан овулда юраман!..

– Бунинг нимаси мажбурий? – деди Чўлпон нафрат билан Эрмаматга қараркан. – Ўзимнинг хоҳишим... Шералига ўзим қўшилиб келдим. Қалин пулларингизни эса, кимга берган бўлсангиз, бориб ўшандан олинг. Мен мол эмасманки, отам сизга баҳолаб сотса...

Эрмамат бўшашиб, қалтираб, жойидан қўзғалди, кўзларини Чўлпонга бир лаҳза лўқ қилиб турди:

– Иҳм, ҳали шунақами? Ўз хоҳишингиз билан қочдингизми? Хотин устига кенжа хотин бўп тушгингиз келдими ҳали? Қайси закунда бор бу?

– Қайси закунда бор-йўғини бориб отангиздан сўранг, қўшхотинлик ўша кишидан бери келмасин... Сиз гапнинг худойисини эшитиб, бердисига қолганда қаттол кар бўлиб қолибсиз. Ойсулув Шералининг эмас, раҳматли акаси Авазнинг хотини. Билдингизми?

Шундайлигини Эрмаматнинг ўзи ҳам биларди. Лекин бу аччиқ ҳақиқатнинг ҳақиқатлигидан кўра шу топда ёлғонга чиқиши Эрмаматга қўл келарди. Айниқса, директор олдида, қолаверса, унинг "пуштипаноҳи" бўлиб келган Мўйлов олдида...

– Аҳ-ҳа, ундоқ бўлса бундан уч йил олдин никоҳ хутбаси кимнинг номига ўқилган эди? – деди мазах қилиб Эрмамат.

– Хутба? – деди директор ажабланиб. – Нималар деяпсан ўзинг?

Директор Эрмаматнинг гапига эътибор билан қарашидан, у баттар авж олди.

– Арслонбек бобонинг ўлими олдидан бизнинг овуллик Сирож кўса келиб, Шерали билан янгасини бир-бирига никоҳлаб, хутба ўқиб кетган. Ёлғон бўлса, Сирож кўсанинг ўзидан сўранг...

Директорнинг кўзи катта-катта очилди.

– Шерали билан янгасини никоҳлаб? – деди у Шералига қараб. – Наҳотки?

– Рост, – деди Шерали бошини эгиб. – Тўғри айтяпти...

Унинг юрагига ҳозир қулоқ тутган одам мана шу аянчли саргузаштни эшитарди...

...Куз охирлаб, ер совиб қолган бўлса-да, Арслонбек ота ҳамон ташқарида, супа четида тахланган лой сўрида ётиб юрарди. У ҳозир ҳам устига чакмонини тортиб сўрида инқиллаб ётибди. Супага ғира-шира қоронғилик чўккан. Сал нарида тўнтариб қўйилган пақир устида еттинчи чироқ липиллар, атрофга, ярим ёзиғлиқ турган дастурхонга хира нур таратарди. Отасининг оёқ учида мўйлови эндигина сабза урган ўн тўққиз ёшлардаги ўспирин йигит чўкиб ўтирибди.

– Акангни ишқи отда эди... толесиз кўпкарида ҳалок бўлди, – тепага қараб, ҳазин бир товушда дона-дона қилиб гапирарди чол. – Бемаҳал ўлди, хазон бўлди. Бугун-эрта уйининг чироғи ҳам ўчади. Азалдан шундай, ўлган қайтиб тирилмайди. Лекин сен унинг чироғини сўндирмаслигинг керак, чироғим.

– Албатта, отажон, – деди ўғил бетоқатланиб. – Акамнинг чироғини то тирикман, асло сўндирмасман!

Хаста ота инқиллаб жим қолди. Йигит сукут тутди. Янгаси лаганда бешбармоқ келтирди, энгашиб дастурхонга қўйди:

– Ол, инижон, овқат совимасин...

У дастурхоннинг букланган учини ёзиб, қоматини қайта тиклаганида, йигит янгасига жужунчанинг қанчалик тор келиб қолганини, ой куни яқинлашганини пайқади!

Келин кетгач, чол хириллаб сўзида давом этди:

– Аканг уйининг соҳиби бўласан: уйи ҳам, чироғи ҳам, хотини ҳам сеники. Бўлмаса, бу келин ҳаммамизни хароб қилиб, уйимизни шип-шийдам қилиб кетади. Сенга қиладиган оталик насиҳатим ҳам, сўнгги васиятим ҳам шу. Отамнинг кўзи бу дунёдан очиқ кетмасин десанг, айтганимни қиласан, чироғим...

Йигит ўзини ўша тун еру кўкка урди, отасига ялинди, ёлворди, йиғлади. Афсуски, удумчи отанинг удумларига банди бўлиб ўсган овул ўспиринининг ақли, идроки йиғидан бўлакка етмади, етмади, етмади!!

Ўша кеч уч-тўрт қари-қартанг бўлиб, ўртага бир коса сув қўйиб, акасининг хотини Ойсулувни Шералига никоҳлаб беришди. Бу хабар бирпасда овулдан овулга ўтиб, бутун чўлга тарқади.

Шерали қари-қартангларнинг қистови билан бир вақтлар акаси босган ҳалол остонани босиб, тилсиз, шуурсиз бўлиб ичкари кирди. Янгаси уй тўрида, йиғлаб ўтирарди. Шералини кўриб, қора шол рўмолини юзигача ўраб, жойидан турди:

– Тўрга ўт, иним...

Шерали хона ўртасида гуриллаб ёнаётган гулханга яқин келиб, пўстакка чўкди.

– Янга, яқинроқ келиб ўтир, – деди йигит инграган бир товушда. – Оловга яқинроқ ўтир, сенга муҳим бир гапим бор.

Ойсулув гулханга жилиброқ ўтирди.

– Акамнинг дафн этилганига неча ой бўлди? – оғир сукутда сўради йигит. – Неча ой, дейсан? Беш ой? Эҳ-ҳе, беш ой бўпти-ю, лекин ўзи худди кечагидай кўз олдимда турибди. Сен пиширган бешбармоқни ким кўп еярга баҳслашиб, иккимиз паққос тушираётгандай, шундоққина назаримдан нари кетмайди.

– Менга ҳам шундай, инижон.

Ойсулув оғзини ўраб, пиқ этиб йиғлади, икки томчи ёш оловда йилтиллаб, этагига тушди. Гулхандаги қора қумғон бу кулфатдан гўё хўрлиги келиб, Ойсулувнинг йиғисига тақлид қилиб биқирлади, тошди.

– Биласанми, янга, – деди Шерали қумғонни бир четга олиб қўяркан, – бундоқ ўйлаб кўрсам, отам эл олдида, акамнинг тирик руҳи олдида, қолаверса, унинг арвоҳи олдида иккимизни ҳам бадном, юзимизни қора қилибди. Ахир, бир қориндан талашиб чиққан акамнинг ҳалол остонасини нопок қилиш, унинг жуфти ҳалолига оғиз уришдан кўра қаттол гуноҳ бўладими? Бу гуноҳ учун бизни ҳеч ким кечирмайди. Кел, янга, бу бебош инингга сен азалий янга бўлиб қол. Опамга, раҳматли онамга қарашгандай сенга қарашай, сени эъзозлай, бўлажак фарзандингни бир умр бошимга кўтариб юрай. Мана бу гулхан негадир менга акамнинг юрагини эслатяпти. Иш деганда, ишқ деганда, исмингни эшитганида унинг юраги ана шундай алангаланарди. Кел, шу юрак олдида иккимиз баравар қасам ичайлик!

Тонгга яқин чолнинг хириллаши зўрайди. Эрталаб Шералининг қўлида жон узди...

Шу-шу, Ойсулув билан Шерали икки уйда алоҳида-алоҳида туришар, опа-инидай бўлиб яшашарди. Бу орада Ойсулувнинг кўзи ёриб, иккисига ҳам

эрмак топилди. Уч йилдирки, Шерали жияни Авазжонга (болага атайин аканинг исмини қўйдирганди) гиргиттон. Бола ҳам худди отасига тортган-қўйган, шундоққина олов. Амакисини кўрди дегунча, “от” қилиб, бўйнига миниб олади...

Айтмоқчи, бир ҳисобда Шералига хотин тараддуд қилган, Чўлпонга бор ҳақиқатни айтиб, уни Шералига танитган ҳам шу янгаси – Ойсулув бўлади!...

– Айб ўзимда, отамнинг олдида журъатсизлик қилганман ўшанда! – деди Шерали ўзини йиғидан зўрға тутиб. – Бизнинг поклигимизни билган билади, билмаган Эрмаматдай оғзидан сасиб юради...

Эрмаматнинг директорга кўндаланг қилган “хутба” масаласи ҳам қўр олмади. Нима қиларини билмай, ўзини директорнинг оёғига ташламоқчи бўлганди, директор тирсагидан тутиб, уни турғизиб қўйди.

– Йигитмисан ўзинг, тур ўрнингдан!

Эрмамат бўкириб юборди.

– Энди менинг яшашга ҳаққим йўқ. Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Нор акажон, ўн минг сўм пул менинг нақ юрагим тўридан суғурилиб чиққан. Агар пулларимни беимон Мамат чолдан тўлиқ ундириб бермасангиз, ўзимни осаман, худди ана шу уйингиз шифтига законний қилиб осаман. Мен учун жавобгар бўлиб кетасиз, Нор ака!

Директор хомуш жилмайди. Чўлпон Шералини ниқтаб кулди. Мўйлов ғижиниб, муштини тугди.

– Мен ҳам бекордан-бекор жавобгар бўлишдан қўрқаман, – деди Нор ака ҳамон ўша хомуш жилмайишда давом этиб. – Бу масалани, ўзинг айтмоқчи, законний ҳал қиламиз. Тур энди, ташқари чиқиб, бир шамоллаб кел! Ана, пақирда сув бор, олиб чиқ. Совуқ сув яхши, бошингдан қуйсанг, ҳушёрхонанинг кераги бўлмайди, бирпасда очилиб кетасан. Чўлпоной, чироқни олиб, тўрдаги уйга ўтинглар, мен кийиниб олай. Айтмоқчи, Шерали, сен чиқиб, Эрмаматга сув қуйиб тур. Шомурод мўйлов, сен ҳам қарашвор...

Чўлпон чироқни олиб, тўрдаги уйга ўтди. Чоғроққина хона, ўртада йўл-йўл клеёнка тўшалган думалоқ стол. Қиз қўлидаги чироққа жой ахтарди, стол четида буклоғлиқ турган қоғозни чироқ остига суриб қўймоқчи бўлганди, варақнинг ичига кўзи тушди: ариза.

“Шофиркон” совхози директорига, Сойовулдаги 2-сон ферманинг ёрдамчи чўпони Собирова Гулсум томонидан

АРИЗА

Ушбуни ёзиб билдираманки, эрим Собиров Тош мени ва икки боламни хўрлаб, ташлаб кетди. Бир йилдан бери болаларимга ҳеч қандай нафақа тўламайди...”

... Бировнинг номига битилган хатни ўқиш, умуман, одоб юзасидан бўлмаса ҳам, Чўлпон ўзини ўқишдан сира тиёлмасди. Аризанинг ўрталарига шундоқ тез кўз югуртириб ўтиб, охирида бир оз тўхталди:

“...Болаларимга тегишли ҳақ ундириб беришингизни ва эримга чора кўришингизни илтимос қилиб сўрайман.

Собирова”

“Мен бир вақтлар шу ҳақда гап очганимда, эрининг ёнини олганди, – эслади Чўлпон. – Бугун бўлмаса, эртага келади, хотин деган бардошли бўлиши керак, деганди. Бечора хотиннинг жонидан ўтибди”.

Аризанинг пастида, қоғознинг бўш жойида директор кўк рангда қия қилиб ёзиб қўйганди:

“1. Болаларга алимент ундириб бериш!

2. Тош аканинг хулқ-атвори масаласи!

3. Ўзингизни кўпам мусичаи беозор қилиб кўрсатманг, Гулсумхон! Хотин устига тушаётганингизда кўзингиз очиқ эдими ўзи?!”

Чўлпон чуқур хаёлга ботиб, қоғозни буклаб жойига қўйди. Масаланинг Гулсум опага тегишли томонини Чўлпон шу кунгача ўйлаб кўрмаган экан. Директор битган қия сатрларни энди овоз чиқариб такрорларди:

“Хотин устига тушаётганингизда кўзингиз очиқ эдими ўзи?!”

Қизнинг қошлари чимирилиб кетди: “Директор ҳақ, иккиси ҳам гуноҳкор, иккиси ҳам жазога баравар лойиқ!”

Осма соат тўққизга жом урди. Чўлпон ялт этиб унга қаради. Олдин эътибор бермаган экан, худди ўзининг соатига ўхшайди, капгири ҳам сариқ. Фарқи шундаки, соатининг капгирига ойга қўндирилган вимпелнинг расми ёпиштирилган, бунда эса... қандайдир бир аёлнинг сурати! Чўлпон унга маҳлиё бўлиб қолди: сурат бир лаҳза тиним билмайди, қаёққадир шошилаётгандай, жонли, ёрқин. Капгир бамисоли камалакдан тўқилган беланчакдай уни тинимсиз аллалайди. “Хотини бўлса керак, – ўйлади Чўлпон, – кўҳликкина бўлган экан, раҳматли”.

Чўлпон директор ва унинг хотини ҳақида чўлга тарқаган гапларни эслади. Нор ака Зарафшон бўйидаги хўжаликларнинг бирида масъул вазифаларда ишлаган. Бечора эр-хотин йигирма йил фарзандга зор бўлиб яшашади. Кўрмай-кўрмай, Нор ака қирқ беш ёшида фарзанд кўрадиган бўлиб, хотини доктордан ҳомиладорлик таътили учун маълумотнома олиб қайтаётганида... сувга ғарқ бўлган болани қутқараман деб, дарёга чўкиб ҳалок бўлади.

“Хотинини соғинганида Нор ака келиб шу капгирга қараса керак, – яна хаёлидан ўтказди Чўлпон. Тавба, шу эркакларга ҳам тушуниб бўлмайди... Бири хотинини ер билан битта қилиб, иззат-ҳурматини топтаб юрибди. Иккита сухсурдай боласи ота йўлида интизор, отани қўмсайди... Наҳотки, Тош аканинг қалбида юрак ўрнида тош битган бўлса?! Қизиқ, Нор ака бунинг акси, боланинг тирноғига зор, раҳматли хотинининг оёғи гардини кўзига тўтиё қилиб суртгудай! Ҳамон унинг хотираси билан яшайди... Қаранг, ҳеч ким буни сурат демайди, худди тирикдай. Раҳматли қаёққадир шошилиб кетаётганга ўхшайди... Шералиникига бориб тушган куним соатининг капгирига, албатта Аваз аканинг суратини ёпиштириб қўяман. Акасининг руҳи ёришиб, Шералининг отасига қилган журъатсизлигини зора кечирса!..”

Хонага Нор ака кирди. Чўлпонни чулғаган хаёллар тарқади.

– Чўлпоной, қизим, – деди директор ўтираётиб, хушнуд жилмаяркан. – Чўл мени қаттиқ ларзага солиб қўйди. Келганимдан бери ишни нимадан бошлашни билмай юраман. Мана энди калаванинг учини топдим: ишни

одамлардан, уларнинг турмушидан, маъракасидан, сенларнинг эрта-индин ўтадиган тўйларингдан бошлайман. Биласанми, Чўлпоной, эртага хўжалик фаолларининг катта йиғини бўлади. Мажлисда худди шу масалаларни кўндаланг қўяман!

IX

Эрмамат пақирни ташқари олиб чиққанди, эшик ёнида кутиб турган Мўйлов унга танбеҳ берди:

– Ҳе, одам бўлмай ўл! Одам ҳам шунчалик паст кетадими?!

Эрмамат қўрқиб талмовсиради, пақирни зинага қўйди.

– Нима қилдим? Нега бунча ўшқирасан, Мўйлов?

Мўйлов баттар дўғайди:

– Бундан ортиқ нима қилардинг? Ўзингни пул учун фақат осишинг қолди. – Мўйлов сал нарида пишқириб турган отининг жиловини югуриб бориб олди-да, Эрмаматга қараб отди. – Ма, ол, умрингда сен ҳам бир тантилик қилиб, сўзинг устидан бундоқ чиқ. Номига бўлса ҳам, директорнинг кўзи учун ўзингни бир ос. Чўл йигитларининг бирсўзлилигини Нор ака бир билиб қўйсин. Қўрқма, ўзим ҳай-ҳайлаб, бўйнингдан тасмани суғуриб оламан!

Эрмамат тизгинни Мўйловнинг қўлига илиб, жилмайди.

– Оссам осаверардим-у, кейин директорга гап тегадими, деб қўрқаман-да...

Эрмаматнинг директор оёғига йиқилиб, шунча йиғи, зорланишларидан кейин ҳаёсизларча кулиши Мўйловнинг баттар ғашига тегди, у қайта тиккайди.

– Директорга келадиган балога ўзим кўндаланг бўламан, қўрқма! Аҳ-ҳ, бунчалик пастлигингни билганимдами! Ахир, қувиб келишдан муддаонг қалин пулини ундириш экан, директорнинг олдида тиз чўккунча, шуни тўйхонада айтмайсанми, Мамат бобонинг бурнидан қуртдай қилиб суғуриб олиб берардик! – Мўйлов ғижиниб унга ўқталганди, ичкаридан чиққан Шерали Эрмаматнинг жонига ора кирди. Мўйлов Шералининг елкасидан қучди.

– Чўлпон можароси туфайли сени қанчалик ёмон кўриб юрган бўлсам, ҳозир шунчалик яхши кўриб қолдим. Мени кечир, Шерали!

Эрмамат бўйнини тортиб, каловланиб, зинадан тушиб кетди. “Тамом, – ўйлади у бирдан ваҳимага тушиб. – Мўйлов ҳам сотилди. Энди булар бир тил бўлиб, директорга ёмонлаб, пўстагимни қоқишади...”

Пақирни кўтариб, Шерали унинг орқасидан югурганди, улгуролмади. Эрмамат бир сакраб отга минди-да, устма-уст қамчи босди. От келган изидан ўқдай учиб кетди.

От дукурини эшитиб, ичкаридан Чўлпон билан директор чиқди. Мўйлов Эрмаматнинг кетидан анграйиб, пақир кўтариб турган Шералига қараб қичқирди:

– Қайнатангдан қалин пулини ундиргани кетди чоғи!

Эрмамат олис-олисларда худди қора нуқтадай бўлиб кўзга аранг чалинарди. Директор у кўздан ғойиб бўлгунча қалин қошларини кериб, тин олмай қараб турди: “Қайсар! Қуш уясида кўрганини қиларкан-да...”

Нор ака анчадан кейин хомуш тортиб, Чўлпон билан Шералига қаради.

– Энди йўлга тушсак бўлар. Бориб, тўйдагиларни тинчитиш керак. Кетдик.

Отланишди.

Чўлда баҳор қулф урган. Салқин шабада уфуряпти. Саксовул бутоғида мусича уйқусираб ғулғулайди. Кўк билан битта бўлиб турналар ғут-ғутлаб ўтади. Тепада тўлин ой, нақ Чўлпон билан Шералининг тепасида осилиб турибди.

Эй дунё ошиқларининг сирдоши, тўлин ой, мана бу ошиқ-маъшуқларни ҳар қанча қутласанг арзийди. Биласанми, бу қизил дуррачали сирдошинг худди ўзингга тортди. Бу Қизилқум қизининг кўксида бу кеч сеникига ўхшаган бир ғурур, чўл қизларига ибрат бўларли жасорат, ажиб бир ғулғула бор. Қутла уни, тўлин ой!

ОЛДИНДА НУР БОР

Ҳаворанг “Жигули” осмонўпар бино ёнига келиб тўхтади ва қўнғизга ўхшаб “жик-жик” этиб сигнал берди. Иккинчи қаватдаги ҳарир парда сурилиб, деразанинг бир табақаси очилди. Жувон дераза ромига тирсагини қўйиб, пастга – машинага қаради. Таниди. Қувониб кетди. Бу орада машина яна “жик” этиб сигнал берди. Жувон бу овозни: “Пастга туш, сени кутяпман”, деган маънода тушунди-да, кўйлакчан югуриб тушди. Аммо машина таниш бўлгани билан рулда Рўзиев эмас, бегона бир йигит ўтирар эди. Жувон бу йигитни қаердадир кўрганди, лекин ҳозир эслаёлмади. Ҳафсаласи пир бўлиб, ҳуркиброқ тўхтади.

– Мен Рўзиев акамларми, деб...

Йигит машина ойнагидан бошини чиқарди.

– Машина танишдир сизга! – деди илжайиб. – Бу ерда фақат мен бегонаман. Бир ҳисобда унча бегонамасман, Бону. Ана кўрдингизми, исмингизни ҳам биламан. Рўзиев акам ҳолу жонимга қўймай, машина калитини шундоқ қўлимга тутқаздилар-у... Айтмоқчи, мана бу калитни танигандирсиз? – Йигит “олтин балиқча” осилган калитни машинадан суғуриб, жувонга кўрсатди. – Худди эртакдаги олтин балиққа ўхшайди-я. Бай-бай! Ҳолу жонимга қўймай калитни шундоқ қўлимга тутқаздилар-у: “Бир шаҳар тушиб чиққин. Бугун ошнинг масаллиғи сенинг гарданингда, бозор қип келасан. Йўлакай бизнинг Бонуни ҳам машинага ўтқазиб, Шаршара бошидаги меҳмонхонага ола кел”, дедилар. Мана, камина хизматингизга шай.

Жувон таажжубга тушди:

– Ўзлари нега келмадилар?

– Э, нимасини сўрайсиз, Бону, – деди товушига ташвиш оҳанги бериб йигит. – Хўжаликни ревизор босган. Уч кундан бери Рўзиев акамни кўз очиргани қўйишмаяпти.

Жувон яна ҳайрон бўлди:

– Хўш, Шаршара бошида мен нима қиларканман?

– Ҳамма гап шунда-да, Бону, – деди йигит машина эшигидан тирсагини чиқариб куларкан. – Ревизорларни Шаршара бошига элтиб зиёфат қилармишлар. Бозорга тушиб чиқдим, масаллиқ тайёр. Сиз қулинг ўргилсин битта ош қип бераркансиз, вассалом!

Жувонда иккиланиш аломати шундоқ барқ уриб турар, йигит уни зимдан кузатиб, ишонтиришга, ўзини Рўзиевнинг дастёри эканлигини исботлашга тиришар, машинага ўтқазиб, тезроқ шаҳардан олиб чиқиб кетишга ҳаракат қиларди.

– Аслида совхозда вазифам экспедиторлик бўлса-да, мени бемалол Рўзиевнинг дастёри десангиз ҳам, югурдаги десангиз ҳам бўлади. Рўзиев акам ҳолу жонимга қўймай калитни шундоқ қўлимга тутқаздилар-у...

“Югурдак” сўзидан кейин жувоннинг лабига хиёл табассум югурди:

– Қандоқ бўларкин, бир томони кеч бўлиб қолди...

– Биласиз-ку, Бону, бу бир кўнгил иши-да, – деди йигит гапнинг бу ёғини яна қизиқчиликка олиб. – Калитни шундоқ қўлимга тутқаздилар-у... Пастда туриб “жик-жик”этиб сигнал берсанг, Бонунинг ўзи югуриб тушади, дедилар.

Жувонда йигитнинг гапига кўниш, тайинланган жойга бориш майли кучайиб борарди: “Уч кундан бери бедарак бўп кетди, – ўйларди жувон. – Боришимга шунчалик зарурат туғилмаган бўлса, еру кўкка ишонмайдиган машинасини шу югурдагига бериб юборармиди?”

Жувон изига қайтаркан:

– Бир оз кутинг, кийиниб чиқай... – деди.

Бону бир лаҳзадан кейин уйдан яшнаб чиқди. Уни табиат ҳусн-тароватда бир мўъжиза қилиб яратган: кўйлак остидан бўртиб турган кўкраги, хушбичим қомати гўё гўзалликка андозани мендан олинглар, деяётгандай эди.

Йигит тамшаниб қўйди, “қилт” этиб ютинди. Бонуга илтифот кўрсатган бўлиб, олдинги эшикни очди, лекин жувон машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди. У қачон шу машинага тушса, албатта шу ерда ўтирарди: орқа ойна олдига бир-бирига юзма-юз қилиб қўйилган поролон филчаларнинг хартумини осилтириб, бош силкишларидан завқланарди. Ҳозир ҳам филчалар гўё уни таниб, салом бераётгандай бош силкишди.

Машина шитоб билан жойидан қўзғалди. Шаҳардан чиқаверишда йигит гапни нимадан бошлашни билмай:

– Мени танидингизми, Бону? – деди қўққисдан. – Ҳу-у, эсингиздами, тўйда?..

Бону эслаёлмади.

– Номусулмон кўзларингдан дод, деб дод солганим, сизга пул ёпиштирмоқчи бўлиб...

Бону “ялт” этиб қаради:

– Ўша сизмидингиз?

– Ҳа.

– Ўшанда номусларга ўлдиргандингиз...

Анчагача жим кетишди. Иккиси икки хаёл билан банд эди. Бону ўша кунни, ўша воқеани эслашни мутлақо истамасди: “Йигит деган ҳам шунчалик сўхтаси совуқ бўладими? Энди бора-боргунча кечирим сўраб безор қилар...”

Лекин йигит ундай қилмади.

– Боя эшикни очганимда, нега олдинги ўриндиққа ўтирмадингиз? – деди Бонуга қайрилиб, гинали овозда. – Нима, мен бўримидим, сизни еб қўярдим? Камина қўйдай ювош, қўзидай фақир. Шунинг учун фамилиямиз Қўзиев. Ўзим ҳалимдаккина мулойим бўлганим учун исмимни ҳам Ҳалим қўйишган. Мендан хавотир олманг, Бону.

– Йўқ, нега энди хавотир олай, Рўзиевнинг ишончли одами бўлсангиз, бунинг устига боя югурдагиман дедингиз...

– Мазах қилманг, – деди йигитнинг қош-қовоғи солиниб. – Мен сизга эшик очсам-у...

Йигитнинг авзойи бирдан ўзгарганини кўриб, Бону шошиб қолди:

– Ранжитган бўлсам, кечиринг, Ҳалимжон. Шу ўтирган жойим маъқул.

– Нимаси маъқул экан, – деди Ҳалимжон яна гапни айлантириб. – Сиз ўтирадиган жой орқа ўриндиқ эмас... Сиз ўтирадиган жой мана бу ерда – менинг ёнгинамда. Истасангиз, тиззагинамнинг устида, кафтгинамда, елкагинамда!.. Эшитяпсизми, Бону?

– Ие-ие, – деди Бону саросимага тушиб, – сиз артистлик қиляпсизми ёки... Агар артистлик қилаётган бўлсангиз, сизга ярашмас экан!

Машинанинг тезлиги сусайди.

– Хў-ў-шш, артистлик кимга ярашади? Ўртоқ Рўзиевгами? – деди Ҳалимжон орқасига кескин ўгирилиб, жувон томон чўзиларкан. – Кимга ярашади, хў-ў-ш..

Бону йигитнинг пишиллаган иссиқ нафасини нақ димоғи устида ҳис этди, сесканиб кетди.

– Ҳаёт гўё улкан бир саҳна-ю, Рўзиев деганингиз бамисоли сохта бир ошиқ ролини қотириб ўйнаётган артист: қишлоқда бир хотин, шаҳарда бир хотин – шаҳардагисини қишлоқдагиси билмайди, қишлоқдагисини шаҳардагиси билмайди! Ё тавба, – деди Ҳалимжон палағда товушда яна кесатиб, – сиз, содда аёллар, кимки икки оғиз рафторини келтириб мақтаса, эриб кетаверасизлар!..

Йигитнинг важоҳати, ҳаракати, гаплари Бонуга қандайдир қўрқинчли ғулу солмоқда эди. Бонунинг юраги бирдан хаприқиб кетди:

– Машинани тўхтатинг! – деди жаҳл билан. – Мени қаёққа элтяпсиз? Машинани тўхтатинг, деяпман!

Бу пайт машина чароғон шаҳарни ортда қолдириб, катта асфальт йўлдан ўнқир-чўнқир, номаълум йўлга тушиб олган эди...

Олдинда бепоён дашт ястаниб ётар, қуёш ботган, ғира-шира қоронғилик чўкмоқда эди. Йўлнинг икки четида сувсизликдан қовжираган ёвшан

туплари, “салласи” тўкилиб, боши тақир бўлиб қолган кавраклар чироқ ёруғида яккам-дуккам кўзга ташланар, баъзан йўлни юмронқозиқ, калтакесакка ўхшаш жонсарак жониворлар шитоб билан кесиб ўтарди.

Бону шу топда ўзини шунчалар ғариб, нотавон сездики, додлаб юборгиси келди. Лекин томоғи бўғилган, товуши чиқмас, титрарди:

– Тўх-та-тинг-г... – деди нафаси тиқилиб. – М-мен тушиб қоламан...

Машина тезлиги бир оз пасайди. Лекин Бону бундоқ ўйлаб кўрса, машинанинг тўхтаганидан юриб тургани дуруст. Шу топда тўхташ, ахир бу нобакор йигитнинг муддаога ўтишига имкон бермайдими? Бону хаёл оғушида бирдан ҳушёр тортди:

– Менга қаранг, Ҳалимжон, шайтонга ҳай беринг-у, ортга қайтинг, – деди ялиниб. – Рўзиев акам сизга ишониб машинасини берган, сизга ишониб юмуш буюрган... Кейин қайси кўз билан қарайсиз у кишига?

– Ўз кўзим билан-да, Бону! Нима, менинг кўзимга чипқон чиққанми? – деди Ҳалимжон бепарво кулиб. – Иҳ-ҳи-ҳи! Акам буюрган юмуш биласизми нима? Масаллиқ!... Ўша масаллиқ, мана, сиз-да! Ҳа-ҳа-ҳа!

– Менга қаранг, Ҳалимжон, – деди Бонунинг асаблари таранг тортилиб, – яхшиликча қайтинг!

– Хавотир олманг, Бону, бу ёққа чиққанингизни Рўзиев билмайди. Ишонинг, худо урсин, машинасини ўғирлаб чиққанман.

Жувон сесканиб кетди:

– Ўғирлаб?!

– Ҳа! Машина идора ёнида, садарайҳон остида эди. Рўзиев ревизор билан юк машинасига тушиб, чўлдаги фермага жўнаётганида: “Директорнинг шофёри келса, машинамнинг у ёқ-бу ёғига қараб қўйсин”, деб калитни қоровулга бериб кетибди. Қоровул денг, овсар, савдойи. Калитни унинг қўлида кўрдим-у, лоп этиб хаёлимга сиз тушдингиз, Бону...

Бону алданганини билиб, инграб юборди:

– Тў-ў-х-татинг!..

Йигит хиралик қилишга ўтди.

– Торт қўлингни, беҳаё!

Машина йўлдан четга чиқиб тўхтади. Жувон йигитга бўйни аралаш бирдан чанг солди, манглайини рулга маҳкам тиради ва бор кучи билан титраб-қақшаб бўға бошлади.

– Барибир муддаонгга етолмайсан. Шуни билиб қўй, номард!

Йигит жувоннинг қўлидан юлқиниб чиқаман, деб бошини машинанинг олдинги ойнасига уриб олди, ияги руль чамбарагига тиқилиб қолди. У типирчилар, хириллар, сўкинар эди. Ҳар типирчилаганида, машина сигнали беихтиёр босилиб, “жик-жик” этиб кетарди. Йигитнинг ялинишдан бўлак чораси қолмади:

– Қ-қўйворинг, Бо-о-ну... Ўлдириб қў-ўясиз-ку...

Жувоннинг асаби чидамади, хўрлик хуружи устун келди: “Шунчалик толеим қора, омадсизманми? Энди лабим муҳаббат жомига текканида бурним қонайди!”

У қўлини тортиб, йиғлаб юборди.

Ҳалимжон энтикиб, чуқур нафас олди-да:

– Қўлингиз намунча қаттиқ, – деди бўйнини силай-силай, машина ичидаги чироқчани ёқар экан: – Йиғламанг, Бону. Мен йиғлашим ўрнига нега сиз йиғлайсиз? Бўғган сиз-ку! Сизни ҳамиша ипакдай, бамисоли момақаймоқдай, деб тасаввур этардим. Бай-бай, панжаларингиз тош-метин!

Бону нам кўзлари билан хира ёруғда йигитга узоқ унсиз қадалиб турди:

– Сиз ҳали аёл зотининг на қаҳрини биласиз, на меҳрини. Алданган, таҳқирланган, янглишган аёлга бундан олдин рўпара келмаганга ўхшайсиз...

Бону ана шунақа аёл эди: алданган, янглишган... У бир ҳисобда кун кўрмай, ўгай онанинг қўлида ўсди, бемеҳр онанинг қарғишини эшитиб-эшитиб улғайди. Ўнинчи синфни тугатганида, бирдан кўзга ташланиб қолди. У маҳаллада бамисоли қоронғида ёқиб қўйилган чироқ эди: парвонага талаш бўлди – кўрган йигит маҳлиё, эшитган илҳақ!

Ўгай она бир қариндошига унаштириб қўйган эди. Бону бўй бермай, ҳовлидан чиқиб кетди. Техникумга кирди. Ишга ёшлар қўмитаси аралашди-ю, қиз ўгай она панжасидан зўрға қутулди. Она техникум ҳовлисида ер муштлаб, қизни “оқ” қилди.

Бону техникумнинг бир ўқитувчисига турмушга чиқди. Тўйдан бир ойча ўтар-ўтмас, эри машинасини симёғочга уриб, ҳалок бўлди. Буни эшитган ўгай она кўзига ёш олиб, Бонунинг остонасида пайдо бўлди, ҳовлига дод солиб кирди:

– Яхши кунларинг ўзингга сийлов, ҳеч бўлмаса ёмон кунингни баҳам кўрайин, жигарим!

Онасини кўриб, Бонунинг кўнглидаги муз эриди, уни қучиб йиғлади. Ўгай она куёвнинг қирқи ўтмай, уйни ва пачоқ машинани сотиб, қизни мерос-пероси билан қўшиб уйига кўчириб кетди.

Бону алданган эди. Ўгай она кун бермади. Уч хотиндан бева қолган бир эркакка, деб Бонуга оғиз урганди, у уйдан бира тўла бош олиб кетди. Сожида деган дугонасиникига жойлашди. На ўқишнинг, на ишнинг тайини бор эди. Дугонаси шаҳар маданият уйида раққоса эди, ора-сира отарчиликка ҳам чиқиб турарди. Бир куни Бонуни ҳам ҳоли жонига қўймай қишлоққа, тўйга олиб кетди. Аслида кўнгил ёзиб, томоша қилгани келган Бону давра қизиб кетгандан кейин Сожиданинг қистови билан бир-икки навбат рақсга тушди. У “Муножот”га тушганида, тўйда бўлди қий-чув, бўлди қарсак. Лекин бу олқишдан кўра маст-аласт кимсаларнинг бетартиб қийқириғи эди. Шу пайт ҳирсдай бир йигит гандираклаб ўртага чиқди. У Бонуга пиёлада май тутиб хитоб қилди:

– Дод, номусулмон кўзларингдан дод!...

Тўйхонада қийқириқ кўтарилди. Йигит каловланиб, чўнтагини ковлади, афтидан, Бонунинг чаккасига пул қистирмоқчи эди. Бону унинг муддаосини сезиб, қўл силтади, жеркиди ва ўйинни чала ташлаб, жойига бориб ўтирди. Унинг юзи, танаси лов-лов ёнарди: “Шарманда бўлдим. Мени отарчи хаёл қилди чоғи...”

Бонунинг шу топда қанчалик хижолат бўлганини фақат бир киши – тўйни бошқариб турган, оқиш юзли, қоп-қора мўйлови ҳуснини чандон очиб

турган, ўттиз бешлардан ошиб қолган Рўзиев деган йигит аниқ тасаввур этиб турарди. У пул қистирмоқчи бўлган йигитни секин имлади-да, қулоғига алланималар деб шивирлади. Йигит ўсал бўлди, бошини осилтириб, даврадан чиқиб кетди.

Рўзиев Бонуни хижолатдан чиқаришга, унинг кўнглини олишга ҳаракат қилар, гоҳ чой қуйиб берар, гоҳ пиёлада анор сиқиб узатарди. Бону зимдан суриштириб билса, бу аломат йигит хўжалик бош ҳисобчиси Аломат Рўзиев экан. Жувоннинг кўнглидан ўтган биринчи гап шу бўлди: “Бунча истараси иссиқ бўлмаса?..”

Тўй тугади. Отарчилар шаҳарга қайтмоқчи бўлиб, тараддудга тушишганди, Рўзиев: “Шофёрларинг маст, учиб қолибди. Йўлда бир кори ҳол бўлмасин”, деб жўнашга қўймади. Уйга олиб кирди. Қайта дастурхон ёзилди. Зиёфат устида Рўзиев Бонуга ҳам қиттак-қиттак узатганди, у қўлини қайтармади.

Рўзиев меҳмонлар билан хайрлашиб чиқаётганида, Бону унинг ҳурмати учун жойидан турмоқчи бўлганди, йўқ, эплаёлмади: танаси чайқалиб кетди, боши айланди. У маст бўлиб қолган эди...

Тонгга яқин тўйхона ёнғиндан жизғанак бўлиб уйғонди. Чала чекиб ташланган папиросданми, тўйхонага ўт кетиб, ҳўлу қуруқ баравар ёнар, аланга кўкка ўрларди. Шу ерда ҳам балогардон Рўзиев бўлди: кимга нима буюрса – ўтга кир, деса, ўтга кирар, сувга югур, деса, сувга чопарди.

Бир маҳал Рўзиев катта тут дарахти остида юбкачан довдираб турган Сожидани кўриб қолди. Сожиданинг ичи тутунга тўлиб, букчайиб қолган, кўксини ҳовучлаб, йўталарди.

Рўзиев атрофга аланглади. Бону кўринмасди. Сожидадан сўраганди, у нафасини ростлаёлмай, ичкарини имлаб кўрсатди. Рўзиев эшик-деразаларидан буруқсаб тутун чиқаётган уйга ўқдай отилди. Бонуни ётган тўшагига ўраб, ташқарига кўтариб чиққанида... Рўзиевни ҳеч ким таниёлмади!

Уларни совхоз касалхонасига ётқизишди. Рўзиев эрталаб кўзини очди. Бонуни суриштирса, қўшни палатада экан. Излаб кирди. Рўзиевга кўзи тушди-ю, Бону ўзини тутолмай кулиб юборди. Рўзиевнинг ўша чиройли, қопқора мўйловининг бир “қаноти” куйган, иккинчи “қаноти” осилиб ётарди. Рўзиев ойнага қараб, ўзи ҳам қотиб-қотиб кулди-да, ҳамшира келтириб берган қайчи билан мўйловининг бу “қаноти”ни ҳам қирқиб ташлади.

– Сиз аёллар учун бир мўйлов экан-ку, танамга ўт тушганида ҳам “воҳ” демасдим, – деди ҳазиллашиб. – Чунки машойихлар: “Аёл зотининг фариштаси бор, улар учун ҳар на қилсанг оз”, дейишган.

Бону қўлининг орқаси билан оғзини бекитиб кулди:

– Янгамнинг фариштаси рашк қилиб, сизни тимдалаб юрмасин яна, Аломат ака, кейин бир умр мўйловсиз қоласиз.

Рўзиев жилмайди. Индамади. Юзидаги яра-чақаларни ойнага солиб силаркан, шикаста бир товушда:

– Худо аввал ўша янгани берсин-чи, кейин бир гап бўлар, Бону! – деди.

Ҳамшира қиз Бонуга қараб, индаманг, дегандай имо қилди ва югуриб келиб, унинг қулоғига энгашди: “Бечорани ўсал қилманг, ажраб кетишган...”

Бону хижолат чекиб, узр сўраётгандай илтижо тўла кўзларини Аломатга тикди.

Уч кундан кейин Рўзиев Бонуни “Жигули”да шаҳарга олиб кетди. Уйга киришса, Сожида бир варақ қоғоз ташлаб кетибди: “Бону, мен кетдим. Бунақа ҳаётдан, тўғриси, бездим. Излаб юрма, ойимнинг ёнига, қишлоққа кетяпман. Колхозда ишлайман. Уйда ҳозирча ўзинг туравер. Сожида”.

– Ана холос, – деди Бону қоғоздан кўзини олмай, – эҳ, Сожида, Сожида! Сен ҳам ўз йўлингни топиб кетдинг, фақат мен йўл тополмай сарсон-саргардонман. Ҳаётда на уқувим бор, на омадим. Омадсиз тақдир!

– Нега ундай дейсиз, Бону? – деди Рўзиев унинг елкасига қўл ташлаб. – Муҳаббат, бу тақдирнинг ўзгинасидир. Эшитяпсизми, муҳаббатини топган, йўлини ҳам топиб кетади, Бону!

– Қайдам, ҳар ҳолда оғзи куйган, алданган, янглишган аёлман!.. – Бону кўзига жиққа ёш олиб, Рўзиевнинг елкасига бош қўйди...

Бону бўйнини қашиб турган Ҳалимжонга ўксиб қаради:

– Шунақа, сиз ҳали аёл зотининг на меҳрини биласиз, на қаҳрини!

– Тўғри айтасиз, Бону, мен сизнинг бир оғиз ширин сўзингизга маҳтал эдим, йўқ, омадим чопмади – қаҳрингизга учрадим.

– Гапингиз ғирт ёлғон, – деди Бону аччиғи чиқиб. – Ширин сўзга маҳтал одам бу қилғиликни қилмайди!

Ҳалимжон дарров тан олди:

– Ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ. Бу ерга сизни мутлақо бошқа гап учун олиб келганман.

Бону унга аччиқ истеҳзо билан қаради: – Қизиқ, қанақа бемаъни гап эканки, чароғон уй, ёруғ кўча қолиб, зим-зиё даштда айтилар экан? Оғизга олиб бўладиган гапми ўзи?

Йигит индамади.

– Бўлди, айтмай, қўя қолинг, – деди Бону кўнгли ёмон бир гапни сезгандай. – Менга кераги йўқ.

– Сизга керак бўлмаса, менга керак. Менга мана бундай зарур! – деди йигит қўлини кекирдагига арра қилиб. – Ана шу Рўзиев акангиз совхозга бошбух бўлиб келди-ю, ҳаммамизнинг тинчимиз йўқолди.

– Нима қилди, бошларингда тегирмон тоши айлантирдими?

– Кошки тегирмон тоши бўлсайди, Бону, унда бутун чиқардим. Бу бошим неча тегирмон тошини кўрди. Лекин Рўзиев қўзғаган ишдан нақ жаҳаннамнинг ҳиди келади, мен сизга айтсам...

Бонунинг тоқати тоқ бўлди.

– Бундай тушунтириброқ айтинг, нима гап ўзи?

– Гап шуки, Бону, биз совхозда тинч, нонимизни еб, донимизни териб юрган эдик. Лоп этиб Рўзиев бошбух бўп келди-ю, совхоз алғов-далғов бўлиб кетди: ҳали омборга ревизор буюради, ҳали фермага; ҳали у ерни ковлайди, ҳали бу ерни. Ўзи улгуролмаганига тумандан мутахассис чақириб

текширтиради. Ростини айтганда, Бону, ҳозир уч-тўрттамизнинг насибамиз қил устида турибди..

– Гап ҳали бу ёқда денг? – деди Бону ҳайрон бўлиб. – Хўш, “қил устида турган насиба”нгизнинг менга нима дахли бор? Қизиқ, ҳеч нарсага тушунмаяпман...

– Тушунасиз, Бону, тушунасиз, – деди Ҳалимжон сирли илжайиб. – Бир одам султоннинг хотинига келиб: “Менинг илтимосим ҳақида эрингизга бир оғиз шипшитиб қўйинг” дебди. “Мендан сўраб ўтиргунча, ўзингиз султонга айта қолсангиз бўлмайдими?” дебди малика. “Эҳ, маликам, – дебди ҳалиги одам, – шохнинг учидаги мевани олиш учун пастки шохидан ушлаб эгиш керак-да!” Агар билсангиз, Бону, менинг ҳам насибам баланд шохнинг учида илиниб турибди. Уни олиш учун фақат пастки шохни эгиб...

– Энди тушундим, – деди Бону титраб, – ҳаммасига тушундим. Сиз маккор одамсиз! Борди-ю, мени эголмасангиз, унда нима қиласиз?

Йигит кутилмаганда маъюс тортиб, елкасини қисди:

– Нима қилардим, зорим бор, зўрим йўқ, – паст, шикаста товушда деди у. – Лекин...

– Нима лекин?

– Рўзиевга ҳам осон бўлмайди. Бундан буён ишлаши бор.... Биз ҳам қамоқхонанинг деворига ёпишиб қолмаймиз, бир кун...

Бону тўлғониб кетди, лекин индамади.

– Рўзиевни шаштидан қайтаринг, Бону, – деди Ҳалимжон анчадан кейин пўписа товушига монанд бир оҳангда. – Биламан, ўзи ўлгудай қайсар. Кўп кишини ўртага солиб кўрдик. Фойда чиқмади. Худонинг айтганини қилмас, лекин сизнинг измингиздан чиқмайди, чиқолмайди...

– Нега ундай деб ўйлайсиз?

– Ёш жувонга уйланган эркак, бунинг устига Рўзиевдай ёши ўтиб қолган эркак шунақа бўлади – хотинининг раъйини қайтаролмайди, пўписа қилай деса, кўзи қиймайди... шунақа. Бону, сизни қора тортиб келганман.

– Қора тортиб, денг? Қора тортиб келган одамнинг кўксида ҳароратли бир илинж бўлади. Сизда-чи? Мени аввал шохдай эгмоқчи, қайирмоқчи, синдирмоқчи бўлдингиз. Сохта ошиқ бўлиб, хиралик қилдингиз. Афтидан, мени дон олишга маҳтал, қўл чўзсам, этаги қўлимга ўралиб келади, деб ўйладингиз, чоғи... Кейин ўн йил бола кўрмай ажраб кетган хотинини ўртага солиб, мени эримдан совитмоқчи бўлдингиз. Бу найрангларингиз ҳам қўр олмади. Сўнг пўписа қилдингиз, ахири, ўртага ультиматум солиб кўрдингиз... Кўриб турибсизки, мен эгилмайман! Ғаламисликни нопок қўлингиз билан қилиб, энди менинг қўлларим билан ёпмоқчимисиз?! Йўқ, янглишасиз, мен қўлимни нопок ишга урмайман!

– Шунақами?! – Йигит тутақиб кетди.

– Шунақа! – Жувон ҳам тутақди.

Олисда нур кўринди. Бону жавдираб қаради. Йироқдан милтираб кўринган ана шу чироққа умид боғлади: “Мотоцикл бўлса керак, якка чироқ-ку, – ўйларди у. – Яқин келди дегунча йўлига кўндаланг чиқаман...”

Машина ичи димиқиб кетди. Бону ойнакни туширди. Ёвшаннинг нам, шудринг аралаш ҳиди димоғига урилди. Шабада қаердандир ҳандалакнинг ҳидини олиб келди. Ўнгда, анча нарида, афтидан, полиз қоровули бўлса керак, фонус ёқиб, чайласининг ёғочига илиб қўйди. Итнинг ғингшигани эшитилди. Рўпарадан мотоциклнинг патиллагани элас-элас қулоққа чалиниб, анча яқин келди-да, кейин сўлга бурилиб, товуши яна олислаб кетди. Қизил чироқларини чарақлатиб, тепадан вертолёт ўтди. Бону енгил тортди. У ёлғиз эмаслигини, бу зим-зиё даштда одам борлигини, ҳаёт қайнаётганлигини ҳис этди. Юрагида умид учқунлади: “Қўрқма, Бону, биринчи алданишинг эмас-ку! – ичида унсиз такрорлади у. – Ишқилиб, эгилма, синма, чида. Ҳар ҳолда, олдинда нур бор-ку!..”

Чайла томондан қора кўринди. Ит вовуллади. Эгаси пўписа қилганди, ғингшиб, ортда қолди. Ҳалимжон бирдан саросимага тушди. Полиз қоровули яқин келди. Новча, бақувват чол экан. Елкасида милтиқ.

Ҳалимжон машинани юргизмоқчи бўлиб, калитга қўл чўзганди, Бону унинг елкасидан маҳкам босди.

– Юргизманг!

Йигит беихтиёр қўлини калитдан тортди.

– Ие, сизга нима бўлди, Бону? – деди турланиб. – Мабодо, чол сўраб қолса, ўзингизни бегонадай тутманг, бадном бўласиз!

Йигит машинадан чаққон тушди-да, югуриб чолга пешвоз чиқди.

– Бу дейман, йигит, машинанг даштнинг қоқ ўртасига келиб, тўнкарилиб қолган қўнғиздай “жик-жик”лаб қолди. Омонликми?

– Омонлик, ота, омонлик, – деди Ҳалимжон чолнинг қўлини олиб.

– Ҳали қулоқ соламан, “жик-жик”лайсан, ҳали қарайман, “жик-жик”лайсан...

– Сигнал қўшилиб қолди, ота.

– Сигнални омон-эсон ажратдингми?

– Ажратдим, ота.

Йигит, машина ичига чолнинг кўзи тушмасин, деб атайин унинг рўпарасини тўсиб турарди. Чол унинг елкаси оша машинага бир-икки қаради, лекин кўзи хира тортиб қолганми, жувонни илғаёлмади.

Бону Ҳалимжоннинг ниятини дарров пайқади: чолни тезроқ жўнатиб юбормоқчи!

Бону олтин балиқчали калитни машинадан суғуриб олди. Калит эмас, Бонунинг назарида гўё Рўзиевнинг иссиқ, ҳароратли кафти қўлига жиппа ёпишгандай бўлди: “Ҳозир менинг қаердалигимни кўнгли сездимикан? Қаерда бўлмасин, барибир севишганларнинг юраги сезиб туради...”

Бону эшикни очди. Чол уни кўриб, аввалига бир лаҳза ҳайрон бўлиб қолди:

– Ие-ие, келинни ҳам опчиқибсан-да, болам, – деди худди азиз меҳмонга пешвоз чиққандай қувониб. – Лекигин бунисини чакки қилибсан, қоронғи даштда овора қилиб... Ҳа, зарари йўқ, сайил ҳам сайил, саргардонлик ҳам сайил. Қани, полизга марҳамат, ҳандалак узиб қўйганман.

– Йўқ, ота, бошқа сафар, – деди Ҳалимжон тиқилинч қилиб. – Шошилиб турибмиз.

Бону чолнинг милтиғига қўл чўзди.

– Илтимос, бериб туринг, ота.

– Ҳозир ов пайти эмас, қизим, қатъий ман қилиб кетишган. Иштараф қилади.

– Бераверинг, ота, менинг овим ман қилинмаган хилидан.

Бону милтиқнинг учи билан Ҳалимжоннинг елкасидан туртди:

– Қани, чайлага қараб!..

Ҳалимжон милтиқ стволидан тутиб, жаҳл билан силтаб ташлади.

– Ие-ие, сенинг овинг ғалати бўлди-ку, қизим!

Чол ҳеч нарсага тушунмай, уларнинг ортидан ғўлдираб борарди.

ЕТТИ ЁТ БЕГОНА

Қиз қизил сумкачасини билагига осилтириб, машинага қараб югурди. Туман марказига қатнайдиган автобус бўш экан. Ўриндиққа жойлашиб, деразадан кўчага термилиб ўтирди...

Автобус жойидан жилганида у бирдан қалқиб кетди: ҳам танаси, ҳам хаёли... Хаёли тарқагандан кейингина ён-верига қаради. Машина тўлибди. Ёнида ўрта ёшлардаги чиройли аёл ўтирибди. Тиззасида ёш бола. Қўлида картон қоғозда музқаймоқ: гоҳ ўзи ялайди, гоҳ ўғилчасига тутади.

Қиз шу маҳалгача ёнидаги аёлга эътибор бермаганига изза тортиб, салом берди, ўғилчасининг пешонасига тушиб турган қоп-қора сочларини силади.

– Кечирасиз, опажон, мен ўзим билан ўзим бўлиб, сизга қарамабман.

Аёл ялт этиб унга қаради.

– Деразага қараб олиб шеър тўқияпсизми, деб хаёлингизни бузмадим, – деди хушчақчақлик билан у. – Бу ёшингизда бунчалик хаёл оғирлик қилмайдими, синглим?

Қиз ўзини оқлашга тиришди:

– Ўзим шунақа, паришонхотирроқман асли...

Аёл музқаймоқ қоғозини машина деразасидан ирғитди, боланинг лабини, қўлини артди. Бола дўмбоққина қўлчаларини ўйнатиб, қизга талпинди.

Қиз болани бағрига олди, манглайидан ўпди. У гўдак ҳидининг лаззатини умрида биринчи марта ҳис этди. Бутун вужуди яйраб, симобдай эриб кетди.

– Сира бегонасирашни билмайди, – деди онаси фахр тўла оҳангда. – Кимга тўғри келса элашаверади.

– Шуниси яхши, – деди қиз боланинг ҳаракатларидан суюниб. – Нечага кирди бу азаматингиз?

– Чарос пишганида иккига тўлади. Ўшанда тўй қиламиз бу Азаматжонга.

– Менга ҳам хабар қиласанми, Азаматжон? – деди қиз уни эркалаб.

Бола гап ўзи ҳақида бораётганини сезгандай яйраб кулди. Унинг ўрнига онаси жавоб берди:

– Шаҳарлик опажонимга ҳам хабар қиламан, дегин. Агар тўйимга келмасангиз, катта бўлганимда қизингизни опқочаман, дегин...

Қиз онанинг ҳазилидан завқ қилиб кулди. Шу билан икки ўртадаги тортиниш, бегонасираш ҳисси ўзидан-ўзи кўтарилиб кетди. Гапга, суҳбатга йўл очилди...

– Узоққа кетяпсизми?

– Мингчинорга?

– Ишгами?

– Й-ў-қ, – деди қиз бир пас тин олиб, – ўзим шундай...

Қизнинг кўзларида, юзларида қандайдир ғусса, изтироб акс этиб турарди. Аёл ниманидир сезгандай:

– Тушунаман, ўргилай, – деди меҳрибонлик билан.

Қиз мийиғида кулиб қўйди.

– Нимани тушунасиз? – деди беозоргина қилиб.

– Бўйи етган қизларнинг ташвишини...

Қиз яна жилмайди:

– Бир файласуф айтган экан: бола кўтарган аёлдан сир яшириб бўлмайди, деб. Чунки у муҳаббат тангрисига ўхшайди: кўзида ҳамиша бир мўъжиза балқиб туради!

Аёл завқ қилиб кулди:

– Табиб табиб эмас, дардманд табиб, ўргилай!

– Шунақа денг? Келинг. Сизга сиримни оча қолай: бедарак кетган йигитнинг изларини излаб кетяпман, опажон!

Бу гапни эшитиб, аёлнинг кайфияти бирдан ўзгарди, ҳасратидан чанг чиқиб, деди:

– О, тескари тақдир! Улар эмас, биз излаймиз... Тавба! Аввалига гулдаста кўтариб йўлимизни пойлашади, кейин... Ёшлигимда бувим чарх йигириб, шундай қўшиқ айтарди:

Қош агар пайваста бўлса,
Ўсмани гардон қилур.
Ёр агар нодон бўлса,
Ошиқни саргардон қилур.

Гапларимдан ҳайрон бўлманг. Тақдиримиз ўхшаш экан. Эримдан “қорахат” келганида мен ҳам сизга ўхшаб кўп азият чекканман.

Қиз сесканиб кетди.

– Қорахат дейсизми?

– Ҳа, эшитинг, жуда қизиқ воқеа. Бир куни раисимиз шаҳардан янги боғбон бошлаб келди. Чолнинг ёнида ўғли ҳам бор эди. Уйимиз боғнинг этагида эди, ота-ўғил бизникида туришарди. Ўлгур йигит билан севишиб қолсак бўладими – у оларман, мен тегарман. Фотиҳа тўйимиз ўтди. Шу орада отаси ўлиб қолди. Йигит ўлгур, қишлоқ хўжалик техникумида сиртдан

ўқияпман, деб шаҳарга тушиб кетганича, зим ғойиб кетди. Олти ойдан кейин ўлимининг хабари келди; зилзилада ҳалок бўлибмиш! Бир ўртоғи ўз қўли билан кўмиб, ўз қўли билан қорахат битиб юборибди. Ўзимни тўрт тарафга ураман, денг. Қўши-қўшнининг оғзига тушиб қолганман. Ўлгурнинг ўлганига кўнглим сира-сира ишонмайди. Бир дараги чиқар, деб шаҳарга тушдим. Алдабди. Ҳеч қаерда ўқимас экан. Эртасига калаванинг учи чиқди: суюқоёқ бир аёл билан яширинча яшаб юрган экан. Шаҳар милициясидан бир йигит билан ўша ҳовлига бордим. Дўкондан бир даста гул олдим. Гулни кўриб милиционер қиқирлаб кулади денг. Дарвозани тақиллатиб торгина ҳовлига кирдик. Эрим хотин билан супада ўтирарди. Милиционер жуда шўх экан, остонада туриб, товуш берди:

– Марҳум Исомиддин Султонов шу ҳовлида яшайдими? – Кейин оёғини ерга уриб, честь берди. – Марҳамат, танишинг, сиз собиқ марҳумнинг қабрингизни излаб, қишлоқдан рафиқангиз келганлар!

Ўзимни тутолмайман, танам қалт-қалт титрайди. Аёл сўридан отиб, ўзини уйга урди. Эрим бўлса бамисоли ўлик. Қўлимдаги даста гул билан башарасига тортиб юбордим.

– Бу гулни қабрингга қўяман, деб олганман. Сени мен учун бир умр ўлгансан, – дедим йиғлаб-қақшаб. – Лекин туғилажак фарзандинг бу ёруғ жаҳонни отасиз кўрмасин, деб келдим, номард!

Суюқоёқ аёл, хотининг билан орани очиқ қил, деб кўп хархаша қилганидан кейин иккиси шу “қорахат” воқеасини ўйлаб чиқаришган экан. Мени қишлоқи, чиппа-чин ишонади, деган бўлса керак-да. Эримнинг гирибонидан тутиб, кўчага олиб чиқдим. Кўча бошида ўтирган қўшни чол менга тасалли берди:

– Бундай нокас фосиқнинг жазоси шу. Бурнини ерга ишқаб, елкасига миниб олинг, келин!...

Ўн йилдан бери бирга турамиз. Энди қулоғини қимирлатмайди. Топган-тутганини бошимдан келтириб тўкади. Бегона аёлни кўрса юзини тескари буриб ўтади...

“Бечора опа, бу хил турмушнинг нимасидан лаззатланаркин?! – ўйларди Севархон. – Ўртада на тенглик, на садоқат, на муҳаббат бор! Қалбсиз, меҳрсиз, тирик ўлик билан ўн йил бирга яшаб, бирга нафас олиш даҳшат-ку?!”

Машина катта йўлдан Мингчинор томон қайрилди-да, бекатда тўхтади. Севархон опани машинадан авайлаб тушириб қўйди. Азаматнинг пешонасидан аста ўпди. Қайта машинага чиқди.

Автобус жўнади. Тақир дашт бошланди. Очиқ деразадан гармсел уфурди. Олдинда жимир-жимир сароб ўйнайди. Қиз саробга қараб хаёл суради. “Наҳотки, энди Собиржон мен учун бир умрга сароб бўлиб қолса – қўл узатсам-у, етолмасам...”

...Севархон Собиржон билан институтда беш йил бирга ўқиди. Қизнинг отаси қишлоқ хўжалик институтида профессор эди. Собиржон аввал қизнинг, кейин қизи туфайли отасининг назарига тушди. Профессор унга: “Аспирантуранинг тўри – сиздай истеъдодли шогирдларники”, дерди. Йигит

ётоқхонадан кўра профессорникида кўпроқ бўлар, Севархон билан бирга дарс тайёрларди.

Собиржон бора-бора тенгқурларини менсимай қўйди. Ўзи ўшалар қатори талаба бўла туриб, уларга профессорнинг нигоҳи билан назар ташларди. У қаричини кенг олиб, ҳатто кекса профессорга ҳам шахсий "фалсафа" сини пеш қиладиган бўп қолди.

– Ўз шахсий фалсафаси бўлмаган одамни пуч одам ҳисоблайман, домла, – дерди у.

– Бўтам, фалсафада ҳам фалсафа бор: фойдали, зарарли...

– Барибир , ҳар кимнинг ўз шахсий фалсафаси бўлиши керак!

– Баъзан профессор олдида ҳам ўзингизни ўта ақлли кўрсатасиз, бўтам.

Профессор қизи билан Собиржоннинг тўйини диплом олиш кечасига улаб юбормоқчи эди, бўлмади, юрак хасталигидан қазо қилди. Тўй орқага сурилиб кетди. Қиз институт лабораториясида ишга қолди. Аспирантура масаласи ҳал бўлмагач, Собиржон тақсимот бўйича олис туманлардан бирига жўнаб кетди. У туман марказига туташ хўжаликда участка агрономи бўлиб иш бошлади. Шу-шу, ундан қайта дарак бўлмади. На хат ёзди, на Севархоннинг соғинч ва изтироб тўла хатларига жавоб қайтарди.

Севархон автобусдан тушиб, қаёққа боришини билмай атрофга аланглади. Манглайида "Пойабзал таъмирлаш" деб ёзиб қўйилган дўкончада чўнқайиб, ўтган-кетганнинг оёғига термилиб ўтирган жиккаккина йигитдан хўжалик идорасини сўради. У: "Ҳали анча юрасиз, яхшиси автобус кутинг", деди.

Автобус келавермагач, қиз бетоқатланиб қолди. Хўжалик идорасига қўнғироқ қилмоқчи, Собиржоннинг турар жойини аниқламоқчи бўлиб, рўпарадаги икки қаватли бинога – туман бошқарув идорасига кирди. Зинапоядан кўтарилди. Қабулхонада телефон гўшагини қулоғига тутиб, кимнингдир жавобини кутиб ўтирган қорамағиз аёл Севархон эшикдан кириши билан "Эшитаман", дегандай бош иргади.

Севархон тутилиб қолди:

– Мен... мен сиздан Собиржон Қорабоев тўғрисида...

Котиба телефонни у қулоғидан бу қулоғига олиб, ёзишга чоғланаркан, қизга шошилиб жавоб берди:

– Ўртоқ Қорабоев шу ерда, йиғилишда. Бир оз кутасиз, синглим.

– А? У киши... шу ердами?

Котиба аёл Севархоннинг бу бир лаҳзалик ҳолатини сезмади, таажжуб тўла сўроғини ҳам эшитмади. У телефонда кимгадир қаттиқ дашном берди. Ишдан бошини кўтарганда Севархоннинг авзойини кўриб ҳайрон бўлди.

– Сизга нима бўлди, синглим? Марҳамат, ўтиринг. Мана, сув ичиб олинг.

Севархоннинг стакан тутган қўли титради.

– Мен... Қорабоевни кўришим керак.

– Муҳим масала кетяпти, чақириб беролмайман.

Унинг вужудини энди илиқ бир ҳис, йўқ, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ёқимли бир туйғу қамраб олди: "У шу ерда. Мана шу эшик

ортида. Бор-йўғи бир қадам нарида. Мени эслаётганмикан шу топда? Ошиқларнинг кўнгли ҳамма нарсани сезиб туради, дейишади-ку! Наҳотки, менинг келишимни сезмаган бўлса?”

– Мажлис узоқ чўзилармикин, опажон?

– Билмадим. Ҳали-бери тугамаса керак.

– Эҳ-ҳе, – деди қизнинг юраги сиқилиб, – нимани бунча муҳокама қилишади?

– Ўртоқ Қорабоевнинг пўстагини қоқишяпти.

– Нега? – деди қиз жойидан беихтиёр учиб туриб. – Нега?

– Хўжаликда дефоляция чатоқ. Директор Аламжаров таътилда. Ҳамма ғавғо бош агрономнинг бошига қолган.

– Ие, Қорабоев бош агроном бўлганми?

– Аллақачон. Эшитмаганмисиз?

“Э, Севар, Севар, кўп нарсадан бехабарсан, – ўйларди қиз ўзига-ўзи дашном бериб. – Шунча масъулият унинг бошида турибди-ю, яна хатларимга жавоб ёзмайди, деб ундан ўксиниб юрибсан-а? Лабораторияда тиқилиб, микроскопга термилиб ўтирганингча, бу ерга келиб унга кўмак бер, уни қўлла! Эҳтимол, Собиржон менинг шундай қилишимни кутаётгандир...”

– Қорабоев кимийз бўлади? Қариндошми?

– Менгами? – қиз бир муддат сўзсиз қолди. – Менга... курсдош!

Эшик тепасидаги қўнғироқ шиддат билан жирингланди. Котиба ичкари кириб, ҳаял ўтмай бир парча қоғоз билан қайтиб чиқди. “Райпланга тушиб чиқаман, телефонга қараб туринг”, деб Севархондан илтимос қилди-да, югуриб чиқиб кетди.

Қиз телефонга яқин сурилиб ўтирди. Котибанинг столига қалин ойна бостириб қўйилган. Ости ғуж-ғуж қоғоз, турли хил маълумот, суратлар. Жарима тўпи тепаётган футболчининг суратидан тортиб, таклифномагача бор. Қиз столга эгилиброқ қаради: никоҳ таклифномаси. Ўртада ловиллаб турган юрак. Икки четида сурат: келин-куёв – Найзонгул ва ... Собиржон!

Севархон кўзига ишонмади, яна тикилди, яна... Ойнани беихтиёр кўтариб таклифномани олди. Ҳарфма-ҳарф ҳижжалаб кўрди. Ўша гап: Найзонгул ва ... Собиржон. Ўртада ловиллаб турган лахча юрак! Қип-қизил гулдаста остида эса тўйхона манзили битилган: “Ғалаба” давлат хўжалиги, биринчи бўлим. Аламжаровлар хонадони...

Севархоннинг танаси бирдан ловиллади, гўё бошидан тутун чиқиб кетгандай бўлди. Таклифнома оёғи остига тушиб кетди. Мажолсизгина деворга суянди: “Найзонгул Аламжаровнинг қизи экан-да! Демак, Собиржон директорнинг куёви... Бир пайтлар дадамга пеш қилган мудҳиш фалсафасини мана энди амалга оширибди. Ўшанда бечора дадам изтиробга тўлиб, қанчалар ўкинган эдилар-а! “Бундай тоифа одамлар ўзи чўкмайди, бировларни чўктиради, ўзи куймайди, ўзгаларни куйдиради!..” дегандилар. Даҳшат. Энди ҳаммаси тугади. Менга энди бегона – етти ёт бегона у!”

Юзига чарм қопланган эшик шиддат билан очилди. Ичкаридан гурр этиб йиғиндагилар чиқишди. Қабулхонани бирпасда димиққан тер, папирос тутуни тутиб кетди. Қиз ҳозироқ одамларга қўшилиб эшикдан отилиб чиқиб

кетишни ўйлади. Лекин қандайдир бир номаълум илинж уни маҳкам тутиб турарди: у одамлар орасидан Собиржонни изларди. “Нега излайман, энди менга етти ёт бегона у”, – дерди ўзига-ўзи. Лекин барибир изларди... – Мана – у! Бир қўлида шапкаси, бир қўлида рўмолчаси, ҳадеб тер босган бўйнини, юзини артарди. Ўзи ҳам танқиддан тоза гангибди: ҳеч кимга қарамай, ҳеч ким билан хайрлашмай, қабулхонадан шитоб билан чиқиб кетди.

Севархон бу ерда узоқ туриб қолганини қабулхона бўшаб қолганидан кейин билди. Зинадан югуриб тушди. Ташқарига чиқиб бўшашди, сўнгги пиллапояда тўхтаб қолди. Собиржон унинг нақ рўпарасида, йигирма қадамча нарида орқасини ўгириб, машинасини кутиб турарди.

Севархон энтикди. Олдинга яна бир қадам ташлади-да, тўхтаб қолди. Кўз олди тиниб кетди: қаршисида у севган, бир пайтлар умрини умрига, жонини жонига тикмоқчи бўлган ўша йигит эмас, йўқ, тегирмон тошидек катта бир доғ пайдо бўлди-ю, ғизиллаб айланаверди, айланаверди... Ҳаял ўтмай, ортидан сочларини ёзиб Азаматнинг онаси пайдо бўлди: даста гул кўтариб, эрининг қабрини излаб юрганмиш!

“Тавба, менга нима бўляпти ўзи? – ўйларди қиз. – Нега у опани эслаб қолдим шу топда? Ўзи нима бўляпти менга?!”

Юқоридан, қабулхонанинг очиқ деразасидан котиба аёлнинг товуши эшитилди:

– Ўртоқ Қорабоев!

Севархон товушдан сесканиб кетди, ҳушёр тортди, кўз олди ёришди: ғизиллаб айланаётган қора доғ йўқолди...

Собиржон чанг босган “Газик”нинг эшигини очиб, энди бир оёғини ичкарига қўйганди, котиба яна қичқирди. Йигит машина эшигини тутиб туриб, ярим қайрилган алпозда аёлга қаради.

– Кечирасиз, ўртоқ Қорабоев, сизни бир қиз излаб юрганди, учрашдингизми? Курсдошингиз экан...

Собиржон “йўқ” дегандай бош силкиди. У бирдан тараддудланиб қолди, ваҳима босди. Машина эшигини “тарқ” этиб ёпиб, атрофга ўғринча аланглади. Қизил сумкачасини билагига ўтказиб, орқасига қарамай автобусга қараб югуриб бораётган қизга кўзи тушди. Дарров таниди. “Оббо, шу топда кўзга қадалиб нима қилардинг?!” – деган норози бир фикр ўтди унинг хаёлидан. – Келишга келиб, нега учрашмай кетяпти? Афтидан, бирор нарсани сезганга ўхшайди. Котиба валақлаган бўлса керак-да?!”

Собиржон ариқчадан ҳатлаб, йўлакка ўтди. У пойабзал таъмирлаш дўкончасига етганида, Севархон ўзини автобусга олди. Машина жойидан жилди. Собиржон тўхтади. “Қизиқ, нега учрашмай кетяпти? – таажжубда эди у. – Ғурури йўл қўймади чоғи...”

Севархон қандай қилиб машинага етиб борди. Қандай қилиб унга чиқди – билмасди, ҳаммаси беихтиёр бўлди. Лекин у ҳамон: “Энди бегона – етти ёт бегона!..” – дея пичирларди...

Автобус Азаматжон тушиб қолган бекатга етганида Севархон бошини кўтарди. Азаматнинг дўмбоққина қўлчаларини ўйнатиб, унга талпингани, жилмайгани кўз олдидан ўтди. Нечукдир у шу топда онанинг бола тилидан

айтган ҳазилини беихтиёр эслади: “Агар тўйимга келмасангиз, катта бўлганимда қизингизни опқочаман, дегин...”

Димоғига гўдак ҳиди уфуриб кетгандай бўлди. Шу ширин ҳид унинг сўниқ руҳига ҳаловат бағишлади.

“ҚОРАХАТ”

Бутун ҳаёти бировларнинг қўлида
бўлган одам – бадбахтдир.

Лабиҳовуз – Бухоронинг мусаффо кўзгуси. Ҳовуз атрофидаги қадимий обидаларнинг латофатли рухсори қуёш ботгунича шу кўзгуда балқиб туради...

Ҳовуз бўйида танаси ғудир-будур, шохлари тарвақайлаб кетган кекса бир дарахт бор. Офтоб тиккага келганида дарахт сояси ҳовузнинг ярмини қоплаб олади. Дарахт тепасидаги лайлакнинг саватдай уяси акси сувда беланчакдай чайқалади.

Шаҳарда катта-кичик Уста деб атайдиган, новча, бароқ қошли, олтмиш ёшлар чамасидаги хаёлчан одам Лабиҳовуздан ўтиб кетаётиб бир лаҳза тўхтади. Дарахт тепасига, бўшаб қолган лайлак уясига қаради, кейин унинг сувдаги аксини узоқ томоша қилди.

Салқин сўриларда чойхўрларнинг гурунги қизиган, қўрадаги кабоб ва қозондаги қовурманинг ҳиди атрофни тутган. Ҳовузнинг мармар зинапояларида болалар ғужғон ўйнайди: бир-бирига сув сепади, чапак чалиб қийқиради:

Лайлаклар учиб кетди,
Уяси бўшаб қолди...

“Дарвоқе, лайлаклар, – дея ўйлай бошлади Уста ҳамон сув тубида липиллаб турган қуш уясидан кўз узолмай, – қишнинг учи кўринди дегунча, ўзга юртларга учади-кетади... Энди баҳорда қайтади бу қушлар. Қайтолмай қоладиганлари, ўзи қуриб кетган инига келолмайдигани, яна ким билади, қанча?..”

Куз шамоли елар, ҳаводан хазон ҳиди анқирди. Уста сарғайган баргларни оҳиста босиб, иш дўкони томон ўтиб борарди.

Устанинг дўкони Лабиҳовузга рўпара, Тоқи Саррофон тимининг теграсида қурилган эди. Уйча қутичадай, нақшинкор эшигининг тепасига, ҳар хил пойабзал сурати солиниб, ойнабанд вивеска қоқилган. Уста ичкари кирди, билагини шимариб, қорамойдан ялтираб кетган пешгирини белига боғлади, қизил бахмал қопланган курсини тортиб, кўчага рўпара ўтирди. Уста иш билан банд бўлганида ҳам ўтган-кетган билан омонлашишни канда қилмас, гоҳо мижозлар билан ҳазиллашиб, шакаргуфторлик қилиб оларди. Лекин негадир бир неча кундан бери кайфияти бузилиб, хомуш, паришонхотир бўлиб юрибди.

Шу асно пакана, жингалак сочли, кўзлари ҳамиша чақнаб турувчи киши дўконга яқинлашиб, Уста билан қуюқ саломлашди. Бу йигит Устанинг Содиқов деган қалин ошнаси, тарих ўқитувчиси эди. Устанинг уч фарзанди шу муаллим қўлида таълим олган. Уста муаллимни кўриб, бир оз очилди. Содиқов уйчанинг эшигига тақаб қўйилган баланд курсига ўтирди. Уста

қўлидаги чўткасини секин дўқиллатиб, оёғингни сандиқчага қўй, дегандай ишора қилди. Содиқов ботинкасини биратўла ечиб бера қолди:

– Зўр қилиб бир сайқалланг, Уста! – деди.

Уста курсичадаги чойнакни муаллим томон суриб қўйди:

– Сиз бемалол чойдан олаверинг, муаллим.

Содиқов қўлидаги пиёлани айлантириб, уйча ичига узоқ кўз югуртирди: деворларига ҳар хил журналлардан қирқиб олинган суратлар ёпиштириб ташланган. Буниси “Огонёк”дан, униси “Саодат”дан... Қарши деворда Ғафур Ғулом билан... яна кимнингдир кафтдай келадиган сурати осиғлиқ турибди. Бунисини муаллим танимади, қаердадир кўрган, ҳозир эслай олмаяпти... Ҳа, топди: Шолом Алейхем, яҳудий адиби!”

Ўқитувчи ниманидир эслаётгандай Ғафур Ғулом суратига узоқ қараб турди. Сўнг шоирнинг машҳур шеърларидан бирини ёдга олди.

Уста ҳажон ва завқ билан кулди.

– Хотирангиз зўр экан, муаллим. Бизни бутун дунёга танитган шоир – шу киши. Бухорога келганларида ўз қўлим билан чой қуйиб берганман...

Шу тупроқ заминдир
менинг Ватаним...
Шу тупроқ заминда
қолажак таним.
Мен яҳудийман!

– Зўр-а! Бир умр мана шу шоирга таъзим қилиб ўтаман, ҳа, ишонинг! Яқинда “у дунё”дан бир хат олдим. Менга “жони ачиб”, жаннат ваъда қилиб ёзишибди. Ўғлимнинг китобидан шоирнинг “Мен яҳудийман!” шеърини қирқиб олдим-да, конвертга солиб, ўша муртадга жўнатиб юбордим. Боплабманми, муаллим?

Икки ошна анча суҳбатлашишди, адабиётдан кириб, тарихдан чиқишди. Гап айланиб Устанинг қўшниси Абрамга келиб тақалди: бир ой бурун Абрам “у дунё”га кўчиб кетган эди.

– Таътил олиб, Москвага борган эдим. Сафардан қайтиб келсам, шунақа гап... – Уста ғуссага ботиб, ўтирган курсисининг остидан ғижимланган, қорамой юққан бир қоғоз олди-да, бир муддат қўлида ушлаб тургач, аччиғини яшира олмаган алпозда Содиқовга узатди. – Мана бу хатни қолдириб кетибди, нокас!

Хат эгаси бадхат экан, Содиқов ҳижжалаб, зўрға ўқиди: “Уста, мен кетишни ихтиёр қилдим. Уёқдаги турмушим ҳақида албатта сизга ёзиб юбораман. Бу тупроқда қолаётган онамнинг руҳи ҳурмати сизга очиқ, ҳеч нарсани яширмай ёзаман. Эҳтимол, баъзи бир тўсиқлар очиқ ёзишимга монелик қилар. Шунинг учун хат мазмунига эмас, қанақа сиёҳ билан ёзилганига эътибор қилинг. Мана, бу шифровкани зинҳор эсдан чиқазманг: хатни бинафша сиёҳда ёзсам – жаннатда яшаяпман, Уста, тез келинг, деганим; қизил сиёҳ ишлатсам – билингки, бағрим қип-қизил қон,

пушаймондаман, деганим бўлади. Агар хатни қора сиёҳда ёзсам... мен учун аза очинг!..”

– Жаннати ҳам, дўзахи ҳам ўзингга сийлов! – деди Уста аччиқ билан, – шифровка эмиш, туф-е! Мен ҳайронман, китобларда Ватанга муҳаббат, ерга сажда қилиш ҳисси инсонда она алласидан бошланади, деб ёзишади. Бунинг қанчаси рост, билмайман. Ахир, Абрамга онаси алла айтмаганмиди?! Наҳотки, унинг танасида шунча йил бегона қон айланди экан?! Раҳматли онанинг аллалари зое кетди... Ҳали-ҳали эсимда: уруш пайти эди. Абрам жиккаккина, дардчил бола эди. Отаси эрта қазо қилди. Онаси раҳматли калитдай болани тишида тишлаб, топган-тутганини оғзига тутиб, опичлаб улғайтирди. Онасидан кейин боланинг куни меросга қолди: ҳали уни сотди, ҳали буни. Читтакдай у шохдан-бу шохга қўниб юрди. Ўхшатмаса учратмас экан: хотини ўзидан баттар чиқди. Эшитишимча, хотинининг у томонда катта бой буваси бор. Ўша буларга жаннат ваъда қилган... Бу қўнимсиз читтаклар жаннатга тушадими, дўзахга тушадими, билмадим. Мен сизга айтсам, муаллим, дунё гўдак эмас – миллиондир ёши, эҳтимол миллиарддир. Бироқ бу кекса дунёнинг қаери жароҳат-у, қаери фароғат, қаери дўзах-у, қаери жаннат – энди ҳеч кимга сир эмас.

Содиқов бу хокисор мўйсафиднинг қалбида лахча жароҳат борлигини, суҳбатнинг бундан кейинги мантиқий давоми эса шу жароҳатга туз сепиш билан бараварлигини тушунди.

– Хайр, Уста, омон бўлинг, – деди ботинкасининг ипини танғиб жойидан тураркан.

Уста Содиқов билан хайрлашаркан:

– Хат келса, сизга албатта ўқитаман, муаллим! – деб қолди.

... Лабиҳовуз бўйидаги кекса дарахт, эҳтимол, мингинчи марта яна барг ёзди. Мўйсафид бошига фаслларнинг минг йиллик жафоси ва латофати, минг йиллик ғурбати ва нашидаси ёғилган.

Баҳор тўлишиб қолди. Ҳамма ерга файз кирди. Лабиҳовуз атрофидаги қадимий обидаларнинг найзасимон қуббаси ҳовуз тубига қадалиб, сувда жимир-жимир қалқиб турибди. Қуёш тиккага кўтарилиб, ҳовузни аста-секин дарахт сояси қоплай бошлади: сув остида лайлакнинг саватдай уяси оҳиста чайқалади...

Яқин – орадаги том бошидан болаларнинг хушнуд қийқириғи эшитилади:

Лайлак келди, ёз бўлди,
Ўйинимиз соз бўлди...

Бир жуфт лайлак узоқ сафардан қайтиб, шаҳарга таъзим қилаётгандай кўкда доира ясаб, икки-уч чарх урди-да, қадимий уясига қўнди.

Уста юз минг хаёлга ғарқ бўлиб, Лабиҳовуздан ўтиб бораркан:

“Қушлар яна учиб келди, – дея пичирлади. – Бухоро сувига, донига илҳақ бўлиб келди. Ўз уясига учиб келолмагани, яна ким билади, қанча? Фақат қушларми?..”

Уста дўконни очиб, энди иш бошламоқчи бўлиб турганди, йўлакда муаллим кўринди.

Содиқов Уста узатган хатни очиб, бир лаҳза қараб турди-да, қайтариб берди: хат қора сиёҳда ёзилган эди...

МУҚАДДАС ТУПРОҚ

Бухорога келган ажнабий меҳмонлар икки кундирки, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишяпти. Улар ҳар бир тарихий обида қаршисида соатлаб баҳслашишар, тўғрироғи, қадамда сеҳрланиб қолишарди.

Сайёҳлар орасидаги қорача йигит – Сулаймон Шариф, ўзининг иқрор бўлишича, Бухорои шарифни томоша қилгани эмас, зиёрат қилгани келган. Унинг жуссаси чуваккина, лекин юриш-туриши вазмин, гаплари, қарашлари салмоқли. Бирор нарсага қизиқиб қолса, ўнг қўлидаги калта, ялтироқ эман ҳассачасини шартта чап қўлига олиб, кўзойнаги гардишини ўнг қўли билан беихтиёр ушлаб-ушлаб қўяди. Киприкларини тез-тез пирпиратиб, ҳаяжон билан қараб туради. Сулаймон Шариф Лабиҳовузга маҳлиё бўлиб, тош супага ўтирди. Ҳовуз атрофидаги танаси бужур дарахтлар тагидаги сўриларга одам сиғмайди, самоварчи бола иссиқда терлаб чой ташиб юрибди. Айниқса, тошкўмир алангасини писанд қилмай, тутунга бурканган кабобчининг қўли тинмайди. Таржимон иссиқда беҳол бўлган сайёҳларга чой қуйиб берди. Сулаймон Шариф узатилган кўк чой тўла пиёлани кафти орасига олиб, бирдан тикилиб қолди. Пиёлада қалқиб турган чойда аллақачон шохлари қуриб қолган азамат чинор учидаги лайлак уяси акс этар, у ҳам чой билан қалқиб турарди. Йигит чойни дастурхонга қўйиб, кўкка қаради. Катта тегирмон тошидек келадиган уя дарахт учида ҳурпайиб турганини кўрди. Йигит бу уяни болалигидан билади. Журнал ва газеталардан қирқиб олинган фотосуратларда шу уя акс эттирилган. Бу суратлар унинг оила альбомида энг муқаддас, Макка тошидек азиз саналар эди.

Меҳмонлар ҳали кўп ёдгорликларни кўришлари керак эди. Таржимон аста деди:

– Жаноб Сулаймон Шариф, марҳамат қилиб, чойингизни ичсангиз, Аркка борадиган вақтимиз бўлиб қолди.

Йигит худди уйқудан уйғониб кетгандек, ҳушёр тортди. Шошиб чойни ҳўплади.

Сулаймон Шариф ҳамроҳлари билан шаҳарни яна анча кезди. Чашмаи Аюбда юзини ювди. Мир Араб мадрасасининг остонасига тиз чўкди. Исмоил Сомоний мақбарасига таъзим этиб, илтижо қилди, кўзларига ёш олди.

Таржимон Саидов бу ажнабий меҳмоннинг қарашларида бир дард, юришларида бир ғусса, гапларида бир алам барқ уриб турганини сезди...

Сулаймон Шариф Аркка чиққанида тамоман ҳолдан кетиб, ранги ўчинқираб қолган эди. У Арк тепасидан ички бир тўлғониш билан шаҳарга боқаркан:

– Наҳотки, падари бузрукворим шундай шаҳри азимни тарк этиб кетган бўлсалар? – дерди пичирлаб. – Кўзлари қандай қийди экан?..

Сулаймон Шариф бир ватангадонинг фарзанди эди. Дунёга келиб тили чиқиши, эсини таниши билан эшитган биринчи гапи Бухоро бўлган эди. Салкам қирқ йилдирки, у Бухоро тўғрисида эртакка ўхшаган ҳикоялар эшитиб келади.

Сулаймон Шарифнинг отаси амир Олимхон саройида эътиборли навкарлардан бўлган. Амир бу содиқ навкаридан ажралмас эди. Чўли Маликдаги, Жилвон саҳросидаги кийик овларида амир фақат у билан бўлар, Ситораи Моҳи хоссадаги ойнабанд ётоқ яқинида кечалари юриш ҳуқуқи фақат шу навкарга берилган эди. Бу камгап, аммо вужудидан куч ёғилиб турган навкар йигит амирнинг кундузги уйқу соатларида ҳам ётоқ олдида қиличини тиззасига қўйиб остонада ўтирар, ҳатто боғ ичини тўлдириб юрган товусларни ҳам бу остонага яқин йўлатмасди. Амир бу содиқ навкарига Шофиркондан каттагина ер берган, навкар валинеъмат ёнидан жилолмагани учун амир буйруғи билан шофирконлик беклар экин экиб, ҳосилини навкарнинг Ўрда яқинидаги ҳовлисига келтириб тўкардилар...

– Кейин... Амир қочганида падарингиз ҳам...

– Минг пушаймон – энди бир пул. Ватангадо амирнинг қочоқ навкари, беватан қўриқчиси! Замон падаримни бевақт чўктирди, ўз қилмишлари уни адойи тамом қилди!

– Бизда шундай мақол бор: бойўғлига эргашсанг, манзилинг вайрона бўлади. Амир кўп аждодларимизни ўз хокига зор қилди...

– Ҳақ гап, – деди Сулаймон Шариф чуқур тин олиб, – ўзи ҳам хор бўлиб ўлди. Бухородан қочиб кетгандан кейин падарим Афғонистонда, амир қўлида бир йилча ишлаб, унинг кенжа хотини билан Эронга қочиб кетади. Мен Мозандаронда туғилганман. Ёшлигимда ўқидим, ҳозир мактабдорлик қиляпман. Биласизми, жаноб таржимон, бузрукворим ҳозир оғир хаста. Она-юртининг бир сиқим тупроғи илинжида тўшагида қийналиб, жон беролмай ётибди!

– Падарингиз асли қаерлик бўлган?

– Вардонзеданман, дейдилар... Мени маъзур тутасиз, жаноб таржимон. Вардонзени бориб кўришимга ҳукуматингиздан рухсатнома олиб бера оласизми?

– Марҳамат, – деди таржимон қўлларини беихтиёр ёзиб, – бизда дарвозаси берк шаҳар, йўли тўсилган кўча, эшиги қулфлоғлиқ ҳовли йўқ. Ҳаммаси очиқ, ҳамроҳларингиз рози бўлсалар, марҳамат.

Лекин Вардонзега бориш муаммо бўлиб қолди. Сайёҳлар эртасига зардўзлик фабрикасини, қоракўл заводини бориб кўрадиган эдилар. Шунинг учун Сулаймон Шарифнинг таклифига шериклари кўнишмади. Уларнинг кўпи Шарқнинг катта қоракўл бозорларини кезган, дунёни ҳайратга солган Бухоро қоракўлини кўриш иштиёқида келган асилзодалар эди. Яна бир тўдаси Теҳрон бозорларида қадимий Бухоро кимхобларига кўзи ўйнаган савдо кишилари эди. Уларни миноралар, мадрасалардан кўра қоракўл тери билан кимхоблар кўпроқ қизиқтирар эди.

Ҳамроҳларини кўндира олмаган Сулаймон Шарифнинг боши эгилиб қолди: кўзига дунё қоронғи бўлиб кетди. Таржимон Саидов унинг олис юртдан дилига тугиб келган ниятига етолмаганидан афсусланди. Бу воқеани саёҳат бошқармаси бошлиғига айтганида, у ҳам чаккасини қашлаб қолди. Охири қўл силтаб:

– Майли, олиб боринг. Сайёҳларни бошқа таржимон олиб юради, – деди.

Эртасига Саидов Сулаймон Шариф билан яна бир новча ажнабий меҳмонни Шофирконга олиб кетди. Машина шамолдек елиб борар, қуюқ қайрағочлар, азамат толлар пинжидаги шинам чойхоналар, қўшқават мактаблар олдидаги ўқувчи болаларнинг юзлаб велосипедлари қалашган кафтдек текис спорт майдончалари, кабоб тутуни бурқсиган ошхоналар олдидан ўтарди. Йўл-йўлакай кўзни қамаштирадиган оппоқ уйларнинг шифер, тунука томларидаги радио, телевизор антенналари лип-лип машина ойнасидан ўтиб кетарди. Терим олдидан бу қишлоқларда тўй мавсуми бошланган. Мотоцикл минган чоллар, тугун кўтарган тўда-тўда аёллар, яшил, ҳаворанг дарвозалар олдида енгил машиналарини от қашлагандек юваётган йигитлар кўриниб қоларди.

Сулаймон Шариф туғилиб-ўсган юртларда бу кўтаринкилик йўқ эди. У гўё туш кўраётгандек, кўзи олдидаги манзараларни идрок қила олмас эди.

Меҳмонлар туман чегарасига етмасданоқ, уларга мезбонлар пешвоз чиқишди. Туман раҳбари ажнабий сайёҳларни ўз машинасига ўтқазаркан, самимий меҳмоннавозлик кўрсатди:

– Шофирконимизга хуш келибсизлар!

Сулаймон Шариф унга миннатдорчилик билдирди.

– Шоҳ-пур-ком... – деди у бўғинларга ажратиб қайта-қайта такрорларкан. – Бу бизнинг тилимизда, шоҳ ўғли қазиган ариқ дегани. Шундайми, жаноб?

– Шундай, – деди раҳбар бурро қилиб. У ўз ерининг, қишлоғининг тарихини беш бармоғидай мукаммал билар эди. – Эрон шоҳи Кисронинг ўғли отасидан аразлаб, Бухоро подшоси Бухорхудотдан бошпана сўраб келади. Шоҳ ўғли, овга қулай, деб шу заминни танлайди. Сўнг халқ мададига суяниб, ариқ қаздиради. Шундан сўнг халқ ўша одил ҳукмдор шарафига турмушига ободлик, кўнглига хотиржамлик ҳадя этган ариққа Шоҳпурком, яъни шоҳ ўғли қаздирган ариқ деб ном қўяди. Бугун бу ерлар батамом ўзгариб кетди...

Меҳмонлар раҳбарнинг гапини ўзгача меҳр ва эътибор билан тинглашар, аҳён-аҳён савол бериб, ўз ҳайрат-ҳаяжонларини ифода этишар эди.

Машина туман марказига кириб келганида кун тушга етган, қуёш тиккада – худди Шофиркон бошида порлаб турарди. Меҳмонларни тўғри зиёфатга – Шофиркон ариғи устидаги шинамгина ёзги меҳмонхонага олиб боришди. Ана шунда Сулаймон Шариф туман раҳбаридан сўраб қолди:

– Жаноб раис, Шофиркон ариғи шуми?

– Ҳа, шу.

– Буюринг, менга битта коса беришсин.

Кимдир чинни коса келтириб берди. Йигит ариққа энгашиб, бир коса сув олди-да, охиригача сипқирди.

– Худога шукр, – деди косани узатаётиб. – Падари бузрукворим мени сафарга узатаётиб: Бухоройи шарифни зиёрат қил, ҳар бир ғиштини ўпгин, Вардонзега бораётиб Шофиркон ариғидан ўз қўлинг билан бир коса сув ич, деб насиҳат қилган эдилар. Падарим амир ҳазратларига навкар бўлиб кетгунга қадар бу арикда ҳар куни неча марталаб чўмилган, бу сувдан неча марталаб тўйиб-тўйиб ичган эканлар. Қайтишингда туғилган юртим Вардонзе тупроғидан бир сиқим олиб кел. Токи, ўз тупроғимни ҳидлаб, кўзларимга суртиб, жон берай, дедилар. Қиблагоҳим ҳозир ўлим тўшагида. Одам ўлгиси келса-ю, лекин ўлолмаса, бирор нарса илинжида кўзи юмилмаса, бундан даҳшатлиси бўлмас экан, – деди Сулаймон Шариф хаста овозда. – Раис жаноблари, сувни-ку ижозатингизсиз ичдим, аммо тупроқни рухсатингизсиз олмайман. Бир сиқим тупроқ берсангиз бас!

... Вардонзе! Самовий Сомон йўли билан Ипак йўлини бир-бирига туташтирган, номи мангуликка қолиб, кўҳна тарих суронларига бардош беролмай сўнган она-юрт! Бугун ватангадо ўғлинг сендан бир сиқим тупроқ сўраб келибди!

Машина Вардонзега етиб келди. Сулаймон Шариф машинанинг орқа ўриндиғидан тушиб, ерга тиз чўкди. Бир сиқим тупроқни олиб ўпди, кўзига, юзига, лабларига суртди, ҳидлади, кейин яна ўпди. У шу бир сиқим тупроқда ўтган бутун аждодларининг ҳиди барқ уриб турганини, димоғига урилган шу ҳид уни батамом сеҳрлаб қўйганини сезди. Шу бир сиқим тупроқда отасининг ёшлиги, тупроққа беланиб, кўча чангитиб юрган қувноқ дамларини аниқ кўрди: бегона юртда шу бир сиқим тупроқ илинжида қийналиб, жон беролмай ётган хаста отасининг ҳазин қиёфаси кўз ўнгида гавдаланди.

Меҳмонлар кун ботмай Бухорога қайтиб келишди: кечки самолётга чиқишлари керак эди.

... Самолёт ҳавога кўтарилганда Сулаймон Шарифнинг кўкрак чўнтагида дастрўмолга тугилган Вардонзе тупроғи бор эди.

Шаҳар энди оқшом оғушига шўнғиди. Самолёт шу азамат шаҳарга таъзим қилгандек ҳавода доира ясади. Кўҳна миноралар, мадрасалар, улкан иморатлар пойида қолиб кетди. Гўё тун бир лаҳзалик ширин ўтмиши устига чодирини ёпгандек бўлди. Шаҳар бошида чироқлар ёнди. Кенг асфальт кўчалардан тинимсиз ўтаётган автомашина чироқлари худди нурли дарёга ўхшарди.

Сулаймон Шариф юртига етиб келганида отаси оламдан ўтган, ёлғизининг йўлига кўз тикиб, она-юртининг бир ҳовуч тупроғига зор бўлиб кўз юмган эди. Отанинг жасади Мозандарон қабристонига – келгинди-мусофирлар учун ажратилган пастқам бир ерга кўмилган эди. Йигит отасининг ғарибгина қабрига тиз чўкиб, рўмолчасида келтирган тупроқни олиб сочди. Ўкириб қабрни маҳкам қучди. У энди худди отасининг қабри янглиғ ғариб, якка эди...

ҚАЙНОҚ ҚУМ

Қизилқум этагида, туя ўркачидай паст-баланд қум барханлари бағрида мўъжазгина қишлоқ бор. Қум тепалар узоқ-узоқлардан олтин зарралари янглиғ товланиб кўринади. Шу боис бўлса керак, барханлар кўксидаги бу қишлоқни Олтинқишлоқ деб аташган.

Саратонда, қуёш нақ найзага келганида, барханлар тандирдай қизиб, гўё олов пуркайди. Танасида бод хуруж қилиб юрган, суяги синган баъзи беморлар бир пайтлар жавзо бошланди дегунча ўзларини қумга уришарди: барханларга чиқиб, иссиқ қумга кўмилиб ётишарди. Иссиқ тафтида баъзиси ҳушидан кетиб, баъзиси ланж бўлиб қайноқ қум остидан зўрға чиқишарди.

Яқинда хориждан қайтган Миркарим бобонинг нечукдир иссиқ қумга меҳри тушиб қолди. Қайноқ қумга кириб маза қилиб ётгиси келди. Бу ниятини тенгқурларига айтган эди, улар монелик қилиб, рад қилишди. Хусусан, қўшниси Сирож бобо унга дашном берди:

– Сизга чўт бермайди, қум тафтини кўтаролмайсиз, Миркаримбой. Сизни қаранг-у, шундай ажойиб, Луқмони ҳаким кўрса ҳавас қилгудай шифохоналаримиз турганда, қумга кўмилиб нима қиласиз? Тўртта қайноқ ванна олинг, онадан қайта туғилгандай бўп кетасиз.

Йўқ, чолни раъйидан қайтариб бўлмади. У бир кун тенгқурларидан яширинча қумга боришга қарор қилди.

Туш пайти. Қуёш найзада. Бобо қумтепага чиқиб, қоматини ростлади. Барханлар лов-лов ёнади. Ортда қолган Олтинқишлоқ худди сароб ичида чайқалиб тургандай...

“Болалигимда бу қишлоқни Қумбосди деб аташарди. Тез-тез қум босиб қоларди-да бу ерларни. – Узоқ ўтмиш чолнинг бир лаҳзагина хаёлидан кечди. – Одамлар тирик кўмилганларнинг мурдасини қум остидан ковлаб чиқаришарди. Кечагидек хотирамда. Энди Олтинқишлоқ деб аташибди. Номини ҳам топиб қўйишган. Исми жисмига монанд! – Чолнинг юраги ортиқ дош беролмади, кўзида ёш айланди. Қишлоқдан назарини олиб, тепага тиз чўкди, худди телбалардай манглайини иссиқ қумга босди: – Шукур, беҳисоб шукурки, киндик қоним томган тупроққа етдим. Буни мусофирликни бошидан кечирган, дунё кўрган одам билади. Энди ҳеч кимдан кам эмасман: оёғим остида шундай хоки поким, бошим устида қайноқ қуёшим бор. Шукур!”

Миркарим бобо тиззалаб туриб, қўли билан қумни нари-бери суриб, ўзига саёзгина жой ҳозирлади. Кейин яктагини ечиб қумга узала тушиб ётди-да, оёғи учидан то кўкрагигача қумга кўмди. Яктагини тўрт буклаб бошининг остига қўйди. Анча ётди. Негадир бирдан безовта бўла бошлади: гўё танасидаги бутун дард қайта жунбушга келгандай бўлди. Ажин босган юзи баттар буришиб, иягидаги сийраккина соқоли беихтиёр титраб, кўзлари юмилиб кетаверди: “Ўртоқларим тўғри айтган экан, қумга чидаёлмай, мабодо... ўлиб қолсам-чи?”

Йўқ, бир оздан кейин чол енгил тортди. Иссиқ қумнинг тафти танасига энди малҳамдай ёқа бошлади. Кўзларига нур югурди. Юзи ёришди. Энди

Миркарим бобо қум остида яйраб ётар, она бағрида тамшанган гўдакдай тез-тез тамшаниб қўяр эди: “Қани энди шу топда бир пиёлагина кўк чой бўлса, маза бўларди-да... Раҳматли дадам бир умр шуни орзу қилиб ўтди. Қумбосдининг қайноқ қумига кўмилиб, бир пиёла чой ичсам армоним йўқ, дерди. Армонда кетди дадам раҳматли!..”

У қочоқ отасига эргашиб, хорижга кетиб қолган эди. Бегона элда юртгадо бўлиб шунча йил яшади. Отаси раҳматли ёши ўтган сайин соғлиғи ёмонлашиб, тез-тез дардга чалинадиган бўлиб қолди. Хусусан, кейинги йилларда хафақон касали уни кўз очиргани қўймади: кўзлари ичга ботиб, ранги зафарон бўлиб, танаси букчайиб қолди. У ҳовлисининг пешайвонига чиқиб, куни бўйи чурқ этмай чўнқайиб ўтирарди. Бировга бир нарса демас, афтидан, дегиси ҳам келмасди. Чол ўлимидан бир йилча олдин пешайвонининг узун деворига учта сурат солдирди: деворнинг ўнг томонида Бухородаги машҳур Лабиҳовуз бўйидаги мўйсафид тут дарахти акс этган эди. Дарахтнинг тепа шохидаги саватдай келадиган лайлак уясининг акси ҳовузга тушиб, сувда қалқиб турибди: деворнинг чап бурчагида Исмоил Сомоний мақбарасини, ўртада эса Бобурнинг суратини нақшлатди. Афтидан, Бобурнинг қувғиндаги даври бўлса керак, қўлида китоб, кўринишидан дили хира, кайфияти сўлғин, бир нуқтага маъюсгина боқиб турибди...

Чол умрининг сўнгги кунларида пешайвондаги ана шу суратларга қараб, танасини бир маромда тебратиб, унсизгина пичирлаб ўтирадиган одат чиқарди:

Кўпдан бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Аммо боруримда ихтиёрим йўқтур.

Чол она-юртининг бир сиқим тупроғига зор бўлиб жон узди. Миркарим отасининг жасадини келгиндилар учун ажратилган ғарибгина мозорга қўйди...

Йиллар ўтди. Ватангадолик алами, фарзандсизлик ғуссаси Миркаримни ҳам чўктирди. Узоқ йиллар тўшакка михланиб ётди. Танаси тўла дард, икки елкасида шафқатсиз бод ўқтин-ўқтин хуруж қилади. Оёқларининг суяги ҳар зирқираганида отасининг васияти қулоғи остида жаранглаб кетгандай бўлади: “Қулоқ сол, болагинам, сўнгги тилагимни сенга айтиб, бу оламдан кўз юмай. Мен сени замингадо қилдим. Бу гуноҳим учун мени кечир, ўғлим. Мен кўрмаганни энди сен кўр, мен етолмаган тилакка энди сен ет. Ёшим етмишдан ўтиб, саксонга кириб, бу қурғур кўз энди очилди. Одам боласининг кўксида, энди билсам, ўғлим, туганмас бир мулк бўларкан – бу Ватан меҳри. Бегона юртда юрганингда ўзинг туғилган, киндик қонинг томган заминнинг янтоғи ҳам, ҳатто қора тутуни ҳам кўзингга тўтиё бўлиб кўринар экан. Хотирангдами, Қумбосди деган қишлоғимиз бўларди. Эсладингми, бўтам? Шу қишлоқнинг юқорисида тиллодай қип-қизил қум барханлари бўларди. Ҳозир шу барханларга кўксимни бериб, шундай

чўзилиб ётгим келяптики... Эҳ, болам, бу орзу ўзимдай кекса орзу. Ўша тилло барханларга олиб борадиган йўл мен учун берк. Нега деб сўрашга журъат этолмайсан-а, журъатсиз бола?! У пайтда сен каттагина бола эдинг. Агар сенда журъат бўлса эди, орқамдан молдай эргашиб келавермасдинг. Менинг йўриғим бўлак эди: ёш бухороликлар кўксини нишонга олиб, мана шу қўлларим билан ўқ узганман! Энди қанча умрим қолди, билмайман. Мени ўз қўлинг билан тупроққа топшириб, она-юртингга бориб сажда қил, хокини кўзларингга тўтиё қилиб сурт – ҳам ўзинг учун, ҳам мен учун... Билдингми? Ана шунда мен қабримда тинч ётаман! – Чол чуқур тин олиб, яна деди: – Мана бу ҳикоятга қулоқ сол. Қувғинда юрган Бобур Банипатда Иброҳим Лўдий устидан қозонган ғалабасидан сўнг буюк Ҳиндистон империясини барпо этди. Қисқа умри давомида Қобулда ўндан ортиқ шоҳона боғлар яратдики, солномачиларнинг ёзишича, беҳиштдан минг чандон аъло экан у барпо этган боғлар: пишиб етилган мевалари шарбатидан мабодо ўлик томоғига томизилса, жойидан туриб кетармиш! Бир куни Агра яқинидаги боғ шийпонида Бобур ўзбек элчисини кутиб олибди. Элчи Бобурга инъом этган қимматбаҳо совға-саломлар орасида ўзи туғилган юртнинг мева-чевалари тўлдирилган олтин баркаш ҳам бор экан. Бобур баркашдаги Қува аноридан, Бухоронинг Ширмудин ўригидан, Самарқанднинг сутга чайилгандай оппоқ анжиридан, Боғафзалнинг чаросидан ҳовуч-ҳовуч олибди-да, худди телбалардай юз-кўзларига суртиб, ўкириб йиғлаб юборибди... Укдингми, болам, Ватан қумсоғи уни ана шу кўйга солган эди!..”

Миркарим отаси айтиб берган ҳикоя таъсирида бир неча кун довдираб юрди. Отасининг пешайвон деворига Бобурнинг суратини не боис чиздирганини, кейинги пайтларда “Бобурнома”ни ёстиғи остига қўйиб ётиши сабабини жуда кеч тушунди.

Миркарим буюк шоҳнинг Ватан қўмсоғи тутган ҳолатини ўйлади: унинг дард ва ғуссаларини қалбан тасаввур қилиб кўрди. Унинг изтироб тўла кўз ёшларини кўз олдига келтирди. Отасининг унсизгина пичирлашлари қулоғига қайта чалингандай бўлди:

Кўпдан бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур...

Мана, Миркарим бобо ўз она-қишлоғининг қайноқ қумида кўмилиб ётибди. Унинг юз-кўзида шукроналик туйғуси барқ уриб турибди:

– Шукр, худога беадад шукрки, ўз тупроғимга етдим, ўз хоки поким бағридамен!

Миркарим бобо гоҳ боладай хушнуд – оғзининг танобини эплолмай, гоҳ ўқтин-ўқтин хуруж қилиб келаётган кўз ёшларини тиёлмай қум остида илжайиб ётарди.

– Туринг, Миркаримбой, кўп ётманг, баттар лоҳас бўласиз.

Чол тирсакларини қумга тираб, мажолсиз танасини хиёл кўтарди. Бошида қўшниси Сирож бобо турарди: бир қўлида патнисда чойнак, бир қўлида қумғон, елкасида сочиқ...

– Билганингиздан қолмабсиз-да, Миркаримбой, – деди у гина қилиб.

– Бўлмади, Сирожбой, хафа бўлманг, – деди Миркарим бобо “қўлга тушганидан” хижолат бўлиб. – Отам раҳматли васият қилган эдилар...

Сирож бобо чойнакнинг жўмрагини чол оғзига тутди:

– Новвотчой ичинг, бардам тортасиз, – деди қўйнини ковлаб бир ҳовуч дори чиқараркан. – Қумга ўтганингизни кўчадаги болалар айтди. Йўл-йўлакай аптекага кириб, дори-дармон ҳам олиб чиқдим, айтиб бўлмайди, кексалик...

– Раҳмат, – деди Миркарим бобо дўстига қараб, – юрагимга қанчалик дори-дармон зарур бўлса, Сирожбой, бари шу қайноқ қумда бор экан. Инонасизми, дўстим, онадан қайта туғилгандай бўлдим!

Миркарим бобонинг ҳозирги кайфиятини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмас – у дунё қадар бахтга ногаҳон муяссар бўлган одам ҳаяжонида эди: лабларида кулги, кўзларида ёш...

ҚИССАЛАР

СОЧИ ОҚАРГАН БОЛА

Хушнуд кунлар келади, инон!

А.Пушкин

БИРИНЧИ ҚИСМ

ТУЙНУК

Қиш қиличини яланғочлаб келди. Ер совуқдан қамчиланган танадай ёрилиб кетди. Сурункали изғирин узоқ давом этди. Саҳро этагидагилар қиш заптига чидаёлмай теварак-атрофдаги пастқам қишлоқларга – қариндош-уруғлари, ошна-оғайниларини қора тортиб, бирин-кетин дарбадар бўлиб кўчиб кетдилар...

Бепоён қумликлар этагида кўчмаган, тўғриси, кўчолмаган бир хонадон қолди. Бу ғариб кулба Қумбосди қишлоғининг муюлишида мунғайибгина ночор турарди.

Бу хонадон ҳам кўчишга шай эди. Қаноатнинг жўралари келиб гапни бир ерга қўйиб кетишди: эртасига эшакарава топиб келиб, уларни қўшни Денов қишлоғига олиб кетадиган бўлишди. Бироқ бир йилдан бери ана кетди-мана кетди бўлиб ётган бемор она ўғлининг раъйини қайтарди.

– Қиш ўчоғи тор, тур уйингга бор, деганлар, болам, – деди онаси сандалда инқиллаб ётган кўйи. – Кўчганларнинг бирор илинжи борки, кўчган-да.

– Бизам кўчамиз, – деб жўраларимга сўз бериб қўйгандим, – деди ўғил норози бўлиб.

Онаси нафасини ростлаб, тирсагига таянди.

– Сўз бериш ҳар хил бўлади... Ўша жўраларинг келганида: “Йўқ, кўчмаймиз”, – деб айтгин. Ҳеч нарса йўқотмайсан. Баҳорни ўз уйимизда кутамиз. Кўрпаси йиртиқ мана шу сандалимиз ғанимат. Ўтинга зўр бер. Отангдан қолган ойболта, арра қўлингдан тушмасин. Мен билан сени сандалга босилган олов тафти қишдан омон олиб чиқади. Уқдингми, болам?

Бола маъюс бош эгди.

– Уқдим, онажон.

– Қалдирғочлар учиб келгач, қиш заҳмати унут бўлиб кетади. Унгача қўни-қўшнилар ҳам, жўраларинг ҳам қайтади. Бу шафқатсиз саҳронинг қаҳри баланд, меҳри ундан ҳам баланд. Кетганлар ўз жойини қўмсаб, ўз оёғида яна қайтиб келади.

– Тўғри. Кўчганлар ҳам ноилож кетишяпти. Икки кўзлари орқаларида...

– Туғилган ернинг меҳри аслида шунақа – оҳанрабоси бўлади, – деди онанинг кўзлари анча равшан тортиб, ўғлига синовчан тикиларкан. – Нима дейсан, ўзимиз баҳоргача чидай оламизми, болам?

– Бўлмасам-чи, онажон, – деди ўғил маъқуллаб. – Чидаймиз!

Улар ғарибгина кулбаларида қолишди. Қўни-қўшнилар пайт топиб, улардан хабар олиб туришди. Кенгликларга ўрганган Қаноатнинг жўралари эса ора-сира келиб, қумликларда ўйнаб кетишарди.

Она-ўғил узоқ қиш қаҳрига чидашди, саҳро хуружларига бардош беришди. Қантал оғди, лекин қиш шаштидан тушмади. Ҳутдан олдин унинг безовта шамол ва тўзонлари лашкар тортиб келди, одамларни кўз очиргани қўймади. Ҳадеганда совуқ чекинмас, она кутган баҳор ҳали-бери келадиганга ўхшамасди...

Онанинг инграган овозидан Қаноат уйғониб кетди.

– Ҳа, онажон, яна мазайиз қочяптими? – Ўғил ғира-шира қоронғи хонада уйқу аралаш гарангсиб, бир оз аланглади-да, бош томонида хира милтираб турган қора пиликнинг “тили”ни хиёл кўтарди. – Нима бўлди, онажон?

Ташқарида шамол чийиллар, гувиллар, алланиманинг ваҳимали ўкиргани эшитиларди.

– Эшикка қара... Бизни худо урганга ўхшайди, болам.

Қаноат эшикка қараб, ҳеч нарса илғаёлмади: қоп-қоронғи. Жойидан туриб, эшик зулфинини ташлади, очишга уриниб, итариб кўрди. Эшик очилмади. Яна итарди, бўлмади. Эшикни ҳар итарганида, унинг тирқишларидан шиғ-шиғ қум сизиб кирарди. Қанча уринмасин, эшик очилмади – орқасидан худди тамбалаб қўйилгандай зил-замбил эди. Бола шундагина билдики... Уйни кечаси қум босган.

Қаноат довдиради. Қора пилик ҳам бу зимистон уйдан чўчигандай бир “лоп” этди-ю, ўчди-қолди. Бола қоронғида энди тамом гангиди... Ташқарида бўрон қутурар, еру кўкни ютгудай ваҳима солиб, ўкиргани ўкирган эди.

Деворда лойшувоқ қилиб ўрнатилган шапалоқдай шиша-туйнук ортидан ҳар эрта тонг бўзариб, нур тушиб турарди. Ҳозир шишадан ҳеч нарса кўринмасди. “Уйимизни қум босган, – деб ўйлади бола. – Одам бўйи... йўқ, том бўйи...”

Бола босиб келаётган ваҳмни, хавотир тўла хаёлларини чалғитиш учун тепага – қалдирғочга мўлжаллаб қўйилган туйнукка тусмоллаб қаради: зим-зиё. Ҳеч нарса кўринмади, туйнук берк эди. Ғадир-будур деворга қоп-қора тун тамом сингиб кетганга ўхшарди. Қаноат нажот кутиб яна эшикка термилди: ости қоронғи, қум сизяпти: эшикнинг устки тирқишларидан хонага хира, жуда хира, онасининг товушидай заифгина нур тушяпти.

Қаноат бошини ҳовучлаб, эшик кесакисига беҳол суянди. Кўксини бўғиб, ғижимлаб келаётган хўрлик кекирдагига қадалди: “Уйимизни қум босган, ташқарига чиқиб бўлмайди. Онамдан буни қандай яширсам экан?”

Сандалдаги тўшакда бир ҳовуч қоқсуяк бўлиб ётган она жулдур кўрпани устидан нари итқитиб, қарийб инграган товушда ўғлидан сўради:

– Нега безовтасан? Уйимизни қум босган, мендан яширма.

Қаноат эшик кесакисидан бошини кўтарди. Онасига қаради, лекин саси чиқмади.

“Онамдан сир яшириб бўлмайди! – Таажжуб билан ўйлай бошлади бола. – Ичингдаги гапни устидан чимчилаб оладилар...”

Қаноат онасига яқин келиб тиз чўкди, устига кўрпани тортиб қўйди.

– Ша-а-мол бошланган ку-ни... – Онанинг нафаси бўғилди, кўкраги гоҳ чўкиб, гоҳ кўтарилиб, жуда қийналиб гапирди. – Отангни эски тел... Телпагини туй... туйнук-к-а...

Бола онасига эгилди. Қоронғида унинг на кўзидан, на юзидан бирор маъно пайқаёлмади. Совиб бораётган лабларида айтилмай қолган бир оғиз сўз симобдай қотиб қолганга ўхшарди.

– Телпакни туйнукдан олиб ташлайми?

Қаноат онаси айтолмаган, лабида қотиб қолган ўша гапни, афтидан, топди. Онаси хиёл қўзғалиб қўйди. Ўғил уй бурчини пайпаслаб, супрадан ўқловни олди-да, сандал устига чиқиб, эски телпакни туйнукдан итариб туширди. Туйнукдан олдин энсиз тасмадай нур, кейин чанг-тўзон ёпирилиб кирди. Онанинг нурсиз кўзлари хонага сизиб кирган тонг нури билан тўқнашиб, хиёл ўтмай шу зайлича қотиб қолди: танаси эгри-бугри бўлиб, кўкраги бирпас кўтарилиб-чўкиб турди, кейин бир “пуф” деганича гавдаси тўғриланиб, боши ўнг елкаси томон қийшайиб қолди...

– Онажон, кўзингизни очинг, онажон! – Қаноат онасини узоқ таталади, совиб бораётган юзига, қўлларига, елкаларига лабларини босди. – Мени ёлғиз ташлаб кетасизми? Кўзингизни очинг, онажон!..

...Бола йиғлаш фойдасизлигини билди. Хона ўртасида шуурсиз чайқалиб турди. Алам ғазабга айланди. Ўзини эшикка урди. Эшик очилмади. Бир оз тисарилиб, яна ўзини эшикка урди, яна шундай қилди, яна... Боланинг қўллари эшик тахтасида сирпаниб, тиззаси билан чўккалаб йиқилди. Эшикнинг ёғоч дастагига чирмашиб яна турди; итарди, тепди, йўқ, эшик очилмади.

Қаноат орқасига ўгирилиб, онасига қаради: туйнукдан жасад устига тўзон аралаш тасмадай нур тушиб турибди, ташқарида бўрон ҳамон қутургандан-қутурар, еру кўкни ларзага солиб гувилларди. Она хира нур ортидан ўғлига боқиб: “Энди ҳаммасини ўзинг ҳал қил, болагинам!” деяётгандай эди.

Манглайи бир энликкина, қоп-қора қошли, афт-ангори унниқиб кетган ўн уч яшар Қаноат энди ҳаммасини ўзи ҳал қилиши – ўз тақдирига ўзи нажот излаши керак эди...

Бола энди йиғламас, тўғриси, йиғлаёлмас, унинг кўз ёшлари, дийдаси ҳам тошдай қотиб қолган эди. У она пойида чўккалаб, миқ этмай мунғайиб ўтирарди. Унинг муштдеккина жуссасида тақдирга қарши аллақандай ғалаён ўйнар, танаси ёнар, лекин вужудини жунбушга солган, хаёлларини остин-устин қилган ўша жиловсиз туйғу унга асло тутқич бермас, ишни нимадан бошлашни билмасди. Қаноат ўзини шу чигал қисмат қаршисида лол ва ожиз сезарди.

Боладаги қўрқув, руҳий ожизлик узоқ давом этмади. Онасининг жасади устидан исқирт кўрпани нари суриб ўрнига бундан бир йил олдин дадасини тобутига солинган эски чойшабни топиб ёпди. Кейин яна уйга аланглади – чиқиб кетишга чора излади. Бутун хаёли энди фақат шу билан банд эди. Уйдаги бор-йўқ “мулк” унга беш панжасидай аниқ: тўрт девор, танча, уй бурчида ёнма-ён чўнқайиб турган, даққиюнусдан қолган иккита ёғоч сандиқ; устида уч-тўрт увада кўрпа-тўшак. Берироқда тўнтарилган эски челак, устида қора пилик...

Дарвоқе, уйдаги иккала туйнук-чи? Булар ҳам шу хона “мулк”ига киради: шиша-туйнук орқасини зич қум босган, шифтдаги очиқ туйнукдан эса тўзон билан қоришиб энсиз нур, бир чимдим бўлса-да, рўшнолик тўкилиб турибди. Қаноат нимкосадай туйнукка, туйнук орқали ёпирилиб кираётган қатимдай шуълага, рўшноликка минг қатла шукр қилди.

...Худди кечагидай Қаноатнинг хотирасида турибди: бу туйнукнинг қўйилишига раҳматли онаси сабаб бўлган эди. “Шифтида қалдирғоч ин қурмаган хонада ажина уя қўяди”, – дея онаси кўп хархаша қилганидан дадаси истар-истамас юқори девордан мана шу туйнукни очиб берган эди. Совуқ тушиб, қалдирғочлар инини тарк этиб кетганидан сўнг онаси туйнукка эски латта-путтами, тўзони чиққан телпакними, қасноқ босган бирорта дўппиними тиқиб қўяди. Агар шундай қилмаса, бепоён саҳро этагидаги бу уйнинг игнадай тешигидан туядай совуқ ёпирилиб кирар эди.

Қаноат туйнукка қараб, кўнгли баттар суст тортиб кетди: “Онажон, сиз суйган ўша қалдирғочлар яна қайтиб келади. Туйнукдан уйимизга кириб, чуғурлашиб сизни сўроқлайди, – дея унсиз бўзларди бола. – Сиз энди йўқсиз, онажон, қалдирғочларга нима деб жавоб бераман?! Қани энди мен ҳам сиз суйган ўша қалдирғочлардай бўлсам-у, туйнукдан “пир” этиб учиб кетиб, қўшни қишлоқлардан бошингизга одам йиғсам, жўраларимни хабар қилиб келсам”.

Қаноат туйнукдан кўз ололмай, ташқарига илҳақ боқарди...

МУЮЛИШДАГИ УЙ

Ҳовлининг тўрт томони ҳайҳотдай очиқ. Саҳрода вақт-бевақт қўзийдиган изғирин шамоллар, қум бўронлари, “афғон” гармселлари муюлишдаги мана шу кулбани “ялаб-ямлаб” ўтар эди. Қаноатнинг дадаси шу боисдан: “Ўзимизга маза-да, онаси, тўрт тарафимиз қибла!” дея ҳазиллашар эди. Ота меҳридан эрта узилиб, етим қўзидай бугун онасидан ҳам ажраган Қаноат бундоқ ўйлаб кўрсаки, дадаси ўша гапни ҳазиллашиб эмас, йўқ, балки қўли калталигидан нолиб айтган экан. Қаноат бу гапларнинг тагига энди етяпти.

Қаноатларнинг уйи билан Вардонзе қалъа ораси узоқ эмас, бир-бир ярим чақирим чамаси. Қаноатларнинг ҳовлисидан бутун қалъа кўриниб туради. Қаноатнинг дадаси қалъа билан уйлари орасидаги бу бўшлиқни “Жилвоннинг очиқ дарвозаси” деб атарди. Саҳронинг қутурган шамоллари

шу “очиқ дарвоза”дан худди илондай ваҳимали вашиллаб ўтарди. Унинг йўлига мабодо туя кўндаланг келганида ҳам Жилвон шамоли учириб кетади”, дея қумбосдиликлар лоф қилиб гапиришарди. Қаноат бу гапга қизиқиб, бир куни дадсидан сўради.

– Шу гап ростми, дада?

– Андак лофлиги бор. Лекин ёлғон, деб шак келтириб ҳам бўлмайди, болам. Ўзинг ўйла, саҳрода нималар бўлмайди? – деганди дадаси ўшанда унга узоқ тушунтириб. – Саҳроликларнинг ибрат учун тўқиган ақидалари кўп. Қанақа ибрат дейсанми? Ибрати шуки, болам, саҳрога ҳушёр яша, эҳтиёт бўлиб қадам бос, сергак юр дегани. Бу ернинг андазаси бошқа ерга сира тўғри келмайди. Масалан, чанқасанг – сув изла, деган гап бор. Саҳроликлар ўгити бунга тамом тескари: “Саҳрода чанқасанг сув эмас, йўл изла”, дейди. Саҳрода яшайсанми, саҳроликлар ақидасига сира шак келтирма: саҳронинг ўзидай бешафқат даррандалари билан ошно тутин, паррандалари билан тил топ, дарахт ва гиёҳлари билан юзма-юз туриб сўзлаша бил, шамолларидан чўчима, бўронларини эгиб ол. Ана шунда сенинг қўлинг баланд келади. Ёнингда борманми-йўқманми – ана шу гапларимни унутма, ўғлим!

“...– Гапларингиз ҳақ, дада, то тирикман, унутмайман, – дея онасининг пойидан бош кўтариб турди Қаноат. – Лекин ҳозир нима қил дейсиз, дада? Ўгит айтиш, ўгит тинглаш пайти эмас. Она-ўғил бир қабрдамиз – бир ўлигу бир тирик... Айта қолинг, йўл кўрсатинг, дада, нима қилай?”

Қаноат волидаси пойига яна бош эгиб йиғлади, бўзлади, дадаси руҳига кўп илтижолар қилди. Боланинг увоққина елкаси анчагача силкиниб-силкиниб, охири тинди. У шу зайл ухлаб қолди. Қанча ётганини билмайди. Совқотиб уйғонди. Сандалнинг оловхонасини титиб кўрди – бор чўғлари ҳам сўниб, кул бўлиб қолган. Хонага аланглади: анча ёришган, совуқдан қиров босган деворлар сеҳрли йилтиллайди. Ташқарида қум бўрони ҳали тинмаган. Лекин кун ёришиб қолган бўлса керак, туйнукдан мўл-кўл нур тўкилар, банорас чойшаб, чойшаб остидан чиқиб қолган онасининг қоқсуяк қутсиз қўллари кўзга яққол ташланиб турар эди.

“Хайрият, қуёш чиққанга ўхшайди. Лекин унинг менга нима нафи бор – уйдан чиқолмасам, – деб ўйлади Қаноат ва дарров ўзига-ўзи далда берди. – “Молингни сот, жонингни сот, рўшнолик ол!” – дердилар дадам. Ёруғлик бўлса, одамнинг мушкули осон кўчармиш. Дадам беҳуда гап айтмас эдилар”.

Қаноат яна туйнукка қаради. Болордаги қалдирғоч инига кўз югуртирди, онасининг қалдирғочлар келишини илҳақ кутганини эслаб, юрак-бағри баттар эзилиб кетди...

Нур тўкилиб турган туйнукка бир қуш келиб қўнди. “Наҳотки, қалдирғоч бўлса? – ўйлади Қаноат. – Ҳали эрта, қалдирғочлар қайтмайди. Улар баҳорда қайтади. Ие, кабутар-ку! Киргин, жонивор, киргин, совуқ қотдингми? Кира қол, чўчима!”

Каптар мўридан уйга кирди, чарх уриб айланди. Қўндоғи синган, калта милтиқ осиғлиқ узун ёғоч михга бориб қўнди. Ҳадиксираб уйни кузата бошлади.

“Каптаржон! – ҳаяжондан энтикиб кетди Қаноат. – Хонаки каптарга ўхшайсан-ку, яхши. Давроннинг каптаримисан ё бегонами? Ие, оёғингда халқанг бор-ку, Давронникига ўхшайсан, чоғи. Э, айтмоқчи, Вардонзе қалъасининг мутаваллиси ҳам каптарбоз, деб эшитганман. Билдим, оёғингдаги халқадан билдим. Бир оз исин, ҳозир сенга емиш топиб бераман...”

Қаноат жойидан туриб, дон излади. Супрадан бир ҳовуч кепак топди. Сандал устига тўкиб, кабутарни чақирди:

– Биҳ-биҳ... Чўчима, жонивор, кела қол. Келсанг-чи.

Қуш энди хавотир тортмай сандалга келиб қўнди. Ҳафсала билан емишни чўқий бошлади.

– Бор экансан-ку, каптаржон! – дея яна пичирлади бола, кейин кўнгли суст кетиб, дийдаси юмшади, кўзи ёшланди. – Жонимга энди ўзинг ора кирасан, хўпми? Сенга ёлвораман, каптаржон, ёрдам бер!

Кўккина каптар келар,
Бўйни ерга қайрилиб.
Мен нечук тоқат этай,
Онажонимдан айрилиб?..

Қаноат муштининг орқаси билан кўз ёшларини артди, ҳовучида қолган емиш юқини каптарга тутди. Қуш бегонасирамай келиб қўлига қўнди. Шунда Қаноатда хат битиб, каптар билан ташқарига жўнатиш фикри туғилди: “Хатни кимга жўнатаман? – хаёлидан ўтказди Қаноат. – Кимга бўлса – ўшанга! – қатъий қарорга келди. – Каптар мутаваллиники бўлса... ахир, мутавалли ҳам одам-ку... Аҳволимни билиб, наҳот, ташқарида томошабин бўлиб ўтиради? Борди-ю, каптар Давронники бўлса, яна ҳам яхши!...”

Хат битиб жўнатиш фикри унинг бутун хаёлини қамраб олди. Зич китоб жойлаб қўйилган сандиқдан қоғоз-қалам олди. Хатда айтадиган гаплари ҳам беихтиёр қуйилиб келаверди:

“Уйимизни қум босди. Онам узилиб қолдилар. Ушбу хат кимнинг қўлига тушса, диёнатига хиёнат қилмай, бизни қутқазишга шошилсин.

Қумбосди қишлоғи, муюлишдаги биринчи уй. Носир варанканинг ўғли Қаноат”.

Қаноат каптарни эҳтиёткорлик билан тутиб, бағрига босди. Унга худди шу топда ўзининг халоскоридай муомала қилар эди: қанотларини тарради, силади, ўпди. Хатни тумордай қилиб, тўрт буклаб тугди-да, ип ўтказиб, каптар оёғидаги ҳалқага маҳкам боғлади. Қуш туйнукдан чиқиб кетганидан кейин унинг ортидан анчагача қараб қолди. Кўнгли алланечук бўлиб, баттар хўрлиги келиб кетди: “Сенга ўхшаб эркин қуш бўлсам-у, мен ҳам бу қоронғу кулбадан учиб кетсам... Йўқ, онамни якка ташлаб ҳеч қаёққа кетолмайман, ўзинг учавер, каптаржон!”

ИЛТИЖО

Қадимий Вардонзе қалъасининг етти пахса деворлари нураб, ғалвирдай илма-тешик бўлиб кетган. Дунёдаги жамики қушлар гўё шу қалъада – асалари инларидай сонсиз-саноқсиз тешикларда жамланган. Эрта тонгдан кеч оқшомгача бу ерда хилма-хил, ранг-баранг қушлар сайли, паррандалар бозори қайнайди: тустовуқ, қирғий, пўпиш, майна, булбул, чумчуқ, қарқуноқ, каптар...

Қаноат тенгқурлари билан ҳар куни қалъа пойига келиб, ана шу қушларнинг чуғурлашини, хонишини, “шох ташлаб” парвоз этишини томоша қиларди. Улар ҳатто қушларнинг одамларга берадиган фойда-зараригача ўзаро муҳокама этишарди. Болалар тустовуқнинг камалакдай товланиши, булбул хониши, қирғийнинг абжирлиги хусусида баҳс қилиб турганларида, бошлари узра читтак, зағизғон, ғуррак, сариқ чумчуқ, қарқуноқ парвоз қилиб, “бизни унутманглар, болалар”, деяётгандай басма-басига учишарди. Тентакқуш бўлса тентаклигидан қолмай, ҳадеб болаларнинг жиғига тегарди: у болалар олдига тушиб, ҳавасни қўзғатадиган даражада чиройли йўрғалар, улар қувиб етай-етай деганда “пир” этиб учарди-да, тўрт-беш қадам нарига бориб қўнарди; болалар яна унинг ортидан югуришарди, айни етай-етай деганда.. тутқич бермай яна учиб кетарди. Шунда жаҳли чиққан болалар:

– Тентак! – деб сўкинишарди. – Тентакқуш!

Қаноат тенгқурлари – Даврон, Карим, Саттор, Аҳмад билан қушлар ортидан толиқиб югуришарди, терлаб пишишар, кейин ҳаллослаганларича кўм-кўк ажриққа ёнбошлаб, дам олишарди. Шу пайт узоқ-узоқлардан бойўғлининг “Қу-у-қ” деган чўзиқ овози эшитилиб қоларди. Бирпасдан кейин бойўғлининг ўзи вайрона қалъа узра чарх уриб, ўркачга ўхшаган ўрта деворга келиб қўниб оларди-да, яна чўзиб:

– “Қу-у-ққ” – дерди.

Болалар “гур” этиб бойўғли томон қарашарди. Қаноат ўнг тирсагига тиранганича бойўғлини узоқ кузатарди, сўнг отасидан эшитган ривоятни ўртоқларига айтиб берарди:

– Жуда қадим замонда Кайқубод деган мамлакатда Бойўғли билан Япалоққуш яшар экан. Кунлардан бир куни Япалоққушнинг ўғли Кулонкир Султон Бойўғлининг қизи Гунашбонуни севиб қолибди. Унга Ҳудҳудни совчи қилиб юборганида, биласизларми, жўралар, Бойўғли унга қанақа шарт қўйган?

– Йўқ, билмаймиз, – дея жўралари Қаноатнинг оғзига қараб чўзилишарди. – Қани-қани, айт-чи, шартини эшитайлик.

– Минг битта вайрона чордевор тўлайсан, дебди!

– Вой-вуй, – дейишарди болалар уввос солишиб, – минг битта вайрона девор?

– Ана, кўрдингларми? – дерди Давроннинг билағонлиги тутиб кетиб, – Бойўғлини ана шу учун одамлар ёмон кўради. Унинг “қу-у-қ” дегани, “Дунё хароба бўлсин!” дегани экан. Ҳа-а, бувам шунақа дердилар. Қушларнинг

ичида аълоси – каптар! О, унинг кўкка тўш уриб чиқишини-ю, кейин кутилмаганда ерга “калла” ташлашини томоша қилсанг. Бай-бай, лабинг қимирласа бўлди, ҳамма гапингга тушунади, ақлли қуш!

– Бойўғли ҳақидаги таърифнинг унча ҳам тўғри эмас, – эътироз билдирарди Қаноат қизишиб. – Сен каптарни яхши кўрасан, биламан. Лекин Бойўғли ҳам каптардан кам эмас. Бойўғли – заҳматкаш қуш. Қанча зараркунандаларни қиради, деҳқон ҳосилига барака киритади.

Ўртада яна баҳс қизиб кетарди.

– Қушнинг яхшиси, жўралар, пўпиш, – дерди Фозил тутмайизчининг невараси Карим, – то пўпиш келиб балхи дарахтини чўқиб уйғотмаса, тут пишмайди, э, жўражон, тут пишмаса, илигинг қаердан тўлади? Тут пишмаса, тутмайиз қаердан бўлади, хўш, айт, қаердан бўлади? Ҳа, балли, бўлмайди! Бобом: “Пўпиш – қушларнинг пошшоси”, дейдилар.

– Бу ҳам тўғри, – деб маъқулларди Қаноат, – лекин қушларнинг яхшиси – қалдирғоч! Нега десаларинг, жўралар, агар қалдирғочлар учиб келмаса, мана бу Жилвонимизга баҳор ҳам келмайди!

... Дарвоқе, баҳор! Ҳар гал қалдирғочлар учиб келганида Жилвонга, бутун бошли саҳрога баҳор нафаси уфуради. Ўша қалдирғочлар Қаноатларнинг уйига ҳам баҳор олиб келарди.

“Кўклам кўкатини, баҳор неъматини олиб келдингми, – дея қувониб кетарди Қаноатнинг онаси ҳар гал қалдирғочлар қайтиб келганида. – Чирқиллаган овозингга қоқиндиқ, туйнукдан кира қол, ининг бўш турибди, сенга мунтазир!..”

...Қаноат ҳозир сандалда ўтириб, икки тирсагини тиззаларига тираб, иягини кафтларига босганича онаси айтган эртакларини эслар, баҳор ва қалдирғочлар ҳақида ўйлар, онасининг руҳи билан гаплашаётгандай унсиз шивирларди: “ўзийиз айтиб берган эртакларда қоронғи чўккanида ўлиб, қуёш чиққанида қайта тириладиган одамлар бўларди. Сиз ҳам ҳеч бўлмаса бир лаҳзагина кўзингизни очинг, ўша эртаклардагидай...”

У илтижо қила-қила сандалдан сирғаниб, онасининг пойига йиқилди...

ТОШБИТИКДАГИ ЖАРНОМА

Уйнинг шимол деворидаги иккинчи туйнукнинг ҳам қизиқ тарихи бор. Бу шиша – туйнук Вардонзе қалъасига юзма-юз қилиб ўрнатилган. Қаноатнинг дадаси шиша ортидан қалъага, унинг тепасидаги мўйсафид дўлана дарахтига қараб ўтиришни хуш кўрарди. Бунинг устига, туйнукдан бир чимдимгина нур хонага тўкилиб турар, Қаноатнинг дадаси бундан завқланиб, “Ҳарна, рўшнолик-да!” – деб қўярди.

Дадаси қўли ишдан бўшаган қиш пайтлари шу туйнук олдидан жилмасди. Қаноат бундай пайтда кўпинча дадасининг пинжида бўларди. Вардонзе қалъаси ҳақида қизиқ-қизиқ ҳикоятлар, ривоятлар эшитиб, маза қиларди...

Дадасининг болалиги шу қалъа атрофида ўтган. Қаноатнинг ўзи ҳам остонадан ташқарига эмаклаб чиқибдики, тойчоқлиги шу қалъа билан боғлиқ. У гоҳ дадаси билан шу бугунгидай бирга чиқар, гоҳ тенгқурлари билан бориб, халта-халта исириқ ёки ялпиз териб келарди.

Қаноатни қалъа тепасидаги дўлана дарахти кўпроқ қизиқтирар, бор меҳрини тортган эди. Дўлана кўк билан битта бўлиб осмону фалакка қўшилиб кетган. Қўрғонга қайси томондан қаралса – хоҳ узоқдан, хоҳ яқиндан, аввал шу дўлана дарахти кўзга ташланади. Қушлар юлдузларга қараб йўл топганидек, саҳрода адашган йўловчими, чўпон-чўлиқми осмону фалакка елка тутиб турган мана шу дарахтга қараб кўпинча мўлжал олишарди. Дарахт бугун ўзича бир латофатга бурканган: кўм-кўк баргига тўкилган шабнам ҳам, ҳар донаси ўрикдай-ўрикдай келадиган дўланалари ҳам қуёш нурида жимирлаб ўйнар эди.

Қаноат қалъага яқинлашгани сари, назарида, дарахтнинг ранги ҳам ўзгариб, бамисоли тилла суви югуртирилгандай хилма-хил нурланаверади.

– Дада, қаранг, дўлана пишибди! – Қувончдан қичқириб юборди бола. – Пишибди, қаранг, дада!

– Кўряпман, – деди дадаси қўрғон пойига яқин келиб, пастдан дарахтга узоқ қараб турди. – Дарахт бошини ерга қараб эгдими, билки, мевасининг ғарқ пишгани шу!

Қаноат дўланага қараб тамшанди. Дадаси кулиб қўйди.

– Олиб берайми?

– Майли.

– Бўлмаса, юр, қалъага чиқамиз. Исириқни ўша ердан терасан. Мен дарахтга чиқиб, сенга дўлана териб тушаман.

Вардонзе қалъа ҳисори – чамаси, ўттиз метр баландликка олиб чиқадиган қирқ тўққиз пиллапоя...

– Эҳтиёт бўлиб қадам бос, болам, аждодларимизнинг салкам уч минг йиллик ўтмиши сукут тутиб ётибди бу ерда, агар билсанг, – деди дадаси ўғлини юқорига бошлаб. – Бу қалъанинг турган-битгани тарих. Бундаги ҳар битта ғишт, ҳар битта гувала деворнинг ўзи бир обида. Мана шу ерда, бешинчи зинапояда бир дақиқа тўхта, болам. Балли. Энди ўнг қўлга бурил. Ёнбошдаги мармарга ўйиб битилган ёзувга бир қара. Мендан олган сабоқларингни бугун имтиҳон қиламан. Қани, ўқиб кўр-чи, нима деб битилган мармарда?

Қаноат белидаги нимдошгина белбоғини ечиб, ғубор ва чанг босган мармарни тозалади, кейин арабий ҳарфни ҳарфга уриштириб, тутила-тутила ўқий бошлади: “Од-а-м-л-а-р бу фоний дунёдан дарёдек оқиб ўтаверадилар... улар қилган яхшиликлар сув остига чўккан олтин тангалардек абадий ярқираб тураверади”.

– Яхши, – деди дадаси маъқуллаб. – Илмингни синамоқчи бўлсанг, кўзинг омухта бўлмаган ана шундай сўзларни ўқишга уннаб кўр.

Қаноат ўнинчи пиллапоя ёнбошидаги битикни кўп уриниб ўқиёлмади. Мармардаги ёзувнинг биринчи банди ўчиб кетган, қолган қисми ҳам анча

хира тортган эди. Ҳатто дадаси ҳам уни ўқиёлмади, фақат: “...охирги ором маконидир”, деган жумладан нарига ўтолмади.

Қаноат жўралари билан мана шу пиллапоялардан ҳар куни бўлмаса ҳам, кунора баланд ҳисорга кўтарилиб, неча бор пастга тушган. Бу битиктошларни кўп кўрган, лекин ҳар гал уларга болалик назари билан қараб ўтиб кетаверган. Мана, энди дадаси кўмагида бу ноёб битиклар мағзини чақиб, ўзидан-ўзи хижолат тортиб кетди.

Томининг талай қисми қулаб тушган, бир пайтлар бу ҳисорнинг энг кўркам хосхоналаридан бири саналган, чорзарб қилиб қурилган пойостонадаги кўшкка киришди. Қаноатнинг дадасида бор қадимий китоблардан унга шу нарса маълум эдики, Вардонзенинг биринчи подшоси Вардонхудот олий нуфузли меҳмонларни шу хосхонада қабул қилган. Салтанат ҳукмдори кўрган-билганларини, кечган-кечирганларини ўзи битган “Ёднома”сида шундай рақам қилган:

“Қалъа ҳисорини баландда – кўк елкасига тираб қурдим. Токи рақибим келиб осмонга туташиб кетган бурж минорларга қараганида, бошидаги кулоҳи ерга тушсин. Шундагина унда ҳайиқиш ҳисси қўзғалади. Боз устига, ҳисор пойостонасидаги хосхонанинг тўр деворида мана шу беомон байтларни нақшлатдим: “Қилич кўтариб келган душманга асло меҳр-шафқат қилмаймен.

Бо дўстон мурувват,
Бо душманон мазорат!”

Хосхона эшигидан кирган кишининг кўзи энг аввал рўпарадаги деворда битилган мана шу битикка тушади.

Бўлажак авлодларга бағишлаб битилган бу қобуснома – “Ёднома”нинг талай қисми Вардонхудот ва ундан кейин ўтган подшолар фармони билан шу хосхона деворларида, ҳисорнинг етти пахса қаср пештоқларида тошбитик қилиб ўрнатилган эди.

Қаноатнинг дадаси файзи кўчган, нураган бу чордеворнинг тошбитикларини кўп марта кўрган, уларни ўқишга неча бор уринган, баъзисини ўқиб, айримини ўқиёлмай, уларнинг қаршисида соатлаб қолиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Ҳозир эса ўзи лозим кўрган битикларнинг мағзини ўғлига дона-дона қилиб чақиб берди:

– Яшаганда, ўғлим, меъёрини билиб яша: ҳаддан зиёд ширин ҳам бўлма, еб қўйишмасин; ҳаддан ортиқ аччиқ ҳам бўлма – тупуриб ташлашмасин...

Ваҳм – қоронғида кўп изғийди. Шу боис кўнглингни равшан тут, хаёлинг доим нурафшон бўлади.

Шуҳратни излаб ортидан беҳуда от чоптириб юрма. Агар ақл-идрокка таянсанг, ўғлим, шуҳратнинг ўзи сени излаб топади.

Дарахт жазирама иссиқда туриб, ўзгаларга соя ва мева беради. Дарахтдан ибрат ол, ўғлим!

Ўғлим, ёшлигингда кўп хатолар қилурсен. Агар билсанг, бу ҳам фойдадан холи эмас. Бироқ бу хатоларни қаригунингча ҳаргиз судраб юрма.

Қаноатга битикларнинг бари маъқул бўлди, бироқ хосхона тўридаги тошбитикка тиши ботмади. Уни дадаси изоҳлаб берди:

– Юртингни кўз қорачиғидай азиз тут, қадрла. Унинг хоки пойига дўст бўлиб қадам қўйганга бағрингни кенг оч, дегани. Агар қилич кўтариб кирса, унинг кўзига дунёни тор қил – сўнгги манзили мозористон бўлсин:

Бо дўстон мурувват,
Бо душманон мазорат...

– Тушундим, – деди Қаноат, – англадим маъносини. Раҳмат, дада.

Ота-ўғил хосхонадан чиқишди. Пиллапоялар уларни ҳисор саҳнига олиб чиқди. Қаноат қуёшда лов-лов ёнаётган қалъа саҳнига узоқ қараб турди. Жамики гиёҳ ва кўкатлар қовжираб қолган, қаршисида фақат дўлана дарахти кўм-кўк яшнаб турарди. Қаноат дарахтга қараб хосхонадаги тошбитикни беихтиёр эслади:

“Дарахт жазирама иссиқда туриб, ўзгаларга соя ва мева беради. Дарахтдан ибрат ол, ўғлим!..”

– Бу қанақа жарнома, дада? – деди Қаноат худди шаҳзода билан юзма-юз тургандай бутун вужуди жунбушга келиб. – Айта қолинг, дада.

– Айтаман, ўғлим, лекин ҳозир мавриди эмас. Бир фурсати келганда айтиб бераман.

– Йўқ, ҳозир айтинг, – деди Қаноат дадаси пинжига баттар тиқилиб, – унинг яктаги этагига маҳкам чирмашиб олди. – Дўлана олиб бермасайиз ҳам майли. Шу жарнома тарихини айтинг. Кейин-чи, дада, бир қоп десайиз ҳам исириқ териб бераман.

– Э, э, шунақами? – деди дадаси ўғлининг елкасидан қучиб. – Бўпти, ўғлим, сенки шуни истадинг, унда айтаман. Аввал мана бу гапимни эшит. Менда кийик терисига қопланган бир хотира дафтари бор. Ҳали сен уни кўрмагансан. Дадамдан мерос. Дадамга дадаларидан қолган, дадаларига эса... Хуллас, ўтмиш аждодлар қасамёди шундай бўлганки, оталар шу хотира дафтарини кўчириб, ўз фарзандларига мерос қолдиришлари фарз саналган. Шу тариқа авлоддан авлодга ўтиб келаверган... Хотира дафтарида битилган бир ривоятда айтилишича... – Дадаси бир оз тин олди. Ҳикояни жуда узоқдан – мозийдан бошлади...

– Эрон подшосининг ўғли Шопур отасидан аразлаб, Бухорхудот ҳузурига келади ва Бухоро фуқаролигини қабул қилади. Шопур ов жинниси бўлган экан. Шу илинжда шикорга чиқиб, биз яшаб турган мана шу жойларга келиб қолган.

Ўшанда биз яшаб турган жойлар, ўғлим, Мосаф[1] воҳасининг энг кўркам гўшаси бўлган: қир-адирлар, ўтлоқ-яйловлар, боғ-роғлар, чорвоқлар... Бир-биридан гўзал паррандаларини, бир-биридан абжир даррандаларини айтмайсанми? Булбулу қумрилар, тўтию товуслар, майнаю зағизғонлар, мусичаю ғурраклар минг хил нағмада хониш қилган, минг хил муқомда хиром этган... Буларни кўриб шаҳзоданинг оғзи ланг очилиб қолган. У шу

[1] Зарафшон дарёси ва воҳасининг қадимги номи.

ерда муқим қолиб, бир ҳисор қуришга ижозат сўраб, Бухорхудотга чопар юборган. Шаҳзодага рухсати олий-нишон теккан кундан бошлаб, у қўлига қурол олиб, гўзал табиатга, унинг жонли ва жонсиз мўъжизаларига қарши суиқасд бошлаган – отган, чопган, топтаган... ўшанда келгинди шаҳзода бунинг учун табиат келажакда одамлардан қасос олишини билмаган-да!

Шундай қилиб, ўғлим, рўди Мосафдан ариқ қазиб, сув келтиришган. Тўрт тарафдан одамлар кўчиб кела бошлаган. Қисқа фурсатда иккита қишлоқ қад кўтарган. Бири – Обавия, иккинчиси – Вардона. Бора-бора қишлоқлар чўзилиб, кенгайиб, кўча ва расталари бир-бирига туташиб кетибди. Вардонани Шопур пойтахт қилибди. Бухородан кейин дунёда иккинчи бир мўъжиза пайдо бўлибди. Шунинг учун ҳам мўъжиза деяпманки, ўғлим, мамлакатларни мамлакатларга боғлайдиган карвонлар, элчилар, савдогар ва сайёҳлар шу шаҳри азим – Вардонзе орқали тўрт тарафга қатнаб туришган. Шу боис Вардонзе қалъаси “Ипак йўли”, “Шарқ дарвозаси” номи билан ҳам аталган. Араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим бу шаҳарни забт этиш учун тўрт марта ҳужум қилган, лекин ололмаган. Халқ жон бериб, қон кечиб шаҳарни ҳимоя қилган. Қирғин-барот урушлар бир неча йил давом этган. Ахийри, Қутайба: “Бу пўлат қўрғонга тишим ўтмади”, – деб лаш-лушларини йиғиштириб, қайтиб кетишга тараддуд кўрган. Шу пайт Қутайбанинг ноиби Хайёни Набатий[1] бир ҳийла ўйлаб топган. Бу ҳийла арабларга қўл келган... Бу ҳийлага шаҳзода лаққа тушган.

Қаноат дадаси айтаётган ҳикоят таъсирига шунчалик берилиб кетган эдики, у ҳозир ўзини ўша хоин шаҳзода билан худди юзма-юз тургандай ҳис этарди: сесканиб тушди, ижирғанди, қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди.

– Хоин! – деди товуши титраб. – Не-е-га шаҳзода бундай қилган, дада?

– Ақли суст, эътиқоди паст бўлган одамларни макр-ҳийла деган бало не кўйларга солмайди, ўғлим? – деди дадаси афсус билан бош чайқаб. – Бир донишманддан сўрабдилар: “Ичкилик деган оғу нега кекса кишининг оёғигаю ёшларнинг миясига тез таъсир қилади?” Донишманд жавоб берибди: “Чунки ичкилик деган оғу одамнинг суст жойини излайди-да!” Ҳийла ҳам, макр ҳам донишманд айтган ўша оғудай гап, одамнинг нуқул бўш ва суст жойини излайди, агар билсанг, болам.

Қаноатга дадаси айтган бу ривоят ҳам маъқул бўлди, лекин шаҳзоданинг нега хоинлик қилгани уни кўпроқ қизиқтирарди.

– Айтаман, ўғлим, айтаман, – деди дадаси рози бўлиб, – буёғи энди бошқа ривоят...

[1] Тарихий шахс.

ЖАЙҲУНА

– Араблар Вардонзе қалъаси деворлари ортида, баланд майдонда дор қуришибди. Арғамчи устида дорбозлар басма-бас ўйнашиб, қалъа ичкарисидаги халойиққа юз муқомда томоша кўрсатишибди. Дорбозлар ичида гўзал бир қиз ҳам бор эмиш. У дор устида хиром этганида, учиб кетаётган қушлар ҳам йўлидан қайтиб, қалъанинг бурж миноралариға қўниб олиб, уни томоша қилармиш. Қамалда ётган шаҳзода дор устидаги ана шу қизни бир кўришдаёқ севиб қолибди. У қизга шунчалик ошиғи шайдо бўлибдики, тахт ҳам, давлат ҳам кўзига кўринмай қолибди – туну кун дорга термилиб ўтирадиган одат чиқарибди. Аксига олиб, қиз энди дорда кўринмай қолибди. Шаҳзода қиз васлига илҳақ бўлиб турганида, бир куни етти пахса девор ортидан оёғи остига бир мактуб келиб тушибди. Шаҳзода, хатни очиб кўрса... дорбоз қиз – Жайҳунадан экан! Қиз хатда куйдим-пишдимлардан кейин шаҳзода билан кўришишга онт ичиб, учрашув жойини белгилаган экан. У шаҳзодани қалъа остидан ўтадиган лаҳим қопқасига таклиф қилибди. Эс-ҳушидан ажраган шаҳзода ер тагидан ўтган лаҳимга яширинча тушиб, темир қопқани очса... дорбоз қиздан дарак йўқ, ҳийлагар Набатийнинг навкарлари қопқа оғзида саф тортиб турганмиш!

...Шаҳзода билан Жайҳуна учрашибди, лекин жуда кеч – араблар шаҳарга бостириб киргандан кейин учрашибди. Бу учрашув бояги мактубда битилгандай, ошиқ-маъшуқалар ёки севишганларнинг висол учрашуви эмас, йўқ, алданганлар, хўрланганлар, таҳқирланганлар учрашувига айланибди!

– Гапир, эй шаҳзода, мана уруғ-аймоғинг билан юзма-юз турибсан, – дебди қиз нафрат билан унга қараб. – Нега ўз фуқаронгга, ўз тахтингга хиёнат қилдинг?

– Ҳаммаси сен туфайли бўлди, – дебди шаҳзода бош эгиб. – Сен туфайли бўлди ҳаммаси, маликам!

– Мен туфайли? – дебди қиз таажжубга тушиб. – Яширин лаҳим қопқасини ўз қўлинг билан очиб бердинг...

– Сен битган мактуб туфайли шундай қилдим, – дебди шаҳзода йиғлаб. – Мени сархуш қилиб қўйди йўллаган мактубинг, маликам!

– Қанақа мактуб, эй, нодон шаҳзода? – дебди қиз. – Эҳтимол, Набатий менинг номимдан сохта мактуб битгандир. Хўш, шаҳзода, лаҳим қопқасига сени Набатийнинг ҳийласи бошлаб келди, шундайми? Энди тўхтаб тур, қопқада қўлга тушиб, алданганингни билганингдан кейин нега яна хоинлик қилдинг?

– Қандай хоинлик?

– Шаҳар дарвозаларининг калитини ўз қўлинг билан нега душманга бердинг?

– Бу ҳам сен туфайли бўлди, маликам.

– Ёлғон!

– Рост! – дебди шаҳзода. – Рост сўзлаяпман, сен туфайли бўлди. – Набатийнинг жаллодлари мени лаҳим қопқасидан суғуриб, Қутайба ҳузурига олиб бордилар. Мендан қалъа калитларини талаб қилишди. Рад этдим.

Биламанки, лаҳимдан улар фойдалана олмайди. Сабабки, лаҳимнинг ичкари қопқасида қуролланган навкарларим турибди – улар борган душманни қиличдан ўтказади. Шунда Набатий қаршимдаги ҳарир пардани кўтариб, сени кўрсатди. Сен рўпарамдаги майдонда – кўм-кўк майсазорда лолақизғалдоқ териб юрган эдинг.

– Калитни бермасанг, – деди шунда Қутайба, – кўз олдингда Жайҳунани қатл эттираман! Сени омон сақлаб қолиш учун, Жайҳуна, калитни беришга рози бўлдим!

Шунда Жайҳуна минг афсус ва надомат билан фарёд солибди:

– Агар шу гапларинг чин бўлса, бир кўришда севги туғилиши рост бўлса, дунёда бахти қаро, муҳаббати кемтик, севгиси завол топган қиз ҳисоблайман ўзимни, билдингми?! Қилган хоинлигингга сабаб чиндан ҳам мен бўлсам... агар сотқинлигинг боиси чиндан ҳам менга бўлган муҳаббатинг бўлса, эй шаҳзода, мана шу жабрдийда фуқаро олдида қасамёд қиламанки, мен ҳам ўзимни айбдор ҳисоблайман! Шуни бил, шаҳзода, қасосдан энди қутулолмаймиз – иккимиз ҳам жазога баробар маҳкуммиз!

Қиз шундан кейин белидаги тилла ғилофдан олтин ханжарини суғуриб, боши узра баланд кўтариб, халойиққа қараб қичқирибди:

– Ҳе-е, мардуми Вардона, эшитмадим деманглар, эшитганлар жилманглар, дор устидаги ўйинлари билан сизларни ром қилган ўша дорбоз қизмен. Исмим – Жайҳуна. Жайҳун[1] дарёси бўйидаги Тўхористон[2] мамлакатиданман. Шери Кишвар деган машҳур савдогарнинг қизи бўламан. Отам Чин[3] мамлакати подшосининг жияни Малик Кўрмағон билан дўст тутинган эди. Шу туфайли Чини Мочин подшосининг саройида таълим олдим. Одамларга хушнудлик бағишлай, деб дорбозлик ҳунарини ўргандим. Чин мамлакатидан қайтиб, Тўхористон устида дор тиксам... Қутайба ноиби Хайёни Набатий дор остида қўққисдан пайдо бўлиб, хожаси ҳузурига бошлаб борди. Улар қистови билан дор устида кўп ҳунарлар кўрсатдим. Босқинчилар ғалабаларини нишонлаш учун кўнгилхушликка аввал дор тиктирган бўлсалар, кейинчалик... Вардонзе мағлубиятидан сўнг улар ғалаба қозониш учун дор тиктирган эканлар. Набатийнинг бу ҳийласидан бехабар эдим. Дор устида Чин муқомида не-не рақслар ижро этиб, олдин шаҳзодангизни ром этдим, кейин шаҳзодангиз орқали сизларни – жабрдийда фуқарони, бутун шаҳрингизни душманга тобе қилиб бердим. Шаҳзода мени кўрмаганда, эҳтимол, шу ҳолатга тушмаган бўлар эди. Биримиз дорда туриб, биримиз ерда туриб ана шундай гуноҳи азимга йўл қўйибмиз, энди билсам. Бу хиёнатнинг мантиқий якуни – ўлим! Марҳамат, шаҳзодам, – дебди Жайҳуна, – мана ханжар, аввал сиз бошлайсизми ё ўзим бошлай қолайми?

Жайҳунанинг ханжар узатган қўли ҳавода муаллақ осилиб қолибди: шаҳзода қиз оёғига йиқилиб, зор-зор йиғлаб, илтижо қилибди:

– Ўлишни истамайман, маликам! Мени кечир, кечир мени! Шундай яшагим келяптики...

---

[1] Амударёнинг қадимги номи.

[2] Қадимда шу номда аталган давлат бўлган.

[3] Хитойнинг Ўрта асрлардаги қадимий атамаси: Чин ва Чини Мочин деб аташган.

– Мен кечирганим билан халқ сени кечирмайди, шаҳзода! – дебди қиз ханжарни яна боши узра ялтиратиб, баланд кўтарибди. – Мен ўзимни жазолашни биламан, эй мардуми Вардона, номардларни жазолашни эса сизларга қолдираман!

Жайҳуна ханжарни кўксига санчибди. Унинг жасадини одамлар тахт пойидан қўлларида кўтариб олишибди.

Ривоятда айтилишича, ўғлим, шаҳзода ҳам жазосиз қолмаган. Одамлар катта бир қопни қовоғарига тўлғазиб, шаҳзодани ўша қопга мажбуран солишибди. Шаҳзода қоп ичида арилар билан талашиб-юлишиб, ахийри ўлибди! – дадаси чуқур тин олиб, Жайҳуна ҳақидаги ҳикоясини тугатди. – Мармарда битилган жарнома битикнинг тарихи мана шу, ўғлим!

ГРАФ ТОЛСТОЙ ДАЪВАТИ

Носир варанка кўпинча керосинни Когондан – янги Бухородан ташиб келтирарди. Бошқа ернинг ёнилғисини харидорлар хушламасди. Лағлақа, Вобкент, Галаосиёнинг керосини, одамларнинг айтишича, аллақандай ғуборли, чироқда тутаб ёнармиш!

Бу таъналар Носир варанкага малол келар, бунга гўё ўзини айбдордай сезарди. Шу боис Вардонзе қалъадан йўли қанча узоқ бўлмасин, у кунора Янги Бухорога қатнаб, қишлоққа керосин таширди.

– Муомала қилсанг, ўрис билан қил, – деб ўғлига тайинларди у, – савдо қилсанг, ўрис билан қил – инсофли халқ. Кўп олди-берди қилиб кўрдим-да. Биздаги баъзи мусулмонлардан чатоғи йўқ. Ё тавба, деб баъзан ёқамни тутаман: манглайини Қуръони каримга қўйиб туриб, қинғир ишга қўл уради. Покиза мусулмонмиз, дейди-ю, бир-бирини алдайди. Когондаги керосин омборида иккита ўрис ошнам ишлайди, борганингда ўзинг кўрасан ҳали, – бош бармоғини тик тутиб қўшиб қўярди: – Во, аломат, йигитлар! Сени таништириб қўяман.

Дадаси бу сафар Қаноатни Когонга олиб кетди. Ота-ўғил арава пештахтасининг икки томонида ўтириб, эшак юришига мос маромда оёқларини тебратиб, гурунглашиб боришарди...

Носир бор-йўғи икки йил Мир Араб мадрасасида сабоқ кўрган, аслида чала мулла киши. Дадасининг бевақт ўлимидан кейин мадрасани тарк этди. Лекин у бир умр мадраса бўсағасида манглайини босиб, унинг хокини ялаган баъзи толиби илмлардан иқтидорлироқ эди. Дадасидан унга кийик териси қопланган бир хотира дафтари, икки ёғоч сандиқ китоб мерос қолган, холос. Сандиқларнинг бирида Қуръон ва Қуръони карим шарҳлари; иккинчисида Ҳофиз, Фирдавсий, Навоий, Бедил, Машраб куллиётлари зич жойланган эди.

Носир дадасининг ўлими ҳақидаги шумхабарни эшитиб, Бухородан қишлоғига етиб келганида кўмиш маросими тугаган, ҳамқишлоқлари марҳумни ерлатиб, қабристондан қайтишганди. Саҳрога туташган мўъжазгина ҳовли, деворлари паст, дарвозасиз, ғарибгина лойшувоқ уй:

майишган, тирқишлари бармоқ сиққудек бир тавақали эшик мунг билан очилиб, мотамсаро етимни ичкарига олди.

У ўшанда йигирма ёшда эди. Уйда олтмишни қоралаб қолган ўгай онаси, ортидан эргаштириб келган қизи – бўйи чўзилиб қолган ўн етти ёшли Назокат...

Носир ўшанда Назокатни севармиди-йўқми, буни аниқ билмасди. Чунки Назокат тили билан айтганда, ўшанда Носир – ака; Носир тили билан айтганда, ўшанда Назокат – сингил эди. Улар бир сандал теварагида катта бўлишган, севиш-севилиш ҳақида ҳали ўйлаб ҳам кўришмаганди. Отасининг қирқи ўтар-ўтмас Носирнинг ҳеч бир хаёлида йўқ мўъжиза юз берди: ўгай она қистови натижасида Носир билан Назокат турмуш қуришди. Бора-бора ўртада меҳр-оқибат туғилди, севги-садоқат уйғонди ва ... ўн йиллар чамаси ўтиб, мана шу чақмоқдай ўғил – Қаноат дунёга келди!

Эр-хотин жуда тотув яшашди: кўпи ҳам, ози ҳам ўртада эди. Турмушда қўллари қанча калта бўлмасин, борига ҳам, йўғига ҳам чидашди. Улар суянган фақат битта таняч бор эди, у ҳам бўлса – Қаноат! Шу боис ўғлига ҳам шуни лойиқ кўришди – унга Қаноат деб исм қўйишди.

Носир ҳар кунги ташвишга ўзини баробар тақсимлади: тирикчилик, қозон-товоқ ва Қаноатнинг мутолааси. Олдин ўғлига ҳарф ўргатди, кейин дадасидан қолган жамики мерос – икки сандиқ тирбанд китобни бир-бир танитди. Ўғлининг зеҳни ўткир чиқди, дадаси берган сабоқ билан тайёр муллавачча бўлди-қолди.

Мана, ҳозир ота-ўғил арава пештахтасида ўтириб, унинг юришига мос маромда оёқларини тебратиб, гоҳ китоблардан баҳс бойлашиб, гоҳ шеъриятдан байт-барак айтишиб боришарди.

Айтишувни отаси бошласа, ўғил тугатарди:

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

Байт-баракни ўғил бошласа, дадаси якунларди:

Фақат яхшиликдан шиор келтиринг,
Магар қиш кўрсангиз, баҳор келтиринг...

Адизободдан ўтгандан кейин арава йўли то Когонгача темир йўл ёқалаб борарди. Қаноат поезд йўлига яқинлашгандан кейин эшакнинг нўхтасини ҳам, юлғундан тахланган қип-қизил халачўпни ҳам дадасига қайтариб берди. У бора-боргунча ўтган-кетган поезднинг турнақатор вагонларини томоша қилиш ва уларни санаш билан овора бўлди.

Улар катта чошгоҳда темир йўл устидаги баланд кўприкдан ошиб, шимол томондан Янги Бухорога кириб боришди. Бу йўллардан қатнайвериб “кўзи пишиб қолган” эшак темир йўл бекатидан ўтгандан кейин тақир яланглиқда қурилган керосин омбори ёнига келиб тўхтади. Носир аравадан тушиб, темир чамбарак билан ўралган, катта-катта ҳайбатли цистерналар

кўриниб турган ҳовлига кирди. Ундан нарида аэроплан учиб-қўнадиган тақир майдонча бор эди. Дадаси ишини битириб чиққунича, Қаноат ҳайбатли кумуш қушларни – аэропланларни томоша қилди. Шу орада дадаси эшакаравани ичкарига бошлаб кириб, икки идиш керосин тўлғазиб чиқди. Лекин ўғлига берган ваъдасини бажаролмай хижолат бўлди – Валерий билан Михаил деган рус ошналарини тополмади. Улар қизил аскарлар сафига ўз ихтиёрлари билан қўшилиб, омбордан кетиб қолишган экан. Қоровул кампир шунақа дебди. Дадаси бу хабардан таажжубга тушган, ўзига-ўзи дерди:

– Амирнинг тагига сув кетганга ўхшайди-ку?! Қизил аскарлар дегани... Инқилобчилар дегани... Қизил аскарлар амирга қарши курашаётган Ёш бухороликларни қўллаб-қувватламоқда. Афтидан, булар амирни омон қўйишмайди-ёв!

Қаноат дадаси ўзича пичирлаб айтган бу гапларнинг биттасига ҳам тушунмасди: “амирнинг тагига қанақа сув кетиши мумкин?”

Бу ҳақда дадасидан қайтиб сўрамади.

Арава ортига қайтди. Шаҳардан чиқаверишда арава бир чуқурга “дўқ” этиб тиқилди-ю, ўнг ғилдирак юзидаги темир ҳалқа ёғоч ғилдиракдан ажраб чиқди, йўл четига бориб қулади. Носир аравадан тушиб, ғилдиракка қараб бошини қашиб қолди.

Аравани йўл четига чиқариб қўйди. Рўпарадаги тунука томли ҳовлига қаради. Сувсиз ариқчадан сакраб, йўлакка ўтди. Супада ток ҳавозасига мих қоқаётган сариқ мўйловли чолга кўзи тушиб, пастак девор ортидан унга салом берди. Кейин темир эрганак олдида иккиси учрашди. Носир керосин омборидаги ошноларидан ўрганган бисотидаги бор русча сўзларини ишга солиб, мақсадини тушунтирмоқчи бўлди. Чол йўл бўйидаги аравага кўзи тушиб, “тушундим” деган маънода кулиб, мўйловини бураб қўйди. Носир унинг кўркам мўйлови, чиройли жилмайишини зимдан кузатиб туриб, кейин таниди – икки йил олдин темир йўл депосида тунукадан варанка ясаб берган оқсоқ чол эди у.

– Ҳозир гатов қиламиз! – деди. – Тўхта-тўхта, сен ўша варанка ясатиб олган керосинчи эмасмисан? Исминг, янглишмасам, Носир эди, шундайми?

– Шундай, Сергей бобо, янглишмадингиз, – деди Носир чол билан қайта кўришиб.

– Ие, аравадаги болакай ким бўлди? Жазирамада нима қиласан ўтириб? Қани буёққа кел-чи...

Чол болани етаклаб, ҳовлига бошлаб кирди.

– Исми Қаноат экан, – деди чол хотинига болани таништириб. – Яхшилаб зиёфат қил, гилос компотингдан бўлса, қуйиб бер, чанқоғини боссин!

Бир соатдан кейин арава тайёр бўлди. Сергей бобо ҳовлидан сув, совун ва сочиқ олиб чиқди. Носирни обдан ювинишга мажбур қилди. Бир коса муздек гилос компотини ичириб, кейин жўнашига рухсат берди.

– Катта раҳмат сизга, Сергей бобо, – деди миннатдорчилик билдириб Носир. – Мушкулимни осон қилдингиз.

– Э, қўйсанг-чи, бу дунё бирининг мушкули иккинчисига тушиб турадиган дунё. Сизларда қизиқ бир мақол бор-ку: қўл қўлни ювади, ҳар иккиси юзни, деган. Ким билади, менинг ҳам бир кун мушкулим сенга тушар, сенга тушмаса, мана бу азамат ўғлингга тушар. Қайтар дунё бу, иложини топсанг – бировга албатта ёрдаминг тегсин.

– Хайр, Сергей бобо, – дейишди ота-ўғил бараварига. – Омон бўлинг!

– Келганингда кириб тур, ўғлим. Уйдан тополмасанг, темир йўл депосида бўламан.

Арава катта йўлга чиққанидан кейин, Қаноатга жон кирди. Кета-кетгунча чолнинг узун мўйловини, белига гулли пешгир боғлаган кампирининг меҳрибонлигини, пиширган ширин таомини, умуман, дастурхонда неки кўрган бўлса, барини дадасига битта-битта гапириб берди:

– Момо овқатдан кейин уйга олиб кирди. Миша деган невараси бор экан: мен билан тенгдош. Касал. Ётган жойида орқасига ёстиқ қўйиб, ҳадеб китоб ўқигани ўқиган.

– Ҳа, улар вақтни ҳуда-беҳуда ўтказишмайди. Сенга китоб ўқи десам, китобни кўрпача қатига тиқиб, ўйинга чопасан.

– Энди ундай қилмайман, – деди Қаноат. – Миша жўрам янаги келганингда сенбоп китоб топиб қўяман, деб ваъда берди.

– Улар билан дўст тутинсанг, ўғлим, сира кам бўлмайсан. Улар жуда билағон халқ.

Уч кундан кейин ота-ўғил яна Сергей бобонинг уйига келишди. Чол олдинда, Носир билан ўғли унинг ортидан уйга киришди. Тўрдаги уйда, темир каравотда Миша китоб ўқиб ётарди.

Қаноат дадасини Мишага таништирди.

– Таниш, бу киши – дадам, – деди. – Биз Миша билан дўст киришдик, дада.

Дадаси боши билан маъқуллаб. Мишага қўл чўзди.

Чол уларни ўтиришга қистади.

Носир думалоқ стол атрофидаги стуллардан бирига ўтирди. Чол чой қуйиб узатди. Столда оппоқ дастурхон ёзиғлиқ турарди: устида бурдалаб кесилган нон, пишлоқ, ликопчада тўрт дона оқ қанд.

– Қизим Евгения Масковда эри Василий билан тўрт йил ўқиди. Агроном. Ер, ўсимлик, дарахтлар илми бўйича билағон олим. Ҳозир чўл ва саҳроларда тажриба ўтказяпти. Ишқилиб, эр-хотин боши омон бўлсин-да, қўллари ишдан бўшамайди. Мана шу биттаю битта бемор ўғиллари ёнида бир фурсат ўтиришга вақт топишолмайди. Ҳафтада бир келишади, ё йўқ. Бола бечора бир йилдан бери жойидан туролмайди.

– Нима бўлган ўзи Миша жўрамга? – деди Қаноат унга ачиниб.

– Белидан таёқ еган, – деди чол хафа бўлиб... Ўз мувозанатини ўзи тутолмайди – жойидан турди дегунча йиқилиб тушади. Дўхтир келиб: “Қимирламай ётасан!” деб ана шу тўшакка михлаб кетган.

Қаноат Сергей бобонинг гапидан кейин Мишанинг безовта чеҳрасини кўриб, ҳайрон бўлиб қолди: “Нима бўлди сенга, жўражон? – деб сўрагиси келарди Қаноатнинг. – Ўз қисматинг ўзингга шунча малол келяптими?”

Миша қўлидаги “Уруш ва тинчлик” китобини шартта ёпди. Бобосига бир лаҳза қараб турди-да, бармоғи билан босиб турган китоб бетини яна шашт билан қайта очди.

– Менга таёқ тегмаслиги ҳам мумкин эди, одамларда бирлик, аҳиллик бўлганида. Ишонмайсизми, гапимга, бобо? Мана, эшитинг, граф Толстой нима депти: “Мабодо виждонсиз одамлар бир ёқадан бош чиқариб иш тутар эканлар, виждонли кишилар ҳам айнан шундай қилишлари керак. Бу жуда осон иш...”

Миша бошқа ҳеч нарса демади, оғир-оғир нафас олиб китоб бетига қараб ўтира берди. Афтидан, у ёзувчи даъватига бобосидан аниқ жавоб кутарди.

– Сен ҳақсан, – деди бобо, – шу гапни ёзган граф ҳам ҳақ. Лекин “бу жуда осон иш”, депти граф. Йўқ, Бухорои шариф шароитида бу унчалик жўн иш эмас. Бу жуда машаққат. Бутун иш одамларнинг бир ёқадан бош чиқаришларида қолган, болам.

Ўртага оғир жимлик чўкди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди: “Виждонсиз одамлар бир ёқадан бош чиқарганда нега виждонли одамлар айнан шундай қилмайдилар?..”

– Янаги келганимда сенга албатта исириқ опкеламан, – деди Қаноат ўртадаги жимликни бузиб, Мишага узоқ қараб туриб. – Хокандозда озгина чўғ олов бўлади, исириқни майдалаб ўшанга соласан... Исириқ тутайди, унинг тутуни ҳам, ҳиди ҳам фойдали. Эртасига отдай бўлиб кетасан. Исириқни Ибн Сино деган улуғ табиб: “Минг дардга шифо!” деганлар. Ишонмасанг, мана, дадамдан сўра.

– Рост айтяпти, – деди дадаси ҳам ўғлининг гапини маъқуллаб – Исириқ кўп шифобахш гиёҳ, сенга асқотиб қолади.

Миша ётган жойидан Қаноатга умидвор бир назар билан қаради.

– Опкеласанми?

– Албатта.

Носир совиб қолган чойни ҳўплаб, жойидан қўзғалди.

– Қизингизни... куёвингизни бир кўриб кетсам, яхши бўларди, Сергей бобо, – деди қайта омонат ўтириб. – Лекин вақтим зиқ. Биласиз, керосин, одамларга ҳаводай зарур. Дунёда рўшноликдан азиз нарса йўқ. Касбимдан қувонаман ўзим, Сергей бобо. Ҳар бир хонадонда нур, рўшнолик кўрай дейман!

– Тўғри, – деди чол, – рўшноликка не етсин. Вақтинг зиқ бўлса, Носирбой, ўзинг биласан, кутсанг ҳам майли. Мамашканг шаҳар чиқувди, ҳозир кеп қолади, қайноқ борш қуйиб беради. Аммо-лекин қизим билан куёвимнинг қачон келиши номаълум.

– Раҳмат, – деди Носир жойидан туриб. – Илтимосим шуки... Бу фақат менинг эмас, бутун Вардонзе халқининг илтимоси, ўтинчи. Қизингиз билан куёвингиз биз томонларга ҳам бир ўтсалар, вақт топиб. Қизилқум этаги, Вардонзе қалъаси, Қумбосди қишлоғи деб айтинг. Топишлари осон бўлади. Хайр.

Чол меҳмонларни йўлгача кузатиб чикди.

ЁНҒИН

Керосин солинган икки сопол хум эшакаравада тик ўрнатилиб, арқон билан маҳкам боғлаб қўйилар, хумлар оғзида эса ёғочдан қопқоқ ўрнатилган бўларди. У эшакаравани кўчанинг гавжум жойида тўхтатиб, икки кафтини оғзига карнай қилиб, овози етгунича:

– Кеп қолинг, ке-ро-си-ин! – деб қичқирарди. – Кероси-и-н! Берган пулингиз куймайди – уйингиз нурга тўла-ди-и-и! Кеп қолинг, уйингизни чароғон қи-ла-а-ди!

Вардонзе қалъада уни ҳамма “Носир варанка” деб атар эди. У арава пештахтасида увада кўрпачани икки қат тўшаб, оёқларини осилтириб ўтирарди. Харидор қўлидан тангани олиб, кўрпача қатига тиқарди-да, кейин узатган идишига варанка қўярди.

– Бизнинг ишимиз варанкасиз битмайди, ошна! – деб қўярди жилмайиб. – Варанкани текин ишлатган керосинчи увада чопонидан ҳам ажрайди!

Қишлоқнинг казо-казолари эса унга кун беришмасди. Хусусан, дин пешволари ҳар замонда уни чув тушириб кетишарди. Улар мачит, мадраса, намозгоҳ ва хонадонлар учун ундан текин керосин талаб қилишар, бунинг эвазига унинг шаънига “этак-этак савоб ва дуо” қолдириб кетишарди. Шу боис Носир керосинчи варанка ишлатишда анча эҳтиёткор бўлиб қолган эди.

– Дуолари ўзларига сийлов, – дерди Носир мутаваллининг югурдагига кесатиб. – Домлангга бориб: “Носир варанка дуодан кечибди!” де, тушундингми, шундай де.

Ҳаял ўтмай шогирдпешанинг ортидан салласининг печини осилтириб домланинг ўзи пайдо бўлар эди. Бугун ҳам шундай бўлди: югурдаги Дудуқ идишини тарақлатиб қуруқ кетгач, бир оз фурсат ўтиб, Вардонзе қалъа хонақоҳининг мутаваллиси Ходи кўрнинг ўзи келиб қолди.

– Ҳой, Носир баранка, – деди мутавалли таҳдидли оҳангда. – Савобдан ҳам, дуодан ҳам кечдим, дебсан. Шу ростми? Копур-попур бўлдингми, а?

– Ҳаммасидан кечганим йўқ, тақсир, – деди Носир кулиб, – пул ўрнига ишлатиладиган дуодан кечганман!

– Э, нодон, э, нодон, – деди мутавалли қўлидаги тасбеҳнинг доналарини битта-битта ўтказиб, кейин қироат билан насиҳат бошлади: – Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми, деган машойихлар. Сен дуодан кечмагил, ўзингни хор қилурсен, нодон!

– Рост айтдингиз, тақсир, дуодан кечсам-кечмасам, хор бўладиганга ўхшайман, – деди Носир алам билан. – Эрта тонгдан кеч хуфтонгача шу эшакаравада изғиганим изғиган. Ҳамқишлоқларимнинг чироғи ёнсин, қиттак рўшнолик кўрсин, деб кунора Когонга қатнаганим қатнаган. Шунча ташвиш, шунча азият чекиб, олиб келган керосинларим, тақсир, сувтекин кетяпти; мачитга бир қадоқ, сўфихонага бир қадоқ, хонақоҳга тағин улардан ошириброқ бермасам, мутавалли жаноблари, сизнинг дуоларингиздан бенасиб қоламан...

– Кесатма, э, нодон! – деди мутавалли жеркиб.

– Пичоқ бориб суякка қадалганидан кейин айтишга мажбурман-да, тақсир, – деди Носир товушига атайин шикаста оҳанг бериб. – Сизга ёлғон, худога рост, мана шу бечора эшагим ўн йилдан бери хизматимни қилади: турсам туради, юрсам юради... Ўзида, десангиз, ўнта хачирнинг куч-қуввати бор. Лекин шу шалпангқулоқнинг уст-бошини қаранг, ночор, тўзиб кетган – нимдошроқ бир эгар-жабдуқ олиб босолмайман. Қурғур қўл калта, тақсир, қўл калта. Ана энди ўзингиз ўйланг тақсир, буёқда бечора эшагим, буёқда сизлар...

Носир худди шу жойда гапдан тўхтаб, “қочиримнинг тагига етдими-йўқми?” деган маънода мутаваллини зимдан кузатиб турди. Ҳоди кўрнинг ранги оқариб, қалин қошларининг ўртасида тугунча қавариб чиққанини кўргандан кейин Носирнинг кўнгли бир оз таскин топди: “Хайрият, мабодо қочиримга тушунмай қолса, нима қилардим? Тушунди, хайрият...”

Мутавалли индамай орқасига қайтди. Ортидан керосин идишини кўтариб, хонақоҳ югурдаги Дудуқ эргашди.

– Т-тақсир, к-керосин н-нима б-бўлди? Қ-қоронғида ў-ўтирамизми, т-тақсир? К-каптарларга қ-қоронғида қ-қандай қ-қилиб д-дон берамиз, т-тақсир?

– Бизнинг хонақоҳни ҳазрати Хизрнинг нурли жамоллари ёритади, юр, Дудуқ! – деди мутавалли Носирга эшиттириб. – Каминанинг дуоибадлари бугун-эрта сен кофирнинг гирибонинган тутади, иншоолло!

Носир ўша кўнгилсиз ўтган куни кеч хуфтонгача керосин сотиб, эшакаравадаги ёнилғини зўрға яримлатди: фуқаронинг аҳволи унга маълум – тишининг кирини сўриб, зўрға кун кўради. Керосинга пулни қаердан топсин? Носир чор-ночор қўни-қўшнини чақириб, қолган керосинни насияга бериб юбормоқчи бўлди-ю, яна бу раъйидан қайтди. Агар шундай қилса, қўлида қайта харид қиладиган дастмояси қолмас эди. Юз хаёлга берилиб, маъюс тортиб, аравани ҳайдаб ҳовлисига келди. Керосин ҳиди уйга урмасин, деб ҳар кунгидай аравани супа четида қолдирди. Эшакни шотидан бўшатиб, арава ғилдирагига боғлади. Қаноат бир қучоқ ўт келтириб, эшакнинг олдига ташлади. Ота-ўғил уйга кириб, овқатга ўтиришди. Дастурхон бошида Носир мутавалли билан бўлиб ўтган кўнгилсиз можарони хотини билан ўғлига айтиб берди.

– Дуоибад қиламан. Иншооллоҳ, бугун-эрта гирибонингдан тутади, – деб қарғади Ҳоди кўр. – Билмадим, хотин, бу кўрнинг қарғиши ёқамдан тутмаса бўларди.

– Ўзига урсин қарғиши, илоҳим! – деди хотини ўлакса мутаваллини қарғаб. – Ёмоннинг қарғиши ўзига қайтади, дадаси!

Носир кечаси бир чимдим ухладими-йўқми, ташқаридаги шовқиндан – итларнинг вовиллаши, эшакнинг жонҳолатда ҳанграшидан чўчиб уйғонди. Кўзи тиниб кетди. Уйга эшик тирқишларидан ловиллаб ёнаётган аланганинг акси тушиб, хонага ваҳимали тус бериб турарди. У эшикка отилди. Ортидан хотини билан ўғли чиқди. Носир қай кўз билан кўрсинки, ўн йилдан бери тирикчилигини, оиласини бир амаллаб тебратиб турган бирдан-бир таянчи – арава аланга гирдобида эди. Олов кўкка ўрлар, арава чархига боғланган эшак

эса жизғанак бўлиб ёнар, ўзини тўрт томонга уриб типирчилар, ер тепинар, жонҳолатда ҳанграр эди. Носир ҳеч бўлмаса, эшакни қутқазмоқчи бўлиб алангага ташланмоқчи бўлган эди, елкасига хотини, этагига ўғли маҳкам ёпишиб олди.

– Оловга яқинлашманг, дадаси. Кўрмаяпсизми, аланга хумларга урди, ҳозир портлаб кетади ҳаммаси. Яқин борманг!

Хотинининг гапи оғзида қолди – икки хум бирин-кетин портлади. Аланга тўрт тарафга сачраб кетди. Еру кўк баравар ёна бошлади.

Нўхтаси куйиб, эшак ечилиб кетди, ўзини саҳрога қараб урди. Югургани сайин уни қоплаб олган аланга баттар ловиллар, жизғанак бўлиб буруқсар, ҳамма ерни қўланса ҳид қоплаб олган эди. Эшакни шу топда бирор куч тўхтата олмасди. Шу боис унинг ортидан ҳеч ким чопмади. Қаноат жойидан қўзғалган эди, отасининг ўзи уни тўхтатди.

– Қўявер, энди фойдаси йўқ, болам!

Носир ёнғиндан узоқроқ – супанинг бир четида хотини билан ўғли раъйига кўниб, мунғайибгина қараб турарди. У кутилмаган бу фожиа олдида гўё ҳушсиз томошабин эди: тамом анграйган, ҳолдан кетган. Ҳеч нарсани кўрмас, боши, қулоқлари тўхтовсиз вағиллар эди. Кўкка ўрлаётган аланга кўзига худди шамчироқдай хира кўринарди. Энди оловга яқин бормас, боришга интилмас ҳам эди. Ёнғинни сўндириш учун тўрт томондан: “Ҳа, бўл, ҳа, бўл!” деб қум сепаётган жонсарак қўни-қўшниларнинг беҳуда ҳаракатларини шуурсизгина кузатиб турар, нуқул кўз олдида мутаваллининг кечаги қаҳрли қиёфаси чарх урар, унинг халойиқ олдида ёғдирган қарғиши қулоғи остида даҳшатли акс-садо берарди: “Каминанинг дуоибадлари бугун-эрта сен кофирнинг гирибонингдан тутади, иншоллоҳ!”

Носир бу ёнғин, барибир, хоин мутаваллининг иши, деб гумон қиларди. Лекин бу ҳали гумон эди. Дин пешволари шаънига айтиладиган ҳар қандай гумон ва тахминлар асло қўр олмаслигини Носир яхши биларди. Шу боис унинг учун ҳозирча тил тишлашдан бошқа йўл йўқ эди.

Шу-шу, Носир варанка керосинчиликдан синиб, Когондан тамом узилиб қолди. Ўзини анчагача ўнглаёлмай тирикчиликнинг не-не жинкўчаларида санғимади: гоҳ тол новдасидан сават тўқиб, маҳаллама-маҳалла сотиб юрди, гоҳ саҳродан қоп-қоп исириқ ва ялпиз йиғиб, бозорга олиб чиқди. Эҳ, шунчаки тирикчилик ўтказиш ҳам қанчалар мушкул!

Сабоқ кунларининг бирида Қаноат дўсти Мишага берган ваъдасини дадасига эслатди.

– Хотирамда, ўғлим, – деди дадаси ачиниб, – шундан кўнглим хижил. Бошимизга бунақа кунлар тушиб қолди. Буёқда онанг не аҳволда ётибди – ёнғиндан бери оёққа туролмайди, қаттиқ қўрққан кўринади.

Ўғил бу яқин орада Когонга боролмаслик сабабларини дадасидан жимгина ўтириб эшитди-да:

– Биламан, дада, биламан. Лекин биттамиз уйда қолиб, биттамиз бориб келсак бўларди, – деди журъат қилиб. – Ўзийиз биласиз, дада, беморни умидвор қилиш яхши эмас. Исириқ элтаман деб ваъда бердим. Миша мени кутяпти. Агар рухсат берсайиз, бир халта исириқ олиб, эртага йўлга

чиқардим. Сергей бобога сиздан салом айтиб, бошимизга тушган кулфатларни айтиб берардим, агар йўқ демасангиз.

– Нега йўқ дейман? – деди ўғли айтган мулоҳазадан дадасининг кўнгли кўтарилиб, – майли, борақол, ўғлим. Сўз бергандан кейин унинг уддасидан чиқиш ҳам керак. Эҳтимол, сен элтадиган бу исириқ унга наф қилмас, лекин тўғри айтдинг, ўғлим, беморни умидвор қилишдан уволи йўқ.

Ўғилнинг жўнашига ота-она рози бўлди. Онаси ётган жойида унга исириқ соладиган сурп халта тикиб берди. Қаноат эртасига йўлга отланадиган бўлди. Бироқ кутилмаганда, Бухорони титратган бир воқеа содир бўлиб, уни уй остонасида тўхтатиб қолди...

БУХОРОНИ ТИТРАТГАН КУН

Тонгда бир нотаниш одам ойна туйнукни қоқди.

– Носирбой, ҳой, Носирбой! – деб овоз берди. –Янгиликдан чамаси бехабар қолибсан, ташқари чиқсанг-чи! – У сўнгги сўзини хушнуд бир товушда икки-уч такрорлади. – Айтаман-у, кетаман, ҳой, биродарлар, айтаман-у, кетаман!

Қаноат дадасининг ортидан югуриб ташқарига чиқди. Нотаниш одам ўнг қўлидаги калта халачўпини ҳавода ўйнатиб, мамнун бир кайфиятда бидирлаб гапирарди:

– Шунақа бўлди, Носирбой. Тахт ағдарилган, амир бўлса, оёғини қўлига олиб қочиб кетган... Номаълум томонга қочган, дейишяпти, қаёққа кетганини ҳеч ким билмасмиш. Эшонжон амирнинг кетидан иккита аэроплан учирган, дейишяпти. Биласанми, Носирбой, аэроплан дегани ҳавода муаллақ туриб, одамнинг изини бехато топармиш.

Қаноатнинг дадаси бу хабарни эшитиб, аросатда қолди: суюнишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасди.

– Қаердан эшитдийиз, Акрам ака? – деди хавотирга тушиб. – Яна бу қуруқ гап бўлиб чиқиб, бошимиз балога қолмасин!

– Ие, қизиқмисан, Носирбой, ёлғон айтиб бошим нечта? Ҳозир икки аскар байроқ кўтариб, қишлоқма-қишлоқ, кўчама-кўча от суриб, шу хабарни жар солиб юрибди. Уларни Бухорои шарифдан Эшонжоннинг ўзлари юборган эмиш. Ҳа, аскарларнинг ўзлари айтди.

– Сиз кўрган ўша аскарлар қаёққа кетди?

– Қорахоний томонга. Эҳтимол, қайтишда яна шу йўлдан ўтар. Мендан кўра сен ўрисчани сал-пал биласан, тушунасан, йўлига чиқиб ўзинг сўра.

– Чиқаман, – деди Носир хаёлчан, – албатта ўзим чиқаман!

– Шу дейман, аравангга ўт тушганидан бери уйга тиқилиб қолгансан-да, Носирбой, – деди дўсти яна унга тегажоғлик қилиб, – курк товуқдай тухум боси-иб ётибсан. Шундайми? Мана шунча янгиликдан бехабар қолибсан. Тамоми дунёдан бехабар қоласан бунақада, ҳой, Носир! – Акрам Носирни зимдан бир назар кузатиб чиқиб, кейин қўлидаги халачўп билан елкасидан туртди:

– Ҳой, менга қара, тахтдан ағдарилган амирми, ё сенми, а? Эсинг нега оғиб қолди, гапирсанг-чи, забонинг борми ўзи?

Қаноатнинг дадаси чуқур тин олиб:

– Оғиб қолди эсим, тўғри айтдингиз, Акрам ака! – деди тўйиб нафас олиб, кейин Акрам акани қучиб, тўқимдан кўтариб бағрига маҳкам босди-да, гир-гир айлантирди. Айлантираверди-айлантираверди... Сўнг бор овози билан ўкириб йиғлаб юборди! Эсим оғиб қолди, акажон! Хайрият, бизга ҳам рўшнолик кунлари келаркан!

Қаноатнинг дадаси дўстини бағридан бўшатган эди, хабарчи Акрам унинг панжаларидан сирғаниб, “шилқ” этиб қумга ўтириб қолди. Шундан кейингина Қаноатнинг дадаси дўстининг икки оёғи ногиронлиги – тиззасидан пасти шол эканлигини эслади.

Акрам ўтирган жойидан зорланиб, тинмай бидирлар, қўлидаги халачўп билан Қаноатнинг дадасига ўқтин-ўқтин пўписа қилар эди.

– Хотиним бечора эрталаб тўқимга зўрға кўтариб қўйган эди. Эшакка миндириб қўясан энди, ҳой, боласи тушмагур, Носирбой!

Носир Акрамни тўқимдан қандай чаққонлик билан юлиб олган бўлса, билқиллаб ётган қип-қизил қум устидан ҳам ўшандай чаққонлик билан кўтариб, тўқимга қўйди. Кейин Қаноатни даст кўтариб елкасига олди-да, туядай лўк-лўк югуриб, бор овози билан теварак-атрофга жар солди:

– Амир қочибди, амир қочибди, ҳой, одамлар!

Ота-бола эшик остонасида тўхтадилар. Қаноатнинг онаси тандир бошида ивирсиб, зоғора ёпиш билан овора эди. Дадаси воқеани онасига тушунтириб, ундан изн сўради.

– Сен зоғорангни ёпавер, хотин. Биз ота-ўғил Вардонзе йўлига чиқайлик. Аскарлар келган дейишяпти...

Ота-ўғил Вардонзе қалъа томон жўнашди.

Улар узоқ кутишди. Аскарлардан дарак бўлмади.

– Хўш, ўғлим, мабодо аскарлар келиб қолса, нима билан сийлаймиз уларни?

Ўғил елкасин қисди.

– Билмасам...

Дадаси ўғлининг диққатини чап томондаги дўлана дарахтига қаратди.

– Шундан бир дўппи териб, йўлларига пешвоз олиб чиқсак... Нима дединг?

Ўғил маъқуллади.

– Ҳув, ана, кўряпсанми, қишлоқдан жўраларинг келяпти... Ўшалар билан сен бу ерда аскарларни кут. Каримни тез изига қайтар, онангдан зоғора опкесин. Унгача мен дўлана териб тушаман.

Дадаси Вардонзе қалъага кўтарилиб, абжирлик билан чирмашиб, дарахтга чиқди. Ҳадсиз-ҳудудсиз саҳро, ёнбағридаги яккам-дуккам қишлоқлар ҳам кўзга яққол ташланади: ўз ҳовлисидаги тандирдан кўтарилаётган тутунни Носир дарахт устидан аниқ кўриб турарди.

Йироқ-йироқдан, қўшни Қорахоний қишлоғи томондан отлиқлар қораси кўринди, чанг кўкка ўрлади. Носир дўлана териб тушгунча йўқ эди, аскарлар

яқинлашиб келишди. Болалар қўлма-қўл ушлашиб, йўлни кесиб чиқишди. Аскарлар ноилож йўл муюлишида тўхташди. Болалар “гур” этиб уларни ўраб олди. Аскарларнинг уст-боши болаларни кўпроқ қизиқтириб қолди: ҳарбий кийимда, кўкракларига қалин қайиш тортилган, бошларида юлдузча қадалган пилотка, елкаларида милтиқ, қўлларида байроқча ҳилпирарди...

Носир қалъа пиллапояларидан ўқдек отилиб тушди. Бир зумда аскарлар рўпарасида пайдо бўлиб, берироқда тўхтади. Қўлидаги дўлана тугилган белбоғини Қаноатга берди. Ҳарбийча кийим хаёлини чалғитдими, аввалига отлиқларни танимади. Аскарлар Носирни кўриб, от жиловини болаларга топшириб, унга қараб юришди.

– Танимадингми, Носир варанка? – деди Михаил ҳазиллашиб, кейин унинг елкасига шапатилаб, маҳкам қучди. Валерий ҳам шундай қилди. Уч ўртоқ бир-бири билан қайта-қайта бағирлашиб, такрор-такрор сўрашишарди...

Носир уларни кўп қистаб, меҳмон бўлиб кетишга кўндиролмади. Дўлана солинган белбоғини қип-қизил қумга ёйди. Карим ҳозиргина олиб келган иссиққина зоғораларни белбоққа ушатиб қўйди.

– Марҳамат, дўланадан олинглар, – деди Носир ҳамон ҳаяжонини босолмай. – Хушхабар олиб келган элчилар оёғи тагига, одатда, пояндоз тўшашган. Бунга бизнинг ҳозирча қурбимиз етмайди, лекин яхши дўстга кўксимиз ҳамиша пояндоз!

Аскарлар қайноққина қумга чўккалаб, дўлана ва зоғорани мақтаб-мақтаб ейишди.

Вардонзе қалъа муюлишидаги йўл бўйида ҳозир ажиб бир манзара ҳукмрон эди: сентябрь қуёши ҳали катта чошгоҳга кўтарилмай, бугун мўл-кўл нур тўкарди. Ҳаммасидан болаларга маза бўлди: улар бирига жилов, бирига қамчи текканига хурсанд. Даврон узангига осилса, Аҳмад отнинг ёлини силар, Саттор суви қуриб қолган ариқ бўйидан ўт юлиб келиб, отларга тутарди. Қаноат билан Карим бўлса, аскарлар нонушта қилгунча уларнинг байроқларини кўтариб туришди.

Қаноатни дадаси яқинига чорлаб, Когонда излаб тополмаган дўстларини таништирди. Бола улар билан қайта сўрашди. Аскарлар Қаноатни бағирларига тортиб, эркалаб суюшди.

– Когонда учрашганимизда, сени борш билан сийлардим, – деди Михаил. – Буни қара-я, эсиз...

– Борш ичдим, амаки. – деди Қаноат сўзамоллик билан, – Сергей бобонинг уйида... Бобонинг Миша деган невараси жўрам бўлади. Ҳа, исми Миша... Танийсизми? Яқинда унга бир халта исириқ элтиб бераман. Шифо топиб кетади, насиб бўлса...

– Бўлди, бўлди, танийман, – деди Михаил айтайми-айтмайми, дегандай бир оз иккиланиб турди-да, кейин қўшиб қўйди: – Мишанинг аҳволи кейинги кунларда оғирлашиб қолди. Сергей бобо ҳозир уни Москвага олиб кетган...

Қаноат бу нохуш хабардан хафа бўлди. Дадаси Мишага узоқ умр тилади.

Аскарлар жўнашга шайланаётганда, тепаларидан аэроплан гуриллаб ўтиб кетди. Ҳамма “ялт” этиб осмонга тикилди. Болалар саҳрони бошларига кўтариб, чапак чалиб қийқиришди. Носир аэроплан ортидан узилиб қолган тутундай кўзини олмай:

– Аэроплан қочоқ амирни излаб юрганмиш, шу гап ростми? – сўради аскарлардан.

– Буни учувчидан сўраш керак, ўша аниғини билади, – деди Валерий кулиб, – лекин амир қочгани рост...

Аскарлар шошилинч отланиб, жўнаб кетишди.

МУТАВАЛЛИНИНГ ҚЎЛБОЛА ШАЙТОНЛАРИ

Қалъанинг кенг сатҳи тақир, заранг қотган. Эрта кўкламда ниш уриб, омонатгина бўй чўзган лолақизғалдоқ, арпахон, ажриқлар жавзо кирди дегунча, ўз бутасида қовжираб, заъфарон куз рангига киради. Бу қадимий ҳисорда қуёш тафтига дош берадиган сеҳрли бир мўъжиза бор: ердан қирқ тўққиз пиллапоя баландда, қалъа саҳнида барваста қад кўтариб турган дўлана дарахти...

Қалъа деворларида қандайдир жозиба, мунг яширин: етти пахса Кампирак деворлари бугун мудроқ, бутун бир тарихни кўксида тугиб ётибди. Халқа деворнинг тўрт тарафида туркманча бўрк кийган паҳлавонни эслатадиган бурж минорлари қад кўтарган. Миноралар оралиғида қурол-аслаҳа учун махсус нишон туйнуклари – шинаклар қўйилган. Мораларда равоқсимон мудофаа дарчалари ўрнатилган – соқчи навкар шу дарчадан пастки ертўлаларга тушиб чиқиши, шу дарчада туриб тўрт тарафни кузатиши мумкин. Ана шу салобатли мудофаа иншоотлари қўрғонни янада ваҳимали қилиб кўрсатар эди.

Қумбосди қишлоғининг оёқяланг болалари гоҳ исириқ, гоҳ ялпиз териш баҳонасида, баъзан эса пода боқиш важидан қалъа пойидаги ўтлоқларга келишар, ҳисор тепасига чиқиб, кун бўйи бекинмачоқ ўйнашар эди. Баъзан болалар ўйини жиддий тус олиб кетарди: бир гуруҳи Қутайба жангчилари, иккинчи гуруҳи Вардонхудот навкарларига бўлишарди-да, вайрона деворлар ортида “жанг” бошланиб кетарди. Бундай пайтда Қаноат Вардонхудот жангчиларининг саркардаси бўлиб майдонга тушар ва сотқин шаҳзода устидан чиқарилган ҳукмни ижро этиш маросимида ўқилган жарномани тантанали эълон қилар эди:

“– Эй, мардуми Вардона, эшитмадим деманглар, эшитганлар қолманг-лар... Сотқин шаҳзода қовоғари тўлғазилган қопга мажбуран солинсин. Токи у арилар билан талашиб-юлишиб, қоп ичида ҳалок бўл-с-и-ин!!!”

Қаноатнинг дадаси кўпинча дўлана дарахти соясидаги тошда ўтирар, болаларнинг ўйинини узоқдан завқ билан томоша қиларди. Баъзан унинг хаёли мана шу қадимий деворлар қатида сарсари кезарди: мозийдан то шу кунгача келиб-кетганлар англаёлмаган бир сеҳрли мунг қотиб қолган бу деворлар тахламасида, деб ўйларди у. Лекин ўша мунг нималигини ўзи ҳам

аниқ билмас, қўлидаги хотира дафтаридан ҳам жавоб тополмас эди. Бу мунгнинг на тили, на ранги, на бир сийрати-ю, на бир сурати бор – фақат мунг, абадий мунг эди!

Рўпарадаги бурж минора дарчасидан кутилмаганда “гурр” этиб бир гала каптар кўтарилди. Минора атрофини енгил чанг-тўзон қоплади. Бир лаҳзадан кейин чанг пардаси ортидан бир бола пайдо бўлди: аввал оппоқ тишлари, кейин илжайган юзию ёниқ кўзлари кўринди. Боланинг сочлари патила-патила, афт-ангори кўримсиз эди. “Бу ҳам сеҳрли мунг, – ўйлади Носир, – қаердан пайдо бўлди – осмондан тушдими, ердан чиқдими?” Бола кўзига таниш кўринди. Кейин қаерда кўрганини эслади: мутавалли билан жанжал чиққан куни Ҳоди кўрнинг ортидан керосин идишини кўтариб юрган югурдак...

Болалар ўйини тарқаб, бу орада Қаноат ҳам келиб қолди. Қаноат дадаси билан гаплашиб турган болани Дудуқ деб атади. Асли номи Содиқ, лекин мутавалли уни Дудуқ деб атар, шу-шу Дудуқ бўлиб кетган экан. Дудуқ Қаноатдан анча тетик кўринар эди.

–С-саломм, Қ-қаноат.

Бола Қаноатни кўриб очилиб кетди, дадаси билан қайта қўл бериб кўришди. Хаёли каптарларда экан, гапни шундан бошлади.

– Қ-ққаноат, с-сенда ҳ-ҳам к-каптар б-борми?

– Йўқ, – деди Қаноат. – Давронда кўп. Сенда-чи?

– Шу-шу... Мутаваллиники м-меникида... Қ-қирқта... – деди у ўзи боя чиққан бурж минорасини кўрсатиб. – Ҳ-ҳаммаси ў-ўша п-пастда.... Х-хонақоҳда... Ҳ-ҳаммасига ҳ-ҳалқа у-урилган. М-мутавалли ж-жаноблари у-уларга т-тумор т-тақиб у-у-учирадила...

Қаноат Дудуқнинг гапига тушунмади.

– Нега? Қанақа тумор?

Гапга дадаси аралашди:

– Мутаваллининг қирқта каптарига қирқта халқа урилган. Улар ҳаммаси хонаки, одамдан чўчимайди. Гаҳ десанг, қўлингга қўнадиган бўп кетган. Савобталаб одамлар каптар оёғидаги халқага қистирилган туморни олади. Олганда ҳам кўзига суртиб-суртиб олади, мутавалли битган деб. Ўрнига ҳол-бақудрат, топганича пул қистириб юборишади. Мана бу Дудуқ бўлса пулларни йиғиб, мутаваллига элтиб беради. Шундайми?

Дудуқ Қаноатнинг дадаси айтган ҳамма гапни маъқуллаб турди.

– Ш-шундай... К-кў-ў-п-бўлади... – деди тирноқлари ўсиб, тескари қайтиб кетган, кир-чир бармоқларини битта-битта букиб, пулларни гўё ўзича санаётган бўлиб. – Ҳ-ҳаммаси м-мутаваллига...

– Ўзингга олмайсанми? Афт-ангорингга қара, – деди Қаноатнинг дадаси унга раҳми келиб. – Ўша текин пуллардан ўзингга ҳам ол. Уст-бошингга, кийимларингга қара, э нодон!

– У-уволл! – деди Дудуқ. – У-ундай д-деманг, а-амаки... У-уволл!

– Сира олмаганмисан? – деди Қаноат қизиқиб. – Олсанг, мутавалли билиб турибдими?

– Б-билади, – деди Дудуқ бир кўкка, бир хонақоҳ томонга чўчиганнамо қараб. – У-учиб ю-юрган ш-шайтонлар м-мутаваллига х-хабар б-беради...

– Учиб юрган шайтонлар мутаваллига хабар беради? – Ҳайрон бўлиб сўради Қаноат. – Мутаваллининг шайтонлари борми?

Дудуқ боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

– Б-бор... Б-бир к-куни м-мана б-бу еримга п-пулни я-яширдим... – деди жулғунди кўйлагининг этагини кўтариб, кир-чир иштонбоғини кўрсатди. – М-мутавалли т-топиб о-олди. Ш-шайтонлари у-унга х-хабар б-берган...

Қаноатнинг дадаси болани узоқ синчиклади. Унга қараб раҳми келиб кетди. “Сен, ғўр болани Ҳоди кўр мутавалли адойи тамом қилибди-ку?! – ўйлади хафа бўлиб. – Бу не кўргилик эди? Уст-бошингни ит талаган десам, ҳайтовур, ақлингни ҳам, фаҳмингни ҳам ит талабди-ку, сен бечоранинг?! Ғўрлигингча адо бўлибсан, болам! Сени бу Азроил қўлидан қутқариш керак!”

– Кимнинг ўғлисан?

– Қ -қаландар т-темирчини...

– Э, деновлик темирчи бобоними?

– У-уч йилдан б-бери д-дам касал.

– Бу ерга қандай келиб қолдинг? Бориб отангга қарашсанг бўлмайдими?

– Б-бўлмайди... – деди Дудуқ асабий бир ҳолда бош чайқаб. – Б-бўмайди. Г-гуноҳ қилиб қ-қўйганман... К-катта г-гуноҳ...

– Қанақа гуноҳ?

– В-варрак у-учирганман... – деди Дудуқ қўли билан осмонни кўрсатиб. – Х-худо қарғаган... В-варрак у-учирган к-куним д-дадам к-касал б-бўлдила. Б-бу е-ердан к-кетсам, х-худо гуноҳимни кечирмайди. Дадам ў-ўлиб қ-қоладила... Х-худо гуноҳимни к-кечирса, д-дадам, с-соғайиб к-кетадила... М-Мутавали а-айтди...

– Мутавалли мутавалли бўлмай ўлсин, қўшмазор бўлсин! – деди Қаноатнинг дадаси ғазабдан титраб. – У Ҳоди кўр сени алдаган, дадангни эса лақиллатган. Тушундингми?

– Й-йўқ, – деди Дудуқ бир қадам ортга тисарилиб, – м-мутавалли Х-хизр билан г-гапиришади к-кечалари... У-у я-яхши, з-зў-ўр о-одам...

– Хизр билан гаплашади?

Қанотнинг дадаси Дудуққа сўров назари билан қараб турибди-ю, лекин хаёли бошқа ерда кезар эди: бундан уч-тўрт кун олдин Фазли ҳалимпазнинг маъракасида бўлиб ўтган бир воқеани шу топда эслади...

Маърака тўрида Вардонзе қалъа хонақоҳининг мутаваллиси Ҳоди кўр ўтирарди. Носир ҳамқишлоқлари билан уй адоғида ўтириб, мутаваллини кузатарди. Мутавалли миқтидан келган, елкалари кенг, қирғийбурун, меъёрдан зиёд овқат еб, бадҳазм бўлиб кекириб ўтирар, бароқ қошлари кўзлари устига соя солиб турган ҳайбатли одам эди. Одамлар “Тақсир мутавалли!” деб унинг олдида сохта тавозе қилсалар-да, ўнг кўзи туғма пучак бўлгани учун ортидан Ҳоди кўр деб аташарди.

Ана шу Ҳоди кўр маърака тўрида ўтириб, чап тирсаги билан парёстиққа тираниб, ҳар замонда бир кекириб, ўтирганларга гап маъқуллатарди:

– Ухлаб ётган жойимда шундоқ кўзимни очсам, манглайимдан бир қаричча юқорида бир панжа муаллақ осилиб турибди. Уй қоронғи денг, на қўлнинг, на панжанинг эгаси кўринади. Панжа ўзи оппоқ, ял-ял нур сочиб турибди. Кўзимни очаман-юмаман, юмаман-очаман: уй зим-зиё қоронғи, тепада оппоқ панжа... Кўзимни чирт юмиб, таваккал қилиб қўлимни унга чўзсам... Эй мардуми ғофил, бу гапим эҳтимол сизларга ёлғон, лекигин худога ҳақ-рост, панжанинг бош бармоғи қўлимга илинди, ушлаб кўрсам – суяги йўқ. “Ё алҳазар! – дедим ётган жойимда ёқамни ушлаб – бу Хизрнинг бош бармоқлари-ку?!” деб юборибман. Шу пайт қоронғи уйнинг аллақайси ковагидан ғулдир-ғулдир товуш келди: “Эй, тақсир мутавалли, сиз бандаи ғофилга шу кундан эътиборан Хизр ҳазратларининг назарлари тушди. Бир ҳафтадан кейин ўнг елкангизни очиб кўринг – бошингизда муаллақ осилиб турган ўша муборак панжанинг муборак изини кўрасиз!” Уйғониб кетдим, кейин...

Маъракадагилар чуқур тин олди. Шивир-шивир бошланди, кимдир маъқуллади, кимдир заҳарханда қилди. Дастурхоннинг қуйисида ўтирган Носир варанка мутаваллига қараб:

– Тақсир, аслида уйқудан уйғонмай турсангиз бўларкан, – деди кулиб, – уйғониб ўзийизга ўзийиз жабр қилибсиз. Ўша суяксиз бош бармоқни маҳкам тутиш керак эди-да!

Носир варанканинг тагдор луқмасидан кейин хонада босинқи кулги кўтарилди. Мутавалли ҳам ноилож кулди.

Носир хонақоҳ йўлагида ҳозир Дудуқ билан юзма-юз туриб, Фазли ҳалимпазнинг маъракасида бўлган ўша воқеани яна бир бор эслади.

– Мутавалли сени ҳам, дадангни ҳам роса лақиллатибди, ўғлим, – деди у Дудуқнинг елкасига кафтини қўйиб. – Хизрга дуч келдим дегани ғирт ёлғон. Варрагинг хусусига келсак... Биласанми, ўртоғинг Қаноат билан яқинда Когон деган шаҳарга бориб келдик. Осмонида сенинг варрагингга ўхшаб аэропланлар учиб юрибди. Ишонмасанг, мана, жўрангдан сўра, ўзи айтиб берсин.

Қаноат дадасининг гапини маъқуллади.

– Ўз кўзим билан кўрдим, жўра.

Дудуқ оғзини, кўзини катта очиб, бир Қаноатга, бир дадасига анграйиб қараб қўйди. У уларнинг оғзидан “аэроплан” деган сўзни илғаб олиб, товуш чиқармай ичида шуни такрорлар, тилини ҳадеб шу сўзни айтишга чархлар эди.

– Аэ... аэ... аэроплан к-каттами, ё м-мени в-варрагим к-каттами, Қ-қаноат? – деб сўради. – Қ-қайси б-бири катта?

– Сенинг варрагингни кўрмаганман, – деди Қаноат. – Аэроплан катта... Сенга қанча дей? Ана ўша Жайҳуна мақбарасича бор катталиги.

Дудуқ жим қолди. Анчагача бошини қўйи солиб ўтирди. Кейин кўзида ёш айланиб:

– Т-тақсир м-мутавалли варрагимни қ-қулфга с-солиб қ-қўйган... – деди товуши титраб. – Х-хонақоҳ и-ичида... Б-барибир, ўғ-ғирлаб қ-қочаман в-варракни...

– Албатта шундай қил, – деди Қаноатнинг дадаси унинг гапини маъқуллаб. – Яккалик қилсанг, мана, ўртоғинг Қаноат ёрдамлашади. Ўртоғингни ўртоқлари бор, улар қўллайди сени.

Дудуқнинг кўзи, юзи порлаб кетди. Оғзини катта очиб илжайди. Меҳри товлаб Қаноатнинг елкасига қўлини чўзган эди, унга жавобан Қаноат ҳам шундай қилди: иккиси бир-бирининг елкасидан маҳкам қучиб, бир-бирини синаётган полвонлардай силтаб-силтаб кўришди.

– Д-дўст б-бўламиз! – деди тутилиб Дудуқ.

– Дўст бўламиз! – деди Қаноат ҳам маъқуллаб.

Дудуқ уларни Жайҳуна мақбараси томон бошлаб бораётган эди. Қаноатнинг дадаси хонақоҳ ёнидан ўтаётиб, бир лаҳза тўхтади. Супада, тахта сўрида орқасини офтобда товлаб мутавалли чўзилиб ётар эди. Қаноатнинг дадаси йўлидан қайтди, хонақоҳ сўрисига қараб юрди. Шу пайт Дудуқ уларнинг йўлига кўндаланг бўлди:

– У-уёққа м-мумкин э-эмас. М-мутавалли о-офтобдао-ором о-оляптила...

Қаноатнинг дадаси “қўявер” дегандай унга бепарво қўл силтади. Дудуқ йўл берди. Улар сўригача оёқ учида юриб боришди.

Қаноатнинг дадаси мутаваллининг нақ оёғи учида туриб, Дудуқнинг қулоғига шивирлади: “Кўрайлик-чи, сенинг алдоқчи мутаваллинг қанақа ором оларкин?”

Тахта сўрига тўшалган икки қат кўрпачада мутавалли ярим яланғоч бўлиб, қорнини ерга бериб ётар, ўнг елкасида... оппоқ қоғоздан қирқиб ёпиштирилган йирик “панжа” нусхаси бор эди! Сўрининг бош томонида чала йиғиштирилган дастурхон, овқатдан бўшаган-сопол товоқ, пиёла ва сопол кўзача...

Қаноатнинг дадаси яна Дудуқнинг қулоғига энгашди: “Сопол кўзачадаги сувми, ё...”

Дудуқ секин шивирлади: “Ш-шароб...”

Май кайфи, офтоб тафти мутаваллини роса элитган эди: қуёшда сулайиб, пишиллаб ухлар, ҳатто танасига ғуж-ғуж ёпирилиб талаётган пашша, чивин ва ариларни қўришга ҳам мажоли йўқ эди.

Қаноат мутаваллининг елкасидаги қоғоз “панжа”ни кўриб ҳайрон бўлди: “Дада, у нима? Нега елкасига уни ёпиштириб қўйган?”

Дадаси секин шивирлаб, Қаноатга ҳам, Дудуққа ҳам изоҳ берди:

– Кўряпсанларми, мутаваллининг танаси офтобда куйиб, кўмирдай қорайиб кетяпти. Елкасидаги қоғоз “панжа”нинг жойи-чи? Йўқ, қоғознинг жойи оппоқлигича қолади. Шундайми? Мутаваллига ана шу сохта панжанинг изи керак. Унга фақат шу керак. Эртага муридларини хонақоҳга йиғиб, “Хизр назар қилган мутаваллиман!” деб яктагининг енгини ечиб, “Хизр панжаси”ни уларга кўз-кўз қилиб чиқади. Муридлар бўлса, бу гапни ёйиб, довруқ қилишади. Қарабсанки, эртасига Ҳоди кўр мутавалли эмас, Хизр назар қилган пир! Ана кўрдингларми, сохта пирлар, қаллоб эшонлар қандай пайдо бўлади?

– Тушундим, – деди Қаноат чуқур тин олиб. – Тушундим.

– Сен-чи, болам, – деди Қаноатнинг дадаси Дудуққа қараб, – сен ҳам тушундингми?

Дудуқ маъюс бош эгиб турарди.

Қаноатнинг дадаси Дудуққа қараб афсус билан шивирлади:

– Ҳали сенинг тушунишингга кўп гап бор. Эгри дарахтнинг кўланкаси ҳам эгри бўлади. Сен шу эгри кўланка паноҳида андак яшадинг. Лекин пайти келади, ҳаммасига тушунасан. Тушунишга ўзинг мажбур бўласан. Сабабки, – деди у мутавалли томонга қўлини бигиз қилиб:

– Бу эл – эрур барча ёмондин ёмон.

Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон!

Мутаваллининг устида бир жуфт қип-қизил қовоғари чарх уриб, ғинғиллай-ғинғиллай бўталоқ ўркачидай қаварган гарданига келиб қўнди. Ариларни анграйиб кузатиб турган Дудуқ кутилмаганда қичқириб юборди:

– А-ари-ри!... Ч-чақади, т-тақсир, т-туринг!!

Шу пайт мутавалли гарданига “тап” этиб шапатилаб, ариларни ғижимлади-да, тиззасида туриб орқасига кескин қайрилди: ортида Дудуқ, Носир варанка ва нотаниш бола. Мутавалли уларни кўриб гангиди: кўзларини юмиб очди, очиб юмди, яна шундай қилди... Оёғи учида ўшалар – Носир варанка, Дудуқ ва нотаниш бола...

Мутавалли дастурхон четидаги сопол кўзачани олиб, Дудуққа қараб қулочкашлаб отди. Сопол кўза Дудуқнинг гарданига тегиб, уни ерга қулатди.

– Ҳе, аблаҳ, бошимга одам йиғиб келдингми?! – Мутавалли яна олдинга ташланиб, дастурхондаги бошқа идишларга қўл чўзган эди. Қаноатнинг дадаси унинг елкасидан маҳкам босиб, сўрига қапиштирди.

– Тек тур! – деди у мутаваллига таҳдидли товушда. – Дудуқда айб йўқ. Биз ўзимиз ота-ўғил Жайҳуна мақбарасини зиёрат қилгани кетаётган эдик. Дудуқда айб йўқ.

Оғзи наматга қапишган мутавалли пишиллаб-пишиллаб зўрға нафас олар, Носирнинг панжаларидан қутулиб чиқишга уринар, алланималар деб ғўлдираб, сўкинар эди.

Қаноатнинг дадаси мутаваллининг қоқ пешонасига тиззасини босиб туриб, орқасига қайрилди.

– Жўрангдан хабар ол. Нега уни ўчди? – деди ўғлини жеркиб. – Қара-чи, нима бўлди унга?

Қаноат Дудуқни таталаган эди, кўзини очди. Очди-ю, яна юмди. Нафас олиши оғирлашди. Типирчилаб жон уза бошлади. Қаноат додлаб юборди. Дадаси мутаваллининг устидан туриб, Дудуққа қараб югурди. Бошини авайлаб тиззасига олди. Зарб теккан жойини синчиклаб чиқди, айтарли катта жароҳат йўқ – чап қулоғининг остида тухумдай шиш пайдо бўлган эди. Дудуқ кўзини очмай:

– Қ-қаноат, – деди шивирлаб, – даданг қ-қани?

– Шу ердаман, – деди дадаси, – кўзингни оч, болам.

– Й-йўқ, э-энди к-кўзимни о-очолмайман... М-мен в-варракдан б-бўлак я-яна б-бир к-катта г-гуноҳ қ-қилганман... А-аравангизга ў-ўт қ-қўйганман. М-мутавалли б-буюрган э-эди... К-кечиринг, а-амаки-и...

Дудуқнинг чап қулоғидан икки томчи қон томди. Товуши тинди. Қаноатнинг дадаси уни маҳкам бағрига босди. Мутавалли болохонадор қилиб сўкинди.

– Уни тинч қўйинг, жон узяпти... – деди Қаноатнинг дадаси Дудуқни бағридан бўшатиб. – Руҳига озор берманг, нари туринг. Оёғингиз тагидаги “панжа”ни олинг-е, рўдапо!

Мутавалли олишувда оёғи тагига тушган “Хизр панжаси”га эгилди...

НАЖОТ ТУЙНУГИ

...Қаноат онаси пойидан бемажол турди. Шиша туйнук рўпарасига келди. Туйнукдан заррача ёруғлик тушмас, Вардонзе қалъа ҳам, қалъа тепасидаги дўлана дарахти ҳам энди кўринмас – шиша ортини зич қум босган эди.

Бола қорайиб турган шишадан кўз узмасди. Шу пайт хаёлида ўктам бир фикр чарх уриб қолди: туйнукни кенгайтириб, бир амаллаб ташқарига чиқиб олишни мўлжаллади. Лекин бу фикрдан тез қайтди. Очиқ мўридан хонага ёпирилиб кирадиган қум оқимини ҳеч қандай куч билан тўхтатиб бўлмаслигини дарров фаҳмлади. Шашти бир оз пасайди. Юқоридаги туйнукка қаради, шуни кенгайтириш маъқулроқ кўринди. “Бу девор ортидаги қум уюми шимол деворида тўпланган қумдан анча паст кўринади, – ўзича мушоҳада қилди бола. – Мана, туйнук очиқ... Тўпланган қум уюми туйнукдан пастда... туйнукни тезроқ кенгайтириш керак”.

Бола сандални туйнук тагига судради. Сандиқни титкилаб, онаси рўзғорда ишлатадиган ошпичоқни топди. Лекин у мўлжаллаган ишга дастаси синган бу ошпичоқ қўл келмади – туйнук йўғон икки қалама ўртасида ўрнатилган эди. Қаноатнинг ҳафсаласи баттар пир бўлди. Қўлидаги пичоқни жаҳл билан эшикка отиб юборди. Пичоқ эшикка тарақлаб тегиб, кигиз устига тушди. Ҳар кун ўтин чопиб юрган ойболтасини излади. Лекин кеча намозшомда ўтин майдалаганида, ойболта билан аррани усти очиқ айвонда, ўчоқ бошида унутиб қолдирганини эслади. Эслади-ю, танаси ловиллаб ёниб кетди, бир лаҳзадан кейин вужудини шилта тер босди: “Энди нима қилай? Нега ҳамма ишим тескари кетяпти?”

Қаноат онаси ётган уй бурчагига қаради: чойшаб устида тўзон аралаш энсизгина хира нур ўйнайди: ташқарида ҳамон қум тўфони гувиллайди; боланинг тишлари орасида қум ғижирлайди...

Бола кунни ҳам, тунни ҳам қарийб унутаёзди: неча кун бўлди ўзи саҳрода бўрон бошланганига? Бир кунми, бир ярим кунми, икки кунми? Яна неча кун давом этади бу бўрон – билиб бўлмайди!...

Қаноат наматга тиз чўкди. Онасининг пойи томонга узала тушиб, муштчаларини ерга тираб, устига манглайини босди: у толган, толиққан; ўйлашдан, хаёл суришдан, умид қилишдан, ҳатто йиғлашдан ҳам тамом безиган эди.

Бола узоқ ётди. Бир маҳал уйғониб, бошини кўтарди. Кўзларини уқалаб туйнукка қадалди, саҳронинг “дил” тепишини гўё шу туйнукка қараб пайқарди: хонага тўзонсиз, ёруғ нур, мўл-кўл ойдинлик ёғиларди. Ташқарида бўрон тинган, саҳро ювош тортиб қолган эди. Қаноат равшан мўридан кўз ололмай, бутун вужудини қамраб олган ёлғизлик ваҳмини ўзидан нари даф этмоқчи бўлди. Вардонзе қалъадаги хосхона деворларида ўрнатилган тош битикни, дадаси ўқиб берган тузукларни эслади: “Ваҳм қоронғида кўп изғийди. Шу боис кўнглингни равшан тут – хаёлинг доим нурафшон бўлади...”

Бола ваҳмдан қутулиш, кўнглини равшан тутиш учун: “Мен ёлғиз эмасман, ёнимда онам бор, меҳрибон онажоним бор!” деган гапни ҳадеб такрорлайверди:

– Мен ёлғиз эмасман, ёнимда онажоним, меҳрибоним борлар!.. Мен ёлғиз эмасман, ёлғиз эмасман!!

У ёлғиз эмас эди: мана, нимдошгина чойшаб остида онаси ётибди. Панжакаш кўрмаган лойшувоқ девордаги ёғоч михда дадасининг милтиғи осиб қўйилган. Берироқда дўсти Миша совға қилган китоб. Қўлида... йўқ, қўлида эмас, эшик тагида дастаси синган ошпичоқ ётибди...

Қаноат пичоқни яна қўлига олди. “Бу билан ишим битмайди-да, – дея афсус тортди, кейин ўз фикрини ўзи рад этди. – Нега битмайди? Битади, битиши керак. Дадам: “Зеҳнинг бутун бўлса, жуволдиз билан битадиган ишни игна билан ҳам битириб бўлади, дердилар. Нуқул шу гапни айтардилар. Дадам беҳуда гапирмасдилар. Ойболта бўлмаганидан кейин нима қилай, ана шу ошпичоқ ойболта-да!”

Бола ошпичоқнинг синган дастасига латта ўраб, уйнинг қайси деворидан иш бошлашни билмай тараддудда қолди. Дадаси берган сабоқ ҳали-ҳали хотирасида турибди: “Саҳро ва саҳроликлар ақидасига шак келтирма, – деганди ўшанда дадаси. – Саҳронинг ўзидай бешафқат даррандалари билан ошно тутин, дарахт ва гиёҳлари билан юзма-юз туриб сўзлаша бил, шамолларидан чўчима, бўронларини эгиб ол, ана шунда сенинг қўлинг баланд келади. Ёнингда борманми-йўқманми, ана шу гапларимни унутма, ўғлим!”

Қаноат биларди, қум бўронлари, гирдибод тўфонлари, “афғон” гармселлари, одатда, саҳронинг шимол қисмидан бошланади, жанубга томон шиддат билан беомон босиб келаверади, келаверади... Бўрон тинганидан кейин бир куни Қаноат саҳрони чарх уриб, ҳайрон қолган эди: уйларнинг шимол деворини том бўйи қум босиб кетган, қулаган дарахтлар жанубга томон ёнбошлаб ётибди.

Қаноат: “Ишни жануб деворидан бошласам маъқулроқ бўлади, – деган қарорга келди. – Сабабки, девор ортида кам қум тўпланган”. Шундай қилди, қўлидаги пичоқ билан деворни бўйи баравар баландликдан хафсала билан теша бошлади. Кўп уннади, узоқ ишлади, терлади – пишди, ахири, минг азоб билан деворни ўзи сиғадиган кенгликда тешиб, ташқарига чиқди!..

Бўрон тинган, саҳро сокин эди. Барханлар салтанатида оғир сукунат ҳукм сурарди. Саҳрони чанг ва ғубор қоплаб олган. Қуёш аввалгидай

чарақламас, аллақандай хира парда ортидан боқаётгандай қутсиз эди. Бола шимол девори ортида тўпланиб қолган қум уюми орқали талпиниб, қумга ботиб-ботиб ўзини зўрға томга олди.

– Ҳо-о-й, одамлар, ёрдам беринглар! – Қаноат том бошида туриб, чақира бошлади. – Онам ўлиб қолдилар... Ёрдам беринглар, ҳо-о-й, одамл-а-ар!!!

Саҳро жимжит эди.

Узоқдан кўзи ниманидир илғагандай бўлди. Бола ўша томонга қараб, қўлини силкита-силкита яна қичқира бошлади:

– Ҳе-е-ей! Буёққа келинглар!

Икки от терга пишиб, ҳансираб, Қаноатлар уйига яқин, том бўйи тўпланиб қолган қум уюми ёнига келиб тўхтади. Тўриқ отдаги йўловчи телпак кийган, сариқ мўйловини қиров босган, елкалари кенг киши эди. Саман отдагиси эса аёл эди – у узангига оёқларини тираб, хиёл қад ростлади-да, қора пальтосини ёқасини тушириб, ширин бир табассум билан:

– Салом болакай! – деди.

Қаноат ҳамон том бошида дудуқланарди.

– Онам ў... ўл-и-б қо-олдила...

– Ўлиб қолдилар, дейсанми? – бегона одам ўзини отдан ташлади, этиги қўнжигача қумга ботиб кетди. – Қани. Буёққа туш-чи, нималар деяпсан ўзи?

Унгача аёл ҳам отдан тушди. Қаноат ўзини томдан барханга қараб отган эди, бегона одам уни бақувват қўллари билан маҳкам илиб олиб, бағрига босди.

– Хўш, гапир-чи, болакай, нима бўлди?

Юпун кийимда, бошяланг Қаноат совуқда дилдираб, бошидан ўтганларни сариқ мўйловли амаки билан бегона аёлга айтиб берди.

Амаки телпагини бошидан олиб, аёл эса рўмолини елкасига тушириб, ярим белигача кўмилган уйга қараб бош эгишди.

Аёл бир лаҳзалик сукутдан сўнг бош кўтариб, болага талпинди: уни бағрига босди, совуқ қотган қўлчаларини иссиқ бағрига – пальтосининг қатига тиқиб, маҳкам қисди. Унинг совуқдан кўкариб кетган юзини, қулоқларини ишқади, ҳадеб ишқайверди. Оналик меҳри баттар жўш уриб, унинг яланғоч бошидан ўпди... Шунда аёлнинг юраги бирдан зирқираб кетди – боланинг сочи оқарган эди!

Аёл эрига боланинг сочини кўз қири билан имлаб кўрсатди. Эри олдиндан буни пайқаб, ўзи тўлиб турган экан, бошидаги қулоқчинини болага кийгизди, ўзини тутиш учун лабини маҳкам тишлаб, отнинг эгар-жабдуғига уннаб кетди.

Аёлни фарзанд қўмсоғи тоза элитган эди. У болани бағридан бўшатмади, иягини унинг мўъжазгина елкасига маҳкам босиб, ўйларди: “Сен дунёга келиб нимани кўришга ургурдинг ўзи, болакай? Оғзингдан ҳали она сутининг ҳиди келиб турибди-ю, бошингда кексалик қирови – гўдак ёшингда сочларинг оқарибди. Эй, ғаддор фалак, бунчалар беаёв, бунчалар бешафқатсан? Раҳм қилсанг бўлмасмиди шу норасида болагинага! Увол эмасми, увол эмасми?!”

Аёл хаёлини тарқатиш учун болани гапга солди.

– Қишлоқларинг номини биласанми?

– Биламан. Қумбосди.

– Ие, Қумбосди бўлса, кепқолибмиз-ку... Василий, кепқолибмиз, буни қара-я... Дадам айтган қишлоқ. Биз Когондан келяпмиз, болакай. Шунақа жойни эшитганмисан?

Бола аёлга жавдираб қаради.

– Бўлганман Когонда, – деди бола. – Дадам билан борганман. Когондан бўлсайиз, Миша жўрамни танийсизми? Сергей бобонинг невараси...

Аёл ялт этиб болага қадалди.

– Қан... Қаноатмисан?

– Ҳа, Қаноатман! – деди боланинг овози титраб. – Мишанинг онасимисиз? Сергей бобонинг қизи, а? Бу киши Мишанинг дадаси... Билдимми?

– Билдинг! – деди аёл бўғзига тиралган йиғи аралаш. – Миша сени кутди. Соғайиб кетса, келмоқчи эди. Лекин келмади, келолмади... Мишагинам пешонамга сиғмади, болам, сиғмади! – Аёл ортиқ чидаёлмади, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. – Ўша сен кўрган касаллик билан болагинам адо бўлди!

Қайғу устига қайғу, ситам устига ситам... Боланинг муштдеккина кўксига бунча ғам-алам қандай сиғсин! Аёл келтирган бу нохуш хабар... йўқ, энди буниси ҳаддан ортиқ эди. Бола худди эси оғиб қолгандай аёлнинг оёғи тагига беихтиёр мук тушди. Аёл болани яна бағрига босди. У кўксига маҳкам босиб турган шу гўдакнинг юзида, илиқ нафасида Мишанинг рухсорини кўргандай, унинг қайноқ нафасини туйиб тургандай эди!

Қаноат дўсти Мишанинг ўлимини эшитиб, ўзини кечирилмас гуноҳга ботган ноқобил дўст тарзида ҳис этди.

У дўстининг ўлимига, аввало, ўзини сабабчи деб биларди. Когонга боролмай қолганига қанча важ изламасин, барибир, ўзини айбдор санарди:

– Кўп кулфатлар тушди бошимизга. Аравамизга ўт қўйишди. Дадамни ўлдиришди. Ёнғиндан кейин онам жойларидан қайта туролмадила... Эҳтимол, исириқни элтиб берганимда, Миша жўрам ўлмас эди!..

– Ундай деб ўйлама, ўғлим. Қўй, беҳуда хаёлларга борма. Ўзим билардим, Мишанинг дарди бедаво эди. Бобоси Москвага элтиб, билағон докторларга кўрсатди, фойда қилмади. Таёқ еган жойи айниб, қорасонга айланган экан... Бу ҳаёт дегани шунчалик бешафқатки, болам, баъзан чигал тақдирингга тан беришга мажбур қилади. Мажбур қилган ўша куч олдида гоҳо ожиз қоласан. Тақдирга қарши исён қилгинг, дунёга ғалаён солгинг келади. Мана, сени топдим, қисматга қарши қилган исёнда ғолиб чиққаним шу. Мишанинг ўрнига ўғлимсан, Қаноат, эшитяпсанми, ўғлимсан!

Қаноат етти ёт бегона аёл бағрида туриб, онасини ўйларди... Беш қадамча нарида, қум босган мана шу кўримсиз кулбада азиз онаси, меҳрибон волидаси нимдош чойшаб остида мангу сукут ила ётибди!

Фарзанд ҳеч бир кимсанинг меҳрини она меҳрига тенг тутмайди, тутолмайди. Лекин бу аёлнинг оналик муҳаббати Қаноат учун тамом бошқача...

“Бу аёл дўстим Мишанинг онаси, – ўйларди Қаноат. – Демак, менинг ҳам онам!”

– Барибир, сизни излаб топардим, аяжон! – Қаноат аёлнинг бўйнига маҳкам чирмашиб, ҳиқиллаб-ҳиқиллаб йиғлади. – Барибир излаб топардим, ишонинг. Сергей бобомни ҳам, Василий амакимни ҳам топардим...

Василий оғиб бораётган қуёшга қараб, ташвишга тушиб қолди. Қиш кунлари бир тутам. Ҳали тириклар гарданида марҳумани қум босган хонадан олиб чиқиш, уни дафн этишдек чигал муаммо турибди. Василий ана шуни ўйлаб қистанди. Отини дарров Қаноатга кўндаланг тутиб, жиловни берди:

– Қўшни қишлоққа бориб, одамларга хабар қил. Айт, кетмон, белкурак олиб келишсин. Уйни қумдан тозалаб, онангни олиб чиқамиз. Йиғлама, болагинам, ҳали шундай ишлар қиламизки, қишлоқларни, уйларни, қабрларни қум босмайдиган бўлади. Мен билан аянг ана шу мақсадда бу ерга келганмиз. Ўксима, болам!

Қаноат қулоқчиннинг ипини ияги остидан маҳкам танғиб боғлади-да, Денов қишлоғига қараб от суриб кетди...

ИККИНЧИ ҚИСМ

ЕТИМ

Одамлар қабр бошидан тўғри Қаноатларнинг кулбасига қайтиб келишди. Унгача Евгения билан Қаноатнинг ўртоқлари уйни, айвонни супуриб-сидириб, супа ва йўлакларни қумдан тозалашди. Қўшни қишлоқдаги тош қудуқдан эшакда икки меш сув ташиб келтиришди. Ташқарида самовар қўйиб, таъзияга келганларга чой дамлаб беришди. Одамлар онанинг руҳини хотирлаб, фотиҳа ўқишди. Қишлоқ оқсоқоллари етимча қисмати тўғрисида узоқ баҳслашишди.

Елкалари чиқиб, мункиллаб қолган, калта соқолли чол етим болани уйига олиб кетиш учун ўтирганлардан розилик сўради:

– Фарзандларим қатори фарзанд бўлади, – деди чол. – Ўнта бўлса, ўрни бўлак, қирқта бўлса қилиғи... Рози бўлиб, бир фотиҳа беринглар, шу сағиргинани олиб кетай, ёлғиз ўзи ғариб, хор-зор бўлмасин, яхшилар.

– Гапингиз тўғрику-я, – деди ғилай кўзли, ўнг қўли елкасигача дағиллаб турадиган иккинчи чол, – кўп фарзандлининг бағри чандон кенг бўлади, буни биламиз. Лекин бир қушга ҳам дон керак, ҳам сув. Сиз қийналиб қоласизми дейман, биродари азиз, яхшиси, мен обора қолай болани.

Василий билан хотини қишлоқ қариялари баҳсига узоқ қулоқ тутиб туришди. Ахири, Василий икки чолнинг баҳсига аралашди:

– Одатларингизни яхши биламан. Боладан оталик меҳрини, оналик муҳаббатини сира дариғ тутмайсизлар: туғишганми, бегонами барибир, – деди Василий мўйсафидларга қараб. – Анча-мунча урф-одатларингизни ўргандик. Россиядан келганимизга тўрт йилча бўлиб қолди. Бу киши рафиқам, Евгения хоним. Шу кунгача Когонда яшадик. Қайнотам Сергей бобо ўша ерда, темир йўл депосида ишлайди. Қаноатнинг дадаси Носирбой билан Сергей бобонинг ошначилиги бор экан. Айтишларича, Носирга керосин қуйиш варанкасини ҳам Сергей бобо ясаб берган эканлар. Шундан кейин Носир варанка бўп кетибди, эшитишимча. Сергей бобонинг сўрови билан Носирбойдан бир хабар олайлик, деб келсак, мотам устидан чиқдик. Носирбой ҳам бир йил олдин қазо қилган экан.

– Ҳа-а, шунақа бўлди, – хотирлашди одамлар, – раҳматли Носир баранка бор эди, уйимиздан нур, рўшнолик аримасди. Ана энди бир чакра керосинга зормиз.

Хонага оғир жимлик чўкди. Ўтирганлар уйнинг тўрини эгаллаб ўтирган Вардонзе қалъа хонақоҳи мутаваллисига беихтиёр қараб қўйишди. Қаноат Евгенияга яқин жойда, Даврон билан ёнма-ён наматга мук тушиб ўтирарди. Улар таъзияга келганларга навбатма-навбат чой қуйиб узатишарди. Қаноат мутаваллидан кўз узмай, унга ёвқараш қилиб ўтирарди. Мутавалли гурунг мавзуини чалғитиш учун ора-сира луқма ташлаб қўяр, жуда безовта эди...

Қаноат қаршидаги деворда, мутавалли боши тепасида осиғлиқ турган дадасининг милтиғидан кўз узмай, асабий бир кайфиятда ўтирарди: “Дудуққа буюриб, аравамизга сен лаънати ўт қўйдирдинг. Дадамнинг умрига сен

зомин бўлдинг. Дудуқни кўз олдимда сен уриб ўлдирдинг... Ўша ёнғиндан кейин онам қайта ўзларига келолмай, оламдан ўтдилар... Бунга ҳам сен айбдорсан, қотил! Яна ҳеч нарса кўрмаган бўлиб, бугун келиб уйимиз тўрида ўтирибсан...”

Қаноатнинг қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди, увоққина танаси титраб кетди. Шу топда Даврон гулли сопол пиёлага чой қуйиб мутаваллига қараб узатган эди, Қаноат ўзини билиб-билмасга олиб, унинг тирсагига туртиб юборди. Пиёла мутаваллига етмай Давроннинг қўлидан дастурхонга тушиб кетди. Ўтирганлардан кимдир сезди, кимдир сезмади, лекин ҳеч ким индамади. Даврон қизариб кетди, узр сўради. Бироқ мутаваллига чой узатишга қайта журъат қилмади.

– Биламан, – дерди Василий мўйсафидлар билан гурунгда оғзи қизиб, – Қаноат ҳеч кимга ортиқчалик қилмайди. Яхшиси, у биз билан қолсин. Ҳозирча мана шу кулбада, кейин яна ўйлаб кўрамиз. Биз иккимиз – рафиқам Евгения хоним билан бир хайрли иш бошлаб келганмиз. Бу ишни охирига етказиш учун юзлаб Қаноатлар, минглаб у тенги болалар керак. Ҳа, бу ишга бутун тумонат – катталар ҳам, болалар ҳам, хотин-халаж – ҳамма баравар бош қўшиши лозим!

– Билсак бўладими, нима экан ўша хайрли ишингиз? – деди мутавалли чой тўкилганидан кейин ўртада пайдо бўлган ноқулай вазиятни бир оз юмшатиш учун. – Қани, айтинг-чи, қанақа иш экан ўзи? Хайрли-пайрли дейсиз. Хойнаҳой, болани сарбозликка мўлжаллаяпсиз десам, ўртага хотин-халажни ҳам, ёшу қарини ҳам қўшяпсиз...

– Эҳтимол, вақти келиб Қаноат аскарликка ҳам яраб қолар. Ҳозир гап тамоман бошқа ёқда, тақсир мутавалли, – деди Евгения эри бошлаган гапни давом эттириб. У эрига нисбатан ўзбекчани “қоқинмай” гапирар, шу боис баҳсли масалалар чиқиб қолганида, ҳамиша ижрони Евгения бажарарди. – Ҳаммасидан воқифсизлар, замон чайқалиб турибди. Бухоро тўнтариши ғалаба қилиб, амир қочганига бир йилдан ошиб қолди. Ҳаёт ҳали-вери изга тушмаяпти: бир томонда очлик, танқислик; иккинчи томонда қизил аскарлар амир сарбозларига қарши ҳаракатини бошлаб юборишди. Бу йилги қиш ҳаммасидан ошиб тушди: тўқсон кун сурункасига давом этган совуқ, басма-бас эсган “афғон” шамоллари, қум бўронлари Қизилқум этагидаги халқ жонини роса сиқиб олди. Бир ҳафтадан бери Жилвон, Қутчи, Кампирёл, Фозилбек, Варахша, Замон бобо дашт ва қумликларини отда кезиб чиқдик. Кўмилмаган йўл, омон қолган ариқ ва кулба йўқ ҳисоби. Қанча одамлар уйсиз, ерсиз юрибди. Биз энди бир ёқадан бош чиқариб, қум бўронларининг йўлини тўсишимиз, экин ерларимиз, боғ-роғларимиз, ариқ ва булоқларимизни омон сақлаб қолишимиз керак, бошқа иложимиз ҳам йўқ. Яхши яшашни истаган ҳар бир инсон бунга бош қўшиши шарт. Бухоро Халқ Республикаси ҳукуматининг қум кўчишларининг олдини олиш, иҳоталаштиришни йўлга қўйиш, ўрмон хўжаликлари барпо этиш хусусидаги махсус қарори ҳам бор.

– Нима, нима, эшитмай қолдим? – деди мутавалли сирли бир илжайиш билан ўнг шапалоғини қулоғи орқасига тутиб, Евгения томонга чўзилди. –

Ҳукумат қар... қарори бор дейсизми, хоним? Қутурган саҳрони инсофга келтирадиган, қум бўронининг йўлини тўсадиган қанақа қар... қарор экан у, а? – Мутавалли қўлини қулоғи остидан шашт билан олиб, худди ўша қўлини Евгения хонимга қараб пахса қилди. – Ў, хоним, шуни билиб қўйингки, Қизилқумнинг қутурган қум бўронларини Чинмочиннинг девори билан ҳам тўсиб бўлмайди! Эрингиз билан топиб келган бу чўпчакларни бориб бошқа одамларга – саҳро зарбини кўрмаганларга айтинг, ўшалар ишонади. Бир бандаи мўминнинг ортидан бўзлаб қолган мана бу сағир хусусига келсак, унинг тақдирини сизларга ўхшаган етти ёт бегона ғайридинлар эмас, биз ўзимиз ҳал қилурмиз. Қаноат шу бугундан бошлаб Вардонзе қалъа хонақоҳи ихтиёрида бўлади. Хонақоҳ хизматини қилади Дудуқ ўрнига... Омин!

Мутавалли юзига фотиҳа тортиб, жойидан ярим қўзғалди, лекин ўтирганлардан ҳеч бири унинг фотиҳасига қўл кўтармаганини кўриб, жойига қайта чўкди.

– Бормайман хонақоҳга!.. – Қаноат жойидан шашт билан отилиб туриб, мутаваллига ўқталди. – Йўқ, хонақоҳга бормайман!

– Борасан, бўтам, – деди мутавалли авзойи ўзгариб турган бўлса ҳам, илжайишга мойил сирли бир тусда. – Дин даъвати – Оллоҳ даъвати, бўтам!

– Бормайман! Бормайман! – Қаноат бир сакраб мутавалли тираниб турган деворга яқин борди. У қандай шашт билан отилиб борган бўлса, ўша шашт билан милтиқни олди, кейин муаваллига қараб ўқталди. – Йўқ, бормайман хонақонгга... Дудуқдай хор бўлиб ўлишни истамайман, қотил! Ҳозир отаман сени!...

Ўтирганлар шошиб қолди, баъзиси ўзини эшикка урди. Мутавалли қўрққанидан қўли қалтироқ чолнинг орқасига бекиниб, қапишиб олди. Евгения билан Василий Қаноатни маҳкам тутиб, қўлидан милтиқни тортиб олишга ҳаракат қилар, ялиниб-ёлворар, лекин уни уддалаб бўлмас эди.

Шунча олишув ва тортишувда ҳам барибир, Қаноат милтиқ тепкисини босишга ургурганди: темир затвор “чирқ” этди, мутаваллининг бахтига милтиқ ўқланмаган экан!

Бола беҳуш йиқилди.

Наматга қапишиб, тошбақадай бўйнини ичкарига тортиб, жон ҳовучлаб ётган мутаваллини кимдир оёғи билан биқинидан туртиб:

– Вақт борида қочиб қолинг, тақсир! – деди. – Қайтиб турса, сизни ўлдириб қўяди.

Мутавалли қўрқа-писа жойидан турди, ўғри мушукдай аланглади, Қаноатнинг аёл қучоғида беҳуш ётганини кўриб, бироз дадиллашди.

– Сал бўлмаса ўлдириб қўярди, бадбахт етимча, – дея гоҳ кўксига тупуриб, гоҳ сўкиниб супага чиқди. – Сал бўлмаса ўлдириб қўярди, бадбахт сағирак!

Таъзияхонадан чиққанлар аллақачон тарқаб кетишган, борлари ҳам мутаваллининг жанжалидан узоқроқ турайлик, деб ўзларини пана-пастқамга уришган эди.

Мутавалли ҳассасини дўқиллатиб, йўлга тушди. Йўл бўйи милтиқ ўқталган “сархўр” етимчани қарғаб кетди.

– Мен камина қилган дуоибадлар гирибонингдан тутмаса, қараб тур ҳали... Дадангдай илоҳим ҳаром ўлгин!

Маъракадан чиқиб, мутавалли билан изма-из қайтаётган бир тўп бола кўча муюлишида уни тўхтатиб, танбеҳ беришди.

– Қарғишларингиз ўзингизга урсин, тақсир, – деди болалар орасида хиёл тетикроғи, ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги Аҳмад. – Тилийизни тортиб гапиринг. Намунча қарғайсиз. Бўлди-да!

Ҳоди кўр очиқ кўзини чақчайтириб, болага қаради. Қоронғида танимади, сўнг товушидан тусмоллаб, кимлигини аниқлади.

– Сенга нима-а? Ҳе-е, тирранча-е! – Мутавалли жаҳл билан уни жеркиб ташлади. – Сен ҳам, ана шу жўраларинг ҳам ўша безорининг бири-да. Сал бўлмаса, отиб қўярди, аблаҳ!

– Ўзингиздан ҳам ўтди-да, тақсир, – деди Аҳмад, – Қаноатни хонақоҳ дастёрлигига элтаман дейсиз...

Мутавалли ҳайрон бўлиб, баттар чақчайди.

– Нима бўпти, хонақоҳга элтаман десам? Хонақоҳга боришни орзу қилиб юрганлар камми? Бунинг нимаси ёмон?

Аҳмад кулди.

– Ёмонлиги шуки, тақсир... Э, нима десам экан сизга, ундан кўра, яхшиси, сени кушхонага элтаман, деб Қаноатнинг бўйнига арқон солсайдингиз, орқангиздан индамай эргаши-и-иб кетаверарди.

Болалар хуфиёна, сўнг баралла кулиб юборишди.

– Отанг тенги одамни... бунинг устига шундай табаррук хонақоҳ мутаваллисини калака қиласанми, даъюс! – Мутавалли урмоқчи бўлиб қўлини кўтарган эди, Аҳмад унинг тирсагидан маҳкам тутиб қолди. – Ё опангни ҳайдаб юборганим келиб-келиб энди алам қиляптими? Шунинг учун орқамдан хира пашшадай эргашиб юрибсанми?

Аҳмад мутаваллининг учинчи хотини Ҳуринисонинг укаси эди. Ҳуринисо жонидан тўйиб: “Елкамнинг чуқури кўрсин ҳовлингни!” деб эридан ўзи ажраб кетган эди.

Лекин мутавалли ўртада бўлиб ўтган можарони ҳозир тескари талқин қилиб, болалар олдида Аҳмаднинг жиғига тегди.

– Нима учун эргашиб юрганимизни кейин биласиз, тақсир! – деди Аҳмад мутаваллининг қўлини орқасига қайириб. – Қани, олдинга тушинг! Силтанманг... Бақирманг, фойдасиз. Йўқ, буёққа эмас, ҳу ана, барханга қараб юринг!

Болалар уни туртиб-итариб, йўлдан четга олиб чиқишди.

– Тунайсизларми? Вой-дод! – Мутавалли бир туп юлғун ўсиб, қорайиб турган барханга етмай, қумликка “тап” этиб ўзини отди. – Вой-дод, қароқчилар дастидан дод! Ҳо-й одамлар, қутқаринглар!..

– Бақирманг, фойдасиз, – деди Аҳмад қорнини қумга маҳкам босиб ётган мутаваллининг белбоғидан тутиб, қаттиқ силтади. – Қўрқманг, қароқчи эмасмиз, ҳар кун кўриб юрганингиз болалармиз.

– Йўқ, ишонмайман! – дод солди мутавалли. – Қароқчилардан баттарсанлар, йўлтўсардан баттарсанлар! Опанг ҳақ ундиролмай юрган эди, биламан, ўша ўргатган бу ишни. Ўша манжалақи ўргатган, ҳа, ўша ўргатган!

Аҳмад жаҳлига чидаёлмай мутаваллига бир мушт туширди.

– Қанақа бетамиз одамсиз ўзи? Пулингиз билан ишимиз йўқ деяпман-ку, ахир!! Сизга айтадиган гапимиз бор, қулоқ солсангиз-чи.

– Қанақа гап? – деди мутавалли шаштидан бир оз тушиб. Бошини хиёл кўтариб, Аҳмад томонга хавотирли қараб қўйди. – Қанақа гап? Гапир.

– Гапимиз шуки...

– Пулларимга ишларинг йўқми, ишқилиб? Чўнтакларимга тегмайсизларми?

– Айтган гапимизга қулоқ солсангиз, тегмаймиз.

Мутавалли жойидан туриб ўтирди. Лекин чўнтакларини маҳкам ғижимлаб, болага хавотирли назар ташлади.

– Айт, қанақа гапинг бор?

Аҳмад мутаваллининг қаршисида мук тушди. Иккиси юзма-юз туришарди. Болалар уларни холи қолдириб, бир қадам орқага чекинишди ва сергак кузатиб туришди.

– Боя, одамлар қабр бошидан қайтаётганда, муридларингиздан бири сизга, тақсир бир қоғоз келтириб топширди. Гапни чалғитманг. Ўзим кузатиб турдим: сиз қоғозни олиб, бархан ортига йўқолиб кетдийиз. Тўғрими? Тонманг, пулдан, қирқ саккиз чўнтагингиздан умидвор бўлсангиз, тонманг.

– Қирқ саккизталигини қаердан билдинг, а? – Таажжубдан баттар гангиди у. – Ўша манж... э, опанг Ҳури айтган-да, тўғрими?

– Опам ўз йўлига, – деди Аҳмад совуққонлик билан, – лекин қирқ саккизталигини аниқ биламан. Ўша қоғоз шу қирқ саккиз чўнтакнинг қай бирида? Шуни ўз қўлингиз билан чиқариб берсангиз... тамом – вассалом!

– Ҳеч бирида... Ҳеч бирида йўқ! – дея мутавалли шошиб-пишиб қўлтиғига қўл урди. – Мана, ҳеч бирида йўқ!

Аслида мутавалли қўлига илинган қоғозни қўлтиғида ғижимлаб турар, чиқариб беришга ҳам, бермасликка ҳам журъати етмас эди. Ким-ким, мутаваллидай одам келиб-келиб бунга журъат қилолмасди: мактубни чиқариб берса – қилмишлари ошкор бўлади; бермай деса – буёқда қирқ саккиз чўнтагининг аҳволи не кечади! Мутавалли ўйлаб-ўйлаб, ахири, учинчи бир йўл топди – хатни ғижимлаб ютиб юбормоқчи бўлди. Шундай қилди. Қоғозни эзғилаб оғзига тиққан заҳоти Аҳмад мутаваллининг оғзига мушукдай чанг солди. Шу пайт болалар ҳам баравар ташланишди. Мутаваллини қумга босиб, уст-бошини, чўнтакларини ковлаб-титкилаб ташлашди...

– Падарингга лаънат, ғаламис! – деди Аҳмад мутавалли чайнаган бармоғини белбоғининг учи билан танғиб боғларкан. – Қўлимни ютиб юборай деди-я, касофат!

– Олдингизми, ишқилиб, Аҳмад ака? – сўради Карим.

– Олдим. Ўзиям нақ кекирдагидан суғуриб олдим-да!

– Кетдикми, Аҳмад ака? – деди қистаб Саттор.

– Қаёққа? – деди Аҳмад мутаваллининг биқинига оёғи билан ниқтаб. – Тўхтаб тур, ҳушига келсин, хонақоҳига ташлаб ўтамиз.

– Буни ҳушига келтириш оппа-осон, – деди Карим Аҳмаднинг қулоғига шивирлаб. – “Тақсир мутаваллининг қирқ саккиз чўнтаги қайта ковланси-и-ин!” деб овоз беринг. Овозингизни мундай кўтариброқ айтинг. Агар мутавалли жойидан туриб кетмаса, Карим отимни бўлак қўяман! Қани, Аҳмад ака.

– Тақсир мутаваллининг қирқ саккиз чўнтаги қайта ков...

Аҳмаднинг гапи оғзида қолди – мутавалли ҳушига келди, тепасида турганларга чақчайди, шоша-пиша чўнтакларини тимирскилай бошлади...

Болалар беихтиёр кулиб юборишди.

МУТАВАЛЛИНИНГ ҚИРҚ САККИЗ ЧЎНТАГИ

“Кўз ўнгингда содир бўлаётган воқеаларга, магарам ишонмасанг, бармоғингни ўзга бир кимсага тишлатиб кўр”. Бу аслида мутаваллининг писанда қилиб кўп такрорлайдиган гапи. У таажжуб оҳангида айтилаётган сўровларга ҳуда-беҳуда шу гапни қистириб ўтарди. – Нега ажабланасан, магарам ишонмасанг, ўзга бир кимсага тишлатиб кўр бармоғингни. Зора шу билан кўзинг очилса!..”

Хўш, содир бўлган бу воқеалардан тақсир мутавалли ўз бармоғини энди қайси бир кимсага тишлатиб кўрсин?

Ишқилиб, мутаваллига қийин бўлди-да: кўз олдида одамлар ўзгариб, турланиб кетяпти-ей. Носир варанканинг керосин бермагани устига эл олдида уни эшакка тенг тутиб шарманда қилиши... Бандаи мўмин – художўй Дудуқнинг бирдан айниши... Бухорои шарифда бўлган ва бўлаётган алғов-далғовлар... Бу икки ғайридин эр-хотиннинг кутилмаганда бу ерларда пайдо бўлиши... Тирмизак Қаноатнинг унга қарши милтиқ ўқталиши... Худобехабар бир гуруҳ болаларнинг уни бу хилда қақшатиб, бошига мушт қўйиши... Ё алҳазар, тақсир мутавалли бошидан кечган бу кўргиликларга ишонсинми ё ишонмасинми? Ишонмай деса, мушт еган – у; бор-йўғидан ажраган – у; таҳқирланган, хўрланган – у; хуллас, жабрдийда – у... Шунча можаролардан кейин ҳам кўз ўнгида содир бўлган воқеаларга ишониш учун бармоғини ўзгаларга тишлатиши шартми? Ўн бармоғини ўн кимсага ўн марта тишлатиб кўрганида ҳам гап шу: замона зайли экан, бўлгани бўлди, бўёғи кўчди, мутаваллилик қурби ўчди – тамом!

Мутаваллига ана шуниси тўхтаб-тўхтаб алам қилар эди...

Ҳоди аслида болаликдан тентакқушдай қўним билмай ўсди: аввалига опаси билан икки йил отинойиникига қатнади, алифни танимай кетди. Кейин мадрасама-мадраса изғиди – ҳеч ерда муқим туриб ўқиёлмади. Каттани кўрса – қалтираб, кичикни кўрса – валдираб юрди. Отаси ҳам икки гапининг бирида: “Дунё сўзад-у, дег жўшад!” деган нақлни такрорлагувчи эди. Отадан – ўғил, песдан – дакадак; Ҳоди кўр дегани қозоннинг бир қайнаши учун

дунёнинг куйиб кетишига кўнган, бир умр шунга кўниб яшаган ўша диёнатсиз отанинг тантиқ фарзанди эди-да!

У отасининг раъйидан сира чекинмай яшади. “Бу фоний дунёда неки топсанг, ўғлим, хотиндан, – дерди дадаси. – Толенинг паст-баланди оладиган хотинингни бор-шудига боғлиқ кўринади, ўғлим. Иқтидоринг паст, мендан кейин ўз кунингни ўзинг кўриб кетишингга ақлим бовар қилмайдир... Хотин сени ё эр қиладир, ё қора ер қиладир. Мендан кейин қачон уйланмоқчи бўлсанг, рўзғори бут, лекин эрга муҳтож аёлга уйлан – ёшу қариси билан ишинг бўлмасин!..”

Бу отасининг унга қилган ҳам насиҳати, ҳам сўнгги васияти эди. У дадаси айтгандай қилди – бева аёлга уйланди. Аёлнинг эри Вардонзе қалъанинг там-там савдогарларидан эди. Унинг савдо карвонлари йил ўн икки ой Қизил Ўрдага қатнар, туяларининг қўнғироғи гоҳи Оренбург кўчаларида ҳам жаранглаб қоларди. Қароқчилар Қизил Ўрда даштида савдогарни чавақлаб кетишди. Хотини қирқ ёшида бева қолди. Савдогарнинг данғиллама ҳовлисига Ҳоди ичкуёв бўлиб кирганида, бор-йўғи йигирма бир ёшда эди. Тенгқурлари “ақлини киритиш” учун унга кўп насиҳатлар қилишди. Йўқ, кор қилмади. У раҳматли дадасининг васиятини жонкуяр жўралари насиҳатига кўндаланг қилиб қўйди:

– Зарур бошад – раво бошад, – жавоб берди у ўртоқларига. – Ҳеч бокиси йўқ; ёши улуғ аёлга уйланиш бизга аждодлардан қолган мерос!

Ҳодига хотинидан катта мерос қолди: ичкари-ташқари ҳовли, сарҳадига етиб бўлмас беҳисоб мол-мулк...

Бор-йўғи уч йил турмуш кўриб, бечора хотин қазо қилди. Ҳоди кўр хотинидан қолган ҳовлида муқим яшади. Шу ҳовлида тўрт марта уйланиб, тўрт марта тул қолди. Ҳар гал хотинлар уни ташлаб кетар, унинг ситамларидан қутулганига чандон шукроналар айтиб юришарди... Бироқ тўртинчи хотин... Ҳоди кўрни эр эмас, қаро ер қилиб кетди!

Ҳоди Суюнойга уйланганида у ҳали ўйинқароқ, ушоққина қиз эди. Тўйдан олдин Ҳодининг раъйига яна таниш-билишлари кўндаланг келди:

“Эшитган қулоққа эриш эшитилди. Қиз жуда ёш экан, увол иш қилма!”

Суюной ёш бўлса-да, эрнинг барча зуғумларига чидади. Чидагани сари эрининг шафқатсизлиги ошиб борди. Рўзғорда “томоқдан ўтадиган емиш”ки бор, бари мисқол ҳисобда эди. Ёш жувон эрининг зуғумларидан тўлиб юрган экан, бир куни ҳовлида қизиқ бир портлаш юз берди...

Ҳоди гузарга рўпара, кунгурадор дарвозаси олдида ўтирар, хотини йўлакка шакароб сепар эди. Шу пайт йўлдан хотинининг ҳамқишлоқларидан бири – чўққи соқол, мункиллаган, доругар чол эшагининг икки биқинига пошнаси билан ниқтаб ўтиб қолди. Чол Ҳодини кўриб, эшагини секинлатди, салом берди. Аёл бегона эркакнинг овозини эшитиб, ўзини дарвозахонага олмоқчи бўлган эди, доругар чол жувонни таниб, овоз бериб сўрашди:

– Э, яхшимисан, Суюн, қизим, омонмисан? Ҳовлинг шумиди ҳали? Мен бу ердан кўп ўтиб-қайтаман. Билганимда, бирров тушиб ўтардим.

Аёл девор-дармиён қўшниси – доругар чолни дарров таниб, рўмолининг бир учини қия кўтариб, ота-онасининг аҳволини сўради.

– Шукр, омон-эсон юришибди, шукр, – деди қўшни чол, – шу эрталаб отангни кўрган эдим. Эшагининг тўқимини сўраб, мана бу шалпангқулоғимга босиб чиқдим. Хавотир олма, уйдагилар ҳаммаси соғ-саломат. Хайр, соғ бўл, Суюн қизим!

– Меҳмон бўп кетинг, бобожон, – деди аёл тил учида бўлса-да, азбаройи мулозамат, кейин харракда ҳануз без бўлиб ўтирган эрига “Сиз ҳам таклиф қилинг” деган маънода зимдан ишора қилди. – Чой ичиб кетсайиз яхши бўларди, бобожон. Узоқ йўл, толиқиб қоласиз.

Ҳоди хотинининг ишорасидан кейин номигагина таклифга оғиз ростламоқчи бўлган эди, йўқ, чолнинг ўзи эшакдан “тап” этиб ерга тушди.

– Қизалоқлигингда ҳам тилинг бийрон эди. Тўғри айтдинг, қизим, узоқ йўл, бир пиёла қайноқ чой ичиб чиқсам – ҳарна, мадор. Бу ишимдан ҳам сен хурсанд бўласан, ҳам эринг. – Чол эшакни етаклаб Ҳодига қараб келаверди.. – Хў-ўш, куёв тўра, эшакни қаерга боғласам бўлади?

Ҳоди жойидан эринибгина турди.

– Эшакними? – деди чолга истеҳзо билан, кейин остонада хижолат бўлиб турган хотинини кўрсатди. – Эшакни хотинимнинг тилига боғланг. Сизни таклиф қилган ўша, мен эмас!

Эр орқасига бурилиб, ҳовлига кириб кетди. Хотин меҳмон олдида бўлганча бўлди, чолнинг қўлидан арқонни олаётиб, бирдан йиғлаб юборди...

Шу-шу, хотини пайт пойлади: эри жума намози куни Варонзе қалъаси хонақоҳига кетганида, кўнгил бериб, кўз тагига олиб юрган қўшни йигитни чорлатиб, уйида қўлга илингудек бор мол-мулкини ўмариб, ҳайё-ҳуйт деб қочиб қолди...

Ҳоди, шу-шу, хотин оламан, деб оғиз урмади. Топган-тутганини энди ҳовлига ташимас (илон чаққан ола ипдан қўрқади-да!), бор-шудини чўнтакларига солиб, ўзи билан бирга олиб юрадиган одат чиқарди. Қишин-ёзин устидан чакмон тушмасди. Унинг остида чопон, чопондан кейин яктак, яктак тагида эса пахталик нимча. Эгнидаги кийимларида жами қирқ саккизта катта-кичик чўнтак бор эди: қоғоз пуллар, олтин танга ва кумуш чақалар алоҳида-алоҳида тахлаб қўйиларди. Ҳар кунги хайр-садақага тушиб турадиган майда-чуйдалар учун эса мутаваллининг махсус “биқин чўнтаги” бор эди.

Қаноат билан бўлган жанжал кечаси унга “хира пашша” бўлган болалар мутаваллининг ана шу қирқ сакиз чўнтагидан хабардор қўлбола “қароқчилар” эди.

Ўша кеча мутавалли инқиллаб-синқиллаб зўрға хонақоҳга чиқди. Хосхонасига кириб, эшикни ичкаридан зич тамбалади-да, устидаги бутун кийимларни ечди, қирқ саккиз чўнтагини бир-бир титкилади. “Биқин чўнтак”лари ҳам қолмади, ковлаб кўрди. Анча-мунча танга-чақаларнинг “юқи” қолганига шукр қилди, пулларини қайта дасталади. Олтин тангаларни эринмай битта-битта санаб чиқди. “Энг хатарлиси, – саросимага тушди у, – Аҳмад оғзимдан юлиб олган қоғозлар... Мана шу хатарли, жуда хатарли. Бу тирмизакка қоғозлар нечун керак бўлиб қолди ўзи? Ё муридим валақлаб айтиб қўйдими? Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ найласун...”

Ҳоди кўрнинг кекирдагидан зўрға юлиб олинган қоғозлар...

Бир балоси борки, болалар мактубларни кекирдагимдан юлиб олишди-да. Замон бизлардан юз ўгириб, уларга боқиб турган бўлса... Ўзи не арвоҳи бад урди мени? Хотинларимнинг қарғиши тутдими ё? Ундай десам, мен уларни эмас, улар мени ташлаб... ташлабгина эмас, талаб кетишди-ку?! Энди буёғига қандай йўл тутсам экан? Тўхта-тўхта, ақли ожизимча, камина учун омонлик йўли қолган – ана у икки ғайридинни ўз оёғида қайтиб кетадиган қилишим, магарам кетмаса... Унда асфаласофилинга жўнатишим керак. Кейин қароқчи болалар билан олишамен. Хусусан, Қаноат билан Аҳмадни тезроқ даф қилурмен!

ШАФҚАТСИЗ МУТАВАЛЛИ

Табиатга ранг кириб, саҳро уйғонмоқда эди. Қалдирғочлар ҳали ўз инларига қайтмаган бўлсалар-да, майса-гиёҳлар, новда-ниҳоллар қўзғалиб, кўм-кўк осмон рангига мойил тусда товланмоқда, димоғларга ажиб бир баҳорий ҳид гупуриб урмоқда эди.

Евгения билан Қаноат бир ҳафтадирки, эрта тонгда туриб, уй тараддуди билан банд бўлади. Қум уюмларини ҳовлидан нари суриш, супани кенгроқ очиш учун қўлларидан кетмон билан белкурак тушмайди. Кошки, бу ишнинг адоғи бўлса!..

Мутавалли билан бўлган ўша кунги жанжалдан кейин Қаноатнинг уч кунча мазаси қочиб ётди. Шу кунларда бир оз ўзига келган, анча-мунча “жон” кириб қолган эди. Барибир, жўралари ундан ташвишда, шу боис унинг аҳволидан доим хабардор бўлиб туришибди: Карим, Даврон, Аҳмад, Саттор ва бошқа тенгқурларнинг оёғи ҳовлидан узилмай қолган – бири қўйиб, бири келади, бири кетиб, бири қолади. Бу эрта жўралари негадир бир пайтда ёпирилиб келди. Улар ҳашарга йиғилишган эди. Евгения болаларнинг бу ниятларини эшитиб, жуда хурсанд бўлди...

Василий ўтган бир ҳафта давомида икки марта Когонга қатнади. Бир боришида битта эшак, иккита дераза олиб келди. Иккинчи борганида отига учта сим каравотни ўнгариб қайтди. Ҳашарчилар кўмагида эшак ва деразалар уйга ўрнатилиб, ташқари-ичкари деворлари шувалди, оҳак суртилиб, оқартирилди. Ҳовли анча тартибга кирди, уй ораста бўлиб қолди. Қаноатнинг дадаси қуриб кетган уйдаги шиша туйнук ўрнига ўрнатилган икки тавақали дераза узукка кўз қўйгандай ярашиб тушди. Қаноатга ажратилган каравот ана шу дераза тагига қўйилди. Дераза тавақалари шундоқ очилса, у ёғи Вардонзе қалъа – кўм-кўк яшнаб турган ўтлоқ, сал нарида туя ўркачидай қумтепалар, ундан нарироқда ҳисор тепалиги, устида улкан дўлана дарахти...

Ҳашарчилар супа четидан узун қилиб гулзорга жой тахлаб, ҳар хил гул уруғидан экиб, гулзорнинг икки бурчида иккита дўлана ниҳоли ўтқазишди. Супага шолча тўшаб, шу ерда тушлик қилишди. Евгения пиширган карам шўрвани мақтаб-мақтаб, маза қилиб ичишди...

Ҳамма гап дастурхон бошида очилди: Евгениянинг болалардан розилиги ҳам, норозилик сабаблари ҳам...

– Ҳамжиҳат, биродар бўлиб юришларийиз менга ёқади. Дўстликка нима етсин! – деди Евгения улардан миннатдор бўлиб. – Қум кўмиб кетган ана шу кимсасиз уйларни кўряпсизларми? Эшитишимча, эгалари қишдан омон чиқиш, жон сақлаб қолиш учун уйларини вақтинча ташлаб, буд-шудлик, ўзига тинчроқ қариндош-уруғлариникига кетиб қолган. Энди уй эгаларини қайтариб, қишлоқни сонга солиш лозим. Бунинг учун сизларнинг ёрдамингиз керак. Шу бугунгидай ҳашарга чиқсак, уларга ёрдам берсак, ёмон бўлмасди, шундай эмасми?

– Шундай, – дейишди болалар бир овоздан. – Албатта ёрдамлашамиз!

Евгения бир зум болалардан кўз узмай қараб турди-да:

– Хў-ў-ш, болалар, энди ўша кунги жанжал ҳақида гаплашсак... Мутавалли можаросидан... – деди гапни тагдор қилиб. – Мен сўрайман, сизлар жавоб берасизлар. Майлими?

Болалар олазарак бўлиб, бир-бирига қараб олишди. Ўша кунги жанжалнинг бошида турган Аҳмад эса Қаноатга яширинча кўз қисиб, бўшаган косаларни йиғиштириш баҳонасида жойидан турди. Лекин Евгения уни жойига ўтирғизди.

– Ўтир. Қозон-товоқни ювишга ўзим улгураман ҳали... Сизлар билан очиқчасига гаплашиб олишимиз керак, – деди аёл қовоғини солиб. – Нима дединг, Василий?

Бу билан аёл эрига: “Мабодо яккалик қилиб қолсам қўллаб юбор”, демоқчи бўлди. Василий хотинининг фикрини англаб, дарров маъқуллади:

– Болалар ҳаддидан андак ошиб кетяпти назаримда, – деб қўйди ташвиш билан. – Бу кетишда, билмадим, булар ўғри ё қароқчи бўп кетади!

– Тўғри, – деди Евгения, – тўғри пайқабсан, Василий. Бу кетишда ҳар нима кутсанг бўлади булардан. Қани, сўраб кўрайлик-чи, эҳтимол, ўзлари айтиб берар можаро сабабини...

Аёл болаларнинг ўзлари иқрор бўлишини кутди. Лекин болалардан садо чиқмасди. Кутиб-кутиб, ахири, Евгениянинг тоқати тоқ бўлди.

– Айтмайсизларми? – деди такрор сўраб. – Мендан ҳам, мана Василий амакиларингдан ҳам гап яширасизларми?

Болалар ҳамон жим эди. Аёл яна кутди. Болалар бош эгиб ўтиришарди. Евгения бу сукутдан шуни пайқадики, болаларда сирни ошкор қилиш нияти йўқ. Уларнинг мурғак қалби, мурғак тили бир қарорда турарди: “Бир-бирини сотиш йўқ!”

“Эҳтимол, улар айтмасликка олдиндан келишиб, қасамёд қилиб қўйишгандир, – деб ўйлади аёл қимтиниб ўтирган болаларнинг серташвиш юзларини, олазарак кўзларини обдан кузатиб туриб. – Айтмай тўғри қилишади... Бир гапда қатъий туришлари яхши. Лекин бўлиб ўтган воқеани ўз тиллари билан айттиришим, иқрор қилдиришим керак. Эшитишимча, ҳозир мутавалли муридларини жамлаб, болаларга, уларнинг ота-оналарига, қариндош-уруғларига қарши катта фитна тайёрлаётган эмиш. Булар баҳонасида бизга ҳам осилиши аниқ. Улар бир қутурса, кейин тўхтатиш

қийин бўлади. Болагиналарни бу одамхўр мутаваллининг шафқатсиз панжасидан омон сақлаб қолиш керак!..”

“Энг муҳими, – ўйларди Василий хотинининг хаёлчан кўзларидан кўзини узмай, – болалар не мақсадда ўлакса мутаваллини талашган? Шуни билиш керак. Бу бир. Иккинчидан, эҳтимол, бу кетишда болалар бундан каттароқ ишларга қўл уришар... Бундан Қаноат ҳам хабардормикан? Нима бўлганда ҳам, буларнинг тили бир. Агар шундай бўлмасайди, Қаноат нега ўша кеча мутаваллига милтиқ ўқталди? Биз катталар тушунмайдиган қандайдир бир сир бор бу ерда?”

“Бу болаларнинг кўксида мутаваллига қарши қанақа қасос бор ўзи? – ҳамон хаёл сурарди аёл. – Билиб бўлмайди. Лекин билиш керак!”

– Хўш, ўғлим, – деди Евгения ёнида ўтирган Қаноатнинг елкасига қўлини қўйиб, – гапни кимдан бошлаймиз? Қани ким айтиб беради?

Болалар ҳамон сукутда эди.

– Ўғил онадан гап яширса... Она айтар сўзини ўғлидан сир тутса... Хўш, бу қанақаси бўлади, ўғлим?

Бу гинадан кейин Қаноат бир оз ҳушёр тортди. Болаларга бир-бир қараб олиб:

– Ая, гапнинг очиғини айтсам... – деди тутилиб. – Очиғини айтсам...

– Ҳа, ҳа, мен сендан очиғини кутяпман. Очиғини айтгин, болам.

– Очиғини айтсам, ая, – деди Қаноат боядан бери айтолмай турган муддаосига ўтиб, – бу ерда ҳеч ким ҳеч кимни сотмайди... Гапнинг очиғи шу, ая, сотишга ҳаққи ҳам йўқ! – Қаноат бир оз ўйлаб туриб, гапини давом эттирди. – Майли, ая, сизга айтамиз, лекин ҳозир эмас...

– Хўш, қачон? – деди аёл ажабланиб, – қачон айтасанлар?

– Ишқилиб, ҳозир эмас.

Аёл жилмайди.

– Қачон бўлмаса? Бирор шартларинг бўлса, уни айтинглар.

– Шартимиз шуки... ўзи бир ҳисобда шартга ҳам ўхшамайди, – деди Қаноат торгина манглайини реза-реза тер босиб, – шундай оддий бир гап... Ҳозир биз билан бирга борасиз... Қайтишда ҳаммасини айтиб берамиз. Кейин... эҳтимол, айтишга ҳожат ҳам қолмас. Ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз... Юринг, ая, кетдик. Сиз ҳам юринг, Василий амаки.

Евгения билан Василий болалар қуршовида йўлга тушишди. Аҳмад олдинда йўл бошлаб борарди...

Улар Жилвон ариғи ёқалаб талайгина юришди. Узоқдан ҳайбатли нортуяни эслатадиган тепаликдан ошиб, унинг ортидаги тақир яланглиқда тўхтадилар. Яланглиқнинг бир томони тепа, икки тарафи қум барханларига бориб тақалган, ўнг ёнбошидан эса шарқираб Жилвон ариғи оқарди. Ариққа туташ, чорзарб қилиб катта ҳовуз қазилган, атрофида қатор қора тол ниҳоллари экилган. Ҳовуз берироғида қурилиш майдончаси. Евгения бир қарашдаёқ тақир яланглиқнинг жўғрофий ҳолатини дарров пайқади: ғарбда Денов, шарқ томонда Қумбосди қишлоғи. Бошқа маҳалла, қишлоқлар ҳам шу атрофда, деярли узоқ эмас...

– Дадам тенг оралиқ, деб мақтаб қурилишини шу ердан бошлаган эдилар, – деди Қаноат кўзида ёш ҳалқа уриб. – Ҳамма ёпирилиб ҳашарга чиқди. Қўшни қишлоқлардан ҳам ёрдамга келишди. Биз болалар ҳам четда қолмадик, ая, сувига, чойига қарашдик. Одамлар елкаларида ғишт қолип кўтариб келиб, куни билан лой қориб, ғишт қуйишарди. “Агар Носир варанка ўқитадиган бўлса, ўғил-қизларимизни шу янги мактабга берамиз!” дейишарди дадамнинг ҳамқишлоқлари. Биласизми, ая, ҳаммасидан ўзим хабардор эдим: ҳали унда ҳовуз қазилмаганди. Мен мана шу ерда, – Қаноат ўзи турган ариқ қирғоғини оёғи учи билан нуқиб кўрсатди, – шу ерда самовар қайнатиб, ҳашарчиларга чой дамлаб берардим. Бир ойда мактабга етгулик ғишт тайёр бўлди. Энди қурилажак хоналар синчига (пойдеворига) пишиқ ғишт керак, деб одамлар ўзаро пул жамлашди. Пишиқ ғишт излагани кетишди. Қолган ҳашарчилар эса қазилган лой хандақни кенгайтириб, уни ҳовузга айлантиришди. Дадам қурилишдан кетмасдилар. Кеча-кундуз мана шу ҳовуз бўйида ётардилар. Ўша кеча, фожиа юз берган кунда, бир гуруҳ номаълум оломон дадамнинг устига бостириб келган...

Қаноатнинг товуши дарз кетиб, сўзидан тўхтади, чуқур хўрсинди.

– Бу йўлингдан қайт, деб олдин дадасини қўрқитишган, – деди Карим Қаноатнинг гапини давом эттириб, – дўқ-пўписа қилишган, уришган.

– Лекин Қаноатнинг дадаси: “Ўлдирсаларинг ҳам йўлимдан қайтмайман!” деб туриб олган, – деди Аҳмад бобосидан эшитган гапни такрорлаб. – Кейин... Ўша одамлар Носир амакининг тўққиз ерига пичоқ уришган, тилини кесиб... чўнтагига солиб кетишган!

Ўртага оғир жимлик чўкди. Ҳеч кимдан сас чиқмасди. Қаноат ариққа энгашиб, ҳовучлаб сув ичди. Сўнг юзини ювиб, қаддини ростлади. Аяси узатган оппоқ рўмолчани олиб, юзини артди.

Фожианинг қолган қисмини Даврон айтиб берди:

– Ўша ёвуз одамлар Носир амакининг бўйнига синган ёрғучоқнинг иккита тошини осиб, ҳовузга чўктирган эканлар. Кейин ана шу ариқнинг бутун сувини ғишт териб қўйилган тақир яланглиққа оқизишган. Шунча ғишт сув остида қолиб, нест-нобуд бўлди. Эрталаб бу ерга келганимда, тақир яланглиқни сув босган эди.

– Дадамни уч кун излаб, ҳеч ердан топишолмади, – деди Қаноат қўлидаги рўмолча билан қизарган кўл жиякларини артиб. – Уч кун излашди. Саҳрода изланмаган жой қолмади. Топилмади...

– “Ғанимлари бўлса, эҳтимол, ўғирлаб кетишгандир”, деб гап чиқаришди, – деди Аҳмад. – Бу гап мутаваллидан чиқди. Ҳамма ишонса ҳам, биз ишонмасдик бунга. Карим билан чўкинди сув бўйида турганимда, кўзим қатимдай узун қизил матога тушди. Каримга кўрсатдим. Сув кўм-кўк, тиниқ эди. Лекин матонинг охири кўринмас, лой остида қолган эди.

– Олдин ажабландим, – деди Карим Аҳмаднинг гапини оғзидан олиб, – кейин кўнглим ниманидир сезди. Безовта бўлдим. Бориб ҳашарчиларга айтдим. Уч киши сувга кириб, ўша қизил белгигача сузиб боришди... Қаноатнинг дадаси чўкинди лой остида экан...

– Бу ишни ким қилган? – деди Евгения дарғазаб бўлиб. – А, ким қилган бўлиши мумкин бу ваҳшийликни? Билдиларингми кейин? Бирор ерга хабар қилдингларми?

Болалар индашмади. Евгения саволини қайта такрорлаган эди. Қаноат кўзини олиб қочиб, Аҳмадга сир бой бермади. Денов орқали айланиб ўтадиган ёлғизоёқ йўл билан уларни Қумбосди қишлоғига бошлаб кетди. Аёл билан эри саволларига аниқ бир жавоб ололмай, уларнинг ортидан итоаткорона эргашиб боришарди...

Қош қорайган эди. Қаноат чироқни ёқди. Уйга жой қилиб дастурхон ёзишди. Евгения тушликдан қолган карам шўрвани иситиб, болаларга ярим косадан сузиб берди.

Қолган гап дастурхон бошида давом этди. Аҳмад ярим қўзғалиб, тиззасига тиранди-да, чўнтакларини қоқиштириб, икки сиқимдан зиёдроқ олтин танга, белига резина ўтказилган икки даста қоғоз пулни дастурхон устига қўйди.

– Бир юз етмиш икки дона тилла танга! Мана буниси қоғоз пуллар... мутаваллининг чўнтагидан олганимиз шу!

Евгениянинг ранги оқариб кетди. Василий нима қиларини, нима деярини билмай қолди.

– Ахир... Ахир, бундай қилиш яхши эмас, – деди тутилиб. – Бировнинг пули... Яхши эмас...

– Яхшими, ёмонми шу ишни қилдик, – деди Аҳмад қатъий товушда Василийнинг гапини рад этиб. – Биз шундай қилишга мажбур бўлдик... Шундай қилдик!

– Мажбур бўлдик, дейсанми? – деди Евгениянинг лаблари алланечук титраб. – Мажбур бўлдик дейсанми? Ким мажбур қилди?

– Ёмон одамларнинг ўзлари... – деди Аҳмад товуш пардасини туширмай. – Одамхўр мутаваллининг ўзи мажбур қилди! Бу ҳали ҳаммаси эмас... Тўхтанг, мана буни кўринг. – Аҳмад қўйин чўнтагидан ғижимланган иккита қоғоз чиқариб, Евгенияга узатди. – Марҳамат, мана буларни ўқиб кўринг.

Бадхат кимса томонидан битилган хатни аёл қийналиб, зўрға ўқиди. Ўқиб бўлиб, дод деб юборишига сал қолди.

– Вой-й, хоин, мут... мутавалли-е! Вой-й, одамхўр-е!

Хатнинг мазмунидан бу ерда ҳозир фақат Василий бехабар эди.

Евгения эрининг арабча ҳарфни чала-чулпа таниса-да, лекин эплаб ўқиёлмаслигин билар эди. Шу боис бир оз тин олиб, хатни ўзи унга ўқиб берди.

“Даҳшат!” – ўйлади Евгения хатдан гангиб қолиб. – Даҳшат!! Аблаҳ мутавалли одамлар кўзи олдида ўзини хонаки мушукдай беозор кўрсатиб, аслида тўқими тагида шунча макр-ҳийласи бор эканми? Вой, тўнғиз қўпгур мутавалли!”

Униққан, ғижимланган иккинчи хат Қаноатники эди. У не-не умидлар билан битиб, каптар оёғидаги ҳалқага қистириб жўнатган хат эди: “Ушбу хат кимнинг қўлига тушса, – шивирлаб ўқий бошлади аёл, – диёнатига хиёнат қилмай, бизни қутқаришга шошилсин...”

“Кўнглим сезиб турувди, мутавалли ўшанда хатни ўқиб, Қаноатни қутқазишга шошилмаган, – ижирғаниб ўйларди Евгения. – Диёнатига хиёнат қилиб, Қаноатларнинг уйидан жаноза хабари келишини кутган... Аблаҳ!”

– Каптарбоз каптарбоз билан тил топиб билади, ҳар ҳолда, – кулди Даврон. – Мутавалли билан ўртамизда ошначилик бор, шу каптарлар туфайли. Хат дарагини Қаноатдан эшитиб, бир куни хонақоҳга бориб, мутаваллидан шу гапни сўраб-суриштирдим. Йўқ, мутавалли пешонасини Қуръонга тираб: “Каломулло урсин, хат-пат олганим йўқ!” деб қасамёд қилди ўшанда... Қаноатнинг онасини кўмиш маросимида мутаваллининг муридини гапга солдим. Қаноат битган хат мутаваллининг чўнтагида, деб ўша мурид айтди. Ўзи ҳозиргина Тикай чўлидан қайтган экан. Қўрбошидан аллақанақа номами-помами олиб келдим, деди. Нималигини ўзи ҳам билмас эмиш. Бу гапни Аҳмад акага айтдим. Шундан кейин ҳалиги иш бошланиб кетди...

– Мутаваллининг кимлиги аён бўлди, – деди Евгения Давроннинг гапини кесиб. – Хўш, болалар, энди нима қиламиз?

– Буёғи сизга боғлиқ, ая.

– Хатни тегишли ташкилотга элтиб топширсак, – деди Евгения бирдан қизишиб кетиб. – Хусусан, Қаноатнинг дадаси хусусидаги маълумот уларга асқотади. Дудуқ масаласи ҳам ўз-ўзидан очилади. Улар аралашса, кўп нарса ошкор бўлади. Мутавалли ҳали ҳаммаси учун жавоб беради!

Болалар хатни топширишга кўнишди, лекин тангаларга қолганда... бир тўхтамга келишолмади!

– Тангалар ҳозирча сизда тура турсин, ая, – деди Қаноат.

– Уларни янги мактаб қурилишига сарфласак, – деди Аҳмад. – Бир мактабга етгулик ғиштни мутавалли нобуд қилди. Шунинг ўрнига.

Болалар Аҳмаднинг таклифини маъқуллашди. Василий ҳам болаларга қўшилди. Ёлғиз Евгения уларнинг раъйига қарши чиқди.

– Болаларни бола десам, сенга нима жин урди, Вася? – деди у эридан ранжиб. – Қаноатнинг дадаси не-не орзу-умидлар билан бошлаган янги мактаб қурилишига мутаваллининг ҳаром-ҳариш пулларини ишлатамизми? Йўқ, бундай қилиш ярамайди. Кучимиз етмаган қисми бўлса, ҳашарчиларни кўмакка чақирамиз. Улар ишга якдил бош қўшишса, мактаб тез битади.

Аҳмад аввалига ўз сўзида қаттиқ турди. Бироқ ўйлаб кўрса, Евгения айтган маслаҳат ҳам ёмон эмас. Кўнглига бир оз илиқлик югурди. Қолган болалар ҳам Аҳмаднинг раъйидан чиқолмай, шу таклифга кўнишди.

ҲАШАР

Кунлар қизиб кетди. Явшан ва кавракка ранг кирди. Новда-ниҳолларда куртак ниш урди. Қиш заптидан кавакка кириб, диққинафас бўлиб ётган одамларнинг елкасига қуёш тафти тегиб, қумурсқадай дала-даштга ёпирилиб чиқа бошлади. Евгения анчадан бери қишлоқ оқсоқолларини йиғиб, улар билан бақамти бир маслаҳатлашиб олишни мўлжаллаб юрарди. Мана, у кутган, у мўлжаллаган шундай кун келди...

Носир варанка фожиали ўлимининг бир йиллиги арафасида Евгения оқсоқолларни ҳовлига чорлаб, хотира оши берди. Меҳмонларга супада жой тахланди. Осмоннинг қош-қовоғи солиниб, бирдан шовуллаб ёмғир уриб берди. Маъракадагиларга ичкарида жой ҳозирланди: хонадаги ёзув столи, курсилар, сим каравотлар олиб чиқилиб, кўрпача солинди. Қариялар йиғинида Қаноатнинг жўралари астойдил хизмат қилди: бири елкасига сочиқ тутиб, яна бири самовар қайнатиб, меҳмонларга қайноқ чой дамлаб берарди. Қаноат билан Аҳмад эса бел боғлаб, йўлакда тик турар, меҳмон кутиб, меҳмон кузатарди.

Хонақоҳ мутаваллиси маъракага хабар қилинмаган эди. Лекин у ҳассасини дўқ-дўқ уриб, қорнини ликиллатиб, пешинга яқин ўзи келиб қолди. Йўлакда Қаноат билан Аҳмадга кўзи тушиб, бир лаҳза тўхтади, тараддудланди, афти тундлашиб чимирилди, лекин дарров аслига қайтди: болалар ҳали салом беришга улгурмаган бўлса-да, икки қўлини ҳассаси билан қўшиб қорни устига қўйди:

– Ваалайкум ассалом! – деди мулойим жилмайиб. Кейин Қаноатга яқин келиб, жуссасизгина елкасини қучди. Унинг авзойи билан товуши бир лаҳзада турланиб, йиғига мойил бир тусни олди. – Яхшимисан, бўтам? Буни қара-я, дадангни ўлганига дарров йил тўлдими, а? Худди кечагидай кўз ўнгимда турибди-я! Вой-вой, ёш кетди, шаҳид кетди, ҳаммани куйдириб кетди!.. Ўлим – боди хазон, бўтам, боди хазон... Умр – япроқ янглиғ паришон...

Қаноатнинг кўксини нимадир ғижимлаб олди, кўзидан тирқираб ёш оқди...

Маърака тугаб, фотиҳа ўқилганидан кейин ўртадан дастурхон йиғиштириб олинди. Меҳмонларга чой қуйиб чиқилди. Евгения аччиқ гап ва аччиқ таъналар ана шу аччиқ чой устида бўлса керак, деган хавотирда эди. У кўпроқ мутаваллидан чўчирди. Йўқ, мутаваллининг шашти олдингидан паст, мумини йўқотиб қўйган косибдай саросимада эди.

Бугунги гурунгда мутаваллидан кўра қўли қалтироқ чол кўпроқ жиззакилик қилди, безовта бўлиб гапирди.

– Мен сизга айтсам, қизим, гапларийиз тамом ғалат – бу саҳрога Пиримшоҳ тирилиб келса ҳам бас келолмайди. Ҳа-ҳа, ишонинг, бас келолмайди. Оллоҳнинг ғазабига йўлиққан саҳро бу! Нимаики қилсайиз, қизим, бари зое кетади, одамга панд беради.

– Ундай деманг, отахон, ҳар кимнинг кўз очиб кўрган, киндик қони томган жойи – ўзига азиз, ўзига муқаддас. Сиз уни худонинг ғазабига йўлиққан, деб камситяпсиз. Мана, менда Носир акадан қолган “Хотиранома” дафтари бор. Яқинда буни Қаноат топиб берди. Носир аканинг айтишича, бу ажойиб хотирани аждодларидан қайси бири бошлаб ёзгани номаълум эмиш. Ҳар бир авлод янги авлодга шу дафтарни қайта кўчириб, хотира қолдираверган-қолдираверган... Хуллас, рухсат этсангизлар, шу хотираномадан қизиқ бир жойини ўқиб берсам:

“Эрон подшосининг ўғли Шопур Бухорхудот ҳузурига сиғиниб келиб, Бухоро фуқаролигини қабул қилди. Шаҳзода ов жинниси эди. Шикорга қизиқиб, биз яшаб турган мана шу жойларга келиб қолибди...

Бу жойлар, ўғлим, ўшанда Мосаф воҳасининг энг кўркам гўшаси бўлган: қир-адирлар, ўтлоғу яйловлар, боғу роғлар; раста-раста чорбоғлар... Бири-биридан гўзал паррандаларини, бири-биридан абжир даррандаларини айтмайсизми? Булбулу қумрилар, тўтию товуслар, майнаю беданалар, мусичаю ғурраклар – минг хил муқомда хиром этган. Буларни кўриб, шаҳзоданинг оғзи ланг очилиб қолибди. У шу ерда муқим қолиб, ҳисор қуриб олиш учун рухсат сўраб, Бухорхудотга чопар юборибди. Бухорхудот шаҳзодага рухсати олий-нишон берибди. Келгинди шаҳзода шу кундан эътиборан қўлига қурол олиб, гўзал табиатга, унинг жонли ва жонсиз мўъжизаларига қарши суиқасд бошлабди: отибди, чопибди, топтабди...”

Евгения қўлидаги чарм қопланган дафтарни ёпиб, ўтирганларга чуқур разм солди: ўқиб бергани уларга қанчалик таъсир қилган-қилмаганини билмоқчи бўлди.

– Кўряпсизми, отахон, бу тарих, – деди қўли қалтироқ чолга қараб, – Носир ака ўйлаб топган чўпчак эмас. Одамлар суиқасд бошлаган ўша кундан бошлаб, йиллар, асрлар ўтиб, табиатнинг ўз шукуҳи, ўз латофати, бор файзу таровати кўчиб, аста-секин емирила бошлаган. Одамлар дастидан инқирозга юз тутган табиат эса қилган шу гуноҳлари учун одамлардан қасос ола бошлаган.

– Йўғ-е, қўйсангиз-чи, – деди чол таажжубга тушиб, – табиат деганингиз тилсиз, фаҳмсиз бир... Йўғ-е, табиат қасос олишни қаердан билсин, қизим?

– Табиат қасос олишни яхши билади! – Аёл ўтирганларга қатъий, дона-дона қилиб гапира бошлади. – Рўпарангизда ястаниб ётган мана шу яйдоқ саҳро... Саҳронинг тез-тез қутуриб, одамлар бошига солаётган не-не кулфатлари: бўрон, “афғоний” гармселлар, изғиринлар, жазирамалар, сувсизлик... Мана шуларнинг бари, агар билсангиз, отахон, ўша қасоскор табиатнинг одамлардан олган ва олаётган қасослари... Энди одамлар табиат билан иноқ бўлиб яшамоғи керак. Аламзада табиат жароҳатларига инсон малҳам қўймаса, айтинг, бу марҳаматни бошқа ким қила олади? Албатта, инсон.

Евгения уй адоғида, эшикка яқин пастаккина курсида эри билан ёнма-ён ўтирар, ўрталарида Қаноат тик турарди. Аёл чолдан яна бирор эътирозли гап кутган эди, йўқ, ундан бошқа садо чиқмади. Мутавалли бўлса бўлиб ўтган шунча гапга на ҳа деди, на йўқ деди, бошини қуйи эгиб жим ўтирди.

“Йўқолган мактубларнинг ҳиди чиқиб қолармикан, деб икки ғайридиннинг оғзини искагани келган бу касофат! – дея кўнглидан ўтказди аёл. – Эҳтимол, мутавалли гапимнинг нозик жойини кутаётгандир... Агар чиндан ҳам шуни кутаётган бўлса, ҳали-замон ёввойи мушукдай бирдан оғзимга чанг солиб қолади”.

Мутавалли “чанг солиши”дан олдин Евгения ўртага банд солиб қўймоқчи бўлди. “Якка ва ҳимоясиз эмасмиз, давлат муҳофазасидаги одамлармиз!” деган маънони мутавалли ва унинг тарафдорларига олдиндан

уқтириб қўймоққа қасд қилди. Эрига “гапир”, деб секин шивирлади. Василий елкасини бир қашиб олиб, қўли қалтироқ чолнинг оғзи бўшашини кутди...

Василий Жилвонга кўчиб келганидан бери ўтган қисқа фурсатда тирикчиликка зарур лаш-луш, ашқол-дашқолларини битта қўймай Когондан ташиди. Шу орада янги ҳукуматнинг қўлидан иш келадиган нуфузли раҳбарларига учраб, қурилажак ўрмон хўжалигига асқотадиган анча-мунча нарсаларни ундириб қайтди. Саҳродан кўнгил узиб, ҳеч қаёққа чиқолмай қолган Евгения эса эрининг бу югур-югурларига “ўта абжирлик!” деб баҳо берди. Аёл эрини янги-янги ишларга ана шу йўсинда руҳлантириб турар эди.

Василий чолнинг оғзи бўшар-бўшамас гапни ана шу қурилажак янги хўжаликдан бошлади:

– Ўрмон хўжалиги учун, ўртоқлар, ҳозирча ундирганим: икки бош туя, учта эшак, икки бош от. Бошқа ташкилий-маъмурий ишлар учун ҳам оз-моз пул ажратиб беришни ваъда қилишди...

– Ана, кўряпсизларми, отахонлар, – деди Евгения эри берган ахборотдан кейин руҳланиб, – бизни давлат ўз ҳимоясига олиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Нимани талаб қилсак, ўшани муҳайё қиляпти. Бизга энг зарури: ҳозирча одамлар мадади... кейин уруғлик масаласи... Ҳашарчиларни уруғлик билан ўз вақтида таъминлаб турмасак, ишимиз юришмайди. – Евгения оқсоқолларнинг диққатини ўзига қаратиб, чўнтагидан бир ҳовуч уруғ чиқариб, боя даҳанаки “жанг” қилган қўли қалтироқ чолнинг кафтига тўкди. – Мана бу саксовулнинг уруғи, отахон. Сизларнинг қақроқ Жилвонда тоза яйраб ўсади. Мана буниси, отахон, – деди иккинчи чўнтагидан яна бир сиқим уруғ чиқариб, кафтида ёйиб, тушунтира бошлади, – буниси Россиядан келтирилган иҳота уруғи. Дарахти чидамли, чайир, баланд бўлиб ўсади. Эр-хотин иккимиз ҳам агрономмиз, буларнинг “тили”ни яхши биламиз. Бу уруғлар қумда ҳам, шўрхокда ҳам ўсаверади. Ана шу иҳота дарахтлари билан қумнинг йўлини тўсамиз. Ҳозирча мана шу уруғдан Когонда ярим вагон бор. Ярим вагон черкез уруғидан бор. Ана шу уруғларни тезроқ ташиб келтиришимиз керак. Уруғ етмаса, яна олдирамиз.

...Эртасига, келишилган пайтда беш қишлоқдан жамоа жам бўлиб, Қаноатларнинг ҳовлисида тўпланди. Бугун анча-мунча хотин-халаж ҳам келишган эди. Евгения билан Василий тўпланган одамлар билан саҳрони иҳоталаш, уруғ сепишни қачон бошлаш, ҳашарчиларни ишга жалб қилиш хусусида узоқ маслаҳатлашди.

– Жилвоннинг қум бўронига, кеча отахонимиз тўғри айтдилар, темир девор ҳам дош беролмайди, бу ҳақ гап. – Евгения товушига вазмин оҳанг бериб, якка-якка гапирарди. – Қум кўчишини тўхтатиш учун шундай бир салоҳиятли девор қурамизки, бунинг номи бизнинг фанимиз тилида “Яшил қалқон” дейилади. Бу “Яшил девор” машҳур Хитой деворидан ҳам чандон мустаҳкам бўлади. Буни ҳамқишлоқларингиз Аҳмад Дониш бир умр орзу қилиб ўтган. Дониш қум кўчишини иҳота деворлари билан тўсишни амирга таклиф қилганида, Бухоро ҳукмдори унинг хоҳишини рад этган. Аҳмад Дониш руҳини шод қиламан, деган ҳар бир шофирконлик бугун Жилвоннинг “Яшил девор” қурилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим!

Евгениянинг ишораси билан Қаноат уйдан қалин ўрам қоғозни – барпо этилажак ўрмон хўжалигининг хомаки чизгилар харитасини олиб чиқиб, хонанинг кунгай деворига осди.

Аёл кўрсаткич бармоғини харитадаги ранг-баранг белгиларга ниқаб-ниқаб йиғилганларга тушунтира бошлади:

– Мана бу, азизлар, Қизилқумга туташган Жилвон саҳроси. Мана булар сизлар яшаётган қишлоқлар, йўллар, ариқлар, ўтлоқлар... Булар эса қабристон белгилари, кўряпсизларми? Ўттиз учта қабристондан битта ҳам кўмилмагани қолмаган. Қайси марҳумнинг қабри қаерда ётибди, билиб ҳам бўлмайди, топиб ҳам бўлмайди. Қабристонларнинг йўқолиши, бу – даҳшат, ўртоқлар!

– Тўғри айтасан, қизим, бу кетишда биз тирикларни ҳам, ўликларни ҳам йўқотиб қўямиз, чоғи, – деди оломон ичидан новча бир чол товуш бериб. – Ўзинг айтганингдай, бир-биримизга шафе тушиб иш тутмасак, бунақада исмимиз ҳам, жисмимиз ҳам ўчиб кетадиган кўринади.

– Балли, отахон, тўғри гапни айтдингиз, – деди Евгения чолнинг гапидан руҳланиб, харита белгилари устига яна бармоғини чаққон югуртириб чиқди. – бу бепоён саҳро ўқилмаган улкан бир китоб. Уни ўқий билиш, ўқигандан кейин эса уқиб ҳам билиш керак. Агар билсаларинг, бу саҳрода ҳозир тўққиз юзга яқин ўсимлик ўсади, қарийб уч юз эллик хил ҳайвон яшайди. Бу ерда муттасил эсиб турадиган шамолдан баъзан нолиймиз. Агар билсайиз, шамолнинг ўзи ҳам бир бойлик. Қўлларингизни қабартириб ташлаган ўша ёрғучоқ, кемтик, яроқсиз ўша тегирмонлар ўрнига шамол қуввати билан ишлайдиган тегирмонлар қуриш мумкин. Бугун-эрта қурамиз ҳам. Қаловини топсанг, қор ёнар, деган мақолларингиз бор. Ҳақ гап. Аслида табиат инсоннинг беминнат дастёри. Ундан нечоғлик фойдаланиш, албатта, инсоннинг ақл-заковатига боғлиқ. Ўсимликлар орасида шундай “ақлли”лари борки, уларнинг “каромати”ни кўриб, баъзан ҳайрон қоламан: улар одамларни гоҳ яхшиликдан, гоҳ ёмонликдан огоҳ қилиб туради... Саҳрода шувоқ деган ўсимлик бор. Маълумингиз бўлсинки, тагида олтин бор жойдагина шувоқ ўсади. Унинг гуллаши қизиқ. Митти-митти гуллари олтиндай товланиб туради. Наврўзгул деган ўсимлик бор, бу вулқон отилишидан дарак беради. Вулқон отилишидан бир ой олдин Наврўзгул ўсиб, гуллаб, эрта пишади... Пишган куни эса вулқон даҳшатли куч билан отила бошлайди! Ана шунақа гаплар. Яқинда бир гуруҳ хорижий олимлар жўхори донига оз миқдорда олтин аралаштириб экишган. Униб чиққан жўхоридан кўп миқдорда олтин ажратиб олишганини хорижий мамлакатларнинг газеталари ҳозир шов-шув қилиб ёзишяпти...

Энди буёғига мутавалли чидаёлмади – бу “маҳмадона, беҳаё аёл”нинг боплаб таъзирини бермоқчи бўлиб, ўтирган жойидан унинг тилини “чимчилаб” олди:

– Бу гапингиз, – деди ошкора кулиб, – Кенжа сариқнинг томорқасида тилла танга экканидай бир гап бўлди. Қиҳ-қиҳ-қиҳ! Эшитганмисиз-эшитмаганмисиз, буёғини билмайман-у, хоним, Кенжа сариқ Алдаркўсанинг алдоғига ишониб, отасидан мерос қолган бир хумча тилло тангани

томорсқасига “экиб”, устидан мола қилиб ташлаган. Кейин унинг кўкариб чиқишини кутган. Алдаркўса бўлса кечаси келиб, Кенжа сариқ сепган тангаларни битта қўймай териб, алдархалтасига солибди-да, олдидан чиққан одамга улашиб берибди. Қиҳ-қиҳ-қиҳ!

Йиғинда баравар кулги кўтарилди.

Аёл ҳушёр тортди. Ёнидаги эрига, ундан нарида саф тортиб тизилишган болаларга қаради: Қаноат, Аҳмад, Саттор, Карим, Даврон... Орқароқда девор томонга чекиниб, кимтиниб ўтирган паранжили аёлларга зимдан кўз югуртириб чиқди: уларнинг ярим очиқ чимматларидан кўриниб турган ёқимли чеҳралари, умидвор, ёниқ кўзлари унга далда бергандай бўлди. Гапга оғиз ростлаган эди, мутавалли билан муридлари уни гапиргани қўйишмади – бир оғиз гапириб, ўн оғиз кулишарди...

– Ишқилиб, хоним, Алдаркўсага хеш-пеш эмасмисиз? Ҳа-ҳа-ҳа?.. Ҳи-ҳи-ҳи!... Қиҳ-қиҳ-қиҳ!

– Ишонинг, тақсир, – деди Евгения гап мавриди теккан заҳоти мутаваллига қарши ўқталиб, – Алдаркўса хеш ҳам эмас, дарвеш ҳам. Лекин нечукдир уни ўзимга яқин тутаман. Ўшанинг тилида ҳозир сизга бир жавоб қилмоқчиман: кулги меъёрини билмаган кулгувчи бемаҳал ҳанграгувчи ҳангидир! Маъқулми?

Йиғинда портлагудек кулги кўтарилди. Шундан кейин Евгения тамом ўзини тутиб олди.

– Кечагача давру даврон сизларники эди. Ҳайриятки, фақирлар бахтига Афанди, унинг биродари Алдаркўса бор экан. Алдаркўса алдархалтасини елкасига ташлаб, сиздай қитмир қурумсоқларни, Кенжа сариқдай калтафаҳмларни чув туширмаса, бошқа кимнинг ҳам тиши сизларга ўтарди?!

– Ҳўй, хотингина, – деди мутавалли ўтирган жойида хезланиб, – оғзингга қараб гапир, ҳўй, хотингина!

– Гапим малол келдими, тақсир мутавалли? – деди Евгения энди ошкора ҳужумга ўтиб. – Текин бир мирини кўрсангиз, мабодо қўлингиз баланд бўлса, кипригингиз билан ердан илиб оласиз... Ё ёлғон денг?

Бошида паранжи, чимматининг ярмидан кўпи очиқ, новча бир аёл икки қадам олдинга чиқиб, Евгенияга талпинган кўйи тўхтаб қолди.

– Гапни онасини айтдингиз мутавалли ҳақида, дугонажон, – деди дадил. – Мен мутаваллининг учинчи хотини Ҳуринисо бўламан. “Кечаси ўнг қўлингда ётиб ухлама, еганинг тез ҳазм бўлади”, деб ширин уйқуларимдан тепиб уйғотарди бу баттол. Мана, охир-оқибат, уриб-уриб майиб қилиб қўйди – уч йилдан бери белимни ололмайман. Шу баттолнинг тепкиларидан шунақа бўлдим, айланай, дугонажон!

Мутавалли ўтирган жойидан қўлини пахса қилиб, собиқ хотинини сўкди.

– Ҳўй, манжалақи, хасмимда бўлганингда тепган бўлсам, тепгандирман, урган бўлсам ургандирман. Ўшани энди айтасанми? Уйқунгда хуррак отганинг учун тепганман, ўша учун урганман! Кекиртагингга арра тортилгандай хириллардинг, энди унутдингми, лаънати?!

Эрининг сўкиш ва жазаваларидан азалдан дилгир бўлиб қолган аёл кутилмаганда бирдан маъюс тортиб, жойига жимгина бориб ўтирди.

Оломон тинчиб қолди. Лекин мутавалли билан муридлари тинчимасди.

– Ҳўй, хотингина, ҳаддингдан ошма! – дерди мутавалли таҳдид оҳангида бақириб. – Ҳаддингдан ошяпсан, иззатингни бил!

– Иззатини билмаган менми ё сизми, тақсир?

– Ҳўй, хотингина, сен ғайридин, эринг ғайридин... Икки ғайридин бир бўлиб мана бу чувринди болаларни ҳам диндан чиқаздинглар.

Аёл заҳарханда қилиб кулди.

– Майли, тақсир, сизнингча бўлсин: биз ҳаммамиз ғайридин, кофир бўла қолайлик. Шошманг-чи, ҳали, – Евгения қора чарм курткасининг қўйнидан ғижимланган иккита қоғоз чиқариб, одамларга кўрсатди. – Мана бу хатлар, ўртоқлар, мутаваллининг шафқатсизлигидан, қотиллигидан далолат. Сизларга бир умр рўшнолик ташиб юрган, болаларингизга зиё бериш умидида ёниб, куйиб яшаган Носир варанка фожиаси хусусида. Ўқиб берайми, ўртоқлар?

Йиғилганлар, айниқса, аёллар баравар чуввос солишди:

– Ўқиб беринг, дугонажон, ўтиниб сўраймиз. Раҳматли Носир баранка уйимизнинг ўчмас чироғи эди. Уни ўлдирганни бўғиб ўлдирамиз! Ўқиб беринг, аниғини билайлик...

Евгения чўнтагидан қоғозни суғуриб олаётганида, можаронинг бу хил тус олиб, охири зил бўлиб кетишини хаёлига келтирмаган эди. У пўписа учун – мутавалли йиғинни бузиб қўймасин; тўғрироғи, ҳашарчиларни йўлдан оздирмасин, деб мана шу ғижимланган қоғозларни пеш қилган эди. На илож, Евгениянинг ўша даҳшатли номани ўқиб беришдан ўзга чораси қолмаган эди!

Афсуски... аёл номани ўқиётганида, мутавалли билан муридлари йиғинни ташлаб, хонақоҳга қараб жуфтакни ростлаб қолишди...

Йиғиннинг бу хилда тугаши Евгениянинг етти ухлаб тушига кирмаган эди: “Жамоа мен айтмоқчи бўлган муддаони англадими, йўқми? Одамлар билан дурустроқ гаплаша олмадим ҳам. Эҳ, баттол мутавалли, ҳаммасини чалкаштириб юборди-я!”

Эртасига эрталаб жамоат жам бўлиб, Қумбосди қишлоғининг муюлишидаги ўша оқ уй томонга ёпирилиб кела бошлади. Қаноат билан Аҳмад келаётган ҳашарчиларни ҳатто рўйхатга олишга ҳам улгуролмасди...

Евгениянинг тавсияси билан ҳашарчилар икки гуруҳга тақсимланиб, ҳозирча икки хил юмушга банд қилиб қўйилди: экишга пайкал ҳозирлаш ва қамиш тўплаш.

– Қамиш тўплаш зарур, – қайта-қайта таъкидларди Евгения, – экилган уруғни шамол учириб кетмаслиги учун уруғ қадалган қаторнинг икки томонига қамишдан тўсиқ қиламиз. Бу пастак “тўсиқ”, аввало, экилган уруғни муҳофаза қилади, иккиламчи, қумдан намни қочирмайди, саксовул тез униб чиқади..

Василий от-улови ва араваси борларни тўплаб, уруғ ташиш учун Когонга олиб кетди.

Евгения қамиш ўримидан ортиб қолган ёш-ялангни қум барханларига қараб бошлади. Қиладиган ишларни режалаб берди-да, Қаноатни уларга ишбоши қилиб тайинлади.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАЙТГАН КУН

Баҳор қулф уриб эрта сепини ёзди. Қир-адирлар, ўтлоқлар яшнаб кетди. Кўкда арғамчи солиб учаётган турналарнинг “кур-ей-кур-ей” деган ёқимли овози бутун саҳрони тутди. Пўпиш билан қизилиштон дарахт бутоғига қўниб олиб, узун тумшуғини бир маромда уриб, дўқиллатгани дўқиллатган: тик-тик-тик...

Бу сеҳрли товуш табиат ҳукмидай жозибали туюлади: дарахтлар уйғонади, гулга киради, мева тугишга шошилди...

– Тик-тик-тик...

Бу мўъжизакор товушдан дарахтларгина эмас, одамлар ҳам ҳушёр тортади:

– Тик-тик-тик...

Бу қуш тилида айтилган нидо: буни тушунган тушунади – таржимони одамнинг ўз қалби:

“Яшашга шошил... Яшашга шошил... Яшашга шошил...” деяётгандай туюлади.

Қаноат уйда ёлғиз ўзи зерикди. Бекорчиликдан нима қиларини билмай, сандиқдаги кўрпа-тўшак қатида Василий амакиси яшириб кетган дадасининг милтиғини олиб (Василий милтиқнинг синган қўндоғини Когондаги бир ошнасига тузаттириб, пана жой деб шу ерга яшириб қўйган эди), оҳори тўкилмаган латта билан тозаламоқчи бўлди. Сандиққа яқинлашган эди, тепасидаги михда осиғлиқ сочиққа назари тушди. Онасидан қолган сочиқ; икки четида волидасининг қўли билан тикилган қип-қизил лолақизғалдоқ. Бу онасининг аллақайси бўхчасида ғижим бўлиб ётган эди, қайси куни Евгения аяси уни топиб, дазмоллаб михга осиб қўйди. Ёнгинасидаги михда аясининг пардоз ойначаси осиғлиқ турибди. Қаноат сочиқни айлантириб кўрди, гулларига қайта-қайта разм солди. Тавоф қилаётгандай сочиқни юзларига, кўзларига, лабларига босди. Ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш ҳалқа урди. Нигоҳи бирдан ойнага тушди: “Бугун нега мунча йиғлоқи бўлиб кетяпман? Яхши эмас, яхши эмас...” Сочиқнинг учи билан кўз ёшларини артди. Яна ойнага қаради: икки чаккасига оқ оралаган сочлари... “Бор-йўғи ўн учдаман. Шу ёшда ҳам соч оқарадими?” бола қўли билан сочларини тўзғитиб, яна тузатиб, яна тўзғитиб, ойнага қараб хаёл сурарди. – Эртаклардаги болаларга ўхшайман десам, йўқ, уларга сира ўхшамайман. На дадам айтган, на онам айтиб берган бирорта эртакда сочи оқарган бола йўқ. Ўзим ўқиган эртакларда ҳам сочи оқарган болани учратмаганман... Эҳтимол, менинг бу бошим эртакларда йўқ кулфатларни кўргани учун сочларим оқаргандир? Ҳа, шунинг учун оқарган. Ҳар тола оқ сочим чеккан кулфатларидан нишона!..”

Қаноат ойна қаршисидан маъюс чекинди. Милтиқ ҳам хаёлидан кўтарилди. Каравотга чўзилди. Деразанинг бир тавақасини очиб юборди. Ташқари қоронғи эди. Вардонзе қалъасининг қора кўланкаси узоқдан ғира-шира кўзга ташланди... Хиёл ўтмай саҳрода шаббода қўзғалди. Ортидан ёмғир шивалаб ўтди. Қаноат деразани ёпди, пардасини тортди. Чироқни ёқди. Ташқарида шамол кучайди. Ёмғир шитоб билан келиб деразага урилди. Томнинг аллақаеридан чакка томди. Қаноат хона шифтига аланглаб, чакка томаётган жойни топди. Эшикка яқин турган тоғорани олиб, чакка остига қўйди:

– Чак-чак-чак...

Қаноатнинг кўнгли ғаш тортиб кетди: “Кўзим очиқ, ҳаммасини кўриб турибман, тоғорага чакка томяпти, – ўйларди таажжубга тушиб бола. – Лекин нега мунча ваҳимали? Нега кўнглим ғаш тортиб кетяпти? Василий амакига йўлда бирор кор-ҳол бўлдими ё?..”

– Чак-чак-чак..

Томаётган чакка кучайди. Деразани яна шамол аралаш ёмғир савалаб ўтди. Ёмғир зўрайгани сайин Қаноатнинг хавотири ошарди: “Аям билан амаким нега кечикди? Нима бўлди ўзи уларга?”

Эшик тақиллади. Қаноат югуриб бориб эшикни очди. Эшикда... Қай кўз билан кўрсинки, мутавалли! Орқасида Дудуқ ўрнига янги келган югурдак бола, унинг ёнида тақа мўйловли мурид.

– Бу бемаҳалда... тақсир мутавалли... Қандай иш билан келдийиз? – Қаноат уларнинг киришига монелик қилиб, икки қўлини эшик кесакисига тираб, остонада тик турди. – Бу бемаҳалда... яхши эмас! Ҳеч ким йўқ уйда...

– Сен бўлсанг, бўлди, бўтам, – деди мутавалли мешдай қорнини қарийб Қаноатнинг қорнига тираб туриб. – Ғайридин кофирлар билан бўлиб, мусулмончилик удумларини ҳам унутаёзибсанми, бўтам? Сўроқлаб келган одамга эшикни кенг очиб, мундоқ кутиб оладилар... Мусулмончилик таомилида, меҳмон олдига дастурхон ёзадилар... Шундай эмасми, бўтам, ё ҳаммасини унутдингми?

– Ҳеч нарсани унутганим йўқ, – деди Қаноат, – ҳаммаси хотирамда турибди. Сиз қилган ишларни унутиб бўладими, тақсир?

– Сен бола унутолмаган нима иш қилиб қўйибман, бўтам? Гапир-чи, арпангни хом ўрибманми?

– Э, тақсир, кошки арпа бўлсайди, келаси йил яна униб чиқар эди... Кеча йиғинди кетиб қолмаганингизда, эшитардингиз ҳаммасини. Қайта такрорлашга энди ҳожат йўқ.

– Аҳа-аҳа, энди ҳожат йўқ дегин? – Мутаваллининг авзойи ўзгариб, тажовузкорона тус олди: “Яхши гап билан бу тирмизак болани қайириб бўлмайди. Аврасанг, илон инидан чиқади, дейишарди. Лекин бу илонбаччани авраб бўлмайди”. – Аҳа-аҳа, ҳожати йўқ дегин? Хў-ў-ўш-ш, қачон ҳожати бўлади?

– Тегишли жой, тегишли одам топилганида-да, тақсир!

Мутавалли бўсағада турган Қаноатни қорни билан қаттиқ итариб юборди. Бола орқаси билан гандираклаб кетиб, уй ўртасига келиб қолди.

Ортидан учаласи ёпирилиб кирди. Эшикка зулфин солинди. Қаноат довдираб қолди. Мутавалли югурдаги билан муридини эшик адоғида қолдириб, ўзи уй тўрига чиқди, Қаноат билан юзма-юз турди.

– Тегишли жойга, тегишли одамга айтасанми ҳали? – деди мутавалли чап қўли билан боланинг иягидан маҳкам тутиб, ўнг қўли билан маҳси қўнжидан пичоқни суғуриб олди. – Мана шу тилингни... Мана шу тилингни дадангни тилидай қилиб кес-с-с-иб... Ни-и-ма дейсан?

Бола қўрқувдан оқариб кетди. Мутаваллининг қўлидаги пичоқ боланинг лиқиллаб турган бўғзида олмосдек ярқиради. Қаноат мутаваллининг пичоқ тутиб турган қўли тирсагига чанг солди.

– Кетинг!.. – деди товуши титраб. Ҳозир унинг товушигина эмас, бутун вужуди титрар эди.

– Аҳа, қўрқдингми, бўтам? – деди мутавалли боланинг қўрқувдан саросимага тушиб қолганини кўриб, кейин бир оз юмшади. – Қўрқма, бўтам, мен сени ғайридин кофирлар панжасидан халос этгани келганман. Улар дадангни йўлдан оздирди. Тақдири шу экан, не илож, эрта кетди. Сен ҳам отангдай бўлма дейман, бўтам. Магарам пичоқдан чўчиётган бўлсанг, мана... – Мутавалли қўлидаги ханжарни эшикни тўсиб турган тақа мўйловли муридига қараб ирғитди. – Ма, бу сабил қолгурни олиб қўй.

– Мендан нима истайсиз? – деди жавдираб бола. – Нима қил дейсиз?

Мутавалли тараддудланиб, боланинг қулоғига яқин энгашди, паст товушда, қарийб шивирлаб сўради:

– Ўша нома... қаерда? Ўшани топиб берсанг! Уқдингми?

Бола талмовсиради.

– Қайси нома?

– Кеча ана у манжалақи... ана ўша кофир йиғинда шоён қилиб ўқиган нома... Энди уқдингми?

– Ҳа-а, уми? – деди бола бирдан эслаган бўлиб. – Аямнинг ўзларида.

Мутавалли боланинг кўзига қадалди.

– Қаерда у? – деб сўради.

– Уйда йўқлар, – деди бола энди ўзини анча тутиб олиб. – Саксовул эккани одамлар билан Кампирёлга кетганлар.

– Эри-чи? Сенинг ғайридин даданг...

– Уруғ ташигани Когонга кетганлар...

– Қачон келишади?

– Ҳозир кеп қолишлари керак.

Мутавалли бирдан хавотирга тушиб қолди.

– Номани ол.

– Кимдан?

– Ўзинг ҳозир айтдинг-ку, – деди мутавалли болага жазава қилиб. – Аядами-паядами деб... гапир, оласанми? Тузук йўли шуки, мен сенга айтай, секин билинтирмай...

Бола ўйланиб қолди: “Бу аблаҳ ўша номадан қўрқяпти... Қотиллигини тан олмоқчи эмас, яширмоқчи... Аям билан амаким келгунча ёлғондакам авраб турайми ё?..”

Мутавалли бола олдига икки шарт қўйди: “Ё ҳа, ё йўқ!”

– Йўқ десанг... – деди мутавалли орқасига ўгирилиб, тақа мўйловли муридига қараб қўл чўзди. Мурид қўлидаги ханжарни унга қараб ирғитган эди, мутавалли чаққон илиб олди. Яна пичоқни Қаноатнинг кекирдагига тутди. – Йўқ, десанг... Кейин ўзингдан кўр, уқдингми?

Мутавалли яна орқасига ўгирилиб, қўлидаги ханжарни тақа мўйловга қараб отди.

– Магарам шартимга кўнсанг, ҳамма ташвишлардан қутуласан, ғайридин копирлар чангалидан сени халос этаман. Раҳматли даданг мен каминани билар эди, – мутавалли бурнини тортиб, шикаста товушда дона-дона қилиб гапира бошлади, – биттагина тирноққа зор одамман. Худо шу кўйибадга солиб, каминани бисёр зориқтирди. Ҳадсиз жазолади. Мен камина фақат шунга қасдма-қасд йўл тутамен: раъйимга кўндаланг келганни мен ҳам жазолаймен! Бир қанчасини жазоладим ҳам... Энди қанча умрим қолди, билмайман, бўтам. Магарам айтганларимга кўнсанг, ана у ғайридин кофирларни уйингдан ҳайдаб чиқарсанг, бутун мол-мулким, топган-тутганларимни сенга қолдирамен, ишон, еганинг олдингда, емаганинг ортингда бўлади. Отанг доғи ҳам, онанг ғуссаси ҳам тезда унут бўлиб кетади: атодин қолмаган ким бор, анодин қолмаган ким бор!.. Ота-онадан етим қолмоқ Муҳаммад алайҳиссаломдан биз умматларига қадимий меросдир, бўтам!

– Айтганларингизга кўнсам, – деди Қаноат мутаваллининг гапларига ўзини анча мойил тутиб, – кейин... кейин ҳазрати Хизр билан мени таништириб қўясизми?

– Қайси ҳазрати Хизр билан? – деди мутаваллининг нафас олиши тезлашиб – Қайси Хизрни айтяпсан, эй тирмизак бола?

Бола ўзини йўқотмади, устомонлик билан гапни хонақоҳда бўлиб ўтган “Хизр панжаси” можаросига бурди.

– Бош бармоғи суяксиз ошнангиз... ҳазрати Хизр-чи? Фазли ҳалимпазнинг маъракасида дадамга ўзингиз айтгансиз-ку... Иби, эслаёлмадийизми, тақсир?

Мутаваллининг кўз олди тиниб кетди. Хонақоҳда бир йил олдин Қаноатнинг дадаси Носир варанка билан бўлиб ўтган ғурбат хотирасига тушди: офтобшувоқда узала тушиб ётгани, ўнг елкасига елимлаб ёпиштирилган сохта “Хизр панжаси”... Югурдаги Дудуқни сопол кўзача билан уриб ўлдиргани...

“Бу тирранча нега менга ўтган гапларни эслатяпти? – Мутаваллининг хаёли чувалашиб кетди. – Бу тирмизак бола бир парча кемтик жони билан нега қўлига паншаха олиб, эски сомонни титяпти? Сизга ишонсам, раъйингизга кирсам, қисматим Дудуқдай бўлмайдими демоқчи, афтидан? Вой-й, отангга ўхшамай кетгур, заҳар-ей, заҳар!..”

Аяси билан амакисининг кечиккани болани баттар саросимага солиб қўйди: кўнглидаги хавотир энди умидсизликка айлана бошлади. Ҳануз улардан дарак йўқ. Ярим тун, боланинг якка ўзи. Рўпарасида мана бу

сўлақмондай одам. Хаёлини чакка товуши бўлди. Чакка ҳар гал томганида бола бечоранинг миясини худди пармалагандай бўлади: “Чак-чак-чак...”

Тоғорадан нарида сандиқ, сандиқ устида кўрпа-тўшак, кўрпа қатида дадасининг милтиғи... Шундай қўлини чўзса, етади. Лекин қандай қилиб чўзади қўлини?

Қаноатнинг қаршисида қарийб уйнинг тенг ярмини эгаллаб турган мутаваллининг кўланкаси, пойгакда югурдаги, муриди... Қўлида ханжар!

Мутаваллининг жаҳли чиқса, бурун катаклари очилиб-ёпилиб, тез-тез пишиллайдиган одати бор эди: ҳозир ҳам шу кўйга тушди.

– Сен тирранча бола ўзи кимни калака қиляпсан: мен каминаними ё ҳазрати Хизрними?

Боланинг мутавалли раъйига кирмаслиги, бу чигал йўлга киролмаслиги аниқ эди. Шу боис мутаваллининг эртами-кечми қутуриши муқаррарлигини Қаноат биларди. Лекин сохта “Хизр панжаси” ўртада энди тикланаётган муносабатини бунчалик тез бузиб юборишини асло ўйламаган эди. Бола барига қўл силтади. Бўлгани бўлди энди. Буёғига таваккал қилади. У қандай қилиб бўлмасин, сандиқ томонга ўтиб, тезроқ милтиқни қўлга олишни мўлжаллар эди...

Мутавалли ҳам энди қатъий қарорга келиб қўйди: хонақоҳдан нимани кўнглига тугиб чиққан бўлса, ўша муддаони амалга оширмоқчи бўлди. Ҳозир боланинг бўғзига пичоқ тортади, кейин Кампирёлга бориб ўрис аяси билан ҳисоблашади, сўнг кофир амакисининг йўлини пойлайди... Эрталабгача барини асфаласофилинга жўнатади!

Мутавалли орқасига ярим қайрилиб, эшикда турган тақа мўйловли муридга қўл чўзди: ханжарни сўради. Шу фурсатда Қаноат бир сакраб, сандиқ томонга ўтди. Кўрпа қатидан милтиқни суғуриб олиб, ҳали ўзини ўнгариб олишга улгуролмаган мутаваллига қараб тўғрилади ва тепкини босиб юборди!

Хонада чақмоқ чаққандай икки бор ялт-юлт этиб аланга чиқди. Қаршидаги девор тешилиб, дераза чил-чил синди, чироқ ўчди. Уйни димоқни ёргудай буруқсаган тутун ва чанг-тўзон қоплаб олди. Қоронғи хонада олатасир бошланиб кетди...

ХОТИМА

... Эрталаб ҳовлига одам сиғмай кетди. Мутаваллининг жасадини эшакаравага ортаётганларида, ҳарнечук Қаноат Евгениянинг бағрида кўзини очди. Василий Шофирқондан олиб келган докторнинг айтишича, Қаноатнинг жароҳати деярли оғир эмас экан: ўнг елкаси ва болдирни пичоқ ялаб ўтган, кўп қон кетган...

Евгения кўзига ёш олиб, Қаноатнинг манглайига ҳўл сочиқ босди. Қаноат ўзига келди, ҳушёр тортди. Аясининг қўлини сийпаб туриб:

– Қалдирғочлар қайтдими, ая? – дея сўради шифтга қараб.

– Қайтди, ўғлим, қайтди, – деди аяси юзини унинг юзига босиб. – Баҳор бу йил барвақт келди-да, қалдирғочлар ҳам эрта қайтди, ўғлим!

Бола қалдирғоч туйнугига илҳақ тикилди. Бир жуфт қалдирғоч хонага кириб, чарх уриб айланди-да, инига келиб қўнди...

Шофиркон, 1987-2006 йиллар.

ЎТКАН КУНЛАРДАН ҚОЛГАН ЭРТАКЛАР

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЗЎРАКИ НИКОҲ

Яйловда бир пасда дув-дув гап тарқаб қолди: ҳукмдор дилхушлик истаб, Ойдинкўл шикорини ихтиёр этмишлар!

Ҳукмдор шикорга чиқишидан уч кун бурун бу ишга мутасадди қилиб саройдан жўнатилган мулозим Қора Даванг туманнинг бирқулоқ қозиси билан от миниб, шошилинч яйловга чиқиб кетди.

Яйлов, қир ва адирлар кўм-кўк эди. Барханлар бағрида лолақизғалдоқлар ловиллаб, кўзни қамаштиради.

Мулозим билан қози навкарлар қуршовида кун бўйи Ойдинкўлни қадам-бақадам кезиб, ҳазрати олийларига муносиб жой танлашди. Деволактепа қирида шоҳона хосчодир қуришди, овни қаердан бошлаб, қаерда тугатиш режаларигача обдан тузиб чиқишди. Мулозим саройдан муҳофазага келган хоснавкарларни ҳукмдор ўтадиган йўл, адир ва сўқмоқларга – яйловнинг чор атрофига икки-уч нафардан тарқатиб юборди. Сўнг иккаласи – мулозим билан туманнинг бирқулоқ қозиси хосчодирга кириб: “Ҳазрати олийларининг шикорлари бароридан келсин!” дея базми жамшид қуришди. Кечга яқин улар маст-аласт бўлиб, шоҳона дастурхон устида ўчиб қолишди...

Ярим тунда бошланган афғон шамоли эрталабгача Ойдинкўлни остин-устин қилиб ташлади. Қум барханлари тўфон зарбидан сувдай оқиб кетаверди: экинзорлар, йўл ва ариқлар, анҳор ва сойлар, даштдаги жамики кулбалар қум остида қолди. Мулозим билан қози ҳатто ўзлари ётган чодирнинг қум остида кўмилиб қолганини ҳам пайқашмасди: улар ўликми, тирикми – ҳеч ким билмасди!

Қум оқими бамисоли тошқин сув. Аслида тошқиннинг ҳам, тўфоннинг ҳам талафоти қарийб бир хил. Фарқи шуки, бири йўлига кўндаланг келган нарсани ювиб кетади, иккинчиси кўмиб кетади. Ҳукмдорга деб қурилган хосчодир белигача кўмилиб қолган эди...

Мирсолибойнинг Ойдинкўлдаги ерларида кетмон чопиб, чигит экаётган Темур ва унинг тенгқурлари эртага ҳукмдорнинг шикорга чиқишидан воқиф эдилар. Улар хосчодир бу кеча қум остида қолганини барханнинг нари томонидан кўриб туришарди. Лекин саройга дахлдор мулк бўлгани учун ҳеч ким чодир яқинига боришга журъат қилолмасди. Темур ва унинг ўртоқлари наздида чодир ҳудудсиз денгиз қаърига чўкиб кетаётган кемага ўхшаб кўринар эди.

Темур чодирдан бирров хабар олсаммикан, деган хаёлга борди. Бу гап ўртоқларига ҳам маъқул бўлди.

У қум бўрони туфайли одамлар бошига тушган кўргиликлар хусусида ўйлаб борарди:

“Ҳазрати олийлари бу жабрдийдалар ҳолини ўз кўзлари билан кўрсалар, шояд фуқаро учун фойдадан холи бўлмас. Фақир-бечораларнинг кўзёшлари ҳукмдорнинг дийдасини зора юмшатса. Адолатпеша ҳукмдор бундай мусибат онларида ўз мурувватларини дариғ тутмасалар керак, ахир?!”

Темур Деволактепага етиб, хосчодирни синчковлик билан айланиб чиқди. Қумга чўкиб қолган чодирнинг тепа қисмидаги арқони узилиб, босиб қолган эди. Чодирга киришнинг ҳам, ундан чиқишнинг ҳам имкони йўқ. Ичкаридан ўқтин-ўқтин инграган товуш чиқяпти...

Темур елкасидаги кетмонини чодир ёнига қўйиб, югуриб барханга чиқди, бошидаги дўпписини силкита-силкита тенгқурларига хабар берди. Бирпасда Аҳмад билан Ҳайитбой кетмон кўтариб етиб келишди. Чодирнинг устини ва атрофини қумдан бир оз енгиллатиб, ичкарига киришди. Бўрон пайти чодир тепасида тўпланган қум икки одамнинг елкасидан босиб, қорни билан наматга қапиштириб қўйган, фақат уларнинг бўйнигина қумдан ташқарида, тошбақа бошидай кулгили бир алпозда жонсарак ғимирлар эди. Темур ўртоқлари билан уларни қум остидан зўрға суғуриб олди. Кейин бу икки давангининг фожиаси Темурга маълум бўлди: гулли намат устида дастурхон очиқ ётибди, унда шароб кўзачаси, қирмизи гулли қадаҳлар, ликопчаларда қази-қарта... Сал нарида икки жуфт этик, пайтавалар билан саллалар бир-бирига чувалашиб ётибди... Темур уларнинг мурдадан фарқ қилмайдиган даражадаги ҳолатини кўриб, тамом ҳайрон қолди: “Бундан чиқди, бўрон қутурганида булар ақл-ҳушида бўлмаган...”

Темур туманнинг бирқулоқ қозисини дарров таниди. Қўшниси Мирсолибойнинг ҳовлисида, унинг маъракаларида қозини кўп кўрган, ҳатто офтоба тутиб, қўлига сув қуйган пайтлари ҳам бўлган. Қозининг кемтик қулоғига қараб туриб, Темурнинг кулгиси қистади. Эшитгани бор: қози маст-аласт бўлиб, бир бева хотинникига кирган. Хотин ўлгудай ўжар ва тажанг экан. Қози қанчалик аврамасин, аёл барибир кўнмабди. Қози куч ишлатиб, ниятига етмоқчи бўлганида, аёл қозининг ўнг қулоғига оғиз солган... Бу гап қанчалик рост, қанчалик ёлғон, аммо улус орасида шунақа миш-миш юрарди. Темур ҳозир шуни эслади. Қози билан мулозим йигитлар кўмагида анча ўзларига келишди. Сув ичишди, уст-бошларини қоқишди, тозалашди.

Қози қумдан тозаланган чодир орқасига ўтиб таҳорат қилди, қўлидаги офтобани шериги учун ўша ерда қолдириб қайтаркан, салласини бошига ўраётиб:

– Ҳукмдоримизнинг энг яқин мулозимларидан Қора Даванг жаноблари бўладилар, – дея шеригини Темурга танитди.

Темур мулозимга қайта салом берди. Мулозим мулойим жилмайиб, Темурнинг елкасига миннатдор қоқиб қўйди:

– Жонимизга ора кирдинг, бола!

Темур индамай кулиб қўйди.

Қора Давангнинг асли исми шарифи Ҳожи ибн Мансур бўлса-да, ҳукмдор уни ҳамиша Қора Даванг деб атарди. Саройнинг мартабаси баланд аъёнлари ўртасида ҳам у шу ном билан машҳур бўлиб, ҳатто Ҳожи Мансурнинг ўзи ҳам бунга кўникиб кетган эди. Бу номнинг Қора Даванг

ташқи қиёфаси билан қисман боғлиқ томони ҳам бор эди. Темур бир қарашдаёқ буни дарров пайқади. Юзи мумдай қора, қовоқлари шишинқираган, тақирбош, гўштдор юзига нисбатан кўзлари, қулоқлари кичик, чап кўзи билан қўшилиб тез-тез пирпираб учиб туради, бесўнақай бурни эса хиёл чап томонга қийшайган, қулоқларининг ичини қора тук босган, гавдаси йирик, ҳайбатли, қоп-қора мўйлови от тақасидай дўрдоқ лабининг икки чеккасига осилган...

Темур мулозимга қараб туриб, хаёлидан: “Исминг жисмингга мунча мос бўлмаса” деган фикр ўтди. Мулозим таҳорат учун чодир орқасига ўтгандан кейин Темур бирқулоқ қозига юзланди.

– Мени танимадингиз чоғи, – деди Темур қозига қараб, – сизни ундарелик Мирсолибойнинг уйида кўп кўрганман. Бойнинг қўшниси Бадал ямоқчининг жияни – Темурман.

– Э, шундоқми? – деди қози ҳозир бировни танийдиган ҳолда бўлмаса ҳам. – Э, ҳа, Бадал бобонинг жияниман де?

– Мирсолибойнинг Ойдинкўлдаги ерларига бир ҳафтадан бери чигит экяпмиз, – деди Темур болаларча соддалик билан. – Ҳаммасини бўрон кўмиб кетди. Кечаси зўрға жон сақлаб қолдик. Энди қишлоққа жўнаймиз деб турганимизда, тонг отмай бойнинг ишбошиси келиб, оёғини тираб турибди, уни бой бобо жўнатибдилар, яна бир ҳафта қолиб, чигитни қайта экармишмиз.

– Бундан чиқди, Мирсолибойнинг қаролисизлар, шундайми? – сўради қози.

– Йўқ. Бой қишлоқдаги йигитларни экиш тугагунча ёллаган.

– Яхши. Ишбошини юбориб, атай сўратган бўлсалар, бой отанинг сазасини қайтарманглар. Ҳозир салтанатда бой отанинг обрў-эътибори инчунин баландки, – деди қози қўлини салласидан анча юқори кўтариб, худди бойнинг мартабасини ўлчаётгандай, – саройдаги мана-ман деган казо-казолар ҳам у кишининг олдида довдираб қолади. Айтишларича, бой жаноблари саройга ташриф буюргудек бўлсалар, ҳукмдорнинг ўзлари пешвоз чиқармишлар. Шу боис бой отанинг сазасини қайтарма, кам бўлмайсан, бола!

Темур “маъқул” дегандай бош ирғаб қўйди. Аҳмад билан Ҳайитбой Деволактепанинг пастидан баланд юлғунзор панасида кишанлаб қўйилган икки отга эгар-жабдуқ босиб, етаклаб келишди. Қози билан мулозим ҳукмдорни кутиш учун Чорраҳага қараб от солиб кетишди...

***

Мулозим билан қози бу кечаги бўрон ҳалокатидан бир амаллаб қутулиб қолишди. Бироқ уларни ўзга бир шафқатсиз ажал гирдоби кутар эди: дилхушлик истаб саройдан йўлга чиққан ҳазрати олийларига улар энди нима дейди? Ов манзилгоҳлари, хосчодир тикилган кўркам яйлов ва адирлар – бутун Ойдинкўл остин-устин бўлиб кетган бўлса?!

Қора Даванг кўз ўнгидаги фоже манзараларга шуурсиз тикилиб, карахт бир кайфиятда эгарда хаёл суриб борар эди: “Бу сурбет бирқулоқ қози билан оч бўридай ўлакса бўлиб ўчиб қолмаганимда, бошимга бунчалик касофат

тоғи қуламасди. Бир амаллаб тахти олийга етиб, фожиадан ҳазрати олийларини воқиф қилиб, шикорни қолдиришим мумкин эди. Водариғ, энди қайси юз, қайси субутим билан ҳазрати олийларининг муборак йўлларига пешвоз чиқамен?! Ўзинг қўлла, эй парвардигор!..”

Ҳукмдор усти ёпиқ фойтунда катта чошгоҳда етиб келди. Ундарелик Мирсолибой хушсурат, арабий қора отини Чорраҳага олиб чиқиб, ҳазрати олийлари йўлига кўндаланг тутди.

Чорраҳадаги кутиш маросими пайтида Қора Даванг Ойдинкўлдаги қум бўрони хусусида шама қилиб ўтишга бир жазм этди-ю, лекин юраги дов бермади. Ҳукмдор беҳад шод ва аъло кайфиятда эди. У дастасига юпқагина олтин қопланган қамчини бой қўлидан олиб, аввал уни завқ билан томоша қилди, бойнинг дид ва ҳафсаласига қойил қолди, отнинг қоп-қора ёлини силаб, мақтади:

– Сарой синчилари отингиз хусусида каминага бисёр таърифу тавсиф етказдилар. Бири Рустами Достоннинг Рахшидай хушсурат деса, бири ҳазрат Алининг Дулдулидай етти газ қаноти бор деди. Шу боис Рахшингизни шикорда минишга майл қилдим, жаноб бой.

Бой “Бош устига”, деб бош эгди ва эгилиб туриб, от жиловини унга тутқазди. Амир баланд пошнали этигини узангига тираб, эгарнинг тилла қошидан маҳкам тутди-да, ўзини чаққон эгарга олди. Шу пайт Мирсолибой қўлини фотиҳага очди:

– Илоҳи омин, етти кишварнинг назари тушган шаҳриёри олам ҳазрати олийларининг шикорлари бароридан келсин!

Тўпланганлар бараварига юзларига фотиҳа тортишди. Арабий тулпор Ойдинкўлга қараб шамолдай елиб кетди.

Яйлов ҳукмдор орзу қилган баҳорий қиёфада эмас, балки бойқушнинг вайрона ошёнига ўхшаб қолган эди. У ҳар қадамда фоже манзараларга дуч келаверди: экин еридан ажраган, яшнаб турган боғ-роғидан жудо бўлган, ариқ ва қудуқлар қум остида қолиб, бир қултум сув илинжида зор-зор қақшаган жабрдийдалар сон-саноқсиз эди. Ҳукмдорнинг шикорга кетаётганини эшитиб, бутун фуқаро арз-додини айтиш учун йўл бўйига чиққан эди. Униси у деб, буниси бу деб нола чекар, мўр-малахдай ёпирилган халойиққа бас келиб бўлмас эди:

– Кимга тўй, кимга аза!..

– Биз бандаи мўминларга мурувват қилинг, илоҳим овингиз бароридан келиб, парвардигори олам қўлласин, олампаноҳ!

– Ҳукмдорга келган бало янглишиб бизни чалиб кетди, чоғи...

– Танаси бошқа дард билмас дегани шу-да, ё Раббий!

Ҳукмдор хоснавкар ва мулозимлари қуршовида отни гижинглатиб, шитоб билан ўтиб борар, йўлнинг икки четида бош эгиб, сукутда таъзим бажо этиб турган фуқарога қараб, ора-чира бош силкиб қўяр эди. Халойиқнинг кўкка ўрлаган оҳ-фиғонини, қум қаърига чўккан кулбалар, томи босган ғариб ҳужралар, ярим белидан кўмилган дов-дарахтлар – табиатнинг мунг тўла бу нохуш манзаралари, афтидан, ҳукмдорни тамом дилгир қилиб қўйган эди. Ахири, унинг тоқати тоқ бўлди, эрталабки аъло

кайфияти тарқаб, ўрнини қаҳр-ғазаб эгаллай бошлади. Фуқаро кўзидан пана – Деволактепа барханининг орқасига ўтгандан кейин ҳукмдор Қора Даванг билан бирқулоқ қозига бор ғазабини тўкди:

– Камина кўнгил хушлагани келсам-у, сен малъунлар арз-дод кўтарган фуқарони йўлимга бошлаб чиқибсенлар. Бу фожиани каминага олдин нега хабар қилмадинглар, нонкўрлар?!

У белидан тўппончасини суғуриб, Қора Даванг ва қози минган икки отни... манглайидан шартта отиб ташлади. Отлар жон талвасасида баравар кўкка сапчиди, кейин юмшоқ қум уюми устига ағдарилди.

– Аслида сен тўнғизларни отиш керак эди! – деди у қаҳр билан. – Қора малъунлар!

Қора Даванг от остида қолган ўнг оёғини эгар тагидан талвасада зўрға суғуриб олди-да, ҳукмдорнинг узангида турган баланд пошнали этигига чаққон ёпишди.

– Бир қошиқ қонимдан ўтинг, олампаноҳ, гуноҳкори азим ман астам, давлатпаноҳ!

Ҳукмдор Қора Давангнинг зорланишларига эътибор бермай, чипор от тагида қолиб, тўнтарилган қўнғиздай чиранаётган қозига хиёл заҳархандага мойил бир қараш билан пича разм солиб турди-да, отнинг қуёш нурида ялтираётган қора бахмалдай сағрисига қамчи урди. От булутдай бўлиб осмонга сапчиди. Қора Даванг узангига осилиб, икки-уч одим судралиб борди-да, қумда чўзилиб қолди.

Шикорда омади чопмаган ҳукмдор шу кетганича тўғри Ундарега – Мирсолибойнинг ҳовлисига қараб жўнади.

***

Аросатда гангиб, ўзини йўқотаёзган мулозим билан қози отилмай қолганларига шукр қилиб, хириллаб жон узаётган отларга қараб, қўл қовуштирганча жимгина туришарди. Отларнинг танаси совиб, орадан анча вақт ўтгандан кейин мулозим қозига, қози мулозимга қаради:

– Хўш, энди нима қиламиз?

Ҳукмдор ўз қўли билан отларни отиб ташладими, демак, бунинг остида унинг яширинча, фуқаро олдида рўй-рост айтмаган амри ҳам яшириниб ётибди: амри подшоҳ – вожиб! Қора Даванг билан қози бориладиган манзилгача бўлган йўлни энди отсиз, пиёда босиб ўтишлари керак. Бу хил ситамга Қора Даванг билан қози бўйсунишдан ўзга йўл тополмай, иккаласи яёв йўлга тушди...

Қум бўрони йўлларни кўмиб, ҳар ер-ҳар ерда бўталоқ ўркачидай уюм-уюм қумтепаларни уйиб кетган, умрида пиёда юрмаган бирқулоқ қози, сарой юмушлари билан банд бўлиб, анчадан бери кўпкари ва от пойгаларига қатнамай қўйган хомсемиз мулозим бир чақиримча йўл юрмай, қора терга ботиб, ҳарсиллаб қолишди. Уларнинг устидаги рўдапо кийимлари – узун чопон ва чакмон этаклари ҳар қадамда оёқларига ўралиб, илдам юришларига чандон монелик қиларди.

Темур ва унинг тенгқурлари амир қаҳри туфайли отларидан ажраб, яёв кетаётган бу бақалоқ нусхалар ортидан эргашиб, уларга қизиқиш ва шавқ билан қараб, бир-бирини туртиб-туртиб боришаради. Темур қозининг кемтик қулоғи ҳақидаги хангомани айтгандан кейин йигитлар орасида паққос кулги кўтарилди...

Бу икки жабрдийда жонига яна Темур ва унинг тенгқурлари ора кирди. Даштда ўтлаб юрган иккита эшакка тўқим босиб, улар йўлига олиб чиқишди.

– Бунақада толиқиб қоласизлар, – деди Темурнинг уларга раҳми келиб. – Йўл ҳали олис, тақсирлар, эшакка миниб олинглар.

Қози билан мулозим бир-бирига маъноли қараб қўйди.

– Қандоқ бўларкин, Қора Давангжаноблари? – деди қози елкасини қисиб. – Мабодо бу гап ҳазрати олийларининг муборак қулоқларига етса... А, нима дедингиз, тақсир?

Темур қозининг иккиланишига таажжуб билан қараб турган эди, Қора Даванг ўзига маъқул йўл топди:

– Э, қизиқмисиз, қози, – деди уни жеркиб, – ҳазрати олий бизнинг отимизни отдиларми, демак, отсиз борсин деганлари бўлади. Бу эшак-ку, эшак эшак-да, от бўлармиди сизга, тақсир?

Шу гапдан кейин қози ҳам эшак минишга кўнди.

Темур Қора Давангга қишлоқдан ўзи миниб келган хачирмонанд, бобоси Бадал ямоқчи отдан юз чандон афзал кўрадиган қора эшакни тутди. Қора Даванг арқон узангига оёғини: “Ё бисмилло!” деб қўйди-да, оғир гавдасини зўрға тўқимга олди.

– Бўладиган болага ўхшайсан, – деди мулозим Темурнинг елкасидан анчагача қўлини олмай. – Бошингга бирор иш тушганида каминани эслагин, иншооллоҳ, тирик бўлсам, сендан ёрдамимни дариғ тутмасмен!

Темур қўлини кўксига босиб: “Раҳмат, тақсир”, деб қўйди.

Аҳмад бирқулоқ қози билан Қора Давангга Ундарегача пиёда эргашиб борди-да, кечга яқин эшакларни ортига олиб қайтди.

Ҳукмдор Мирсолибойникида кечгача дам олиб, кейин ёзги саройга жўнамоқчи эди. Эҳтимол, у Сарагулни кўрмаганида, шундай бўлиши турган гап эди. Лекин Мирсолибойнинг олдиндан тайёрланган ҳийласи ҳукмдорни бу хонадонга михлаб қўйди...

Мирсолибой шикордан қайтганларни, ҳатто ҳукмдорга соядай эргашиб юриш нуфузига муяссар бўлган казо-казоларни ҳам дарвозахонага туташ қилиб қурилган ташқари ҳовлидаги меҳмонхонага тушириб, ҳукмдорнинг якка ўзини: “Бир оз ором олинг”, деб ичкари ҳовлига олиб ўтди.

Ҳукмдор чорзарб қилиб қурилган ўн бир ёғочли уйга кирди. Хона дид билан бежирим қилиб безатилган. Деворларга туркман гиламлари қоқилган. Тўрда ҳукмдорнинг бўй баравар сурати осиб қўйилган. Давлатпаноҳ ўзининг бу ҳайбатли суратига диққат билан тикилди: тахтга энди чиққан пайти экан – либослари ўзига чандон ярашган, нақ манглайида – ҳаворанг салласига қадалган чўғдай гавҳар ловиллаб ёниб турибди, ўнг қўлида қилич...

– Маъқул! – деди у илжайиб, кейин остонада букилиб турган бойга ярим қайрилди. – Буни қаерда чиздиргансиз, жаноб бой?

– Питерда, ҳазрати олийлари, – деди бой таъзим қилиб. – Баъзи кимсалар бу хил ишлардан қусур ахтарурлар. Лекин менга қолса, ҳар бир мусулмоннинг уйида ҳам, дилида ҳам сиз давлатпаноҳнинг муборак сиймонгиз турмоғи фарз деб билурмен. Токи ул мусулмон чин мусулмон бўлса, бутун оиласи бирлан беш маҳал намозни сиз ҳазрати олийларининг сувратингизга қараб ўқимоғи даркор. Каминаи ғарибингизнинг пушти камаридан бунёд топган қизим Сарагул сўнгги кунларда намозни нуқул мана шу Юсуфмонанд сиймонгизга қараб ўқишни ихтиёр этмиш.

Бу гап давлатпаноҳнинг етмиш икки томирига малҳамдай ёқиб кетди.

– Ташаккур, бой – деди у, – Сарагулга айтинг, мендан тортиниб бугун намозни канда қилмасин.

– Иншооллоҳ, айтурмен, – деди бой соқолини силаб. – Марҳамат, ўтирсинлар, мен ҳозир...

Бой эшикни ёпиб, чиқиб кетди. Ҳукмдор бундан етти-саккиз йил олдинги навжувон пайтидаги суратига қайта-қайта тикилиб, оёғи остидаги барқут кўрпачага аста чўкди. Бир жуфт парёстиқни қўлтиғи остига тортди-да, ҳузур қилиб керишди.

“Ғийт” этиб эшик очилди. Ҳукмдорнинг хаёли бўлиниб, кўзларини эшикка қадади: остонада бошида зар уқали, шафтоли гули рангидаги рўмол, эгнида ёқаси зар жиякли, олди очиқ кундал камзули остидан хонатлас кўйлаги ялтираб бир қиз турарди; қўлидаги тилла патнисчада анор катталигича қирмизи чойнак, лабига олтин суви юритилган икки дона пиёла...

Қиз таъзимда хиёл эгилиб:

– Ассалому алайкум, аъло ҳазрат! – деди булбул хонишига монанд ёқимли бир товушда. – Муборак қадамингизга ҳасанот, ҳазрати олийлари!..

Ҳукмдор жойидан ярим қўзғалди, кўзларини қизнинг ярим очиқ юзига қадади: қизнинг шоҳиста юзи, қоп-қора туташ қошлари, икки чаккасидаги жингалак-жингалак зулфи, эндигина сабз урган майсага тўкилган шабнам қатрасидай йилтираб турган лаблари – ҳамма-ҳаммаси фусункор ва жозибали эди.

Не-не номаъқулчиликлар билан кўзи пишиб кетган ҳукмдор ҳаяжондан эҳтиётсизлик қилиб, қиз олдида “қилт” этиб ютинди. У бир лаҳза бўлса-да, ҳусн-малоҳат олдида довдираб қолган эди. Сарагул буни сезди, юзига хиёл табассум югурди. Ҳукмдор дарров ўзини қўлга олди.

– Келинг, – деди овози хиёл титраб, – яхшимисиз?

– Раҳмат, аъло ҳазратим, – деди қиз. – Сояйи давлатингизда сиз қиблагоҳимизга ҳамиша омонлик тилагидамен!

Шаддод қизнинг жавобидан ҳукмдорнинг оғзи қулоғига етди.

– Ташаккур, Сарагул. Салтанатим омонлигини сиздай малоҳатларнинг дуосидан деб билурмен. Қани, марҳамат, бирпас ўлтиринг.

Қиз хона ўртасидаги хонтахтанинг бери томонига – ҳукмдор рўпарасига келиб ўтирди. Чой қуйиб узатди. Ҳукмдор узатилган пиёлани қизнинг оппоқ билаги билан қўшиб ҳовучлади...

Амир кечаси бойникида тунаб қолди. Эртасига жўнаб кетиш олдидан елкасидаги заррин тўнни ечиб, уни ўз қўли билан Мирсолибойнинг елкасига ёпди. Бу – “куёв”нинг ўз “қайнотаси”га қилган шоҳона инъоми эди.

Ҳукмдор фойтунга ўтираётиб, бойга яна бир мурувват қилди: белидаги олтин сопли қилични олиб бойга узатди.

– Муллага айтинг, Сарагулнинг никоҳини мана шу қиличга қараб ўқисин!

Бой қилични икки қўллаб олиб, соқоли ерга теккудек эгилиб таъзим қилди ва қиличнинг дамини лабига босди. У ҳукмдорни Чорраҳага кузатиб борар экан, яккаю ягона қизи Сарагулнинг бахти шоҳона бўлиб очилганини ўйлаб, тангрига шукроналар ўқиди.

Мирсолибой эртасигаёқ Сарагулни ҳарамга жўнатиш тараддудига тушди. Зумда қишлоқнинг казо-казолари хабар қилиниб, тушда келиннинг фотиҳа ошиси тортилди.

Никоҳ хутбасини ўқимоққа қишлоқ мулласи Қанд бобони чақиришди. Эчкисоқол, ориқ ва новча бу мулла хутбани бойнинг раъйи билан ичкари ҳовлида – келин билан куёв қовушган уйда ўқийдиган бўлди. Таомил бўйича қишлоқ оқсоқолларидан беш-олти киши маросимга таклиф этилди. Улар маросим охирида келин-куёв шаънига мадҳу сано ўқишлари керак эди. Мулла чинни косада сув келтириб, хонтахтага қўйди. Хонтахтанинг бир томонида – икки кайвони кампир ўртасида келин сузилиб ўтирар, хонтахтанинг иккинчи томонида амир қолдириб кетган олтин сопли қилични жиккаккина бир муллавачча тик тутиб турарди. Шу пайт бой уй тўрига ўтиб, ҳарир шойи пардани очиб юборди. Маросимда ўтирганлар бошида тож, қўлида қилич тутиб турган ҳукмдорни кўриб, дарҳол таъзимга эгилдилар.

Мирсолибой уларнинг безовталанганлигидан қаҳ-қаҳлаб кулиб:

– Ўтиринглар, жаноблар, бу олампаноҳ ҳукмдоримизнинг сувратлари-ку! – деди қилган ҳазилидан ўзи завқланиб. – Ўтиринглар, хутбани бошланг, Мулла Қанд!

Мулла Қанд жойига ўтираркан, яктагининг ёқасини очиб, кўксига икки-уч марта туфлаб қўйди.

– Бунақа ҳазил қилманг, бой, юрагим чаппа-чиллик бўлиб кетди.

Сарагул ичида кулиб қўйди. Тумонатда ўзини казо-казо деб юрганларнинг ҳукмдорнинг жонсиз суратидан шунчалик қўрқиб, довдирашлари унга зимдан нашъа қилган, қалбини ифтихор туйғуси тамоман қамраб олган эди: “Билиб қўйинглар, менинг соҳибқироним мана шунақа зот!..”

Мулла Қанд бойнинг ҳазилидан кейин ўзига келолмади, гоҳ тутилиб, гоҳ янглишиб хутбанинг арабча қисмини зўрға тугатди. Кейин бир ҳукмдор суратига, бир амир қиличига қараб, мурожаат қилди:

– Қиблагоҳи олам, бу хайрли ва файзли маросимда ҳозир бўлиб турган шу бокира қизни мусулмончилик никоҳи билан хотинликка қабул қилурмисиз?

Ҳукмдорнинг қиличини тик тутиб турган кўса муллавачча:

– Қабул қилурман... – деди минғиллаб.

Қиз муллаваччанинг ноўхшов, занчалиш товушини эшитиб, бирдан сесканиб кетди. Шу пайт Мулла Қанд қизга мурожаат қилди:

– Оқила ва бокира бўлганингиз ҳолда шу хайрли ва файзли маросимда ҳозир бўлиб турган шу йигитга... – Мулла Қанд қиличга алоҳида ишора қилиб, яна келинга юзланди, – Шу йигитга ўз танангизни топширишга розимисиз?

Қиз бир сапчиб тушди.

– Қайси йигитга?! – деди юзидаги чимматнинг бир учини кўтариб. – Вой-ой, шу кўсагами?

Кайвонилар бир томон, оқсоқоллар бир томон бўлиб қизни зўрға тинчитдилар:

– Таомили шунақа бўлади, қизим... Шу тилла сопли қиличнинг соҳиби, етти кишварнинг яктоси ҳазрати олийларига розилигингни сўраяптилар. Розиман дегин, бўтам, розиман де!..

Қиз кўнгли жойига тушиб, нақ манглайида – рўпарасида тик турган ҳукмдор суратига қараб, юраги хаприқиб:

– Розиман, – деди шошиб, – розиман!

Зўраки никоҳ маросими тугагач, бой қилични ҳукмдор сурати ёнига осиб, ҳарир шойи пардани яна тортиб қўйди.

Таомилга кўра, сепли келин борадиган уйнинг пойостонасигача уни қавму қариндошларидан иборат хотин-халаж қудалар, келиннинг дугоналари узатиб бориши шарт. Келин ва қудалар тушган икки фойтун, уч аравани хоснавкарлар Ундаредан ҳарамгача кузатиб борадиган бўлди. Олдинги фойтунда бойнинг энг севимли тулпори – ҳукмдор шикорга миниб чиққан қора арабий от қўшилган фойтунда келин ўтирар эди. Унинг ёнида Сарагулнинг ўзи тенги дугонаси – шундоқ девор-дармиён қўшниси Ҳанифахон бор эди. У келин узатгани жўнашга аввал унамади, лекин Мирсолибой унинг ота-онасини ўртага солганидан кейин, хусусан, Сарагулнинг дугонасига илтижо билан қилган обидийдаси қизни бир оз юмшатди. Қўшни қизнинг юраги зимдан нохушлик шарпасини сезиб турган бўлса-да, Сарагулнинг: “Истаса-истамаса, Ҳанифани ҳарамда ўзимга канизакликка олиб қоламан” деган махфий ниятидан у мутлақо бехабар эди...

Ҳанифанинг қисмати Сарагул айтганидай бўлди: эртасига ҳамма қудалар изига қайтди, фақат Ҳанифа билан қора Рахш ҳарам хизматида қолди. Бегойимнинг хоҳиши шундай эди, бу хоҳишни ҳеч ким икки қилолмади...

СЕВГИНИ ЯШИРИБ БЎЛАДИМИ?

Темур отасининг вафотидан кейин ҳаловат кўрмади ҳисоб: кулбаларини қум босди, куни дарбадарликда ўтди. Узоқ қариндошлари Бадал бобони қора тортиб Ундарега келди. Жигар – жигар-да. Темурнинг фиғонини эшитгач, чолу кампир роса йиғлашди. Кейин Бадал бобо арава топиб, уларни Қумбосди қишлоғидан кўчириб келди. Бобо Темур билан онасини ўзининг мўъжазгина этикдўзлик дўконига жойлаб қўйди.

Ўшанда Бадал бобонинг қизи Ҳанифа ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги кўркамгина қиз эди. Ҳанифа уйларининг орқасидаги ўрикка арқон ташлаб, қўшниси Мирсолибойнинг қизи Сарагул билан арғимчоқ учарди.

Сарагул Ҳанифага нисбатан тетикроқ, анча шаддод ва попукдаккина қиз эди. Бир куни қизлар чуғурлашиб, Темурни ҳоли-жонига қўймай ўртага олишди:

– Арқонни ўрикнинг ҳув анави баланд шохига ташлаб беринг, жон акажон, – ялинди Ҳанифа.

– Йўқ деманг, Темур ака, – деди Сарагул ҳам ёлвориб. – Биласизми, баланд шохга узун қилиб боғланган арғимчоқ узоқ учади, қандоқ мазза... Йўқ деманг энди...

Темур қизлар баланд шохдан йиқилиб-нетиб юрмасин, деб бир оз тихирлик қилиб турган эди, Сарагул бирдан тутақиб кетди. Ҳанифани “сен жим тур” дегандай нари итариб, ўзи Темурга яқин келди.

– Қилмайсизми? – деди у Темурга кутилмаганда пўписа қилиб. – Йўқ десангиз, дадамга айтаман. Дадам буюрганларидан кейин шундай қиласизки...

Темур “ялт” этиб Сарагулга қаради. Кўнгли алланечук бўлиб кетди. “Ҳозирдан шунча димоқ-фироғу шунча пўписами?”

Шундай бўлса ҳам, қизларнинг раъйини қайтармади, улар айтган шохга арқон ташлаб тушди. Шундан кейин Темур ўзини иложи борича Сарагулдан узоқ олиб юрди. Ҳанифани ҳам: “Ундан нари юргин”, деб огоҳлантириб қўйди. Лекин Ҳанифа баҳона Сарагулнинг қадами бу ҳовлидан сира узилмас, қачон қараманг, арғимчоқ учгани-учган эди.

Бир куни Ҳанифа қудуқ бошига сувга кетган эди, ҳовлига Сарагул кириб келди. Темур ўрик соясида маҳсига ямоқ солиб ўтирарди. Сарагул келибоқ арғимчоққа осилди-да:

– Арғимчоқни силкитиб юборинг, Темур ака, – деди.

– Силкитмасам, дадангизга чақмайсизми, ишқилиб? – деди Темур кулиб.

– Энди сизни сира ҳам чақмайман, Темур ака, – деди қиз бирдан кўзлари жавдираб, йигитга суқ билан боқаркан. – Энди, биласизми, дадамга сизни мақтайман...

Темур яна кулди.

– Мени мақтайдиган нимам борки, мақтайсиз, Сарагул? – деди йигит қўлидаги буришиб кетган маҳсини кўрсатиб. – Бадал бобомдан ўрганган ямоқчилик касбимни мақтайсизми? Нима қиласиз ёлғон гапириб?

– Ўлай агар, ёлғон эмас. Сизни... сизни энди мақ... – қиз тутилиб, кўзлари порлаб, икки ёноғи лов-лов ёниб, деди: – Сиз... сиз... яхши одамсиз!

Сарагул юзини терс ўгириб, арқонга чирмашди. Йигит ўтирган жойидан ярим қўзғалиб, арғимчоқни силкитиб юборди. Кейин ўзини четга олиб, иложи борича қизга қарамай ишини давом эттирди. Сарагул икки-уч арғимчоқ учиб, бирдан ўзини Темурга қараб отди. Йигитнинг елкаси аралаш бўйнига маҳкам чирмашиб, унинг ярим қайрилган юзидан чўлп этиб ўпиб олди!..

Темурнинг танаси чўғдай ёниб кетди. Бирдан ўзини қизнинг ловуллаб турган бағридан суғуриб олди.

– Бундай қилманг, уят бўлади... – Уят бўлади! – деди Темур қизариб-бўзариб қизни ўзидан нари итараркан. – Дадангиз кўриб қолсалар, ахир... ёмон бўлади!

Қиз этагини қоқиб ўрнидан турди: илк муҳаббатини, биринчи ўпичини, бутун ёниқ кўксини унга бахшида этса-ю, балоғат остонасида турган бу норғул йигит унинг кўкрагидан нари итарса... Йўқ, бу йигит кишининг қиз олдидаги гуноҳи, сира-сира кечириб бўлмас гуноҳи азимдир!

– Сиз дадамдан эмас, Ҳанифанинг кўриб қолишидан қўрқяпсиз! – деди Сарагул ичидан хуруж қилиб келган ғазабдан ҳам товуши, ҳам танаси титраб. – Сиз... номард.... номард экансиз!

Сарагул юзига қўлларини босганича уйларининг орқасидаги чорбоққа югуриб кириб кетди...

Темур Бадал бобонинг этикдўзлик дўконида икки йилча яшади. Бобо Темурдан ҳеч нарсани дариғ тутмади: ўзи нима еса, унга ҳам едирди, ўзи нима ичса, унга ҳам ичирди. Темур онасининг жасадини ҳам шу ҳужрадан чиқариб, тупроққа топширди.

Ўшанда қаҳратон қиш эди. Бадал бобо совуқ ҳужрада Темурни якка қолдирмай, ўзининг иссиқ бағрига олиб кирди. Энди тўрталаси – чол, кампир, Ҳанифа ва Темур сандалнинг тўрт бурчида ётишарди. Пастаккина сандалга тўрт жуфт оёқ кирганида, хусусан, уйқу пайти оёқлар устма-уст бўлиб қалашиб кетар эди.

Бир куни Ҳанифа уйқусираб қўлини Темур томонга чўзди-ю, алланималар деб эҳтирос билан пичирлади-да, кейин ёнбошига ағдарилиб, яна пишиллаб ухлаб қолди. Темур анчадан бери шуни кутиб юрарди: қиз уйғонгунча қўлини кўрпа остида меҳр билан силаб чиқди! Ҳанифа уйғонганда, қўли Темурнинг панжаларида эди. Қиз қўлини атайлаб тортиб олмади, йигит ўзидан билиб қўйвормади. Бармоқлар бир-бирига маҳкам чирмашиб кетди. Ёстиқлар яқин сурилиб, лаблар бир-бирини излаганида... қиз секин шивирлади:

– Сарагулни нега хафа қилдингиз?

– Сабабини ўзи айтмадими?

– Сабабини аниқ билмайман-у, лекин сиздан қаттиқ аразлаган.

– Дугонангиз учун, ишқилиб, сиз аразламайсизми мендан?

– Асло. Мен шундай бўлишини истагандим.

“Бу нима дегани? – ўйлай бошлади Темур. – Рашк қиляптими? Мени қизғаняптими? Нега?”

– Сиз шундай бўлишини истайсизми? – деди Темур анчадан кейин.

– Ҳа, – шивирлади қиз. – Шундай бўлгани маъқул. У тантиқ қиз сиздан аразлаганида... мен... мен бир оз тинчийман!

Темур нима дейишини билмай қолди. Жимлик чўкди. Анчадан кейин йигитнинг қулоғи остидан қизнинг баҳор шабадасидай майин ва ёқимли товуши шивирлаб ўтди:

Олма отдим ошириб,
Юрагимни тошириб...
Қачонгача юрамиз,
Севгимизни яшириб.

Севгини яшириб бўладими?...

ТАҚДИР ЧОРРАҲАСИ

Темур яйловдан қайтиб келганида, Бадал бобонинг уйи ҳувиллаб қолган, худди ўлик чиққан ҳовлига ўхшарди. Темур эшакни оғилга киритиб, охурда емиши бор-йўғига қарамай, шошилиб супага чиқди. Ҳар сафар даладан қайтганида, "Темур акам келдилар", дея унга Ҳанифа пешвоз чиқар эди. Темур бугун ҳам шуни кутди, лекин Ҳанифадан дарак бўлмади. Ҳовли сукутда, супада на Бадал бобонинг, на кампирнинг қораси кўринади. Темур дурустроқ разм солиб қараса, супа бу яқин орада супурги кўрмаган, шўр тупроқ пўрсиллаб ётибди. У рўпарасидаги уй эшигига қараб турди – Ҳанифанинг чиқишини яна бир лаҳза кутди. Йўқ, у чиқмади. Темур қизга илҳақ бўлиб, аслида унинг хумори тутиб келган эди. Келишига яна бир сабаб, Темур тонгга яқин туш кўрди: Ҳанифа бир гуруҳ қизлар даврасида рақсга тушаётган эмиш. Темур унинг хиромига бир дақиқа англайиб қараб турибди-да, кейин шодон қийқириб, Ҳанифага овоз берибди. Белидаги белбоғини ечиб, бир учини Ҳанифага узатган экан... у Темурга юзини тескари ўгириб, қизлар орасига кириб, ғойиб бўлибди...

Темурнинг кўнглига ғулғула тушди. Тушини ўзича таъбирлаб кўришга уринди – тиши ўтмади. Ҳайитбой билан Аҳмадга айтди, лекин улардан ҳам аниқ бир гап чиқмади. Ишбошидан бир кунга рухсат сўраб, йўлга тушди. Кела-келгунча туши ҳақида ўйлаб келди: "Ҳанифа нега мендан юзини тескари ўгирди? Нега бундай қилди, ҳайронман?.."

Супада тек, шуурсиз турган Темур уй эшигига қараб юрди. Остонада бир лаҳза тўхтади. Пойгакда Бадал бобонинг ўзи тиккан, Темур қишда ўз қўли билан сайқал берган икки жуфт кавуш. Ҳанифанинг кавуши негадир кўринмади.

"Демак, Ҳанифа уйда йўқ, – ўйлади Темур. – Қизиқ, қаерда бўлиши мумкин?"

Ичкари кирди. Уйга разм солди: тўрда сандал, устидаги кўрпа наридан-бери йиғиштириб қўйилган. Сандалдан берида, наматда ёнма-ён иккита кўрпача тўшоғлиқ. Бирида бобоси, бирида бувиси – иккиси ҳам бемажол ётибди. Сас йўқ, хона сукутда. Сандалдаги кўрпачада бароқ мушук пихиллаб ётибди. Мушук одам шарпасини пайқаб, бошини кўтарди, эринибгина миёвлади, кейин эгасини таниб, бир сакраб сандалдан тушди-да, Темурнинг оёғига суйкалди.

“Нега булар бемаҳалда ётишибди? – кўнглидан хавотир кечди Темурнинг. – Ўзи нима бўлган бу ҳовлида? Ҳанифа қаерга кетган бўлиши мумкин? Сандал нега шу кунгача уй тўридан олиниб, ўрни саранжомланмабди, ҳайронман?.. Ҳанифа иккимиз баҳор келди дегунча уйдан аввал сандални чиқариб қўярдик. Қийин иш эмас бу, Ҳанифанинг ўзи саранжомласа ҳам бўларди-ку!”

Темур Бадал бобонинг бошига келиб чўнқайди, қат-қат ажин босган манглайига кафтини қўйди. Иситмаси йўқ, лекин бутун вужуди лоҳас, мажолсиз. Бобо кўзини очди.

– Э, бўтам, келдингми? – Бобо қаддини ростлади. – Кампир, ўғлинг, келди, тур.

– Нима гап, бобо? – деди Темур томоғига бир нарса тиқилгандай. – Ҳовли тўзиб кетибди, сизлар мунақа аҳволда... – Шу пайт ёнбошидан кампирнинг заифгина товуши чиққан эди. Темур унга томон қайрилди. – Сизга нима бўлди, ойижон?

Кампир Темур кўмагида туриб ўтирди. Йиғисини ичига ютиб турган экан, бирдан икки муштини кўкрагига уриб, уввос солди:

– Ҳанифадан айрилдик, Темуржон. Жудо бўлдинг синглингдан, болам!.. Ҳаммасига худобехабар анави беимон бой сабаб. Мирсолибой мен билан бобонгни авраб, бошимизни айлантириб, Ҳанифани Сарагулга қўшиб, ҳарамга жўнатди. Қайтиб келмас қилиб жўнатди, болагинам!

Темур ҳеч нарсага тушунмас, ҳайрон ва лол, кўзларини пирпиратиб гоҳ кампирга, гоҳ бобосига қararди.

– Бундоқ... тушунтириброқ гапирсаларинг-чи... Ҳанифани Сарагулга қўшиб дейсиз... Ўн беш кунда шунча ҳангома чиқдими? Ахир, Сарагул ҳарамда нима қилади?

Бадал бобо Темурни ёнига ўтқазиб, ўзи ёстиққа тирсагини тираб чўзилди-да, бўлган воқеани бир бошдан айтиб берди.

– Бир ҳафтадан бери аҳволимиз шу, болам. Бу сўқир кўзларимизда на ёш қолди, на нам... – деди охирида чол нафаси бўғилиб. – Гоҳ кампир ҳушдан кетиб қолади, гоҳ мен, бечора Мулла Қанд ҳар куни икки маҳал кириб, ҳолимиздан хабар олиб турибди.

– Ўлдираман бойни! – деди йиғи, хўрлик тиқилиб келган бўғзига пичоқни яқинлатиб. – Мана шундай қилиб нақ бўғзига пичоқ соламан!

Чол билан кампир Темурнинг этагига ёпишишди.

– Ундай қилма, болам, ўзингни нобуд қиласан, – деди Бадал бобо зорланиб, – бой жуда ноинсоф одам. Кампир билан иккимиз кўп ялиндик, оёғига бош уриб кўрдик. Битта гапни топиб олган баттол: “Қизларинг ўз хоҳиши билан ҳарамда қолган”, дейди.

– Ёлғон! – деди Темур жаҳл билан. У худди бой билан юзма-юз туриб гапираётгандай қаҳр-ғазабга тўлган эди. – Қўйиб юборинг, бой билан ўзим бир гаплашиб кўрай.

Чол тиззалаб туриб, Темурнинг белбоғидан маҳкам тутди.

– Мени ота, мана бу кампирни она билсанг, бу раъйингдан қайт.

Шу пайт хонага Мулла Қанд кириб келди. У Темурнинг елкасидан қучиб, анчагача унга насиҳат қилди.

– Каминанинг ризқи одамлар устида: бойлар чақирса, бойларникига бораман, фуқаро чақирса, фуқароникига. Нимасини яшираман. Асли насабим фуқародан, осмондан чалпак ёғилса ҳам, ризқим яримта. Рост гап шу-да. Раъйимдан чиқма, гапимга қулоқ сол. Мирсолибойга худо бас келмаса, Темуржон, бандаси бас келолмайди.

– Тўғри, эҳтимол бас келолмасман, – деди куйиб-пишиб Темур, – лекин бу кўргиликка жимгина қараб туролмайман-ку, мулла бобо. Барибир, бойга юзма-юз бўлишим керак!

Мулла Темурни яна қучди, елкасини силади, юпатди.

– Кечикдинг, бола, гапимга ишон. Мирсолибой шу тонгда Қизил Ўрдага жўнаб кетди. Етти туя жун, ўн туя пахта олиб кетди. У ерда унинг қанча-қанча савдо дўконлари бор. Энди у бир ойдан кейинми, икки ойдан кейинми, савдо ишлари битса, қайтади.

Темур бўшашди, жойига ўтириб қолди.

Шундан кейин Темурнинг фиғони кўкка кўтарилди: бир ҳафтача ўтирса – олов, юрса – чўғ бўлиб юрди. Ахири, чидаёлмади – Ҳанифанинг бирор дараги чиқиб қолар, деган илинжда таваккал йўлга чиқди...

Тушга яқин Калта минорнинг ўнг ёнбошидаги пастаккина чойхонага кирди. Одам сийрак эди. Сири кўчган патнисда нон, сопол косада шинни олиб, чойхонанинг чеккароғига бориб ўтирди. Чойхоначи болага чой буюрди. Рўпарасида, мўъжазгина хонтахтанинг нариёғида қорачадан келган, қиррабурун, манглайи ўртасида бош бармоқнинг юзича келадиган афғон ярасининг доғи қолган, пилтаси чиққан дўппи кийган йигирма беш ёшлар чамасидаги йигит ўтирарди. Темур салом берди. Йигитдан сас чиқмади: боши эгик, бир нуқтага тикилганча миқ этмай ўтирарди.

Чойхоначи бола бир чойнак чой келтириб қўйди. Темур чойни уч марта қайтариб, бир пиёла ичди. Йигитга гапиришга истиҳола қилди, индамади. Дурустроқ разм солса, йигитнинг кўзлари юмуқ: “Ё тавба, ўтирган жойида бемалол ухлайдиган одамлар бор-а, дунёда?” – деб ўйлади. Кейин у билан умуман қизиқмай қўйди.

Анчадан кейин рўпарасидаги йигит чуқур бир тин олиб: “Таваккал”, деб пичирлаб қўйди. Ўз товушидан ўзи бирдан ҳушёр тортиб, қаршисида чой ичиб ўтирган нотаниш йигитга ялт этиб қаради. Темур шуни аниқ пайқадики, номаълум йигит “таваккал” деганида танаси хиёл чайқалиб, хонтахта четида турган ўнг қўли бир лаҳза мушт бўлиб тугилди-ю, яна тезда очилди. “Демак, у нимадандир безовта! – ўйлади Темур. – Негадир асабий!”

Темур йигитга бир пиёла чой қуйиб узатди...

– Чойингиз совиб қолди, чоғи, ака, олинг, иссиғидан ичинг.

Йигит бир оз хижолат бўлди. Саросималик билан пиёлага қўл чўзар экан:

– Узр, ука, – деди андак қизариб, – бир оз хаёлга толиб...

– Зарари йўқ, ака, – деди Темур уни хижолатдан чиқариш учун. – Хайрият, биз бечоралар шу хаёлни ҳам бировдан қарз олмаймиз. Хаёл сурганда бир оз фароғат топасан одам.

– Шундай, – деди йигит боши билан тасдиқлаб.

– Айбга буюрмайсиз, ака, бир оз безовта кўринасиз?

– Бўлса бордир, – деди йигит.

– Бирдан “таваккал” деб юбордингиз, мен ўйладимки...

Йигит бир оз сукутга толди, кейин Темурнинг синчковлиги кўнглига ботганлигини сездирар-сездирмас, секин деди:

– Бирор таваккал ишга бош қўшганманки, таваккал деганман-да, – деди қўлидаги пиёлани қайтариб бериб. – Бунинг нимасига ажабланасиз?

– Ажабланганим йўқ, – деди Темур гапни бир оз юмшатиб, – сиз айтган ўша “таваккал” мен уйим остонасидан айтиб чиққан “таваккал”га ўхшаб кетяпти-да. Шу боис сўрадим, малол келмасин, ака.

Темурнинг бу гапидан йигитнинг кўнгли хиёл равшан тортгандай бўлди.

– Яхши йигит кўринасиз, гапларингиз бамаъни...

Кўнгил-кўнгилдан сув ичар: бир оғиз ширин сўз бир-бирига майл пайдо қилди. Ўртадаги дастурхонни қўшдилар – бир шиннига, бири тутмайизга таклиф этди. Гапдан гап чиқиб, забун тақдир чорраҳасида турган бу икки йигит ўхшаш кўргилик туфайли бир-бирига анча сирдош бўлиб қолди...

Сирож асли Кумушкентдан, Абдурайимбойнинг қўйчивони эди. Ёшлигида ота-онаси ўлиб кетган. Саттор амакисининг қўлида катта бўлган. Амакиси илми бор одам эди. Уйида оғзига солгудек ҳеч бир вақо топилмаса-да, ёстиқдай-ёстиқдай келадиган китоблар қалашиб ётар эди. Жияни Сирожга ўқиш ва ёзишни ўргатди. Иккисининг ҳам тирикчилиги бир ҳисобда одамлар устидан эди: амакиси фуқаронинг арз-додини қоғозга битиб берар, шу хизматидан неки тушса, шунга қаноат қилишарди. Амакиси раҳматли Сирожнинг пешонасига сиғмади – бир кечада ўлиб қолди.

– Етим-есирларнинг бахти ўзи шунақа – бир оз чигалроқ келади, – деди Сирож Темурга қараб. – Бу хусусда амакимнинг қизиқ бир нақллари бор эди: “Жўжанинг толеи бўлсайди – товуққа эмчак битарди...” Қишлоғимизда Қомат бобо деган чорикор бор. Бобонинг Наврўзой деган қизини севиб, энди тўй қиламиз деб турганимизда, толеим чопмади. Иккимизнинг севгимиз ҳозир жар ёқасида турибди: эртага ё у ёқли, ё бу ёқли бўлади!

Темур ажабланиб сўради:

– Хўш, эртага бирор мужданинг дараги борми?

– Билмадим, – деди Сирож бошини чангаллаб, кейин Темурга яқин сурилиб, секин шивирлади, – рўпарангиздаги мана шу тош бино – қозихона, кўряпсизми? Наврўзой ҳозир шу ерда...

– Шу ерда? – деди Темурнинг кўзлари чақнаб. – Нега?

– Шунақа бўлиб қолди, иним, – деди Сирож вужуди ёниб. – Не қилай, кўргилик экан?!

“Қиз қозихонага тушдими – тамом, – ўйлай бошлади Темур, – ё қозининг ўзи унга хуштор бўлган, ё олий нуфузли бирор кимсага пешкаш қилинади!”

Ўртага жимлик чўкди. Анчадан кейин Темур Сирожга тасалли бўлсин учун:

– Ҳарҳолда, сизники кўз ўнгингизда экан, – деди, – меники аллақачон машъум ҳарам гирдобига тушган. Ҳанифанинг фақат исмигина менга хотира бўлиб қолди, ака!

– Ўзимдай дардманд кўринасиз, иним. Ҳанифа деганингиз ким ўзи?

Темур бутун саргузаштини айтиб берди. Сирож Сарагулнинг макр-ҳийласидан нафратланиб:

– Ўҳ, ёсуманни эмган шайтон-э! – деди сўкиниб. – Кўп қайғурманг, иним, мен билан сизга фақат битта бепул тасалли бор, у ҳам бўлса – умид!

– Тўғри айтасиз, умиддан бўлак қанақа таянчимиз бор бу дунёда!

– Янги гапни эшитдингизми?

– Йўқ.

– Водариғ, – деди Сирож қўли билан тиззасини беихтиёр чангаллаб, – ҳукмдор яқинда туманда халойиқ билан катта йиғин – қурултой ўтказармиш. Туман қозиси итдай изғиб, сулув қизларни овлаб юрибди. Наврўзой ана шу овнинг биринчи қурбони бўлди.

– Нафасингизни иссиқ қилинг-э, Сирож ака, – деди Темур унга дашном берган бўлиб. – Ноумид шайтон, деганлар.

– Э, иним, нимасини айтай. Топган-тутганимни қозихона далласига бериб тугатдим. Қизни қочириб бер, десам, кампир сира кўнмаяпти. Қўрқади. Қози теримга сомон тиқади, дейди. Наврўзой фақат бир ўтинчда турибди: Сирож акам мени бу зиндондан олиб қочсинлар, дермиш! Хўш, ўзингиз айтинг, бу мушкул ишни қандай уддалашим мумкин? Бу учун мендай бандаи мўминнинг қўлида Алоуддиннинг сеҳрли чироғи бўлмоғи керак, иним!

Темур индамади, сукутда қолди. У ўша сеҳрли чироқни кўз олдига келтириб, болаларча тамшаниб, ичдан ўксиниб қўйди: “Аловуддиннинг шу сеҳрли чироғи менда бўлсайди, бошимдаги бу мушкулот, эҳтимол, осон кўчармиди? Ўшанда Сирож акага ҳам ёрдамим тегарди...”

– Биласизми, иним Темур, – деди Сирож анча жимликдан кейин, – мен ҳозир ўшандай сеҳргар бир одамнинг этагидан тутганман.

– Йўғ-э, – деди Темур таажжуб билан, – сеҳргар дейсизми?

– Ҳа, – деди Сирож қатъий оҳангда, – фақат номи бўлак: Аловуддин эмас-у, Қора Даванг...

– Қора Даванг? Уни танийман. Ўн беш кун олдин ҳукмдор Ойдинкўл шикорига чиққанида, уни ўша ерда кўрганман, – деди Темур, кейин овда содир бўлган воқеалардан баъзи бирларини гоҳ мазах йўсинида, гоҳ кулиб айтиб берди. – Қизиғи шундаки, Сирож ака, яёв юрмаслик учун Қора Даванг ўзига ҳам, қозига ҳам маъқул йўл топди: “Ҳукмдор жаноблари отимизни отиб, бизни азбарои жазолаш учун отсиз қолдирдилар. Лекин эшак хусусида ҳазрати олийлари ҳеч нарса демадилар. Эшак эшак-да, бу махлуқ от бўлармиди?” – деди. Бирқулоқ қози билан иккисига эшак тутиб бердик.

– Ҳа, у ҳақиқий сеҳргар: ўзига ҳам, ўзгага ҳам йўл топишига ишонаман! – деди Сирож ўйга толиб. – Лекин... шарти оғир, жуда оғир, иним!

– Сўзланг, ака, қандай шарт!

– Бировга айтиб бўлмайди.

– Наҳотки менга ишонмайсиз, ака? Тақдиримиз бир бўлса, кулфатимиз бир бўлса...

– Ишонаман! – Сирож кўзларини номаълум нуқтага тикиб, паст, шивирлаган товушда деди: – Ишонаман сизга, иним, биласизми, шарти қанақа? Ҳукмдорга ўқ узишим керак!

Темур сесканиб кетди.

– Нима? Ҳукмдорга ўқ узасиз?

Ҳаяжонга тушган Темур ёниб-куйиб сўзларди:

– Ундай қилманг, ёлвораман сизга... Ўзингизни нобуд қиласиз. Ишонманг унақа сеҳргарга ҳам, унинг сохта сеҳрига ҳам!..

– Йўқ, энди бўлмайди, иним. Мен каломуллога мана шу шўр манглайимни босиб, қасамёд қилганман. Энди фойдасиз, иложи йўқ, Наврўзой учун ҳамма нарсага тайёрман, иним!

– Тўғри-ю, лекин... Ҳукмдор қайда-ю, сиз қайда? – Темур ҳам куюниб, ҳам ёлвориб деди. – Бу ишдан нақ дўзахнинг ҳиди келяпти. У қаллобнинг қўлига қандай тушиб қолдингиз, ҳайронман?

– Нимасига ҳайрон бўласиз, иним, – деди Сирож ташвиш тўла қиёфасини осойишталикка мойил қилиб. – Касалнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади...

Сирожнинг Қора Даванг билан учрашуви жуда қизиқ бўлган эди. Ўшанда Сирож яйловда қўй боқиб юрарди. Дарада ҳукмдор навкарлари ногаҳон пайдо бўлиб қолди. Қўй подаларини тўрт тарафга тум-тарақай қилиб ҳайдаб юборишди. Сирож анграйиб қолди. Уст-боши навкарлардан сал бошқачароқ – башанг кийинган, тақа мўйловли киши қўйчивон ёнига келди. Бу навкар эмас, ҳукмдорнинг энг ишончли мулозими Қора Даванг экан. Ўзини Сирожга шунақа деб танитди. Кейин шерикларини чорлади: бирини Ғилай, бирини Чиноқ деб чақирди. Сирож қимиз қуйиб берди.

– Гап бундай, – деди Қора Даванг қимизни ичиб, косани чўпонга узатаркан, – қўйларингни бу яйловдан кўчирасан. Бу теварак-атрофда битта ҳам жонзот бўлмайди. Уч кундан кейин амирликнинг катта йиғини – қурултойи ўтади. Қурултойдан олдин бу яйловда кўпкари бўлади. Ҳазрати олийлари улоқни томоша қилиб, сўнг йиғинга борадилар. Кўпкари ўтиб бўлгунича бу ерга йўлама, бола, бўлмаса нақ бошинг кетади! – деди пўписа қилиб.

Сирож кўнди. Ғилай билан Чиноқ яйловни кўздан кечиргани от суриб кетишди. Қора Даванг яна қимиз сўради. Сирож коса тутди. У қимиз ичяпти-ю, Сирож бўлса унинг ҳайбатига қараб хаёл суряпти: “Наврўзой учун қозининг устидан арз қилсам, арз-додим қўр олармикан? Ё амир ҳазратларига арзим бор десам, бирор ёрдами тегармикан бу хунасанинг?” Хуллас, Сирож журъат қилиб, гап бошлади. Қора Даванг дам-бадам қимиз ичиб, Сирожнинг арзини охиригача эшитди, сўнг дарё томон от суриб кетиб қолди. На ҳа деди, на йўқ. Сирож бемажол ўтириб қолди, ўзини-ўзи қарғади: “Арз-додингни кимга айтиб ўтирибсан, эй, нодон!?”

Сирож мулозимнинг бу андишасиз хатти-ҳаракатидан қаттиқ ўксиди. Не хаёлларга бориб, не хаёллардан қайтди. Саттор амакиси бир пайтлар айтиб берган бағоят ситамли нақл беихтиёр хотирига тушди: “Фуқаро қозидан жабр кўрса – қозикалонга боради; мабодо қозикалондан жабр кўрса – кимга боради?” Кимга борса борсин – бефойда, чунки барча ноҳақ ситамларнинг бошида ҳукмдорнинг ўзи турибди! Ситам кўрмаган одам бу гапни айтмайди, тўғриси, айтолмайди! – ўйлади Сирож.

Сирожнинг хўрлиги келди. Хусусан, мулозимнинг ҳеч нарса демай кетиб қолгани туриб-туриб алам қиларди унга.

Анчадан кейин Қора Даванг яна от суриб, Сирожнинг ёнига қайтди. Отдан тушди. Сирожнинг тирсагидан тутиб, тўқайга олиб кирди. Кўкрагига бир мушт урди, йўқ, оғритмай, беозоргина урди. Кейин унинг кўксига қўлини ниқтаб туриб, сўради:

– Бу ерда ўзи нима бор?

Сирож саволдан талмовсираб қолди, кўксини кўрсатиб, сўради:

– Бу ердами? Бу ерда – кўкрак.

– Ичида нима бор?

– Ичида... юрак, ўпка, яна...

Сирожнинг пойма-пой жавобидан Қор Даванг кулиб юборди.

– Биламан, лекин ишқ-муҳаббат деган жонивордан нима бор? – деди тақа мўйловини бураб. Сўнг муштини яна Сирожнинг кўкрагига тақаб туриб, деди: – Бу юракдаги ҳавас хўрозқандга ўч бола ҳавасидай ўткинчи бир нарса эмасми, ишқилиб?

– Ҳақорат қилманг, тақсир! – деди Сирожнинг жаҳли чиқиб. – Мен Наврўзой учун ҳамма нарсага тайёрман. Жон керак бўлса, жонимни ҳам тикканман бу йўлга, тақсир!

– Яхши, – деди Қора Даванг, – журъатинг менга маъқул. Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, – деди хушнуд бир кайфиятда унинг елкасига қоқиб, – жон куйдирмасанг, жонона қайда... Энди гап бундай, сен учун битта йўл бор.

– Гапиринг, тақсир.

– Ҳукмдорни отишинг керак!

Сирож бир қат учиб тушди. Билиб бўлмасди: бу хунаса Сирожни синаяптими ё чин гапиряптими? Сирож унинг афтига қараб, ҳеч нарса англай олмади: юзи мумдай қора, чап кўзи юзи билан қўшилиб тез-тез пирпираб учиб туради, қоп-қора мўйлови от тақасидай дўрдоқ лабининг икки чеккасида осилиб ётибди. “Алҳазар, – дея ёқасини ушлади Сирож, – наҳотки, бу одамнинг юзидан, кўзидан бирор нарсани англаб бўлмаса?! Тошдан тарашланган ҳайкалга ўхшайди, тавба!”

– Эҳ, нодон, – деди мулозим Сирожнинг чўчиганини сезиб, – шу яримта юрагу шу тиртиқ ўпка билан яна ошиқлик даъвосини қилиб юрибсанми?! Ҳақиқий ошиқлик, унинг йўлида жон фидо қилиш – Фарҳоду Мажнунлар билан ўтиб кетди. Сен ҳезалакдан на Фарҳод чиқади, на Мажнун. Мишиғингни артиб ол. Ҳукмдор қурултойга келган куни қози суйган жононингни амир ҳазратларига пешкаш этиб, худди қизил олмадай қилиб

қўйнига солиб беради. Сен мишиғингни ялаб юравер, – деди Қора Даванг Сирожни мазах қилиб, кейин таҳдид товушида деди: – Гап шу ерда қолсин. Оғзингдан гуллаб юрсанг, билиб қўй, ёш жонингга жабр бўлади!

Мулозим шартта орқасига қайрилиб, отига миниб кетмоқчи бўлди. Сирожнинг боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Ўзини унинг оёғи остига қандай отганини билмай қолди. Чакмонининг этагидан маҳкам тутиб, ялина бошлади:

– Кетманг, – деди ёлвориб, – розиман. Лекин... қўйган шартингиз... мана бу савил қолгур калламга сиғмай турибди, тақсир!

Қора Даванг истеҳзоли кулди. Оёғи билан Сирожнинг биқинига туртиб, тур, деб имо қилди. Сирож турди.

– Бу ёғини менга қўйиб бер, нодон, – деди мулозим. – Амир билан сени ўзим юзма-юз қилурмен!..

– Ана шунақа гаплар, Темур иним. Туринг, қолган гапни ташқарида гаплашамиз, – деди Сирож юзига фотиҳа тортиб. – Бу ер димиқиб кетди.

Темур чойхоначи бола эшитсин учун чойнак қопқоғини тақиллатиб, пиёлага танга ташлади...

ТАВАККАЛ

Ҳаво очиқ. Қуёш тиккада. Чойхона остонасидан бошланган тақир яланглик ўртасида Калта минор гўё танасини қуёш тафтига тутиб турган ҳайбатли паҳлавонга ўхшаб, барваста қад кўтариб турибди. Ялангликнинг нариёғи қозихона, пастаккина дарвозасининг бир табақаси очиқ.

Сирож қозихона дарвозасига мунг билан қарай-қарай, Темурни у ердан эргаштириб ўтди. Иккиси минора орқасидан айланиб, жин кўчага кириб кетишди. Кўча ҳар хил чиқинди уюми билан тўлиб кетган жарликка келиб тугади. Улар жарлик ёқалаб қозихонанинг орқа томонига ўтишди. Сирож рўпарасидаги баланд деворга ўрнатилган қийшиқ, занг босган темир дарча ёнига келиб тўхтади.

– Темурхон, – деди Сирож, – сиз ҳув анави қуриган дарахт панасида бирпас кутиб туринг мени. Андак юмушим бор бу ерда.

Сирож темир дарчани секин тортиб кўрди, очилмади. Яна тортди, чертди. Кутди – тезликда ичкаридан жавоб бўлмади: “Ҳар дафъа келганимда далла кампир шу дарча олдидаги каравотда тикиш тикиб ўтирарди. Нега жавоб бермаяпти?” – хавотирга тушди Сирож. Нима қилишини билмай иккиланиб турганида, дарчанинг тирқишидан кимдир тўрт буклоғлик қоғоз узатди. Сирож қоғозни олди-да, Темур кутиб турган дарахт остига қараб юрди. У шошиб хатнинг қатини очди: қай кўз билан кўрсинки, хат у кутган хат эмас, балки далла кампир қўл билан битилган шумхабар эди!

“Йигит, энди мени тинч қўй. Иложим йўқ, ҳаммаси тугади. Тақсир қози қизни менга ҳам ишонмай қўйди, уни ичкари уйга кўчириб, ўзи назорат қилиб турибди...” – Сирож хатнинг у ёғини ўқиёлмади. Кўзи тиниб, боши айланиб кетди. Қўлидаги қоғозни беихтиёр ғижимлади, кейин яна қоғоз

қатини очиб, унга тикилди. Кўзлари қоғознинг бир жойига қадалиб тураверди:

“Иложим йўқ, ҳаммаси тугади...” – Яна қайтиб ўқиди, бу сафар овоз чиқариб, Темурга эшиттириб ўқиди:

– “Иложим йўқ, ҳаммаси тугади!..” Далла кампирнинг бу шумхабарини эшитяпсизми, иним? Бир ҳафтадан бери Наврўзойнинг қўли теккан, кўз ёшлари томган мактублари билан нафас олиб тургандим. Парвардигор менга шуни ҳам кўп кўрди, иним! Энди камина билан Наврўзойнинг забун тақдиримизни ўша... фақат ўша – тақсир Қора Даванг қўйган шарт ҳал қилади!

Темур уни раъйидан қайтариш учун вазмин мулоҳаза юритиб:

– Сирож ака, – деди, – бу шартга кўниш ҳам, уни бажариш ҳам оғир, жуда оғир. Ёш бошингизни бундай таҳликага қўйманг, ўйлаб кўринг.

– Ҳаммасини биламан, билиб туриб барибир бажараман бу шартни! – деди ўртага бошқа гап сиғмайдиган даражада қатъий қилиб. – Бажараман, иним, бошқа иложим йўқ! Бир илинжим шу кампир эди. Бу нокас ҳам оладиганини олиб, нима қилай, энди юз ўгириб турибди.

Темур Сирожнинг қўлтиғидан қўлини ўтказиб, паст-баланд тақир яланглик бўйлаб аста-секин бошлаб келаверди. Улар қабристон сукунати чўккан тақирликда анчагача ҳангомалашиб бордилар. Тепа шохлари каллакланган, калтагина соя солиб турган гужум остида бир лаҳза тўхтадилар.

– Отишни биласизми? – сўраб қолди Темур бирдан.

– Милтиқ отолмаган чўпон чўпонми? Бўри бор, тулки бор... Мерган бўлмасам ҳамки, ҳарҳолда эплайман.

– Милтиқ кимники?

– Абдурайимбой берган, – деди Сирож, – Қора Давангнинг навкари кеча иккита ўқ келтириб, милтиққа жойлаб берди. Милтиқ тўқайда, яшириб келдим.

Темур ҳайрон бўлиб сўради:

– Иккита ўқ жойлаб берди дейсизми?

– Ҳа. Иккаласи ҳам заҳарланган экан.

– Заҳарланган?

– Ғилай шунақа деди.

– Амир билан қаерда тўқнашасиз?

– Эртага тушда яйловда кўпкари бошланади. Амир биринчи улоқни чавандозларга ўз қўли билан ташлаб берармиш. Кеча Қора Даванг Ғилай билан келиб, менга амир ўтадиган йўлни кўрсатди. Катта чошгоҳда амир Сарипул кўпригидан қайриладиган тўқай йўлига тушиб, дарё қирғоғи бўйлаб отда ўтади. Яйловга етар-етмас, йўлда бир букри жийда дарахти бор. Ана шу дарахт остида пойлаб ётаман. Қора Даванг отда амир билан ёнма-ён келаётган бўлади. Қора Даванг қўлидаги қамчисини елкасидан ошириб, бошидан баланд кўтарган заҳоти... амирга қараб ўқ узаман!

– Ие-ие, Сирож ака, тўхтанг, – деди ҳайрон бўлиб Темур, – амирга рўбарў бўлиб ўқ узадиган сиз, хўш, бу ишда Қора Даванг қамчисининг нима дахли бор? Кўтарадими, туширадими, қизиқ...

– Ким билади, – деди Сирож елкасини қисиб, – шартимиз шунақа. Ўқ заҳарланган, афтидан, бошқаларга шикаст етмасин дейдими, ишқилиб, иккимизга фойдали бирор тадбирни ўйлаган-да.

– Хўш, ўқ уздингиз, дейлик, амир йиқилди... Кейин нима бўлади?

– Кейин тўқайга қараб қочаман. Олатасир бошланади. Табиийки, ҳамма амир билан овора бўлади. Шунда Қора Даванг жаноблари мени тутиб олиш учун Ғилайни ортимдан юборади. У мени тўқайда тутиб олиб, хуфия йўл билан мана шу қозихонага олиб келади. Наврўзой билан иккимизни отда Хатирчига қараб қочириб юборади. Хатирчида Қора Даванг жанобларининг одамлари бизни кутиб олади, кейин...

– Кейин... мурод-мақсадларингизга етасизлар, худди эртакдагидай. Шундайми? Афсус, эртакка ўхшамаган эртак бу, чўпчак бу!

– Шундай – деди Сирож Темурнинг қочиримини англамай. – Эҳтимол, бу қасоснинг сизнинг қисматингизга ҳам бирор фойдаси тегар... Амирнинг ўлимидан кейин ҳарам қопқаси ҳам очилиб қолар...

– Насиб, – деди Темур, – лекин ҳамма гапларингиз уйқу олдидан болаларга айтиладиган эртакка ўхшайди: ҳам лаззатли, ҳам даҳшатли, ҳам... Билмадим, яна қанақа? Ишқилиб, бир ишкали чиқмасайди. Ойдинкўл шикоридан кейин одамлар оғзида ҳар хил миш-мишлар юрибди: Қора Даванг шунақа бир сеҳргар мўлтони эканки, ҳўкизнинг қаншарини силаса.... жонивор бир пақир сут бераркан!

Сирож ўзини тутолмай кулиб юборди.

– Одамлар қизиқ, – деди анчадан кейин бир оз жиддий тортиб, – улар бировни ёмон кўришмасин, бировни яхши кўришмасин... Кўнгилларига ёқмаган одамга дарров дум тақадилар. Кап-катта одам каломуллои шарифни шафе келтириб, қасам ичса-ю, наҳотки, яна сўзидан қайтса?!

– Нечукдир кўнглим така-пука, Сирож ака. Айтган гапларингиз худди чўпчакдай. Бадал бобом айтадиган сиртига асал суртилган оғу ҳақидаги эртакларга ўхшайди.

Сирож ўзини тақдирга тан берган, вазмин бир қиёфага солиб, зўраки жилмайди:

– Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битади. Мен сизга айтсам, Темуржон, таваккалдан зўри йўқ!

Ўшанда бу гап Темурга ҳам анча маъқул тушди. Чунки унинг ўзи ҳам Ҳанифанинг изларини излаб уйдан чиққанида бир томонини таваккал қилиб йўлга тушган эди. Лекин Сирож таваккал деб босган қадам қалтис, жуда қалтис эди. Шу боис Темурнинг кўнгли сира ёришмаётган эди.

– Бўйнингиздаги юмушни бажариб келгунингизча сизни шу чойхонада кутаман, Сирож ака, – деди Темур у билан хайрлашаётиб, – бу ердан тополмасангиз, мен шаҳарга тушаман, мардикор бозоридан изланг.

Темур тақирдаги дўнгликка чиқиб, Сирожнинг орқасидан узоқ қараб қолди. Кўнгли нечукдир суст тортиб кетди: кўзларига ёш келди...

ҚАСОС

... Сирож букри жийда остида писиб, милтиқ тепкисига бармоғини босиб, ҳукмдорни кутар эди...

Унинг қаршисида ҳар хил ўт-гиёҳ билан қопланган эгри-бугри йўл. Йўлнинг икки ёни кета-кетгунча паст-баланд тўқай. Икки тиззаси ва тирсакларига тиралиб ғужанак бўлиб ётган Сирож букри дарахтнинг шох-новдалари орасидан тепага – қуёшга қаради. Вақт тушга яқинлашиб қолган эди. Ҳар бир дақиқа бамисоли йилдай чўзилиб ўтяпти. Гўё тегирмон тошидай унинг кифтини эзяпти...

Шу пайт нарироқда бойқушнинг товуши эшитилди:

“Қу-у-қ”. Бирпас ўтмай қуш кўкка кўтарилиб, икки-уч чарх уриб айланди-да, Сирож писиб ётган букри дарахтнинг қуриган шохига келиб қўнди. Яна чўзиб: “Қу-у-қ” деди. Сирожнинг ғашига тегди. Эшитгани бор, бойқуш сайроғини ёмонликка йўйишади. Ётган жойидан кесак кўчириб отди. Қуш учиб кетди, лекин товуши қаердандир анчагача эшитилиб турди...

Узоқдан от туёқлари дупури эшитилди. Ўн чоғли аскар Сирож ётган пистирма ёнидан от солиб ўтиб кетди. Улар ортидан яна учта отлиқ ўтди. Улар кетгач, тўқайга яна сукунат чўкди.

Сирож йўлга қарашдан, рақибини кутишдан толиқди. Узоқдан яна отларнинг кишнагани эшитилди. Олдин элас-элас, кейин аниқ, яқиндан эшитила бошлади. Ҳу ана, тўқай муюлишида отлар тўдаси кўринди. Олдинда икки от – саман ва тўриқ. Сирож саман отдагина амир деб тахмин қилди: зарбоф тўнда, белида олтин камар, тўқаси офтобда ялтирайди; ўнг томонидаги тўриқ отда – Қора Даванг, ўзини ҳам, отини ҳам дарров таниди.

Сирожни кутилмаганда аллақандай бир ҳис – қўрқувми, ҳаяжонми босиб, тирноғигача музлаб кетди. Кейин танасини лоп этиб бирдан аланга қоплаб олгандай, тирноғигача ловиллаб ёниб кетгандай бўлди. У қўлидаги милтиғини эпга сола олмай, дарахт ёнбошидан туртиб чиққан бачки шохга қўйиб, қўли титраб рақибини мўлжалга ола бошлади: бармоқ тепкида, фақат уни босиш қолди!..

Шу пайт... Ҳаммаси бир лаҳзада бўлди: пистирмага йигирма қадамча қолганда Қора Даванг қамчисини бошидан баланд кўтариб... бирдан ўзини амир миниб келаётган отнинг гарданига ташлаб, додлаб юборди:

– Эҳтиёт бўлинг, олампаноҳ, тўқайда қо-о-тил!

Қора Даванг саман отнинг ёлини маҳкам чангаллаб, бутун гавдаси билан амирни тўсиб, ўз кўксини қотил ўқига тутиб берган эди!

Амир довдираб қолди. Назарида қулоғи остида нимадир “тарс” этди, кейин вишиллаган бир товуш тўқайга сингиб кетди.

Амирнинг кўзи тинди. Хоснавкарларнинг шов-шуви, отларнинг бесаранжом кишнаши уни баттар карахт қилиб қўйди. Сарбозлар амирни дарров қуршаб олдилар.

Қора Даванг ўзини тезда ўнгариб, қотил ортидан тўқай ичкарисига қараб от солди. У йўлсиз, сўқмоқсиз, қотил билан изма-из борар эди. Тўппончасини белидан суғуриб, қотилни икки марта отишга шайланди, лекин “бир оз

ичкарироқ кирсин, ўша ерда гумдон қиламан” деган мақсадда қувиб бораверди. Бирдан қотилни кўздан йўқотди. Тўқай ичкарисида отда юриш мушкуллашди. Юлғун, қора қамиш ва ёввойи жийда аралаш-қуралаш бўлиб ўсган бирининг новда-танаси иккинчисига миниб-чирмашиб, йўловчига худди тўрдай тўсиқ солар эди. Қора Даванг отдан кўра пиёда юришни маъқул кўрди: “Барибир узоққа кетолмайди, – ўйлаб борарди у, – узоққа кетолмайди...”

Кейин бирдан ўзининг отилгани эсига тушди, кўкрагини пайпаслаб кўрди, тўхтаб, банорас чопонининг ёқасини очиб қаради. Отилган икки ўқдан бирортасининг ҳам унда асорати йўқ: икки ўқ амирнинг боши устидан ўтиб кетган эди!

“Ношуд, шуни ҳам эплаб отолмадинг-а? – деб Қора Даванг Сирождан аччиқланиб, алам билан кўкрагини чангаллаб қўйди. – Отиш қанақа бўлади, мен ҳозир сенга кўрсатиб қўяман. Шундай отайинки, зумда тилсиз гувоҳга айлангин. На бу дунёда, на у дунёда қайта тилга кирмай кетасан!

Қора Даванг ўз хаёлларига ўзи ғарқ бўлиб, тўппончасини олдинга ўқталганича, ҳарсиллаб кетаётган эди, тарвақайлаб ўсган юлғун ортидан Сирожнинг ўзи товуш берди:

– Мен бу ердаман, тақсир бу ердаман!..

Қора Даванг тўхтади, уни кўриб вужуди титраб кетди:

“Падарлаънат, мен билан бекинмачоқ ўйнаяпсан-а?”

Сирож Қора Давангга қараб югуриб келаверди: ўнг елкасида милтиғи осиғлиқ эди.

– Ассалом, тақсир.

Қора Даванг индамади, уни аниқ нишонга ола бошлади. Мана, бармоғи тепки устида турибди...

– Амир... амир ҳазратлари ўлдими? – Нафаси тиқилиб, ҳарсиллаган товушда сўради Сирож. – Ўл-ўл-дими?

Бу сўроқдан Қора Даванг беихтиёр қалтираб кетди. Бутун вужуди бир лаҳза муз қотгандай бўлди: қўли ҳам, танаси ҳам, фикри ҳам...

Сирож ҳаммаси олдиндан келишганимиздай бўляпти деб ўйлар, шунинг учун ҳам Қора Даванг қўлидаги тўппончага қараб тикка келарди. Қора Давангнинг ортиқ сабри чидамади.

– Тўхта, қотил! – деди ғазаб билан бақириб. – Сен амир ҳазратларининг ўлимини тилайсанми, газанда?

Қора Даванг тўппончани унга қарата устма-уст бўшатди. Сирож кўксини чангаллаб, ажриқ устига қулади.

– Не-е-га-а? Не-га? Қора-а-а Даванг жа-ноб-лари... бундай келишмаган эдик-ку...

У икки-уч тўлғонди-ю, товуши ўчди.

Қора Даванг мурдани оёғи билан туртиб, жони чиққанига тўла ишонч ҳосил қилгач, теварак-атрофга қараб дод солди. Ҳаммадан олдин тўқайга Ғилай етиб келди. Келди-ю, бу ердаги қонли манзарани кўриб тамом гангиб қолди:

– Тақсир, чўп... чўп-о-он болани отиб қўйибсиз-ку?!

Ғилайнинг афсус чекиб айтган норози оҳангдаги сўзлари Қора Давангни ўзига келтирди. Кўнгли бирдан ғаш тортди: унда негадир садоқатли навкари Ғилайни ҳам тилсиз гувоҳга айлантириш нияти туғилди. Агар тезроқ шундай қилмаса, чўпон бола билан ўртасидаги хуфия ишларнинг хашаги очилиб қоладигандай бўлиб туюлди.

Қора Даванг тўппончасини Ғилайнинг кўкрагига тиради.

– Чўпонга ачиняпсанми, сотқин?!

Ғилай довдираб қолди.

– Ахир, тақсир, унга ўзимиз...

– Ўзимиз?! – бўкирди Қора Даванг ва Ғилайнинг кўксига қараб икки марта ўқ узди. Кейин тўқайни бошига кўтариб яна дод солди. Энди чиндан ҳам йиғлаб, бўзлаб дод солар эди... Мулозим ва сарбозлар қуршовида от солиб амир етиб келди. У икки навкар кўмагида отдан тушди. Чўзилиб ётган икки жасадни кўриб, қути ўчди. Қора Даванг амирнинг оёғига йиқилди:

– Бир қошиқ қонимдан ўтинг, олампаноҳ.

– Гапир, – деди амир. – Тезроқ гапир, димоғимни қон ҳиди тутиб кетди!

– Қотилни орқасидан қувиб келиб, худди шу ерда тутдим. Қарасам, менга милтиғини ўқталяпти... Ёнимда Ғилай турувди. Қотилнинг менга ўқталганини кўриб Ғилай чидаёлмади: бирдан унга ташланди, қўлидан милтиқни тортиб олмоқчи бўлди. Қотил уни отиб қўйди. Бечора Ғилай тўлғаниб жон узяпти-ю, қотилни кўрсатиб: “Отинг!” – дейди. Кейин сабрим-чидамади, давлатпаноҳ, отиб ташладим!

Амир гарангсиб қолган эди. Саройда, ташқарида, ўзи оёқ қўйган теварак атрофда тез-тез содир бўлаётган бу хунрезликлар унга қаттиқ таъсир қилган эди: “Бу қандай кўргиликки, етти кишварнинг назари тушган мамлакат аҳли фуқаросининг олампаноҳи бўлсам-у, каминага бирор осуда дам бўлмаса?! – Ранги қув ўчган, икки қошининг ўртаси паст-баланд бўлиб чимирилган амир ўз тақдирига ўзи мунажжимлик қиларди. – Қадам боссам, рақибим оёғим остидан чиқади, ишонган одамларим уқувсиз, телба-тескари. Саройда фисқу фасод, шикорга чиқсам хунрезлик. Бирор сафолик кун бўладими-йўқми ўзи, эй, парвардигор?! Магарам, тахти олийга бирор нопок ғаламис аралашдими ё амирлик тахти кўзга кўринмас, нозик бирор еридан дарз кетган-у, бу фоний дунёдан каминанинг насибаси узилганми?! – Бу сўнгги фикрдан амирнинг вужуди титраб кетди: – Ё, алҳазар, паноҳингда асра, эй қодири олам!..”

Амир Қора Давангнинг манглайи тираниб турган оёғини силтаб, унга тур, деб ишора қилди. У қаддини ростлади, худди гуноҳкорлардай яна таъзимга эгилди.

– Кўрдингизми, Қора Даванг жаноблари (амир биринчи марта унга шундай мурожаат қилаётган эди!), давлатимиз паноҳида юриб, кўзимизнинг ёғини ялаб, пистирмадан туриб ўқ узарлар, зимдан тил бириктириб, ҳар қандай қотилликка қўл урурлар, – деди бирдан амирнинг жазаваси тутиб, кейин ер тепиниб сўкинди. – Бундай нонкўрларни аямаслик лозим – чопиш, отиш, осиш керак! Мана бу қотилга эса юртимиз хоки поки ҳайф. Кўммангиз, танаси бўриларга ем бўлсин! – Кутилмаганда амирнинг қонсираган катта-катта кўзлари навкар жасадига қадалиб, жим қолди: “Қотилнинг боя нишонга

олиб отган ўқлари менга текканида, эҳтимол, мана шу навкардай камина ҳам...” – У бирдан сесканиб, юзини терс ўгирди.

– Навкарнинг жасадини бу ердан олиб кетинг, – буюрди овози дарз кетиб. – Иззат-икромини қилиб, ерлатинг!

Бош эгиб, амирнинг ҳаракатини ҳушёр кузатиб турган Қора Даванг четланиб, унга йўл берди. Амир шашт билан олдинга одимлаб, ўзига ўқ узган қотилнинг мурдасига яқин келиб:

– Билдингизми, Қора Даванг жаноблари, менинг қоним бу иблисга нечун керак бўлиб қолибди? – деди ёнига ярим қайрилиб Қора Давангга қараркан. – ё бирор калтафаҳмнинг иғвосига учганму?!

– Йўқ, олампаноҳ, – деди Қора Даванг, – биринчи ўқдан кейин ўзи тилга кирди... Сиз ҳазрати олийларига қасоси бор эмиш...

– Қанақа қасос экан?

– Бу хунаса севган қизни қози жаноблари сиз олампаноҳга пешкаш қилиш учун...

– Тушунарли! – деди амир қўлини силтаб. – Шунга шунча ғавғо-ю, шунча даҳмазами, нонкўр?! Ўзи қаердан экан?

– Шу ердан – дарё бўйидан, Абдурайимбой деган бойнинг қўйчивони экан, олампаноҳ.

– Бунақа бойни эшитмаганман, – деди амирнинг зардаси қайнаб. – Амирлик салтанати соясида фароғатда яшаган бойнинг нонкўр бир чўпони амирга суиқасд қилади-ю, у билмайдими?! Бундайларнинг жазоси не, Қора Даванг жаноблари?

– Тушундим, олампаноҳ, тушундим, – деди Қора Даванг икки қўлини кўксига босиб. – Суриштирурмен...

– Суриштириш эмас, жазолаш даркор!

Қора Даванг яна таъзимга бош эгиб, Абдураҳимбойни зудлик билан жазолашни ўз бўйнига олди.

– Айтганингиздай қилурмен, ҳазрати олийлари!

Амир ғолибона кайфиятда ортига қайтди ва Қора Давангнинг елкасига кафтини қўйди.

– Хўш, жароҳатланмадингизми?

– Толеимизга сиз омон қолдингиз, шунинг ўзи бахт, олампаноҳ!

– Сиз менинг жонимга ора кирдингиз, – деди амир унинг елкасига меҳр билан қоқиб. – Ҳали сизни кўп хушнуд этурмиз. Хотирангиздами, Қора Даванг жаноблари, Ойдинкўл шикорида содир бўлган ўша кўнгилсизликдан кейин сизга бисёр ранж-алам ўтказган эрдик. Ўша куни неча чақирим пиёда юргансиз, бирқулоқ қози билан? Ҳи-ҳи-ҳи... Неча чақирим дейсиз? Эшак минганингизни ҳам эшитдик. Ҳи-ҳи-ҳи!... – Амир кулгисидан кейин бошқа мулозиму сарбозлар ҳам қотиб-қотиб кулишди. – Ўша ранж-аламлар учун, боз устига, бугунги жасоратингизга ярашиқ сизга шоҳона бир инъом ҳадя этурмиз. Жаноб қози пешкаш қиладурган ўша нозанин сизга бўлғай!

– Сизнинг ҳар бир инъомингизни биз фақирлар шоҳона мурувватту амирона туҳфа деб билурмиз, олампаноҳ! – деди Қора Даванг қуллуқ қилиб ва югуриб бориб амирнинг этагини ўпди...

ГИРДОБ

Эртасига тушдан кейин Калта минор чойхонасида дув-дув гап тарқаб қолди: ҳукмдор ҳазратларига узилган ўққа сарой мулозими Қора Даванг ўзини қалқон қилиб, олампаноҳнинг азиз ва муборак жонларини асраб қолибди!..

Темур чойхонада энди бир дақиқа ҳам туролмаслигини билди. Ташқари чиқди. Кўча гавжум. Одамларнинг оғзида турфа ҳангома, эшитган қулоқни батанг келтирадиган миш-миш:

– Эшитдингизми, ҳазрати олийлари ўзларига пешкаш қилинган қизни ўз халоскори – Қора Давангга инъом этмишлар!..

Бу хабарни эшитиб, Темурнинг фиғони фалакка чиқди, боши ғувиллаб, ўзини қўярга жой тополмай қолди:

“Ҳайҳот, бу не кўргилик эди? Тамом, ҳаммаси тамом бўлди. Наврўзойнинг қисмати энди не кечади? Таваккал деб босган қадаминг сени жарликка қулатди, Сирож ака! Алвидо, дўстим, биродарим, алвидо!!!”

Темур шошиб катта чорраҳага чиқди. Шаҳарга олиб борадиган қайроқтош йўлга узоқ қараб турди, кейин чориғининг ипларини маҳкам боғлаб, йўлга тушди... Темур қайроқтош босилган йўлда пиёда юриш машаққатини биринчи бор кўрди. Йўл тор бунинг устига, фойтун, арава ва якка от минган йўловчиларнинг “пўшт-пўшти” қулоқни қоматга келтирарди. Бирор аравага илиниб оларман, деган илинжда Чорбоғкентгача пиёда борди. Бахтига на бир бўш арава, на бир фойтун учради. Аравакашлар қамчисини боши устида айлантириб, унинг олдидан шитоб билан ўтиб кетишарди:

– Чу, жонивор!

Темур шу алпозда Чорбоғкентдан ўтиб, катта кўприкка келиб тўхтади. Дарё шовуллаб гирдоб уриб оқяпти. Темур кўприк ёғочига тираниб, дарё оқимини узоқ томоша қилди: “Бадал бобом ёмон туш кўрсанг, тушингни оқар сувга айт, енгил тортасан, дердилар. – Темур дарёга қараб хаёл сурарди. – Тушимда эмас, ўнгимда кўрганларимни ҳозир сувга айтсам, дарё тўлғаниб, тескари оқади!”

Темур дарё лабига тушди: енгларини тирсагигача шимариб, яхшилаб ювиниб олди. Қоматини ростлаб, юз-қўлини белбоғига артиб турганида, икки от қўшилган, усти ёпиқ фойтун кўприкка чиқиб келди. Дарё кўприги тагига яқин тургани учунми, отларнинг туёқ товуши Темурга жуда даҳшатли туюлди. Фойтун узун ёғоч кўприкнинг қоқ ўртасига етганида кўприк лапанглаб, акс-садо берди. Темур кўприк устига дурустроқ разм солиб қараса, фойтун ортида икки навкар ёнма-ён от солиб келяпти. Худди шу пайт Темурнинг кўзи олдида етти ухлаб тушига кирмаган воқеа содир бўлди: усти ёпиқ аравanинг орқа эшиги қарсиллаб очилди-да, бир қиз ўзини олдин кўприкка ташлади, кейин кўприк қирғоғидаги пастаккина ёғоч чамбаракдан ошиб, дарёга отди. Қиз ортидан семиз бир кампир аравадан отилиб тушди. Қизга чанг солди, лекин улгуролмади – қизнинг бошидаги рўмоли унинг қўлида ғижимланиб қолди...

Бу ёғини Темур билмайди: қандай қилиб ўзини дарёга отди, қандай қилиб қизни гирдобдан суғуриб олди? Йўқ-йўқ, ҳаммаси ғира-шира хаёлида, элас-элас кўз ўнгидан ўтяпти, лекин ғарқ бўлаётган қизнинг у билан худди рақибидай олишганига ҳамон ўзи ҳайрон. Тавба, нега бу қиз ўлимга бунча талпинади? Қизнинг дод солиб, Темурнинг юзига чанг солгани, қарғангани ҳали-ҳали қулоғи остида жаранглаб турибди: “Бу қора қузғунлар дастидан ўз ихтиёринг билан ўлолмасанг, бу яна қанақа ситаминг бўлди, эй парвардигор!”

Темур бу ёғини аниқ билмайди. Кимнингдир кўмаги билан бир амаллаб қирғоққа чиққанини хиёл эслади. Сўнг оғзидан сув кетиб, беҳуш йиқилди....

ОҒИЗГА ОЛИБ БЎЛМАЙДИГАН ГАП

Темур кўзини очса, дарё қирғоғида, кўм-кўк ажриқ устида ётибди. Ёнида на бояги қиз бор, на фойтун, на семиз кампир. Боши устида Сарипул кўпригининг қоровули – кўринишидан ёшини чамалаш қийин, кўса башара, кекирдаги бўртиб, ўнг қўлининг бармоқлари кесилиб, чўлтоқ бўлиб қолган жиккаккина бир одам турарди.

– Кўзингни очдингми, йигит? Хайрият-э, қўрқитиб юбординг-ку мени, – деди Темурнинг манглайини қўлидаги белбоғи билан артиб. – Яктагинг билан белбоғинг нариги қирғоқда қолган экан. Олиб келдим. Ўзим ҳам ўйладим-а, бунақа ишни белида белбоғи бор йигит қилади, деб.

Темур туриб ўтирди. Бошини пастга осилтириб, ўзини икки-уч силкитиб кўрди, хаёлида танаси тик турадиган эмас – гавдаси бир томонга беихтиёр оғиб, кўзи тиниб кетяпти. Оёққа турган эди, қалқиб кетди, қоровул тутиб қолди.

– Ичингда сув бор... Ўтиб кетади, болам. Юр, қоровулхонада жой қилиб бераман.

Қоровул йигитни ҳужрага олиб кириб, кўрпача солиб берди. Темур ёстиққа бош қўйиб, шифтга тикилиб сўради:

– Кетишдими?

– Қизни зўрға аравага олиб чиқдик. Кушхонага кетишини билган эчкидай ўзини тўрт тарафга уради, тавба...

– Ким экан?

– Билмадим.

– Билиш керак эди-да.

– Сўраб ўтирмадим. Суриштирсанг ҳам, балога қоласан бу балохўрлардан.

– Кампирни ҳам танимадингизми?

– Аравани танигандайман. Кўп ўтади бу ердан. Жуда зарур бўлса, ҳали қайтганида аниқлаб бераман.

Темур ёлворган товушда деди:

– Қизнинг кимлигини билиш керак. Билишим жуда зарур!

– Кутамиз, кечгача қайтар... Аниқлаб бераман.

Темур ҳамон ўша қиз хусусида ўйларди: “Қизиқ, ким экан, у қиз? Бордию... Наврўзой бўлса-чи? Наҳотки, уни ўз қўлим билан қузғун қўлига топширган бўлсам?!”

– Мен қирғоққа тортсам, тавба, у гирдобга тортади, – деди қоровулга бўлган воқеани изоҳлаб, қиздан норози бўлиб.

– Қиз жонидан тўйган кўринади, – деди қоровул афсус билан бош чайқаб. – Эҳ, қизи тушмагур. Сувда ўласанми, ўтда ўласанми, бекорга ўлиб кетаверасан – бу замонда кимнинг парвойи. Бу тўрт кунлик хуфтон дунёда сабр-косангни тўлдирганлар қасдига сабр-қаноат билан яшамоқ даркор. Одам боласи биров ўтказган ситам билан ўладиган бўлса, рости гап, мен аллақачон ўлишим керак эди. – У панжасиз қўлини яктаги енгидан чиқариб, Темурга кўрсатди.

Темур ўзи сўрашга ийманиб турган эди, унинг чўлтоқ қўлини силаб, сўради:

– Нима бўлган, ота?

– Э, болам, бунинг тарихи узоқ.

Эшикка яқин жойдан отнинг кишнагани эшитилди. Кимдир, афтидан, отда туриб қамчи дастаси билан қоровулхона эшигини қаттиқ қоқди.

– Ҳой, кўса, қулоғинг том остида қолганми? Чиқ, Қора Даванг жаноблари сўраяптилар.

Қоровулнинг гапи чала қолиб, шошилиб эшикка чиқди. Темур Қора Даванг номини эшитиб, ирғиб жойидан турди. Қоровулхонанинг йўл томондаги деворига лойшувоқ қилиб ўрнатилган шиша туйнукка яқин келиб, ташқарига қаради. Қора Давангни дарров таниди. Лекин у бундан ўн беш кун олдин Ойдинкўл шикоридан Бадал бобонинг эшагини миниб қайтган нотавон мулозимга ўхшамас, ҳозир эгарга сиғмай, от белини майиштириб, савлат тўкиб ўтирарди.

Темур туйнукдан қараб туриб, Қора Давангнинг Ойдинкўлда айтган гапларини беихтиёр эслади. Мана энди иккаласи юзма-юз турибди – ўртада фақат шиша кўзли туйнук... Ўшанда негадир Қора Давангнинг товуши ҳозиргидай эмас, шикаста ва мулойим эди: “Бўладиган болага ўхшайсан. Бошингга иш тушса, каминани эслагин, иншооллоҳ, тирик бўлсам, сендан ёрдамимни дариғ тутмасмен!” Темур ўшанда қўлини кўксига босиб: “Раҳмат, тақсир” деган эди. Энди-чи? Иккаласи юзма-юз турибди. Орадан бор-йўғи ўн беш кун ўтди. Ўтган фурсатда Сирожнинг фоже қисмати қиздирилган темирдай ловиллаб, Темурнинг кўксига ботди: “Сирож акага қилган ҳийла-найрангларингдан бехабар бўлганимда, бошимга тушган ситамлар туфайли, эҳтимол, сендан бирор мадад кутардим... Йўқ, энди сен менинг наздимда одам қиёфасидаги шайтон, ҳа-ҳа, қари шайтонсан! Ёрдаминг ўзингга сийлов. Сирож аканинг хуни тутсин сени илоҳим!” Темур кўзини чирт юмиб, манглайини шиша туйнукнинг муздай пастки қиррасига босди...

Қоровул ҳамон Қора Даванг қаршисида қўл қовуштириб турарди.

– Ҳа, кўса, – деди Қора Даванг унинг саломига алик олмай, – бу фоний дунёда ҳамон нафас олиш билан оворамисан?

– Ҳазилингиз асло қолмади-қолмади-да, тақсир... – деди Мажид қоровул яна таъзим қилиб. – Бу фоний дунёда нафас олишни бас қилиб, боқий дунё рихлатига тараддуд кўрсам ҳам бўларди-ку, аммо-лекин юртда ёмонлар кўпайиб кетди-да, тақсир.

– Кўпайса, кўпаяр, бунинг сен кўсага не дахли бор? – деди Қора Даванг боя бошлаган ҳазилини давом эттириб.

Мажид қоровул яна қуллуқ қилди.

– Дахли шуки, тақсир, ёмонлар ичида яшаш қанчалик даҳшат бўлмасин, барибир яшаш керак. Машойихлар: “Яхшилар – ёмонлар риштасига тушган тиғ”, дермишлар, тақсир!

Қора Даванг Мажид кўсанинг жавобидан кулиб юборди. Қамчининг учи билан кўсанинг елкасига туртди, яна ҳазил қилгиси келди.

– Теша тегмаган қайроқи гапларни топасан, калланг бигиз. Қўй-чи, кўса, ҳалиги... олтин сопли пичоқни қайси қўлинг билан олган эдинг?

– Чап қўл билан, тақсир, – деди Мажид қоровул чўлтоқ қўлини енги ичидан чиқариб.

– Э, сенга жабр бўлган экан-да, ўшанда чапи қолиб, ўнги кетибди-да, а?

– Ҳа, тақсир, ўшанда кўзларингизни жаҳл пардаси шундоқ қоплаган эдики, на чапни кўрар эдингиз, на ўнгни.

Қора Даванг эгардан тошиб ётган қорнини силкитиб-силкитиб кулди.

– Энди... энди бу қўлингга эҳтиёт бўл, кўса!

Қора Давангнинг қиёфаси бирдан тундлашиб, қоровулдан сўради:

– Абдураҳимбой Сарипул кўпригидан қачон ўтди, кўрмадингми?

– Кўрдим тақсир, офтоб эндигина ниш урган эди.

Қора Даванг ғижиниб қўйди.

– Эшитдингми, кўса, амир ҳазратларининг муборак жонларига қасд қилмоқчи бўлган чўпонни бойнинг ўзи гиж-гижлаган экан.

Мажид қоровул афсус билан бош чайқади:

– Ким қилмагай – ким тортмагай. Ал-қасосу минал ҳақ, деганлар, тақсир!

– Балли, – деди Қора Даванг товуши кутилмаганда мулойим тортиб.

– Афсус, кўса, минг афсус, тўқайда бўлган отишма пайтида содиқ навкарим Ғилайдан ажрадим. Қотил кўз ўнгимда уни отиб ташлади.

– Эсиз, – дея чин дилдан афсусланди қоровул, – фариштадай бегуноҳ эди раҳматли!

– Нимасини айтасан, кўса, – деди Қора Даванг овозига синиқлик бериб, – энди илож қанча, жойи жаннат тўрида бўлсин!

– Айтганларингиз келсин, тақсир! – деб қоровул юзига фотиҳа тортди. – Раҳматли уч кун олдин кўкнор уруғи сўраб ҳужрага киргани шундоқ кўз ўнгимда турибди. Кунжут уруғи бўлса ҳам майли деган эди. Топиб бердим. Чўнтагидан иккита милтиқ ўқини чиқазиб, пистонига кўкнор уруғи аралаштириб жойлади-да, кейин...

– Кейин... кейин нима бўлди? – Қора Даванг қутурган шердай бирдан наъра тортиб, узангида оёққа турди. – Кўрдингми, чўлтоқ, сен манфур фариштадай бегуноҳ кетган марҳумнинг тобути ортидан ҳам бўҳтон тошини

отишдан қайтмайсан. Келиб-келиб, менинг содиқ навкаримга туҳмат қилдингми, палид?! У кўкнор ёки кунжут уруғини бошига урадими?!

Қора Даванг қоровулнинг елкаси аралаш қамчи тортиб юборди. Мажид қоровул тош йўлга юзтубан йиқилди. Қора Даванг бир қўлида қамчи, бир қўли билан эгар қошини маҳкам тутиб, қоровул устига энгашди.

– Яна қандай бўҳтонинг бор, нокас!? Айт, гапир!

Мажид қоровул бошига, елкасига устма-уст тушаётган қамчи зарбидан ерда ғужанак бўлиб ётар, бош кўтармас, лекин бошида қонли қамчи осилиб турганини қўрқув аралаш ҳис этиб турарди.

– Кечиринг, тақсир, Ғилай тўғрисида ёлғон гапирдим.

– Ёлғон дейсанми? – Мазах қилиб яна сўради мулозим. – Ёлғон дейсанми?

– Ғирт ёлғон, тақсир. Ғилай ҳужрамга киргани ҳам йўқ, кўкнор уруғи сўрагани ҳам йўқ... Ўқ тўғрисидаги гап ҳам ёлғон. Кечиринг, тақсир!

– Тур ўрнингдан!

Қора Даванг эгарга ўрнашиб ўтираркан, қоровулнинг туришини кутиб турди. У қанча кутганини билмайди: қоровул турди, кир, чувалашиб титилган салласини ердан олиб қоқди, бошига омонат ўрнатди, уст-бошини тузатиб, Қора Давангга қараб таъзим бажо келтириб, кутиб турди. У кўсага шуурсизгина тикилар, ҳеч нарсани кўрмас, фикрида нуқул қоровул айтган ўша икки ўқ!.. Қўрғошинга кўкнор уруғи аралаштириб тайёрланган сохта икки ўқ хаёлида чарх урар эди:

“Жойинг дўзахнинг тўрида бўлғай, Ғилай, келиб-келиб оғзи шалоқ бир кимса билан иш битирганмидинг, нодон? Энди қандай қилсам бу кўсанинг сассиқ оғзидан сохта ўқ хусусидаги ҳангомани йўқота биламен?! Йўқотишим шарт, йўқотмасам, кўса шу сассиқ ҳангомаси билан мени йўқотади. Агар бу гап оғиздан-оғизга ўтиб амирликка тарқаса, ҳазрати олийларининг каминага қилган шунча шоҳона мурувватлари, шунча амирона инъомлари бир пул бўлади. Ойдинкўлда юз берган хўрликдан баттар хўрлик тушади бу бошимга. У ерда-ку, саман отимдан ажраган эдим... энди... энди жонимдан ажрайман!”

– Кўса, – деди Қора Даванг анча сукутдан кейин босинқи товушда, – оғизга олиб бўлдиган гап бор, оғизга олиб бўлмайдиган гап бор, бировга айтиб бўладиган калима бор, инчунин, айтилмайдигани бор. Сиз бу хусусда анча омисиз. Қуръони каримда битилганидай, марҳумлар гуноҳи бировга айтилмайдиган калима хилидандир. Шу боис ҳар қандай гуноҳи азимга дучор бўлган марҳуму марҳумани лаҳадга қўйгандан сўнг, халойиқ: “Яхши одам эрди, раҳматли!” – дея юзига фотиҳа тортадур.

Мажид қоровул Қора Давангнинг ҳар бир сўзини: “Шундай, тақсир”, деб маъқуллаб, тез-тез эгилиб турди...

Икки отлиқ шаҳарга қараб от суриб кетишди. Мажид қоровул уларнинг ортидан узоқ қараб қолди. Қайроқтош йўлда йўртиб бораётган отлар кўзга кўринмай қолди, туёқларнинг товуши ҳам тинди, лекин кўприк қоровулининг қулоғи остида Қора Давангнинг беўхшов овози ҳамон шанғиллар эди: “Оғизга олиб бўладиган гап бор, олиб бўлмайдиган гап бор...”

Қоровул Қора Даванг олдида не гуноҳ қилиб қўйганини тушунмади, тўғриси, тушунолмади, охири кифтини учириб, зўраки: “Тушунарли!” деб қўйди-да, ҳужра эшигига қайрилди...

ТУЯНИНГ ДУМИ ЕРГА ТЕККАНДА

Сарипул кўприги бошидаги мўъжазгина ҳужранинг лойсувоқ қилиб ўрнатилган шиша туйнуги ортида тик турган Темурнинг ҳозир на гапиришга, на эшитишга, на эшитганини мушоҳада этишга мажоли етар эди. Қора Давангнинг ювош, итоаткор Мажид қоровулга қилган разилона муносабати, сохта ўқ хусусидаги сохта найранглари Темурни тамом карахт қилиб қўйган эди. Унинг бошида Бадал бобосидан эшитган ажиб бир нақл ғужғон ўйнар, ўйламай деса ҳам фақат шуни ўйлар, фақат шунинг мағзига тиш ургиси келарди: “Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?” Қоровулнинг ўқлар хусусидаги ҳангомаси Қора Давангни нега бунчалик қутуртирди, нега?”

Қоровул ҳужрага кирганида Темур деворга ўнг елкаси билан мажолсизгина суяниб, икки қўл эшикда, қоровулнинг киришини кутар эди. У қоровулга кўзи тушиши билан:

– Раҳ....-раҳ-ма-а-т сизга, ҳақиқатнинг учини... фақат бир учинигина очдингиз, – деди нафаси тортиб-тортиб. – Сирож аканинг қўлидаги милтиқ бойники бўлгани билан, ўқларни Қора Даванг жойлаб берган... Инонинг, ёлғон гапирсам, тил тортмай ўлай. Сирож аканинг ўзи айтиб берган эди чойхонада. Суиқасд бошида Қора Давангнинг ўзи турибди!

– Жим, жим, бунақа гапларни бировга айтиб бўлмайди! – Қоровул эшикдан кираверишдаги зах босган чоққина даҳлиздан намат тўшалган тахтага чиқиб, Темурни суяб кўрпачага ётқизди. Тирсаги тагига ёстиқ қўйиб берди. Елкаси қамчи зарбидан моматалоқ бўлиб кетган бўлса-да, Темурнинг олдида ўзини вазмин тутиб, унга ётиғи билан тушунтирди. – Жим, болам, бировга айтадиган гап бор, айтиб бўлмайдиган гап бор...

Қоровулнинг бу итоаткорона мулоҳазасидан Темурнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Боя Қора Давангдан эшитиб, энди менга сотяпсизми бу гапни? – деди йиғлагудек бўлиб. – Биров, биров дейсиз, мен сизга кўнглимни очдим-ку?

– Барибир. – У ҳужранинг наридан-бери панжакаш қилинган ғадир-будир қора деворини кўрсатди. – Кўряпсанми, тўрт девор... Деворда ковак бор, ковакда сичқон, сичқонда эса нима бор?.. Қулоқ! Бу гапларинг Қора Давангнинг қулоғига етиб борса, на сен соғ қоласан, на мен, укдингми?

Темур индамай қолди. Анчадан кейин:

– Ҳеч бўлмаса, сизга... сизга айтишим мумкинми, йўқми? – деди зардаси қайнаб. – Ичингдагини бировга айтолмасанг, кўрганингни бировга гапиролмасанг, қанақа замон бўлди бу ўзи?!

– Кўчага олиб чиқма, фойдаси йўқ, – деди қоровул дашном оҳангида. Сўнг оғзида нос борлиги учун “ш” ҳарфини чўзиб деди. – Хўш-ш, гапир, нима демоқчисан?

– Гапирсам, гапим шуки... Амирга узилган ўққа Қора Даванг ўз кўксини тутиб беришига сира-сира ишонгим келмайди. У милтиқдаги ўқ сохта, ёлғондакам эканлигини олдиндан билган. Билмасайди... Боз устига Сирож ака мўлжални тўғри ололмаган.

– Бу шубҳангда жон бор, – деди қоровул оғзидаги носини тупуриб, бир қултум чой билан халқумигача чайиб ташларкан. – Амир ҳазратлари тахти олийдан мабодо сафарга чиқадиган бўлсалар, билгилки, Сарипул кўпригининг қоровулларига юмуш кўпаяди: амирнинг йўлга чиқишидан икки-уч кун олдин саройдан ҳали униси келар, ҳали буниси келар; ҳали уни буюрар, ҳали буни... Ўша кунлар Қора Даванг серқатнов бўлган эди. Икки ёнида икки навкари – Чиноқ ва Ғилай. Ғилай раҳматлининг мен билан бир оз ошначилиги бор эди, ора-сира яширинча мана шу ҳужрамга келарди, эзиб-эзиб кўкнор ташардик иккимиз, кейин ҳасратлашардик. Бир куни бир ҳовуч кўкнор уруғи сўради. Кунжут уруғи бўлса ҳам майли, деди. Топиб бердим. Мана шу ҳужранинг эшигини ичдан беркитиб, чўнтагидан иккита ўқ чиқазиб, ичидаги дорини дастурхон устига бўшатди, кейин қўрғошин доналарига кўкнор уруғини аралаштириб, қайта жойлади. Нега бунақа қиляпсан десам, гап бор. Қора Даванг тақсирларининг буюрганлари шу, деди. Эртасига Ғилайга кўкнори эзғилаб, роса ичирганимдан кейин ўзи айтиб берди: агар ўққа кўкнорми ёки кунжут уруғини қўрғошинга аралаштириб жойланса борми, отилганда ўқ бетаъсир бўларкан...

– Демак, Ғилай тайёрлаган икки ўқ... Шу, Сирож аканинг милтиғига жойланган ўқ бўлган!

– Ким билади, – деди қоровул елкасини қисиб, – тепамизда Оллоҳ, бировнинг уволига қолмайлик.

– Кўнглим аниқ сезиб турибди, ўша... ўша!

– Бу кўнгил дегани кўп нарсани сезади: яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам. Лекин ундан не фойда? Ҳозир юртда Қора Давангнинг дамига кўндаланг келадиган одам йўқ ҳисоби. Ҳозир унинг раъйига бас келиб бўлмайди. Яшашни истасанг, замона зайлига қараб замонасозлик қил, болам, ўшанда ютасан...

Темур қоровулнинг бу гапларидан шашти синиб, узоқ сукутда қолди. Анчадан кейин қовоғини солиб:

– Мендан яширманг, туйнук олдида туриб ҳаммасини эшитдим, – деди, – Қора Даванг билан муносабатларингизга ҳайрон бўлдим; бир қараганда, эскидан ошнага ўхшайсизлар, бир қараганда... қўлингизга нега бунча осилиб олди?

– Ҳа, қўлми? – деди Мажид қоровул саросима ичида чуқур тин олиб. – бунинг тарихи узоқ. Айтсам, эшитишга ҳозир сабринг чидамайди, болам.

– Чидайди, сўзланг.

– Юр, ташқари чиқайлик, ҳам кўприкни кузатамиз ҳам... майли, айтиб бераман.

Ташқари чиқишди. Кўм-кўк чим устида иккаласи ёнма-ён ўтиришди. Мажид кўса саргузаштини узоқдан бошлади...

– Отам қишлоғимиздаги Зокирбой деган бойнинг қўлида чўпон эди. Болалар билан даштга ўтин тергани борганимизда, мен ҳам отамга қарашиб турардим.. Даштда ўз кўзим билан кўрганман: қўйчивонларнинг ҳоли хароб, усти юпун эди. Бир куни отам чўпонларни тўплаб, бойга арзга борибди. Чўпонлар оёқларидаги тўзиган чориқларини, устларидаги йиртиқ чопонларини кўрсатиб, бойдан қиш олди мурувват қилишни сўрашибди. Бой чўпонларни отам бошлаб келганини пайқабди. У отамнинг қўлидан тутиб, четга олиб чиқибди ва йўлда лўкиллаб ўтиб кетаётган туяларни кўрсатиб, ҳамма эшитадиган қилиб, баланд овозда сўрабди:

– Булар нима?

– Туя, – дебди отам.

– Кимники?

– Бўйнидаги қўнғироқларига қараганда саройга қарашли чоғи, – деб жавоб берибди отам.

– Кўрдингми, – деди бой отамнинг елкасига қўли билан шаппатилаб, мазах оҳангида, – амир ҳазратларининг лак-лак нортуялари оёқлуччак[1] юрибди-ю, сенлар мендан иссиқ пойафзал талаб қиласанлар. Шу гапим қулоқларингда бўлсин: амир ҳазратлари туяларига иссиқ пойафзал кийдирган куни ҳузуримга келинглар, ана ўшанда сизларга чориқ эмас, баланд пошнали этик олиб бермасам, юзимга тупуринглар!

Чўпонлар индамай бош эгиб кетишибди.

Эртасига отам ўз қарамоғидаги бор қўйни йўл бўйига ҳайдаб чиқиб, тўғри келган одамга тарқатиб чиқибди. Қўйлар талаш бўп кетибди. Бой эшитиб, қўрага келибди. Отамдан қўйларни талаб қилибди. Отам бойни етаклаб, ҳозиргина ўзи миниб келган нортуя олдига, томошага йиғилган оломон олдига олиб келиб, ҳамма эшитадиган қилиб, ундан сўрабди:

– Бу нима?

– Туя, – дебди бой.

Отам туянинг думини бойга кўрсатиб, сўрабди:

– Бу нима?

– Дум, – дебди бой.

– Ниманинг думи?

Бой ҳайрон бўлиб:

– Туянинг думи, – дебди.

– Балли, – дебди отам бойнинг елкасига қоқиб, – ана шу туянинг думи ерга текканида келинг, бутун қўйларингизни ўшанда ошиғи билан топиб бермасам, юзимга тупуринг!

... Отам шу қилмиши учун амир зиндонида ўн йил ётиб чиқди.

Амир обхонасидан қайтганидан кейин бир кун мени чақириб: “Мана, бир йигит ёшини яшаб бўлдинг, лекин дунёга келиб, бирор рўшнолик кўрмай юрибсан: на хотин ҳузурини, на фарзанд ҳаловатини кўрдинг. Бу Дашти Тақирда (қишлоғимизнинг номи шунақа) яна эллик йил яшасанг ҳам икки

[1] Оёқяланг демоқчи.

қўлингни бурнингга тиқиб юраверасан, – дедилар. – Сендан ўтинчим, шаҳарга бор. Зиндондалик пайтимда бир ошна орттирганман. Ўзи Дашти Тақирдан, Қора Даванг деган ҳамқишлоғимиз. Зиндонбошининг калитбардори эди. Эшитишимча, Малик чўлида бўлган кўпкарида жуда катта шуҳрат қозониб, амир назарига тушибди. Ҳозир саройга ўтибди, амирнинг энг ишончли мулозимларидан экан. Ўшани излаб топ. Қандай хизматга олса ҳам кўнавер, йўқ дема.

Отамнинг раъйидан чиқолмадим. Қора Давангни излаб топдим. Ҳовлиси шаҳарнинг Қоплон гузарида экан. Хизматкор қилиб олди. Данғиллама ҳовли. Хотин-боласидан бўлак ҳовлида битта чўри қиз. Наби деган ўн яшар югурдак бола. Қора Давангнинг тантиқ бир ўғли бор, Наби ўша билан овора. Чўри қиз қозон-товоқ, мен бўлсам ташқари ҳовлининг юмушлари билан банд эдим.

Шу тариқа бир йил ўтди. Бир куни Қора Давангнинг олтин сопли пичоғи йўқолиб қолди. Ҳовлида изланмаган жой, бармоқ урилмаган ковак қолмади. Топилмади. Бу гап Қора Давангнинг қулоғига етди. Негадир мени эмас-у, эр-хотин иккиси Набини ўғри тутдилар. Қора Даванг болани чунонам урдики, бечоранинг кўкармаган, ёрилмаган жойи қолмади. Чидаёлмадим. Ўзимни Қора Давангнинг оёғи остига ташладим.

– Тақсир, бир қошиқ қонимдан ўтинг, мени шайтон йўлдан оздирди. Пичоқни мен олган эдим, – дея қўлидаги қамчисига ёпишдим. У бўшашиб кетди. Қамчини отиб юборди. Наби унинг оёғи остидан жон талвасасида туриб, қочиб қолди. Унинг оқсоқлана-оқсоқлана дарвозага қараб қочгани ҳали-ҳали кўз олдимга турибди!..

Қора Даванг гапимга ишонмай, анчагача менга тек қараб турди.

– Сени ўзимники деган эдим, кўса.

Йиғламсирадим.

– Шайтон раъйига кирдим, тақсир.

– Пичоқ қаерда?

– Пичоқ... пичоқ узоқда. Бировга қарзим эвазига бериб юборганман, – дедим.

– Муҳлат берсам, пичоқни топиб келасанми? Қўрқма, қарзингни ҳам ўзим тўлайман.

– Йўқ, тақсир, – дедим қатъий қилиб, – сира иложи йўқ.

– Тур ўрнингдан, – деди.

Турдим. Саллам печидан тутиб, тўғри молхонага етаклади.

– Пичоқни қайси қўлинг билан олган эдинг? – деди. – Тўғрисини айт, қайсиниси билан...

Индамадим. Шунда кундани кўрсатиб, имо қилди:

– Қўлингни кундага қўй, – деди.

Айтганини қилдим. Белидан қилични суғуриб, мана шу ўнг қўлимнинг панжаларини шартта чопиб ташлади...

Беш кун ташқари ҳовлидаги ҳужрада ётдим. Намат куйдириб, қўлимга ҳадеб қоракуя босаман. Энди ҳовлидан бош олиб кетишим қолган эди. Хаёл-бехаёл бир кун дарвозадан чиқай деб тургандим, ичкари ҳовлидан чўри

қизнинг додлагани эшитилди. Орқамга қайтдим. Қиз тут устида туриб, ниманидир имлаб кўрсатар, ўпкасини тутолмай:

– Топилди, тақсир, топилди! – деб чинқирар эди.

Қора Даванг деразадан бошини чиқариб:

– Нима топилди, зумраша, мунча қақиллайсан?! – деди қизни жеркиб.

– Пичоқ, тақсир, – деди қиз шохга қадалиб қолган пичоқни кўрсатиб, – тут ейман деб чиқсам, олтин дастали пичоғингиз бу ерда экан, тақсир.

Ичкаридан Қора Даванг, хотини ва тантиқ боласи чиқиб келди. Унгача мен ҳам дарахт остига яқин бориб қолдим. Бола пастдан дарахтга қадалган пичоқни кўриб, чапак чалиб, ҳадеб ирғишлайверди. Дадасининг этагига ёпишиб: “Мен чумчуқни пойлаб отган эдим, дада. Катта бўлсам, сиздай мерган бўламан, дада!..” – деди. Тақсир ўғлини эркалаб, кифтига кўтарди. Бола дадасининг елкасида туриб чўзилиб, олтин сопли пичоқни ўз қўли билан дарахт танасидан суғуриб олди!

Қора Даванг пичоқни ўғлининг қўлидан олиб, у ёқ бу ёғини айлантириб кўрди. Кейин менга қараб:

– Ёлғон ҳам эви билан-да, кўса, – деди гина қилиб. – Ўша тирранчани қутқазаман деб ўзингга жабр қилдинг-да!..

Индамадим, ўртага бошқа гап сиғмас эди. Чўлтоқ қўлимни қўлтиғимга тиқиб: “Ҳовлингни елкамнинг чуқури кўрсин!” деб чиқиб кетдим. Ўшандан бери мана шу Сарипул кўпригида қоровулман.

Темур Мажид кўсанинг сабр-бардошига, итоаткорлигига қойил қолиб, жойидан турди. Унинг кўз олдидан кундага қўйиб чопилаётган бармоқлар, жон ҳовучлаб оқсоқлана-оқсоқлана қочиб кетаётган югурдак Наби сира нари кетмас эди...

– Набидан хабарингиз бўлмадими кейин?

– Йўқ, кўп излаб тополмадим. Қора Давангнинг уйига ҳам қайтиб бормаган. Агар тирик бўлса, ҳозир сенинг ёшингда бўларди. Нечадасан, болам?

– Йигирмада.

– Агар умрим етса, Набини мана шу чўлтоқ қўлим билан елкасидан қучиб, бағримга бир босгим бор. Сен шоҳид.

Темур ўрнидан туриб, йўлга нигоҳ ташлар экан:

– Қаранг, амаки, арава келяпти, – деди. – Ўша усти ёпиқ аравага ўхшайди.

– Мен тўсинни ташлайман, – деб қоровул кўприкка югурди. Арава бир лаҳзадан кейин кўприк тўсинига келиб тўхтади. Кўсанинг аравакаш билан муомаласи пишмади – у соқов экан. Араванинг пардаси ташлаб қўйилган кичкина дарчаси очилиб, кампир ичкаридан бўйнини чўзди.

– Нима гап? – деди у дағдаға билан. – Биз Қора Даванг жанобларининг фармонлари билан...

– Биламан, хоним, қанақа юмуш билан юрганингизни, – деди қоровул кампирни таниб. – Боя бир оғиз қуруқ “раҳмат”ни ҳам насия қилиб кетдингиз. Ўзини сувга ташлаган ожизангиз жонига ора кирган йигит мана

менинг ёнимда турибди. Ҳеч бўлмаса, ўзингиз бир оғиз “раҳмат” денг, бошқа умидворлигимиз йўқ сиздан, хоним.

– Мендан умидвор бўлиб фойда кўрмайсизлар, – деди кампир биратўла икки елкасини дарчадан ташқарига чиқариб, мўлтони кўзларини уларга тикаркан. – Ҳурлиқонинг ҳузурини Қора Даванг жаноблари кўради, малзамати менинг бошимдами, ҳой одамзот? Ҳи-ҳи-ҳи...

Темур кампирнинг бачкана қочиримидан, беҳаё кулгисидан дарров тушунди: “Демак... демак у қиз – Наврўзой экан. Бундан чиқди, мана шу қўлларим билан қизни ажал гирдобидан қутқазиб, шу қўлларим билан қора қузғун панжасига топширибман-да!.. Бундан кўра гирдобда ғарқ бўлиб, ўлиб кетгани яхши эмасмиди?!.”

Арава жойидан жилди. Лекин Темур жойидан жилмас, тўғриси, жилолмас, кампрнинг мўлтони кўзлари кўз олдидан нари кетмас, унинг бачкана қочиримлари ҳамон қулоғи остида жаранглар эди: “Ҳурлиқонинг ҳузурини Қора Даванг жаноблари кўради, малзамати менинг бошимдами?!.”

Темур қизнинг Қора Даванг панжасига тушишида нечукдир ўзини айбдор ҳисоблар эди:

– Мен учун бу не юз қаролик бўлди, ўзингиз айтинг, амаки?! Сирож аканинг тирик руҳи, Наврўзой шўрликнинг обидийдаси нечук мени тутмасин, ўзингиз айтинг, қандай бадбахтлик бу?!

Темур аламидан йиғлаб юборди.

БИР ҚАБРДА ИККИ МАРҲУМА

Бир куни, тўғриси, Темурнинг омади чопди...

Бу юртда иккита бозор, одатда, офтоб нур сочмай, эрта тонгда гавжум бўлиб кетади: бири мол бозори, иккинчиси мардикор бозори. Бу икки бозорнинг обдан рафторини олган корчалон харидорлар ҳамиша бухороча бир нақлга амал қилишади: эрта келсанг – бозор, кеч келсанг – мозор...

Нураган, пастак пахсаларда икки оёғини осилтириб ўтирган норғул, рустамнамо мардикор йигитларни харидорлар эрта тонгда танлаб олиб кетишар, кун ёришганда эса бозор тугаб, у ерларга мозорат сукунати чўкар эди.

Темур қарийб бир ойдан бери мана шу мардикор бозорига қатнар эди. Бир куни жуда қизиқ бўлди: новча, оппоқ соқоли кўксини тўлдириб турган, нуроний бир чол Темурнинг рўпарасида тўхтаб, унга узоқ синчков назар ташлади.

– Кетмонга тобинг қалай, йигит? – деди. – Лойчопиқ қўлингдан келадими-йўқми, ростини айт?

Темур бобонинг назаридан кўз узмай, кулиб жавоб берди:

– Бизнинг томонларда янги туғилган боланинг танглайини энагаси кетмоннинг сопи билан кўтаради, ота. Ирими шунақа.

– Гапни-ку дўндираркансан, – деди бобо мийиғида кулиб, – бир синай-чи, ишга нечук экансан.

Бобо мардикор йигитнинг кунлик иш ҳақини суриштириб ҳам ўтирмай, бир ҳафтага шартлашиб, ўзи билан олиб кетди.

Чол эшакда, Темур пиёда, шаҳар оралаб ўтдилар. Чолнинг қишлоғи – Шўристонгача анча йўл экан. Чақчақлашиб, ярим соатча йўл юришди.

– Мени амирлик сарҳадида Қовунчи бобо деб аташади. “Қовуни амирий”нинг таърифини эшитган бўлсанг, ўша навни камина яратган. – Бир оз керилганнамо оҳангда деди чол. – У пайтлар қовун уруғи деса, ўзимни томдан ташлардим. Раҳматли хотиним: “Нима бало, мен бу ёқда қолиб, сизнинг кўнглингиз қовун уруғига суст кетганми?” деб куларди. У пайтлар уруғни ўзим саралардим, ўзим экардим, палагининг остини чуқур қилиб ўзим чопардим.

– Бобо, – деди Темур ийманибгина, – қовунни яратишга яратиб, не боисдан “Қовуни амирий” деб атадингиз?

Қовунчи бобо ички бир ҳадик билан Темурга қаради:

– Ундай дема, болам, амир номи билан боғланган ҳар бир нарсанинг саховати бор. Амиру уламоларга етти кишварнинг назари тушган. Ўз томорқамда етилган қовуннинг амирликда бунча машҳур бўлиб кетиши не боисдан, болам? Агар билсанг, амир ҳазратларининг иноятларидан бу. Ҳа! Бир куни эрталаб амир Аҳадхон ҳазрати олийлари фойтунда сайрга чиққан эканлар. Узоқдан кўрдим-у, полиздан иккита қовунни қўлтиқлаб, йўлларига пешвоз чиқдим. Ёнларида қарчиғайдай амирзода – ўғиллари ўтирибди. Амирнинг кўзлари менга тушиши билан, фойтунни таққа тўхтатдилар. Ерга тушдилар. Амирзода ҳам тушди. Таъзим бажо қилиб, икковларига иккита қовун тутдим. Қўлим қалтирайди, танам титрайди; тавба, вужудимни ваҳм босса бўладими?

– Ҳазрати олийлари, ўзим эккан қовун. Бир тилим татиб кўрсангиз, бошим осмонга етар эди, – дедим нафасим ичга тушиб.

Амир ҳазратлари қовунни айлантириб томоша қилдилар-да, от жиловини тутиб турган шотирчага кўз учи билан секин имо қилдилар. У қовунни амир қўлидан олиб, ёнидан пичоғини суғурди-да, бир тилим кесиб ҳазрати олийларига узатди. Бир тилим амирзодага ҳам берди. Амир ҳазратлари қўлларидаги тилимни мақтаб, ишонасанми, ўғлим, бай-байлаб охиригача едилар. Яна бир тилим сўрадилар. Фурсатдан фойдаланиб, амирдан изн сўрадим:

– Агар рухсат берсангиз, ҳазрати олийлари, бу янги нав қовунга “Қовуни амирий” деб ном қўйсам.

Амир жаноблари рози бўлдилар. Шу-шу, каминанинг қовуни “Қовуни амирий” бўлиб кетди. Ҳозир “Қовуни амирий”нинг уч хилини – эрта, ўрта, кечпишар навларини яратдим. Ҳозир Шўристондаги амирлик ерларида эртанги нави тугунча тугаяпти. Агар шу полизни чуқур лойчопиқ қилиб берсанг, бир ойга қолмай қовунга ранг киради, болам!

– Насиб қилса, – деди Темур бободан ҳафсаласи пир бўлиб. “Оғзи нуқул амиру умародан бўшамайди... Бу хил одамларнинг зоти жа қурумсоқ келади. Бировга нарса узатса, ҳам қўлининг, ҳам бўйнининг томири баравар тортади. Мардикорлик ҳақини пишитмай келганим қизиқ бўлди-ку?!”

Улар Шўристондаги полизга яқинлашиб қолган эдилар. Эшак бўйнини чўзиб, думини хода қилиб, узоқ ҳангради. Полиз томондан тўрт ёшлар чамасидаги бола бобога қараб югуриб келди. Бобо эшакдан тушиб, болани даст кўтариб, тўқимга ўтқазди ва нўхта тизгинини қўлига берди.

– Онанг ҳарамдан қайтдими, бўталоғим?

Бобонинг невараси бошини сарак-сарак қилиб:

– Йўқ, келмадила, – деди чучук бир тилда, кейин Темурга бир оз қараб туриб, бобосидан сўради:

– Бу киши ким, бобо?

– Ие, – деди чол йигитга қараб, – гап билан бўлиб исмингни ҳам сўрамабман.

– Темурман.

Темурнинг хаёли ҳамон бобонинг неварасига берган саволи билан банд эди.

Темур “ҳарам” сўзидан беихтиёр сеҳрланиб қолган эди. Сўрашга ийманиб турган эди, Қовунчи бобонинг ўзи гап бошлаб қолди:

– Сулаймоннинг онаси ҳарамда дастурхончи қўлида ишлайди. Кечки юмушларини қилиб, эрталаб қайтар эди. Бугун негадир кечикди. Энди ширчойни ўзимиз пиширадиган бўлдик-да, Темур ўғлим.

Ўчоққа ўт қалашди. Темур тутаб ёнаётган тезакни косов учи билан титиб, ҳамон ўйлар эди: “Сулаймоннинг онаси ҳарамга кириб-чиқиб юрса, Ҳанифанинг ҳолидан воқифдир, эҳтимол... Менга бундан ортиқ имкон бўлмайди. Қовунчи бобо бир умр полизида ишлатса ҳам, розиман. Майли, текинга ишлаб бераман. Фақат менга мурувват қилиб, қизини Ҳанифа хусусида хабар топиб келишга кўндириб берса бўлгани...”

Темур билан чол бир косадан ширчой ичиб, энди полизга чиқишганди ҳамки, ҳарамдан Сулаймоннинг онаси – Фотима келиб қолди. Чол қизига тушликка мастава буюриб, Темурни полизга бошлаб борди. У йигитнинг кетмон чопишини анчагача томоша қилиб, завқланиб ўтирди. Кейин қўлига ўроқ олиб, полизни ўтоқ қилишга киришди. Қуёш найзага келгунча иккиси ҳам тин олмай ишлашди.

Темур ичида тугиб юрган гапини тушлик дастурхонида – мастава устида чолга айтди. Қовунчи бобо Темурнинг саргузаштини эшитиб, кўп афсусланди.

“Қора Даванг каби мулозимларга эрк бериб, амир ҳазратлари ҳам андак қусур ишларга қўл урибдилар чоғи... – ўйлай бошлади чол. – Сарой аҳли билан бўлиб, ўзим чиққан табақа – фуқарони унутиб қўйибман”.

– Падари бузрукворим деб сизнинг этагингизни маҳкам тутаман, отажон, – деди Темур йиғлаб, – агар сиз буюрсангиз, қизингиз камина сўроғини инобатга олурлар... Ҳарамдан менга таскин бўлурли бир оғиз хабар олиб чиқсалар бас, у ёғини кейин тақдиримдан кўраман, бобожон!

Қовунчи бобо ҳаммасига кўнди. Қизини олдига чақиртириб, Темурга деди:

– Нима гапинг бўлса, мана опангга ўзинг айт.

Фотима пардаси ташлаб қўйилган дераза орқасида туриб, йигитнинг нолон ўтинчини тинглади...

Уч кундан кейин Фотима ҳарамдан хат олиб қайтди. Темур хат тугилган атлас рўмолчани қўйнига солиб, ўзига ажратилган ҳужрага отилди. Темур Ҳанифанинг қўли билан битилган, нафаси теккан, кўзёшлари томган хатни очиб, шунча сарсон-саргардонликлардан кейин унинг товушини эшитгандай бўлди:

“Темур ака, ассалом.

Шафқатсиз тақдир орамизга айрилиқ муҳрини босди: сизни у ёққа, мени бу ёққа улоқтириб ташлади.

Мендан ташвишланманг. Ҳаётим, тўғриси, худди эртакдагидай: қўшнимнинг қизи Сарагул малика-ю, мен ожиза унинг канизаги. Фотима опадан сизнинг дарагингизни эшитиб, кеча амирнинг онасига арзга кирдим. Арзимни эшитиб, унинг жазаваси тутиб кетди: “Онаси ўпмаган не-не барно қизлар ҳарамни орзу қилиб юрибди. Сен ношукурнинг бўлса, келганингдан бери обидийданг тугамайди”, – деб қарғади.

Энди мен ожизага битта йўл қолди: амир ҳазратлари ҳарамга ташриф буюрганларида ўзимни панага тортмай, пайт пойлаб оёқларига йиқилиб, арз қиламан. Парвардигор зора кушойиш берса, яқин кунларда дийдор кўришамиз”.

Темур хатни кўзларига суртиб, лабларига босиб, такрор-такрор ўқиди...

У яна бир ой полизда қолиб кетди. Бу орада Фотима ҳарам дастурхончисининг ишончини қозониб, бегойимларнинг пардоз-андозига қарашадиган бўлди. Фотима энди уйга кам келар, ҳафтада бир ҳарам фойтунида шошилинч келиб, шошилинч кетиб қолар эди. У Темурнинг Ҳанифа ҳақидаги сўроқларига энди бир гап айтмас, парда ортида туриб мужмалгина жавоб қайтарарди.

Полиз пушталари тўлиб, Қовунчи бобонинг амирий қовунларига ранг кириб қолган кунлар эди. Ярим тунда икки сарбоз келиб, бобонинг дарвозасини қоқди. Жавоб кутишга ҳам сабри чидамай, отини пахса деворга яқин суриб, бўйнини чўзиб, ичкарига товуш берди.

– Ҳо-о-ой, қовунчи чол, қулоғинг пахса остида қолганми?!

Темур дарвозахонага туташ ҳужрада эди. У от дупури, сарбозлар товушини эшитиб, жойидан турди ва бобога хабар бергани супага қараб югурди.

Чол невараси билан ишком остидаги тахта сўрида ётар эди.

Темур келганида бобо энди уйғонган эди. У неварасининг устига кўрпани тортиб, пастга тушди, оқ сурп яктагини елкасига ташлаб, оёқяланг сарбозлар олдига чиқди.

– Кимда юмушингиз бор? – деди чол дарвозадан чиқиб. – Тинчликми ўзи, бемаҳалда...

– Нечун мунча имиллайсан, чол? – деди икки сарбоз баравар ўшқириб. – Олдинга туш!

Қовунчи бобо сарбозларни қоронғида яхши кўролмаса-да, уларни товушидан таниди: ҳарам ташқарисидаги эшикка пойлоқчилик қилиб

юрувди, на сонда, на ўринда бўлмаган югурдак навкарлардан эди. “От минган отасини танимас, деганларидай, ё тавба, бугун қўлларига қамчи, нечук бўлиб оёқларига узанги текканида, буларнинг муомаласини кўринг” ўйлади чол.

– Қаёққа элтурсиз мени?

– Борганда билурсан, – тўнғиллади сарбозлардан бири.

– Рухсат этсаларинг, кийиниб чиқсам...

– Кийиниб нима қиласан, эй нодон чол, сўнгра уни ечиши йўқми? – деди дарвозага яқин турган сарбоз ҳам кулиб, ҳам жеркиб. – Кафанинг бичиб-тикиб қўйилган ўзи. Юр, олдинга туш!

Чолнинг юраги орқасига тортиб кетди. Икки марта товуш чиқариб: “Ё алҳазар!” деб кўйлагининг ёқасини ушлаб-ушлаб қўйди. Ёнида ғазабдан қақшаб турган Темурга қараб:

– Сулаймондан хабардор бўлгин, – деди-ю, бош эгиб сарбозлар олдига тушди...

Қовунчи бобо шу кетганича эрталаб не ҳолатда – бўзлай-бўзлай дийдаси тош қотган, гавдаси чўккан, афтода бир аҳволда қайтиб келди.

Чол кела солиб Темурнинг қўлидаги кетмонга ёпишди. Полиз тепасидан пишқириб оқаётган Шоҳруд ариғига қараб югурди, апил-тапил катта бир даҳана очиб, полизга сув қўйиб юборди. Сув нишаби чуқур бўлгани учун анҳорнинг чорак оқими полизга қараб оқди.

Темур лол эди. Қанчалик ялиниб-ёлвормасин, бобо на гапирар, на қилмишидан қайтар, худди қутурган қари айиқдай жазавадан тушмас эди. Темур даҳанага банд солмоқчи бўлиб сувга кирганида, чол унинг қўлидан кетмонни олиб, Шоҳрудга улоқтириб юборди. Ярим соатда полиз пушталарига сув тошиб чиқди.

– Бобожон, ахир, қовунлар сув остида қолиб, нобуд бўлиб кетади-ку?! – ялинарди Темур. – Шунча заҳматини чекдингиз, бунинг уволи йўқми, бобожон?

– Энди менга барибир! – деди Қовунчи бобо Темурга қонга тўлган кўзларини тикиб. – Бу фоний дунёда на савоб қолди, на увол...

– Нега бундай дейсиз, бобожон, шунча ҳосил ириб-чириб кетса майлими?

– Майли, майли! – ўшқирди чол полизни бошига кўтариб. – Бу бебақо дунёнинг ўзи чириган бўлса, ишониб юрган салтанатим ириган бўлса, сен яна қанақа уволдан қўрқасан, эй нодон бола? Ҳаммасига ўт қўй, ёндир, топта, сувга чўктир, болам, сенда куч-қувват бор, афсуски, мен дармондан қолиб боряпман!..

Полиз тўлиб, сув энди чолнинг пастликда чўнқайибгина турган афтодаҳол ҳовлисига қараб оқа бошлади. Ҳовли бобонинг мунгли назари олдида аста-секин ғарқ бўлиб борар, деворлар сувоғи тутдай тўкилиб, ёғоч ва қаламалари яланғоч мурданинг қовурғасидай даҳшатли кўринарди!

Қовунчи бобо тамом ҳолдан кетиб, қумга тиззаси билан чўкди. У сувда қалқиб турган ҳовлига қараб, бирдан чапак чалиб, дод солди:

– Сулаймон, бўталоғим!

Темур ҳовлидан – ишком остидаги тахта сўрида ухлаб ётган Сулаймонни бағрига босиб, бобонинг ишкомга илиб қўйилган салласини олиб чиққанида, чол тиззасини маҳкам қучиб, манглайини қумга босганича беҳуш ётар эди...

Темур Қовунчи бобони бу ҳолда кўриб қўрқиб кетди. Қўлтиғида уйқусираб ғингшиётган Сулаймонни ерга қўйиб, бобони таталади – бўлмади; иссиқ қумга ётқизиб, ҳовучида сув олиб, юзига сепди. Бобо кўзини хиёл очиб, чуқур энтикди. Сулаймон уйғониб, дод солиб бобосига ташланган эди, у неварасини бағрига босиб, узоқ йиғлади.

Қовунчи бобо шу алпоз – қайноқ тупроққа бағрини босиб, бир соатлар чамаси ётди. Кейин аста қўзғалди. Ҳануз Темурга тик боқолмас, гапирмас, гуноҳкор одамдай сукутда бош эгиб ўтирар эди. Темур сарбозлар чолни олдига солиб олиб кетгандаёқ, нохушлик сезган, чол қайтгунича юз бериши муқаррар бўлган дилсиёҳликка ўзини тайёрлаб турган эди. Лекин чолни бунчалик қутуртирган – увол билан савобни фарқ қилмайдиган даражага келтирган кўргилик нима ўзи?..

– Иккисидан ҳам ажрадик, болам, – деди чол анчадан кейин ердан кўз узмай, вазмин, синиқ товушда. – Иккиси бир қабрда ётибди...

Темур бирдан қалқиб кетди.

– Иккиси бир қабрда ётибди? Бу нима деганингиз, бобо?

Чол жим қолди. Қум ўйинига берилиб ўтирган неварасини: “Ўтлаб юрган эшакни қайтариб кел”, – деб жўнатди. Сўнг машъум ҳарамдан икки аёл қисмати ҳақида олиб келган шум хабарини Темурга бир бошдан сўзлаб берди:

– Суйган қизинг, болам, дилгир бўлиб амир оёғига йиқилиб, кетарман бўлиб унга арз-додини айтган. Амир унинг ҳусн-латофатини кўриб... Биласан-ку, болам, кўзи, юзи, бутун вужуди ҳайвоний ҳирсга тўлган одамни на ҳаё жиловлай олади, на диёнат. Бундай одамлар ўз диёнатларига хиёнат қилишда устаси фаранг бўладилар...

Фотима бу хабарни ўн беш кун олдин келтирган эди. Сендан яшириб юрган эдим. Номуси булғанган қиз бир куни Фотимани ҳузурига чорлатиб, сочини ювиш баҳонасида ундан симоб сўрабди. Фотиманинг унга симоб келтириб берганини ҳарам дастурхончиси кўрган экан. Қиз симобни нима қилибди де? Амир маст уйқуда ётганида... унинг қулоғига қуймоқчи бўлибди, лекин қўли қалтираб, симоб амирнинг соқол-мўйловига тўкилиб кетибди. Амир уйғониб кетиб, боши тепасида қалтираб турган қизнинг қилмишидан воқиф бўлибди. Қаҳр-ғазабга келган амир икки ожизани – Ҳанифани ҳам, унга симоб келтириб берган Фотимани ҳам ҳарам орқасидаги ташландиқ қудуққа тириклай ташлатиб, кўмдириб юборибди. Бир пайтлар одамзод учун оби-ҳаёт инъом этган қудуқ ҳозир икки марҳуманинг қабрига айланган. Ўз кўзим билан кўриб, мана шу қўлларим билан қабрни пайпасладим. Назаримда, қабр остидаги марҳумалар ҳозир ҳам тирик – юраклари тепиб тургандай туюлди менга. Бор гап шу, болам. Энди тақдирга тан бер. Агар мен билан борсанг, тур, йўлга туш. Биринг – ўғлим, биринг – неварам. Йўқ,

дейсанми? Ихтиёринг. Лекин энди менга бу сарҳад ҳаром. Кўришгунча омон бўл, бошинг тошдан бўлсин, болам!

Қовунчи бобо эшакка тўқим босиб, неварасини унга миндирди-да, ўзи ортидан пиёда йўлга тушди. Чол билан невара қадимий Шоҳруд ариғи ёқалаб жўнашди.

Чол етказган жонўртар хабар юрагига тиғ бўлиб санчилган Темурнинг бутун танаси алам ва хўрликдан титраб кетди. Чол билан бирга боришга ҳам, бормасликка ҳам иккиланиб, уларнинг орқасидан узоқ қараб қолди.

“Қовунчи бобо кетди, унга эргашолмадим. Сабабки, киндик қоним томган бу азиз юртни ёмонларга ташлаб кетолмайман, – дея қўлларини мушт қилиб тугди Темур. – Кетмаганимга яна бир сабаб шулким, бугунми-эртами, Қора Даванг билан бир юзма-юз бўлгим бор!”

ИККИНЧИ ҚИСМ

ҒАЛАТИ ОДАМ

Темурнинг бошига яна сарсон-саргардонлик кунлари тушди. Мана бугун мардикор бозорида ҳам омади чопмади. Бозор касод бўлди: талабгор чиқмади.

Темур шаҳарга тушди. Қорни оч. Тоқи Саррофон рўпарасидаги кекса дарахтга чиқиб, тутга тўйиб тушмоқчи бўлди. Лекин бундан ҳам ёлчимади. Шаҳар болалари ҳар куни бу дарахтга неча марта ёпирилиб чиқар, ҳар гал мўр-малахдай уни талаб кетишарди.

Темур дарахтга чиқиб, шохларнинг уч-учида қолган тут майиздай сарғайган тутларни териб еди, бармоқлари ширага беланиб, пастга тушди. Шилдираб оқаётган ариқчада ювинди, ҳовучини тўлдириб-тўлдириб сув ичди. Кейин тут ва сув хусусидаги эски нақл эсига тушди. Ўзича хиргойи қилиб, кекса тут рўпарасидаги кундага келиб ўтирди:

– Тут хўрди, об хўрди – бурди...

Қуёш ботмоқда эди. Кунгирадор баланд иморатларнинг пештоқига офтобнинг сўнгги, хира тортиб қолган нури бир лаҳзагина иниб, аста-секин сўнди. Шу пайт сипо кийинган, ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги бир одам шошиб келиб, кекса тут остида бир дақиқа тўхтади. Атрофга аланглади. Қўлтиғидан бир даста ўроғлик қоғоз чиқариб, тутнинг тепа қисмидаги ковакка ташлади. Орқасига шундоқ қайрилган эди, ўн қадамча нарида, кундада чўнқайиб ўтирган йигитга кўзи тушди. Сипо кийинган одам шошиб қолди.

– Нимани кўрдинг? – деди хавотирланиб, Темурнинг устига бостириб бораркан. – Сенга айтаяпман, нимани кўрдинг?

Темур ўрнидан туриб, аввал салом берди, кейин сирли жилмайди-да:

– Нима иш қиган бўлсангиз, ҳаммасини кўрдим, мулла ака, – деди.

Темурнинг ўзини бунчалик вазмин тутиши сипо одамни баттар хавотирга солди. – Яхши, – деди таҳдидли товушда, – сени ким менинг изимдан юборган бўлса, бор, айт. Еган бир парча куйик нонингни ҳалол қил. Югур!

– Мулла ака, – деди Темур босиқ товушда, – шундай бир нақл бор: дара задам, девор кафит.[1] Мен нима ғамда ўтирибман-у, сиз бўлсангиз... Қани ўша сиз айтган бир парча куйик нон? Эҳ, мулла ака, ғалати одам экансиз... Ҳар куни фаррошу мешкобчилар кўзини чалғитаман-у, мана шу дарахтга чиқиб олиб, тутга бир тўяман. Гадонинг душмани гадо бўлади, дегандай, сиз тўғри келиб дарахтга ёпишганингизда: “Яна битта тутхўр кўпайди-да!” деб ичимни мушук тирмалаб турувди ўзи...

Сипо одам кутилмаганда кулиб юборди.

– Ў-ҳў, бало экансан-ку... Аста-секин менга ёқяпсан, лекин гапларинг шундоқ заҳар!

– Оч одамнинг оғзидан заҳар томмай, асал томармиди, мулла ака?

[1] Эшикни урдим, девор ёрилди.

– Тўғри айтасан. Исминг нима?

– Темур.

– Меники Қосим.

Иккаласи қўл бериб, қайта сўрашишди.

– Ҳайронман, – деди Темур, – қишлоқда тутнинг шох-шаббаларига ҳаммамиз оч-наҳор малахдай баравар ёпишардик. Шаҳарда аҳвол дурустми десам, қишлоқдан бешбаттар экан-ку?!

– Амирликнинг ҳамма ерида хўроз бир хил қичқиради, укам, – деди Қосим. – Асли қишлоқданмисан?

– Ҳа.

– Қайси қишлоқдан?

– Ундаредан.

– Шопурком туманиданми?

– Ҳа.

– Нега шаҳарда бундай хор бўлиб юрибсан?

– Сизга сабабини айтганим билан қора қисматим енгил тортармиди? – деди йигит дағаллик билан. – Айтишнинг нима ҳожати бор, ё қорним тўядими?

– Мана бу гапинг нотўғри, укам. Одам заҳрини одам олади.

– Менинг заҳрим танамда, ҳатто қонимга ҳам сингиб кетган, энди уни ҳеч ким ололмайди.

Қосим Темурнинг фожиасидан хабардор бўлиш, унинг ёшига номуносиб бунчалик қўрс ва серзарда бўлиб қолганини билиш учун кунда устида у билан узоқ суҳбатлашди. Фоже қисматидан қисман хабардор бўлганидан кейин забун тақдирига нажот бўлсин учун, деди:

– Ундай бўлса, укам, сен шаҳарда бунақа санғиб юрмаслигинг, амир тожу тахтни ағдариш учун бизнинг сафимизда бўлишинг керак!

– Энди фойдаси йўқ, мулла ака, – деди Темур бирдан маъюс тортиб, чуқур ўксинаркан. – Ҳанифанинг қисмати фожиали тугади!..

– Мулоҳазанг жуда ноўрин, укам, – деди Қосим бир оз қизишиб, – марҳумларнинг руҳи сени безовта қилмайдими?! Муҳаббат деган туйғу сенинг мудроқ танангни қасос олиш учун жунбушга келтирмайдими?!

Темур заҳарханда қилди:

– Қасос? Қасос оламан деб кумушкентлик Сирож ака Вобкент яйловида амирга ўқ узиб, не фойда кўрди? Бекордан-бекор ўлиб кетди, бечора. Унинг қўлига милтиқ берганлар, уни амирга қарши гижгижлаганлар ҳозир ҳам амир билан ҳамтовоқ бўлиб, айш-ишратини қилиб юрибди.

– Гапинг тўғри, – деди Қосим, – якка кишининг қасосидан ҳеч фойда чиқмайди, ҳамма бараварига баҳамжиҳат бўлиб қўзғалиши керак. Бахт садақа эмас, уни биров бермайди, уни курашиб, жонни жабборга бериб, қон кечиб қўлга киритадилар.

– Баҳамжиҳат кураш дейсиз, қачон бўлади у, – туянинг думи ерга теккандами?

– Яқинда бўлади, укажон, – деди Қосим Темурнинг икки елкасига икки кафтини баравар босиб, – сен, мен, ҳаммамиз тик оёққа қалққан кунимиз

бўлади. Сенга тут бўлиб кўринган бу дарахт, агар билсанг, бизлар учун ташвиқот ва тарғибот дарахти. Дарахт ковагига боя мен одамларни курашга чақирувчи ҳар хил газета-журналлар, варақа ва хитобномалар ташладим. Сенинг кўзингга мешкобчи, фаррош бўлиб кўринган у "тутхўрлар" аслида Ёш бухороликлар бўлиб, ҳозир улар тут ковагидан ўша варақаларни олиб кетишади. Юр, уларни ҳуркитмайлик, бу ердан кетайлик.

Иккисининг гапи ҳали тугагани йўқ эди, бир новча йигит югуриб келиб, Қосимга мурожаат қилди.

– Айтаверайми, тақсир? – деди кундада ўтирган нотаниш йигитдан хавотирланиб, унга кўз қирини ташларкан:

– Айтавер. Бу ўзимизнинг одам.

– Эрталаб берган варақаларингизни мешкобчиларга тарқатиб бўлдим, тақсир.

Қосим кулди.

– Яхши. Лекин тақсир деган сўзингни қачон ташлайсан?

– Ташлайман, тақсир.

Қосим яна кулди.

– Тақсир-пақсирингни қўй, жуда зарур бўлса, мулла ака деявер.

– Энди бундан буён мулла ака дейман, тақсир.

– Эҳ, сенимиди... – деди Қосим ғижиниб. Кейин унинг эътиборини Темурга қаратди.

– Мана бу йигитни сафимизга киргин десам, кўнмаяпти. Курашдан фойда йўқ, дейди. Афтидан, икковинг тенгқур кўринасанлар, гапир-чи, эҳтимол сенинг гапинг қўр олар: ғоз бо ғоз, кабутар бо кабутар[1], деганлар-ку?!

Новча йигит Темурни бир сидра кўздан кечирди.

Сўнг Қосимга юзланиб:

– Саҳройими? – деди. – Саҳройига ўхшайди, тақсир.

Темур ўқрайиб қаради:

– Сенга нима, – тажанг бўлиб жойидан турди у. – Саҳройи бўлиш гуноҳми?

Қосим ўртага тушди.

– Ҳай-ҳай, бекорга қизишманглар. Темуржон, ўзингни бос, ўртоғинг бу сўзни ёмон ниятда айтгани йўқ.

Новча йигит Темурнинг аччиғини қўзғатадиган қандай айб қилганини билмай, ҳамон кўзларни пирпиратиб, ҳайрон бўлиб қараб турарди.

– Охир, нима дедим, жўра? Қишлоқдан келганларни шаҳарда саҳройи дейди... Мен шуни айтдим, холос.

– Нима, саҳройи бўлиш гуноҳми? – деди Темур хўрлиги келиб. – Сиз билмайсиз. Қосим ака, булар саҳройи деган сўзни ҳақорат ўрнида ишлатади. Булар дастидан дилгир бўлганман, акажон! Мардикорликка олиб боришади. Куни билан эшакдай ишлатиб, иш ҳақига келганда жириллашади, пиширириб берган ёвғон мошовасини пеш қилиб: "Сендақа саҳройининг дод баҳонг – бир қорин мошова" дейди. Ишонасизми, қўлга бир чақа бермай ҳайдаб

[1] Ғоз ғоз билан, кабутар кабутар билан.

юборишади. Саҳройи дегани – сўккани; саҳройи дегани – бизни, қишлоқдан келганлари ҳақорат қилгани!..

– Тўхта, Темуржон, – деди Қосим икки тенгқурни муросага келтириш учун – аввало жўранг, бу гапни ёмон ниятда айтмади. Иккиламчи, сен қишлоқдан келиб, қанча жабр-ситам кўрган бўлсанг, бу ўртоғинг ҳам шаҳарда туғилиб, сендан кўпроқ жафо чекканлардан. Агар сенга шу сўз ҳақорат бўлиб теккан бўлса, ўртоғинг сендан ҳозир узр сўрайди. Шундайми, Наби?

Наби гапга маҳтал турган экан. Темурга дарров қўл чўзди.

– Кечир, жўра.

Темур унинг қўлини сиқиб, бир лаҳза сирли тикилиб турди.

– Набимисан?

– Ҳа.

– Қора Даванг хизматида бўлганмисан?

– Ҳа.

– Ундай бўлса... Олтин сопли пичоқни нима қилдинг?

Наби бир сесканиб тушди, қўлини дарров Темурнинг қўлидан тортиб олди.

– Ким айтди сенга бу гапни?

Темур унинг чўчиганини, бирдан талвасага тушганини кўриб, кулиб юборди. У шундай самимий кулдики, Қосим унинг гавдасини силкитиб-силкитиб кулишига қараб, беихтиёр яйраб кетди.

– Йўқ, тақсир, бу ёлғон гапиряпти, – деди Наби ўзини оқлашга тушиб. – Пичоқни ўғирлаган бир саҳройи кўса эди. Ўшанда ўзи иқрор бўлган эди, худо ҳаққи, мен эмас...

Темурнинг кўзига Мажид кўсанинг панжаси чопилган чўлтоқ қўли кўриниб кетди.

– Саҳройилар қандай мард бўлишини ўзинг биласанми? – деди Темур қалбида қандайдир ифтихор туйғуси жўш уриб. Кейин Мажид кўса қисматини уларга гапириб берди. – Ўшанда, биласанми, Мажид ака сени қутқариш учун ёлғон сўзлаган. Бу ёлғон унга қимматга тушибди. Қора Даванг қилич билан ўнг қўлининг бармоқларини чопиб ташлабди. Чўлтоқ қўлини ўз кўзим билан кўрдим.

Ўртага оғир сукунат чўкди.

– Мажид кўса ҳозир қаерда? – деб сўради Қосим.

– Сарипул кўпригида қоровул.

– Айтганинг яхши бўлди, – деди Қосим хурсанд бўлиб. – Ҳар гал Самарқанддан келганимда, Сарипул кўпригида соқчилар тутиб, хуржунимни текширгани-текширган. Қўлига бир нима қистириб, зўрға қутуламан. Шунақа пайтларда сен айтган кишининг бирор кўмаги тегиб қолар.

– Тегади, – деди Темур ишонч билан, – албатта тегади. У билан учрашганингизда, хотирангиздан чиқмасин, ўрталарингиздаги ишонч белгиси мана шу жумла бўлсин: “Олтин сопли пичоқни Наби олган экан!” денг.

Наби бу гапнинг ҳазиллигини билиб, мулойим жилмайиб қўйди.

Қосим Набига янги топшириқ бериб, Темурни ўзи билан бирга олиб кетди.

ЧАПАҚАЙ МУЛОЗИМ ИЗИДАН

Икки ўртоқ бронепоезднинг темир зинапоясида ийманибгина оёқ қўйиб, ичкарига – қабулхона вазифасини ўтайдиган, икки чеккасида икки соқчи тик турган узун коридорга киришди. Эшикнинг ўнг томонидаги соқчи кўрсаткич бармоғини лабига босиб: “Тсс, секинроқ!” – дея оҳиста пичирлади. Уларга вагон деворига тираб қўйилган ёғоч стулда ўтира туришни имлади. Ўтиришди. Лекин аскарларнинг бутун хаёли ичкарида – ўртадаги очиқ эшикка орқасини қилиб, аппарат ёнида тик турган Файзулла Хўжаевда эди.

Файзулла Хўжаев йигитларга уларни чақириш сабабини тушунтириб, дарров муддаога ўтди:

– Гап бундай, йигитлар: амир қочиб кетган. Ортидан фарзандлари – амирзодалар ва ҳарамдаги хотин-қизлар, амирнинг онаси Пошшобиби ёзги саройдаги мол-мулк, қимматбаҳо олтин буюмларнинг бир қисмини фойтун ва араваларига юклаб, ғойиб бўлишган. Қочоқларни, биздаги маълумотларга қараганда, амирнинг чапақай, энг ишонган мулозими Қора Даванг бошлаб боряпти. Қочоқларнинг муҳофазасида инглиз қурол-аслаҳалари билан қуролланган амирнинг шербаччалари, саралганган хоснавкарлари бор, – деди Файзулла Хўжаев йигитлари столда очиқ ётган Бухоро харитаси ёнига бошлаб бориб. – Ҳозиргина янги маълумот олдик. Амир ҳарами мана шу ерда, Вобкент чорраҳасида амирнинг изини йўқотиб қўйишган. Амир Ғиждувон томонга, улар эса Шопиркон туманига қараб кетишган. Амир изидан махсус гуруҳ жўнатилган. Сизлар йўлларни, қишлоқларни, дала ва даштларни яхши биладиган маҳаллий йигитлардан танлаб олинглар-да, зудлик билан ҳарам изидан йўлга отланинглар. Шуни унутмангларки, йигитлар, сизлар учун энг хатарли ёв, бу – Қора Даванг!

– Сўрашга рухсат этинг, – деди Темур Файзулла Хўжаевга чуқур бир истҳола билан юзланиб. – Қора Даванг тўғрисидаги гапингиз чин. Лекин қочоқлар ҳақида баъзи тахмин, йўқ, мулоҳазаларим бор.

– Марҳамат, – деди Хўжаев ва Темурнинг гапига қизиқсиниб, эътибор билан қулоқ солиб турди:

– Қани эшитайлик-чи?

– Айтадиган гапим жуда жўн, – деди Темур қизариб, кейин бир оз ҳаяжон билан мулоҳазасини ўртага солди. – Амирзодалар Шопуркомга тушишармикан ёки Вардонзе қалъаси орқали ўтадиган йўл билан тўғри Ойдинкўлга қараб...

– Ўзинг нима деб ўйлайсан? – деди Файзулла Хўжаев Темурнинг гапини бўлиб.

– Агар қочоқлар карвонида амирнинг Сарагул деган хотини бўлса, – деди Темур, – у Қора Давангни ўз раъйига сола билса, албатта, Шопуркомга тушиб ўтишади. Чунки Сарагул ундарелик Мирсолибойнинг қизи. Унинг

феълини яхши биламан. У амирнинг онаси ва кундошларини ўша ёққа бошлаб бориши турган гап.

– Тўхта-тўхта, – деди Файзулла Хўжаев Темурнинг гапига қизиқиб, – Сарагул дегани амирнинг хотини бўлса, сен унинг феълини қаердан биласан?

Темур нима дейишини билмай, гарангсиб қолди.

– Қўшни... қўшни турганмиз, – деди.

– Умуман, – деди Файзулла Хўжаев, – мулоҳазаларингда жон бор. Бундан чиқди, нишонни тўғри ундарелик бой хонадонига қараб олаверсанглар бўлади. Лекин бу жанговар вазифани фақат совуққонлик ва тадбиркорлик ҳал этади: қўлингдаги қурол билан биттасини забт этсанг, ақл ва тадбир билан юзтасини эг!

Темур билан Васька Файзулла Хўжаев ҳузуридан чиқиб, Самарқанд дарвозасига чиқаверишдаги ялангликда кўнгиллилар полкидан Наби ва унинг ўртоқларидан ўн нафарча йигитни саралаб олиб, махсус топшириқ бўйича йўлга отландилар.

ОЛТИН КАМАРЛИ ҚОЧОҚЛАР

Ағдарилган тахтдан кўра саройда қолиб кетган зебу зийнатлар, олтин тақинчоқлар аламига куйиб-пишаётган хотин-халаж, падари бузрукворининг изидан жон ҳовучлаб чиққан тилло камарли амирзодалар карвони Вобкент чорраҳасига келиб, бир лаҳза тўхтади. Уларнинг фойтун ва аравалари йўл ўртасида турнақатор тизилиб турарди. Қочоқлар рўпарадаги йўлларнинг қай бирига бурилишга ҳайрон эдилар. Тўртинчи йўл – орқага қайтиш асло мумкин эмас. Чунки саройга, тахтга, ҳарамга олиб борадиган йўл бу аламзадалар учун берк эди!

Саройдан олинган мол-мулк, қимматбаҳо буюмлар, халта-халта олтин ортилган аравалар ҳамон йўл бошидаги соябонли икки фойтуннинг жойидан жилишини кутиб турарди.

Амирнинг онаси Пошшобиби ўзидан ортдаги фойтунда нозиккина хотин билан ёнм-ён ўтириб келаётган барзанги одамга ярим қайрилиб, такаббурона оҳангда сўради:

– Қора Даванг жаноблари, ҳазрати олий бизни қайси манзилга элтишни буюриб эдилар сизга?

Қора Даванг сал қаддини кўтариб, бир қўлини кўксига босган ҳолда жавоб берди:

– Фаришталар ҳомийси Пошшобибимизга маълум бўлғайким, ҳазрати олийлари борадиган муборак манзилларини каминага уқтирмадилар. Зероки, уқтиришга вақт монелик қилур эди. Сабабки, олампаноҳ афғон навкарларининг қуршовида туриб: “Ҳарамни ортимдан олиб кел!” деб каминага буюрдилар.

– Энди қайга борурмиз? – деди Пошшобиби икки елкасини баравар учириб. – Афғон навкарлари хоснавкарлар эмас, ажал навкарларидир. Ҳазрати олийнинг пуракл бошини, пуридрок раъйини қайтариб, қаён бошлаб

кетдилар экан, билмайман. Бу чорраҳа, нечукдир, Қора Даванг жаноблари, менинг кўзимга борса келмас йўл бўлиб кўринур, ҳайронман...

– Иншооллоҳ, кушойиши йўлни берса, – деди Қора Даванг мулозамат билан, – олампаноҳнинг муборак изларига тезда етурмиз.

Амирзодалар чорраҳада туриб ҳамон баҳслашишар эди. Бири падари бузрукворини Кумушкент йўлига бурилган деса, яна бири Шопурком тумани томон кетган бўлса керак, деб тахмин қилар эди. Ҳар қайсиси ҳар хил хаёл, ҳар хил тахмин, ҳар хил илинжда йўл бошида турганларида, еру кўкни титратиб, тепаларидан – нақ бошларининг устидан ваҳиллаб аэроплан учиб ўтди. Олдинги фойтунга қўшилган қора от – Рахш ҳуркиб, қочоқлар карвонини Шопурком томонга суриб кетди.

Аэроплан, афтидан, қочоқ амир изидан тушиб юрган бўлса керак. Вобкент минораси устидан икки-уч чарх уриб айланди-да, тўғри Ғиждувонга қараб йўл солди.

Ҳарам қочоқлари юракларига ваҳм солиб ўтган аэропландан қутулганларига шукр қилиб, Пермас (Пирмаст) кўпригидан ўтиб, Шопуркомга қараб йўл олдилар...

Энг олдинги фойтунда рангпар, зардўзи яктаги устидан тилло камар боғлаган ўн-ўн икки ёшлардаги амирзода билан амирнинг Сарагул деган нозанин хотини ўтирарди.

Карвон Ундаре томон бурилгач, Сарагул қочиш ташвишини ҳам, йўл азобини ҳам унутиб, кибр-ҳавоси чандон ортиб, ёнидаги амирзодага деди:

– Жонларингга, ахийри, дадам ора кирадиган бўлдилар-да, амирзодам! У тожу тахтни ағдарган оломоннинг қўли отамнинг баланд девор билан ўралган қасрига етмайди, фақат отамнинг ҳовлисида жон сақлаш мумкин, деб ўйларди. – Хайриятки, амирзодам, забун тақдиримизга падари бузрукворим соғ-омонлар. Бўлмаса, ким билади, қайси бир борса келмас манзилга санғиб кетган бўлардик.

– Билмадим, бегойим, билмадим, – деди амирзода кичик бегойимнинг сўзидан қаттиқ ранжиб – Падари бузрукворимиз ҳам, биз ҳам ҳаммамиз бугун борса келмас йўлдамиз, бегойим!

Сарагул бир сесканиб тушди.

– Нафасингизни иссиқ қилинг, амирзодам!

Амирзода алам билан бош чайқади:

– Афсуски, бошимизга тушган бу кўргиликлар камина нафасининг иссиқ-совуғига боғлиқ эмас-да, бегойим.

Сарагул амирзоданинг ёшига номуносиб, тик, танни зирқиратадиган бу нохуш жавобларидан кейин нафаси ичига тушиб, бирдан маъюс тортиб қолди. У йўртиб бораётган арабий айғир Рахшнинг қуёш нурида йилтираётган қоп-қора сағрисига қараб, дилига завқ бағишлайдиган бирор дилхуш саргузаштни хотирлашни маъқул кўрди.

Дарвоқе, дилхуш хотира...

Ўшанда тўйдан кейин Сарагул билан Ҳанифани ҳарамга элтган мана шу Рахш эди. Келин кузатгани борган ҳамма қудалар эртасига изига қайтди-ю, Сарагулнинг хоҳиши ила Ҳанифа билан Рахш ҳарамда қолди. Мана бугун

қочоқлар карвонининг пешкаши бўлиб қора Рахш ҳам қайтаётибди, Сарагул ҳам, фақат... Ҳанифа йўқ!..

Улар кунботардан олдин Мирсолибойнинг қасрига етиб келдилар. Рахш нақшинкор дарвозани таниб, наъра тортиб кишнади...

Дарвоза очилгунча икки-уч лаҳза ўтди. Шу орада амирзода фойтундан тушиб, теварак-атрофга олазарак бўлиб қарай бошлади. Сарагул амирзодага яқин бориб, ўз уйларига туташ, чилимнинг сархонасидай қоп-қора қурум босган, ёғочлари куйиб, афтодаҳол бўлиб қолган Ҳанифа яшаган ҳовлини кўрсатди.

– Кўрдингизми, амирзодам, мана бу ҳовли падари бузрукворингизнинг азиз жонига қасд қилмоқчи бўлган худобехабар Ҳанифанинг ҳовлиси. Хотирангиздами, ўша симоб воқеасидан кейин отам амир ҳазратларининг кўнгиллари тасалли топсин учун Ҳанифанинг ота-онасини уйга қамаб, эшикларини орқасидан тамбалаб, ҳовлига ўз қўллари билан ўт қўйганлар!

Амирзода бу гапдан бир сапчиб тушди, кейин ялинган товушда деди:

– Қўйинг, бегойим... қўйинг... қувонманг... Бизнинг қасримизга ҳам қайси бир оёқяланг шу топда ўт қўйгандир. Қувонманг, бегойим!

Сарагул юрагини ваҳм босиб, кўзларини амирзодага чақчайтирди:

– Нега бундай дейсиз, амирзодам? Ҳеч бўлмаса, падари бузрукворингиз иноятидан қўрқинг, амирзодам!

– Қўрқамен, лекин не илож, бегойим! Бизни тожу тахт сари олиб борадиган йўлга биз билан сиз назар-писанд қилмайдиган ўша оёқяланглар бугун кўндаланг бўлиб туриб олган, не илож!..

Бойнинг икки тавақали нақшинкор дарвозаси очилиб, Мирсолибойнинг ўзи уларга пешвоз чиқди. Қочоқлар ичкари кириб, дарвоза беркилди...

КЎПРИК ОСТИДАГИ МАРҲУМЛАР

Ҳарам қочоқлари изига тушган отлиқ аскарлар гуруҳи Харгўшнинг ястаниб ётган ўтлоғу даштларини шиддат билан босиб ўтиб, айни кун қайтганда, пўртана отиб оқаётган Зарафшонга юзма-юз бўлишди. Улар дарё ўзанида бирпас тўхтаб, йўл гарчанд қисқарса-да, сувдан кечиб ўтишга ботинишмади: Сарипул кўприги орқали айланиб ўтадиган бўлишди.

Дарё ўзани кўприкка етгунча юлғун ва қамиш билан қопланган бўлиб, от белига чайқалиб уриларди. Темур олдинда, эгарда хаёл суриб кетяпти. Ўша мудҳиш воқеа – айни баҳор қулф урган паллада, мана шу Зарафшон тўлқинлари билан тиккама-тикка олишгани, Наврўзойни ўлим гирдобидан олиб чиққани худди кечагидай кўз олдида бетиним чарх уради: “Ажабо, ҳамон хаёлимда Наврўзойнинг қора қисмати... Мана шу қўлларим билан Қора Давангдай қузғун панжасига топширибман. Мана, икки йил ўтяптики, шу гуноҳим юки остида эзиламан. Тўхта-тўхта, бу қанақа гуноҳ ўзи? Ўзини-ўзи ўлимга бевақт маҳкум этиб, ҳаётдан янглиш кетаётган бир бандаи нотавоннинг тирик қолишига сабабчи бўлсам-у, бу қанақа гуноҳ бўлади, а? Нима бўлганда ҳам у ҳозир тирикдир? Шунинг ўзи менга тасалли бериши

керак эмасми? Билмайман, тасалли беради-йўқми, бу ишим гуноҳми-савобми, рости гап, ҳануз билмайман... Наврўзой ҳозир ҳам Қора Даванг хасмидамикан, ёки... Уларга хотин қаҳатми, кўнгли тусаса бас – ҳеч нарсадан тап тортишмайди...”

Тепага – қайроқтош йўлга чиқаётганда, Темурнинг хаёли бўлиниб, ногаҳон кўприк остига, тирсакдай туртиб чиққан ёғочда осилиб ётган одам танасига кўзи тушди. Сарғайган ажриқ устида яна бир жасад ётибди. От тизгинини тортиб, ортидан келаётган Васъкага қайрилиб қаради ва кўприк остини кўрсатди.

– Анавини қара, Васька! – деди вужуди зирқираб.

Васька отини тўхтатди.

– Бундай қолдириб кетсак бўлмас, – деди Васька, – ҳеч бўлмаганда кўприк соқчисига топшириб кетайлик марҳумларни.

– Тўғри айтасан, – деди Темур дўстининг гапини маъқуллаб – Эҳтимол, соқчилар билар, бу марҳумлар фожиасини...

Йигитлардан бири ўзандан юқорига – йўл чеккасидаги соқчи хонасига югурди. Икки-уч йигит отдан тушиб, ўликларни саранжомлашга шошилди. Соқчига кетган йигит бирпасдан кейин сўкиниб қайтди:

– Шундай тожу тахтни ташлаб амир қочиб кетганидан кейин унинг соқчиси қолармиди, ўртоқ командир?! Ҳеч ким йўқ, кўприкнинг икки томонидаги қоровулхоналарга ўт қўйилган.

Йигитлар осилиб ётган жасаднинг шишиб, кўкарган бўйнини арқондан зўрға бўшатиб, кўтариб олишди. Ўликларни кўздан четроқ, кўприк остига – нур кўрмай сарғайиб ётган ажриқ устига ётқизишди. Темур билан Васька марҳумларга яқин бориб, изтироб ичида видолашишди...

Шу пайт... Э-воҳ, Темурнинг нигоҳи беихтиёр гавдаси жиккаккина марҳумнинг чўлтоқ қўлига бир дақиқа қадалиб қолди!

Бу – Сарипул кўпригининг қоровули Мажид кўса эди...

– Наби, дўстим, – деди Темур кўзи жиққа ёшга тўлиб, – сен учун ўнг қўлини Қора Даванг қиличининг дамига тутиб берган одам, мана, ажриқ устида ётибди!

Наби келиб жасад устига эгилди, мурданинг қотиб қолган ўнг қўлини узоқ силади, кейин... лабига босиб, йиғлаб юборди:

– Учрашган жойимизни қаранг, отажон... Халоскорим эдингиз менинг! – у ўксиб-ўксиб йиғлади. – Алвидо, отажон!

Иккинчи жасаднинг кимлигини аниқлаш жуда мушкул эди. Унинг ёшини чамалиб бўлмас, лекин оёғидаги булғор кавуш-маҳсиси, бўйнига чувалашиб, титилиб кетган сурмаранг шойи салласи, танасидаги у ер-бу ери чок кетган банорас чопонига қараганда нуфузли ва эътиборли одамга ўхшаб кетар эди. Арқонда қаттиқ бўғилиб, юзига қора қон силқиб қотиб қолганидан унинг қиёфасини аниқлаш қийин эди.

– Ўртоқ командир, – деди қиррабурун чувак юзли аскар Темурга мурожаат қилиб, – фаҳмимча, мусулмончилик, шариатда номаълум марҳум жасадидан бирор нишона ахтариш ва унинг кимлигини аниқлаш тириклар

бўйнидаги қиёмат қарз. Рухсат этинг, марҳумнинг у ер-бу ерини кавлаштириб кўрай, зора...

– Рухсат, – деди Темур қовоғини солиб, – озор бермай қарагин. Сендан олдин ҳам амирнинг ғаламислари бунинг қўнжига тушиб чиққан кўринади.

Васька чуқур тин олиб, Темурга қаради:

– Сезяпсанми, марҳумлар танасининг димиқиб кетганига қараганда, улар кеча ёки ундан олдинги кун қатл этилганга ўхшайди. Қизиқ, не сабабдан буларни шу кўйга солишиб, одамнинг назари тушмайдиган пастқам ерга осиб кетишибди?

– Сабабини сизларга айтайми? – деди чувак юзли аскар, ўлик узра эгилган қоматини тиклаб, унинг бир қўлида сатин рўмолча, бир қўлида икки қат қилиб букланган аллақандай ялтироқ қоғоз... – Мана бу қоғозни маҳсисининг қўнжидан топдим. Ўқинг-чи, Темур ака, нима деб ёзилган?

Темур қоғоз қатини очиши билан димоғига босмахона буёғининг ҳиди гупиллаб урди.

– “Шу-уъ-лаи инқилоб”.... – деди Темур ҳаяжондан нафаси бўғилиб – Ахир, бу Самарқандда чиқадиган журнал-ку, Васька?!

Васька журнални Темурнинг қўлидан олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди. Муқовасини очди.

Дарҳақиқат, бу юпқагина ҳафталик журнал Самарқандда босилиб, бир йилдан бери бутун Бухоро амирлигига яширинча тарқатилар эди.

– Темур, бу ўзимизнинг Қосим курьеримиз-ку?

– А? – Темур ҳаяжон ичида югуриб бориб марҳумнинг танаси узра энгашди, юзини, тақир бошини сийпаб кўрди:

– Рост, бу киши ўша – ўзимизнинг акамиз Қосим курьер! Мана, ўнг қошининг устида тилинган доғи бор. Эсингдами, Васька, Когон темир йўли устида бўлган найзабозлик жангида ўнг қовоғининг устидан жароҳатланган эди. Қара, мана изи...

Ҳарбий зарурат ҳамиша хоҳиш ва истакдан устун келади. Темур билан Васькада Қосим курьер ва Мажид бобонинг жасадини ўз қўллари билан тупроққа топшириш хоҳиши ҳарчанд баланд бўлмасин, қўмондонлик топшириғи уларни шошилтирар эди. Жанг-жангда. Улар кўприк остидаги марҳумлар билан сўнгги бор видолашиб йўлга отланишди. Қарийб икки километрча юргач, Чорбоғкент қишлоғига киришди. Темур тўғри келган бир ҳовлининг эшигини қамчи дастаси билан қоқди:

– Ҳо-о-ой, ким бор?

Ичкаридан салласининг печи елкасигача тушган, анча сипо кийинган бир муллавачча шошилиб чиқди-да, азбаройи ҳурмат юзасидан отлиқларга тавозе билан салом берди.

– Марҳамат, афандилар, – деди қўлини кўксига босиб, – хуш кўрдик.

– Раҳмат, тақсир, – деди Темур муллаваччанинг муомаласидан хурсанд бўлиб. – Агар монелик қилмасангиз, сизга бир мусулмончилик юмушини топширайин. Шуни бизнинг кўнглимиздагидай қилиб бажо этасиз, тақсир.

– Жоним билан, афандим.

– Сарипул кўпригининг остида, кишининг назари тушмайдиган пастқам жойда дўстларимиздан бирини осиб, бирини чавақлаб кетишибди. Бу қотиллик қачон бўлгани номаълум. Сиздан илтимосимиз шуки, тақсир, икки-уч киши билан бориб, марҳумларни дафн этишга бошчилик қилсангиз.

– Бош устига, афандим. Агар сир бўлмаса, кимларни дафн қиларимни билсам бўладими?

– Албатта. Бири самарқандлик Қосим Жаъфар ўғли деган киши иккинчиси...

– Э, воҳ, – деди мулавачча бирдан инграб, кейин кўксини чангаллаб ранг қути бўздай оқариб, деворга суяниб қолди. – Қосим курьер афандими?

– Танийсизми, мулла акани?

– Таниш ҳам гапми, афандилар. Биз Самарқанддан бирга чиқиб, беш кун давомида Хатирчида, Карманада, Ғиждувон ва Вобкентда бўлдик. Йўлда мени безгак тутиб қолди. Қосим афанди мени мана шу танишларининг ҳовлисида қолдириб: “Тез соғайинг, қайтишда бирга кетамиз”, деб бундан уч кун олдин ўзлари Бухорои шарифга жўнаб кетган эдилар.

– Мулла ака отдамидилар?

– Отда эдилар, афандим.

– Ўша “Ташвиқот хуржуни” эгардамиди?

– Ҳа, тақсир, хуржун тўла ташвиқот варақалари, газета ва журналлар эди.

– Бундан чиқди, Сарипулда мулла ака билан Мажид қоровулни қўлга туширишган... Мана бу журнал, – деди Темур қўлтиғидан “Шуълаи инқилоб”ни олиб кўрсатаркан, – мулла аканинг маҳсилари соғисидан топилди.

– Мулла аканинг айтган гаплари ҳали-ҳали қулоғим остида турибди: “Худо қўлласа, Сарипул кўпригининг қоровули Мажид ака аввалгидай мадад берса, хуржунни мешкобчи болаларга топшириб, тезда изимга қайтамен”, деган эдилар. – Шу пайтгача пинҳона инграб турган муллавачча энди ошкора йиғлаб юборди. – Эҳ, билганимда борми, безгак тугул ўлат тутганида ҳам бирга борган бўлардим. Эҳ, мулла ака, акажон!..

– Бирга борганингиздан нима фойда чиқарди...

– Марг ба ёрон сурур аст.[1] Назаримда, Қосим курьердай одам билан бирга ўлишнинг ўзи бир бахт!

– Қўйинг, йиғлоқи бўлманг, дийдангизни қаттиқ қилинг, йигит кишисиз. Ўзингизни қўлга олинг. Бутун қишлоқни оёққа турғизинг, мулла акамизнинг, Сарипул кўпригининг қоровули Мажид бобонинг иззат-икромини жойига қўйиб кўмдиринг.

Аскарлар отланишди. Улар Вобкентга кирмай, уни айланиб ўтиб, Мўғиён қишлоғи ёқалаб Шопиркон йўлига тушдилар.

[1] Дўстлар билан бирга ўлиш қувончдир.

“ҲАРАМ ҚОЧОҚЛАРИ” ОПЕРАЦИЯСИ

Темур бошчилик қилаётган гуруҳ Ундаре томон илгарилаб борар эди. Отда ёнма-ён кетаётган Темур билан Васьканинг хаёли “Ҳарам операцияси” билан банд эди. Уларнинг қайси бири нимадан гап бошламасин, барибир, амирнинг ишончли, чапақай мулозимига келиб тақалар эди: Қора Даванг билан бошланиб, Қора Даванг билан тугарди...

– Кўрамиз, – деди Васька Темурга қараб, – Қора Даванг бизга қанақа ҳийла ишлатаркин?

Гуруҳ қишлоққа яқинлашиб келганида қош қорайиб қолган эди. Аскарлар Ундаре чеккасига – Қайроқтепа пастига жойлашишди. Темур бу ерларни қадамба-қадам билади. Унинг болалиги шу маҳаллада ўтган, қишлоқнинг кўрки бўлиб то саратонгача кўм-кўк яшнаб турадиган шу Қайроқтепада тенгқурлари билан қанча-қанча ўмбалоқ ошиб ўйнаган. У ўша лаҳзаларни ўйлаб, Васькани тепага бошлаб чиқди. Тепалик заранг қотган, қайроқдай тақир эди. Эҳтимол, номини ҳам шу боис Қайроқтепа аташгандир. Ўт-ўланлар жазирамада қовжираб қолган. Шу ердан туриб қишлоқни кузатишди. Мирсолибойнинг баланд девор билан ўралган кўрғони бутун қишлоққа қора кўланка ташлаб ётибди...

Икки қуролдошнинг бой кўрғонига қараб олган илк таассуротлари шу бўлди: Қочоқлар аллақачон жойлашиб, бойнинг ҳовлисини ўзлари учун мустаҳкам истеҳкомга айлантириб олишган. Шу топда Қора Даванг қандай тадбир қўллаётган экан? Энди бу истеҳкомни катта хунрезлик эвазига забт этиш мумкин.

Лекин уларнинг хунрезлик қилишга асло ҳақлари йўқ эди. Бунинг устига, вақт зиқ, кучлар тенг эмас. Агар ҳужум пайсалга солинадиган бўлса, амирни кузатиб чиққан шербаччалар галаси ёки сараланган афғоний навкарлар амирзодаларнинг бу ердалигини пайқаб қолишса, ана унда тангадай яра туядай бўлиши турган гап. Хўш, нима қилиш керак?

“Дарвоқе, нима қилмоқ керак? – ўйлай бошлади Темур Мирсолибой кўрғонидан кўз узмай. – Нимадан бошлаш керак? Тўппа-тўғри бостириб борсак... Йўқ-йўқ, бошқа чора топиш керак. Қандай чора?”

Икки ўртоқ анчагача тепада туриб, вазиятни аниқлаб, имкониятларни чамалаб чиқиб, қатъий қарорга келишди:

“Вақтдан ютиш керак, вақтдан. Тонггача саранжомлаш, бунинг учун эса теварак-атрофдаги қишлоқлардан келаётган кўнгилли йигитлар мададига таяниш керак!”

Темур Наби новчага гуруҳни топшириб, Васька иккиси пиёда қишлоққа кетди.

Қишлоқ уйғоқ, лекин бесаранжом, одамлар ташвишда. Нураган, пастак деворларни миниб олган болалар, том бошига чиққан ўсмирлар, пастқам дарчалар ва эгри-бугри эрганаклар ортидан яширинча пойлаётган хотин-халаж қарашида ташвиш, хатти-ҳаракатларида саросималик ҳукмрон эди...

Темур паст кўча билан айланиб ўтиб, Ҳанифалар уйи олдидаги ўрик ёнига келиб тўхтади. Рўпарасида вайрона кулбанинг ёнғиндан жизғанак

бўлиб, култепага айланган ўрни даҳшатли кўринар, дилга қабристон сукунатини солар, фақат Мирсолибойнинг молхонасига туташ мўъжазгина ҳужранинг қоп-қора деворигина сўппайиб турар, чала куйган ёғочлари осилиб ётарди.

– Бундан ҳам даҳшатли кўргилик бўладими, Васька? – деди Темур ичидан хуруж қилиб келаётган хўрликдан товуши бўғилиб. – Буларнинг ҳаммаси Ҳанифанинг қасдига қилинган...

Ҳозир Васьканинг қайғуси ҳам Темурнинг аламидан оз эмасди: дўстининг ним қоронғиликда унсиз бўзлаётганини юракдан ҳис этар, ич-ичидан эзилиб, бағри тиғланарди.

– Ўксима, Темур, – деди изтироб билан, – ўксима, дўстгинам! Биламан сенга осон эмас, лекин... Ахир, кўрмаяпсанми, Бадал бобога ўхшаган камбағаллар уйига тушган ўт... ҳа, мана шу ўт алангаси осмону фалакка ўрлаб, бутун амирлик тож-тахтини кунпаякун қилиб юборди-ку! Сен билан менга мана шу тасалли бермайдими, дўстим?!

– Васька. Сенга ўхшаган дўст, Қосим курьерга ўхшаган биродар топмаганимда, билмайман, ҳолим не кечар эди?!

Васька Темурнинг қўлтиғидан олиб, йўлга бошлади. Икки дўст жим, оғир сукутда аста-секин қишлоқ оралаб, яна Қайроқтепага қайтдилар. Тепага етар-етмас уларнинг атрофини йигитлар ўраб олишди. Буларнинг кўпчилиги қишлоқ ўсмирлари бўлиб, ҳарам қочоқларини қувиб келган аскар дарагини эшитиб, теварак-атроф қишлоқлардан йиғилиб келишган эди. Улар Темур билан Васькани ҳоли-жонларига қўймай, ўзларини ҳарбий гуруҳга қабул қилишни сўрашарди...

Ундарега туташ қишлоқлардан – Чандир, Хўжаориф, Пирмаст, Мирзоқул, Боғиафзал, Вардонзе, Лабирўддан йиғилиб келган йигитлар Шўробод ариғи кўпригидан ўтиб, Темур билан Куликовга эргашиб, тўғри Қайроқтепага – ҳарбий қўналға жойлашган пастқамликка жўнадилар. Бу йигитлар орасида Темурнинг энг яқин дўстлари ва тенгқурлари Аҳмад билан Ҳайитбой ҳам бор эди. Темур Васькага Аҳмад билан Ҳайитбойни таништириб, Ойдинкўл шикорида Қора Даванг билан содир бўлган воқеани гапириб берди.

– Ўша мулозимни – Қора Давангни ҳозир кўрсанг танийсанми, Аҳмад? – сўради Темур.

Аҳмад йигитлар орасида бир оз ийманиб, чаккасини қашиди.

– Кўрсам, эҳтимол, танисам керак.

– Сен-чи Ҳайитбой?

– Танирман, эҳтимол.

– У шу ерда – Мирсолибойнинг ҳовлисида.

– Йўғ-э? – Аҳмад билан Ҳайитбой таажжуб билан Темурга қарадилар, – йўғ-э?

– Ҳа, унга кўз-қулоқ бўлиб туришимиз керак.

Темур йиғилган ҳамқишлоқларини ҳарбий гуруҳдаги йигитларга, аскарларни эса қишлоқдошларига тезгина таништирди-да, кейин кўнгилли ўсмирларни сафга тизилишга буйруқ берди:

– Хоҳиш ва истакларингизни инобатга олиб, сизларни сафимизга қабул қиламан. Мен бугун сизларни қўмондонлик номидан қизғин табриклайман!

Темур, Куликов, Наби новча ва бошқа аскарлар йигитларни сидқидилдан қутлашди.

– Қолган гапларни, – деди Темур сўзига якун ясаб, – бу кеча “Ҳарам қочоқлари” операциясини муваффақиятли бажариб, шаҳарга қайтганда гаплашамиз.

Темур йигитлардан ўн-ўн беш чоғлисини Аҳмад билан Ҳайитбойга топшириб, Мирсолибой қўрғони томон жўнатди. Улар пастқам ерларга пинҳона жойлашиб, бойнинг ҳовлисини ҳалқадай ўраб олишди...

АМИРДАН КЕЛГАН “ЧОПАР”

Тун алламаҳал бўлган. Осмонда бир тилим бўлиб ой сузиб юрибди. Узоқ-узоқларда бўри улиди, унга жавобан Ундаре қишлоғининг чеккасида ит эринибгина вовуллаб қўйди. Шўробод ариғининг қамиш босган ўзанида қурбақаларнинг бири қўйиб, бири қуриллайди.

Бой қўрғонининг якка табақали эшиги – чорвоқ томонга қараган дарчанинг занжири “ширқ” этиб тушди. Эшик очилиб, қўрғондан новча бир одам чиқди. У Шўробод ариғи ёқалаб бораётган эди, Аҳмад билан Ҳайитбой рўпарасидан чиқишди ва уни “ғип” этиб бўғиб олишди. Аҳмад унинг оғзига латта тиқаётганда бирдан таниб қолди: қишлоқ мулласи – Қанд бобо экан.

– Йўл бўлсин, мулла бобо? – сўради Аҳмад. – Сизга шафқат юзасидан латтани мана бундоқ қилиб оламиз-да, оғзингизни ланг очиб қўямиз: шарт шуки, овоз чиқарманг, дод солманг!

Мулла талвасага тушиб қолди:

– Мени нима қилмоқчисизлар? Ахир, мен тангрининг бегуноҳ бир бандаси, пайғамбарнинг художўй бир уммати бўлсам...

Мулла йигитларнинг олдига тушди.

– Мана, бойнинг битта айғоқчисини тутдик, – деди муллани бошлаб келган Аҳмад Темур билан Куликовга уни топширар экан. – Бой қўрғонининг орқа дарчасидан пинҳона чиқиб, лўкиллаб қочиб кетяпти...

Темур муллани дарров таниди. Аҳмадга жавоб бериб, муллага мурожаат қилди.

– Ие-ие, Қанд бобо, – деди кулиб, – муллаликдан бўлак айғоқчилик касбингиз ҳам бор экан-да? Шу гап ростми?

Мулла Темурга бир оз тикилиб турди, кўзи хира тортиб бўлса-да, товушидан унинг кимлигини пайқади.

– Темуржон? Бадал бобонинг Темуримисан?

– Ҳа, ўшаман.

Темур мулла Қанднинг қўлини олиб, ҳол-аҳволини, кайфиятини сўради. Темурнинг мулойим муомаласи бир томон, бояги йигитларнинг дағал муносабати бир томон, бобонинг бирдан хўрлиги хуруж қилиб келди.

– Раҳмат, болам. Ҳолба қудрат юрибман, – деди. – Мана, кўриб турибсан, тупроқдан ташқариман. Буларингга айтгин, болам, мени бунақа ном билан атамасин.

Темур чолга Аҳмаднинг “айғоқчи” дегани малол келганини дарров пайқаб, мулланинг кўнгли учун:

– Парво қилманг, сиз учун ўзим қулоқларини чўзиб қўяман уларнинг, – деди.

Чол бир оз тинчиди.

– Бу йигитлар сени лачайник – бошлиқ бўлди дейишяпти, шу ростми, болам?

– Кўриб турибсиз-ку ким бўлганимни, Қанд бобо. Эшитгандирсиз, – деди Темур аста-секин муллани гапга солиб, – кеча тахт ағарилди, амир қочиб кетди...

– Эшитдим, болам, эшитдим.

– Қаердан эшитдингиз?

– Бойникидан.

– Ким айтди?

– Пошшобиби... Ишонасанми, Темуржон, каломулло урсин, шу ёшга кириб амирнинг онасини кўрмаган эдим, бечора қариб қолган экан.

– Амирзодаларнинг аҳволи нечук, Қанд бобо?

– Рости гап, – деди чол норози бир кайфиятда бошини анчагача сарак-сарак қилиб, – амирзодалардан ихлосим қайтди, тоза йиғлоқи экан. Эҳ, хом сут эмган банда...

– Йиғлоқи экан дейсизми? – деди Темур яна гапни айлантириб. – Тожу тахт қўлдан кетгандан кейин аламидан йиғлайди-да!

– Лекин мен сенга айтсам, Пошшобибининг дийдаси тошдай қаттиқ экан, – деди мулла амирнинг онасига қойил қолиб. – Йиғлоқи амирзодалару хотин-халажни шундай урушиб бердики, асти сўрама. Ораларида Қора Даванг деган бир бебурд одам бор. Эскидан таниш.

– Ҳарамнинг тақдири шу Қора Даванг қўлида-да, бобо? – деди Темур.

– Эҳтимол, – деди чол елкасини учириб, – лекин... Пошшобиби билан иккисининг гапи бир ердан чиқмаяпти, чоғи.

– Нечун? – Ҳайрон бўлиб сўради Темур. – Қандай билдингиз, мулла бобо?

– Бойнинг ертўласи олдида иккисининг қаттиқ тортишганини эшитдим.

– Ертўла олдида дейсизми? – Темур Бадал бобоникида яшагани туфайли девор-дармиён қўшни – Мирсолибойнинг ҳовлисини миридан-сиригача биларди. У дарров хаёлан чамалаб кўрди: дарвозахонадан кейин ташқари ҳовли, сўнг ичкари ҳовли: сўлда, ўттиз-қирқ газча нарида молхона. Ана шу молхона супасида ертўла бўлиб, устига йигирма бир ёғочли узун айвон қурилган эди. Ертўланинг эшиги – қайрағочдан ишланган бўлиб, жуда оғир очилиб, ёпилар эди. Темур амирнинг онаси – Пошшобиби бойнинг ичкари ҳовлисига тушмай, ертўла атрофида ивирсиб юрганидан таажжубда эди.

– Қизиқ, Пошшобиби ертўлада нима қилади?

– Аравалардаги юкларни туширишди, – деди чол. – Ҳаммасини ертўлага жойлаб қўйишди.

– Энди тушундим, мулла бобо, – деди Темур хушнудлик билан. – Эслаб кўринг-чи, иккиси нима хусусда айтишиб қолди?

– Фикри ожизимча, Қора Даванг ҳарамни Вардонзе қалъаси усти билан аллақаёққа олиб кетмоқчи, лекин кампир кўнмади: “Сен нокасни аравалардаги олтинлар васвасага соляпти. Шунинг учун бизни ҳазрати олийнинг изидан узиб, йўлимизни атайин чалғитиб қўйдинг!” – деди Пошшобиби Қора Давангни қарғаб.

Аравалардаги халталарни ертўлага жойлаб бўлгандан кейин Пошшобиби негадир яна Қора Давангни чақириб, елкасига шапатилаб эркалатди: “Ҳазрати олийдан бирор умидли хабар келгунча ертўлани кўз қорачиғидай қўриқла!” – деди. Қора Даванг таъзим қилди. Шундан кейин иккиси ярашиб олди.

– Қизиқ, бу кампир тушмагур, қандай илинжга кўз тикиб, яна қаердан нажот кутяпти ўзи?

– Амирга кўз тикяпти, болам, амирга, – деди мулла товушини пастлатиб, Темурга томон энгашаркан. – Ҳар қандай тахликада ҳам амир бизни ёлғиз қолдириб кетмайди, деди. Агар онасини унутиб кетса, худо шоҳид, бу дунёю у дунё боламга берган оқ сутимга рози эмасман! – деб Пошшобиби ер муштлаб қасам ичди.

Мулланинг бой хонадонидан олиб чиққан ва ўзи билмаган ҳолда Темурга гурунг қабилида сўзлаётган гаплари бир чеккада қулоқ солиб турган Васькани қаттиқ ўйлатиб қўйган эди: “Дарвоқе, амир... Пошшобибининг сўнгги умиди ўринли: амир ҳар қандай таҳликали дамда ҳам буларни ташлаб, кетмас, ахир?..” Куликов Пошшобибининг мана шу сўнгги илинжидан бир “қармоқ” ясаб, шу “қармоқ”ни ичкарига – бой хонадонига устомонлик билан ташлашни ўйларди: “Масалан, дейлик: амирзодаларни олиб кетиш учун амирдан чопар келса... Чопар учун дарвоза сўзсиз очиладими, очилади, кейин... қизиқ, шу топда Темур нима ҳақда ўйлаётган экан?!”

Темур эса бирор бир муҳим гап чиқармикан, деган умидда ҳамон мулла Қанд билан овора эди:

– Қанд бобо, амирзодалар бойникига келиб тушганида сиз қаерда эдингиз?

– Бойникида хатми Қуръон тушириб тургандим. Бирдан дарвоза тарақлаб очилди-ю, ҳовлини фойтуну арава босиб кетди. Ташқари чиқай десам, савил юрак бетламайди, меҳмонхона эшигидан мўлтираб қараб ўтирибман. Бойнинг хотин-халажи, хизматкору чўриларининг қўли-қўлига тегмайди: бирови офтобага югурса, бирови сочиққа чопади; бирови отларни аравалардан бўшатяпти, бирови беда қирқяпти... Ана шу пайт менинг ўрним билинди. Бой чақириб қолди. Борсам... ёлғон гапирсам каломулло урсин, борсам, Сарагул беҳуш ётибди. Унинг бош томонида иккита канизак, оёқ томонида иккита канизак: ким дам-бадам елпиётган, ким қўл-оёғини уқалаётган, ким таталаётган... уларга қараб довдираб қолибман. Сизга ёлғон, Темуржон, худога чин, “куф-суф” дея дам уриб нимани ўқиётганимни ўзим

билмайман: бошидан бошласам, охири қолади, охиридан бошласам, боши қолади.

– Э, яшанг, Қанд бобо, – деди Темур мулланинг гапларидан завқланиб. – Ичкарида навкарлар кўпми?

– Чамаси қирқтача бор-ов, – деди мулла, – аравакашларга, бойнинг хизматкору қаролларига ҳам қурол беришди. Пошшобибининг фармони шунақа бўлди. Амирдан хабар келгунча, улар шу ерда шай бўлиб туришармиш...

– Амирдан бирор хабар келгунча денг? – Темур шу ҳақда ўйларкан, хаёлига "лоп" этиб янги бир фикр келди: "Пошшобиби кутаётган хабарни "чопар" борди-ю шу кеча олиб келса-чи? "Чопар" келгандан кейин қўрғон дарвозаси очиладими – очилади, кейин..."

Икки дўстнинг фикри бир ердан чиққан эди. Темур билан Васька "чопар" хусусида ўзаро муҳокама қилиб олишди.

– Жуда маъқул режа бўларди, – деди Васька, – лекин биласанми, Темур, ўртада Қора Даванг кўндаланг бўлиб турибди. Пошшобиби ўйлагандай, ростдан ҳам у олтин васвасасига тушганми ёки амирга бўлган сидқу садоқатини яна бир карра кўрсатмоқчими?

– Ҳар икки ҳол ҳам бўлиши мумкин...

– Мен "чопар" хусусида ўйлаяпман, Темур!

– Жуда тўғри. Наҳотки, бутун бир гуруҳдан битта "чопар" чиқмаса?

– Чиқиши мумкин, лекин вақт зиқ. Чопарни танлаб, кўпроқ машқ қилдириш лозим. Сўзидан қиттак янглишса, қоқ манглайидан дарча очиб қўйишади.

– Васька, менга қара-чи, наҳотки мендан чопар чиқмайди? – Темур Васька билан Наби новчани ўзига қаратиб, завқ билан гапира бошлади. – Қулоқ солинглар, олдин мана бундоқ қилиб, қамчи дастаси билан дарвозани тақиллатаман. Кейин ичкарига товуш бераман: "Ҳой, ким бор, дарвозани очинглар. Қиблагоҳ соҳибқиронимиз амир ҳазратларидан фармони олийшон олиб келдим..." Қалай, бўладими?

Куликов қувонч ва ҳаяжон билан дўстининг елкасидан маҳкам қучиб олди.

– Қойил, худди чопарнинг ўзгинаси-я!

– Агар дарвозани очмай, тихирлик қилса, дарров пўписага ўтиб, сўкиб ҳам юборишим мумкин...

– Ҳаддингдан ошма, – деди Куликов дўстини хиёл жеркиб, – бу қўрғонда амир салтанатининг казо-казолари борлигини унутма!

– Борди-ю, дарвозани Қора Даванг очса-чи?

– Бармоғинг тўппонча тепкисида турсин, – деди Васька, – биринчи навбатда Қора Давангни гумдон қилишинг керак!

Улар гапни бир ерга қўйиб, амалга оширадиган хуфия режани обдан муҳокама қилиб чиқишди. Чопарликка Темурни эгарланган отдай қилиб шайлашди...

***

Шу пайт бойнинг ҳовлисини чеккадан кузатиб, соқчилик қилаётган Аҳмад ҳарсиллаганча югуриб келиб, Темурга мурожаат этди:

– Ҳайитбой билан иккимиз Шўробод ариғи бўйида ёнбошлаб ётган эдик. Бир... бир оз ғафлатда қолибмиз. Бойнинг Бадал бобо ҳовлисига туташ молхонаси томонда бир қора... қора кўланка пайдо бўлиб, харобалар ичидан ўтиб, йўлга чиқди. Шеригим Ҳайитбойни орқасидан кузатиб боравер, деб жўнатдим-у, ўзим бу ёққа югурдим.

– Ким бўлиши мумкин, ўша қора кўланка? – ўйланиб қолди Темур. – Ҳарҳолда, Қора Даванг эмасдир, ахир, у ҳарамни ташлаб кетмас... Бунинг устига хотинини якка қолдириб... Йўқ, у эмас.

Васька Темурнинг гапини бўлиб, ўртага қатъий маслаҳат солди.

– Ким бўлса ҳам, ортидан кузатиш керак, – деди у Аҳмадга топшириқни дона-дона қилиб тушунтираркан, – ҳушёр бўлинглар, зинҳор-базинҳор у сизларни пайқамасин, – қулай жой танлаб, панада пойлаб ётинглар. Биз бойнинг қўрғонини эгаллаганимиздан кейин тезгина изларингга тушамиз. Югур, Ҳайитбойга етиб ол, югур!

Аҳмад келган изидан югуриб кетди.

Командирнинг топшириғига мувофиқ бой қўрғони теварагида соқчилар сафи янада кўпайтирилиб, “Чопар операцияси”ни тезроқ амалга ошириш ҳаракатига тушишди...

***

Тун ярмидан оғганида ҳарбий гуруҳ ва кўнгиллилар тўдаси Васька Куликов бошчилигида секин ер бағирлаб боришди-да, Мирсолибой дарвозасининг икки томонига тизилишиб, ичкарига ёпирилиб киришга шай бўлиб туришди. Шу пайт от чоптириб “чопар” келди ва ички бир ҳаяжон билан дарвозани қоқа бошлади:

– Ҳой, ким бор, дарвозани очинглар, қиблагоҳ соҳибқиронимиз амир аъло ҳазратларидан фармони олийшон олиб келдим!

Ичкаридан, нақ дарвоза ортидан уйқусираган кимсанинг дўрилдоқ товуши эшитилди:

– Кимсан ўзи, нобакор?

“Чопар” ўшқириб берди:

– Нобакор дейишга қандай журъат этдинг, тўнка? Мен амир ҳазратларининг чопаримен. Пошшобибини ёки амирзодалардан бирини чақириб бер!..

– Фармон бўлса, дарвоза тирқишидан узатавер. Пошшобиби билан амирзодалар ичкари ҳовлида, – деди қоровул яна тўнғиллаб.

– Қора Даванг жанобларини чақириб бер, бўлмаса. Қанақа безбетсан ўзи?

– Жаноб ертўлада. Дарвозани ташлаб кетолмайман, тушунсанг-чи, галварс!

Бу гапдан “чопар” шуни аниқ билдики, Қора Даванг эртаклардаги етти бошли девдай кўксини олтин тўла халталарга босиб ётибди: “Дарвозани очса, биринчи ҳужумни ертўладан бошлайман, шунда Даванг қопқонга тушади!”

“Чопар”бир лаҳзадан кейин амирона дағдағага ўтди:

– Амир ҳазратларининг шу кунги мусибатлари, қил устида турган тақдирлари сени ташвишлантирмайдими, нокас?! Аъло ҳазратларининг жаннат фариштасидай пок онаизорларининг, пушти камарларидан бунёд топган зурриётлари – амирзодаларнинг, шоҳистаи замон – жуфти ҳалоллари бўлмиш бегойимларнинг қисмати бамисоли бир коса сувдай липиллаб, тўкилай-тўкилай деб турган бир пайтда, сен худбин амир чопарига на дарвозани очурсен, на йўқлаган кимсаларни чақириб берурсен. Аҳли мусулмон амиримизнинг қутлуғ изидан озодлик деб жангга отланиб чиққанида, сенлар курк товуқдай уйда беркиниб ўлтурурсенлар. Мен Пошшобиби ва амирзодаларни ҳозироқ амир ҳазратлари изидан олиб кетишим керак. Агар дарвозани очмасанг бу гуноҳи азим учун тахти олийга қайтганларидан кейин амир ҳазратларига ўзинг жавоб берурсен!

Қоровул “чопар” дағдағасидан довдираб қолди, чоғи:

– Ҳозир, жилмай тур, дарвозани очамен, – деди.

Темур ва пинҳона жангга шайланиб турган йигитлар қоровулнинг жавобидан кейин чуқур тин олишди...

ВАСВАСА

Бойнинг нақшинкор дарвозаси очилганда, “чопар” ортидан Васька Куликов бошлиқ гуруҳ ва кўнгиллилар ҳовлига ёпирилиб кирди. Ҳаммаси бир лаҳзада – кўз юмиб-очгунча содир бўлди...

Душманнинг асосий кучи – амирнинг хоснавкарлари жойлашган ташқари ҳовлига Васька Куликов бошлиқ йигитлар ҳужумга ўтди. Темур эса дарвозахонанинг чап томонида – тахминан ўттиз метрча нарида жойлашган молхона тарафга ўтиб, ертўлани ўраб олди ва унинг эшигига бир неча соқчи қўйди.

– Гап бундай, йигитлар, – деди Темур ертўлани ўраб олган қишлоқ ўсмирларига тайинлаб, – эҳтиёт бўлинглар, қўлдан чиқарманглар!

Шундан сўнг Темур йигитлардан бир қисмини бойнинг ичкари ҳовлисига кирадиган дарвозага соқчиликка қўйиб, ўзи Васьканинг кетидан ҳужумга ўтди.

Ташқари ҳовлида душман пароканда кайфиятда эди: қарийб бир ҳафтадан бери тахт ташвишида елиб-югурган, на уйқуда ҳаловат, на ейишда фароғат кўрган, тинка-мадори қуриган кўпчилик навкарлар бой ҳовлисининг деворлари тагида милтиққа суяниб, кундадай қотиб қолишганди. Васька бошлиқ йигитлар уларга шердай ташланишди. Шу пайт Темурнинг йигитлари етиб келди. Ҳар бир навкарга икки-уч йигит тўғри келар эди.

Ҳовлининг чеккасида – анор ва анжир буталари остида мудраб, карахт бўлиб ётган бир қисм навкарлар тўполондан ҳушёр тортиб, бирдан ҳамлага ўтишди: бир хиллари йиртқичдай рақибига ташланди, бир хиллари жони бўғзига тиқилиб, девордан ошиб қочишга чоғланди... Тўс-тўполон, чий-чув, қурол-аслаҳаларнинг акс-садоси бутун қишлоқни босиб кетди. Жанг шу

тахлит ярим соатча давом этди. Охири, навкарларнинг шашти синиб, қуролларини ташлаб, таслим бўлишди. Аскарлар мағлубларни молхона томон ҳайдаб, бойнинг катта сайисхонасига қамаб қўйишди.

Энди навбат ертўлага келган эди...

Йигитлар бойнинг ташқари ҳовлиси билан молхона ва ертўласини ажратиб турадиган пастак девордан ошиб, Темур боя қолдириб кетган соқчилар сафига келиб қўшилишди. Ҳамма командир буйруғига мунтазир турар эди.

Темур билан Васька ертўла устига қурилган узун айвонни айланиб чиқиб, ертўла эшиги олдига келиб тўхтади. Темур эшикни итариб кўрди. Эшик ичкаридан тамбаланган эди. Яна итарди, фойдасиз, очилмади. Темур орқасига ўгирилиб, таслим бўлган навкарларга соқчилик қилаётган мулла Қандни имлаб чақирди. Қулоғига нимадир деди. Мулла югуриб бориб боя “чопар”га дарвозани очиб берган, оғзига латта тиқилган, узун мўйловли қоровулни елкасига туртиб-туртиб, сайисхонадан бошлаб келди. Темур қоровулнинг оғзидан латтани суғуриб ташлади, кўкрагига тўппончасини тиради.

– Жим, сасингни чиқарма!.. Яшашни истасанг, мен нима десам, шуни ертўла эшиги олдида туриб баланд овозда такрорлайсан. Тушундингми?

– Тушундим, тақсир, тушундим.

Васька қоровулни ертўла эшигига олиб келди. Темурнинг ортида туриб, баланд ва кенг елкасига бўйи етиб-етмай, аста-секин пичирлаб турди. Қоровул эса қари тўтиқушдай у айтган сўзларни битта қолдирмай такрорлай бошлади:

– Қора Даванг тақсирлари, ташқарига чиқинг. Навкарларимиз қўли баланд, душманларимиз мағлуб бўлиб, қочиб кетишди... Чиқинг энди. Пошшобиби сизни сўроқлаяптилар... Суюнчи беринг, ҳазрати олийдан чопар келди!

Ичкаридан ҳеч қандай сас чиқмади. Бир оздан кейин эшик орқасидан енгил оёқ товуши эшитилди. Кимнингдир қимтиниб, қўрқув аралаш берган жуда заиф овози келди:

– Жаноблари йў-ў-ўқлар...

Бу – аёл кишининг овози эди.

– Қаерда Қора Даванг жаноблари? – деди қоровул.

– Билмайма-ан... – дерди аёл, кейин унинг йиғлагани эшитилди. – Мен бадбахт муштипар аёлдан нима истайсиз?

– Ҳеч нарса, – деди қоровул, – эшикни очинг.

– Ўзим келганда очасан, деганлар...

Темурнинг сабри чидамади. “Аёл найранг ишлатяпти” деб ўйлайди-ю, қоровулни нари суриб, ўзи эшикка борди.

– Очинг, хоним! Ҳозир отишма бошланади, ўзингизни нобуд қиласиз! – деди командир жаҳл билан.

– Нобуд қиламан? – деди аёл ваҳимали чинқириб. – Нега, қандай гуноҳим учун?

– Яшашни, озод бўлишни истасангиз, эшикни очинг!

– Озод дейсизми? – Қандайдир умид билан яна сўради аёл. – Чин сўзингизми?

– Чин сўзим! – Қатъий оҳангда деди Темур. – Тез очинг!

– Ҳозир очаман, – деди аёл ҳаяжон билан, – ҳо-о-зир...

Темур билан Васька аёлнинг ҳаяжон тўла гапидан кейин Қора Даванг ертўлада йўқлигига тўла ва аниқ ишонишди ва бир-бирига маъноли қараб олишди: “Қаёққа ғойиб бўлди экан? Аҳмад билан Ҳайитбой қувиб кетган қора шарпа – ўша қочоқ Қора Даванг экан-да? Афсус, бу қари шайтон билан юзма-юз бўлиб, кекирдагидан бўғишни анчадан буён юрагимга тугиб юрардим-а, минг афсус!”

Эшик очилди. Ичкарига киришди. Ертўла ўртасида, тўнтарилган челак устида шамчироқ хира милтирарди. Бурчакда олтин тангалар тўлдирилган халталар териб қўйилган. Халталарга яқин, пастда иккита нимдош кўрпача тўшалган. Ертўла тўрида икки-учта хум, катта-катта бочкалар қорайиб кўринади, афтидан бу ёғи бойнинг бисоти сақланаётган омбор бўлса керак. Иккита аскар қўлидаги милтиғини ўқталган кўйи ертўлани ағдар-тўнтар қилиб чиқди – Қора Даванг йўқ эди...

Мулла Қанд шамчироқнинг куйиб қолган пилта учини қўли билан сидириб ташлаган эди, ертўла бир оз ёришди. Шундан кейин ҳамманинг назари юзининг ярмини рўмол билан ўраб, бурчакда қимтиниб турган аёлга тушди.

Темур жувонни кўриб, бир лаҳза ҳаяжонда қолди: “Бу, ўша – Наврўзоймикан?!”

– Сиз... сиз Наврўзой эмасмисиз?

Жувон “ялт” этиб унга қаради.

– Мени танийсизми? – деди рўмолининг учини қўли билан тез-тез ғижимлаб туриб. – Ҳа, мен... мен Наврўзойман.

– Мен Сирож аканинг тутинган иниси – Темурман, – деди йигит унга яқин бориб. – Мендан чўчиманг, Наврўзой, ўз кишингизман.

Аёл рўмолининг учи билан кўзёшларини арта-арта, йиғи аралаш ҳиқиллаб-ҳиқиллаб гапирди:

– Парвардигор мен ожизани шу кўргиликларга дучор қилди. Нима қилай, бу қузғунлар панжасига тушмаслик учун кўп уриндим: ўлиб ўлолмадим, ёниб ёнолмадим, сувга тушиб чўколмадим! Нима қилай, бир муштипар аёл бўлсам...

– Ҳаммасидан хабардорман, ўксиманг, – деди Темур унинг гапини бўлиб, – дарёда чўкиб чўколмаганингизга сабабчи менман, Наврўзой! Хотирангиздами, ўзингизни Сарипул кўпригидан дарёга отганингизда, мен..

– Э-э... Ўша йигит сизмидингиз? – деди жувоннинг кўзлари ёниб. – Сизмидингиз, а? Вой, ўшанда қанчалик ўлгим келганини билганингизда эди! Бегона эркак қўлига тушиб, Сирож акамнинг руҳини қақшатиб қўймай деб ўшанда ўлиб кетишга чандон рози эдим. Нима қилай, ҳатто ўлишни ҳам уддалай олмадим. Бундан чиқди, ўшанда раъйимга сиз кўндаланг бўлган экансиз-да?!

– Мен ўшанда қирғоққа тортаман, сиз бўлсангиз ўзингизни гирдобга отасиз. Ўлимга ташна одамни биринчи кўришим эди ўшанда.

Наврўзой кўзлари жавдираб Темурга яқин келди. Бошидан рўмоли тушганини сезмай, икки-уч қадам олдинга босди-да, Темурнинг оёғига йиқилиб, тиз чўкди.

– Сиз... сиз менинг халоскоримсиз!

Темур шошиб қолди.

– Туринг, Наврўзой, – деди у жувоннинг елкасидан омонатгина тутиб, – туринг, бундай қилманг, яхши эмас, уят бўлади!..

Жувон оҳистагина оёққа қалқди. Рўмолини ердан олиб, бошига солди. Ичдан хўрлиги хуруж қилиб, ўксиб-ўксиб йиғлади...

– Йиғининг мавриди эмас, Наврўзой, – деди Темур ночор бир оҳангда. – Мен Қора Давангни топишим, унинг қаерга ғойиб бўлганини билишим керак. Агар билсангиз, Наврўзой, у ҳозир биз учун амирдан ҳам хавфли. Тахт ағдарилгандан кейин навкарлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўрт тарафга тўзғиб кетди. Қора Даванг ана шу навкарларнинг бирор тўдасига учраб, уларни бу ёққа бошлаб келса борми... Кўп жойни ғорат қилади, Наврўзой!

Жувон йиғидан тўхтаб, бир оз ҳушёр тортди.

– Уни топишингиз... жу-жуда зарурми? – деди тутилиб.

– Жуда зарур, – деди Темур унга умидвор назар билан боқиб, – билсангиз айтинг. Фақат ростини айтинг.

– Билишга-ку, биламан, лекин...

Аёл икки ўт орасида қолган эди: “Нима қилай, ростини айтайми, ё?.. Сирож акамнинг хотираси иккимизнинг ўртамизда турган бўлса... – Ўзича ўйлай бошлади аёл. – Сирож акамнинг тутинган инисиман, деяпти... Ўз халоскоримдан билиб турган нарсамни сир тутсам, инсофдан бўлмас, ахир?..”

Наврўзой Қора Даванг ҳақидаги бор гапни айтишга жазм қилган эди, лекин яна раъйидан қайтди. “Ахир, мен... мен шаърийми-ношаърийми, унинг хотиниман-ку?! Унинг хасмидаман...”

Темур жувоннинг иккиланаётганини дарров пайқади. Пайқади-ю, бир томони, Қора Даванг изини тезроқ аниқлаш; иккинчидан, Сирож фожиасига Қора Даванг бош айбдор эканлигини Наврўзойга очиқ айтиш заруратидан, ҳозир унчалик мавриди бўлмаса-да, гапни амирга қилинган сохта суиқасддан бошлади:

– Очиқчасига гаплашиб олайлик: Наврўзой, Қора Даванг панжасига қандай қилиб тушиб қолганингизни ўзингиз биласизми, йўқми?

– Биламан, – деди аёл, – Сирож акам тўқайда амир ҳазратларига ўқ узганда, жаноб Қора Даванг амирга отилган ўққа ўз кўкрагини тутган. Шундан кейин амир ҳазратлари ўзларига пешкаш этилган мен ожизани жаноб Қора Давангга инъом этганлар.

– Ана, кўрдингизми, ўз қисматингизни ўзингиз билмайсиз, – деди Темур. – Сиз айтган бу гапларнинг ҳаммаси чўпчак, Наврўзой, билдингизми? Буни Қора Даванг тўқиб чиқарган. Мен сизга ростини айтай, эшитинг: Қора Даванг Ойдинкўл шикори даврида амир ишончидан тамом маҳрум бўлиб

қолган эди. У амир эътиборини қайта қозониш, саройдаги мавқеини қайта тиклаш учун йўл излаб юрган бир пайтда, Вобкент яйловида Сирож акамга ногаҳон учраб қолади. Сирож ака бутун қисматни гапириб бериб, сизни қутқариш учун ундан йўл-йўриқ сўрайди. Қора Даванг Сирож акага фақат битта қалтис йўлни тавсия этади: амирга ўқ узиш! Сирож ака сиз учун дўзах ҳиди бурқсиб турган шу қалтис йўлга ҳам рози бўлади. Суиқасднинг вақтини, жойини Қора Даванг олдиндан белгилайди. Эртасига Сирож аканинг милтиғига иккита ўқ жойлаб беришади. Қора Даванг: “Бу ўқлар заҳарланган”, деб айтади. Аслида бу ўқларга кўкнор уруғи қўшиб, зарарсизлантириб қўйилган бўлади. Бу ишни Қора Давангнинг содиқ навкари Ғилай амалга оширади. Шунинг учун ҳам амир билан ёнма-ён келаётган Қора Даванг қўрқмай ўз кўксини ўққа тутиб берган. Кейин сир очилиб қолмаслиги учун Сирож акани, содиқ навкари Ғилайни шартта отиб ташлаб, уларни тилсиз гувоҳга айлантирган.

– Вой, батто-олл! – деди Наврўзой беихтиёр юзини чангаллаб. – Вой, баттол! Эҳ, бу содда кўнглим ниманидир сезиб юрарди-я. Бу нокаснинг ичига шунча маккорлик, шунча ситамкорлик сиққанини қаранг...

– Наврўзой, мен сизга бор гапни айтдим, – деди Темур. – Хоҳланг, ишонинг, хоҳланг – ишонманг.

– Ишонаман, – деди жувон, – ишонаман, Қора Давангнинг шафқатсизлигини Абдураҳимбойга ўтказган ситамларидан билган эдим. Сирож акамнинг қўлидаги милтиқ туфайли Қора Даванг бойнинг бошига шундай кунларни солдики... Ахийри, бой шаҳардаги уйини Қора Давангга ўз қўли билан топшириб, қишлоққа қочиб кетди. Қора Даванг: “Икки кундош бир ҳовлига эмас, бир гўрга ҳам сиғмайди”, – деб мени бой ҳовлисига кўчириб ўтказди... Ҳарамдаги аёлларнинг бор мулки, зебу зийнати, олтин тангалари мана шу ертўладаги халталарда. Ҳали кўп фурсат ўтган эмас, Қора Даванг бир халтанинг оғзини очиб, қўйни-қўнжини тилло тангага тўлдирди, қолганини елкасига ортмоқлаб, эшик ёнига борди. Эшик тамбасини қўлимга бериб, тайинлади:

– Тангаларни Бурқи Сармастдаги эшон ҳужрасига элтиб, яшириб келаман. Бирор кунимизга ярар, замон бунақа алғов-далғов бўлиб турибди. Тез қайтамен. То мен келгунимча эшик тамбасини очмайсан, хотин. Укдингми? – деди. Кейин ғойиб бўлди.

Шу пайт ертўла эшигидан сўкина-сўкна ичкари кирган мулла Қанд:

– Темур болам, аскарларнинг мен бандаи мўминни тутгунча, анави ғаламис Қора Давангни тутсин эди, – деди куйиб-пишиб. – Бу баттол ҳаммамизни ғафлатда қолдирибди. Бадал бобонгнинг ҳовлисига туташ деворни ойболта билан чопиб, одам сиғадиган қилиб тешибди, лаънати!

– Тўғри айтасиз, Қора Даванг хусусида ғафлатда қолдик, – деди Наби ҳам.

– Энди, ўртоқлар, бизни ғафлатда қолдирган одамни, – деди Васька, – ғафлатда қолдириб босишимиз керак!

– Тўғри, – деди Наврўзой ҳаммадан бурун, – эҳтимол, бу ишга мен ҳам яраб қоларман. Ўйлаб кўринглар, мен ҳаммасига тайёрман!

Темур Васькага, Васька Темурга қаради. Темур мулла Қанддан сўради:

– Бурқи Сармастнинг эшони ким, танийсизми?

– Танийман, Абдуваққос эшон эди, – деди мулла Қанд юзига фотиҳа тортиб. – Жойи жаннатда бўлсин, бундан ўн беш кун олдин қазо қилди.

– Унда Қора Даванг энди ўзича йўл тутади, – деди Васька. – Отишма товушини эшитди. Келадиган бўлса ҳам энди келмайди у.

– Тўғри, – тасдиқлади Темур. – Ортидан кетган Аҳмад билан Ҳайитбойдан ҳам бирор дарак бўлмади.

– Йигитлар изидан тезроқ йўлга тушиш керак, – деди Васька.

Наврўзой бошига рўмолини маҳкам танғиб, умидвор назар билан Темурга қаради.

– Мен ҳам бирга бораман. Битта ханжар берсангиз бўлди.

Аёлнинг раъйини қайтаришга ҳеч ким журъат этолмади.

Темур билан Наврўзой учун иккита от тайёрлашди...

ҚАЛЪА СУКУНАТИ

Ундаре тепалигидан бошланган ёлғизоёқ йўл машҳур Кўҳна Вардонзе қалъасига бориб тугайди, ундан нари сарҳадсиз чўл...

Чамаси беш километр узунликдаги сўқмоқ кета-кетгунча илон изи: гоҳ қалин тўқайзор оралаб ўтади, гоҳ қум барханларига бориб туташади.

Бир пайтлар Шарқ дарвозаси деб довруқ таратган, Буюк Ипак йўли устидаги шаҳар сифатида кекса тарих зарварақларида битилмиш қадимий Вардонзе сувсизлик жафоси, қумкўчди балосида топталиб, табиат хуружлари олдида тиз чўкди. Неча-неча асрлардан бери Вардонзе харобаларигина ўтмишнинг соқов шоҳиди каби мунгли сукут сақлаб ётибди.

Вардонзенинг кунгай томонида, пастликда Бурқи Сармаст қадамжоси жойлашган. Қачонлардир бу ердан булоқ тошиб чиққан-у, яна қачонлардир сўқир кўздай битиб, ўрнини қамиш босиб кетган. Қишин-ёзин бу ерда шўрхок лой билқиллаб қайнаб туради. Лойни яра-чақага шифо деб билишади. Чашманинг ўнг томонида пачоққина ҳужра бор. Бурқи Сармаст шайхи Абдуваққос эшон шу ҳужрада узоқ йил яшаб, яқинда оламдан кўз юмди.

Қора Даванг ярим тунда Мирсолибой қўрғонидан яширинча чиқиб, Абдуваққос эшон ҳужраси томон қора тортиб кетаётган эди. Унинг изига тушган қишлоқ ўсмирлари – Аҳмад ва Ҳайитбой эса қочоқни кўздан қочирмай, жуда эҳтиёт бўлиб, ортидан пойлаб боришарди.

Тун зим-зиё. Қовжираб қолган қамиш шамолда шитирлайди. Яқин ўртада бўри улиди. Юлғун буталари орасида ёввойи мушуклар жонсарак бўлиб, бир-бирини қувиб, йўловчининг нақ оёғи остидан ўтиб кетади. Қора Даванг танасининг аллақаери жунжикди. Қўлида тўппонча, белида қилич, елкасида қўшоғиз; барибир қабристон ваҳми чўккан бу тўқайзор унинг учун қўрқинчли эди.

Қора Даванг бир йилча олдин бу сўқмоқдан отда, тепасида қуёш барқ уриб турган бир кунда ўтган эди. Ўшанда оғир дардга чалиниб, шу дард зарурати билан бу ерга нажот излаб келгани ҳануз хотирасида турибди. Ўшанда бутун танасини нўхатдай-нўхатдай тошма босиб кетди. Бу касаллик ваҳми Қора Давангнинг кўнглига қўрқинчли ғулу солган эди. Чунки бу юқумли касаллик оқибатида унинг оёғи бир умр саройдан узилиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун бир ҳафта амирнинг кўзига кўринмай, ҳатто саройнинг хос табибларига ҳам кўрсатмай, ўзини тезроқ даволатиш ташвишига тушди.

У Бурқи Сармастдаги шўр булоқнинг шифобахш лойини эшитиб, Ундаре қишлоғидаги Мирсолибойникига келди. Бой унга мулла Қандни қўшиб, зудлик билан Абдуваққос эшон ҳузурига жўнатди.

Эшон Қора Давангни яланғоч қилиб, оҳори тўкилмаган бўйрага ётқизди. Бутун танасига Бурқи Сармастнинг оппоқ, шўрхок лойидан суртди. У икки кун бўйрада ўзини офтобда тоблаб, шўр лойнинг жазиллатиб куйдиришларига чидаб ётди. Эшон унинг ёнидан бир қадам ҳам жилмай, Бурқи Сармастнинг кароматларию шўрбулоқнинг шифобахш лойи ҳақида қизиқ-қизиқ ривоятлар айтиб берди.

Қора Даванг хаёл суриб, Абдуваққос эшоннинг сохта кароматларига ишониб, Бурқи Сармастнинг шўр лойидан ялаб, сасиган сувига чўмилганини хотирлаб, оқибатда танасини газак олдирганини ўкинч билан эслаб бораркан, йўқотиб қўйган сўқмоғини рўпарасидаги бархандан ошиб ўтгандан кейин яна топди. Пастда сўқмоқ бошланиб, иланг-биланг бўлиб, тўқай оралаб кетарди. У бир оз юриб, яна бир баланд барханга рўбарў бўлди. Тепани ёнлаб, айланиб ўтиш учун вақти зиқ, кўп юриши керак. У барханни ошиб ўтишга жазм қилди. Тиззасигача қумга ботиб, ҳарсиллаб тепадан ошди. Бу ердан Бурқи Сармастдаги туғ кўзига ғира-шира кўринди:

– Ҳаммасига минг лаънат, ҳаммасига! – деди қўлини силтаб. – Амир ҳазратларининг хос табиблари бўлмаганида мохов бўлиб қолишим ҳеч гап эмас эди.

Қора Даванг эшон ҳужрасига яқин келиб, тақир супага чиқиб этигини қоқди, йўталиб қўйди. Бир оз кутди, ҳеч қандай сас чиқмади. Супанинг бир томони – ғира-шира ёруғ, иккинчи томони зим-зиё. Вардонзе қалъанинг баланд харобалари ҳужра билан супа устига қора кўланка ташлаб турибди. Ҳужра қалъа деворига тақаб қурилгани учун гўё кўланка остида пачоқ бўлиб кетгандай кўринади. Қора Даванг ҳужранинг бир тавақа эшигини милтиқнинг қўндоғи билан қоқиб, овоз берди. Эшонни чақирди, жавоб бўлмади. Елкасидаги халтани пойгак деворига суяб, қўшоғизнинг учини олдинга қилиб, тепки устига бармоғини қўйиб, ҳужрани бир бор қараб чиқди. Ичкари зим-зиё, ҳеч нарсани илғаб бўлмайди. Бир пайт икки мушук оёғи остидан чиқиб, ура қочиб қолди: Қора Даванг бир чўчиб тушди, беихтиёр тепкини босиб юборди. Ўқ рўпарадаги деворни тешиб ўтди, уй қора тутунга тўлди. У саросимада ташқарига отилиб чиқди. Супани, ҳужранинг чор атрофини ҳар эҳтимолга қарши кузатиб чиқди. Бу ерда одам яшаганидан далолат берувчи бирор белги тополмади. Қалъанинг кўланкаси тушиб турган

супадан сал четроқда қудуқ; оғзига синган тегирмон тошининг ярим бўлаги, қудуқ ёнидаги кичкина сувохурга эса дастаси синган кетмон бостириб қўйилган. Бу яқин-орада сувга эҳтиёж туғилмабдими, демак, бу ердан одамзот оёғи узилган.

“Битта илинжим сен эдинг, эшон, – ўкинди Қора Даванг, – нечун ҳамма ишим тескари кетяпти? Машойихлар демишларки, худо бандасига ситам ўтказмоқчи бўлса, аввал унинг омадини тескари қилармиш, кейин бошидан ақлини суғуриб олармиш. Ситамгар фалакнинг бу жабрларига бардошим-ку етар, лекин янги келган офат – большовой билан Ёш бухороликлар ситами омадимдан ҳам, ақлимдан ҳам, ҳаётимдан ҳам жудо қилмасайди деб қўрқамен!..”

У қудуқ устидаги синиқ тегирмон тошига келиб ўтирди. Олтин танга солинган халтани икки оёғи орасига олди. Қўндоғи ерга тираб қўйилган милтиқ учига икки кафтини босди, устидан манглайини тиради: “Нима қилсам экан? Тиллони қаерга яширсам бўлади? Ҳужранинг остини кавлаб саранжомласам... Йўқ, бўлмайди, бу ер оёқ таги. Тезда кетишим, тонг отмай ертўлада бўлишим керак. Пошшобибининг феълини биламан: у бу ишимни пайқаб қолса, амир ҳазратларига айттириб, нақ ҳаром тукимгача битта қолдирмай юлдиради”.

У ўрнидан туриб, тилла солинган халтани яна елкасига олди. Эшон ҳужрасининг орқаси билан қалъанинг деворига қараб юрди: “Ўтмишнинг қанчаки сир-асрорини асрлар оша сақлаб келаётган кўҳна бу қалъа бағрига наҳотки менинг шу ярим халтагина тиллоларим сиғмайди!?” У рўпарасидаги нураган, етти пахса девор билан ўралган, ғалвирдай титилиб, ўркачдай паст-баланд бўлиб кетган айланма қўрғонга бир оз қараб турди-да, орқасига қайтди. Қудуқ ёнидаги сувохур устидан дастаси синган кетмонни олиб, қалъа олдига яқинлашди. Бошига ҳайбатли бўрк кийиб, афсонавий паҳлавондай сукут тутиб турган “Минораи жарчи” (Қалъа жарчиси шу минорада туриб одамларга қарата жар солган) тагига келиб чўкди. Дастаси синган кетмон билан чуқур қазишга киришди...

Қўнжидаги олтинларни ҳам халтага бўшатиб, уни чуқурга ташлади, устидан тупроқ тортди. Кейин синиқ кетмонни қулочкашлаб отиб юборди. Кафтини, этагини қоқди. Кетмонни отган томондан қулоғига аллақандай бир чинқириқ эшитилди-ю, тезда тинди. Яна жимжит сукунат чўкди. Кўкка қаради. Тун анча ёришиб қолган, осмон сутга чайилгандай беғубор, оппоқ эди. Кечикмай деб шошилиб йўлга тушди. Қора Даванг тўрт-беш қадам ташлаб тўхтади, орқасига қайрилиб, олтин кўмилган жойга узоқ қараб турди. У худди кўксидан юрагини юлиб, уни қора ер бағирлаб кўмгандай эди. Бутун танаси – тирноғининг учигача куйиб, ичи алангадан ловиллаб кетди...

***

Қора Даванг ўзи келган сўқмоқ билан изига қайтди. Икки бархан ошиб, учинчи тепага чиққан эди, рўпарасидан қарсиллаган милтиқ товуши эшитилди. У сергак тортиб, чор атрофга қулоқ солди: яна қарсиллади, яна... Охири, олатасир бўлиб кетди. Қора Даванг Ундареда, бойнинг ҳовлисида

отишма бошланганини энди фаҳмлади: “Не сабабдан отишма бошланди экан? – ўзича сабаб излай бошлади у. – Ҳойнаҳой, Пошшобиби ертўладан хабар олгани ичкари ҳовлидан чиққан бўлса керак. Бор гапни хотиним айтиб берган. Кампир навкарларни оёққа турғизган кўринади... Тўхта-тўхта, бордию, большовой аскарлари изимиздан қувиб, тўғри Мирсолибойнинг қўрғонига бостириб келган бўлса-чи?..”

Уни ваҳм босди. Тепада қаққайиб тураверди.

Отишма қарийб ярим соат давом этди. Шу ярим соатда отилган жамики ўқ гўё Қора Давангнинг кўксига келиб қадалгандай бўлди.

У бемажол, карахт: – “Энди тамом, ҳаммаси тугади, – деб ўйлай бошлади. – Отишмани Пошшобиби бошлаганида ҳам, большовой аскарлари бошланганида ҳам, барибир, менга энди у томонга йўл йўқ!..”

У аламидан ғўлдирай-ғўлдирай ортига қайтди. Оёғи тортар-тортмас одимлар эди. Унинг бутун вужудини телба-тескари мулоҳазалар, даҳшатли хаёллар чулғаб олган эди: “Кечагача тахти олий амир ҳазратлари оёғи остида титрагувчи эди. Кўргилик экан. Тахт мана бугун ағдарилди. Қанча молу мулким, таноб-таноб асл мулк ерларим, шоҳона кошоналарим большовой оёғи остида топталиб, қолиб кетди. Биламен, энди тахтга қайтиш йўли берк ҳаммамизга – амирга ҳам, менга ҳам.

Айт десангиз, айтайин,
Дардим асли бедаво.
Амир тахтидан туша,
Мулозим бўлғай гадо!

Бири боғдан, бири тоғдан келган бу айқаш-уйқаш байтлар унинг миясига қаердан келиб қолди, ўзи ҳам билмайди. Лекин унинг юрагидаги дардини шу совуқ мисралар ифодаланаётгандай эди. У байтини баланд товушда, беихтиёр тез-тез такрорларди: “Мулозим бўлғай гадо... Мулозим бўлғай гадо... Ҳазрати олийлари ҳозир қаерда, қайси бир манзилни макон айлади экан? Эҳтимол, менга ўхшаб бирор ковакда жон ҳовучлаб ётгандир? – Ҳамон ўйлаб борарди у. – Фаҳми ожизимча, энди амирдан бирор рўшнолик кўриб бўлмас, уруш тугамай, тахти олийни ташлаб, афғон навкарларига суйкалиб қочди. Амир тахтда муқим турса эди, Бухорои шариф Шаҳристонининг деворларидаги ҳар бир кесак ёв бошига ажал бўлиб ёғиларди. Иккиламчи, кўксидан оқ сут берган онасига, пушти камаридан бунёд топган зурриётларига қарамай қочган кимса ўзгаларга рўшнолик бахш эта биладими, бировларга пуштипаноҳ бўлиб биладими, эй нодон?! Каминанинг энди пуштипаноҳи, тахти ва бахти – қаъла деворининг тагидаги олтин тангалар. Энди мен ўша тангаларга сиғинамен, унга қўл чўзган кимсанинг илкини чопамен!..”

У сўқмоқда кетаётиб, беихтиёр бир қўли билан шамширнинг дастасини, бир қўли билан елкасидаги милтиқнинг тасмасини маҳкам чангаллаб олди. Анча юриб бориб, яна беихтиёр бўшашди, қилич дастасидан қўлини олди: “Қани энди шу олтин тангаларни ютиб бўлса, камина уларни бир йўла ютиб,

боласини халтасига солиб юрадиган жонивордай юраверардим. Замона зайли, сиртимни бўяб: “Гоҳ худои расул, гоҳ нағмаи усул” қилиб, бирор хилватда, ўз раъйимча яшардим. – Қора Даванг ўзидан-ўзи бирдан кулиб юборди. – Эшоннинг шу пачоқ ҳужрасида яшайсанми, эй нодон? Дунёнинг ишлари сенга шунчалик жўнми?.. Не қилай бўлмаса, уф, ҳаммасидан тамом бездим!.. Ўттиз йил салтанатда амиру амирзодаларнинг хизматини қилдим: оёғига ўрагани пайтава бўлдим, этиги остига бамисоли тагчарм бўлиб, эгилиб яшадим. Энди яна кимга эгилай, большовойгами? Йўқ, большовой дегани эгилганни ҳам чопади, тик турганни ҳам... Тўхта-тўхта, Варахшадан ўтсам, сўнг Замон ота дашти, кейин у ёғи – чегара – хориж!..”

Қора Даванг эшон ҳужрасига етиб келганида, ҳужра устига ёпирилиб ётган бояги қора кўланка энди чекинган, теварак-атрофга, қалъанинг етти пахса деворларига, “Миноpаи жарчи”нинг бўркнусха учига оппоқ нур югурган эди. У ҳужранинг тақир супасига етиб, атрофга аланглади. Қудуқ оғзига бостириб қўйилган тегирмон тоши устида бир лаҳза ўтирди. Ўтирди-ю, яна учиб турди, шашт билан ҳужранинг орқасига ўтиб, “Миноpаи жарчи” тагига қараб югуриб кетди.

Қай кўз билан кўрсинки, миноранинг таги ковланган – боя у кўмиб кетган олтин тўла халта йўқ эди!

Қора Даванг кўриб турган нарсасига ишонмай, кўзларини чиппа юмиб, яна очди: минора ости ковланган, олтин кўмилган жой қоп-қора, аждар оғзидай очиқ эди...

Қора Даванг олтинларнинг йўқолганига, кимлардир унинг ортидан пойлаб, изма-из юриб танга кўмилган жойдан воқиф бўлиб, халтани ўғирлаб кетганига аниқ ишонди. Муштини қаттиқ тугиб, кўксига бир туширди. Оғриқни сезмади, лекин бош-кўзи айланиб, оға бошлади: “Буни телбалик эмас – тадбиркорлик ҳал қилади!” – деди ўзини қўлга олишга тиришиб. Қора Даванг чуқур атрофидаги янгигина тортиб ташланган қумга разм солди: аллақандай қасанғи оёқ излари...

“Миноpаи жарчи” ҳамон сукутда. Қора Даванг бошини чангаллаб, бир оз сукутга кетди. Шу бир лаҳзалик сукутда унинг ичидан бир замбил қиринди ўтгандай бўлди. Боя хаёлида ногаҳон кечган совуқ байтлар энди ғазаб ва хўрликка қорилиб, яна сиртига урилди:

Амир тахтидан туша,
Мулозим бўлғай гадо!

Қора Даванг минорага тираб қўйган милтиғини апил-тапил қўлига олиб, олтин кўмилган чуқурга қараб устма-уст ўқ узди. Кейин тўқайга қараб югурди, толиққанича чопди, сўнг яна миноргача югуриб келди-да, чуқурдан тортиб ташланган қумтепага чиқиб, бор овози билан қичқирди:

– Ҳо-о-ҳой, одамлар, бу ёққа келинглар, мана бу ерда тилло тангалар кўмилган. Ҳо-о-о-ой, одамлар!

Ўзини чуқурга отди, ғужанак бўлиб ётиб олди. Ётган жойида яна товуш берди:

– Ҳой, одамлар, бу ерда тилло кўмилган. Ҳо-о-о, одамлар...

Унинг телбаларча товушидан қалъа сукунати бузилиб, нураган кўҳна деворлар анчагача акс-адо бериб турди.

Атрофга яна қалъа сукунати чўкди. У ётган жойидан бехос отилиб турди, шамширини яланғочлаб, чуқурга тиғ урди...

ҚОРА ҚУЗҒУН

Икки отлиқ йўлга тушди. Наврўзой аввалига ўзини эгарда ноқулай сезди, анчагача эгар қошига икки қўли билан чирмашиб, жиловни ҳам, отни ҳам бўш қўйиб қўйди. У қишлоқ йўлидан чиққунча қора терга ботиб, пишиб кетди. Даштга чиққандан сўнг у Темурнинг далдаси билан бир оз ўзига келди, ҳушёр тортди, от тизгинини қўлига олиб, Темур билан ёнма-ён от йўрттириб кетди.

Отлиқлар Вардонзе қалъасига етай деганда кутилмаганда бир лаҳза тўхтаб қолишди. Тепа пастидан, қарийб юз қадамча наридан аллақандай инграган товуш келди. Темур ҳам, Наврўзой ҳам товушни аниқ эшитди. Темур от узангисида тик туриб, товуш келаётган томонга – шох-бутоқлари тарвақайлаб, бир-бирига чирмашиб кетган тўқайга разм солди. Нечукдир бирдан юлғун бутасининг ваҳимали шатир-шутири ҳам, инграган товуш ҳам тинди. Темур ўша томонга от солди. Ортидан Наврўзой етиб келди.

Ярим тунда, “Чопар операцияси”ни амалга ошириш арафасида Мирсолибой ҳовлисидан қочиб чиққан қора шарпа изидан жўнатилган қишлоқ йигитлари Ҳайитбой билан Аҳмад юлғун бутаси ортида яшириниб ётишарди. Темур уларни кўриб, ҳайрон қолди. Аҳмад ўқтин-ўқтин тўлғаниб ғиншир, дод солмоқчи бўлар, Ҳайитбой эса унинг оғзини кафти билан бекитиб: “Сасингни чиқарма, биров эшитиб қолмасин. Яна озгина чида, қишлоққа етиб келдик”, деб ялинар эди. Ҳайитбой кутилмаганда устига бостириб келган отлиқларга – йигитга, унинг ёнидаги хушсурат жувонга бир оз гарангсиб қараб турди-да, дурустроқ разм солиб, кейин Темурни таниди. У қоматини ростлаб, аскарчасига ахборот бермоқчи бўлиб тараддудга тушган эди, Темур уни тўхтатди.

– Аскарчасига эмас, қишлоқчасига гапиравер, Ҳайитбой, – деди у. – Нима гап ўзи, гапир?

Ҳайитбой кўксини ерга бериб, “вой-вой”лаб ғужанак бўлиб ётган Аҳмадни кўрсатди.

– Аҳволи оғир, – деди.

– Нима бўлди?

Темур саволига жавоб ҳам кутмай, отдан чаққон тушди. Аҳмаднинг икки елкасидан тутиб, танасини секин ўнглади: унинг ўнг оёғи, тиззасидан паст суяги синган, почасига зўрға илиниб, шалвираб қолган эди.

Ҳайитбой Аҳмаднинг фожиасини Темурга қисқача гапириб берди:

– Қора кўланкани эски қалъагача – эшон ҳужрасигача изма-из қувиб бордик. Тўқайда бекиниб, уни кузатиб ётдик. Анча кутдик. Орамиз ўн

қадамча чиқар-чиқмас эди. Қора шарпа ҳужра супасидаги сувохур устидан дастаси синган кетмонни олиб, “Минораи жарчи” тагини обдан ковлади, кейин орқалаб келган тўрвасини чуқурга ташлаб, устига тупроқ тортди. Юлғун бутасидан икки-учтасини юлиб, худди шипиргидай қилиб дасталади-да, минора остини – оёқ изларини шипирди. Сўнг сопи синиқ кетмонни биз томонга қараб отиб юборди. Буни қарангки, падар лаънатининг отган кетмони Аҳмаднинг оёғига келиб тушса бўладими. Аҳмад бир чинқирди-ю, ҳушидан кетди.

– Ўзи қаёққа кетди?

– Эшоннинг ҳужрасидан ўтганини кўрдим, кейин қаёққадир ғойиб бўлди. Мен сопи синиқ кетмонни олиб, минора тагини кавлаб, мана шу халтани олдим. Бир қўлимда халта, елкамда Аҳмад, пана-пастқам сўқмоқдан ўғринча келяпман, келяпман, ҳеч йўққи, қишлоққа етиб бўлса.

– Қора шарпага қайта йўлиқмадингларми? – сўради Темур. – Ишқилиб, уни танидингизми?.. Ие, танимадингларми? Шундай қадрдон одамни-я? Ойдинкўл шикорида оёғи тагига эшакларингни тутиб, бугунги кунда унинг тилло тўла халтасини ўмарибсизлар-у, ўзини танимайсизларми?

– Қора Даванг? – деди Аҳмад инграб. – Падарига лаънат!

Темур Аҳмаднинг устига энгашиб, унинг манглайини ушлади.

– Иситмаси баланд, куйиб кетяпти. Дўстингни эҳтиёт қил, Ҳайитбой. Мана, бу отни мингин-да, Аҳмад билан халтани ортиб, қишлоққа жўна. Зудлик билан, ҳозироқ жўна. Яхшиси, кел, сен отга мин, мен Аҳмадни елкангга мана бундай қилиб опичлаб, секин миндириб қўяман. – Эҳтиёт қил. Мана, бу зорманда халтани ҳам ол. Оғзи маҳкам боғланганми, ишқилиб?

– Хавотир олманг. Сиз яёв кетасизми?

– Менга парво қилма. Наврўзой билан иккимизга битта от етади. Биз эшон ҳужрасигача бориб, тезда қайтамиз. Сенлар қувиб борган ўша Қора Давангнинг изидан кетяпмиз.

Темур йигитлар билан хайрлашиб, Наврўзой минган отнинг жигар ранг, ялтироқ сағрисига бир сакраб, чаққон қўнди. Худди шу топда у қушдек енгил, боладай қувноқ кайфиятда эди, димоғига гуп этиб урилган мушки анбарга монанд – фақат аёлларгагина хос ажиб бир латофатли ҳиддан тамоман сархуш бўлганди. Жувоннинг қирмизи рўмоли шабадада сирғаниб, елкасига тушиб қолган, унинг мармардай оқ бўйни йигитнинг икки кўзи ўртасида турибди: майда, нафис соч толалари жингалак-жингалак, эндигина жамол кўрсатаётган қуёш нури жувоннинг бўйнида бамисоли камалакдай товланади. Йўқ-йўқ, Темурнинг назарида, қуёш пардоз-андозини шу жувоннинг мўъжазгина елкасида қилиб, энди аста-секин кўк сари ҳаволанаётгандай эди.

Темур Наврўзойнинг қўлтиғи тагидан қўлини ўтказиб, чаққонлик билан жилов тизгинини олди-да, оёғи билан отни ниқтади:

– Чу, жонивор!

Эшон ҳужрасига яқин қолганда Темур отдан тушди. “Минораи жарчи”гача от жиловидан тутиб, яёв келди.

Минора тагига келиб Темур ҳам, Наврўзой ҳам бир лаҳза анграйиб қолишди: минорага яқин жойда қўндоғи синган милтиқ, сопсиз қилич ва кемтик дастали кетмон; сал нарироқда – минора остида оғзи тандир оғзидек қилиб қазилган чуқурда Қора Даванг мук тушиб, панжалари билан ер тирнар, ҳовучидаги тупроқни елкасидан ошириб, тўрт томонга отар эди.

– Тақсир, – деди Наврўзой минора тагига яқин бориб, – тақсир!

У қарамади, чуқурни тирнаб, сиқимидаги тупроқни елкасидан ошириб, сочиб юборди.

– Қора Даванг жаноблари, биз сизни излаб келдик, – деди Темур Қора Давангнинг елкаси узра энгашиб. – Мен Мирсолибойнинг қароли бўламан. Пошшобиби билан Мирсолибой сизга мунтазир туришибди. Ҳазрати олийларидан чопар келди, жаноблари.

У яна қарамади, чуқурни тирнашда давом этди. Темур билан Наврўзой овоз бериш бефойда эканлигини фаҳмлаб, уни жимгина кузатиб туришди.

Қора Даванг анчадан кейин оғзида чайнаб турган лойтупроқни тупурмоқчи бўлиб, ёнига ярим бурилганида, ногаҳон кўзи ортида турганларга тушди. Жойидан истар-истамас қўзғалди. Қонаб кетган панжаларини оғзига яқинлатиб, икки лабидан оқаётган қоп-қора сўлакларини енги билан артди, сўнг қўлларини кўксига босиб, уларга қараб таъзим қилди:

– Ҳазрати олийларининг муборак қадамларига ҳасанот. Хуш кўрдик! – деди Темур қараб.

Тақдир тақозосини қаранг, Темур Қора Даванг билан бетма-бет турибди: у чуқурда, бу ташқарида, ўрталаридаги масофа бир қадамча ҳам чиқмайди, кўзлари бир-бирига шундоқ қадалиб турибди!

– Қадамларингизга ҳасанот! – деди Қора Даванг талмовсираб, кейин нигоҳини Темурдан тезгина олиб, Наврўзойга узоқ, аллақандай бегонасираб қараб турди.

– Кулбаи вайронамизга сиз ҳам ташриф буюрдингизми, бегойим? Қуллуқ, бош устига! – деди бош эгиб.

У узоқ бош эгиб турди. Кейин бирдан жазаваси тутиб, чуқур лабидаги қора тупроқдан ҳовучлаб олиб, уларга қараб сочаверди:

– Сизларга тилло керакми? Мана тилло, мана тило!..

У ақлдан озган эди...

Наврўзойнинг вужуди жимирлаб кетди, зўрға “қилт”этиб ютинди-да, жимгина ортига қайтди. Орқасидан Темур отни етаклади. Эшон ҳужрасига етай деб қолганда, Темур билан Наврўзой бир лаҳза тўхтаб, “Миноpаи жарчи” остига яна ўгирилиб қарашди. Қора Даванг бояги жазавасидан тушиб, тиззаси ва кафтларини чуқур лабига босиб, отлиқлар ортидан ҳайрон бўлиб қараб тураpди. У худди шу туришида хароба қалъа ковагидаги инидан қаёққадир учиб кетишга шайланаётган қора қузғунга ўхшаб кетар эди...

“Энди сен қалъа сукунати қаъридан ҳеч қаёққа учиб кетолмайсан, – ўйлади Темур унга тикилиб. – Чунки сен қанотсиз, мажруҳ қузғунсан!”

ОЛТИН СОПЛИ ҚИЛИЧ

Ичкари ҳовли – Мирсолибойнинг хотин-халажлари яшайдиган ҳарам қабилидаги уйлар қўрғоннинг қоқ ўртасида эди. Темур бу ҳовлининг ҳар битта ғиштини билади. Ичкари ҳовлининг кунгурадор, рангли қуббалар қоқилган дарвозаси ташқари ҳовлининг ўттиз бир ёғочли, баланд дарвозахонасига рўпара қилиб қурилган. Икки дарвозани тош йўлакча бир-бирига туташтириб туради.

Темур Наврўзой билан Вардонзе қалъасидан қайтгандан кейин, йигитларни ана шу йўлакдан бошлаб бориб, дарвоза қаршисида бир лаҳза тўхтади. Дарвоза ичкаридан берк эди. Темур ёнидаги аскарнинг қулоғига секин шипшиди: у бир ўртоғининг елкасига оёғини қўйиб, деворга тирмашиб чиқди-да, ичкарига тушиб, дарвоза зулфинини бўшатди. Ҳовлига киришди.

Ташқари ҳовлидаги барча тўполонлардан хабардор, юз берган кўргиликларни воқиф бўлган Пошшобиби бошлиқ хотин-халаж, Мирсолибой пушти-паноҳлик қилаётган амирзодалар шу ичкари ҳовлида яшириниб, эшик ва деразаларни маҳкам беркитиб, хосхоналарда жон ҳовучлаб ётишарди.

Темур Васька билан хосхона ва ҳовлини синчиклаб қараб чиқди. Ёнма-ён солинган уйларнинг бирида амирзодалар, иккинчисида хотин-халаж жойлашган эди. Темурнинг йигитлари амирзодалар хонасига кириб, уларни тезда қуролсизлантиришди. Хотин-қизлар эса амир Сарагул билан биринчи бор кўришган, деворида амир сурати ва никоҳ хутбасида ишлатилган олтин сопли қилич осиғлиқ турган уйда эди.

Амирзодалар ва Мирсолибой ҳовлига ҳайдаб чиқилгандан кейин хотинлар хонасида тўс-тўполон, қий-чув, йиғи-сиғи авжига чиқди. Темур деразага яқин келиб, ичкарига товуш берди:

– Ораларингда Сарагул борми?

Тўполон бир оз тинди-ю, лекин ҳеч ким жавоб қайтармади.

Темур бояги сўроғини қайта такрорлади. Бир лаҳзадан кейин Сарагулнинг ўзи жавоб қилди:

– Борман, – деди қўрқув оҳанги аралашган бир товушда. – Кимсан ўзи? Бу бемаҳалда бизни безовта қилишга қандай ҳаддинг сиғди?!

– Бемаҳал эмас, бегойим, – деди Темур киноя аралаш алам билан. – Қаранг, қуёш чиқяпти. Бунинг устига, амирзодалар сизни ҳовлида мунтазир бўлиб кутишяпти. Мана, падари бузрукворингиз ҳам шу ердалар.

Сарагулни энди қўрқув эмас, ғазаб жунбушга солди:

– Кимсан ўзинг, нобакор, товушинг танишга ўхшайди?

– Темурман.

– Темур?!

– Наҳотки шу пайтгача танимадингиз, бегойим? Ахир, Ҳанифахонларнинг букри дарахтига арғимчоғингизнинг арқонини ўзим боғлаб берардим-ку?!

– Менда не юмушинг бор?

– Айтдим-ку, бегойим, тезроқ кийиниб чиқинг, амирзодалар сизга мунтазир, шаҳарга жўнаймиз.

Бу дафъа Сарагулнинг товуши анча осойишта чиқди.

– Бундан чиқди, амир ҳазратлари тахти олийга қайтибдилар-да. Худога минг қатла шукур!

Шу пайт Мирсолибой деразага яқин келиб, дод солиб бақирди:

– Бадбахт бўлдик, қизим, ялангоёқлар ҳовлимизга бостириб кирди. Биздан ўша худобехабар Ҳанифанинг, Бадал кўсанинг қасосини олмоқчи! Дод, ялангоёқлар дастидан дод!!!

Бойнинг додига хотин-қизларнинг ҳам йиғиси қўшилиб, ичкари ҳовли ва хосхоналарни фиғон, фарёд босиб кетди.

Бойнинг бегуноҳ марҳумларга тил тегизиши Темурнинг жаҳлини қўзғади. У бойни деразадан нари итариб, пўписа қилиб, ташқари ҳовлига чиқариб юборди. Темур аёлларни хосхонадан тезроқ олиб чиқиш хусусида режалаб турган эди, ҳовлига Васька кирди. У ертўладаги бойлик ҳақида бир лаҳза маслаҳатлашиб олди.

– Буюриб келдим, халталарни араваларга ортишяпти, – деди Васька командирга ахборот бериб. – Ҳар бир аравага махсус соқчилар тайинладим. Бу олтинларни зудлик билан амир хазинасига қўшиб, Москвага жўнатамиз. Аҳмаднинг жароҳатига қочоқлар билан қўшилиб келган хос табибнинг ўзи қараяпти.

– Яхши, – деди Темур дўстининг ишини маъқуллаб, – ҳозир ҳарамни бошлаб чиқсак, вассалом – кейин йўлга тушаверамиз!

– Темур, – деб чақирди шу маҳал Сарагул дераза ойнасига яқин келиб, – мен сени энди танидим.

Темур деразага яқин борди.

– Сиз доим шунақасиз, бегойим, – деди Темур арғимчоқ учаётганида Сарагул ўзини уни бўйнига отгани ижирғиниб эсларкан. – Мени доим кеч танийсиз ва... кеч тушунасиз!

– Биздан Ҳанифанинг қасосини олмоқчи бўлибсан-да!

– Асло. Агар билсангиз, ўша содир бўлган симоб воқеаси – Ҳанифанинг амирга бўй бермай, унга қарши қилган жасорати мингта қасосдан устун туради!

– Амирнинг ғазабидан қўрқмай айтяпсанми шу гапларни?

– Қўрқсак, амир тахтини ағдарармидик, бегойим.

– Тахтни ағдардиларингми? Сен оёқланглар-а?! – Сарагул анча вақт жим қолди. Кейин хотиржам овозда деди: – Сенда бир ўтинчим бор. Ичкари кир, фақат ўзингга айтадиган бир оғиз гапим бор. Фақат ўзингга, юзма-юз туриб...

– Ҳали ҳам юзма-юзмиз, айтаверинг, бегойим.

– Йўқ, уйга кирганингда айтаман. Йигит кишисан, мен муштипар бир аёлнинг ўтинчини қабул қилишдан чўчияпсанми?

– Асло чўчимайман.

Шу пайт аскарлар ичкаридан аёлларни бошлаб чиқишди. Пошшобиби олдинда, хотин-халаж йиғи-сиғи қилиб, юзларини ўраб, битта-битта супага чиқишди.

– Хўш, менда не юмушингиз бор, бегойим? – яна сўради Темур.

Сарагул яна деразага яқин келди. Унинг бежирим бурни, оппоқ юзи дераза ойнасига тегай-тегай деб турарди.

– Ҳузуримга киришга журъат этолмадинг-а, – деди Сарагул Темурга писанда қилиб. – Айт-чи сенинг наздингда мен кимман?

– Сизми, бегойим, бир қараганда, қўлда ясалган... қоғоз гулсиз, – деди Темур кулиб, кейин қиёфаси бирдан жиддий тус олди: – Иккинчи бир қараганда, сиз бамисоли мўлтонисиз, беҳаё мана шу кўзларингизда минг битта ёсуманнинг макр-ҳийласи бор.

Сарагул ўз шаънига айтилган бу сўзлардан пинагини ҳам бузмади. Темур ойна орқасидан разм солиб, унинг авзойида, овозида бирор ўзгариш сезмади.

– Қандай макр-ҳийла хусусида сўзлаётирсан?

– Ҳанифага ишлатган макрингиз хусусида, бегойим.

– Битта аёлнинг макри минг эшакка юк бўлар, деган нақлдан бехабармисен?

Дарахти макри зан сад реша дорад,
Фалак аз дасти вай андеша дорад![1]

Шуни билки, ўзгага бўлган хусумат – макр-ҳийлага ҳамиша йўл очади.

– Таажжуб, Ҳанифанинг бировда хусумат туғдирадиган нимаси бор эди, ҳайронман, бегойим?

– Хусуматим сенда эди, Темур!

– Нечун?

– Хотирангдами, Бадал бобонинг букри дарахтига арғимчоқ солиб берганинг?... Балли, хотиранг жойида экан. Ана ўшанда... Нега ўшанда мендай бокира қизнинг қайноқ эҳтиролари қаршисида ўзингни муздай совуқ тутдинг?

– Таънангиз ўринли, бегойим, ўшанда сизнинг чўғдай ловиллаб турган бағрингиз ҳам, олов янглиғ лабларингиз ҳам менга татимасди, чунки...

– Чунки ўртамизда Ҳанифа бор эди. Мен уни сендан, сени ундан жудо қилиш учун, агар билсанг, шу макрга қўл урдим. Сабабки, муҳаббатини баланд тутувчиларни жинимдан ёмон кўраман. У сен билан яширинча юриб, яширинча ўпишиб, кейин ҳеч нарса кўрмагандай лабини артиб, севгисини мендан пинҳон тутарди.

– Муҳаббат, аслида, юрак қаърида туради: гоҳида одам билади уни, гоҳида сезмай қолади...

– Меники очиқда эди. Сен йигит бошинг билан менинг биринчи муҳаббатимдан юз ўгирдинг. Ҳа, билиб туриб билмасликка, сезиб туриб сезмасликка олдинг, мени таҳқирладинг!

– Сизники муҳаббат эмас, бегойим, қуруқ ҳавас эди.

– Ҳақорат қилма. Арғимчоқ устидан бағрингга ташланиб олган биринчи бўсамнинг мазаси ҳануз лабимда турибди.

[1] Аёл макрининг юзта илдизи бор, шунинг учун фалак ундан андиша қилади.

– Аёллик ҳаёнгизни йўқотманг, бегойим. Малол келса ҳам айтиб қўяй, энди гапингизни эшитишни истамайман.

– Мен истасам-чи?

– Мен хоҳламайман.

– Мен хоҳласам-чи?

– Ҳаммаси беҳуда, бас қилинг!

– Шундайми? Унда сўнгги ўтинчимни эшит: бир лаҳзага ҳузуримга кир, қулоғингга айтадиган бир оғиз гапим бор.

– Майли.

Сарагул, дераза пардасини ташлаб, орқага чекинди. Темур хосхона эшигига қараб йўналди. Васька билан Наби кўнгли бир нарсани сезгандай, хавотир тортиб унинг орқасидан эргашди.

Темур даҳлизда бир дақиқа тўхтаб, орқасидан келаётган Васькага, Набига, улар ортида турган аскарларга қаради. “Бегойимнинг қулоққа айтадиган қанақа гаплари бор экан?” деган маънода уларга қараб бир қошини хиёл кўтарди, мулойим жилмайди. У хосхона остонасига энди қадам қўймоқчи бўлган эди... Наби унинг икки елкасидан маҳкам тутиб, тўхтатди:

– Тўхтаб тур, Темур, – деди уни орқага тортиб, – олдин мен кириб, бегойимдан бир хабар олиб чиқай, қани ичкарида нима гап?

Наби Темурнинг ҳай-ҳайлашга қарамай, ўзини эшикка урди. У хосхона остонасида қадам қўйишга улгурдими-улгурмадими – бу ёғини Темур илғай олмай қолди: Сарагул ичкарида туриб, эшик пардаси ортидан Набига қилич солди. Қилич Набининг бўйни аралаш чап елкасига босиб кетди. Унинг танаси остонада чайқалиб, “воҳ” деди-ю, дарров уни ўчди. Сарагул саросимада қилични унинг елкасидан суғуриб олди, нишони янглиш кетганини фаҳмлаб: “Эҳ, мўлжални хато олдим!” – дея ўкинч билан додлаб юборди, сўнг хосхонанинг аллақайси бурчига ғойиб бўлди.

Васька Набини қўлтиқлаб олди. Боши унинг елкасига “шилқ” этиб тушди.

Йигитлар ичкарига ёпирилиб киришди. Темур Сарагулни уй тўридаги ҳарир парда ортидан, амирнинг бўйи баробар қилиб чизилган сурати ёнидан топди: у қўлида қилич, танаси қалт-қалт титраб, деворга суянганича турарди. Темур тик бостириб борган эди, аёл сўнгги кучини тўплаб, ўзига қилич уриб, кейин қўлидаги қилични Темурнинг оёғи остига улоқтирди.

– Эҳ, мўлжалим хато кетди... хато кетди, Темур!

Темур амирнинг олтин сопли қиличини оёғи билан босиб, аёлга яқиндан разм солди: у қилич санчилган кўксини чангаллаганича жон узмоқда эди...

Аскарлар Набини ташқарига олиб чиқишди. Супага, гулзор ёнига кўрпача тўшаб ётқизишди. У оғир, энтикиб-энтикиб нафас оларди. Темур дўстининг бошини бағрига олиб, нафасига нафасини улагудек бўлиб, унга энгашди-да:

– Кўзингни оч, Наби! – дея илтижо ила уни таталай бошлади. – Кўзингни оч, Наби, қара, қуёш чиқяпти. Ҳозир йўлга тушамиз.

Наби хиёл кўзини очди. Бошида турган қадрдон дўсти Темурга, Васькага, оёқ томонида тизилган ғамгин кўзлари “ғилт-ғилт” ёшли аскарларга бир-бир кўз югуртириб чиқди-да, ҳазин товушда пичирлади:

– Ўзимни асраёлмадим. Мен... мен кўролмаган, кўришга улгурмаган ях... ях-ши кунларни эн... эн-ди сизлар кў-ри-нг-лар... Ох-ир-ги ти-ла-гим, Темур, шуки... мулла акамиз Қо-си-мм курьер билан Мажид отанинг қабри-ни-и мен учун ҳам зиёрат қил-гин...

Набининг вужуди ўқтин-ўқтин тўлғаниб, лаблари илтижо ила пичирлади-ю, лекин товуши чиқмади, унинг танаси ногаҳон бир қалқиб чўзилди, кейин тинчиб, кўзлари барқ уриб чиқаётган қуёшга қадалиб, қотиб қолди...

Катта чошгоҳга яқин Васька ва Темур бошлиқ аскарлар отряди тилло камарли амирзодалар ва хотин-халаждан иборат қочоқлар карвонини шаҳар томон олиб кетди...

Шофиркон, 1983-2006 йиллар.

БАДИАЛАР

(*1996-1998 йиллар*)

ОЛТИН БЕШИК

Бухоройи шарифим – ўзбек элим гавҳари,
Улуғларга бешиксан – тариқатлар сарвари,
Бир-бир суҳбатлар қурдим, шудир Пирлар иқрори:
Имонга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай!

Тошпўлат Аҳмад

“Ҳар қайси инсон шу ҳаётдан катта-катта эзгу умидлар билан яшайди. Ҳеч ким туғилганда миллат ва Ватан танламайди, аммо киндик қони тўкилган еримиз меҳру муҳаббати илк нафас билан жисму жонимизга киради, – деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов. – Биз умр бўйи шу меҳр билан яшаймиз. Шу муҳаббатни улуғлаб, фарзандларимизга муқаддас мерос қилиб қолдирамиз”.

Юртбошимиз чин гапни айтган. Дарҳақиқат, ҳеч ким туғилганида Ватан танламайди, киндик қони тўкилган шу замин унинг юрти, Она-Ватани, шу миллат унинг элати, жону тани, Инсон шу ватан бағрида улғаяди, камолга етади, ақл-идроки такомиллаша боради. Бу юртнинг хоки покигина эмас, унинг гарди, ҳатто тутуни ҳам – агар у чин фарзанд бўлса – кўзига тўтиё янглиғ кўринади. Чиндан ҳам, кўзга тўтиё қилгудек Шаҳристонимиз бор – уни Бухоройи шариф дейдилар!

Бухоро – Мустақил Ўзбекистоннинг жаннатмакон олтин гўшаси.

Бухоро – Шарқ гавҳари.

Бухоро – инсониятнинг кўз қароғи.

Бухоро – бизники, ҳаммамизники!

Ҳазрат Ибн Синонинг ўз она-юртидан бадарға қилинган пайтидаги сўниқ бир кайфиятда Бухоро пойига чўкиб, сиғиниб, илтижо ила айтган дил нидосини бир эсланг:

“Мен жону жаҳоним – Шаҳристонимдан айирдилар. Киндик қоним томган бу юрт курраи Заминнинг гултожи эрур: унинг донидан бир бора тўйган парранда, унинг сувларига бир бора тўш уриб ўтган қуш қайта хумори тутиб, дунёнинг нариги бурчидан чирқиллаб учиб келади. Менинг бу азиз юртим дунёнинг чинакам мўъжизасидур!..”

... Шўролар даврида уни қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро деб аташарди. Қадимийлиги аниқ, бунга шак-шубҳа йўқ. “Ҳамиша навқиронлиги”га келсак, буни ўйлаб топганлар. Бухоронинг октябрь тўнтаришидан кейинги даврига “тантанали ва коммунистик руҳ” беришни назарда тутган бўлсалар, ажаб эмас!

Бухоро шаънига бу хил зўраки “қизил” ибораларни қўллашдан кўра, муқаддас Шаҳристонимизнинг ўша асл қадимий атамаси – Бухоройи шариф демоқлик минг чандон ярашиқлидир!

Бухоронинг номи жаннатмакон ўлканинг табиатидан келиб чиққанига шубҳамиз йўқ. Билағон қадимшунос олимларнинг таъкидича, Бухоро суғдча икки сўздан “буғ” ёки “бағ” ва “оро” бирикмаларидан иборат бўлиб, “буғ” – Тангри, “оро” эса сайқал маъноларини англатади. Агар бу икки сўз асосида Бухоро атамасига изоҳ берадиган бўлсак. “Худо сайқал берган жой”, “Тангри яратган шаҳар”, “Аллоҳ кашф этган диёр” деган маънолар келиб чиқади.

Исломдан олдинги араблар Бухорони “Байт ут-тироз”, яъни “Нақшинигор шаҳри” дейишган; яна кимлардир “Зебу зийнат шаҳри” деб ҳам аташган.

Ислом даврида эса Бухоро ҳақида, унинг ярашиқли номи хусусида анча-мунча битиклар битиб қолдирилган. Уларда айтилишича, Бухоро кўп номларга эга. Бухоро деган ном уларнинг ҳаммасидан машҳурроғидир. Хуросон шаҳарларидан бирортаси ҳам қадимда бунчалик кўп номга эга бўлмаган. Ҳатто Ҳадиси шарифда Бухоро номи Фохира бўлиб келгани ҳам таъкидланган.

Ҳазрат Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида Салмони Форсийдан бир ҳадис ривоят қилинади ва унда Бухоройи шарифнинг тарихи баён этилади:

“Меърож туни ҳазрат Жаброил Пайғамбар алайҳиссаломга шундай дейдилар:

– Кун чиқиш томонда бир жой бор, уни Хуросон дейдилар. Унинг ёқут ва маржонлар билан зийнатланган учта шаҳридан нур чиқиб туради. У шаҳарларнинг теварагида фаришталар кўп бўлиб, улар тасбеҳ, ҳамд ва такбир айтадилар...

– Улар қайси шаҳарлар? – дея Пайғамбар алайҳиссалом сўраганларида, ҳазрат Жаброил шундай деб жавоб берган эканлар:

– Шаҳарларнинг бирини араб тилида Қосимий, форсчада Яшкард дейдилар; иккинчисини арабча Самарон, форсчада Самарқанд дейдилар; учинчисини арабчада Фохира, форсчада Бухоро дейдилар.

Шунда Ҳазрат Пайғамбаримиз Жаброил алайҳиссаломнинг жавобларидан қониқиш ҳосил қилиб, юзларига фотиҳа тортиб, Фохира шаҳри шаънига фахр ила дуо қиладилар:

– Эй, худо! Фохирага баракот бергин, унинг халқлари дилларини пок этгин, ишларини покиза қилгин ва уларни менинг умматимга марҳаматли қилгин!

Ана шу маъни туфайли, – дейди китоб муаллифи, тарихчилар бобокалони Наршахий ўз сўзининг якунида, – бухороликларнинг раҳмдилликларига, эътиқодли ва покликларига кун чиқиш ва кун ботиш гувоҳлик беради...”

Бухоронинг машҳур муаррихи Алоуддин Отамалик ибн Муҳаммад Жувайний (1226-1285) ўзининг “Тарихи Жаҳонкушой” асарида киндик қони томган она-юрти Бухорони шундай таърифлайди:

“Бухоро машриқ шаҳарларидан бўлиб, Қуббат ул-ислом (Ислом динининг гумбази)дур. Ул томонда, яъни Мовароуннаҳрда Бухоро Мадинат ул-ислом даражасидадур. Аслида Бухоро сўзи “Бухор” сўзидан келиб чиққан бўлиб, оташпарастлар тилида “Илм маскани” демакдир”.

Дарвоқе, Шоҳруд каналига нисбат бериб, қадимда Бухорони “Дарё соҳилидаги қалъа” деб ҳам атаганлар. Қадимий китобларда Бухоронинг “Буюк ипак йўли” устида бўлганига ишора этиб, “Савдогарлар шаҳри” деб аталгани ҳам қайд қилинади.

Академик В.Бартольд Бухоро атамасини “Вихара” (санкритча) сўзи билан боғлаб, “Ибодатхона” маъносини беради, дейди. Бунда ҳам ҳақиқат бор.

“... Разм қилғил, Мовороуннаҳрнинг чор тарафинда тўрт шаҳри азим воқеъ бўлибдур, – ёзади Ҳофиз Таниш Бухорий. – Биринчиси Бухоройи шарифдурким, илму урфон ва маърифат масканидур, Довруғи кишвари Румдин то Чин ўлкаси қадар овоза бўлмиш...”

Ҳазрат Маҳмуд ибн Вали Ҳофиз Таниш Бухорийнинг Бухоро ҳақидаги таърифини мантиқан давом эттириб, дейди:

“Бухоро Мовароуннаҳр шаҳарларидан бўлиб, анинг пойтахти ҳамдур... Эътироф этурларким, Хизр назари теккан ва қадру қимматга сазовор жойдур. Эли жасур ва сахий, дилкаш ва ҳалол. Самимий ва очиққўнгилдур!”

Бухоро – ҳамиша ёниқ, рухсори нурга чулғанган, зебу зийнат-ла ороланган бетакрор шаҳар. Кўҳна Рим ҳам, мўйсафид Қуддус ҳам Бухоро олдида бамисоли сўниқ шамчироқ. Бу тавсиф ҳам аждодларимиздан қолган.

Ойни забт этган америқолик фазогирлар ҳам бизнинг бу даъвомизни тасдиқлашлари мумкин. Улар Ой сафаридан ерга қайтгач, мулоқот учун микрофон тутган мухбирларга илк бора шундай сўзларни айтишган:

“– Билиб қўйинг, одамлар, биз Ойда юриб, бир қатор муқаддас шаҳарларнинг чиндан ҳам муқаддаслигини қайта кашф этдик. Бу салоҳиятли шаҳарларнинг кеча-кундуз ўзидан нур таратиб, ёлқин сочиб туришига гувоҳ бўлдик. Бу мумтоз шаҳарлар ичида Бухоро ҳам бор!”

Етти ёт бегона, хорижий фуқароларнинг бу хил эътирофидан нечоғлиқ фахр, нечоғлиқ ифтихор қиласан, киши. Бундай мунаввар юртга дахлдорлигингдан қувониб, оламга сиғмай кетасан!

Буюк Туркистоннинг лахча чўғдай ёниқ бир бўлаги бўлмиш Бухоро тагзаминининг таваллуд ёши ҳақидаги асосли ва асоссиз гаплар, давом этган мунозаралар қачонлардир аниқ бир тўхтамга келишини узоқ кутдик. Ва ниҳоят сурункали, зиддиятли изланишлар, мулоқотлар, тортишувлар поёнига етди.

Бухоро – Ўрта Осиёнинг инсоният тамаддунини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган энг қадимий шаҳарларидан бири. Шаҳарнинг ноёблиги шундаки, у бир неча асрлар мобайнида фақат бир ернинг ўзида қад кўтарди ва бир ерда тўхтовсиз ривожланди. Афсонавий бу шаҳар бўш жойлар ҳисобига кенгайган эмас, аксинча ҳамма вақт ўз ўрнида собит қолиб, юксала боргани аниқ.

Шу ўринда ҳазрат Наршахийни бир лаҳза ёдга олайлик: “Ҳозирда Бухоро ўрнашган бу мавзе илгари ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзор ташкил этган. ...Ул тарафда битта катта дарё борки, уни “Руди Мосаф” (Мосаф дарёси – ҳозирги Зарафшон демоқчи) деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йиғилган, у бир талай ерларни ювиб, ўпириб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада бу жой ботқоқлик бўлиб қолган. ...Бу ерлар аста-секин тўлиб, текис жойга айланди ва шундай қилиб, бу мавзе Бухоро бўлиб қолди”.

Наршахийнинг бу фикрини академик А.Муҳаммаджонов ҳам тасдиқлайди:

“Бундан қарийб минг йил аввал айтилган бу фикр нақадар тўғри эканлигини Бухорода олиб борилган гидрогеологик ва археологик тақиқотлар тасдиқлайди. Маълум бўлишича, ҳозирги эски шаҳар атрофидан кенглиги 100-120 метр бўлган дарё оқиб ўтган...” (А.Муҳаммаджоновнинг “Гулистон” журналида босилган “Бухоронинг ёши нечада?” мақоласидан).

Бухоро шаҳристони қадимда 40 гектарча ерни эгаллаган. Тарихчилар таъкидича, Шаҳристон бир-бирини кесиб ўтувчи иккита улкан кўча билан тўрт бўлакка бўлинган бўлиб, бу кўчалар дунёнинг тўрт томонига қараган дарвозаларга олиб борган. Бу кўриниш қадимий шаҳарлар учун анъана бўлган. Айтишларича, бу анъаналарда Шарқ халқлари дунёқарашидаги қадимий тасаввурлар ўз ифодасини топган, янаям тўғрироғи, бу ОЛАМ ТУЗИЛИШИНИНГ рамзи. Ана шу тарихий рамз, ана шу шарқона анъана ТИРИК ШАҲАР – Бухоройи шариф шаҳристонида ҳали-ҳануз сақланиб қолган. Шу боисдан ҳам таъсис этилган Агахон халқаро жамғармаси мукофоти Бухорога насиб этди.

Индонезияда Агахон жамғармаси халқаро мукофоти ғолибларига совринларни топширишга бағишлаб ўтказилган маросимда қатнашган вилоятдошларимиз Бухоро шаҳри халқаро мукофотга сазовор бўлганлигини, бу эса мустақиллик шарофати билан юртимиз оламга юз тутаётганлигининг бир кўриниши эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Насл-насаби жаноб Муҳаммад Пайғамбар авлодларига бориб тақаладиган, ажойиб хайрия ишлари билан мусулмон оламига машҳур бўлган Агахон 1977 йилда энг яхши шаҳарсозлик архитектураси, қадимги ёдгорликларни асраб қолиш учун ўзининг махсус жамғарма мукофотини таъсис этган эди. Шундан буён ислом мамлакатлари ўртасида ҳар уч йилда ўтказиладиган танловда ғолиб топилган шаҳарлар ана шу нуфузли халқаро соврин билан мукофотланмоқда. Маросимда мукофотга лойиқ топилган 12 шаҳар ўртасида Бухорога биринчи бўлиб соврин берилиши маълум қилинганда, 120 дан ортиқ давлат вакиллари бухороликларни қизғин қутлашди.

“Бухоро нафақат Ўзбекистоннинг, наинки Шарқнинг, қолаверса, бутун дунёнинг бойлиги, ЮНЕСКО уни жаҳоний меросга эга бўлган шаҳарлар қаторига киритганлиги бежиз эмас. Масканимизни обод қилиш борасида кўп иш қилинган, лекин галдаги вазифалар талайгина. Шаҳарнинг эски қисмини таъмирлаш учун махсус дастур ишлаб чиққанмиз, – дейишади бу жабҳада

фидойилик кўрсатаётган мутахассислар. – Унда ёдгорликларни асл қиёфасига қайтариш, сув ва оқава йўллари, алоқа, транспорт коммуникациялари, қурилишлар кенг ўрин эгаллайди. Бу – ҳаёт тақозоси. Индонезияда ҳам шаҳарнинг бошқа қадимий шаҳарлардан устунлиги унинг ТИРИКЛИГИДА.

Агахон жамғармаси мукофоти учун 100 дан ортиқ мамлакатдан 420 та лойиҳа тақдим этилган эди. Бир йилдан узоқ муддатга чўзилган танлов иши уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичдан сўнг 90 та, навбатдаги саралашдан кейин эса 22 та лойиҳа қолди. Бунда Бухоро ва Хива шаҳарлари рўйхатда ёнма-ён турган. Ниҳоят, сўнгги ҳал қилувчи босқичда эски шаҳарнинг ТИРИКЛИК мезонига кўра мукофот бизнинг лойиҳамизга берилди. Бунда Бухорога келиб, уни синчиклаб ўрганган халқаро холис экспертлар фикри муҳим аҳамиятга эга бўлди...”

Маълумки, Бухоронинг ёши ҳақида узоқ вақтлардан бери жуда кўп тахминлар, чўтловлар, мўлжаллар, ашёвий далиллар, китобий дайнлар, афсона ва ривоятлар мавжуд бўлса-да, шўро олимлари ўртасида анча-мунча тортишувлар бўлди. Бу ҳақда тарихнавислар, билағон олиму фозилларнинг башоратлари узоқ даврлар мобайнида унут бўлиб, ўтмиш қатларида қолиб кетган эди. Бухоро жамоатчилиги талаби билан Бухоро ёшини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти 70-йилларда қазишма ишларини олиб борди. Қизиғи шундаки, экспедициясининг етакчи мутахассислари Бухоро ёши ҳақидаги саналар мўлжалини анча паст олиб, уни тез-тез ўзгартириб туришди. Шундан кейин академик Иброҳим Мўминов “Совет Ўзбекистони” газетасида эълон қилинган “Бухоронинг жамоли” мақоласида экспедициянинг фикр-мулоҳазаларига рад далиллар билан чиқди. Файласуф олим Бухоронинг машҳур оби-ҳаёт наҳри – Шоҳруд канали мисолида Шаҳристонимиз ёшини 2500, ҳатто ундан ҳам ошиқ деб исботлашга ҳаракат қилди:

“Шоҳруд ариғи тарихининг ўзи жуда қадимий, – ёзган эди ўшанда академик Иброҳим Мўминов. – Шоҳруд ариғидай катта сув наҳри фақат улкан шаҳарларгагина керак эди, демак бундан чиқадиган хулоса шуки, Бухоро шаҳрини сув билан таъминлаш учун Шоҳруд, яъни РЎДЛАР ШОҲИ деб аталган улкан канал қазилган. Бухоро ёшини Шоҳрудга қиёсан олмоқ керак!”

Бухорода иш олиб борган экспедиция раҳбари академик Яҳё Ғуломов академик Мўминов мулоҳазаларига ҳурмат ва эътибор билан қараган, дейишимизга асос бор. Ўзбекистон Фанлар академиясининг 1975 йил 16 май куни бўлиб ўтган раёсатида аллома Яҳё Ғуломов танти ва дангал маълумот бериб, Бухоро ёшини 2500 йилдан кам эмас, деди.

Академик Ғуломовнинг Илмий кенгашдаги якунловчи сўзидан:

“1974 йилда қазиб олинган археология ашёси лаборатория назоратидан ўтди ва археолог мутахассислар кенг доирасида муҳокама қилинди. Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг илмий кенгаши 1974 йилда Бухорода олиб борилган қазилма ишлари натижалари тўғрисида

илмий маъруза қилди ва Ўзбекистон Фанлар академияси риёсатига “Бухоро – Самарқанд тенгдоши” деган хулосани маълум қилишни тавсия этди”.

Шундай қилиб, бухороликлар ҳақиқатнинг тагига етиб, Бухоройи шариф тагзаминининг ёши 2500 деб рақам қилинган ҳужжатга эга бўлдилар.

...Қадимдан Бухоройи шарифнинг ўн икки дарвозаси ҳақида ажиб бир нақл юради. Устод Жалол Икромий ҳам катта иқтидор билан ёзилган асарини шу ном билан атаган: “Бухоронинг ўн икки дарвозаси”.

Аслида муқаддас Шаҳристонимизнинг ўн иккита эмас, ўн битта дарвозаси бўлган. Бунга тарих гувоҳ. Ўн иккинчи дарвоза, бу – меҳмонга пешвоз чиқишга одатланиб қолган бухороликларнинг очиқ бағри. Боши тўйдан чиқмагур Бухоройи шарифнинг ўн икки дарвозаси ҳам яхшилар учун ҳамиша ланг очиқ!

Кўксида ишқ ўти ёнган кимса ўлмас ҳеч қачон,
Номини сардафтарида сақлагай доим жаҳон.

– Тўхтанг, куйланаётган бу қўшиқни тинглай, кейин қўшиқни яратган халққа баҳо баҳо бераман, – дейилади қадимий бир битикда. Бунда жуда катта ҳикмат бор. Умри, жасорати, журъати яхлит қўшиқ бўлиб куйланган халқмиз. Шу боис валийлар юрти, жаннатмакон Ўзбекистоннинг олтин гўшаси бўлмиш буюк Бухоро фарзанди бўлганимиздан ҳамиша фахр-ифтихорда бўлайлик!

Элнинг суюкли шоири Муҳаммад Юсуфнинг “Ўзбек” шеърида “Бешигида жажжи Исломлари бор, тош ўтмас қўрғонга ўхшайди ўзбек!” дейилади фахру ифтихор ила. Дарҳақиқат, осойишта юртнинг бешиги бўш қолмас. Ҳали қанча Исломлар, ҳали қанча Илҳомлар, ҳали не-не Алпомиш, Муқанна ва Таробийлар, не-не Барчиною Зебунисолар улғайгусидур ўзбекнинг бу олтин бешигида!

БУХОРОНИНГ ШОҲИСТА МАЛИКАЛАРИ

Хоникей ва Тегина бегимлар

Оқила аёлга офтоб эргашади, дейилган қадимий нақлда. Чин гап! Шоҳистаи даврон – фозила аёллар бошида ҳамиша қуёш барқ урган, бағирларига ой қўнган; уларнинг қулфи диллари доим очиқ ва нурафшон бўлган. Қутлуғ Бухоро заминида ана шундай дилбар маликалардан қанчалари ўтмади дейсиз!

Суюкли Хоникей Бегимни бир эслаб кўринг. Юртбошимиз Ислом Каримов “Манас” эпосининг минг йиллиги муносабати билан Бишкекда бўлиб ўтган тантанада сўзлаган нутқида бухоролик Хоникей Бегим ҳақида тўлқинланиб, тўлиб-тошиб гапирган эди:

“...Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу таянчи ким бўлган? Унинг маслакдоши, энг қийин кунларида умрининг охиригача садоқатли сафдоши ким бўлган?

Биз, ўзбеклар, бугун катта ғурур билан, фахр билан айтамизки, бу аёл Бухоро хонининг суюкли қизи – Хоникей бўлган!”

Етти иқлим ҳукмдори Амир Темурдай буюк зотни дунёга берган Тегина Бегим Моҳни ёдга олинг! Бухоронинг жин кўчаларидан бирида камсуқумгина бир мулла яшаган. У мадрасаларда талабаларга сабоқ берган. Бир куни ногаҳон мадраса эшиги очилиб, ичкарига бир қаландар киради. У тап тортмай:

– Эй тақсир, қизингиз Тегина Бегим Моҳни куёвга беринг. Ундан дунёни тебратгувчи бир соҳибқирон туғилгай. Бунақа улуғ зот ҳар саккиз юз йилда бир марта таваллуд топгай! – дейди-ю, чиқади-кетади.

Дарҳақиқат, эртасига барлос беги Тарағай Баҳодир билан бухоролик барно қиз Тегина Бегим Моҳнинг тақдирлари туташади ва ... Миррих ва Зуҳро юлдузлари тўқнаш келган ҳаяжонли бир лаҳзада буюк Соҳибқирон Амир Темур дунёга келади!

Бухоролик бу маликалар даврлар ўтгани сайин инсоният шуурида муҳаббат ва вафо, ишонч ва эътиқод тимсолига айланиб, ҳамма замонлар учун дахлдор абадият маъбудаси бўлиб қолажак!

Тағшоданинг онаси

Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобининг Бухорода тахт сурган Хотун подшоҳ ва ундан кейин ҳукмронлик қилган унинг фарзандлари ҳақидаги бобида шундай фахрли таъкид бор:

“...Бидун Бухорхудот ўлган вақтда ундан эмадиган бир ўғил бола қолди. Унинг исми Тағшода эди. Боланинг онаси бўлган хотин тахтга ўтирди ва ўн беш йил ҳукмронлик қилди. Унинг даврида араблар Бухорога бостириб кела бошладилар...

Хотун подшоҳ донолик билан ҳукмронлик қилар ва халқ унга итоатда эди”.

Дарҳақиқат, тахт салтанатини узоқ йиллар тебратиб турган Тағшоданинг онаси – ўз замонасида “Шоҳистаи даврон” деб таъриф олган доно малика, оқила ва дилбар аёл бўлган. Тарихнинг шаҳодат беришича, Малика Бухорода адолат ила тахт сурган. Эри Бидун Бухорхудот ўлимидан кейин тахт вориси Тағшода кичик ёшли бўлганлиги сабабли ўғли ўрнига давлатни Малика бошқарган. Араблар истилоси, уларнинг олиб борган бутун жангу жадаллари худди мана шу аёл подшолиги даврига тўғри келади. Шу боис бир умр маликанинг қўлидан қилич ва ханжар тушмаган – қон кечиб, жон бериб Бухорони ҳимоя қилган. У ўтирган тахтнинг пештоқида шундай битик битиб қўйилган экан: “Ҳар бир бухороликнинг эрки ва тириклиги, байрами, тўйи ва ғами Ватан қисматига вобаста бўлсин!”

Малика ҳар куни шоҳона безатилган отга миниб, Бухоро ҳисори дарвозасидан ташқарига чиқар, Регистон қопқаси рўпарасига келиб, тахт

қурар, тахт пойида аркони давлат – вазир-вузаролар, сарой хизматчилари, хожа ва фозиллари, улуғ кишилар саф тортиб туришган. Подшолик тизимида шундай қоида мавжуд бўлган: ҳар куни деҳқонлар ва маликзодалардан икки юз нафар йигит заррин камар боғлаб, қиличларини осиб, хизматга ҳозир бўлиб, узоқроқда туришар, Хотун подшоҳ ташқарига чиққач, ҳаммалари уни олқишлашар ва икки сафга тизилишар экан; аёл эса подшоҳлик ишлари билан машғул бўлар, барчани яхшиликка даъват қилиб, ёмонликдан қайтарар, яхшиларга сарпо кийгизиб, ёмонларга жазо берар экан. Шу тарзда эрталабдан то кечгача тахтда ўтириб, сўнг ҳисорга қайтиб кирар, дастурхонлар чиқариб, ҳамма хизматкорларига таомлар берар экан. Кечга яқин Хотун подшоҳ яна шу йўсинда ташқари чиқиб тахтга ўтирар, деҳқонлар ва маликзодалар икки саф бўлиб унинг хизматида туришаркан; қуёш ботгач, хотин тахтдан тушиб, отга минар ва қасрга йўл олар, йигитлар эса ўз қишлоқларига қайтар эканлар. Эртаси бошқа жамоа келиб, шу сифатда хизматда бўлар ва ниҳоят, навбат яна аввалги жамоага келиб етар экан. Шу тарзда ҳар бир жамоа бир йилда тўрт марта хизматга келиши лозим экан.

Муовия халифалиги даврида ислом лашкарбошиси Убайдулло ибн Зиёд Жайҳун ёқалаб босқинга чиқади. Бухоронинг кампирак деворлари ортида аскарларни сафлайди, палахмонларини шаҳристонга қараб тўғрилаб қўяди. Бухоро маликасига шарт қўйиб, нома жўнатди:

– Тангрининг ердаги элчиси, садрлар садри, олам сарвари Муҳаммад Мустафо номини шафе келтириб айтаётирман. Гар тахту бахтинг ила ғорат бўлишни истамасанг, енгилмас лашкарларидан марҳамат тилагинг бўлса, шаҳристон дарвозалари калитини олтин баркашга солиб, ўзинг йўлимга пешвоз олиб чиқ!

Хотун подшоҳ душманига пешвоз чиқмади. Ақл-идрокда, фаҳму фаросатда якто бўлган Малика душманга таслим бўлиш билан рақибидан омонлик тилаб, сулҳ тузишнинг фарқига борар эди.

Малика элчидан номани олгач, тахтда узоқ хаёл суриб ўтирди. Сўнг тахт пойида интиқ жавоб кутиб турган элчига деди:

– Лашкарбошинг Убайдулло ибн Зиёд ҳазратларига Бухоро тахтининг маликаси – менинг жавобимни шундоқ баён қил:

Бирламчи, саркарданг мендай бир муштипар, ожиза аёл билан жанг қилиб, мабодо урушда ғолиб чиққанида ҳам бева бир хотинни енгиб, мусулмон дунёсида обрў тополмас. Сабабки, лочин билан лочин, бургут билан бургут олишур.

Иккиламчи, яна бир ойдан сўнг Бухорода қаҳратон қиш бошланур. Билишимча, сиз араблар совуқ бошланган кезлари иссик ўлкаларга жўнаб кетасизлар. Агар Бухоро лашкарлари курашга қарши кураш билан қўзғалса, жанг узоқ чўзилгусидур. Бориб саркардангга тилагимни айт. Жангда энг адолатли йўл, бу – сулҳ ва омонлик тилагидир. Биз сулҳ тузамиз, омонлик тилаймиз!

Чиндан ҳам, ислом лашкарлари қаерга босқин қилсалар, ёзда ғазот қилиб, қишда изларига қайтиб кетар эдилар. Малика катта ҳадялар эвазига араб босқинига кўндаланг бўлди. Арабларга кийим-кечак, тилла ва кумушдан

ишланган қимматбаҳо нарсалар инъом этди. Ҳатто ислом саркардаси учун махсус тайёрланган олтин баркашда малика тилладан тикилган пайпоғи ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин этигининг бир пойини ҳам инъом қилиб юборди.

Шундай қилиб, совға-саломлардан ташқари икки ўртада бир миллион дирҳам баробарида сулҳ тузилиб, истилочилар Бухоро остонасидан қайтиб кетдилар.

Кутилмаганда Убайдулла ибн Зиёд амирлик ва ислом лашкарбошиси лавозимларидан туширилди. Сабаби саркарда ва Муовия ўртасида "бир пой тилло этик" важидан туғилган ички низо эди. Убайдулло ибн Зиёд Бухоро босқинидан олиб қайтган бутун бойликни халифа оёғи тагига келтириб тўкди. Негадир Бухоро маликасининг олтин этигини раҳнамосидан пинҳон тутди. Этик ҳақидаги миш-миш аллақачон халифа қулоғига етган, ҳатто у этикни суюкли кенжа хотинига ҳадя қиламан, деб аёлга ваъда бериб қўйган эди. Можаро ана шундан чиқди.

– Этик қани? – деди ўдағайлаб Муовия. – Келтирган ўлжаларинг ичида тилло этик нега йўқ?!

Лашкарбоши довдираб қолди.

– Этик Хуросонда қолган, тақсир.

– Нега?

– Сабабки, ўзи бир пой. Олиб келишни ўзимга эп кўрмадим.

– Хўш, нега бир пой? Нега иккинчи пойини сўраб олмадинг?

– Бергани шу бир пой. Малика баркашга солиб, этикнинг бир пойини жўнатган, тақсир.

– Хўш, нега бир пойини жўнатади? Айт-чи, оёғингдаги махси неча пой?

– Икки пой.

– Малика нега сенга этикнинг бир пойини жўнатган, ундай бўлса? Бухорода одамлар бир пой этикда юришарканми?

– Билмадим... Йў-ў-қ, икки пойда юришади.

– Э, қовоқ калла! Малика сени мазах қилиб, бир пой заифона этикни жўнатган, агар билсанг. Бир ожиза аёлга бас келолмадингми изингдаги шунча лашкар билан? Э, хом калла!

Шундай қилиб, Убайдулло ибн Зиёд тахтдан олиниб, Саъйид ибн Усмон Хуросон амири ва ислом лашкарига саркарда қилиб тайинланди. У яна Бухоро сари босқин бошлади. Маликага таҳдидона нома жўнатди. Аёл элчига: "Убайдулло ибн Зиёд билан тузилган ўтган йилги сулҳимда барқарорман", дея жавоб қайтарди. Нома ортидан Саъйид ибн Усмон номига махсус совғалар жўнатди. Бироқ бу совғалар Саъйиднинг писандига етмади. У ўтган йилги босқинда амир Убайдулло ибн Зиёд Хуросонга олиб кетган ўша бир пой заифона этикнинг иккинчи пойини талаб қилди. Аёл узоқ ўйлаб, этикнинг саройда қолган бир пойини қаерга қўйганини эслай олмади. Сарой аҳли оёқ яланг бўлибки излашди, этикни топишолмади. Иш яна можарога айланди. Бухоро маликаси бир пой этик баҳона сулҳни бузаётган саркарда ва лашкарлардан тоза безиб, араб босқинидан биратўла қутулмоқ учун Сўғд, Кеш (Шаҳрисабз), Нахшаб (Қарши) лашкарларини иттифоққа чорлаб,

душманга қарши шундай ҳужум бошладики, араб аскарлари ўзларини Жайҳун дарёсига уриб, баъзилари ғарқ бўлиб, баъзилари зўрға қочиб қутилишди. Асирга тушган лашкарбошини эса маликанинг хос навкарларидан бири чопиб ташлади.

Саъйид ибн Усмон ибн Аффон мағлубиятидан кейин Қутайба ибн Муслим Бухорога ҳужум бошлади. Байканд, Варахша, Ромитан, Вардонзе учун қирғин-барот жанглар бўлди. Қутайба узоқ курашиб, беадад қон тўкишлар ҳисобига Бухоро ерларини қисман забт этди.

“Қутайба ва унинг лашкарлари яна Бухорога келдилар, – ёзади ҳазрат Наршахий “Бухоро тарихи” китобида, – бу унинг Бухорога тўртинчи марта келиши эди. У жанг қилар, мол олар, талар, ўлдирар, одамларни асир ҳамда қул қилиб олиб кетар, шу тарзда то Марвгача борар ва яна Бухорога қайтиб келар, келаверар эди.

Бухородан талаб олган бир кунлик ўлжаларини тақсим қилган эдилар, ҳар бир отлиқ арабга икки минг тўрт юз дирҳамдан тегди...”

Ҳикоят. Қутайба ибн Муслим Бухоро ерларини фатҳ этганида, бир бутхонадан оғирлиги 400 дирҳам келадиган кумуш бут ва бир неча жом топиб олди. Тарозида тортиб кўришса, жами топилмалар 150 минг мисқол чиқди. Бутхонадан ҳар бири кабутар тухумича келадиган яна иккита марварид ҳам топилди. Уларни қушлар оғзида олиб келиб бутхонага ташлаган экан. Қутайба бари бойликларни жамлаб, халифага юборди. Халифадан тез кунда миннатдорона нома келди: “Шундай қимматбаҳо нарсаларни қўлга киритиб, бизга юборганинг хўп маъқул бўлди. Бироқ Бухоро маликасининг унутиб қолдирилган бир пой тилло этиги зинҳор-базинҳор эсингдан чиқмасин...”

Бухоро маликаси синчалакдай жони билан араб лашкарбошилари Убайдулло ибн Зиёд, Саъйид ибн Усмон ибн Зиёд, Саъйид ибн Усмон ибн Аффон, Муслим ибн Зиёд ибн Абийх, Қутайба ибн Муслим билан жанг қилди. Олтин тахт жойлашган ҳисор қалъасига – Аркка душманни яқин йўлатмади. Чор-ночор қолганида ҳам, беадад тошқин бўлиб келаётган душман йўлига тўғон тиклай олди. Зарур деб топса, душман билан сулҳ тузди; лозим топса, ундан омонлик тилаб, давлатни узоқ йиллар бутунича сақлаб қолди, рақибига сира бўй бермади. Унинг қўлини баланд қилиб, номини абадиятга боғлаган фазилат – унинг журъат ва жасорати эди!

Бир пой тилло этик баҳона Қутайба ибн Муслим Маликани бир неча бор йўқлади, яккама-якка мулоқотда бўлди. Халифанинг муборак номасида битилган илтимосни Қутайба аёлга ётиғи билан тушунтирди.

– Гапингизни англадим, барини тушундим, – деди Малика ахири тоқати тоқ бўлиб, – қуриб кетгур шу бир пой этик кўп дардисар бўлди-да, тақсир. Аслида нимдошгина нарса эди ўзи. Убайдулло ибн Зиёд Бухорога ҳужум бошлаган кезлари шундай ҳам беадад ғаламисликлар қилдики, хонадонларга хуруж қилиб, аёлларнинг бисоти борми, бўғчаси борми, куппа-кундуз куни талаб кетаверди. Бундай назари паст лашкарбошининг очофатлигига шама қилиб, зора шу билан кўзи тўярмикан, деган умидда анча-мунча тўзиброқ қолган, овда киядиган этигимнинг бир пойини баркашга солиб, элчиси билан

жўнатган эдим. Бунчалик тўтиё бўлишини билсайдим, тақсир, пайпоғи билан қўшиб, этикнинг иккинчи пойини ҳам юборган бўлардим. Бунақа бўлишини ким билибди дейсиз, тақсир!

...Узоқ мозийнинг хабарига кўра, Тағшоданинг онаси – Бухоронинг шоҳиста маликаси кексайиб тахтдан тушганида, ўғли подшоликка муносиб ёшга келиб қолган эди. Тағшода Қутайба ибн Муслим қўлида имон келтириб, мусулмон бўлди. Ўттиз икки йил тахт сурди. Исломга бўлган ҳаққи-ҳурмати ўғлини Қутайба деб атади.

Айтишларича, Тағшоданинг волидаи муҳтарамаси Ҳисор ичкарисида, қадимий бутхона устига қурилаётган жомеъ масжидини томоша қилиб юриб, муюлишда ислом шамшири деб ном таратган Қутайбага рўбарў келиб қолади ва унинг кўксига ногаҳон ханжар уради.

Тағшода бу фожеани ўз кўзи блан кўриб, онаси пойига тиз чўкиб, зор-зор бўзлаб, сўрайди:

– Нега бундай қилдингиз, онажон? Уларга бас келиб бўладими? Нега бундай қилдингиз, ахир?!

Малика ўғлига бепарвогина жавоб беради:

– Бухорони талагани, фуқарога ситам қилгани учун!

Қутайба ўшанда ханжар зарбидан ёнбошига бир қалқиб чўкади-ю, ҳаял ўтмай жойидан туради. Ханжар унинг чакмони остидаги ҳимоя учун кийилган “сим кўйнаги”га санчилиб қолади. Рақибини тирик кўрган Маликанинг бошидан тутун чиқиб кетади. У телба бўлиб қолади: тарихчилар таърифича, Малика гоҳида кулиб, гоҳида йиғлаб, узоқ вақт ҳисор деворлари ортида сарсари кезиб юради...

Қутайба шу суиқасддан кейин яна беш йил яшаган.

Қўҳна тарихнинг моғор босган қатларида ана шунақа ажабтовур гаплар ҳам бор. Яна Тангри билимдонроқдир...

УСТОД АЙНИЙ САЛОҲИЯТИ

Мен учун бу тонготар азизу мукаррамдир,
Мен учун бу қадамгоҳ муқаддас, қибла ҳамдир.
Эй, кўнгил, гувоҳимсан,
Эй, дийдам, паноҳимсан.

Боқи Раҳимзода

Масжид устунидаги битикни излаб ёхуд муфассал муқаддима

Устод Айнийнинг бобокалони Саййид Умархўжа Бухоройи шарифда “ёғочга жон ато этар” даражада машҳур дурадгор уста ўтган. Садриддиннинг она авлодлари яшаётган қишлоқ – Маҳаллиболода ҳозир ҳам ўша кўркам масжид қад ростлаб туради. Бу қадимий бинони Саййид Умархўжа қурган экан. Яқин-яқингача бундан бехабар эдим. Қарийб йигирма йил олдин, авжи саратоннинг жазирама кунларидан бирида Душанбедан устод Айнийнинг фарзанди, машҳур олим Камол Айний Шофирконга ташриф буюрди. Азиз меҳмон бир пиёла чой устида не сабабдан бу ерга келганини изҳор қилиб, деди:

– Узр, тақсир. Агар малол келмаса, каминани Маҳаллиболога – тоғойиларим қишлоғига бошлаб борсангиз. Илтимос. У ерда бобокалоним Саййид Умархўжа ҳазратлари қадимда ўз қўллари билан бир масжид қурган эканлар. Раҳматлик падари бузрукворим вафот этишларидан олдин қизиқ бир воқеани айтган эдилар. Дадамнинг дадалари – Саййид Муродхўжа қишлоқ аҳли илтимосига кўра бобокалоним Саййид Умархўжа қурган масжидни ўша андозада кенгайтиришга жазм қиладилар, қўшимча бир айвон ҳам қурадилар. Нақшинкор устунларнинг сўнгги пардози устида ишлаётган пайтларида, ўн-ўн бир яшар дадам масжид супасида ўйнаб юрганлар. Шунда бобом дадамга қараб: “Мана буни қарагин, болам. Бобонг масжид шифтига “Амали Саййид Умархўжа Соктариги” деб битиб қолдирганлар. Мен қўядиган қўшимча устунларнинг нақши бугун тугайди, бўтам. Чиройли бир сўз айтки, устунга нақшлаб қўяй. Бобонг битигидай келажакка хотира бўлиб қолгай” – дейдилар. Дадам ўшанда кўнгилларига келган бир гапни айтадилар. Ўша гап нима, қанақа гап бўлган? 1954 йил, дадамнинг саломатликлари ночор ҳолда бўлган бир кунда шу тарихий воқеани элас-элас эсладилар. Лекин ўша гапни айтиш фурсати бўлмади... айтолмадилар! Дадам унутган, айтилмай кетган ана ўша гапни... ўша ҳикматни бугун излаб келганман. Агар раъй қилсангиз, биродари азиз, фақирни ўша қишлоққа бошлаб боринг, илтимос.

Камол Айний билан йўлга тушдик.

– Домла, йўл-йўлакай ҳангомалашиб, пиёда кетсак, девдим. Падари бузрукворингиз, бобокалон ва тоғойиларингиз қадами теккан бу қутлуғ йўллардан, қадим қишлоқ ва гузарлардан ўзим бошлаб бораман. Маза қилиб томоша қиласиз.

Меҳмон таклифимга жон-жон деб рози бўлди. Йўлда хаёлим устод Айнийдан қолган ўша жумбоқ – масжид устунидаги битик билан банд эди: “Қизиқ, устунда қанақа сўз битиб қолдирилган экан? Наҳотки, ҳамқишлоқларимдан бирортаси масжид устунига нақшланган ўша битикни кўрмаган, ўқимаган, ҳатто бу ҳақда эшитмаган бўлса?”

“Қуллар” романида устод Айний ихлос билан таърифлаган туманнинг энг йирик ва қадимий қишлоқларидан бири Денавни оралаб ўтдик.

– Мана бу кўркам қишлоқ, домла, ўтмишда ҳам салоҳиятли бўлган. Боболар ҳозир ҳам бу ҳақда иштиёқ билан ҳангома қилишади. Айтишларича, афандинамо бир киши саркасини томга чиқазиб қўйган экан. Жонивор эчки томма-том сакраб юриб, бутун бир қишлоқни бошдан-охир айланиб чиқибди. Нега таажжубланяпсиз, домла? Бу менинг гапим эмас, дадангиз китобларида шунақа деб битиб кетганлар.

– Ҳа, дарвоқе, – деб нимтабассум қилди ҳамроҳим. – Дадам ҳеч нарсани назардан қочирмаганлар. Замоннинг тирик қомуси эдилар, раҳматли!

– Мана шу рўпарамиздаги хонақо Даёри биҳишт. Ҳозир буни андак бузиброқ талаффуз қилишяпти. Аслида “Диёри биҳишт” – “Биҳиштсифат диёр” деган маънони билдиради. Устоднинг пойқадамлари теккан мана бу қишлоқлар – ўнг тарафда Работ, Стамзе, Андақи, Қорахони; чап томонда кўриниб турган бу қишлоқлар – Маҳаллибоқи, Болойируд, Поёнируд... ундан нари дашт, кета-кетгунича кўм-кўк яйлов: Жилвон, Қутчи, Толди, Фозилбек, Тикай. Буларнинг бари беҳудуд Қизилқум саҳросига бориб туташади...

Кечагидай бари хотирамда турибди: кексаларнинг йиғин ва маъракаларида “Қуллар”ни, “Эсдаликлар”ни, Қори ишкамба ҳақидаги ажойиб ҳажвиётни жуда кўп марта ўқиб беришимга тўғри келган. Гурунгларда хурсандчилик билан бошланган Айнийхонлик нечукдир ҳамиша кексаларнинг йиғи-сиғиси, кўз ёшиси билан тугарди. Чунки, Айний китобларида битилган одамлар “Қуллар”даги жафокаш қуллар йиғинда ўтирган кексаларнинг бирор қавм-қариндоши, уруғ-аймоғи бўлиб чиқарди. Ижобий ёки салбий образлар бўлишидан қатъий назар, кексалар учун уларнинг кўпи таниш эди: Абдураҳимбой, Наби полвон, Ўрмон полвон, Бозор Амин, Ҳайит Амин, Мулла Абдуқаҳҳор, Зойирбой, Маҳмуд Йўлдошев, Сафар...

Дарвоқе, жафокаш Сафар. Мана у ўз ҳақ-ҳуқуқини бойлар билан талашиб, нима кўйларга дучор бўлмади:

“Икки шогирдпеша отдан тушиб Сафарни тутди, қўлларини орқасига боғлаб, қўлтиғидан арқон ўтказиб, қайрағоч дарахти остига олиб борди.

– Уни соя қайрағочга эмас, каллак қилинган ана у тут дарахтига осинглар. Саратон офтоби бир оз товласа, мияси жойига келади”.

Сафарга дор вазифасини ўтаган ўша мўйсафид тут дарахти ҳозир ҳам Маҳаллиболо қишлоғининг Қоқо деб аталгувчи ёвонида қад ростлаб турибди...

Устод Айний ёзувчи сифатида дунёга танилгандан кейин ҳам ўша олисда қолган болалигини эслаб, Денавга тез-тез келиб турган. Кексаларнинг хотирлашича, адиб Муқанна қўзғолони ҳақида асар ёзишни мўлжаллаб

Бухорога келганида, Денав ва Маҳаллиболо қишлоқларида бир неча кун қолиб, таниш-билишларига меҳмон бўлган, қариялар билан узоқ суҳбатлашиб, жуда кўп кишиларни суриштирган. Ўшанда хўжалик раиси вазифасида ишлаган Маҳмуд Йўлдошевникида тунаб қолган.

– Маҳмуджон, қишлоқни кўп қўмсайман, – деган экан ўшанда устод раисга кўнгил очиб. – Шаҳарда юрганимда, болалигим гўё олис-олисларда қолиб кетгандек бўлиб туюлаверади.

Раис ўшанда кулиб:

– Марҳамат, домла, болалигим олисда қолмасин десангиз, хўжалигимизга кўчиб келинг. Сизни сира харажатга қўймаймиз, ўзимиз данғиллама бир илҳомхона қуриб берамиз.

Устод раиснинг илтифотидан жуда-жуда хуррам бўлиб кетганлигини маҳаллибололик кексалар ҳозир ҳам айтиб юришади...

Қаршимизда кўм-кўк боғ-роғларга ўралган, улкан Маҳаллиболо қишлоғи салобат тўкиб турарди. Узоқдан қишлоққа назарим тушган ҳамон яна ўша жумбоқ – масжид устунидаги битик хаёлимга келди:

“Тавба, бу қанақа битик, қанақа ҳикмат бўлди экан?”

Шу кўндаланг савол баҳона бўлди-ю, устод Айнийнинг еру кўкка сиғмас салоҳияти кўз ўнгимдан нари кетмай қолди. Бутун дунё тан олган, мўътабар ЮНЕСКО ташаббуси билан бутун бир йил “Садриддин Айний йили” деб олам миқёсида кенг нишонланган, сўзсиз шу ифтихорга минг карра муносиб инсон Садриддин Айнийнинг барчага сабоқ бўларли ҳаёти қайта-қайта хаёлимдан кечаверди, кечаверди. Хаёлнинг асло ҳад-ҳудуди йўқ эди: устод ҳақида нимаики ўқиган, нимаики билган ва эшитган бўлсам, барини бир-бир эслаб кетдим...

Буюк Шарқнинг Тагори

Садриддин Саййид Муродхўжа ўғли Айний 1878 йил 5 апрелда таваллуд топган. “Болалик вақтим икки қишлоқда ўтган, – ёзган эди устод Айний ўзининг машҳур “Эсдаликлар”ларида, – туғилган ва беш яшарлигимдан ўн уч яшарлигимгача яшаган жойим Ғиждувон туманига қарашли Соктаре қишлоғи – ота-бобом қишлоғидир; бир яшарлигимдан беш яшарлигимгача ўсган жойим Шофиркон туманига қарашли Маҳаллиболо қишлоғи – тоғоларим қишлоғидир”.

Бўлажак адиб ўз асарларида меҳр ила қаламга олган ана шу икки масканда улғайди. Жилвон, Қутчи, Зарафшон бўйлари яйловлари бағрида сурув-сурув подалар ортидан юриб, чўпон-чўлиқлар оғзидан эшитган ғамгин, изтироб тўла қўшиқларни ўзича хиргойи қилиб, ҳазин мисраларга мисралар улаб, йигитлик камолига етди:

Қуриди қулларнинг моши, тариғи,
Оқарми, оқмасми Жилвон ариғи?
Жилдираб оқса ҳам кўзим ёшидек,
Ювилмас у билан юзим сариғи...

Садриддин болалигида ота-боболари ва тоғолари яшаган қишлоқларни кўп кезган, қўй-қўзилар ортидан қир-адирларда юриб, тенгқурлари билан лолақизғалдоқ сайлига чиқиб, оламни яшартирган Гули сурх ва Наврўзи олам ҳақида илк бор шеърлар битган:

Сайрайлик, яйрайлик кенг фазоларда,
Ер ҳидин ҳидлайлик хуш ҳаволарда.

1890 йилда 12 яшар Садриддиннинг ҳаёти қишлоқдан шаҳарга – Бухорога кўчади. У Мир Араб, Олимжон, Бадалбек, Ҳожи Зоҳид, Кўкалдош мадрасаларида таҳсил кўради. Мадрасалардаги ночор аҳвол, очлик ва қаҳатчилик ёш Садриддинни роса гангитиб қўяди. “Бадалбек мадрасасидаги ҳужрам, – эслайди адиб, – сағана шаклида бўлиб, катталиги одатдаги сағанага икки баравар келар эди”. У ўша зор-зор ўтган забун кунларини эслаб, бир шеърида ёзган эди:

Дар мадраса ҳужраи қулай нест маро,
Дар майкада важҳи нақлу май нест маро.
Токай гўям, ки ину вай нест маро,
Фил жумла бадаҳр ҳеч шай нест маро.

Мазмуни: Мадрасада қулай ҳужрам ва маишатга харж учун маблағим йўқ. Қачонгача мен унум-буним йўқ, деб зорланай – умуман дунёда менинг ҳеч нимам йўқ.

Ёш Садриддинда шеъриятга ҳавас жуда эрта уйғонди. У “Сифлий”, “Муҳтожий” тахаллуслари билан шеърлар бита бошлади. Кейинчалик, 1896 йилдан эътиборан Айний тахаллусини муқим танлади. “Шундай тахаллус топишим лозимки, – ўйларди мадраса толиби Садриддин, – у сермаъно ва тахаллусга муносиб бўлсин... Луғат китобини варақлар эдим, кўзим “айн” сўзига тушди. Луғатда бу сўзнинг 48 хил маъноси кўрсатилган эди: кўз, булоқ, офтоб... Мен “кўз” ва “булоқ” сўзларининг маъноларига нисбат бериб, ўзимга “Айний” тахаллусини қабул этишга қарор қилдим” (Эсдаликлар. 6-жилд. 182-бет).

Айнийнинг бу шарофатли тахаллус ила битган биринчи шеъри “Гули сурх” (“Қизил гул”) деб номланади. Айнийшунос олимлар таъкидича, адибнинг Сифлий, Муҳтожий, Жунуний тахаллуслари билан ёзилган асарлари сақланмаган.

Бухородаги ўша даврга хос ижтимоий ҳақсизлик, адолатсизлик, амирлик тизимидаги нопокликлар ёш Садриддиннинг фикрини жунбушга келтирар эди. “Ана шундай чоғларда, – дея эслайди бўлажак адиб, – қоронғи кечаларнинг охирларида йилтиллаб чиққан тонг юлдузидек, Бухоронинг қоронғу уфқларидан бир ёрқин юлдуз чиқди. Бу юлдуз Аҳмади Калла деб машҳур бўлган Аҳмад муҳандиси Дониш эди” (Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. 196-бет).

Садриддин ана шу юлдузга қараб талпинди. Хусусан, унга Донишнинг “Наводир ул-вақое” асари катта сабоқ берган эди. Ёш Айнийнинг бу мўътабар китобдан уққан илк жайдари фалсафаси шу бўлди:

“Қўл-қўлни ювганидек, манғит ҳукмронлари – амиру вазирларнинг бари бир гўр – бир-бирига вобаста шайкалардир”.

Ҳали балоғат ёшига етмаган Садриддин қирғин-барот вабо туфайли бир йил ичида ҳам отасидан, ҳам онасидан, ҳам яқин қариндошларидан ажради. Тўнғич акаси, Соктаре масжидининг имоми Муҳиддинхўжани масжидда, жойнамоз устида чавақлаб, хонадонига ўт қўйиб кетишди.

Садриддиннинг ич-ичидан қайноқ кўз ёшидек сизиб чиққан мана бу ҳасрат тўла битигига бир қулоқ тутиб кўринг: “Менинг қаттиқ бошим у азобларга чидади!..”

Ёш ўспириннинг обхона (қамоқхона) ва етмиш беш таёқ зарбига чидаганини айтинг! “Мени обхонадан Арк йўлагига олиб чиқишди. Мирғазаблар “бир-икки” деб икки томондан савалай бошладилар. Улар темирчилар навбатма-навбат темирга болға ургандек, бири калтагини кўтарганда, иккинчиси калтаги билан урар эди. Шу зайл бўйнимдан тортиб белимнинг пастига қадар калтак билан савалашар эди. Баданимдан қон сачрар, узилган гўшт ва тери парчалари турли томонга отилар эди... Бир маҳал мирғазаблардан бирининг “етмиш беш” деган овози эшитилди... Зиндонбонлар кўтариб олиб боришди. Яна мени обхонага ташлашди...” – ўша кунни ҳасрат ила ёдга олади улуғ адиб.

Бу кўргиликлар камлик қилгандек, укаси Сирожиддинни амир сарбозлари тутиб келиб, қатл этишди. Бу мудҳиш воқеадан хабар топган Айний укаси Сирожиддин қатлига марсия битди...

***

Арк йўлагидаги обхонада – хавфли маҳбуслар зиндонида Бухоронинг шоири замон деб ардоқланган суюкли фарзанди ётарди. У ҳибс ситамларидан, обхона азобидан эмас, йўқ, жону жигари, дилбанди – укаси Сирожиддиндан ажрагани учун темир қафасга тушган шердай наъра тортарди.

Амир сарбозлари Сирожиддинни Шофиркон туманидаги Маҳаллиболо қишлоғидан тутиб келиб, эртасига арк деворининг орқасида – арқон бозоридаги балчиқ кушхонада қатл этишди. Обхонада ётган Айний бу мудҳиш воқеадан воқиф бўлиб, бир ҳафтадан бери изтиробда тўлғанарди: оғзидан аланга, бошидан тутун чиқар эди!

Айний укаси Сирожиддин ҳажрида пистакўмир ушоғи билан обхона деворига марсия битди. Бундан хабар топган қушбеги мирғазаблари кўмир билан битилган мисраларни девордан ўчириб ташлашди, шоирнинг қўлларини орқасига қайириб, кишан солишди. Шунда ҳам шоирга бас келиб бўлмади: кўмирни тишлаб туриб жигарини қон қилиб, изтироб тўла мисралар чекди:

Жигарам об шуду рехт зи ду чашми тарам,
Жигарам, во жигарам, во жигарам, во жигарам!

Обхона эшиги зарб билан очилди. Амир мирғазаблари – жазони ижро этувчилар – бандини қоронғи обхонадан судраб чиқишди. Арк дарвозаси олдидаги гулли гилам тўшалган тошсупачада ўтирган новча қушбеги қўлларининг уч еридан темир ҳалқа ўтказилган банди шоирга истеҳзоли қараб:

– Аҳволинг нечук, шоири замон? – деди баралла товушда масхара қилиб. – бу шогирдпешалар янглишиб, сени илҳомхонага эмас, обхонага ташлашибди-да, эсиз... Бу хатони тузатиш – бизга тан. Қалай, жаноби олийлари шаънига энди ашъор битурмисан?

Икки даванги мирғазабнинг орқасида турган, усти юпун, бошига титилиб кетган дўппи кийган, ранг-рўйи синиққан шоир ёруғдан кўзи қамашиб, бир лаҳза саросимада турди-да:

– Айтдим-ку, жаноби қушбеги, мен амир маддоҳи эмас, халқ шоириман! – деди. – Халқ дилининг тўрида туриб, тилининг учида турган муддаосидан куйламоқ мен учун фарздир!

– Хў-ў-ш, – деди қушбеги шоир томон хезланиб, – халқ дилининг тўрида дейсанми? Ахир, обхона тўри сенга ундан афзал эмасми?

Шоир “аҳмоққа жавоб – сукут” дегандай, жим қолди. Қушбеги қўлининг кафтини ўнг қулоғи орқасига тутиб, яна шоир томон чўзилди:

– Хў-ў-шш, айт-чи, қора авом тилининг учида не муддао бор экан? Биз ҳам эшитсак бўладими?

– Бўлади, жаноб қушбеги.

Боқ, на бўлди оқибат боғим, гулистоним менинг,
Қон ютарлар навниҳоллар бугун сув ўрнига...

Заҳарханда қилиб турган қушбегининг товуши кутилмаганда титраб кетди:

– Бу телбанинг жазоси – етмиш беш та-ёқ-қ-қ!! – деди ер тепиниб. – Ҳукм ижро этилгач, яна обхонага ташланг!

Банди обхонада бу қаттол ҳукмни анчадан бери кутиб ётган бўлса-да, қушбеги фармонидан танаси беихтиёр зирқираб кетди. Ичидан бир нарса “чирт” этиб узилгандай бўлди, баттол қушбегининг қаттол товуши анчагача қулоғи остида шанғиллаб, акс садо бериб турди: “Етмиш беш таёқ!”

Икки шогирдпеша арк олдида тўпланган оломонни “пўшт-пўшт”лаб, шоирни қуршаб келаётган мирғазаб ва миршаб – югурдаклар учун йўл очди. Улар ҳукм ижро этиладиган амир саломхонаси рўпарасидаги майдон томон юришди. Махсус тошсупа олдида тўхташди. Шоир тошсупага чиқиб, обхона азобидан ҳам оғирроқ мушкул бир вазифани бажариши керак эди: амир жорий этган одатга кўра, маҳбуслар ўзи ҳақидаги ҳукм ижро этилиши олдидан саломхона дарчасига қараб, халойиқ олдида амир шаънига мадҳу сано ўқиши, “табаррук” жазо учун дилдан шукрона айтиши ҳам фарз, ҳам қарз эди! Мудҳиш саломхона арк деворининг тепасида, тўпхона айвонининг ёнида жойлашган. Бу саломхонага амир ҳар эрта зарбофи чопонини елкасига

ташлаб чиқар, дарча олдида ўтириб, сарой дарборларининг саломини қабул қилар эди. Агар бирор кимса жазога ҳукм этилган бўлса, ана шу амру фармонининг қандай ижро этилишини томоша қиларди. У бугун эрталаб бўлакча бир кайфият – авом халқ “шоири замон” деб ғулғула қилган шоир – Айний тилидан ўз шаънига бирор ширин сўз эшитгани, тўғрироғи, унинг тавба-тазаррусини қабул қилгани чиққан эди.

Айний тошсупага чиқиб, саломхона дарчасига тикилди: ичкаридан сават саллали, қора соқолли аллақандай бир калла ғира-шира кўзига ташланди. “Амир бўлса керак, – ўйлади у, – сўхтаси совуқ... Укам Сирожиддин ҳам шу тошсупада туриб, саломхона дарчасига қараб эгилдимикан?”

Бу нохуш хаёлдан суяк-суягигача чатнаб кетди. Бутун вужудини яшиндай ялаб ўтган бу совуқ хаёлни дарров рад этди. Амирга бас келолган, абжир, исёнкор Сирожиддинга нисбатан қалбида ифтихор ва соғинч ҳисси жўш уриб, обхонада битилган, ситам тўла ўша марсия яна қуюлиб келаверди:

Жигарам об шуду рехт зи ду чашми тарам,
Жигарам, во жигарам, во жигарам, во жигарам!..

Шоир ўзи билан ўзи олишиб, ҳамон тошсупада тик турар, арк майдонида сукут тутиб турган халойиқ суюкли фарзандининг оташ нафасини “қилт” этмай кутар, саломхона дарчасидан амир қулоқларини динг қилиб, тепадан мўлтирар эди. Бу бир лаҳзалик сукунат, мудҳиш жанг олдидан бўладиган мунгли сукунатга ўхшарди...

Бу мудҳиш жимликни шоирнинг ўзи бузди: икки ёнига – халойиққа қараб ярим эгилди, таъзим қилди, кейин кўксини яна баландроқ тиклаб, саломхона дарчасига – амирга қаради:

Халқ уйин бедод ила куйдирсанг, э, бедодгар,
Куйдирар қасрингни охир интибоҳ учқунлари!...

Шеър шоир бўғзида қолди. Мирғазаблар худди чигирткадай унга ёпирилдилар.

Айний мирғазаблар қуршовида, оёғи гоҳ ерга тегиб, гоҳ тегмай бораркан, амир турган хонага секин кўз ташлади: саломхона дарчаси очиқ, афтидан, амир ҳукм ижро этилишини кутарди...

***

Садриддин Айнийнинг бутун ижод маҳсули Туркистон ўлкасида чоп этилаётган “Ойна”, “Бухорои шариф”, “Турон”, “Садои Туркистон” газета ва журналларида, сатирик асарлари эса ўша даврнинг машҳур “Таёқ”, Машраб”, “Муштум”, “Ширинкор”, “Бигиз” нашрларида босилар эди.

Адибнинг мингга яқин катта-кичик асарлари – очерк, ҳикоя, фельетон, памфлет, эссе, қисса, роман, комедия, илмий мақолалари чоп этилди, миллион-миллион китобхонларга маънавий озуқа берди. Айний қалам заҳмати ила истеъдодли адиб, забардаст олим, иқтидорли шоир, етук

публицист, моҳир ва заковатли мураббий, толмас жамоат арбоби даражасига етди. Хусусан, “Бухоро жаллодлари”, “Қуллар”, “Эски мактаб”, “Одина”, “Дохунда”, “Судхўрнинг ўлими” асарлари ёзувчининг бутун талант қирраларини олмосдай очди. Шу боис Садриддин Айний ижодини мукаммал ҳис этадиган билағонлар уни XX аср Шарқининг буюк Робиндранат Тагори деб аташарди. 1962 йилда Қоҳирада бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчилари халқаро форумида эса Садриддин Айнийнинг улуғворлиги мўътабар минбарда яна бир карра таъкидланиб, буюк Шарқ мутафаккирлари билан бир қаторга қўйилди.

“Садриддин Айний, – ёзган эди йирик давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев “Одина” қиссасининг русча сўзбошисида, – мутлақо ҳуқуқсиз бўлган ва шафқатсиз эзилган ўн минглаб меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳаққоний равишда ҳеч қандай бўёқсиз тасвирлаб берган буюк ёзувчидир”.

Адиб тожик ва ўзбек тилида самарали ижод қилди. Унинг ўлмас номи икки қардош-жондош халқ адабиёти ва маданияти тарихи, унинг солномасига олтин ҳарфлар билан битиб қолдиришга арзигуликдир.

Садриддин Айний адабиётнинг деярли барча жанрларида самарали ижод қилди. Юз йилдан ортиқ давр воқеаларини қамраб олган “Қуллар”, “Бухоро жаллодлари”, “Дохунда”, “Судхўрнинг ўлими”, “Эсдаликлар” асарлари ёзувчига катта обрў келтирди. Унинг адабиётдаги шуҳратини бутун дунё тан ола бошлади. 1935 йилдаёқ “Правда” газетаси ўзининг бош мақоласида Айний даҳосини тан олиб, шундай ёзган эди:

“Айнийнинг “Одина” қиссаси, айниқса, “Дохунда” романи зўр эътиборли ва аҳамиятлидир. Бу асарлар рус, украин, ўзбек, инглиз, немис, француз тилларига беҳуда таржима қилинмаган...”

Атоқли шоир Мирзо Турсунзода “Бизнинг Айний” мақоласида “Бир одам таржимаи ҳолида бутун бир халқнинг босиб ўтган ҳаёт йўли акс этиши мумкин. Бизнинг улуғ устозимиз Айнийнинг ҳаёти – бутун халқнинг ҳаёти ва қисматидир” дея ёзганида минг чандон ҳақ эди.

Француз адабиёти ва маданиятининг намояндаси Луи Арагон Садриддин Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” қиссасини таржима қилиб, ўз мамлакатида уч марта чоп эттирди. Китоб сўзбошисини Луи Арагоннинг ўзи битган: “Садриддин Айний ўзининг бу ўлмас асари билан, – дейди муаллиф, – жаҳон адабиётининг буюк намояндалари Бальзак, Шекспир, Гётелар қаторида туради”.

Садриддин Айний иқтидорли олим сифатида яратган юзлаб очерк ва илмий асарлар ҳали-ҳануз завқ билан ўқилмокда. У Шарқнинг буюк алломалари – Рудакий, Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Саъдий, Камол Хўжандий, Восифий, Навоий ва Бедил сиймоларини бутун бўй басти билан тиклаб, китобхонларга тақдим этишда улкан ҳисса қўшди. Хусусан, Айний Навоийнинг беш юз йиллик юбилейи муносабати билан “Хамса” устида жуда катта тадқиқот олиб борди.

Садриддин Айнийнинг иккинчи жаҳон уруши давридаги беқиёс хизматлари таҳсинга лойиқдир. Уруш йилларида ёзувчи ватан ва халқи учун

жон фидо қилган буюк аждодларимиз қаҳрамонликларини қаламга олиб, “Темур Малик”, “Муқанна қўзғолони” қиссаларини яратди. “Уруш ва ғалаба” шеърий одасини ёзди. Адиб уруш қаъридан эвакуация қилинган ёзувчи ва олимларни Самарқанд остонасида кутиб олиб, бу жабҳада ҳам катта ташкилотчилик кўрсатди.

Босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўлини тўлалигича қамраб олувчи эсдалик яратиш адибнинг бир умрлик орзуси эди. 1948 йилдан адиб шу машаққатли ишга қўл урди. “Эсдаликлар” Айнийга жуда катта шуҳрат келтирди.

К.Федин бу асарни ҳузур қилиб ўқиганини қониқиш билан таъкидлаб, “Китоб боблари қисқа, ҳаяжонли ва айни пайтда мукаммал новеллаларга ўхшайди” деб ёзган эди.

1950 йилда адиб бу асари учун Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Устод Айний 76 йил умр кўрди. 1954 йил 15 июлда оламдан кўз юмди. Эллик йилдан зиёд қалами қўлидан тушмай ижод қилди. У ҳамиша халқ эъзозида бўлди. Айний академик, Тожикистон Фанлар академиясининг биринчи президенти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, ўз даврининг бир неча нуфузли орденлари соҳиби эди. Унинг умрбоқий асарлари қирққа яқин тилларда таржима этилган.

Зотан, давлат ва жамоат арбоби, машҳур адиб Шароф Рашидов таъкидлаганидек, “Йирик олим ва забардаст ёзувчи Садриддин Айнийнинг ўзбек ва тожик тилларида катта маҳорат билан ижод этилган умрбоқий асарлари халқлар дўстлиги ва биродарлигининг ёрқин тимсолидир. Унинг ўлмас асарлари бутун инсоният учун баб-баравар қимматлидир”.

Қамбарой қисмати

Қуёшу шоирнинг бир хил ҳунари:
Ёруғлик, ҳарорат яратар бари.

Мирзо Турсунзода

Устод Айнийнинг бирор янги асарни бошлашдан олдин болалик ва ўсмирлиги ўтган қишлоқларни, дашт ва чўл, қир ва адирларни кезиб чиқадиган одати бўлган. Бир куни устод отда хаёл суриб кетаётганида, Некиши қишлоғидан тобут кўтарган оломон уввос солиб йўлга чиқади. Устод отдан чаққон тушиб, ўзини тўдага уради, елкасини тобут поясига тутади.

Адиб тобут ортидан Жилвон этагидаги “Чилдухтарон” (“Қирқ қиз”) қабристонигача пиёда боради. Устоднинг болаликдаги ўртоғи, хўжалик раиси Маҳмуд Йўлдошев фожиа тафсилотини йўлда унга гапириб беради.

... Қамбарой деган бу жувонни Дўрман кўлида чавақлаб кетишибди. “Зарбдор колхозчи” газетасининг мухбири Исмоил Ражабовнинг беваси. Эри фронтда. Уч кундан кейин марҳуманинг ўлигини топишган. Билакдай икки тутам сочини оғзига тиқиб, етти еридан пичоқлаб кетишибди, қотиллар!

Устод бу гапдан изтиробга тушди:

– Увол бўлибди. – Аламдан бўғзи бўғилиб, сўради: – Қотил топилдими?

– Йўқ, – деди Маҳмуд афсус билан бош силкиб, – қотилнинг изи йўқ. Милициядан келишиб, кеча етти кишини даргумон тутиб, қамаб қўйишди.

– Мана буниси яна фожиа, чинакам фожиа! – деди устод асабий бир тусда. – Афсуски, ўлик ўлик-да, тилсиз гувоҳ: на қотилни фош қилади, на бегуноҳни оқлаб беради. Лекин биз қўл қовуштириб турмаслигимиз керак. Бундай қотиллар билан худди фашист билан олишгандай олишишимиз лозим, Маҳмуджон!

– Тўғри айтасиз, домла, керак бўлса, бутун хўжаликни оёққа турғизамиз!

Шундан кейин устод қабр бошигача чурқ этмай хаёлга ғарқ бўлиб борди-да, дафндан қайтаётганда раисга худди мулоҳаза солаётгандай секин деди:

– Биласизми, Маҳмуджон, бугун тонгда уруш бошланган йили бўлиб ўтган қалтис бир воқеа хотирамга тушди. Қамбаройнинг фожиаси менинг хаёлимни яна ўша мудҳиш воқеага элтиб улаяпти. Мен “Эсдаликлар” устида иш бошлаганман, ҳозир шунинг изида юрибман. Уч кундан бери отда кезаман: Соктаредан Қутчига ўтдим. Шўркўлнинг усти билан Жилвонга тушдим. Деволактепада бўлдим, беихтиёр Тикай чўлигача бориб қолибман. Тикайдан қайтаётганимда, ҳибсхона соқчиларига чап бериб қочиб қолган қўшработлик уч қотил ногаҳон хаёлимга тушиб қолди. Аниқ биламан, улар омон қутилиб қолишган. Нега уларни эсладим, ўзим ҳам билмайман. Эслаб-эслаб исмларини ҳам топдим: биттаси Дўппон қирон эди, биттасини Фатти гуппи дейишарди. Яна биттаси Шамми лақабли эди, кўзи ғилай. Биласизми, Маҳмуджон, улар ҳозир фронтдами ё қишлоқда эркин юришибдими?

Устод айтган одамлар раисга таниш чиқди.

– Улар қўшни хўжаликда, Қўшработда туришарди. Учаласини ҳам танир эдим, аравакашлик қилишарди. Бир пайтлар одам ўлдириб қамалишган. Анчадан бери ҳарбий комиссариат уларни қидиртиради: армияга жўнаб кетаётганда Зирабулоқ бекатида вагондан ташлаб қочишган.

– Бу қотиллик ана шу аблаҳларнинг иши! – деди устод қатъий қилиб, – Бу ўшаларнинг иши, кўнглим сезяпти. Чунки, бунақа қотилликни фақат ўшалар – бизнинг нону тузимизни ёмон кўрадиган хоинларгина, ўзимиздан чиққан фашистларгина қилади!

Устод ва раис ортидан от етаклаб юрган икки йигит раиснинг ишораси билан отларни уларга кўндаланг тутишди. Улар хўжалик идораси томон шошилинч от суриб кетишди. Идорадан туманга сим қоқиб, милиция бошлиғини чақиртиришди. Устод унга ўз шубҳаларини батафсил айтиб берди. Милиция бошлиғи адибнинг ҳақиқатга яқин тахминларини эшитиб, чуқур миннатдорчилик билдирди. Зудлик билан ўринбосарига қўнғироқ қилди: шубҳа остига олинган етти бегуноҳни озод қилишга кўрсатма берди!

Устод жўнаб кетишдан олдин милиция бошлиғига:

– Энди битта илтимосим бор, бўтам, – деди бир энликкина қоғоз узатиб. – Мана бунда менинг манзилим ёзилган. Самарқандда тураман. Қотиллар қўлга тушгандан кейин, агар имкони бўлса, Қамбарой фожиасини менга батафсилроқ ёзиб юборсангиз.

Бошлиқ ваъда берди.

Ўн кундан кейин устод номига мана шу мазмунда хат келди: “Қотиллар Дўрман кўлидан, тўқайзордан тутилди. Сасиган от гўштидан бўкиб, ўлар ҳолатда бўлиб ётишган экан. Қотиллар қилмишларига иқрор бўлишди. Шамми лақабли ғилай терговда бўлган фожиани батафсил айтиб берди. Хўжалик отини зовурга киритиб, яширинча сўйиб турганларида нонвойхонадан нон олиб қайтаётган Қамбарой бехосдан улар устига келиб қолади. Қотиллар энди сир ошкор бўлди, мухбирнинг хотини ҳамма ерга бизни довруқ қилади, деб қаттиқ чўчишади. Кейин аёлни тутиб келиб, бўйнига пичоқ қўйишади. Шамми ғилайнинг айтишича, марҳума қотилларга кўп илтижо қилган: “Ўлимим олдидан бир лаҳзагина менга муҳлат беринглар. Бешикда беш ойлик боламни белаб, қўшни аёлга қараб тургин, деб тайинлаб чиққан эдим. Боламни эмизаман-у, дарров изимга қайтиб келаман”.

Йўқ, қотиллар қотиллигини қилишган: аёлни етти еридан ваҳшийларча пичоқлашган...”

Устод хатнинг буёғини ўқий олмади. Кўз ёшлари кўзойнак остидан сизиб, қоғоз бетига тушди: “Қамбаройнинг хуни тутсин, сен газандаларни, – деди устод изтироб ичида. – Бешикда қолган чақалоқнинг тақдири, икки акасининг қисмати нима бўлди экан? Денавликлар саховатли, бағри кенг халқ, етимларни хор қилиб қўйишмас...”

Устод Айний етим қолган болалар тақдирини суриштириб, дўсти Маҳмуджонга бир энликкина хат битиб жўнатди...

***

Воқеий ҳикоям тугади, лекин охирги нуқтани қўйгим келмаяпти. Онаизор тобути ортидан бўзлаб қолган уч ўғлон тақдири, ҳойнаҳой, китобхонни қизиқтириши турган гап. Бешикда қолган гўдак кўп яшамади. Изомжон билан Сайфиддин ҳамқишлоқларининг иссиқ бағрида улғайишди. Ўрта мактабда ўқишди, кейин механизаторлар курсини тугатишди. Изомжон Исмоилов Шофиркон туманидаги номдор жамоа хўжалигида илғор бригада бошлиғи, Сайфиддин Самарқандда экскаваторчилар бригадасининг етакчиси бўлиб, узоқ вақт ишлашди.

– Онам қисмати туфайли биз ака-укаларга устод Айнийнинг назарлари тушиб қолган эди, – дейди Изом ака. – То улғайиб кетгунимизча биздан устоднинг эътиборлари узилмади. Марҳум раисимиз бизни ҳар кўрганларида бошимизни силаб: “Айний домла хат битиб, ҳар замонда йўқлаб турибдилар”, дер эдилар. Раҳмат. Ўзгалар йўлига нур таратувчи одамлар борлиги учун ҳам ҳаёт шунчалар ширин-да!

Дунё яхшиликдан яралган ёхуд мухтасар хотима

... Камол Айний билан Маҳаллиболо қишлоғига кириб бордик. Шундоққина қишлоқ муюлишида масжид, олди жойдори гул экилган кафтдеккина гулзор. Ўша кезлари тепадан дин сиқувга олинганидек, бу

масжидни ҳам икки ёнидан паст-баланд бинолар тоза “сиқувга” олиб қўйган. Бинонинг на ўнгга, на сўлга қимирлашга имкони йўқ эди. Боз устига, инсон оёғи узилган ёки қадами сийраклашган бу жойдан файз ҳам, тароват ҳам кўчган. Буни азиз меҳмон дарров пайқади. Ўзим ҳам юракдан ҳис этиб турибман. Бироқ илож қанча, дин, руҳ, эътиқод, маънавият, қадрият қувғинда бўлган юртда қаердан ҳам мужда кутасан, киши.

Маҳалла оқсоқоли муддаомизни эшитгач, кўчадан икки-уч болани чорлаб, масжид супасига шакароб септирди. Кейин бизнинг сўровимиз билан болалар нарвонга чиқиб, бино шифти ва устунларига супурги уриб, чангини тозалаган бўлишди. Камол Айний қўлига лупа тутиб, масжид шифти ва устунларини диққат билан кузата бошлади. Бобокалони Саййид Умархўжа бино шифтига нақшлаб кетган битикни дарров топди: “Амали Саййид Умархўжа Соктариги”.

Камол Айний яна излашда давом этди. Хайрият, мана топди: излаб келган битиклари четки бир устунда, ўйма нақшлар орасида битилган экан. Олим форсча ёзилган сўзларни тепадан – нарвондан тушмай такрор ва такрор ўқиди. Мазмуни мана шундай экан: **“Дунё яхшиликдан яралган, яхшилик ила равнақ топгай”.**

Кўнгилда бори тилга чиқади. О, ўшанда Парвардигори олам ёш Садриддиннинг мурғаккина покиза кўнглига ана шу муборак сўзларни солиб, бағрига яхшилик уруғини сепган экан: “Дунё яхшиликдан яралган, яхшилик ила равнақ топгай”.

ИБРОҲИМ МЎМИНОВ САБОҚЛАРИ

Балки Вардонхудот шиддати бордир
Сизнинг қонингизда, Иброҳим домла.
Балки Хожа Ориф ҳикмати бордир
Жисми жонингизда, Иброҳим домла.

Сайфулла Ғафур

Кенгликлар хумори

Етмиш тўртинчи йилнинг баҳорида академик Иброҳим Мўминов таваллуд топган она-юрти – Тезгузарга келди. Шофиркон туман фирқа қўмитасининг саркотиби Жўрақул Орипов (раҳматли) ҳамроҳлигида уч-тўрт киши устодни зиёрат қилгани ҳузурига чиқдик. Чамаси ярим соат фурсат ўтмай, қайта йўлга отландик. Сабабки, домла уйда диққинафас бўлиб ўтиргани эмас, кенгликларнинг хумори тутиб Тошкентдан келган эди.

– Жилвонда қолган болалагимни излаб, кўча чангитиб ўтган кунларимни қўмсаб келганман, азизларим. – Ўшанда Иброҳим Мўминов нечукдир руҳан чарчоқ, ҳорғин, синиқ бир кайфиятда сўзлаган эди. – Агар малол келмаса, болалигим кечган ўша кенгликларга мени бошлаб чиқинглар, илтимос.

Жилвонга бошлаб кетдик. Сарҳадсиз кенгликлар, беҳудуд чўлнинг покиза ҳавоси устоднинг ҳорғин руҳига ҳалимдек ёқиб, андак ҳаловат бағишлади, кайфияти кўтарилди. Дала меҳнаткашлари ҳузурида, чўпонлар гурунгида, “Мингчинор” гўшасидаги ўқувчилар оромгоҳида – қаерда улуғ меҳмон иззати учун дастурхон ёзилган бўлса, домла барида ўзини эркин тутди. Ўшанда устоднинг ақл-заковатига, қувваи ҳофизасининг бунчалар тиниқлигига, беназирлигига қойил қолганман. Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди: ўшанда гурунг одамнинг одамга қарамлиги – инсон тобелигидан бошланган эди.

– Одамнинг чиқити бўлмайди. Ҳеч қачон уларни киракаш арава отига айлантириб қўймаслик керак. Тобеликка майли бор одамнинг қўлига туғ бердинг нима-ю, бир боғ похол бердинг нима – иккисининг ҳам қиммати бир хил унга?!

Аниқ сезиб турардим: Иброҳим Мўминовни ўшанда қандайдир бир ички изтироб, кўнгил озурдалиги қийнарди. У уфқ кенгликларига, шарқираб оқаётган Жилвон каналига, кўкка бўй чўзиб, эндигина салоҳият кашф этаётган навниҳол чинорларга боқиб турди-да, сўнг ўзига ўзи гапираётган бир тарзда:

– Сийна лиммо-лим аламдир, малҳамдан йўқ дарак.

Янги олам, янги одам – қайтадан тузмоқ керак! – деди.

– Энг муҳими, ердан узилмаслик. – Такрор таъкидлади домла. – Киндик қони тўкилган жой – муқаддас. Катта бир шаҳри азимдан шу заминнинг меҳри тортиб, шу кенгликларнинг хумори тутиб келдим. Юртга муҳаббат, халққа меҳр, ерга пайвасталик туйғуси инсонда она алласидан бошланади.

Билмадим, шу боисданми, тез-тез хумори тутиб туради мана шу кенгликларнинг!..

Академикнинг овозида қандайдир мунг, ҳазинлик сезардим. Олим юртдошлари билан шу кенгликлар бағрида жисман гурунгда эди-ю, хаёлан эса тамоман ортда – олис-олисларда қолиб кетган болаликка қайтган, назаримда, босиб ўтган ҳаёт йўлини хотирлар эди...

... Иброҳим Мўминов 1908 йил 7 сентябрда шу азиз юртда – Шофиркон туманига қарашли Тезгузар қишлоғида таваллуд топди. Болалигиданоқ дунё воқеаларидан хабардор бўлиб улғайди. Кўпроқ мутолаа ва мушоҳадага берилди. Бўлажак олимнинг биринчи ўқитувчиси тезгузарлик Мулла Обиднинг хотирлашича, Иброҳим ёшлигиданоқ арабчада ёзиш-чизишни эгаллаган, Ҳадиси шарифдан кўплаб намуналарни ёд билган.

“Бир сабаб бўлди-ю, ўша куни дарсга кечикиброқ кирдим, – эслайди академикнинг муаллими Мулла Обид, – болалар синфни бошига кўтариб, тўполон қилиб ўтиргандир, деган хавотирда синфга кирдим. Синф тинч. Иброҳим муаллим ўриндиғида, болаларга ниманидир гапиряпти. Болалар жимгина қулоқ солиб ўтиришибди. Иброҳим мени кўриб, ўриндиқдан турди, жой берди. Лекин гапидан тўхтамади:

“Тангри фаришталарга “Одамга сажда қилинглар” деб буюрди. Улар сажда қилдилар. Шайтон бош тортди. “Мен одамдан яхшироқман. Мен оловдан, одам эса лойдан яралган. Ҳеч қачон унга сажда қилмасмен”, – деди. Худо уни шу қайсарлиги учун жаннатдан қувиб юборди!” Ўшанда бир синф бола шайтонни лаънатлашган эди. Ана шунақа: Иброҳим кўпинча ёшига номуносиб файласуфона фикр юритарди” (Мулла Обиднинг “Шофиркон ҳақиқати” газетасида босилган хотирасидан).

Иброҳим деҳқон оиласида улғайди. Отасига қарашди: ер чопди, чўпонлик қилди. Қишлоқда маълумот олди. 1922-1927 йилларда Бухоро маданий оқартув институтида ўқиди. Шаҳардаги икки йиллик курсда жамиятшунослик ва синфий кураш тарихидан талабаларга сабоқ берди. 1928 йилда Иброҳим бир гуруҳ юртдошлари билан Самарқандга – олий педагогика институтига (кейинчалик педагогика академиясига айлантирилган) ўқишга жўнаб кетди. 1931 йилда Педакадемиянинг ижтимоий-иқтисодий факультетини аъло баҳоларда тугатиб, шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1933 йилда Педакадемия базасида Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети) ташкил қилинди. Унинг фаолиятини йўлга қўйишда Иброҳим Мўминов ўз замонасининг забардаст алломалари Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ойдинлар сафида туриб фаол иштирок этди. У янги университетнинг филология ва тарих факультети декани сифатида катта жонбозлик кўрсатди.

Ўша даврдан ёдгор бўлиб Иброҳим Мўминов қўли билан битилган ажиб бир тавсиянома қолган. Маълумки, атоқли давлат ва жамоат арбоби, улкан адиб Ш.Рашидовнинг талабалик йиллари шу университетда ўтган. Ш.Рашидовнинг “Шахсий дело”сида университет филология ва тарих факультети декани Иброҳим Мўминов имзо чеккан бир ҳужжат турибди.

Ушбу тавсияномага мувофиқ тўртинчи босқич талабаси Шароф Рашидов олий стипендияга муносиб деб топилган. Университет раҳбарияти эса ушбу тавсияни рад этган. Анча-мунча тортишувлардан кейин декан Мўминовнинг қўли баланд келиб, Шароф Рашидов номдор стипендияга лойиқ деб топилади... (“Зарафшон” газетаси, 1992 йил 7 ноябрь).

1941 йилда И.Мўминов Гегель фалсафасининг рационал мағзи хусусида номзодлик диссертациясини ёқлайди. Устод Садриддин Айний илмий ишни ёқлаш жараёнида илмий кенгашда иштирок этиб, шофирконлик ёш олим иқтидорига юксак баҳо берган эди.

Иброҳим Мўминов 1942 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг таъсис мажлисида академия мухбир аъзоси этиб сайланди. Олим энди катта журъат билан ўтмиш маънавий меросини ҳар томонлама таҳлил қилишга киришди. Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари мавзуидаги рисоласи босилди. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти (XIX асрнинг охири XX асрнинг боши) тарихига доир китоби чоп этилди. Бу асар олимни фалсафа фанлари доктори илмий даражасига мушарраф этди.

1955 йилда Иброҳим Мўминов Тошкентга, Ўзбекистон Фанлар академиясига ишга таклиф этилди. Пойтахт олим ҳаётида туб бурилиш ясади.

Дунё гўдак эмас

Афлотун менинг қимматли дўстим,
лекин ҳақиқат ундан қимматлироқдир.

Арасту

I

Профессор гулқайчини олиб, энди гулзорга кирганди, очиқ дераза рафида турган телефон жиринглаб қолди. Олим изига қайтди. Телефон дастагидан аёл кишининг товуши эшитилди:

– Салом, ҳурматли профессор, “Интурист”дан безовта қиляпмиз. Сиз билан Гордней жаноблари гаплашмоқчи. Марҳамат.

Профессор ажабланиб, гўшакни қулоғига яқинроқ тутди.

– Салом, жаноб профессор, – деди Гордней. – Сизни безовта қилишга журъат қилганим учун айбга буюрмайсиз.

– Жуда хурсандман, жаноб Гордней! – деди профессор уни танигач, ҳаяжон билан. – Уйга марҳамат.

– Такаллуфингиз учун ташаккур! – деди Гордней кулиб ва сўзининг охирида ҳазиллашиб қўшиб қўйди: – Биз кўпчиликмиз, уйингизга сиғмаймиз деб қўрқаман, жаноб профессор.

– Бизда, туякаш билан дўст бўлсанг, дарвозангни катта қур, деган нақл бор.

Гордней яна завқ билан кулди:

– Аломат одамсиз, гапларингиз ҳам аломат... Сизга янги китобимдан олиб келганман, ҳамкасб.

– Дастхат қилиб берасиз, жаноб Гордней!

– Албатта.

– Бугуноқ сиз билан учрашишга ҳаракат қиламан!

Профессор гулқайчини супадаги олма дарахтининг шохига илди. Боғ ўртасидан ўтадиган ариқчада қўлини чайди. Ичкари кирди. Кабинетида узоқ хаёл суриб, у ёқдан бу ёққа юрди. Жаноб Гордней ҳақида, унга дахлдор хотираларни эслади. Муқовасида Тошкент тасвири солинган, ҳар доим қўлига олганида йигитлик чоғини эслатиб турадиган қалин, қирмизи альбомни анчагача варақлаб ўтирди. Альбом устоз Айний сурати билан очиларди. Иккинчи бетида анча қўлма-қўл бўлиб кетган яна бир сурат бор. Бунда профессорнинг ёшлик даври, диссертация ёқлаётган пайти тасвирланган: илмий кенгаш президиум столи. Ўртада устоз Айний, икки ёнида замонанинг икки буюк файласуфи – ёш олимнинг москвалик домласи Сергей Сергеев ва ажнабий олим Гордней жаноблари!

... Ўша куни илмий кенгашга устоз Айний раислик қилган эди. Зал ғуж-ғуж одам: тақризчилар, илмий кенгаш аъзолари, республиканинг илм-фан арбоблари, алломалар... Москвада ўз ишини тугатган халқаро анжуманга жаноб Гордней бошчилигида келган хорижий делегация ҳам ўша куни кенгашда иштирок этганди. Гордней ўз таржимони билан президиумда ўтирар эди. Бу синчков олимнинг назаридан ҳеч нарса четда қолмас, кўзлари диссертантнинг оғзида, қулоғи таржимонда эди...

Профессор суратга қараб беихтиёр жилмайиб қўйди. Қизиқ, ўша куни минбарга чиқиб, андак шошиб қолса бўладими! Яхшиям, устоз Айний далда бериб юборди: “Гапиринг, бўтам, гапиринг!” Иброҳим ҳушёр тортди. Автореферати ёпиб қўйиб, узоқ гапирди. Чамаси, ярим соатлик нутқининг мантиқий якуни шу бўлдики, ёш олим мўйсафид Гегель фалсафасини кафтига қўйиб, гўё икки паллага айирди: мағзи мана бу, пўчоғи мана бу!..

Профессор Мўминов ҳали-ҳали эслайди: ўшанда олқиш билан пастга тушди, қарсак билан жойига бориб ўтирди. У пастда Айний билан рўпарама-рўпара ўтирарди: ўрталарида президиум столи ва тувакдаги гул. Кўзи, хаёли Айнийда эди... Иккиси бир юртда туғилиб, бир ерда – Жилвон чўли этакларида балоғатга етишган. Иброҳим болалигида устозни кўрмаган бўлса-да, таъриф-тавсифини ота-онасидан эшитиб, асарларини завқ билан ўқиб, сеҳрига маҳлиё бўлиб юрган.

“Озод Бухоро” таҳририятида бўлган қизиқ бир воқеа устоз ва шогирдни кўринмас ришта билан боғлаб қўйди. Бир куни газета муҳаррири устоз Айнийга шофирконлик мухбирини мақтаб қолади:

– Шеърларига Жилвоний, фельетонларига Замбарак деб тахаллус қўяди.

Устоз Иброҳимнинг дастхатларига кўз солиб туради-да, кейин:

– Ҳуснихати бажо. Мулоҳазалари ҳам ёмон эмас. Танлаган тахаллуси жуда маъқул: Жилвоний! Бу – лирика... – дейди кулиб. – Замбарак! Бу – фалсафа... Шу куннинг фалсафаси. Замон нотинч, ора-сирада замбаракнинг ўқи ҳам керак!

Шундан кейин Иброҳим устоз сеҳрига тамоман боғланиб қолди: ўқиди, изланди. Сарҳадсиз фалсафа уммонига шўнғиб кетди. Мана, бугун яна устоз билан юзма-юз ўтирибди: ўрталарида президиум столи, тувакдаги гул...

Илмий кенгаш устоз Айнийнинг бир оғиз гапига маҳталдек эди. Шу бир оғиз сўз Иброҳимнинг истиқболига дарча очиб беради...

Айний мош-гуруч қошларини чимириб, жойидан турди. Замон ситамлари домлани ёшига нисбатан анча кексайтирган, елкалари хиёл туртиб чиққан, лекин кўзлари ёрқин, қарашлари қатъий эди. Устоз гапни дона-дона қилиб, гўё аруз вазнининг баҳрларига солиб, мусиқий бир оҳангда сўзларди:

– Шогирдимиз Иброҳимжон пурҳикмат бир иш қилибди. Тасаввур қиласизми, ўртоқлар, кечаги чўпон фарзанди бугун Гегель фалсафасининг мағзини бемалол чақиб ўтирса-я! – устознинг товушидан фахр ва ифтихор туйғуси ёлқинланиб турарди. – Фалсафа уфқи дунё уфқидай кенг. Интил, ўша уфққа талпин: Мирзо Бедил айтганларидай:

То фазлу ҳунарга етишмас инсон,
Унга бахт эшиги очилмас осон...

Илмий кенгашдан кейин ёш олим ҳамкасблари, тенгқурлари қуршовида қолди – олқиш, қутлов, тилак...

Сўнг устозларига эргашиб пастга – фойега тушди. Айний билан ёнма-ён бораётган жаноб Гордней ортда қолиб, уни яна табриклади, ўзини яқин тутиб:

– Менинг ёш ва навқирон ҳамкасбим. Биласизми, аждодларим сизларга азалдан хайрихоҳ бўлиб келган, – деди Иброҳимнинг қўлини маҳкам сиқиб. – Бувам қалам сотиш бўйича биринчи шартнома тузган одам.

– Эҳ-ҳа – деди Иброҳим бирдан эслаб – қаламфуруш мистер Гордней сизнинг бувангизми? Биламан, бу ҳақда ўқиганман...

Ажнабий кафтини кафтига ишқаб, Иброҳимнинг юзига ғурур билан қаради:

– Қаламфуруш эмас, буюк қалам қироли денг! – деди мақтанчоқлик билан. – Бувам сизнинг аждодларингиздай оми бир халқни саводхон ва якқалам бўлсин, деб қанча заҳмат, қанча азият чеккан. Бай-бай! Бизда ҳар қандай эзгуликнинг ўз мукофоти бўлади, ҳамкасб!

Горднейнинг бу гапи Иброҳимга таънагина эмас, аждодлари шаънига беписандлик бўлиб туюлди. Лекин ёш олим ўзини босиб, истиҳола билан тагдор қилиб сўради:

– Қалам эвазига бувангизга олтин ҳайкал тикласак рози бўласизми, мистер Гордней?

Горднейнинг юзи ва кўзи кулиб турарди:

– Ҳайкал керак эмас, ҳамкасб. Ҳақиқат юзига ёшликдан тик қарашни ўргансангиз, бизнинг ҳамиша саховат тўла қўлимиз сизларга чўзилганини... биринчи бўлиб чўзилганини билсангиз, бас. Бу бир пайт келиб ўзингизга асқотади!

– Бизда “Ҳақиқат – устозимнинг устози, у менинг ҳам устозимдир”, деган ҳикматли гап бор. Агар сиз айтган ҳақиқат чин ҳақиқат бўлса...

– Шубҳасиз, ҳамкасб.

– Афсуски...

– Хўш-хўш?

– Бувангизни менинг аждодларимга қўл чўздирган нарсани – эзгулик деса ҳам, кризис васвасаси деса ҳам бўлади...

Икки файласуфнинг суҳбатига хиёл наридан разм солиб турган устоз Айний Иброҳимнинг жавобидан ғоят завқланиб кетди. Ҳозир қўйиб берса, шогирдининг елкасига эҳтирос билан қоқиб: “Балли, бўтам!” – дейишдан қайтмасди. Лекин у шу топда ажнабий меҳмонни аяди, уни суҳбатга тортди...

Ўша куни Иброҳим меҳмонлар билан шаҳарга тушди. Тарихий обидаларни томоша қилдирди. Улуғбек расадхонаси рўпарасидаги қаҳвахонада меҳмонлар шарафига зиёфат берилди. Мистер Гордней зиёфатда Иброҳим билан ёнма-ён ўтирди, лекин на “оми халқ” ҳақида, на “буюк қалам қироли” тўғрисида ортиқ гапирди...

... Девордаги соат ўнга занг урди. Профессор альбомни ёпиб, столга қўйди. Портфелини шошиб қўлтиғига қистирди, қўл соатини йўл-йўлакай тақиб, кўчага чиқди.

II

Профессор эшигидан бошланадиган хиёбонни кесиб, тўғри йўлакка ўтди. Йўл-йўлакай академияга кириб, кейин жаноб Гордней ҳузурига боришни мўлжаллади.

Баҳор авжида. Шаҳар кета-кетгунча гулга, кўкатга бурканиб ётибди. Кўклам бокира қизлардай замину замонга кўрк солиб, сепини ёйиб келган. Профессор бундай пайтларда яёв юриб, хаёл суришни яхши кўрарди...

Ўтган баҳор айни тўш уриб келганида, турналар кўкка арғамчи солиб, қалдирғочлар қадрдон инини излаб қайтганида, профессор Иброҳим Мўминов Тошкентда йўқ эди. У бегона юртда, халқаро анжуманда эди. Ўзга юртда Ватан соғинчи уни бир ҳафтада карахт қилиб қўйди. Қадрдон шаҳрини, она-қишлоғини, ер ва гиёҳ ҳидини қўмсади. Бухоронинг машҳур Лабиҳовузи бўйидаги мўйсафид дарахт бошидаги лайлак уяси, Жилвоннинг сержило ҳусн-таровати кўз олдидан нари кетмай қўйди.

Профессор йўлда кетаётиб, бирдан ўтган йилнинг баҳорини эслаб қолди... Ҳа, ўша куни жаноб Гордней билан анжуман ўтаётган улкан бинонинг ёнгинасидаги гулзорга тушиб, узоқ суҳбатлашганди. Гап фалсафа ҳақида эмас, йўқ, бачкана бир ирим – жаноб Горднейнинг 13 рақамини ёмон кўриши, уни омадсизлик аломати, деб билиши хусусида борарди.

– Биласизми, жаноб профессор, шу рақамни сира-сира ёқтирмайман. Ҳатто кеча қилган маърузамнинг ҳам ўн учинчи саҳифаси йўқ эди. Шунга қаттиқ ирим қилганман.

– Бизда эса акси, жаноб Гордней, барча рақамларни бир кўзда кўрамиз, унақа ирим-сирим қилиб ўтирмаймиз.

Гордней бир кўзини қимтиб, профессорга айёрона қаради:

– Яширманг, жаноб профессор, сизларда ҳам омадли ва омадсиз рақамлар бор: масалан, 45 ва 9... Ғалаба рамзи. Шундай эмасми?

– Шундай, лекин биз бахт ва омадни ҳеч вақт рақамга боғламаймиз.

– Нега ундай дейсиз, жаноб профессор? – деди Гордней таажжубланиб, – кўпгина оламшумул байрамларингиз сана ва рақамлар билан боғлиқ-ку!

– Тўғри, боғлиқ, – деди профессор тан олиб, – лекин рақамлар байрамларни эмас, балки ғалабалар шарафига ўтказиладиган байрамлар рақамларни машҳур, баъзисини муқаддас қилиб қўйган. Масалан, 45. Фашизм офатидан халос бўлган инсоният учун бу рақам муқаддас кўринади. Аслида, бу илоҳий рақам эмас. Фашизм 45-йилда эмас, анча олдин тугаши ҳам мумкин эди. Унда қайси бир рақам муқаддас бўлар эди: қирқ учми, қирқ тўртми?

Мистер Гордней елкасини қисди, кейин:

– Нимага шама қилаётганингизни тушундим, жаноб профессор, – деди шошиб. – Иккинчи фронт хусусида қочирим қиляпсиз, шундай эмасми?

– Мен омади гапни айтяпман, – деди профессор истеҳзо билан кулиб.

– Сизлар бизни, “Иккинчи фронтни пайсалга солишди”, деб ҳамиша айблайсизлар – деди Гордней. – Биз ўшанда Иккинчи фронтни бошлаш учун, ҳарбийлар таъбири билан айтганда, қулай пайт пойладик. Ҳа-ҳа, шундай деб тушуниш керак!

– Тўғрироғи, “жанговар сукут” тутдик, денг? – деди профессор. – Шишани тошга урдингиз нима-ю, тошни шишага урдингиз нима, барибир эмасми? Шуниси ҳақиқатки, жаноб, пайсалга солиндими, пайт пойландими, бу “жанговор сукут” инсониятга қимматга тушди. Ижозатингиз билан бир нақлни айтишга журъат этаман.

– Марҳамат.

– Бир йўловчи рўпарасидан чиққан одамни тўхтатиб:

– Гултепа қишлоғи ҳали узоқми? – деб сўрабди.

– Ҳали анча юрасан, – дебди ҳалиги одам.

– Тахминан қачон етиб бораман?

Ҳалиги одам елкасини қисиб:

– Билмадим, – деб жавоб берибди.

Йўловчи яна йўлга тушибди. Унинг қадам ташлашига кўз солиб турган бояги одам йўловчининг ортидан товуш бериб, шундай дебди:

– Гултепага тонггача бемалол етасан, оғайни!

Йўловчи ҳайрон бўлибди:

– Шу гапни боя нега айтмадинг?

– Сенинг қанақа қадам ташлашингни кўрмагандим-да! – дебди ҳалиги одам. Шунга ўхшаб, жаноб Гордней, аввал бизнинг қадам ташлашимизни роса сукут тутиб, томоша қилдингизлар. Лекин сизлар сукутда бўлганда, ер ва одамлар тиккасига ёнди. Сизлар сукутда бўлганда, шаҳар ва қишлоқлар култепага айланди. Сизлар сукутда бўлганда, дунё тақдирига нажот излаган бир халқ тиззасигача қон кечиб, беҳад-беҳисоб жон берди. Сизлар сукутда бўлганда... Эҳ-ҳе, нималар бўлмади?! Бу дунё гўдак эмас, жаноб Гордней, унинг кўксига ҳаммаси қўрғошиндай қуйиб қўйилган!

Гордней айтмоқчи, “хосиятсиз” ўн учинчи рақамдан бошланган бу оддий мулоқотнинг бунчалик чуқур тус олиб кетиши ажнабийни бир лаҳза довдиратиб қўйди. У профессорга ён беришга ҳам, баҳсни давом эттиришга ҳам ҳайрон эди. Қуббасига олтин суви югуртирилган, калта, ялтироқ ҳассачасини қўлида айлантириб, деди:

– Уруш-уруш-да, жаноб профессор. Унинг қачон бошланиши, қачон тугаши биз файласуфларга боғлиқ эмас, у ёғи...

– Ҳарбийларга боғлиқ, денг? – деди Мўминов Горднейнинг гапини кесиб. – Елкамизда дунёнинг бир дунё қайғуси, қалбимизда оламнинг бир олам ташвиши турганда, бундай дейишга ҳаққимиз йўқ. Биз файласуфлармиз, жаноб, урушга бўлган муносабатимиз ҳам, мулоҳазамиз ҳам файласуфона бўлиши керак!

– Тўғри. Лекин уруш хусусида на файласуфнинг, на файласуфона гапнинг қурби бор. Афлотун ёки Арасту замонида уруш бўлмаган дейсизми? Бўлган. Эҳ-ҳе, юз йиллаб қирғинлар бўлган. Урушнинг халқ идрокидан, ҳатто файласуфлар идрокидан ташқари ўз қонунияти бор. Агар унинг инсонни ўз майлига соладиган қонунияти бўлмаганда эди, яккаю ягона фарзандимни ҳарбийга юбориб, йўлларида зор юрмасдим.

Икки дунёнинг икки буюк олими хорижий бу шаҳарнинг кичкинагина, тор, димиққан боғида кенг бир жаҳон мавзуида алламаҳалгача қизғин баҳслашишди...

“Мана, ўшандан бери ҳам неча йиллар ўтиб кетди, – ўйлаб борарди профессор Мўминов. – Дунё кенг, олам бепоён, лекин йўллар тор, бир кунмас бир кун одам одамга рўпара келиб қолади. Шунинг учун ҳам тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, деб тўғри айтишган... Жаноб Горднейнинг соғлиги, кайфияти ҳозир қандай экан? Уруш тугаб кетди, ўғли қайтдимикан? Яккаю ягона ўғлим, деганди...”

III

Профессор “Интурист”нинг узун, нимқоронғи йўлагига кириб, бармоғида калит айлантириб ўтирган навбатчи қиздан жаноб Горднейнинг хонасини сўради. Қиз уни бошлаб борди.

Ичкаридан бақалоқ, кўзойнаги остидан тез-тез киприк қоқиб турадиган, рангпар бир киши чиқди. У Мўминовни дарров таниди. Мулозамат билан кўришди. Жаноб Горднейнинг шогирди эканлигини, бир оз шамоллаб, кўчага чиқолмай қолганини айтиб, профессорни қўярда-қўймай ичкарига бошлади.

– Шефим ҳозиргина кўчага чиқиб кетганди. Ўтириб туринг, тез қайтади, жаноб профессор. – У столда бетартиб сочилиб ётган шахмат доналарини апил-тапил йиғиштириб, профессорга стул қўйиб берди. – Танишганимдан ғоят хурсандман! Шефим эрталаб сизга телефон қилганда, мен ёнида эдим.

– Дарвоқе, – деди профессор ҳайрон бўлиб, – Гордней жаноблари: “Биз кўпчиликмиз”, деганди...

– Ҳа, тўғри, – деди у тез-тез киприк қоқиб. – Шерикларимиз бугун эрталаб Самарқандга учиб кетишди.

Профессор бу гапдан “Гордней нега ажралиб қолди экан?” деган хаёлга борди-ю, лекин сабабини сўрамади. Бир оздан кейин сабабини ажнабийнинг ўзи айтди:

– Шефнинг юраги чатоқ, – деди маъюс тортиб, – куни валидолга қолган. Самолётда қаттиқ безовта бўлиб келди. Ҳамкасбингизнинг руҳи жуда пажмурда. Фарзанд доғи уни чўктириб қўйди...

Профессор ялт этиб унга қаради.

– Урушдаги ўғлими?

– Қаердан биласиз, жаноб профессор?

– Париждаги анжуманда ўзи гапириб берганди.

Профессор ачиниб, бошини анчагача сарак-сарак қилиб ўтирди:

– Чолга ёмон бўлибди, чолга увол бўлибди!

– Увол ҳам гапми, жаноб профессор, қорахатдан кейин шеф бир йилча телбадай бўлиб юрди. Қаерда иккита одам тўпланиб турган бўлса, мистер қўлини пахса қилиб: “Нега қаққайиб турибсизлар, урушни уриш керак, жаноблар!” деб бақирадиган бўлиб қолди...

– Марҳумлар тирикларнинг кўзини очади, дегани шу-да!

Профессорнинг бу гапини ажнабий ё эшитмади, ё мағзини чақолмади. У яна бидирлаб кетди:

– Шефимнинг ҳозир ҳам руҳи сўниқ: икки гапнинг бирида: “Ёмон яшадим, ёмон қаридим!” дейди.

– Ҳа, жаноб, ҳар бир кишининг яшаши ва курашида мукаммал бир мазмун бўлиши керак! – деди профессор ўйчан, босиқ товушда. – Нима учун яшаётганини, нима учун курашаётганини билмаганлар ёмон қарийди.

– Мукаммал мазмун, дейсиз, жаноб профессор, – деди ажнабий истеҳзо билан, – ахир, яшашимиз, курашимиз мазмуни аниқ-ку: икки дунё, икки мафкура, икки хил фалсафа... Яна қанақа мазмун керак?

– Ана холос! – деди профессор кулиб. – Гапингизга тушундим: сен рақибингнинг рақибисан – у оқ деса, сен қора де. Ана шундан курашнинг мазмуни келиб чиқади. Шундай демоқчисиз-да? Ана сизга мазмун-у, ана сизга фалсафа!

– Энди, ҳар ҳолда...

– Агар файласуф одам фақат шунигина яшаш ва кураш мазмуни деб билса, жаноб, унинг боши авлодлар таъна-маломатидан бир умр чиқмайди! Биласизми, файласуф Кант вафотидан кейин кимдир унинг қабрига: “Дунёни билиш мумкин, эй, ўжар файласуф!” деб ёзиб кетган экан...

Эшик очилиб, хонага жаноб Гордней кириб келди. Мўминов унинг истиқболига пешвоз чиқди. Гордней профессор Мўминовга кўзи тушиши билан шляпасини, қўлидаги калта, ялтироқ хассачасини бақалоқ шогирдига чаққон узатиб, унга юзланди. Профессор бу орада ажнабий меҳмонга бошдан-охир разм солиб чиқди: сочи тўкилиб, боши ялтираб қолган, кенг пешонасини чуқур ажин босган, уриб чиққан икки елкаси ориқ, новча жуссасини хиёл бучайтириб кўрсатар, чолнинг чўкиб қолгани шундоққина билиниб турарди.

– О, мен кимни кўриб турибман! – деди Гордней икки қўлини кенг ёзиб. – Йўқ-йўқ, кўзларимга сира ишонмайман. Наҳотки, бу сизсиз, жаноб профессор!

– Салом, ҳурматли ҳамкасб! – деди профессор ҳаяжон билан. – Хуш келибсиз шаҳримизга!

Икки оламнинг икки буюк олими “Интурист”нинг тор бир хонасида узоқ кўришиб, омонлашиб ўтиришди.

Профессор Мўминов Горднейга шаҳид бўлган ўғли туфайли чуқур таъзия изҳор қилгандан кейин, меҳмон ўзини сира тутолмади:

– Шунақа бўлди, жаноб профессор, ўғлим бу тор манглайимга сиғмади, – деди кўзида ёш айланиб. – Кошки жасадини кўрсайдим, кўнглимда бунча армон бўлмасди. Осмону фалакда самолётда портлаб кетган, дейишяпти! Битта синчалоғини кўриш эвазига бутун дунёмни беришга тайёрман!

Профессор Мўминов Горднейни кўп юпатди, лекин барибир фойда чиқмади. Гордней энди тин олганида, ўғлининг бирор хислатидан яна гап бошларди-да, товуши титраб кетарди:

– Бу тор манглайимга ўғлим сиғмади!...

Профессор суҳбат мавзуини бир амаллаб буриб юборди:

– Жаноб Гордней, менга янги китобингизни ваъда қилгандингиз?

– Дарвоқе, – деди Гордней шогирдига қараб, – шунча мириқиб гаплашдим, дейсан-у, жаноб профессорга китобни олиб бермабсан-да. Мана, дастхат қилиб қўйганман, марҳамат.

Профессор, китобни олиб, Горднейни қизғин табриклади. Қизил, қалин муқовали бу китоб профессорни ғоят қизиқтириб қолди. Анчагача варақлаб ўтирди. Кейин бирдан чеҳраси тундлашди, қовоғи солинди: китобнинг сўнгги бўлими жуда ғаройиб номланган эди: “Жаноблар, дунёни тўхтатинг, мен тушиб қолмоқчиман!”

– Ана холос, деди профессор таажжубга тушиб, – бу нима, сенсациями, жаноб Гордней?

– Йўқ; бу менинг сўнгги хоҳишим, идеалим... Тўғрироғи, менинг фалсафам!

– Фалсафа денг? – Мўминов китобни секин ёпиб қўйди. Рўпарасидаги деразага, пардаси очиб қўйилган ойна орқали ундан нарига – мусаффо Тошкент осмонининг олис-олис бурчига, уфқида бетартиб сузиб юрган майда, қизғиш булут увадаларига анчагача унсиз кўз қадаб ўтирди: “Тавба, “Дунёни тўхтатинг, мен тушиб қолмоқчиман”, дейди-я! Бу жанобга дунё намунча тор келиб қолмаса?”

– Гордней жаноблари – деди профессор меҳмонга юзланиб, – мени маъзур тутинг, фалсафангиз Аловиддиннинг сеҳрли чироғидай бир мўъжизага муҳтож, назаримда.

– Қайдам... Қанақа мўъжиза? Араблар йўқотган Аловиддиннинг сеҳрли чироғи ҳали сизда топилсайди?

– Ҳа, топилади, – деди профессор жиддий туриб, – сиз айтган Аловиддиннинг сеҳрли чироғи мен айтган бу мўъжиза олдида сўниқ, хира шамчироқ. Биласизми, нима у – абадий машъала!

– Абадий машъала? Қаерда у?

– Одамлар кўксида! Сиз жаноб Гордней, фалсафангизга асқотадиган мўъжизани ўшалар кўксидан қидиринг!

– Бу сизнинг фалсафангизми, жаноб профессор?

– Ҳа, бу менинг фалсафам. Зотан, одамлар орасида ёлғиз яшаш – чинакам ҳалокат!

Илму ирфон заргари

... Иброҳим Мўминов Ўзбекистонда фалсафа соҳасида биринчи фан доктори эди. Олим замонавий фалсафа илми ривожига улкан ҳисса қўшди. Тиниб-тинчимас файласуф қўл урмаган, назари тушмаган тарих қатлари қолмади ҳисоб. Фан соҳасида жуда кўп заҳматлар чекиб, ўз даври олимлари орасида фалсафа фани пешқадами бўлиб танилди. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Музаффар Хайруллаев устози ҳақида шундай дейди:

“Фанимиз арбоби И.Мўминовнинг бевосита бошчиликларида фалсафа соҳасида юзга яқин номзодлик, ўттиздан зиёд докторлик диссертациялари ёқланди. У киши академик, вице-президент, халқ ноиби, республика “Билим” жамияти раиси, “Ижтимоий фанлар” журнали муҳаррири, ўзбек Қомусининг биринчи муҳаррири, Республика ташқи ишлар доимий комиссиясининг раиси бўлишларига қарамай, қўллари ишдан, қаламлари ижоддан толмас, ҳаммага эътиборли, эшиклари барчага очиқ эди. Бу хонадонга кирган одам иши битиб, мамнун бўлиб чиқиб кетарди”.

Иброҳим Мўминов салоҳияти, ижод қамрови кенг олим эди. Бу мўътабар инсоннинг қуйидаги ижод мундарижасига бир эътибор қилинг: Форобий, Саъдий, Ибн Сино, Беруний, Али Қушчи, Бедил, Навоий, Жомий, Машраб, Наршахий, Улуғбек, Бобур, Турди, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Завқий, Ҳамза, Айний, Мужрим Обид ижодларига такрор ва такрор мурожаат этиб, бу алломалар ҳақида ажойиб рисолалар битган. Аслида мусулмон дунёсининг таниқли валийсифат пешволари бўлмиш Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Хожа Ориф Моҳитобон ар-Ревгарий, Баҳоуддин Нақшбандлар ҳақида журъатли гапни айтган ҳам Иброҳим Мўминовдир.

Академик Мўминов ажойиб нотиқ, катта билим соҳиби эди. Файласуф Венгрия, собиқ Чехословакия, Покистон, Афғонистон, Италия, Греция, Германия ва бошқа бир қанча хорижий давлатларда бўлиб, ўзбек халқининг баланд маънавият ва миллий қадриятлари, бой маданияти хусусида тўлиб-тошиб маърузалар қилган эди.

1967 йилда Иброҳим Мўминов Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи ҳақидаги йирик тадиқотлари учун Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Дунё назари тушган қадимий шаҳарлар борки, уларнинг одамлар сингари ўз таржимаи ҳоли, таваллуд топган йили бўлади. Биз кечагача, мустақилликка эришган кунимизгача оқсоқол шаҳарларимизнинг таваллуд саналарини Кремль раъйига қараб нишонлар эдик. Масалан, Бухоройи

шарифнинг қисмати шундай бўлган эди. Баъзи қадимшунос олимларнинг қатъятсизлиги оқибатида Бухоро шаҳрининг таваллуд санаси узоқ йиллар юз мақомдаги тахминлар, сохта рақамлар билан атаб келинди. Бухоронинг ёши 2200, 2300 йилдан ошиқ эмас, дейилди. Академик Мўминов “Бухоро жамоли” тарихий мақоласи билан Бухоро шаҳристонининг ёшини 2500 йилдан зиёд бўлса зиёдки, кам эмас, деган хулосага келди ва буни исботлаб берди.

Башарият олдидаги қарз

Адиб Ориф Усмоннинг тагдор бир рубойиси бор:

Русия, Русия, сенсан паҳлавон,
Аммо эсингдами, қайси бир замон,
Тўхтамишни енгиб Елец шаҳрида,
Сени халос қилган Темур Кўрагон!

Ҳақгўй руслар Амир Темурни улкан Оврупони икки марта тутқунликдан халос этган халоскор дея тан олишади. “Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди. Қадимги Русга қанчадан-қанча жабр-зулм ўтказган давлат жуда заифлашди... Бу кураш натижасида Темур Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки Рус учун жуда катга хизмат қилди! – ёзган эди академик А.Ю.Якубовский. – Анқара ёнида Темур иккинчи марта Боязид билан жанг қилди. Бу ғалаба Осиё тарихи учунгина аҳамиятли бўлиб қолмади, Темур ўзининг бу ғалабаси билан Оврупо халқларига иккинчи марта хизмат қилди”.

Халоскор Амир Темурнинг покиза номини “жаллод, босқинчи” деган ҳақорат ва таҳқирлардан халос этиш, яна тўғрироғи, халоскор Темурни бало-қазолардан халос этиш масъулияти ўшанда академик Иброҳим Мўминов зиммасига тушган эди.

“Агар сенга тақдир буюрган бирор иш келса, – дея Мўминов ичида тез-тез такрорлаб қўярди Ибн Арабшоҳдан олган ажиб бир ҳикматни, – сен мабодо ундан қочсанг, билиб қўйки, сен ўша тарафга қараб қочасан. Тақдир менга ана шу вазмин юмушни буюрган, ундан энди чекиниб бўлмас!” Айтишларича, академик Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги фикрини, мулоҳазаларини Шароф Рашидов чин дилдан табриклар ва ҳамиша уни қизғин қўллаб-қувватлар экан. Шароф Рашидовнинг рафиқаси Хурсандой ая ўз хотирасида ўзбекнинг икки буюк алломаси – Шароф Рашидов ва Иброҳим Мўминовнинг илм-фан хусусидаги муносабатларини шундай таърифлайди:

“... Айни пайтда Шароф Рашидовнинг юрагида буюк армонлари бор эди. Биз бир сафар академик Иброҳим Мўминов хонадони меҳмони эдик. Икки қуда Амир Темур буюклиги ҳақида узоқ суҳбат қурдилар. Мен Амир Темур ҳақида уларнинг қарашлари нақадар яқинлигини билиб, ҳайратланиб қулоқ тутардим.

– Амир Темур ҳақида бизнинг давримизда жим туриб, сукут тутиш гуноҳ. Бироқ нима қилиш керак? Ахир, Пётрни улар кўкларга кўтариб, кино қилишяпти, у ҳақда романлар ёзишяпти.

Иброҳим Мўминов Шароф аканинг гапини маъқуллади:

– Тўғри айтасиз. Қачонгача Искандарнинг шохи бор, деб пана-пастқамда айтиб юрамиз.

Амрингга мунтазир турганда олам,
Сен нима хаёлга асирсан, одам?!

– Мирзо Бедил ҳақ гапни айтганлар, – дея Иброҳим Мўминов суҳбатни якунлади. – Бошқа хаёлга борадиган пайт эмас...”

Иброҳим Мўминовнинг қўлма-қўл бўлиб кетган ўша машҳур “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” рисоласи ана шу икки беназир аллома қурган суҳбатларнинг тотли меваси бўлса, ажаб эмас! Яна бир ҳақиқатни айтмоқ ҳам фарз, ҳам қарз.

Юртбошимиз Ислом Каримов Соҳибқирон Темурнинг буюк шавкатини қайта тиклади. Халоскор зотнинг ҳақиқий халоскори бўлиб бобокалонимизнинг мўътабар номини тазйиқ ва ҳақоратлардан поклади. Президентимизнинг бу журъати Амир Темур жасоратидан асло кам эмас!

Маломат тошлари

Дарвоқе, ҳақиқатга йўғрилган бу тарихий рисола баъзи кимсаларнинг қитиқ патига тегди. Боз устига, Иброҳим Мўминов Темур ҳақидаги бор гапни ошкор этишда яна изчил давом этди. Ўшанда “Темур тузуклари”ни, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” солномасини кетма-кет чоп эттириб, афкор оммага тақдим этгани олимга қарши рақиблар хуружини баттар кескинлаштириб юборди. Амир Темурни қора бўёққа чаплаб, ёстиқдай-ёстиқдай китоблар битган ёзувчилар, темуршунос олимлар Иброҳим Мўминовга қарши юриш бошладилар. Бир гуруҳ олимлар эса тоза ялтоқилик йўлини тутиб, “марказ”га бош уриб бордилар. Можаронинг бир учи ўша давр назариётчиларининг сардори, КПСС Марказий Комитетининг котиби Сусловгача бориб етди. Тўрт тарафдан олим бошига маломат тошлари ёғила бошлади...

Файласуфнинг иқтидорли шогирдларидан бири профессор Ҳ.Зиёев Иброҳим Мўминовнинг муборак боши узра қора булутлар чарх урган ўша кезларни шундай хотирлайди:

“Иброҳим ака китобига қарши ҳужумлар 1968 йилдан то 1974 йилгача давом этди. Шу машаққатли йилларда Иброҳим аканинг устидан “марказ”га кўплаб имзоли ва имзосиз хатлар юборилди. Бир куни Иброҳим ака: “Ҳамидулла, ҳали сиз кўрасиз, шундай вақт келадики, Амир Темурни кўкларга кўтариб, буюк сиймо сифатида қадрлайдилар” деган эди”.

Алалхусус, Иброҳим Мўминов неча йиллар олдин қилган башорат ижобат топиб, ўша нурафшон кунлар келди.

***

... Ўшанда – 1974 йил кеч баҳорида академик Иброҳим Мўминов боши узра чарх урган ноҳакликлардан безиб, тоза дилгир бўлиб, Жилвон кенгликларига кўнгил ёзгани келган экан. Биз хом сут эмган бандалар буни қаердан ҳам билибмиз, дейсиз. Аслида дунёнинг ситами шу: ёмонга – неъмат, яхшига – кулфат берур. Тоқатлига тоғ ҳам бош эгар, дейдилар. Аллома Мўминов тоғ бардошли, мард инсон эди. Умри адолат ва ҳақиқат йўлидаги курашларда ўтди. Шулар ҳақида ўйлаганимда, устод Жилвон кенгликларида туриб айтган мунг тўла байт бот-бот қулоғим остида жаранглаб кетгандай бўлади:

Сийна лиммо-лим аламдир, малҳамдин йўқ дарак,
Янги олам, янги одам – қайтадан тузмоқ керак!

Ўшанда устод Шофиркон баҳорининг бир чимдимини ҳамқишлоқлари билан баҳам кўрди, дилидаги ғуссани хиёл аритди. Айни ёз палласида, 1974 йил 22 июлда 66 ёшида бандаликни бажо келтирди...

Жудолик

Эртасига академик Иброҳим Мўминовнинг бевақт вафоти муносабати билан маҳаллий газетада “Жудолик” марсияси босилди. Бу насрий марсия ўшанда беназир аллома тобути ортидан оқиб ўтган мотамсаро ҳассакашлар, шогирдлар, мухлислар, таниш-билишлар кўксидаги изтиробларни қисман акс эттирган бўлса, ажаб эмас.

“... Шум хабардан кечам нохуш, ғамгин ва рутубатли ўтди. Суҳбатдош истаб, Сиз севган Саъдийни варақладим. Шоир ғариб ва шикаста бўзлар эди:

Мозоримдан ўтсанг, аё покдил,
Азизлар ҳақи, бизни ҳам ёд қил.

Кечам – нохуш ва рутубатли кечди. Тонггача китоб варақладим. Ҳазрат Беруний билан гурунгда бўлдим: устоз чеҳраси сўниқ, дилхаста эди. Бедил кўзида ёш, Гегель мотамсаро эди. Ибн Сино “Тиб қонунлари”ни варақлаб, ажалга қарши нажот излар эди. Али Қушчининг икки кўзи осмонда – ерy кўкка ишонмай, юлдузингизни изларди. Сиз суйган Фурқатнинг кўкси чок, Аҳмад Калланинг боши эгик, хафақон эди...

Тенгсиз айрилиқ, оғир жудолик. Сиз туғилган қишлоқ – Тезгузар бугун азада. Сиз юрган кўчалар мотамсаро. Сиз чўмилган ариқлар тобутингиз ортидаги одамлар оқимидай вазмин. Сиз севган Жилвон тўлғоқда, “Мингчинор”нинг чинорлари бугун “қилт” этмайди – боши эгик, сукутда...” (“Шофиркон ҳақиқати”. 1974 йил 23 июль. Марсия қисқартириб босилди).

Академик, беназир аллома Иброҳим Мўминовдан келажак авлод мулкига айланиб қутлуғ дуолар ва ибратомуз савоблар қадар минг-минг сабоқлар, жуда кўп яхшиликлар қолди.

Умрнинг мазмуни эзгулик эрур,
Шу қолур ҳаётнинг сўқмоқларидан.
Яхшилик илмини ўрганмоқ зарур,
Иброҳим Мўминнинг сабоқларидан!

ПАНДНОМА

(1990-2000 йиллар)

ДУНЁНИ БОЛАЛАРГА БЕРАЙЛИК

ОЛАМ ҲИКМАТДАН ЯРАЛГАН

Ривоятлар, афсоналар, ҳикоятлар...

Уларнинг бари ҳикматдан қиём боғлаб, йиллар ва асрлар оша бизгача етиб келган. Назаримда, олам ҳикматдан яралиб, гўё ҳикматдан сайқал топаётгандай. Ҳикмат излаган ҳикмат топар бу оламда. Баъзида эса одамзод, гоҳ худ, гоҳ беҳуд, ҳикматлардан бебаҳра – ғафлатда яшайди. Ҳазрат Абулқосим Фирдавсий бу хусусда чин сўзламишлар:

Жаҳон бошдан оёқ ҳикмат-ку ҳикмат,
Нечун ғафлат бўлибдур бизга қисмат?!

Дарвоқе, ривоятлар эрмас эмас, кимки уни ихлос ила ўқиса, тушунса, мағзи ғиж-ҳиж ҳикмат!

– Мен бошқалардан кўра узоқроқни кўрар эканман, – деб айтган эди алломалардан бири, – демак, бунга сабаб шуки, мен оламни олам қилиб турган ҳикматлардан чанқоғимни босаман!

Камина фикр паҳлавонлари – улуғлар, оқиллар гурунгидан тўкилган, оғиздан-оғизга кўчиб юрган пурҳикмат ривоят ва ҳикоятларни мисқоллаб териб, жамлаб, имкон қадар уларга сайқал бериб, муҳтарам китобхонларимга тақдим этдим.

Ҳақиқатлар фасоналарда
Олис-яқин замоналарда.
Ҳароратлар, ҳайратлар бордир,
Теранликлар афсоналарда.

Ровийларким қилур ривоят –
Тарихлардан турфа ҳикоят.
Сайқалладим ҳар бир ҳикматни,
Кўнглингизга хуш келса шояд...

НУРАФШОН ЮЛДУЗЛАР ЁҒДУСИ ОСТИДА

Аёллар салтанатининг оқила муслималари

Билағон тарихнавислар таъкидича, тепамиздаги ҳудудсиз фалакнинг ёрқин шамчироқлари – Миррих ва Зуҳро юлдузлари ҳар саккиз юз йилда бир карра бир-бирига юзма-юз келармиш. Ана шу нурафшон юлдузлар учрашган ҳаяжонли лаҳзада таваллуд топган ўғлонлар дунё шоҳсупасида музаффар яловбардор бўлармиш.

Бу мўйсафид дунёда ана шундай ҳодиса уч карра такрорланган дейишади: юлдузлар ёғдуси остида фотиҳ Искандар Зулқарнайн туғилган эмиш. Орадан саккиз юз йил ўтгач, жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом таваллуд топганлар. Орадан яна саккиз юз йил ўтгач, Соҳибқирон Амир Темур дунёга келганлар.

Уч буюк зот: бири қилич билан, бири мафтункор ғояси билан, бири ҳадсиз салоҳияти билан дунёни лол қолдирган. Ана шу уч улуғ инсон қанчалик улуғ бўлмасинлар, аёллар салатанати пойига бир умр таъзим бажо этиб, ОНАлар ўтирган уйнинг остонаси хокига ҳамиша фарзандлик бурчи ила бош эгишган, қуллуқ қилишган.

Эндиги гурунгимиз ана шу ҳақда...

Фотиҳ Искандарнинг ўлими олдидан онасига битган сўнгги мактуби

– Эй, модари зорим – ОНАЖОНИМ, қачон туғилганим ёдингиздами? Бугун ўттиз уч ёшга тўлдим. Мана, кўринг. Бутун дунё оёғим остида. Қиличимдан қон томади. Бутун жонзот пойимда. Жами махлуқот менга таъзимда. Қани айтинг, буларнинг қай бири бугун жонимга ора киради? Кеч бўлса-да, шуни аниқ билдимки, онажон, ниманики ўйлаган ва хаёл қилган бўлсам, ҳаммаси хом ва ҳаммаси ҳавасга ичилган май каби бефойда экан. Аслида, онажон, эсимни таниган кундан бошлаб бағрингизда қолиб, Сизга ўғиллик қилсам бўлар экан.

Сизнинг остонангиз тупроғига айлансам-у, унинг номини шоҳлик деб атасам бўлар экан: “Сенга айлабон хоки даргоҳлик, Анинг отин этсам эди Шоҳлик!”

Жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам демишлар

– Жаннат оналар оёғи остидадур!

– Эркаклар икки қўл кучи билан уддалай ололмаган тоғдай юмушларни аёллар бир қўл билан бажарурлар. Ҳа, улар бир қўл билан бешикни, иккинчи қўл билан дунёни тебратишга қодирдирлар!

Ҳадиси шарифдан

Жаноб Пайғамбар (с.а.в.)дан сўрадилар:
– Кўпроқ кимга яхшилик қилмоқ керак?
– Онангга! – дедилар ул зот.
– Яна кимга?
– Онангга!
– Яна кимга?
– Яна онангга! Сўнг отангга! – дедилар Саввари олам.

Ривоят. Бир йигит онасини кажавага солиб, боши узра кўтариб кетаётган эди, йўлда жаноб Расулуллоҳга рўбарў келиб қолди.

– Йўл бўлсин, йигит? – сўрадилар Пайғамбар (с.а.в.).

– Онамни Маккатуллоҳга ҳажга олиб боряпман, – деди йигит. – Айтингчи, эй Тангрининг элчиси, шу ишим билан онам берган оқ сутни ва мен учун чеккан бутун заҳматларни оқлай оламанми?

Пайғамбар (с.а.в.) дедилар:

– Оқлай олурсан. Бироқ эй бандаи мўмин, онанг сен учун чеккан бир кечалик изтироб заҳматини оқлагайсан, холос.

Сўнгги уч васият

Расулуллоҳ (с.а.в.) жон узар пайтда, сўнгги уч васиятни айтишга улгурган эканлар:

– Намозни канда қилманглар!
– Бир-бирингизга меҳр-оқибатли бўлинглар!
– Аёлларни севинглар, Оналарни асранглар!

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари демишлар

– Муҳаббати чексиз ва ниҳоясиз бўлган буюк зот – ОНАларни улуғлангиз!

– Бу оламда оналарни кимга ва нимага тенг тутиш мумкин? – дея сўроқ қўйган эканлар ҳазрат Соҳибқирон фозилларнинг бир йиғинида. Сўнг ўзлари қўйган саволга ўзлари шундай жавоб берганлар: – Оналарни ҳеч кимга ва ҳеч нарсага тенг тутиб бўлмайди. Сабабки, ОНАлар Тангри даражасидаги муқаддас зот: улар – яратгувчи: улар – кашф этгувчидирлар!

...Фалакнинг икки шамчироғи – Миррих ва Зуҳро юлдузлари бир-бирига рўбарў келган ҳаяжонли чоғда, ҳар саккиз юз йилда Искандар Зулқарнайндай, Саввари олам – Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдай, Соҳибқирон Амир Темурдай буюк зотлар дунёга келгани ҳақиқат. Дунё тан олган яна бир ҳақиқат бор: шу буюклар юлдузлар ёғдуси остида осмондан

тушмаган, йўқ, уларни ҳам дунёга ОНАЛАР берган, ана шу улуғларни ҳам ОНАЛАР кашф этган!

Тангрининг энг олий неъмати – Лайлатул Қадрдай қадрли бўлмиш аёллар салтанатининг доно ва оқила муслималари – ОНАЛАРга шон-шарафлар бўлсин!

ЮРТ ҲАВОСИ

Шайх Абдул Ҳамиднинг умри бир ҳисобда саёҳатда ўтган. Юртма-юрт кезган одамга масофа чўт эмас: мамлакатдан-мамлакатга ўтиб, ҳар бир янги юртга қадам босганида шайхнинг рухсоригина эмас, қалби, бутун вужуди ҳам ёришиб кетар эди. Қай бир мамлакатга қадам ранжида этса, у ўша юртнинг тилида сўзлар, биринчи галда учратган одамини узоқ дуо қиларди:

– Юртингдан гул ҳиди, кўнглингдан иймон нури, умрингдан баракаи нек ҳеч қачон аримасин!

Шайх жанобларининг танглайини энагаси гул билан кўтарган чоғи, у – ашаддий гулпараст эди. Хушфеъл бир алпоздаги суҳбати албатта гул билан бошланиб, гул билан тугарди.

Шайх ўзга юртлардан саралanган, ранг-баранг гул уруғи излар, учратган одамидан гул тухуми сўрар, ўрнига ўз қишлоғидан олиб борган уруғдан бир ҳовучгина бериб уни тезроқ экишга ундар эди.

– Гул экинг, жумлаи жаҳонни гулга ўранг. Сиздан гулу гулзор қолсин, азизларим!

Шайх қишлоғида, юртидаги масжиду мадрасалар супасида хилма-хил гулзорлар бунёд этган эди. Ҳовлисининг шундоққина орқасидаги тепаликда тўқсон тўққиз хил гул навидан “Аллоҳ – қалбимизда” дея битилган чўғдай ёниқ анвойи гуллар ўстирган эдики, уни кўрган одамнинг ақли лол қоларди...

Беайб Парвардигор деганларидай, шундай иймон-эътиқодли шайхдай эҳтиётсизлик оқибатида андак қусур – хатолик ўтди. Ҳа-ҳа, шайх буни густоҳлик деб атади: ўзга юртдан харид қилиб қайтган гул тухуми халтачаси ичидан бир жуфт чумоли чиқса бўладими! Ё алҳазар! Буни кўриб шайхнинг капалаги учиб кетди:

– Сенларни ватангадо қилиб қўйибман-ку, – дея ич-ичидан кўп ачинди, тоза куйинди у. – Билиб-билмай юртгадо қилиб қўйибман-ку, сен азизларни. Ҳеч бир жонзот ўз еридан айри тушмасин, юртнинг ҳавоси – барчага тўтиё. Энди бу гуноҳи азимнинг зарбини қандоқ кўтарамен?! Ҳазрат Деҳлавий чин сўзламишлар:

Агар чумолини фил эзғиласа,
Товонин филбондан сўрамоқ даркор...

“Густоҳлик мендан ўтди, мендан ўтди!...

Шайх Абдул Ҳамид чумолиларни тезроқ ўз ватанига қайтариш тараддудига тушиб қолди.

– Чекингга тушса, чекчайма. Юртгадо бу чумолиларни ўз маконига жўнатмасам бўлмас, – дея изтироб ичра ўйларди шайх. – Бисёр уволга қолурмен. Ҳеч бир жонзот ўз юрти ҳавосидан бебаҳра қолмасин. Биламен, узоқ юрт, йўл азоби – гўр азоби, демишлар. Ёшим ҳам ўтиб қолди. Бориб келишимга умрим вафо қиладими-йўқми, билмайман...”

Бундан қарийб минг йилча олдин айтилган ушбу ажиб ривоятда чумолилар ким орқали ўз юртига жўнатилгани, минг афсуски, аниқ эмас: уларни шайхнинг ўзи элтганми ёки бирор шогирдпешаси олиб борганми, буёғи энди фақат Тангрига аён...

СИНОВ

Қадим замонда айтар ҳар бир сўзи ҳикматга мойил, диёнатли бир подшоҳ ўтган. Унинг ақл-идрокли икки ўғли бўлиб, бири Йўлдош, бири Қўлдош экан. Ота иккала ўғлини ҳам меҳр билан севар, “Булар менинг кўз қароғларим” деб айтар экан.

Подшоҳ кексайган сайин мамлакат, тахт қисмати уни чуқур ташвишга солиб қўйибди. Кун ва тун шу ҳақда хаёл сураркан: “Қай бир ўғлимни тахтга ворис қилиб тайинласам, адолатли иш қилган бўламен?”

Аркони давлат ила ўтказилган не-не машваратлар ҳам бу муаммо ечимини тополмай, қайроқи тугунлигича қолиб кетаверибди: маслаҳатчиларнинг бири тахтга Йўлдош муносиб деса, иккинчиси валиаҳдлик Қўлдошга насиб этгани маъқул дермиш.

Хуллас, подшоҳ тахт ворисини танлашда ўйлай-ўйлай пинҳона бир йўл топиб: “Қай бир ўғлим синовдан ўтса, – дея қатъий қарорга келибди ҳукмдор, – келажакда ўша валиаҳд бўлади, гап тамом – вассалом!”

Мамлакат чегарасида содир этилган ногаҳоний босқинни ўта машаққат ила бартараф этиб, қон кечиб, силласи қуриб қайтаётган ўғилларига пешвоз чиққан подшоҳ уларни тунд бир кайфиятда кутиб олиб, ҳе йўқ-бе йўқ, сарой чеккасидаги ҳужрага қамаб қўйибди. Сўнг сарой ҳовлисида ўйноқлаб юрган беш-олти болани шаҳзодалар ўтирган хонага киритиб юборибди. Ўзи нарвонга чиқиб, уй туйнугидан пойлабди. Муддао: ота фарзандларининг толиқиб, асаби қўзиб – жўшиб турганида ўзини қандай тутиши, болаларга қай тахлит муомала қилишини синовдан ўтказиш эди.

Подшоҳ туйнукдан узоқ кузатибди. Йўлдош чуғурлашиб кирган болаларни аччиғига эрк бериб жеркибди, хонадан ҳайдаб чиқармоққа чоғланибди.

– Бир ками сен жужуқлар эдинг. Қани, дарров жўнаб қолинглар бу ердан!

Қўлдош эса болаларни қўллаб, хонада тутиб қолибди, уларни бир-бир қучиб, манглайларидан ўпибди, уларни узоқ гапга солибди. Қўлдош болалар билан овуниб, дадасининг жаҳлдан тезроқ тушишини умидвор кутибди.

Ота ўғилларидан айнан худди шу хислатни – сабр-бардошли бўлишни, болаларга ҳамиша меҳр-шафқат ва мурувват кўрсатишни кутган эди...

Шундай қилиб, подшоҳ эртасига аркони давлат олдида Қўлдошни валиаҳд деб эълон қилибди. Ва сўзининг охирида тантанавор суратда қўшиб қўйибди:

– Бир кунга бўлса-да, дунёни болаларга берайлик! Сарвари олам – жаноб Пайғамбаримиз болаларни жаннат чечаклари, беҳишт райҳонлари деб атаганлар. Бу чечакларни севмаган, бу райҳонларни севолмаган шаҳзода давлатни бошқаришга қодир эмас!

ОДАМ МАНЗАРАЛАРИ

Эзгу уруғ эксанг – эзгулик унар.

Юсуф Хос Ҳожиб

Дунёни гўзаллик асрайди. Ожиз бўлиб яшашни истамасанг, суратингни гўзал, сийратингни чиройли тут. Ана шунда ҳаётинг ҳамиша нурафшон бўлади.

– Феъл-атворингдаги бу ожизлик ила худоки бўлолмассан, – демишлар ҳазрат Бедил, – ҳеч бўлмаганда одам бўлгин!

Унутма, ўғлон, одамийлик хислати – суврат поклиги, сийрат латофати, аввало, саломдан бошланади. Салом – инсон учун саломатлик йўлидир. Сен салом берсанг-у, ул кимса алик олса, билгилки, ўрталарингда саломатлик пойдевори тикланади. Боз устига, алик олувчи ҳам саломатлик топади, кайфияти хушвақт бўлади, чеҳраси кун бўйи гул-гул очилиб юради.

Одам манзаралари жабҳасида, хусусан одамийликка дахлдор хислатлар ҳақида алломалар султони Юсуф Хос Ҳожиб ҳазратлари бутун олам аҳлига татигулик қилиб панд-насиҳат айтиб кетганлар. Буюк зот демишларки: улуғлар улуғлигим қўлдан кетмасин десалар, кичикларга олдин салом берсинлар! Кичиклар кичиклардир – улар катталардан ҳамиша умидвордирлар!

Билгилки, ўғлон, гар катталар билан кичиклар ўртасидаги ана шу ақида бузилмаса, дунё ёруғ ва чароғон бўлади. Салом – Тангри олдидаги қарз. Бу қарзни узлуксиз узиб турганинг яхши. Ана шунда юзинг ҳам, қалбинг ҳам осуда бўлади. Бу хислатинг фаришталар хислатига тенг туради!

Инсон манзараси турфа экан, боқ,
Келурлар, кетурлар, билолмай қаёқ,
Имонинг бут бўлсин, руҳинг саломат,
Эзгулик оламда ягона маёқ.

НИДО

Гужум болта дастасидан нолиб, фалакка нола қилди:

– Вой, жоним, бунчалар азобга қолмасам. Шафқатсиз болта дастидан дод!

Шунда фалак қаъридан нидо қайтди:

– Нега бунчалар нолийсан? Қарагин, сени чопаётган болта дастаси ўзингдан-ку!

Дарвоқе, болта сопи ўз танасидан, бегона эмас эди...

Ўздан чиққан балога,
Қайга борай давога.
Олам ҳайрон то ҳануз,
Шу азалий нидога.

БИР СОАТЛИК АДОЛАТ

Нилий осмон остида одил бир подшоҳ яшар эди. Кўп умри мамлакатда адолат ўрнатиш ташвиши билан ўтарди. Фуқароларига қарата айтадиган ҳар икки гапининг бирида: “Савоб ишни ҳар куни қилинглар, адолатпеша бўлинглар!” дея фатво бергувчи эди.

Кунлардан бир куни шу подшоҳ ҳаж сафарига отланиб қолди. Бундан воқиф бўлган фуқаро норози бўлиб, шоҳ йўлига кўндаланг чиқди:

– Олампаноҳ, мамлакатни бегоналар илкига топшириб кетасизми? Яшнаб турган шундай чаманистонни ўзгалар ихтиёрига қолдирсангиз, қайтиб келгунингизча мамлакат хароб бўлади. Бу раъйингиздан қайтинг, шаҳаншоҳ!

Подшоҳ сусайди. Отдан тушди. Тўпланган фуқародан изн сўраб, сарой аъёнларига қарата шундай деди:

– Камина аллақачондан бери ҳожилар қаторида бўлмоқни истаб юрибмен. Бу – ҳукмдорнинг тилаги. Бу тилакдан мени ҳеч ким қайтаролмайди. Бироқ тилагимни халойиқ тилагидан устун қўёлмасмен. Бунга ҳаққим ҳам йўқ. Лекин раъйимдан ҳам қайтмасмен. Ахир мен ҳам қиёмат кунида ҳожилар қаторида бўлмоғим керак.

Бу муаммо тугунини ечмоқ осон кечмади. Ҳамма гангиб қолди. Халойиқ орасидан мункиллаган бир чол чиқиб, шоҳнинг мушкулини осон қилди.

– Ҳожилар қаторида бўлмоғингиз имкони бор, давлатпаноҳ. Яқинда сафардан қайтган бирор ҳожининг ҳаж савобини сотиб оласиз, вассалом!

Подшоҳ кўнди. Вазири аъзам бу ҳақда мамлакатда жар солди. Йигирма марта ҳажга бориб келган бир художўй ҳожини топиб, саройга бошлаб келдилар. Олампаноҳ, бир марталик ҳаж савобини беришини сўраб, унга илтижо қилди:

– Тила тилагингни, эй бандаи мўмин. Ўн минг тилло сен азиз инсонга садақа бўлсин. Сўровим шуки, тилагимни рад қилма: бир ҳожилик савобини каминага сотгин.

Ҳожи ўта диёнатли инсон эди, тахт соҳиби пойига таъзим этиб:

– Эй, шаҳаншоҳ, тилло дегани нимаси?! Бир ҳаж на бўлгай? Йигирма ҳажнинг савобини сизга бағишлагумдир. Сиз менга фақат бир соатлик қилган адолатли ишингизнинг савобини берсангиз бас!

Алалхусус, мухтасар гап шуки, ҳукмдорнинг бир соатлик адолати йигирма ҳажнинг савобига тенг экан:

На зийнат, на зебу на молу дунё,
На-да салтанату на тахти тожи.
Покдомон бўлсанг гар қўллайди Оллоҳ,
Магар одил эсанг – ҳожисан, ҳожи!

КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАР...

Уни маҳаллада беозоргина қилиб “Ўғригина бола” дейишарди. Ўғриликни майда “хасдуз”ликдан бошлади. Аста-секин улғайиб, кўзи пишиб, тезда етти маҳаллага танилди. Одамлар ундан безиллаб қолди. Очиқ эшикларга қайта қулф тушди. Гузар ва маҳалла қўриқчилари, миршаблари ҳушёр тортиб қолди...

Ривоятларда айтилганидай, кунлардан бир кун “ўғригина бола” амир хазинасини ўмараётганида қўлга тушди. Қози уни осишга ҳукм қилди. Бандини дор остига олиб келишди. Ўлими олдидан адолат қилиб: “Тила тилагингни” дейишди. Тилаги – онасини сўнгги бор кўрмоқ эди.

Ўғри дор остида туриб халойиқ орасидан онасини излади. Шўрлик она бир чеккада мунғайиб, бўзлаб турарди. Ўғил одамлар сафини шиддат билан ёриб ўтиб, онасининг бағрига отилди. Маҳкам қучди, кейин барча эшитадиган қилиб, шундай деди:

– Онажон, менга суйиб-суйиб алла айтган тилингизни бир чиқаринг. Илтимос, ўлимим олдидан сўнгги бор тилингиздан ҳузур қилиб бир ўпай!

Она зор-зор йиғлаб, боласини қучди, ўпди ва тилини чиқариб унга тутди. Ўғил онасининг тилини аввал ўпди, кейин ... шартта тишлаб, узиб олди-да, ерга тупуриб ташлади!

Сўнг дорга қараб юрди. Она чинқириб, ўз қонига беланиб қолди.

Бу даҳшатли воқеани кузатиб турган халойиқ жунбушга келди. Барчанинг жигар-бағри зирқираб кетди. Жаллод гарчандки жаллод бўлса-да, унинг ҳам юраги эзилиб кетди.

– Нега бундай қилдинг, қотил?! Билиб қўй, энди икки карра ўлимга лойиқсан!

– Мени дор тагига бошлаб келган онамнинг мана шу тили эди!

Жаллод сесканиб кетди.

– Даъвоингни асосла, эй ноқобил фарзанд!

– Асослайман, эшитинг. Дастлаб қўшнимнинг катагидан иккита тухум ўғирлаб чиқдим. Онам қовуриб, ёз-ёзи қилди – бирини ўзи еб, иккинчисини менга берди. Эртасига товуққа қўл урдим. Онам товуқ патларини юлиб, мени

мақтай-мақтай ўлжани қозонга солди. Ва шу тариқа, тез кунда там-там ўғри бўлиб танилдим. Менга ҳеч ким бас келолмай қолди. Кейин амир хазинасига тушдим. Кўзим дор тагида очилди. Кўза кунда эмас, кунида синишини энди билдим.

– Тўғри, кунида синади. Лекин куракда турмас бу гапларинг билан ўзингни оқлаёлмайсан. Икки карра ўлимга лойиқсан!

– Лойиқман, – деди "ўғригина бола", – икки каррасига ҳам, уч каррасига ҳам лойиқман. Бироқ сиз ҳам бир ҳақиқатга иқрор бўлинг-да. Фарзандни яхшилик ва ёмонликдан огоҳ этувчи – ота-она. Шундайми? Мен отасиз ўсганман. Агар онам иккита тухумни чақиб, қозонга солишдан олдин ёки товуқ патларини юлишдан аввал қулоқларимни мана бундай қилиб... мана бундай қилиб чўзганида, рағбатимни бунчалар оширмаганида, эҳтимол бу қора кунлар бошимга тушмасди. Зиндонда бир ҳамхонам бор эди. Билағон одам эди, раҳматли. Уни кеча қатл эттирдингиз. У ибратли бир ривоят айтган эди. Сира ёдимдан кўтарилмайди. Ўлимим олдидан "тила тилагингни" дединг из. Рухсат этсангиз, халойиққа шу ҳикоятни айтиб берсам.

Жаллод розилик берди.

– Ўғрилик йўлига кирган мендай ноқобил бир фарзанд дастурхон бошида овқатга қўл чўзганида, онаси унинг билагидан маҳкам тутиб:

– Тўхта, болам, овқатга қўл чўзмай тур, – дебди. – сезиб юрибман, шу кунларда феълинг айниган. Яхшиси, сен бугундан бошлаб чап қўлинг билан овқат ейишни машқ қил. Негаки, ўғрилик билан қўлга тушсанг, аввало ўнг қўлингни кесишади. Кейин бўйнингга сиртмоқ солишади. Ё бу ёмон йўлингдан қайт, ё ўзингни бу кўргуликка мосла, болам...

– Ибратли ҳикоят экан, – деди жаллод. – Онасининг огоҳ ўгитидан кейин бола ибрат олибдими, ишқилиб?!

– Олибди. Онасига сидқидил қасамёд қилиб, ёмон йўлдан қайтибди.

– Сенга эса энди кеч... Жуда кеч бўлди, "ўғригина бола"!

– Биламан кечлигини...

– Билсанг, нега айтдинг бу ривоятни?

– Ўзгалар бу ибратдан бебаҳра қолмасин, мендай кечикиб юрмасин, дея айтдим. Бу ғаддор дунёнинг яхшилик ва ёмонлигидан кимдир огоҳ этишини кутиб юрган мендай ноқобил, чала думбул тенгқурларим озми юртимизда, тақсир?!

– Маъқул гап. Сен ҳақсан, бироқ қанча фалсафабозлик қилма, энди бефойда. Икки карра ўлимга лойиқсан!

Жаллод "ўғригина бола" билан ортиқ пачакилашиб ўтирмай, уни дорга тортди. Халойиқ яна жунбушга келди, барча ингираб юборди. Тилсиз қолган, ҳолдан кетган, ҳушдан ажраган онаизор эса дор сари эмаклаб судралиб, талпиниб келар эди.

Эй, сен, сўник, муздек тафаккур,
Эй, сен, хаёл – бедор ҳам мудроқ.
Боши тошга текканга қара,
Бу безабон пажмурдага боқ...

ТУЗ ҲАҚИ

Шоҳ ғазнасига ўғри тушди. Тирқишлардан тушаётган ой нури ғазна саҳнидаги қуйма олтин, тилло танга, зебу зийнат ва кумуш буюмларни камалакдек сеҳрли ўйнатар, ҳар қандай тўқ кўзни ҳам жовдиратиб, беихтиёр ўғрилик қилишга ундар эди.

Ўғри ичкарига кириб, довдираб қолди, эс-ҳушини йўқотди. Андак фурсат ўтмай ўзига келди, ғазнадаги қимматбаҳо буюмлардан кўтариб билганича ўмаришга жазм қилди. Бироқ... Оёғи остида нур таратиб турган нарсага кўзи тушди. Олмос деганлари шу бўлса керак, деб тусмоллади. Кейин уни қўлига олиб, сийпалади, тирқишдан тушаётган нурга тутди, ҳидлади, ҳатто тишлаб ҳам кўрди, ялтироқ нарса тиллари орасида тезда эриб кетди. Таъмидан туз бўлаги эканлигини аниқ сезди, оғзида эриган шўр сувни – намакобни беихтиёр ютиб юборди. Сўнг кафтида қолган бўлагини отиб юборди...

Ўғри тилло буюмларга энди қўл чўзган эди, бирдан хаёлига отасининг насиҳати тушиб, қўлини тортди: “Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер” дегувчи эдилар падари бузрукворим. Ахир, давлатпаноҳ ғазнасида ҳозиргина туз татидим-ку. Туз ичган жойда ўғрилик қилсам, бу – кўрнамаклик бўлмайдими, эй ноқобил инсон?!”

Ўғри ғазнага қандай кирган бўлса, туз ичган жойидан ҳам ўша алпозда – қуп-қуруқ чиқиб кетди...

Эрта тонгда сарой аъёнлари ўғриликдан воқиф бўлишди. Ғазначи билан вазир ўғри баҳонасида ғазнани роса ўмариб, кейин бу шум хабарни шоҳга ошириб-тошириб етказишди. Шоҳ дарғазаб бўлиб, ўша заҳоти мамлакатга жар солдирди:

– Эшитмадим деманглар, эшитганлар жилманглар. Ўтган мудҳиш тунда ғазнага ўғри тушди. Қимматбаҳо бойликлар ўмариб кетилди. Адолатпарвар шоҳимиз дорулсалтанат ҳудудидаги барча ўғрию қароқчиларга қарата фармони олийшон берурларким, кимки ўғирланган бойликларни ғазна эшигига ўз ихтиёри ила келтириб тўкса, гуноҳига иқрор бўлса, илло-билло, ул ғофил банда халойиқ олдида авф этилур. Эшитмадим деманглар, эшитганлар жилманглар-рр...

Шоҳ фармонидан хабар топган ўғри ҳуши бошидан учиб, дилтанг бўлиб, уйга сиғмай қолди: “Ғазнага кирган битта ўғри мен бўлсам, – дея таажжубда қолиб ўйларди у, – ўғрилар иштиёқи ва рафторига хиёнат қилиб, хазинанинг бир дона қора тангасига ҳам қўл урмай, икки қўлимни бурнимга тиқиб, қуп-қуруқ чиқиб кетган бўлсам... Ё мендан кейин ғазнани ўғри босдими?”

Ўғри дарҳол саройга бош солиб келди. Авф сўраб, шоҳга илтижо қилди, гуноҳига иқрор бўлди, туз воқеаси билан боғлиқ тафсилотни бўзлаб-бўзлаб айтиб берди:

– Тақдирнинг жин кўчаси мен нотавон бандани қутлуғ даргоҳингизга бошлаб келди. Эгилган бошни қилич кесмас. Ғазнадан муборак оёғингиз остига тўкадиган ҳеч нарса олмаганман, ишонинг, олампаноҳ. Бўғзимда тузингиз юқи турса, қай виждон ила мулкингизга тажовуз қиламен?! Бир кун

туз ичган жойга қирқ кун салом бер, деганлар падари бузрукворим. Туз ҳақи, нон ҳақи, ишонинг, чин сўзлаётирман, давлатпаноҳ!

Шоҳ сарой акобирлари билан ўғрилик содир этилган ғазнага кирди. Чиндан ҳам, ўғри қадами теккан жойда туз ушоқлари бетартиб сочилиб, олмосдай нур таратарди. Шоҳ хатосига иқрор бўлиб келган ўғрининг гаплари чинлигига ишонди.

– Яхши, – деди шоҳ, – айтган гапларинг чин ҳам дейлик. Ўғри бўла туриб тўғрининг ишини қилибсан, тузим ҳақига хиёнат қилмай, ғазнадан қуруқ чиқибсан. Демак, ўта инсофли ўғри экансан. Айт-чи, унда хазинани ким ўмарган?

– Ана шунисига ақлим етмай доғдаман-да, олампаноҳ!

– Ғазначи билан вазирнинг айтишича, хазинадан икки хуржун бойлик ўғирланган. Қуйма олтинлар, тилло ва кумуш тангалар, беҳисоб зебу зийнатлар... Бу ҳазилакам нарса эмас: бемалол икки эшакка юк бўлади!

– Шундай, олампаноҳ, тўғри айтдингиз, нақ икки эшакка юк бўлади.

– Сен бўлсанг, ғазнага бир ўзинг киргансан. Шундайми?

– Шундай, олампаноҳ, бир ўзим кирганман, бир ўзим чиққанман.

– Балли. Бир ўзинг киргансан, бир ўзинг чиққансан. Бу ерда икки эшак юк ҳақида гап кетяпти, – деди шоҳ олазарак бўлиб турган вазир билан ғазначига узоқ қадалиб – Жаллод, бу икки хумсанинг юкини андак енгиллатиб, бошини танасидан жудо қил!

Шундай қилиб, ғазнадан ўғирланган “икки эшакка юк бўлгувчи” икки хуржун бойлик ғазначи билан вазирнинг ертўласидан топилибди. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бергувчи жайдари ўғри эса шоҳ фармони билан ғазначи этиб тайинланибди.

Нафс – балои жон, нафс – бир офат,
Икки дунёнгни-да этади абгор.
Инсон туз ҳақига қилса хиёнат,
Қиёмат ўшадир зинҳор-базинҳор.

ДЎСТЛИК

Ёмон қўшни – жон қозиғи деганлар. Суярбой ана шунақа “жон қозиқ”лар дастидан чаманистондай қишлоғини ташлаб, чўлу биёбонга кўчиб кетди. Йиллар ўтиб, янги ҳовли-жой қурди, данғиллама қасрлар тиклади, яна беҳисоб мол-давлатга эришиб, “Аввалгиларга ўхшамас” деган ширин-шакар қўшиғини хиргойи қилиб яшайверди.

Бир куни тонгда Суярбой ташқари чиқса, замину замонни оппоқ қор қоплабди. Бундоқ разм солиб қараса, дарвоза остонасида уч жуфт улкан из қолган. Из соҳиблари негадир орқага қайтиб кетишган. Бой хижолат бўлди: “Ҳовлига нега кирмай кетишибди?”

Суярбой излар ортидан тушди. Тепаликда уч нотаниш кимса қизғин баҳслашиб туришарди. Бой салом бериб, ўзини танитди. Уйга таклиф қилди.

Ўз навбатида, уч нотаниш ҳам исми шарифларини айтиб, ўзларини танитишди: бири – Дўстлик, бири – Тинчлик, бири – Бойлик экан.

– Дарвозангдан қайтдик, бой – деди улар Сурябойга. – Мана, танишиб ҳам олдик. Эй, азиз инсон, энди тила тилагингни: қай биримизни истасанг, ўшамиз сенга меҳмон бўламиз.

– Дарвозам очиқ, марҳамат, – дея илтифот кўрсатди бой, – ҳаммангиз сиғасиз. Марҳамат!

– Эй, азиз инсон, илтифотинг учун минг қуллуқ. Бироқ сенда биттамизни таклиф қилиш имкони бор. Тила тилагингни.

Суярбой ҳайрон бўлиб, чуқур ўйга толди: “Қай бирини таклиф этсам экан? Бири ўзини Дўстлик, бири – Тинчлик, бири – Бойлик деб атади. Булардан қай бирини танласам, тўғри иш қилган бўламан? Бойликни танласам, уйимда бойлигим беҳисоб; Тинчликми десам, ҳозирча хонадоним ҳам тинч-омон. Бироқ дўст зотидан куйганман, кел, яхшиси, Дўстликни таклиф қила қолай”.

Суярбой Дўстликка илтифот кўрсатиб, уни йўлга бошлаган эди, унинг ортидан Тинчлик билан Бойлик ҳам эргашиб келаверишди. Суярбой ҳайрон бўлиб турган эди, Дўстликнинг ортидан эргашиб келаётганлар унга изоҳ беришди:

– Эй, азиз инсон, кўп ҳайрон бўлма. Биродаримиз Дўстлик қаерда бўлса, биз ҳам ўша ерда ҳозиру нозирмиз. Сен йўлни тўғри танладинг!

Суярбой қўш табақали дарвозасини кенг очиб, уларни ҳовлисига бошлаб кирди...

ХУДОЖЎЙ ОДАМ

Умар ибн ал-Хаттоб икки олам сарвари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқин саҳобаларидан эди. У ўн йиллик халифалик даврида мусулмон оламининг Амир ал-мўъминин деган олий нуфузга эришган.

Халифа бир куни яйловга чиқди. Адирда ибн Мулжум деган бир одамга дуч келди. Ибн Мулжум яйловда беҳад-беҳисоб қўй подасини боқар эди. Халифа отдан тушиб, ўзини танитмай, у билан омонлашди, уни гапга солди:

– Қўйларингга кўз тегмасин, бари семиз, дуркун экан. Ҳавасим келди. Бирини менга сота қол. Майли, баҳосини ўзинг айт, қанча сўрасанг, бераман.

– Йўқ, сотмайман, сотолмайман, тақсир, – деди чўпон нотаниш одамнинг қистовидан хит бўлиб. – Поданинг эгаси бор. Мен бир чўпон, эгамнинг қулиман. Ишонинг, илло-билло, сотишга ҳаққим йўқ.

Халифа бу содда, тўпори чўпонни аврашда давом этди:

– Қизиқсан, катта пода ичида бир бош қўйни сотганингни эганг билиб турибдими? Битта қўйни бўри еди десанг, қутуласан кетасан.

– Боринғки, тақсир, сизнинг раъйингизга кириб, эгамга шундай ҳам дедим. Хўжайиним алдаганимни билмаслиги мумкин. Аминманки, билмайди ҳам. Бироқ, – деди бош бармоғини осмонга ниқаб, – тепамда Худо бор. Баридан воқиф бўлиб турибди-ку. Тангрини қандай қилиб алдайман, тақсир?

Шунда халифа Умар художўй бу одамнинг сидқидил садоқатига қойил қолиб, эгасидан уни сотиб олди-да... ўзи билан эргаштириб олиб кетди...

Кўнглингга қулоқ сол, тинглагил бир дам,
Кезиб чиқ қалбингнинг чуқур қаърини.
Ўзингни-ку мудом аврайсан, одам,
Алдаб бўлармикан, ахир, Тангрини?!

ЗАМИНГА САЖДА

Оламни тутиб турган тўрт унсур бор: Ер, Сув, Ҳаво, Олов. Оловдан бўлак унсурда – осмондами, сувдами яшаса ҳам бўлади. Инсон барига қодир. Бироқ Ерда яшашга не етсин!

Заминни қадрламоқ, унинг ҳатто чанг ва гардини кўзга тўтиё – сурмаи Сулаймон қилмоқ жоиз.

Буюк Америкони кашф этган Колумб саёҳатининг олтмиш тўққизинчи куни ҳудудсиз сув салтанатидан кечиб, ерга илк қадам қўяди. У бу ҳаяжонли лаҳзадан шундай суюнадики, заминга мук тушиб, манглайини, кўксини қайноқ тупроққа босади, ерни ўпади, кейин Тангрига, Заминга илтижо қилиб, шукроналар айтади:

– Ҳамиша сенга сиғингумдир, эй, она-Замин!

АРҚОН

Икки дугона узоқ чақчақлашиб ўтиришди.

– Агар айбга йўймасанг, – деди бири иккинчисига, – битта саволимга рўйирост жавоб бер.

– Марҳамат.

– Ўз жонига қасд қилган одамни кўрганмисан?

– Йўқ, кўрмаганман. Бироқ жабрдийда бир аёлнинг шу ҳақдаги мақоласини газетада ўқиган эдим.

– Қандай, таъсирлими?

– Гапни қизиқ бир ривоятдан бошлаган.

– Илтимос, ўша ривоятни айтиб бер.

– Майли. Ёмонлардан безган, ҳаётдан зада бўлган бир чўри қиз ўзини осмоқчи бўлиб, арқон харид қилгани дўконга киради.

– Арқонни нима қиласан, эй нодон қиз? – дея сўрайди дўкондор.

– Ўзимни осмоқчиман, – дейди қиз. – Тўйдим бу дунё ситамларидан!

– Гапинг чин бўлса, дунёда битта бахтиқаро камаяркан-да!? – дебди дўкондорнинг кўнгли бузилиб, кўзида ёш айланибди. – Унда сенга туя жунидан тўқилган бақувват арқон керак-да!

– Шундай, соҳиб, – дебди чўри қиз, – бақувват арқон керак.

Қиз арқонни олиб, тўғри ўрмонга йўл олибди. Букри бир дарахтнинг шохини чўтлаб, унга арқон ташлабди ва ... ўзини осибди!

– Ўзини осибди? – дебди дугонаси хаприқиб. – Бечора қиз!

– Қиз бўйнига арқон солиб, оёғи тагидаги кундани нари туртиб юборган экан, ё алҳазар, арқон бирдан... узилиб кетибди!

Айтувчининг ҳам, тингловчининг ҳам шодликдан кўзлари порлаб кетибди:

– Хайрият, омон қолибди!

Қиз ётган жойида шохга ярим илиниб қолган арқонга қараб, дўкондор соҳибни роса қарғабди, обидийда қилибди. Шу пайт бошига бир чўпон йигит келиб қолибди. Кейин тақдири шу йигит билан боғланиб, бахтли-саодатли бўлиб кетишибди. Бир куни ўғилчасини кўтариб, эри билан шаҳар тушганида, арқон сотган ўша дўкондорга учрашибди.

– Мени танидингизми, соҳиб? – сўрабди жувон.

– Йўқ, танимадим, – дебди дўкондор.

– Ўзимни осмоқчи бўлиб сиздан арқон сотиб олган эдим. Эсладингизми, соҳиб?

– Арқон узилиб кетдими? – кулибди соҳиб. – Бахтингга куя урган арқон тушибди-да, қизим!

Эр-хотин соҳибга қимматбаҳо сарполар ҳадя қилишибди...

– Яхши, – дебди тингловчи қиз ривоятдан қониқиш ҳосил қилиб, тили бийрон дугонасининг елкасидан маҳкам қучаркан. – Афсона бўлса ҳам мағзи тўқ, моҳияти бутун экан. Яхшилик билан тугаган ривоятларни яхши кўраман. Яхшиликка не етсин!

ОНАЛАР ЮРАГИ ҲАМИША УЙҒОҚ

Одам манзараларини ўрганувчи билағонлар демишлар:

– Фарзанднинг ўнг юзи отасининг, чап юзи онасининг рухсорига ўхшайди.

– Нега чап тарафи онасига ўхшайди? – дея ажабланиб сўрашганида, ғойибдан шундай нидо келибди:

– Эй одамзод, ўнг қўлингни чап кўкрагинг устига қўй. Бир лаҳза тин ол, хаёл сур. Сезяпсанми, кафтинг остида бутун бир заминнинг юкини бўйнига олиб, онангдай мушфиқ, онангдай меҳрибон, онангдай заҳматкаш Юрак бир маромда уриб турибди. У меҳнат қиляпти, волидаи муҳтарамангдай у ҳамиша уйғоқ!

Ажабмас, шу боис фарзанднинг чап юзи она рухсорига ўхшаб кетгандир!

Мунис оналарнинг акси-талъати
Кўринар фарзанднинг бўйи-бастида.
Она – бу дунёнинг ноёб хилқати,
Жаннат оналарнинг оёқ остида.

Она ҳузурига шошилиб интиқ,
Изларини тавоф этмоқлик керак.
Онадай меҳрибон, онадай мушфиқ,
Токи кўкрагингда ураркан юрак!

КЎНГИЛ ДАРЧАЛАРИ

Дейдиларки, ҳақиқатнинг дўстидан қотили кўп. Ана шу қотиллар унга узлуксиз суиқасд қиладилар, пистирмадан ўқ узадилар, қилич чопадилар. Бироқ ҳақиқатнинг синиқ парчалари яна ҳақиқат бўлиб шаклланаверади, шаклланаверади. Шу боис ҳақиқат ўлди, деб мотам тутмангиз!

Аёнки, барибир илоҳий туйғу
Забт этади кўнгил дарчаларини.
Инсон Ҳаққа етар дилга жо этиб
Ҳақиқатнинг синиқ парчаларини.

ОРИФЛАР СУЛТОНИ

Мусулмон оламида “Ашарам мубашшара” деган атама бор. Бу “Тангрига яқин тургувчи шариф зотлар” дегани.

Юртдошим Хожа Ориф Моҳитобон ар-Ревгарий ана шу азиз ҳукамоларнинг бири.

Аллома “Орифнома” асарларида шундай нақл қилурлар:

– Шоира Робияи Адвия ўз замондоши Ҳасан Басрийга уч нарса юбориб, шуларнинг мантиқий мазмунини изоҳлаб беришни сўради:

– Мум (шам), игна, соч толаси...

Ҳасан Басрий бу жумбоқни ечиб, араб шоирасига шундай жавоб йўллади:

Биринчи: Эй, бандаи мўмин, мум каби мулойим бўл, шам мисоли ёниб, оламни мунаввар эт.

Иккинчи: игна каби ўзинг яланғоч қолиб бўлса-да, ўзгаларни кийинтир, устини бут қил.

Учинчи: Тангрига олиб борадиган йўл худди соч толасидек нозик ва ингичка. Ҳушёр бўл, йўлингда ногаҳон тойиб кетмагин.

Ҳазрат ар-Ревгарийнинг муборак қаламларидан тўкилган бу ҳикматларни ўқиган кишининг кўзи ва дили сурурга тўлғусидир.

Шамдайин юмшоқ бўл, шамдай мулойим,
Оламни чароғон айлагин доим.
Умримиз ҳам асли ёнаётган шам,
Мудом ёрлақасин сени Оллоҳим!

НУР ВА ЗУЛМАТ

Аллома Аҳмад Дониш ҳазратлари: “Ҳар бир бандаи мўмин кўксида қарама-қарши икки куч яратилмиш деганлар: буларнинг бири – Раҳмоний, иккинчиси – шайтоний...”

Мозийдан ёғду: Тангри олам ичида қоронғулик ва ёруғликни бир-бирига аралаштириб, сўнг унинг таркибидан энг олий неъмат – инсонни кашф этган эмиш. Қай бир инсоннинг мижозида нур кўпроқ бўлса, у Раҳмонийдир.

Қай бирига зулмат кўпроқ аралашган бўлса, у шайтонийдир.

Раҳмон раъйига юрсанг, савобга қолурсан, рухсорингдан ҳамиша нур ёғилиб туради. Шайтон йўлидан кетсанг, гуноҳга ботурсан, абадул-абад зулмат рамзига айланасан.

Илоҳо, барча бандаларга Раҳмоннинг покиза йўлини берган бўлсин!

Алалхусус: Раҳмон раъйидан чекинмаганларни Оллоҳ махфират қилгай. Улар ким бўлмасин – ирқидан, миллатидан, эътиқодидан қатъий назар, бир ота-онанинг фарзандлари бўлиб бирлашурлар:

Одам Атодур – падар,
Момо Ҳаводур – модар.

ЖАННАТГА ЙЎЛ

Беданабозларнинг ажиб бир одати бор: беданани уриштиришдан олдин қулоғига уч карра “қув” деб, кейин тошойна олдига элтиб қўйишади. Карахт ва гангиган бедана ойнада ўз аксини кўриб, рақиб хаёл қилиб, ўзи билан ўзи жанг бошлайди. Ойнадаги шамойилини тоза чўқиб, ўзини қонга белайди...

Умри иғво билан ўтган баъзи юртбузар кимсалар борки, айрим гаправларни худди бояги жангари беданадек можарога тайёрлайди. Эл ичига ғулу солувчи бундай сўхтаси совуқ кимсалар Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана бу ҳадисларини ёдда тутиб, этакларини эртароқ ёпиб олсалар, минг чандон яхши бўларди:

“Одамни одамга дўст қилган жаннати бўлади, элни элга қўшган киши пайғамбарона иш қилган бўлади!”

Шунга амал қилган, иймони бутун, покиза бандаларгина жаннатга йўл тутади.

Фосиқлар кўргулиги аниқ бўлгай, нақд бўлгай,
Икки дунё уларга жаҳаннам – дўзах бўлгай!..

АДОЛАТ ХУДОСИ

Қадимги юнонлар адолат худоси – Фемидани хаёлан мана шундай моҳирона кашф қилганлар: кўзлари қора рўмол билан зич танғиб боғланган, барваста, чиройли, аёл – бир қўлида шамшир, бир қўлида тарозу.

Шу суратни биринчи бор кўрганимда: “Ўзи худо бўлса, кўзлари нега боғланган?” деган савол ўтган эди хаёлимдан, кейин остидаги ёзувга диққат билан разм солдим ва такрор ўқиб чиқдим.

“Адолат худоси тутган бу адолат тарозусида яхшилик билан ёмонлик ўлчанади!”

Кўзлари боғланган аёл ҳеч қандай танишу нотанишни юз-хотир қилмай, яхшилик ва ёмонлик устидан адолатли ҳукм чиқарар экан. Шунда кўнглим андак таскин топди:

“Хайриятки, ҳамма нарсада тошу тарозу бор экан: яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам...”

Бани башар бахтига бу олам пойдор бўлсин,
Адолат тарозуси ва қиличи бор бўлсин.
Ҳар неки ғаюрликдир, ҳар неки ғаддорликдир,
Тарозуда тортилиб, қиличдан хуншор бўлсин!

ТИРИКЛАР КЎЗИНИ МАРҲУМЛАР ОЧАР

Ёвуз бир ниятда йўлга чиққан икки киши кўзланган манзиллари томон илдам кетиб борарди. Йўл чеккасидаги бир муюлишдан қизил чойшабга ўралган тобут кўтариб чиқишди. Бояги икки йўловчи дарров оломонга қўшилиб, тобутга елка тутишди. Қабристонгача тобут ортидан боришди. Дафн маросимидан қайтаётиб, ёвуз ниятда йўлга чиққанлардан бири иккинчисидан сўради:

– Дийданг бунчалар бўш бўлмаса... Кўзларинг ҳали ҳам жиққа ёш.

– Енгил тортай, деб андак йиғладим.

– Ёш кетди-да, раҳматли.

– Увол бўлди.

– Тобут оёғи елкангда турган пайт... Ростини айт, нималар ҳақида ўйладинг?

– Ростини айтаймми?

– Ҳа, ростини айт.

– Бу дунёда ўзимнинг омонатлигимни ўйладим. Ва шунга қатъий ишондим.

– Мен ҳам. Марҳумлар тирикларнинг кўзини очади, деган гапнинг ростлигига шу бугун иймон келтирдим, дўстим!

Улар анчагача бошларини қуйи солиб, сукутга кетишди. Кейин бири иккинчисидан сўради:

– Хўш, энди буёғига нима қиламиз?

– Қайтамиз.

Иккинчисига ҳам ортга қайтиш фикри маъқул тушди. Қайтишди: ҳам йўлдан, ҳам кўзлаб чиққан ёвуз ниятларидан...

Бу фоний оламда дилингни шод эт,
Яшашни истасанг, ўлимни ёд эт.

МАЖНУН ЎЛИМИДАН СЎНГ...

Бобокалонимиз Амир Темурнинг суюкли хотини Сароймулкхоним – Бибихоним ҳамма даврларда ҳам гўзаллик ва ишқ тимсоли бўлиб келган. Бу аёлни шоирлардан бири шундай таърифлаган:

“Бу сулув аёлнинг гўзаллигини сўз билан англатиш қийин. Чунки ул ҳар қандай сўздан-да гўзал эди!”

Ана шундай гўзал аёл МУҲАББАТни илоҳий туйғу деб ҳисоблаган. Шу боис тириклигида хилхонасидаги қабр тошларидан бирига сангтарош усталарга айттириб, қуйидаги битикни биттирган:

“Мажнун ўлимидан сўнг минг йил ўтса-да, унинг кафанидан ишқ тафти, муҳаббат дарди таралаб туради!”

Мажнуннинг кафанидан ишқ ҳиди келур,
Жаннат ҳиди келур, мушк ҳиди келур!

СЎНГГИ СЎЗ

Аждодларимиз ҳақиқатни шафе келтириб, ҳамиша чин сўзлаганлар:

– Сен бу дунёни икки эшикли работ деб бил: насибанг тортганида, бу эшикдан кириб келдинг, паймонанг тўлганида, нариги эшикдан чиқиб кетурсан. Бироқ шу икки эшик оралиғида яшаб кетар фурсатда сендан бу оламда не қолади: яхшиликми, ёмонликми, адолатми, хиёнатми, савобми, уволми, ҳурликми, зўрликми, хўрликми ё хайрликми? Келажак авлод сен ҳақингда қандай ҳукм чиқаради? Замондошларинг сен тўғрингда не дейди? Сен бу омонат дунёда ўзингни комрон ҳисоблаб юрардинг, боқий дунёга кетар пайтинг етганида, кузатгани чиққан тобуткашлар сен ҳақингда не дейди?

Ҳикоят: Кўчани тўлдириб, уввос солиб, тобут кўтариб боришарди. Икки йўловчи югуриб бориб тобутга елка тутишди, оломон билан анча юриб боришди-да, кейин йўл четида тўхтаб, бири иккинчисига шундай савол берди:

– Тақсир, айтолмайсизми, тобутдаги марҳум у дунёга қай тахлит кетди экан: тирикми ё ўликми?

Шериги саволдан гангиб қолди:

– Ё алҳазар, бу не деганингиз, тақсир?

– Бу деганим шуки, тақсир, агар у кимса боқий дунёга тирик кетаётган бўлса, билингки, ортидан фарзандлари, наслу насаби, одамларга қилган яхшиликлари ва саховатпеша хислатлари қолади. Агар мабодо...

Гангиган шериги бирдан ҳушёр тортиб, унинг сўзини бўлди:

– Бўлди, тақсир, тушундим. Изоҳнинг ҳожати йўқ.

... Ана шунақа, ўғлон, одамзот ҳамиша қисмат қўлидадир: шоҳми, гадоми, машойихлар чин сўзламишлар, унинг олиб кетар бор-шуд мулки – икки газ бўз, тўққиз дона ғишт...

Марҳумнинг жанозаси ўқилиб, қабрига тупроқ тортилгач, оқсоқоллардан бири шикаста товушда халойиқдан сўрайди:

– Раҳматли қандай одам эди?

Қабр бошида, шу тиқилинч лаҳзада тирикларнинг айтар бир оғиз сўнгги сўзи марҳумнинг ўтаб бўлган умри учун кифоя:

– Яхши одам эди!

Яхши одам яшаб ўтди десалар,
Шу ҳам бир неъмат-ку, кетар чоғингда.
Демак, бир инсондай яшаб ўтибсан,
Недур қолдирибсан ҳаёт боғингда!

ТАВАЛЛО

Дин – ғоя.

Дин – эътиқод.

Исломнинг туғи ва амри – тавба ва тазарру.

Билиб-билмай гуноҳ қилиб, сўнг тавба қилишга журъатинг етса, билгилки, Тангри сени кечиргусидир. Ҳатто Арши аъло пештоқида ҳам шундай битик битилган эмиш: “Менинг раҳматим ғазабимдан чандон устундир!”

Ҳамду сано сенга, эй, Яратгувчи,
Зулмат гўшасига нур таратгувчи.
Шайтоннинг измида юрганларни ҳам,
Бир куни ўзига, эй, қаратгувчи.

Ҳамиша Оллоҳни раҳнамо билиб, унга сиғиниб, тавалло қилиб яшамоқ керак!

Ўзинг қўлла мени Якто,
Бўлгин Ўзинг менга паноҳ.
Ҳам қулингман, ҳам йўлингман,
Раҳнамо бўл, Оллоҳ-Оллоҳ!

ҚАДАМНИ КУЗАТИШ

Йўловчи ўтиб борарди. У толиққан, оч-наҳор. Қаршисидан чиққан одамдан сўраб қолди.

– Ойдинбулоққа ҳали узоқми?

– Анча юрасиз.

– Чамаси қачон етиб бораман?

Ҳалиги одам елкасини қисиб:

– Билмадим, – деди-ю, бироқ кетаётган кишининг қадам ташлашидан кўз узмай турди. Анчадан кейин унинг ортидан югуриб бориб деди:

– Тонггача бемалол етиб борасиз манзилингизга.

Йўловчи ҳайрон бўлиб сўради:

– Шу гапни нега боя айтмадингиз?

– Боя қанақа қадам ташлашингизни кўрмаган эдим-да, тақсир.

Ушбу масал қадимдандур:
Ҳар не келса қадамдандур.

АЁЛ ЖАМОЛИДАН ТЎКИЛГАН НУР

Дейдиларки, заминни ёритган биринчи нур аёл жамолидан тўкилган.

Донолар: “Тангри аёлларни юз бора нурга чайиб, ўзига яқин тутиб яратган”, деб каромат қиладилар. Бунинг боиси бор. Маълумки, Худо яратгувчи – жумлаи олам кашфиётчиси. Аёллар ҳам яратадилар, бунёд этадилар, улғайтирадилар – бир қўл билан бешикни, бир қўл билан дунёни тебратиб турадилар. Аёлларнинг жабридан кўра шафқати бисёр.

Тангри эътиқодидан айниган бандасини ёмон кўради. Аёллар ҳам муҳаббат ва эътиқодига хиёнат қилган эркакларни жазолашга ҳамиша тайёр туради. Афсоналарда Худо жамолини ёлқинга қиёс қилишади. Аёллар ҳуснтаровати ҳам афсонавий гўзалликдан кам эмас. Аёллар жамолидан тўкилган ноёб гўзаллик оламга ҳамонки сайқал беряпти. Улар бизнинг, ҳаммамизнинг оналаримиздир!

Келинг, улар пойига бош эгайлик. Муқаддас Каъбага сиғинган мисол уларга сажда қилайлик. Уларсиз бу дунё бефайз ва нурсиздир. Муҳаббати ниҳоясиз аёллар бўлмаганида пайғамбарлар ҳам, доҳию қаҳрамонлар ҳам, соҳибқирон ва шоирлар ҳам бўлмас, мана бу оташин, ўйноқи мисралар ҳам эҳтимол битилмаган бўлар эди:

Аёлдур тажалли субҳи азал,
На бордур жаҳонда аёлдан гўзал.

ОЛТИН ТАХТ

Бу ривоятнинг қачон тўқилгани аниқ эмас, лекин бир учи бориб Одам Ато билан Момо Ҳавога боғланади. Эмишки: Одам Ато билан Момо Ҳаво олти юз йил ғамдан тамом озод бўлиб, жаннатда яшашибди. Бир дона буғдой донаси сабаб бўлиб, ногаҳон тинчлари бузилиб, жаннатни тарк этибдилар. Ер кашф этилибди, оила қурилибди, бола-чақа дегандай... Беҳаловат кунлар бошланиб кетибди.

Шундай қилиб, ер юзида қайнонаю келин деган бир мўъжиза пайдо бўлибди. Бу мўъжиза яралган кундан бошлаб ҳамманинг боши гангиб қолибди. Қайноналарга қарши ер юзида келинлар қўзғолони бошланибди. Бандасига ҳамиша меҳрибон Парвардигор ўз малойикаларига қайнона ва келинларни муросага келтириш учун ернинг жаннатмакон баланд жойида олтин бир тахт тузишга фармони олийшон берибди. Тахт пештоқида катта-катта ҳарфлар билан мана шундай сўзлар битиб қўйилган экан:

“Бу тилло тахт келинлари миннатдор бўлган ҳалимдек қайноналарга: қайноналари миннатдор бўлган ипакдек келинларга насиб этсин!”

Сўнгги маълумотларга қараганда, ўша олтин тахт ҳали ҳам бўш турган эмиш.

Кимга насиб этмиш бу тахти олий,
Ҳамонки бўш эмиш, ҳанузки холи...

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ...

Жуда қадим мозийдан бизга етиб келган ажиб бир ривоят бор. Эмишки, бир мамлакатнинг подшоҳи суюкли оқ отини еру кўкка ишонмас, уни кўз қорачиғидай асрар экан. Кунлардан бир кун подшоҳ ўша оқ отини миниб, шикорга чиқибди. Тошқин дарёдан кечиб ўтаётган пайтида от ногаҳон ғарқ бўлиб кетибди. Подшоҳ зўрға жон сақлаб, тасодиф туфайли қирғоққа чиқибди. Энг азиз отидан ажраган подшоҳ саркаш дарё қасдига бутун бир мамлакатнинг фуқаросини тик оёққа қалқитиб, аждар комидай ҳайбатли ўнта канал қаздирибди. Тўполон дарё сувини шу каналларга оқизиб, оқ отни ютган дарёни ботил қилиб қўйибди. Ана шундан кейин подшоҳ сал ҳовуридан тушибди. Бироқ...

Орадан ўн йил ўтибди, юз йил ўтибди. Подшоҳ қаздирган барча каналлар бора-бора қумга тўлиб, дарё яна ўз ўзанидан тўлқин отиб оқаверибди, оқаверибди!

Алқисса: оққан дарё оқаверади, деган ширин-шакар нақл мозийдан хотира бўлиб қолган экан.

Бир чечак ҳам сўлмагай,
Вақту соат тўлмаса.
Подшоҳ амри чикора,

Тақдир ҳукми бўлмаса.

МАКР

Шаҳар чеккасидаги амир ҳарамида етти иқлимга таърифи кетган ҳурлиқо паривашлар яшарди. Ҳукмдор бу тутқунхонага ташқаридан гап кирмасин, ичкаридан сир чиқмасин, деб нечоғлик қатағон қилмасин, муҳаббат илоҳийлиги боис унинг овозасини пинҳон тутиб бўлмади.

Саройда ҳарам барнолари ҳақида хунук миш-мишлар оралаб қолди. Ҳарамда баттар қатағон кунлар бошланди.

Тутқунлар бу сирни – муҳаббат можаросини ташқарига олиб чиққан хоинни узоқ излашди. Ахири, топишди: ҳарам дастурхончиси оғзидан гуллаб қўйган экан.

Қизлар сотқин аёлни нақшинкор устунга зич боғлашди. Танасига галма-гал пичоқ санчиб, уни ўлдирмоқчи бўлишди.

– Мана шу пичоқ билан сен сотқинни бурда-бурда қиламиз! – деди қизларга ўзини онабоши чоғлаб юрган Рухсора. – Ўлиминг яқин, тила тилагингни!

Аёл ажали ҳақ эканлигига ишонди.

– Тилагим шуки, – у талмовсираб Рухсоранинг қўлидаги пичоққа ишора қилди. – Олдин қўлингдаги пичоқни мана бу ерга – мармар зинапояга келтириб қўйгин, кейин айтаман охирги тилагимни. Бўлмаса...

Қиз пичоқни аёл кўрсатган жойга қўйиб, орқага – қизлар сафига чекинди.

Аёл қиблага қараб чуқур “оҳ!” тортди.

– Сўнгги тилагим шуки... Яна унутмангларки, қизларим, мен муштипар бу охирги тилагимни Қиблаи Муҳаммадга қараб айтяпман, сизлар буни бажаришга мажбурсизлар, ҳа, мажбурсизлар. Бўлмаса, гуноҳи азимга ботасизлар.

Қизларнинг тоқати тоқ бўлиб кетди:

– Бўлсанг-чи, жодугар! Намунча вайсайсан! Айт, айтадиган тилагинг бўлса!

– Тилагимни сўзсиз бажаришга сўз беринглар. Бўлмаса...

Қизлар ноилож сўз беришди. Кейин “Тила тилагингни!”, дея қисталанг қилишди.

– Шошмаларинг, азизларим, – деди аёл, – ўладиган менми ё сенларми? Ажалнинг кечи яхши.

Аёл кўйлагини шарт йиртиб, оппоқ кўксини яланг очди-да, қизларга қараб илтижо қилди:

– Қиблаи Муҳаммадни шафе келтириб сўрайман... Менга биринчи бўлиб пичоқни ораларингда ким ўзини энг хунук, энг бадбашара, энг бетароват қиз деб ҳисоблаб юрган бўлса, ўша урсин! Сўнгги тилагим ҳам, охирги ўтинчим ҳам шу. Буни бажармасаларинг, сўнгги йўл бошида туриб дуоибад қиламан!

Қизлар аёлнинг бу сўнгги ўтинчидан батамом лол бўлиб, шуурсиз қотиб қолишди: “Бу ерда ким энг хунук?”, “Ким бадбашара?!”, “Ким энг бетароват?!”

Аёл кўксига муштлаб, баттар илтижо қилаверди:

– Ўлим талвасасида турган ночор кимсанинг сўнгги тилагини бажармаслик гуноҳи азимдур. Қиблаи Муҳаммадни шафе келтириб айтаманки, барингни дуоибад қиламен!

Соҳибжамол қизлар бир-бирига узоқ жовдираб қолишди. Ҳеч кимда пичоқни қўлга олиш истаги йўқ. Аёлнинг макри уларни довдиратиб қўйган эди.

Шундай қилиб, жодугар аёл қизлар ғазабидан омон қолибди...

Макрга учрасанг ҳам,
Маккорага учрама.
Қўлингга ханжар бериб,
Жонингни қилур таъма.

ТОШ ВА ГУЛ

Шундай қилиб, уни гуноҳи азимга чўтладилар. Қози устидан ҳукм чиқарди. Шаҳар ўртасидаги майдонда тошбўрон қилишди. Ўтган-кетган тош отди. Барига бардош қилди, “ғинг” демай чидади.

Шу пайт тошбўрон майдонида бир дўсти пайдо бўлди. У “Қатордан қуруқ қолмай” қабилида қўлидаги гулни унга отди. Йигит ногаҳон “воҳ!” деб кўксини чангаллади. Узоқ ингради...

Ҳукм ижрочиси бу ҳолни кузатиб турган экан, йигитни сўроққа тутди:

– Мана, чалажон бўлсанг-да, бир ўлимдан қолдинг. Бошингга шунча тош ёғилди. Қараб турдим, барига чидадинг, инграмадинг. Бир йигит келиб гул отганида, нечук “воҳ!” деб кўксингни чангалладинг, ҳатто бўзлаб йиғладинг? Бунинг сабаби нима?

Йигит жавоб берди:

– Ўткинчилар менинг айбсизлигимни билиб-билмай тош отишди. Бунга чидаса бўлади. Гул отган йигит эса жонажон дўстим эди. У менинг айбсиз-айбдорлигимни биларди. Билиб туриб шундай қилди. У отган гул етти ёт бегоналар отган тошдан қаттиқ – нақ юрагимга тегди. Инграшим боиси ана шу...

Кўнгил оғриғига даво йўқдурур,
Бу дарддан оғирроқ жазо йўқдурур.
Дўсти содиқ сенга тош отса магар,
Бундан-да оғирроқ қазо йўқдурур.

ЯХШИЛИК УРУҒИ

Жуғрофий тарафдан Шофиркон “буюк ипак йўли”да жойлашган. Унинг кўҳна пойтахти – Вардонхудотлардан бобомерос бўлиб қолган Вардонзе қалъаси тепасида муқаддас бир мармар тош бор. Тошда шундай бир битик рақам этилган:

“Бу дунё бевафо ва бебақодур. Одамлар бу кўҳна оламга келиб кетаверадилар. Бироқ яхшилардан қолган яхшиликлар тиниқ сув остига чўккан олтин тангалар мисол ярқираб қолаверади”.

Аждодлардан қолган ана шу беғубор даъват яхшилар қалбига ҳамиша нур бағишласин. Ўзбекистон аталмиш бу жаннатмакон заминда фақат яхшилик уруғини экингиз!

Умрнинг мазмуни эзгулик эрур,
Шу қолур ҳаётнинг сўқмоқларида
Яхшилик илмини ўрганмоқ зарур,
Боболар, оталар сабоқларидан!

ИСКАНДАРНИНГ ОЧИҚ КЕТГАН ҚЎЛЛАРИ

(“Қутадғу билиг” йўлида)

Эй, одамзод, феъл-атворинг бунчалар чигал, бунчалар мураккаб – ечими топилмас қайроқи тугунга ўхшайди. Бор сир-асрорини ўз саҳифалари бағрида яширган, ҳали ўқилмаган, ҳатто қўл ҳам урилмаган китобга монандсан. Бобокалон юртдошимиз Аҳмад Дониш ҳазратлари демишлар: “Бу сирли китобни эринмай варақлаш, ўқиш ва уқиш керак...”

Биламан, агар тафаккур дарёсига чўмсанг, етти иқлим сенга чўт эмас – бир лаҳзада бутун дунёни чулғаб оласан. Гар ғазабга минсанг, йўлбарсни хонаки мушукдай кафтингда ўйнатасан. Меҳрибонлигинг тутса, чумолини кипригинг устида асрайсан, мабодо қабоғингда ин қураман деса, шунга ҳам рози бўласан. Гар бахиллигинг тутса борми, чигиртка луқмасига ҳам оғиз соласан. Такаббурлигинг тутса, еру кўкка сиғмай, кундузи қуёш нурини, кечаси ой шуъласини ҳеч кимга раво кўрмайсан. Ана шунақа феъл-атвори хилма-хил манзарали жонзотсан.

Эшитган бўлсанг, ўзбекона бир нақл бор: ёмонга эл бер-у, қўлига бел бер. Гар даражангни ошириб, раъйингга кўндаланг тўсиқ қўймасалар, на Тангри сўзини уқасан, на Сарвари олам ўгитига қулоқ тутасан, қадимги Миср Фиръавнига ўхшаб, худолик даъво қилишдан ҳам тоймайсан.

Эй, одамзод, кулранг ер қаърига бир назар ташла, у ерга қанчадан-қанча асл одамлар кирдилар. Не-не сара – қарчиғайдай алп келбатли йигитлар қайғу-алам билан ер бағирлаб ётибдилар, ҳанузки ер ўпқони тўлмайдир.

Дунёнинг кўксига оёғини тираб, ўзига темирдан шаҳар, олтиндан қаср қурдириб, Азроилга қайсарлик қилган ўша қайсари олам – Шаддод ҳозир қаерда?

Кўкка нарвонсиз интилган, дунё тизгини ҳамиша толмас илкимда деб керилган Намруд қани? Худо шаънига маломат тошлари отиб, Парвардигор ғазабига учраб, денгиз қаърига ғарқ бўлган малъун Фиръавн қаерда?

Дунёга сиғмас бойлик йиққан, йиққан шу бойлиги аламига замин қаърига кетган Қорун қани?

Қўлидаги ҳассаси илон бўлгувчи, истаса, денгиз сувини тескари юргизувчи, оби-ҳаёт пайғамбари ҳазрат Мусо ҳозир қаерда?

Марҳумларга чандон жон ато этиб, ўзининг азиз жонини пистирмада турган ажалга ногаҳон тутқазган Исо пайғамбар чормихда нечун ҳамон сукут тутиб ётибди?

Феъл-атвори гўзал, етти иқлим тизгини қўлида бўлган Сулаймон пайғамбар нечун ҳанузгача бош кўтармади?

Одамлар илкига Қуръони каримни бериб, Ашриқдан Машриққача мусулмон дунёсига покиза дин ва диёнатни бахш этган Сарвари олам – Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам қайси манзилни макон этдилар?

Бу бебаҳо дунёга кимлар келиб, кимлар кетмади – яна келади, келаверади, яна кетади, кетаверади... Бу олам сарҳади ҳеч кимга торлик қилган эмас, бу қора ер ўпқони тўлмасдир!

Шундай экан, эй инсон, ўтган аждодлар руҳи поклари ҳақи ҳурмати шаштингдан андак тушгин. Тўғри, сарбаландлигинг менга ёқади, лекин такаббурлигинг, бойликка ҳирс қўйиб, беҳаловат елиб-югуришларинг мени хавотирга солмоқда.

Кўз тўқлиги – бойликнинг боши. Борига қаноат қилгувчи киши дунёда энг бахтиёрдир. Кўзи суқ одам – бадбахт, унинг кўзи дунёга тўймайди. Уни фақат қора ер тўйғизади...

Сен мана бу ривоятдан ибрат олсанг бўларди, эй, одамзод. Искандар Зулқарнайн замину замонни эгаллаб, охири жон таслим этди. Жаҳон фотиҳи ўлими олдидан ўз яқинларига шундай васият қилди:

“Мени тобутга ётқизган пайтингизда, ёқут тешигидан ипни чиқариб қўйилгани каби, албатта қўлларимни тобутдан чиқариб қўйинглар. Токи халойиқ ҳайрат кўзи билан, йўқ-йўқ, ибрат кўзи билан боқиб: “Бу панжалар саф тортиб, бутун дунёдаги лаълу гавҳарларни кафтларига киритиб олган эди. Мана энди бу қўллар шол кишининг қўлидай қуруқ, чинорнинг япроқсиз бутоғидай бу дунёдан бўм-бўш кетаётир, – десинлар. Бу одамлар учун бир ибрат мактаби бўлиб, дунёни эгаллаш машғулотидан қўлларини тортсинлар”.

Етти иқлимни забт этган Искандар Зулқарнайн ўттиз уч ёшида ана шундай қайғули васиятни яқинларига айтиб бўлгач, ул боқий дунёни ҳам тезроқ олиш учун шошилди...

Кимга вафо қилган асли бу дунё,
Кезинг, майли, ҳаёт йўлларин.
Ёдингиздан чиқарманг асло

Искандарнинг очиқ қўлларин!

ВИДОЛАШУВ

Ўтган буюк устодлар томонидан гоҳ адолатли ҳукмрон, гоҳида золим подшоҳ тарзида тасвирланган Искандар Зулқарнайн бор йўғи 33 йил умр кўриб, бу фоний дунё билан видолашадиган бўлди. Не илож, тақдири азалнинг ҳукмидан чекиниб бўлмас!

Шоҳнинг фармонбардорлари кўзида ёш билан ҳукмдорнинг ўлим олдидан айтар сўнгги сўзини интиқ бўлиб кутишарди.

– Сизларга айтар сўзим шулки... – Алаҳлаб, пойма-пой гапира бошлади Искандар. – Эҳ, дилда тилагим қат-қат эди. Афсус, уларнинг қати бузилмай, ер қатида қолиб кетадиган бўлди-да. Кетар чоғимда сизларга айтар насиҳат ва васиятларим шулки... Билиб қўйингларки, марҳумлар насиҳатини бажармоқ тириклар учун ихтиёрий, бироқ васиятни адо этмоқ – ҳам фарз, ҳам қарздир. Васиятим шулки, каминанинг жасадини одам кўмилмаган холироқ бир заминда ерлатингиз!

Искандар бир лаҳза тин олди. Фармон ижрочилари орасидан кимдир шивирлаб сўради:

– Бор эканми дунёда шунақа жой?

Искандар ҳам шивирлаб, мажолсизгина деди:

– Бор. Ҳу ана у денгизнинг сўл тарафидаги оролча. Ўша ерда дафн этингиз. Иккиламчи сўровим: ким мени сўроқлаб келса, айтингиз, ўша кимсасиз оролчага борсин мен билан видолашгани...

Дафн маросими тугагач, қабр хоки ҳали совумай, дунёнинг тўрт тарафидан Искандарнинг дўсту биродарлари, таниш-билишлари уни хотирлаб, қабрини тавоф этгани келаверишди, келаверишди:

– Биз сени соғиниб келдик, Искандар! – Улар қабр бошида фарёд ила бўзлашарди. – Жавоб бер, Искандар, биз сени соғиниб келдик!

Шу пайт ... Ё алҳазар, овоз тингунча фурсат ўтмай, бу ерда содир бўлган мўъжизани таъриф этмоқ учун эҳтимол ҳазрат Фирдавсийнинг қалами ҳам ожиз қолур. Оролчанинг ҳар ер-ҳар еридан марҳумлар дам-бадам бош кўтариб, замину замонни вазмин акс-садо босиб кетибди:

– Лаббай, Искандармен, камина шу ердамен! Лаббай, Искандармен!

... Ривоят эрмак эмас, уни кимки тушунса, мағзи ғиж-ғиж ҳикмат. Айтар муддаони илғаган бўлсангиз, шу кифоя. Одамзот дафн этилмаган деб тахмин этилган кимсасиз бу оролчада, қадимий битикларда битилишича, Искандар дея аталмиш исму шарифли инсонларнинг ўзидан беҳисоб марҳумлар дафн этилган экан...

Қиссадан ҳисса: азал-азалдан инсониятга паноҳгоҳ бўлиб келган заминга қадамни билиб, авайлаб, ҳамиша пок тутиб босинг, бу она-ернинг ҳар бир қаричида ИНСОН аталмиш буюк зотлар хоки туроб бўлиб ётибди...

ҲАҚНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ...

Дунёда ҳақни қарор топтиришдан мушкулроқ иш йўқдир-ов. Бироқ қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган ақида беҳуда айтилмаган. Чиндан ҳам, лофдай бўлиб туюлса-да, бу гапда жон бор...

Қадим-қадим замонларда бўлиб ўтган уч муллаваччанинг ўзаро қилмишлари юқорида айтилган нақлга далил. Уч илму толиб мадрасанинг бир ҳужрасида ҳолба-қудрат истиқомат қилишарди. Хонада чироқ йўқлигидан муллаваччалар узундан-узоқ тунларни бесамар ўтказишарди. Ахири, бир куни илмга чанқоқ талабадан ақлли бир гап чиқибди:

– Келинглар, яхшиси, ўзаро танга жамлаб, бозордан керагича шам сотиб олайлик. Ҳар кеча шамнинг бирини ёқиб, шуъласида китобхонлик қиламиз.

Бу истакни муллаваччаларнинг бири – илмга фидойироғи қўллади. Хасис талаба эса “Пулим борликка бор-у, лекин шамга бир чақа ҳам қўшмайман!” дея хархаша қилди.

Барибир, икки талаба келишиб, шам сотиб олишди. Ана шундан кейин ўртада можаро қўзиди. Икки муллаваччада шамга пул тўлашдан бош тортган ҳамхоналарини жазолаш фикри туғилди. Улар ўйлай-ўйлай, ахири, жазонинг ҳақ йўлини топишди: хасис муллаваччанинг кўзларини рўмол билан зич боғлаб қўйиб, сўнг шам ёқадиган бўлишди...

ҚАРЗ ВА ФАРЗ

Фақир бир одам ўтинкашлик қилиб, ҳар куни уч танга топар эди. Топган ақчасининг бир тангасини қарзга, бир тангасини қарзига тўлар, қолган бир тангани тирикчилигига ишлатарди.

Ўтинкаш қанча фақир бўлса, ўшанча диёнатли эди. Бошингда не савдо бўлса бўлсин, бироқ бировдан қарзинг бўлмасин, сабабки, қарз танангда ловуллаб ёниб турган кўйлак, деган ақидага қатъий амал қилиб яшади. Шу боис у пешона тери билан ҳар куни жамлаган уч тангасининг бирини зарурат учун қўшнисидан кўтарган қарзга, бир тангасини тўлаб сира адо қилиб бўлмас қарзига, яъни ота-онасига берар, қолганини тубсиз ғор дея аталмиш рўзғорига сарфларди.

Шундай қилиб, фақир ўтинкаш фақирона ҳаётидан – қарз фарзини адо этганидан беҳад хушнуд эди...

КЎНГИЛ ЭШИГИ

Ҳукмдор дам олиш илинжида ўз боғига кирди. Боғ супасида тенги йўқ соҳибжамол бир аёлни кўриб қолди. Жувон шунчалар гўзал эдики, ҳукмдор бир кўришда ақл-ҳушидан ажраб, сархуш бўлиб қолди. Бу фариштасифат аёл боғбоннинг хотини эди.

Ҳокимнинг хаёли бузилди. Боғбонни арзимас бир юмуш билан шаҳарга жўнатди. Боғ эшикларини беркитиб келишни аёлга буюрди. Аёл ҳукмдор топшириғини ижро этиб, изига қайтди.

– Хўш, хоним, – дея сўради ҳукмдор аёлга яқинлашиб келаркан, – боғдаги барча эшикларни беркитдингизми?

– Барчасини беркитдим, ҳоким жаноблари, – деди аёл ҳуркак оҳу янглиғ безовта бир алпозда. – Фақат, фақат бир эшик очиқ қолди.

Ҳоким ҳайрон бўлди.

– Қанақа эшик?

– Кўнглим эшиги. Бу эшикни бекитиш қўлимдан келмайди. Мабодо бекитсам, кўнглим туғён уриб, вужудим можаро кўтаради!

Ҳукмдор безовта бу аёлнинг жавобидан ҳушёр тортди, қилмишидан кўнгли хижил бўлиб, орқага чекинди...

ОЛОВИГА ИСИМАЙ, ТУТУНИГА КЎР БЎЛАСАН...

Ҳадиси шарифда айтилганидай: “Бандаи мўминнинг бари тароқ тишларидек тенг” бўлгани билан уларнинг феълу атвори тенг эмас – хилма-хил, турфа-турфа...

Одамзоднинг яшаш тарзига қараб, уларнинг феъл-атворини икки тоифага ажратмоқ жоиз, деб билишган ўтган машойихлар.

Биринчи тоифа: оловланиб, ловуллаб, ҳамиша ёниб яшайдиган жўшқин одамлар.

Иккинчи хили: тутаб, тутун қайтариб, ёнолмай бурқсиб яшайдиган кимсалар.

Жўшқин одамларнинг кўксида ёл битган бўлади. Уларнинг кўкрагида гуриллаб олов ёниб туради – Прометей оловидай сўнмас олов. Бу оловга исинса бўлади. Бунақа инсонлардан завол кўрмайсиз, аксинча, улардан баҳра оласиз, дилингиз яйраб, кўзингиз равшан тортади, каломидан ҳузур қиласиз.

Дунёга келгандан то кетгунича тутаб умргузаронлик қиладиганлар тоифасидаги мижғов одамга йўлиқсангиз, бурқсиб турган тутунидан кўзингиз ачишади.

Назаримда, оловига исимай, тутунига кўр бўлдим, деган нақл худди шу тоифа сўхтаси совуқ кимсалар шаънига айтилган бўлса, ажаб эмас. Ана шунақасидан Яратганнинг ўзи асрасин!

БЎРИ ВА ИТ

Қишлоққа бўри оралади. Деҳқоннинг Бўйноқ ити уни олдига солиб қувди. Хиёл ўтмай унга чўпоннинг Бўрибосари қўшилди. Итларнинг вовуллашини эшитиб, кулолнинг даванги кучуги ҳам орага кирди. Узоқ қувишди, охири бўри бўри бўлганига минг пушаймон бўлиб, тоза толиқиб, қишлоқ чеккасидаги бир кундага келиб чўнқайди-да, итларга зурна тортиб, деди:

– Ҳой, тўхтанглар, итфеъллар, нафасимни андак ростлаб олай. Ҳайронман: деҳқоннинг ити қувса – тўғри, эгасининг моли бор, уни қўриқлайди. Чўпоннинг ити қувса, менга малол келмайди, эгасининг қўрасини муҳофаза қилади. Ҳой, ит, сенинг эганг бор-йўғи бир кулол бўлса, бисотида бир шап-шапу, икки тап-тапдан бўлак ҳеч вақоси йўқ. Сен нега жон талвасасига тушиб, мени бунчалар қувасан?

Кулолнинг даванги ити бундоқ ўйлаб кўрса, бўрининг гинасида жон бор.

– Булар қувгани учун мен ҳам қувдим, – деди кулолнинг ити хижолат тортиб. – Бу итлар қувса, қувмасам, вовулласа, вовулламасам, эгам нима дейди? Сен ҳам тушун-да, оғайни, эгам берадиган бир парча куйик нонини ҳам бермай қўяди-ку!..

Дарвоқе, бир парча куйик нон учун кеча-кундуз вовуллайдиганлар озми бу дунёда?!

Ит вафоли, дейдилар, баъзан,
Жафо, дерлар, кеп қолса суҳбат.
Итлардан-ку қутулмоқ мумкин,
Итфеъллардан асрасин фақат.

СИЧҚОНЛАР ХУРУЖИ

Довруғи кенг ёйилган бойнинг уйида, тўкин дастурхон атрофида замонанинг казо-казо намояндалари ўтиришарди. Саховатпеша бойнинг боши осмонда, ўзида йўқ хурсанд – бир сўзлаб, ўн кулар эди.

Иттифоқо, оқиллар гурунгини хонага бостириб кирган сичқонлар хуружи бузди. Улар уйнинг кўзга кўринмас тешик-туйнукларидан ногаҳон пайдо бўлиб, хонада бемалол ўйноқлаб юришарди. Айтиш мумкинки, сичқонлар уйдаги одамларга тамом беписанд эдилар. Ҳамма ёқа ушлаб, лол қолди. Ўтирган фузалолардан бири:

– Тақсир, айбга буюрмасангиз, сизга бир сўровим бор, – деди бир бойга, бир сичқонларга ҳайратланиб қараркан. – Гапим андак бепардоз туюлса, узр-да...

– Бемалол, тақсир, қулоғим сизда.

– Тирикчилик учун жамлаган ул-бул олтин чақаларингиз қаерда, деб сўрашга ҳаддим сиғадими, тақсир?

Бой илтифот ила таъзим қилди.

– Бемалол. Қўшни хонада, сандиқда... Нечун буни сўраб қолдингиз, тақсир? Сичқонларнинг беписанд хуружларига камина йиққан чақаларнинг не дахли бор?

– Дахли бор, – деди ишонч билан бояги фозил, – сичқонлар сандиқдаги олтин тангаларни инларига ташиб кетган кўринади! Уларнинг сармастлик билан қилаётган бу беписанд мақомлари шундан далолат беряпти. Хизматкорларингизга буюринг, хонадаги сандиқни очиб кўришсин.

Қай кўз билан кўришсинки, сандиқнинг таги илма-тешик бўлиб ётар эди.

Олтин санамни шайтонга, сичқонни қоплонга айлантиради, деганлари шу-да!

Тиллоси бор чумоли
Кўкка қараб ўрмалар.
Сичқон эса, шубҳасиз,
Кўҳи Қофга дев бўлар.

НАВОСИЗ УЛУСНИНГ НАВОБАХШИ БЎЛ

Шарқда “Буюклар сўзи – сўзлар буюги” деган ажойиб нақл юради. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов ўзбек ва тожик халқларининг ўзаро дўст-биродарлиги хусусида буюк бир сўз айтганлар: “Ўзбегу тожик аслида икки тилда сўзлагувчи буюк бир халқдир!”

Чиндан ҳам шундай. Бу икки халқнинг дўстлик ришталари абадий. Бундан йигирма беш йилча олдин Тожикистондан бир гуруҳ адиблар Бухорои шарифга ташриф буюришган эди. Атоқли шоир, марҳум Тошпўлат Ҳамид бошчилигида вилоят ижодкорлари меҳмонларга хизматда бўлдик. Ҳозирги Сомоний боғида бўлиб ўтган бир йиғинда тожикистонлик меҳмонлар устод Жомий ва шеърият мулкининг султони ҳазрат Навоий ҳақида ёниб-жўшиб гапиришгани кечагидай ёдимда.

Мана бу уч ҳикоятни мен ўшанда машҳур шоир Боқи Раҳимзодадан эшитган эдим.

Марҳамат, ўша уч ҳикоят Сизга пешкаш:

1. ҚУТЛУҒ ОСТОНА

Ҳазрат Абдураҳмон Жомийнинг Зиёвуддин Юсуф исмли кўркам, Юсуфмонанд бир ўғли бор эди. Мир Алишер устози Жомий хонадонига ҳар гал ташриф буюрганида, ақл-заковатда ягона Зиёвуддин Навоийга пешвоз чиқар эди.

Бир куни Навоий устози остонасига қадам қўяётиб, ҳазил аралаш сўраб қолди:

– Айт-чи, Зиёвуддин, сизларнинг уйларингиз чиройлими ёки менинг уйим кўркамми?

Зиёвуддин олий нуфузли меҳмонга эҳтиром бажо этиб, таъзим қилди-да:

– Бизнинг уйимиз чиройли, улуғ ҳазрат! – деди.

Алишер Навоий хушнуд жилмайиб, Зиёвуддиннинг елкасидан меҳр билан қучди.

– Нечун бундай дейишга журъат этдинг, ўғлим? Ахир, биласан-ку менинг уйим подшоҳ саройига туташ, у ердан мушки анбар уфуриб туради!

– Биламен, устод, – жавоб берди Зиёвуддин. – Барибир, бизнинг уйимиз чиройли ва кўркам. Сабаби шулки, бугун бизнинг хонадонимизга Сиздай буюк инсон ташриф буюрдингиз. Дили пок, дини пок, сўзи пок, кўзи пок, қўли пок одамларнинг муборак қадами теккан остона қутлуғ ва шарафли саналур. Сиз устод қадам ранжида қилган хонадонга бир умрга етгулик файз тўкилур. Шу боисдан бугун бизнинг уйимиз подшоҳ саройидан ҳам минг чандон кўркамроқдир!

Навоий Зиёвуддин Юсуфни такрор бағрига босиб, бошини силади.

Улуғлар ташриф этса, хонаи дил ободдир,
Меҳмон, меҳмон бўлғуси, мезбон эса шаҳзоддир.

2. МИХ ВА ШЕЪР

Ҳазрат Навоий ва Ҳусайн Бойқаро салтанат ташвишлари хусусида гурунглашиб ўтиришарди. Гап хусуматли одамларга келиб тақалди.

– Хусумат кўзи қадалган салтанатдан файз кўчадир, – деди Ҳусайн Бойқаро мамлакатнинг ҳар ер-ҳар еридан кўтарилаётган исёнлар шиддатидан асаблари қақшаб. – Сиз нима дейсиз, дўстим Алишер, бу хил кимсаларнинг жазоси не?

Навоий таъзим бажо этди:

– Жазони салтанат соҳибқирони амр этади, олампаноҳ!

– Менга қолса, Алишер, бу хил нонкўрларнинг хусумат тўла кўзларига қиздирилган мих қоқардим!

– Камина бундай кимсаларнинг пешонасига бир парча Чину Мочин қоғозини ёпиштириб, мана шу бир жуфт мисрани мажбуран битиб қўяр эдим:

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!

Бойқаро Алишернинг жавобидан ҳайрон бўлиб сўради:

– Шеър билан ёмон одам инсофга келармикин?

– Инсофга келади, – деди Навоий дадил жавоб бериб. – Ҳар ҳолда, қиздирилган михдан яхши-да, олампаноҳ!

Бир оздан кейин икки дўст бараварига кулиб юборишди.

Нотугал ҳаётни шеър тўлдирадур,
Шеър ўтга соладур, шеър ўлдирадур!

3. ОНАЛАР МАДҲИ

Ҳазрат Навоий оналар мадҳини оташнафаслик билан куйлар эди:

Ки азалдин шоҳи жаҳоним эрурсиз,
Бўлмасин бир нафас бу жаҳон сизсиз!

Навоийнинг аёл зотига қалбдан бахшида этилган бу хил жўшқин мисралари баъзи замондош шоиру фузалоларга унчалик хуш ёқмас эди. Шу боисдан саройда бўлган бир мушоирада Ҳузурий деган дарвишнамо шоир Навоийдан гина қилди:

– Воажаб, тақсирим, мақтовларингиз сарҳад билмайдур, аёл зотига нечун бунча мадҳу сано айтурсиз? Аёл зотини фаришта зотидан деюрсиз, боз устига, заифалар хоки пойига саждалар қилурсиз...

Навоий беозоргина кулиб қўйди.

– Сажда қилсам арзимасму, мавлоно?

Ҳузурий жиғибийрон бўлиб, деди:

– Мадҳу санога нораволиги шулки, ҳазратим, аёл зотидан бу ёруғ дунё на бир пайғамбар кўрди, на бир анбиё! Худо шоҳид, тақсирим!

Навоийнинг қиёфаси жиддий тус олди.

– Муддаонгизни энди уқдим, тақсир. Пайғамбару анбиёлар фақат эркак зотидан чиққан демоқчисиз-да, шундайми? Айтинг-чи, мавлоно, сиз айтган ўша пайғамбару анбиёлар фалакдин муаллақ бўлиб ерга тушганму ё уларни волидаи муҳтарамалари туққанми?

Шоир Ҳузурий шошиб қолди, салласининг печини қўли билан ўйнаб туриб:

– Волидаси туққан, тақсирим! – деди.

– Бундан чиқди, – деди Навоий хушнуд кулиб, – пайғамбарларни ҳам бу дунёга аёл зоти – Оналар берганми?

– Шундай, тақсирим, шундай, – деди Ҳузурий.

– Бас, шундай экан, пайғамбарларнинг волидаи муҳтарамаси бўлмиш аёл зотини нечун бунча камситасиз? Менинг мақтовларимга нечун таажжуб қилурсиз, заифалар деб улардан қусур ахтарурсиз? Зотан, улар ҳаммамизнинг оналаримиздур. Уларсиз бу дунё яланғоч, уларсиз бу олам, бу замин ғариб, уларсиз хонадонларимиз бефайз ва нурсиздир.

ХУРРАМЛИК БИЛАН ҒУССАНИНГ ОРАСИ ҚАНЧА?

Тайин гапки, бахтни кутадилар, қайғунинг эса ўзи келади...

Шоду хуррамлик билан ғам-ғуссанинг ораси бир қадам. Шу боис бахтингиз кулган – сафоли кунларда шукр қилмоқни, қайғуга ботган – ғуссали кунларда сабр этмоқни одат қилинг.

ИШИНГ ЮРИШИБ ТУРСА

Ишинг юришиб турса, яхши: қўлинг узун, тилинг бурро, ҳамиша сарбаланд юрасан.

Мабодо, ишинг юришмай қолса-чи? Унда бурнингдан оққан шўр сув кўзингга томади, дейишган ўтган машойихлар.

Илоҳо, ишингиз доимо юришиб турсин, ҳамиша бароридан келсин!

КЕЛИНЛАРГА ЯРАШИҚЛИ СЕП

Гуржистон халқида қиз узатиш маросимида келин сепига буюк Шота Руставелининг “Арслон терисига ёпинган паҳлавон” китобини қўшиб юбориш одат. Мабодо чиндан ҳам шу довруғли китоб сеп ичида бўлмаса, тўй тўйдай ўтмас экан.

Мен ўзбек қизларига узатиладиган келин сеплари ичида энг ярашиқлиси деб бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратларининг “Хамса”сини танлаган бўлар эдим.

Чиндан ҳам, келинпошшаларга назм салтанатининг султони – ҳазрат Навоийнинг достонларидан ортиқ сеп бўлмас. Уларда инсониятнинг энг олий туйғуси – ишқ-муҳаббат таърифи мадҳия янглиғ баралла янграб туради:

Деди: недур сенга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлиқ ҳамиша.
Деди: қай чоғдин ўлдинг ишқ аро маст?
Деди: руҳ эрмас эрди танга пайваст.
Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур,
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур.
Деди: ол ганжни, ишқни қўй ниҳони,
Деди: тупроққа бермам кимёни...

Ана шунақа: ишқ-муҳаббат мадҳи Лайлатулқадр қадар баланд тутилган бу шоҳ асарда!

СЎЗ – МЎЪЖИЗА

Билағон мутахассисларнинг айтишича, юз грамм асал тўпламоқ учун болари 1 миллион гулнинг ширасини йиғмоғи, 15 минг марта ўз уясидан гулга, 15 минг марта гулдан яна ўз уясига қатнамоғи керак экан.

...Қаламкаш ҳамкасбларимнинг ёзувдаги чекар заҳматини негадир ҳамиша ана шу асаларилар заҳматига ўхшатгим келади. Ҳассос қаламдан томадиган мисқол-мисқол сўз инсон қалбидагина эмас, икки жаҳонга сайқал берадиган мўъжизадир. Ҳазрат Румий ҳар бир қалам соҳибидан муқаддас сўздан мўъжиза кашф этишни талаб қилганлар:

Ин сухана тоза бигўй,
То ду жаҳон тоза шавад.

Яъниким, шундай сўз айтгилки, унинг тароватидан икки жаҳон сайқал топсин!

ЕТТИ ОСМОН САЛТАНАТИ

(Ислом воқеотлари йўлида)

... Еттинчи осмон кошонасида қирғоқлари марварид, ёқут ва зумрад, тошли миноралар билан қуршалган, ҳавзи Кавсар, Салсабил булоғи билқиллаб тошиб туради. Ҳовуз бўйида чамандай гуллаб, яшнаб турган дарахтларнинг шохлари зумраддан, барглари эса марвариддан. Булоқ бошида бир-биридан кўркам уч фаришта. Уларнинг нозик қўлларида тилло рангли пиёла: бирида – сут, бирида – асал, яна бирида – май. Еттинчи осмоннинг қутлуғ айвонига Жаброил алайҳиссалом ҳамроҳлигида қадам қўйган Расулуллоҳ ана шу фаришталар тутган пиёлалардан бирини – сут тўла жомни қўлга оладилар ва...

Дарвоқе, хаёлимда чарх урган, ҳар бир бандаи мўминга хуш кайфият бағишловчи, шукуҳи баланд, ҳаяжонли, дилтортар бу манзарани камина қаерда кўрганман, деб бир лаҳза ўйланиб қолдим: ўнгимми, тушимми? Йўқ, ўнгим экан, эсладим. Ўзимни тезда ўнглаб олдим. Бу чиройли манзарани камина Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ал-Исра ва Меърож, яъни етти қават осмон узра сафарлари баён этилган Шарқ миниатюра дурдонаси саналмиш “Меърожнома” китобида кўрганман. Чин иқрорим шуки, бу ноёб китобни (Париж миллий кутубхонасининг қўлёзмалар фондида сақланаётган ягона нусха) варақлаётиб, ундан бош кўтаролмай қолганман: ҳали-ҳануз унинг тез-тез хумори тутиб туради. Асар матни ислом ақида ва воқеотларига ўта қизиқувчан китобхонлар оммасига мўлжалланган.

“Меърожнома”даги мана бу ҳикоят Қуръони каримнинг “Ал-исро” сурасида зикр этилган. Бу қутлуғ суранинг биринчи оятида айтилишича: “Бир кеча Масжид ал-Ҳарамда эканимда, – демишлар жаноб Расулуллоҳ, –

баногоҳ ҳузуримга Жаброил Буроқ исмли отни етаклаб келди ва мени ўша отга миндириб, самога олиб чиқиб кетди. Бир зумда Қуддус шаҳрига етиб келдик. Бу ердаги ал-Ақсода икки ракаат нафл намозини ўқигач, яна Буроққа миниб, Жаброил билан осмонга йўл олдик...”

Расулуллоҳнинг Жаброил алайҳиссалом ҳамроҳлигидаги етти осмон салтанати сари сафарлари ана шу ердан бошланган.

Етти осмон салтанати... Биринчи осмон ферузадан кашф этилган. Расулуллоҳ бу ерда инсониятнинг биринчи падари бузруквори – Одам Ато билан учрашадилар. Ҳазрат Одам Ато Муҳаммад (с.а.в.)га бисёр панд-насиҳатлар қилиб, қутлуғ сафарларига оқ йўл тилаб, ҳидоятга фатво берадилар.

Расулуллоҳ ўтган иккинчи осмон оппоқ марвариддан, учинчи осмон ёқутдан. Бу икки қутлуғ кошонада пайғамбаримизга Ёқуб ва унинг ўғли Юсуф, Довуд ва Сулаймон пайғамбарлар пешвоз чиқадилар.

Олдинда йўл бошлаб борувчи Жаброил тўртинчи осмон дарвозаси остонасида бир лаҳза тин олади. Кейин тўртинчи дарвозани чертиб очар экан, Расулуллоҳни ярми олов, ярми қондан яратилган фаришталар кузатувида иззат-икром ила бешинчи осмонга рўбарў қилади. Бешинчи осмон олтиндан ишланган бўлиб, бу ерда Муҳаммад (с.а.в.) Исмоил, Исҳоқ, Ҳорун ва Лут пайғамбарлар билан учрашадилар.

Олтинчи осмон сидирға зумраддан ишланган. Пайғамбаримиз Мусо алайҳиссалом билан бағирлашиб кўришадилар. Мусо пайғамбар қувончдан кўзларига ёш олиб, мусулмонларнинг дину диёнатда чандон илгарилаб кетганликларига дилдан иқрор бўлиб, Расулуллоҳни қизғин табриклайдилар. Бу қутлуғ осмон айвонида жаноб пайғамбаримиз Нуҳ ва Идрис пайғамбарлардан дуо оладилар. Кўплаб осмон ғаройиботлари ва ҳодисаларидан воқиф бўладилар.

Еттинчи осмон. У нурдан бунёд топган. Расулуллоҳ Аллоҳ таолонинг қароргоҳи – Арши аълода ҳозир бўладилар. Аллоҳ ва унинг қули ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда Муҳаммад (с.а.в.) умматлари учун беш маҳал намоз жорий этилади.

Пайғамбаримиз еттинчи осмон саҳнида туриб, гўё дунёнинг тагига етгандай бўладилар. Ҳавзи Кавсар, Салсабил булоғи ёнида уч кўркам фариштa Муҳаммад (с.а.в.)га табассум ила учта пиёла тутади: бирида – сут, иккинчисида – асал, учинчисида – май.

Расулуллоҳ сира иккиланмай сут тўла пиёлани фариштa қўлидан оладилар ва ҳузур қилиб ҳўплайдилар. Бу ишлари Тангрига ҳам, Жаброилга ҳам, еттинчи осмон фаришталарига ҳам маъқул бўлади. Сабабки, сут тўла бу пиёла оқлик ва поклик рамзи эди...

ЯРМИ ГЎЗАЛ, ЯРМИ ХУНУК ОДАМЛАР

(Ҳадиси шариф йўлида)

... Шундай қилиб, ярим тунда икки фаришта Покиза одам ҳужрасига қадам ранжида қилиб, ул зоти олийни беозоргина уйғотди ва “Юрғил!” деб ишора қилди. Покиза одам уларга эргашди. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, анча-мунча нохуш манзараларга шоҳид бўлдилар. Ё алҳазар, бу не кўргилик эди: бир ерга борсалар, бир киши чалқанча ётибди, иккинчи бир киши қўлидаги муштдай тош билан унинг бошига урмоқда, калласини мажақламоқда...

Покиза одам ҳайрат ила ёқа тутиб:

– Субҳоналлоҳ, бул кимдур? – деб сўради.

Ҳамроҳлари бепарво эди.

– Юрғил, кетдик! – дейишди.

Яна йўлга тушишди. Бир жойга борсалар, бир киши чўзилаб ётибди. Тепасида тик турган киши қўлидаги темир чангак бирлан унинг икки лунжини бурнидан то кўзига қадар такрор ва такрор шилиб, терисини тескари қилиб қўймоқда...

Раҳмдил Покиза одам бу кўргиликдан таажжубда қолиб:

– Субҳоналлоҳ, бу нимаси? – деб сўради.

Икки фаришта ул жанобни яна йўлга бошлади:

– Юрғил, кетдик!

Яна кетишди.

Йўлда тандирга ўхшаш бир чуқурликка дуч келишди. Унинг ичидан додвой овозлари қулоққа чалинар эди. Ул ерда қип-яланғоч эркак ва аёллар аланга ичида жизғанак бўлиб ёнмоқда эдилар.

Покиза одам гўлахдай чуқурликда ёнаётганлар фарёдига чидаёлмай бошлаб бораётган ҳамроҳарига умидворлик назари билан қараб:

– Субҳоналлоҳ, бул кимлар? – деб сўради.

Ҳамроҳлари ул кишини яна йўлга бошлашди.

– Юрғил, кетдик!

Юра-юра, суви қон ранги янглиғ бир дарё бўйидан чиқиб қолдилар. Сувда бир киши зўрға сузиб юрибди, қирғоқда эса бошқа бир киши олдига тош тўплаб ўлтирибди. Шунда дарёдаги киши зўр-базўр қирғоққа сузиб келиб, оғзини очиб эрди, қирғоқдаги киши унинг оғзига тош солиб қўйди, кейин ул қайтиб сузиб кетди. Сўнг яна қайтиб келиб эрди, қирғоқдаги кимса яна оғзига тош солиб қўйди. Бу ҳол бир неча карра такрор бўлди...

Сал нарида бундан ҳам даҳшатлироқ манзара содир эди. Афт-ангоридан ҳатто кўзгу ҳам нафрат қилгудек бир баднамо одам уларга рўпара келиб қолди. Ул олдидаги оловни ҳар тарафидан пуфлаб, алангалантираётган эди. Бу баднамонинг кимлиги ҳам Покиза одам учун сирлигича қолди. Ҳамроҳлари шошилтириб:

– Кетдик, юрғил! – дейишди.

Улар юра-юра кумуш ва олтин ғиштлардан бунёд этилган улкан ва гўзал бир шаҳарга кириб бордилар. Шаҳар аҳлининг қиёфаси ажабтовур – ярми гўзал, ярми хунук эди...

Покиза одам узун тун давомида йўл бошлаб юрган фаришталарга илтижо ила боқиб:

– Сизлардан бир ўтинчим бор, – дея сўради. – Бул кеча давомида камина жуда ажиб нарсаларнинг гувоҳи бўлдим. Аммо бари жумбоқ бўлиб қолди. Кўрганларимни тушунтириб берингиз!

Фаришталар рози бўлишди.

– Яхши. Биз сенга бу хусусда хабар бергаймиз. Эшит бўлмаса...

– Боя сен кўрган боши тош бирлан мажақланаётган киши, – деди Покиза одамнинг ўнг тарафида турган суқсурдай чиройли фаришта, – аввалларида Қуръон тиловат қилиб юрган, кейин ташлаб қўйган ҳамда фарз этилган намозларини ўқимай, ғафлат босиб, ухлаб ётган кимсадур. Лунжини бурнидан то кўзига қадар шилишаётган киши эрса, уйдан чиқиб нуқул ёлғон сўзлайдиган кишидур. Бу бадбахт одамнинг ёлғонлари, ҳатто уфққа қадар таралгандур.

Гапни иккинчи фаришта – Покиза одамнинг сўл тарафида турган фаришта давом эттирди:

– Ўзинг шоҳид бўлган тандирга ўхшаш чуқурдаги яланғоч эркак ва аёллар зинокорлар эрди. Дарёда сузиб юриб тош ютаётган одам хусусига келсак, у ул дунёда ашаддий порахўр бўлган. Ёнаётган оловнинг чор тарафидан зўр бериб пуфлаётган, афт-ангоридан ҳатто кўзгу ҳам ҳазар қиладурғон кимса эрса жаҳаннам гўлаххонасида ўт ёқувчиларнинг бошлиғидур.

Покиза одам фаришталар жавобидан қониқиш ҳосил қилиб, бошлари тепасида соя солиб турган улкан дарахтга, баҳор нафаси уфуриб турган ҳудудсиз сўлим боғга, кумуш ва олтин ғиштлардан бунёд топган гўзал шаҳарга, ундаги ярми гўзал, ярми хунук одамларга разм солиб, улар қисмати ҳақида сўрамоқчи бўлиб турган эди, ўнг қўл тарафида турган, сухандон фариштанинг ўзи гап бошлаб қолди:

– Улар яхши амалларини ёмон амаллар билан қориштириб юбориб, гуноҳга ботган бандалардур. Шу боис уларнинг ярми гўзал, ярми хунук бўлиб қолган!

Покиза одамнинг уларга раҳми келиб:

– Тангрим кечирувчидир. Ғазабидан кўра Раббимнинг раҳмати чандон устундир. Бу марҳуму марҳумаларнинг гуноҳларини Оллоҳ таолонинг ўзи мағфират қилғай! – деб юзига фотиҳа тортган эди... уйқудан уйғониб кетиб, руҳлари чандон равшан тортди ва жойларидан қушдай енгил учиб турди...

***

Ислом оламида шундай бир табаррук ақида бор: яхши туш – Тангри шафоатидан, ёмон туш – шайтон васвасасидан дейилади. Кимки яхши туш кўрса, уни фақат ўзи яхши кўрган одамларга айтсин; башарти нохуш туш кўрса, уч бор чап елкаси оша тупуриб қўйсин-да, тушни ҳеч бир кимсага

айтмай, уни пинҳон тутиб, Оллоҳдан паноҳ тиласин. Шундай қилса, – дейилади Ҳадиси шарифда, – кўрган туши ул бандаи мўминга зарар келтирмайдур...

Узоқ мозийнинг шаҳодат беришича, ўшанда Покиза одам жаноб Муҳаммад алайҳи васаллам тушларида кўрган ярми гўзал, ярми хунук бандаларнинг ёзуғини бамдод намозидан сўнг ўз шогирдлари даврасида сўзлаб берган эмиш...

***

Ушбу ўқиганингиз Покиза одам тимсолида, яна аниқроғи, Ҳадиси шариф йўлида битилган мўъжазгина битикда тушда воқиф бўлган ярми гўзал, ярми хунук бандалар саргузаштини ҳолба-қудрат баён этдим. Бу уринишлардан ягона тилак шуки, ҳеч бир бандаи мўмин тириклигида зинҳор-базинҳор йўлидан янглишмасин: яхши амалини ёмонликка, эзгу орзуини беҳуда ишларга алмашмасин. Яхшилик билан бошланган орзу-ҳавас яхшилик билан тугаши керак. Акс ҳолда, хом сут эмган одамзот юқорида зикр қилинганидек, ярми гўзал, ярми хунук зинокор бандалар ҳолига тушиб қолиши ҳеч гап эмас!

ОЙДА ЮРГАН ОДАМЛАР

Одамзотки бор, киндик қони томган ерда собит туриб, боши узра чарақлаб турган Ойга ҳавас билан боқади, уни қачонлардир забт этиш хаёли билан яшайди. Бу ҳавас инсоннинг ўзи қадар абадий ва сўнмасдир...

1969 йил ёзида Ойда юрган Амриқо фазогирларини ногаҳон телевизор экранида кўриб қолдим: “Бу – инсониятнинг буюк ғалабаси!” дея ҳаяжондан беихтиёр чапак чалиб юбордим.

Шу-шу, астронавт Нейл Армстронг ҳақида кўп ўқидим, изландим. Жаҳон матбуотида босилган ҳар бир хабардан иложи борича хабардор бўлиб бордим.

Ахири, изланишларим хайрли якун топди. Бу орада, насроний Нейл мусулмон Абдуллога айланди. Яқинда битикларимга сўнгги нуқтани қўйдим...

***

... Флорида шаҳарчасига яқин фазогирлар космодромидан кўкка парвоз қилган “Аполлон – 2” кемаси 102 соату 47 дақиқа деганда Ой юзига юмшоққиа келиб қўнди. Кема эшиги оҳиста очилди. Тўққиз поғонали зинапоядан Инсон аталмиш мавжудот бир-бир оёқ босиб, Ойга қадам қўйди!

Ажаб! Бу – чин мўъжиза! Дунё-дунё бўлиб одам боласи киндик қони тўкилган заминдан ўз ихтиёри ила ажраб, ҳали Ойга қадам қўймаган эди. Ойга илк қадам қўйган инсон мусулмон ё насроний, қай бир жамият ёки тузумга дахлдор бўлмасин, Ойнинг забт этилиши одам ақл-заковатининг буюк тантанаси эди!

Кема зинапоясидан Амриқонинг уч фуқароси – олдин Нейл Армстронг, унинг ортидан дўстлари Эдвинг Олдринг ва Мишел Колинс Ойга қадам қўйдилар.

Ойда юрган одамлар эришган ғалабаларидан ҳаяжон ила Ерга тантанавор овоз бердилар:

– “Бургутлар Ойга қўнди!”

– “Эшитаяпсизларми, ойдан гапираяпмиз! Биз Ойда юрибмиз!”

– Тасаввур этиш қийин: Ойда инсон қадами... Ой қайда-ю, Ер қайда!

Бу чўпчак эмас, афсона ҳам эмас. Қаламга олган битикларим бари – ҳақиқат!

Жаноб Нейл Армстронг бағри бутун, сарбаланд одам бўлиб чиқди. Ойда содир бўлган мўъжизалар унинг кўзини очди, фикрини равшан торттирди: беҳудуд Ой саҳнида ҳаловатбахш куй тараларди. Эшитиб, фазогир бундан лол қолди:

“Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ...”

“Аллоҳу акбар... Аллоҳу акбар!..”

Жаноб Нейл Армстронг янграётган бу оҳангдан аввалига сесканиб кетди, кейин аста-секин ундан ҳаловат ола бошлади.

“Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ...”

Фазогирнинг парвоз муддати тугаб, кўзлаган дастури тугал битиб, омон-эсон Ерга қайтди. У қисқа фурсатда шон-шуҳратга ботиб кетди.

Орадан ўн тўрт йил ўтди. Фазогир ҳамон чапак, олқиш остида энтикиб-энтикиб нафас оларди. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлганидек, унинг ниҳояси ҳам бўлади. Бироқ бу жайдари фалсафанинг жаноб Нейл Армстронгга дахли йўқдай эди. Сабабки, улар Ойга парвоз этганидан ҳам зиёдроқ шавкатга, беадад шон-шарафга муяссар бўлиб бормоқда эди...

1983 йил келди. Февраль ойининг ўрталарида жаноб Нейл Армстронгни Ислом оламига – Мисрга, тўғрироғи, мусулмонларнинг улкан халқаро йиғинига таклиф қилишди. Бу ерда аркони давлатнинг хос мулозимларидан тортиб, синчков журналистларгача ҳозиру нозир эдилар: мулоқот, савол-жавоб, чапак, олқиш... Маросимнинг охири кўринмасди. Шундай ҳаяжонли дақиқада жаноб Армстронгнинг ўтирган жойида ногаҳон ранги оқариб, ғалати бир ҳолатга тушиб қолди: очиқ эшик ва деразалардан худди Ойда эшитганига монанд дилкаш, мафтункор бир оҳанг ичкарига оқиб кела бошлади:

“Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ...”

Жаноб Нейл Армстронг безовта бўлиб, ўрнидан беихтиёр туриб кетди:

– Жаноблар, бу ахир қанақа мусиқа бўлди? Буни мен Ойда эшитган эдим-ку!..

– Бу мусиқа эмас, жаноб, бу – азон... – дейишди унга.

– Азон дейсизми? – Ҳайрон бўлиб сўради у. – Мен буни Ойда эшитган эдим... азон денг-а?!

– Ҳа, азон. Жомеъ масжидида ўқилаётган азон. Аллоҳнинг қудратини бутун коинотга эълон қилувчи азон. Илоҳий даъват бу!

Жаноб Нейл Армстронг анчагача гарангсиб ўтирди. Охирида ҳаммани ҳайратга солиб, бурро тилда деди:

– Бу овозни Ойга илк қадам қўйганимда эшитганман. Ўшанда аввалига шундай сесканиб, ғалати бўп кетганман. Кейин оҳанг аста-секин бағримга сингиб, ундан ҳаловат топа бошлаганман. Яна эшитгим келаверган, келаверган... Буни ўн тўрт йилдан бери ҳеч кимга айтмай, сир тутиб юргандим. Бу гуноҳим учун Аллоҳ мени кечирсин!

Йиғингоҳнинг нақ қапталида, Жомеъ масжидида ўқилаётган азон оҳанглари жаноб Армстронг ўтирган кошонага ҳамон баралла оқиб кирмоқда эди:

“Аллоҳу акбар, аллоҳу акбар. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ...”

Фазогир ҳаяжонини босолмасди. У ҳар бир калимаси бағрига сингиётган азон сўзларини тили гоҳ қовушиб, гоҳ қовушмай такрорлай бошлади:

“Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар...”

Жаноб Армстронг юзига фотиҳа тортиб, сўзига якун ясади:

– Кўриб турибсизларки, жаноблар, бугундан эътиборан мен мусулмон бўлдим. Исми шарифимни ҳам бугундан бошлаб мусулмонча атагумдир – Абдуллоҳ! Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ!... Гувоҳлик бериб айтаманки, ягона Аллоҳдан бошқа тангри йўқ. Камина фақат Аллоҳга сиғинаман!

... Халқаро йиғин якун топиб, жаноб Нейл Армстронг хайрлашишга чоғланаётган пайтда кимдир олдинроққа силжиб, қўл кўтариб овоз берди:

– Жаноб Армстронг, сўнгги савол... марҳамат қилиб жаоб берсангиз, илтимос. Бошқарган кемангиз дарчасидан дунёдаги шаҳарларнинг кўпини кузатгансиз... Айтингчи, оламдаги шаҳарларнинг қай бири фазодан кўркамроқ кўринди кўзингизга?

Жаноб Нейл Армстронг хушнуд жилмайиб, жавобдан олдин савол берган кишини ҳазиломуз сўроққа тутди:

– Кечирасиз, жаноб. Касбингизни билсам бўладими?

– Хорижий элчихона ходимиман. Оддий маслаҳатчи...

– Бу хил саволни оддий маслаҳатчидан эмас, аслида синчков журналистлардан кутган эдим, – деди кулиб фазогир.

– Ноқулай бўлса, узр сўрайман...

– Йўқ, узр сўраб ўтирманг, жавоб бераман. Жаноб, айтинг-чи, асли қаерликсиз?

– Бухоройи шарифданман.

– Нега шариф? – Қўққисдан сўраб қолди жаноб Нейл.

– Шарифлиги учун бу муқаддас шаҳарни шариф деб аташган!

Жаноб Нейл Армстронг бир лаҳза тин олиб, элчихона ходимига унсиз қараб турди.

– Энг тўғри жавоб, – тан бериб деди ажнабий. – Шарифлиги учун ҳам шариф деб аташган. – Кейин ҳаяжондан энтикиб, сўзида давом этди. – Билишимча, мусулмон мусулмонга чин сўзламоғи фарз. Кўксимда узоқ йиллик бир сир бор. Бу мўъжизани ўн тўрт йил олдин фазода кўрганман, ўшанда Тангри карoматига қойил қолганман. Келинг, бугун мусулмон бўлиб, мусулмонлар олдида шу сирни мусулмонона ошкор қилай. Аввало,

саволингизга жавобим шуки, жаноб, бир ҳисобда бари шаҳарлар ҳам кўркам, чиройли, салоҳиятли кўринади фазодан. Бироқ парвозда бўлганимда бир қатор муқаддас шаҳарларнинг чиндан ҳам муқаддас эканлигинини қайта кашф этдим, десам муболаға бўлмас. Мен шоҳид бўлган салоҳиятли бу мусулмон шаҳарлари чиндан ҳам кеча-кундуз ўзидан нур таратиб, шуъла сочиб турар экан. Масалан, Макка, Мадина, Бухоро... Билмадим, бу ёлқин ислом нурими, ё... Ҳа-ҳа, гапларим чин, ишонинглар, жаноблар. Бу уч муқаддас шаҳарга боргим бор. Буни Ойда юрганимда Тангри кўнглимга солган...

Гулдурос қарсакдан кошона титрагудек бўлиб кетди. Одамлар Ойни забт этиб қайтган ва чин мусулмон раъйини тутган жаноб Нейл Армстронгни олқишламоқда эдилар!

Халқаро йиғин иштирокчилари ташқарига чиқиб, Жомеъ масжиди томон шошилдилар. Улар орасида жаноб Нейл Армстронг... айни пайтда исми шарифи – бандаи бўмин Абдуллоҳ ҳам бор эди. У чин мусулмон калимасини такрорлаб, Холиққа илтижо қилиб, пичирлаб борарди:

– Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ!..

СЕН ТУҒИЛГАН КУН

Умидим улким, умидингга етгайсен!

Алишер Навоий

... Бугун – сен туғилган кун. Хотирангда бўлса, уч яшарлигингдан бери сен билан ҳар таваллуд кунингда мусоҳаба қилиб келаман. Бугун биринчи мучал кунинг. Хўш, фарзанди содиқ, хоҳиш-иродангни очиқроқ қилиб, менга айт-чи, келажакда ким бўлиш тилагида юрибсан?

Невара тиз чўкиб, бобосига таъзим қилади.

– Тилагимнинг чеки йўқ, бобожон. Сизнинг “Энг яхши ибодат – илм олмоқдир” деган ўгитингиз мен учун ҳамиша дастур. Шу-шу, мен илм олмоқ ибодатини канда қилмай келаман, бобожон!

– Бу ишинг яхши, – дейди бобо неварасининг бошини силаб. – Илм олмоқ фарз. Бироқ қайси бир касбу ҳунарга майлу иштиёқинг баланд. Шуни билмоқчиман.

– Шуниси мавҳумроқ, қай бирини танлашга юрагим дов бермай турибди, бобожон.

– Шуни анчадан бери пайқаб юрибман-да, болам. Иккиланишингга энди фурсат қолмади. Аниқ бир касбни танлаб, боқий амалга иштиёқ қўядиган ёшга етдинг. Шу боис сени ҳузуримга чорлатдим. Яқинроқ кел, сенга айтар анча-мунча тилакларим бор.

Невара бобосига яқинроқ сурилиб ўтиради, икки қўлини кўксига босиб, ўгитларига қулоқ тутади.

– Қулоғим сизда, бобожон. Гапларингизни жон қулоғим билан тинглайман.

– Аввало, айтар гапим шуки, мен сени зўр, билағон олим бўлишингни истайман. Бундай дейишимга боис шуки, тепамиздаги юлдузлар бутун коинотни нурафшон этганидек, орамизда камсуқумгина бўлиб юрган олимлар ҳам бутун оламга кўрк бағишлайдилар. Олимлар бўйнидаги ана шундай оғир юкни улғайганингда кўтаришга қодирмисан? Нега ер чизиб, жим қолдинг? Бу тилагимнинг уддасидан чиқолмаслигинг ҳам мумкин. Биламан, илму маъруфга шаштинг андак пастроқ. Ҳеч нарсага зўраки ҳавас билан эршиб бўлмас. Ёшликдан нимага иштиёқ қўйсанг, қайси ҳунарнинг этагидан тутсанг, охир-оқибат ўша бўлади.

Невара бобоси олдида бошини хам қилиб, индамай қолди. Илму маърифатга ҳаваси сустлигига ўзи ҳам иқрор, чоғи...

– Эй, фарзанди қобил, шоири даврон бўлиб етишувингни анчадан бер истаб юрибмен. Хўш, сен бу орзуимга не дейсан? Афсус, чайналиброқ берган жавобингдан англадимки, сендан дилимдагидай шоири даврон чиқиши даргумон. Сабабки, айтар ва ёзар сўзларинг бари ўртамиёна – на мўътабарлик бор уларда, на мухтасарлик.

Навоий ҳазратлари сенинг ёшингда неча минг мисра шеърни ёд билганлар. Биласанми, Лутфийдек буюк зотни лол қолдирган “Оразин” шеърини битганларида Алишер ҳазратлари бор-йўғи етти ёшда эдилар:

Оразин ёпқоч кўзимдин тўкилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач қуёш.

– Ҳақ гапни айтдингиз, бобожон. Қанча уринмайин айтар ва ёзар сўзларим чўзилиб кетаверади.

– Қисқалик – иқтидор рамзи. Беҳуда сўзамоллик, бу – қусур, агар билсанг. Машраб ҳазратлари айтгандай: “Минг маънини бир нуқта била мухтасар этган” шоиргина элда эъзоз топади.

Неварасига бобонинг панд-насиҳатлари маъқул тушади, кўзлари чақнаб кетиб, илтижо билан дейди:

– Зеҳним сиз қўйган талаб даражасида эмас, чоғи...

– Эй фарзанди шодумон, машҳур шайх бўлиб етишувинг орзусида эдим, агар билсанг. Бунга ўзинг нима дейсан? Мужмал жавобингдан қонмадим. Тўғри, сендан машойих ҳам чиқмаслиги мумкин. Сабабки, машойихлар дунё қисматини олдиндан башорат қилгувчи “Ашаран мубашшара” даражасига етган билағон жируллоҳ зотлардир. Ҳатто жаннат эшигида турган соқчи малойикалар ҳам машойихлар иззат-икромини бошларидан юз чандон баланд тутиб, ул мўътабар зотларни ичкарига навбатсиз киритар эканлар. Шунақа ривоят бор...

– Эй, фарзанди фозил, – деди бобо яна сўзида давоб этиб, – фаҳми ожизимча, сендан номдор чавандоз ҳам чиқмас. Сабабки, кеча майдонда устозинг билан қилган машқингни зимдан кузатиб туриб, иштиёқинг нечоқлик сустлигига иқрор бўлдим. Абжирлик етишмайди. Эгарда ўтиришинг, отдан отга сакрашларинг, отни йўрттира туриб минишинг ўтиришмади, тўғриси, ноўхшов.

Абжирлик йўқ, болам. Не касбу ҳунар бўлмасин, барига иштиёқ, фақат иштиёқ ва майл керак, болам!

Алалхусус, энди сенга айтар сўнгги бир тилагим қолди. Билдимки, сендан аллома ҳам, шоиру даврон ҳам, машойих ҳам, таниқли чавандоз ҳам чиқмаса чиқмас, майли, бироқ бу фоний дунёдан бобом, ота-онам боқий оламга рози бўлиб кетсинлар десанг, етти аждодимиз ҳаққи-ҳурмати, сен чин мусулмон бўл, укдингми, чин мусулмон бўл. Унутма: чин мусулмон дегани – чин Ислом дегани! Биласанми, ислом дегани нима? Бобокалонимиз Навоий ҳазратлари Ислом моҳиятини мўътабар ва мухтасар қилиб, ҳарфма-ҳарф мана шундай таърифга солганлар:

И – иттифоқ
С – садоқат
Л – латофат
О – оқибат
М – муҳаббат

Буни ҳамиша ёдда тут. Агар бу қутлуғ битикни қалбингга жо қилиб ололсанг, қадамингни ҳидоят сари покиза қўйсанг, қўлингни ҳамиша ҳалол тутсанг, шавкатинг сира сўнмайдир. Яна элингга Иттифоқ бўл, Саодати-ла яша. Сени кўрганлар Латофатли, бунчалар Оқибатли инсон экан, бу йигитга Муҳаббат қўйиб, бемалол ишонса бўлади, десинлар. Ҳар гал сени кўрганда яхши одамлар дуога қўл очиб: “Шундай оқибатли фарзандни дунёга тортиқ қилган ота-онасига раҳмат!” – дея, шаънингни улуғласинлар.

Ана буни чинакам улуғлик деса бўлади!

ПУБЛИЦИСТИКА

(1995-2005 йиллар)

АЖДОДЛАР НИДОСИ

I

Улуғ юртдошимиз Абдурауф Фитратнинг “Темур сағанаси” асарида Соҳибқирон тилидан айтилган, кишини ларзага соладиган, мудроқ одамни ҳушёр торттирадиган мана шундай битиклар бор:

“Мен сизларга кўп нарсаларни қолдирдим. Не бўлдики, бу замонларнинг шарафли ва жасур миллатининг авлодлари ҳозир бошқа бир миллатнинг зулми остида қолмиш. Кимлар боғ-роғларимнинг қушларини қувмоқда?...

Сизлардан талаб этаюрмен:

– Қалқингиз!

Сизларга амр этаюрмен:

– Қалқингиз!

Бобокалонимиз Амир Темур дафн этилган қутлуғ сағанадан ногаҳон нидо чиқади: “Ўлкамизни тузатингиз, авлодларнинг ҳур яшашини таъмин этингиз. Агар шундай қилмасангиз, ўлкамиз буюк бир мозорлик ҳолига клажакдир!...”

Дарвоқе, буюк бир ўлка узоқ давом этган истилодан жар ёқасига келди. Қизил империянинг вабо юққан оч кўзлари энди сўнгги манғит амирлигига – Бухоройи шарифга қадалиб қолган эди. Шаҳристоннинг Кампирак деворлари ортида рус жангарилари Элиава, Бройдо, Аксельрод, кейинроқ эса Фрунзе ва Куйбишевнинг айғоқчилари изғиб юришарди.

Ўшанда Бухоро тахтида охирги ҳукмрон Саййид Амир Абдуллаҳадхоннинг ўғли Амир Саййид Олимхон ҳукм сурарди. Бугун-эрта содир бўлажак босқиндан амир хабардормиди ёки ўша даврдаги большевик манбаларида битилганидек, “Боши аёллар ҳарамхонасига тиқилиб, бутун хаёли хосхоналардаги сулувлар билан бандмиди?”

Бугун амирнинг алғов-далғовли ҳаёти, турмуш тарзи, зурриётлари, талон-тарож бўлган мол-мулки хусусида андак фикр юритамиз.

II

... Нилий осмон гумбазига елка тутиб турган миноралар ортида ногаҳон қаттиқ портлаш юз беради. Фуқаро тонгда туриб билсаки, Колесов деган жангари Бухорога қарши уруш эълон қилибди. Бухоролик мусулмонлар Когон яқинида кечган урушда ғалаба қозонадилар. 1918 йилда ғолиблар ва мағлублар ўртасида сулҳ тузилади.

Ленин ва Троцкий фармонига биноан Бухорога Элиава ва Бройдо етиб келишади, ғолиб амир билан музокаралар олиб бориб, Бухоро давлатининг тўлиқ мустақиллигини тан олишади. Бироқ большевикларнинг ҳар хил

ғайриқонуний найранглари амирнинг кўзини очади. Масалан, руслар икки давлат ўртасидаги дўстлик рамзи сифатида Бухорога ўнта ўқсиз замбарак (эътибор беринг, ўқсиз замбарак!) совға қилиб юборишади. Советларнинг Бухородаги элчиси Аксельрод тумшуғини амирлик ишларига ҳадеб суқаверади. Масковга, Ленин ва Троцкий ҳузурига жўнатилган амирлик вакиллари – генерал Маҳдихон, полковник Ҳожи Жўрабек, Ғайбуллахўжа ва Ҳожи Мирзолар кетганича – ортга қайтмай бедарак кетишади. Руслар қўлга тушган Бухоро фуқароларини ҳуда-беҳуда қамайверишади. Ишқилиб, улар уруш эълон қилишга баҳона излашади...

Шундан кейин кўҳна Бухорода ҳам жанговар ҳаракатлар бошланади: туман-туман кўнгилли лашкарлар тузилади; Когон станцияси мудофааси ташкил этилади; Хоразм ҳукумати билан битим тузилиб, Бухоро амири бирлашган қўшинлар қўмондони деб тан олинади. Икки қўшни давлат большевикларга қарши биргаликда курашишга аҳд қилишади.

Афсус, амирнинг қисман ён бериб, уруш чиқармаслик учун большевиклар билан олиб борган тадбирлари фойда бермайди. “Улар ҳеч қандай уруш эълон қилмай, худди йўлтўсар қароқчилар сингари тунги соат 11 да соқчиларга ҳужум уюштиришди, – ёзади Амир Олимхон ўз хотираларида. – Бу ҳодиса ҳижрий 1339 йил зулҳижжа ойининг 5-куни (1920 йил 27 августда) рўй берди. Бу жангда 150 қизил армиячи асир олинди. Большевиклар ҳужумни давом эттиришди ва тунги соат 2 да Бухоро йўлида қўшинларнинг катта гуруҳини тўплашди. Улар ўзларининг броневик ва бронепоездларида олдинга ҳаракатланиб, бир пайтнинг ўзида замбараклардан ўқ узишди. Тез орада 7 аэроплан Бухорони бомбардимон қила бошлади. Яратганнинг иродасига бўйсуниб, шаҳарни ҳимоя қилиб, ўз қўшинларим билан жангга кирдим. Кетма-кет тўрт кечаю кундуз жангу жадалда бўлдим. Бу жанглар пайтида душман замбарак, пулемёт, аэропланлар ёрдамида Бухоронинг ярмини ёндириб, кулини кўкка совуришга ва кўп халқни ҳалок этишга муваффақ бўлди. Чорасиз қолган мусулмонлар, аёллар ва болалар шаҳид бўлган яқинлари учун кўз ёш тўкишарди. Ваҳимага тушган аҳоли шаҳарни тарк этарди.

Бутун ўтган вақт мобайнида мен ёлғиз ёрдамдан умидсиз бир ҳолда курашни давом эттириб келдим. Бироқ замбараклардан ўққа тутиш кучаяётгани, қурбонлар сони ортаётгани, уй-жойлар вайрон бўлаётганини кўриб, бундан кейинги вайроначилик ва одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш учун шаҳарни тарк этишга қарор қилдим. Менинг Бухоройи шарифдан жўнаб кетишим урушга чек қўйиши мумкин, деб ўйладим.

Чоршанба куни тушдан кейин, соат 4 да машинага ўтириб, Оллоҳнинг марҳамати ёғилган, Пайғамбар алайҳиссалом ибратига мувофиқ шаҳарни тарк этдим...”

Амир Саййид Олимхон тўрт кечаю кундуз уруш бошида туриб жанггоҳни ўзи бошқарган. Кучлар нисбатан тенг эмас эди. Кремль дарчасидан Бухоро олтинларига доҳиёна кўз тикиб турган Ленин Польша фронтидан шошилинч олиб юборган авиация – аэропланлар Бухорода уруш тақдирини большевиклар фойдасига ҳал қилади. Қирғин-барот жангда кўп

қон тўкилди. Аэропланлар шаҳарда пастлаб учиб, Бухоро қалъасини ўққа тутди, шаҳристоннинг дунё аҳамиятига молик энг муқаддас иншоотларини, қадимий обида ва ёдгорликларини яксон қила бошлади. Баъзи маълумотларга қараганда, аҳолининг учдан бир қисми ўшанда нобуд бўлган. Кўркам шаҳар қузғунхонага ўхшаб қолади...

Бухоро жанги қисқа, аёвсиз, гуноҳсиз фуқаро қони билан кечган. Қуролли жангчига қуролсиз жангчининг ташланишини Файзулла Хўжаев шундай таърифлайди:

“Қўлида таёқ ва оғзида пичоқ тутган ҳолда тўппа-тўғри пулемётчиларимизга ташланишарди”.

Инглиз разведкачиси майор Блейкер таъкиди:

“Броневиклар кўча тўла одамлар устидан бостириб ўтиб, ҳаммаёқни қип-қизил қонга булғар эди...”

Эҳ, бичиб-тўқилган ёлғон-яшиқларинг йўқ бўлсин-да, шўрлик шўро! Нимаики деган бўлсанг, барига ишониб юрибмиз-а! Нима эмиш: “Қочоқ амирнинг уст-боши қаландарона, оёқ яланг, жулғунди, очликдан силласи қуриб, Қобул кўчаларига кириб боради...”

Ҳамон хотирлаймиз: ўрта мактабда шу гап, олий ўқув юртида шу гап, китобларда, маърузаларда шу гап, кино тасмаларида шу аянчли тасвир...

Буёғи қизиқ: салтанатдан ҳайдалган қочоқ амир афғон амири Омонуллохон ҳузурига кириб боради, унинг пойига худди тиланчидай ўзини ташлайди.

– Бирор емишлик буюринг, Онҳазрат! – дея зорланади. – Очликдан силлам қуриб, адои-тамом бўлдим-ку!...

Бир куни амир ўтирган ҳужранинг томини қор босибмиш. Қорни тозалаш амирнинг қўлидан келмайди, бировни ёллай деса, чўнтагида ҳеч вақоси йўқ эмиш. Китобда битилишича, кимдир қорни кураб тушади, кейин ҳақини талаб қилади. Амир ўйлаб-ўйлаб қўлининг аллақайси бир бармоғида ботиб қолган энг сўнгги мулки – қатимдай узугини суғуриб, унга беради. У худди кўксини суғуриб бераётгандай шўр қисматидан нолиб, ўксиб-ўксиб бўзлармиш!..

Етмиш йил “марказ” қутқусига учиб, субутсиз кимсаларнинг шу бебурд сўзларига ишониб келибмиз-а!

Аслида воқеа мана бундай бўлган...

Амир Ғиждувондан чиқиб, Бухоро давлатининг шарқий қисмидаги Ҳисор шаҳрида ўрнашади. Бу қароргоҳда олти ой яшайди. Кейин Кўлобга кўчади. Курашни бир дақиқа ҳам бўшаштирмайди. Қўшинлар қўмондонлигига Иброҳимбек Девонбеги ва Давлатманд Девонбегини тайинлаб, ўзи музокаралар олиб бориш учун Афғонистон пойтахтига отланади. Афғон чегара бўлинмаси қўмондони 160 аскардан иборат фахрий қоровулни бир сафга тизиб, Бухоронинг собиқ амирини кутиб олади. Амирни Рустак шаҳрида 300 аскар пешвоз чиқиб, 11 та тўпдан мушаклар отиб, қарши олишади. Кейин уни Қатағон ҳокими ҳузурига таклиф қилишади. Ҳоким Муҳаммад Акбархон ўғли билан амир йўлига пешвоз чиқади, меҳмон шарафига 21 марта мушаклар отилади. 35 кунлик зиёфат-зарофатдан кейин

Афғонистон амири Омонуллохон шахсий мактуб йўллаб, Амир Олимхоннинг пойтахтга ташриф буюришини сўрайди...

“... Беш юз киши ҳамкорлигида Қатағонни тарк этиб, Қобул сари юзландим, – ёзишда давом этади Амир Олимхон “Бухоро халқи чеккан кулфатлар тарихи”да. – Бир неча кун йўл юргандан сўнг, рамазон ойининг 8-куни (1921 йил) чоршанбада афғонлар пойтахтига етиб келдим. Амир мулки – Қалъаи Муродбек боғи ихтиёримга берилди. У ерда мени амир номидан 10 нафар вазир кутиб олди. Бир неча муддат кейин амир Онҳазратлари мени бир неча амалдорим билан ўз саройига таклиф этди. Ўн ой мобайнида мен афғон ҳукмдорининг меҳмони бўлдим. Сўнг менга ўн икки минг афғон рупийси миқдорида ойлик нафақа берилди.

...Тангрининг иродасига бўйсуниб, Қобулда қолишга қарор қилдим. Менинг тақдиримга доимо эътибор билан қараб келган Афғонистон амири Онҳазратлари Қобулдан 7-8 километр узоқликда бўлган ўзининг Қалъаи Фоту боғи билан саройини совға этди. Ўз таълимотим учун оладиган нафақа 1200 рупийдан 1450 рупийга оширилди”.

Қалъаи Фотуда дастлабки пайтда амир билан Кармана беги Ёвқочбек Мирфаттоҳбек, Шеробод беги Абдулҳафизбек удайчи, Олимхоннинг Англиядаги махсус вакили бўлиб ишлаган Юсуфбой Муқимбоев, амирнинг ҳарбий вазири Иброҳимбек, шунингдек, Бухоронинг Абдуллабек, Аъзамхон каби уддабурро намояндалари бор эди.

Амир истиқомат қилаётган бу қалъа гўё Бухоро озодлиги учун жанг қилинадиган жанговар штабга монанд эди. Бу ерда Бухоро Халқ Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасининг собиқ раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Бухоро Халқ жумҳурияти собиқ молия нозири Носир Ҳакимов, Бухоро Халқ Жумҳуриятининг Афғонистондаги собиқ элчиси Ҳошим Шайх Ёқубов ва Бухоро амирлигининг бошқа талай намояндалари Саййид Олимхон ҳузурига тез-тез ташриф буюриб туришарди.

III

Аслида халқ ҳаракати мана бундай бошланган: амир салтанатни тарк этгач, аъёнлар ичида энг мўътабар саналмиш кишилар майдонга чиқиб, жиҳод учун (дин йўлидаги кураш), юрт озодлиги учун курашга бошчилик қиладилар. Масалан, Нурота тарафдаги халқ ҳаракатига Мулла Абдулқаҳҳор раҳбарлик қилган. Уни Нуротада ҳукамоларнинг вакиллари нон-туз билан кутиб олишган. Саодатманд фуқаро хутба ўқишга қарор қилиб, хутбани ҳукмдор сифатида Амир Олимхон номига ўқишади!

Ўшанда Шофиркон, Ғиждувон, Вобкент, Пешкў ҳудудларида ҳам озодлик ҳаракатлари авж олиб кетади. Мулла Қаҳҳор, Ўрмон полвон, Бозор амин, Ҳайит амин, Ҳамро полвон сингари халқ ўғлонлари майдонга чиқиб, эрк учун жон фидо қиладилар.

Бухоро давлатининг шарқий қисмида 1925 йилгача мустақиллик учун қаҳрамонларча кураш олиб борган Иброҳимбек журъати қизилларни узоқ вақт довдиратиб қўйган.

“Йигирма етти минг кишилик большевиклар қўшини ҳамма томондан ҳужум уюштирди. Қизил қўшин ҳужуми шу қадар кучли бўлдики, жиҳодчилар чекинишга мажбур эди. Иброҳимбек уч юз аскарнинг қуршовида қолди, – ёзади амир ўз хотирасида. – Бешафқат қонли қўл жангидан сўнг у ўзини оти билан Амударёга ташлади, дарёни кечиб ўтиб, афғон қирғоғига етиб олди. Афғонистон ҳукумати бундан хабар топиб, Иброҳимбекни Қобулга таклиф этди. У уч кун мобайнида афғон амирининг меҳмони бўлди. Сўнг унга маълум миқдорда пул ва яшаш учун жой белгиланди.

Иброҳимбек бу совғаларни олмади ва афғон ҳукуматига қуйидаги илтимос билан мурожаат этди:

“Мен – Бухоро хонининг содиқ хизматкорларидан биримен. Менинг ягона истагим ўз валинеъматимни кўриш ва унинг хонадони остонасида умримнинг сўнгги кунларини ўтказиш”.

Афғонистон ҳукумати унга нафақа сифатида ойига 550 қобули рупийси тайин этди...

IV

Ҳарҳолда, ҳечдан кўра кеч яхши. Ўтмиш юки остида қолган ҳақиқат, турғунлик сояси тушган маънавий ва инсоний қадриятлар мустақил мамлакатимизда аста-секин юз очяпти. Бу гаплар Бухоронинг 70 йиллик кечмиши билан ҳам боғлиқ, албатта. Яқинда ЎзР ФА Тарих илмгоҳининг бир гуруҳ иқтидорли олимлари хайрли ишга қўл урдилар. М.Ҳасанов, В.Германов, Қ.Шодиев каби олимлар Бухоро амирлиги ва ундан сўнгги кечмишлар ҳақидаги ҳужжатларни “тилга” солишди: хира тортган қатағон ўтмиш анча-мунча ойдинлашди...

***

... Амир Саййид Олимхоннинг ўғиллари Москвадаги Бухоро Маориф уйига ўқиш учун юборилади. Бу Маориф уйи шахсан Файзулла Хўжаев ташаббуси билан собиқ фабрикант Рябушинский уйида ташкил қилинган эди. Бухоро Халқ Жумҳуриятининг Москвадаги элчихонаси ҳам шу бинода эди. Ўшанда бу Маориф уйида 255 ўғил бола ва 35 нафар қизлар таълим олар эди.

Амир саройи юмушларига дахлдор бўлиб яшаган кексаларнинг хотирлашларича, Саййид Олимхоннинг уч хотинини уч ўғил – Султонмурод, Шоҳмурод, кенжаси Раҳимхон туғилган. Аслида амирнинг расмий никоҳида тўрт хотин бўлиб, уч ўғилдан ташқари, бу аёллардан уч қиз ҳам таваллуд топган (Бу ҳарамнинг ички ҳаётидан аниқ хабардор бўлган кишининг гапи).

Шоҳмурод ўғиллар ичида – акаси ва укасига нисбатан ўзгача фазилатли, чақмоқдай йигит бўлиб улғайган.

Унга бу ёқимтой исмни онаси Мушарлина бегим эридан изн сўраб қўйган дейишади. Бу ном, яъни Шоҳмурод, Аҳмад Донишнинг “Манғитлар сулоласининг тарихи” асарида таъкид этиб ўтилишича, бир юз эллик йил муқаддам Бухорода манғит ҳумдорлигини ўрнатган, уни шакллантирган

ўктам ва иқтидорли амир Шоҳмурод ибн Дониёлбий исмига тақлидан қўйилган. Она жасоратли ва журъатли бўлсин, деб ўғлига шу номни танлаган.

Баъзи манбаларга қараганда, амир ўғилларидан Раҳимхон отаси олдига кетишга қатъий аҳд қилган.

Аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, Раҳимхон чегарада қўлга тушган ва отиб ташланган.

Амирнинг тўнғич ўғли Султонмуроднинг бир оёғи ногирон бўлган. У Москвадаги ногиронлар фабрикасида ишлаган. 40-йилларда қамалган. У ўзига ноҳақ айблар қўйилганлиги учун қамоқхонада очлик эълон қилади ва ...номаълум сабабларга кўра зиндонда ўлиб қолади. Совун заводида ишлайдиган рафиқаси эса бу жудоликни кўтара олмай, иш жойида совун қайнатиладиган катта қозонга ўзини ташлаб, ҳалок бўлади.

Шоҳмурод Олимовнинг тақдири эса тамом бошқача бўлган. 1929 йил 16 июнь куни “Известия” рўзномаси Шоҳмурод Олимовнинг отасига очиқ хатини эълон қилади. “БУХОРО АМИРИНИНГ ЎҒЛИ ЎЗ ОТАСИГА ШУНДАЙ ДЕЙДИ” деган сарлавҳа билан чоп қилинган бу хатга газетасининг мана бу изоҳи илова қилинган:

“Биз ўғилнинг ўз отасига мактубини эълон қилмоқдамиз. Унинг отаси – собиқ Бухоро амири... Бухородан қувиб чиқарилган ота Афғонистоннинг қайсидир бурчагида кўп йиллардан бери мусофирликда яшамоқда. Яқинда у Совет ҳукуматига қарши “фош қилувчи” мурожаатнома эълон қилди. Худди шу вақтнинг ўзида босмачи тўдалари Ғарм шаҳри яқинида бизнинг ҳудудимизга ҳужум қилишди.

Ўғил – Шоҳмурод москвалик рабфакчи. Собиқ ўғил ўз отасининг янги қилиғи тўғрисида унга биринчи ва сўнгги мактубини йўлламоқда. Биз бу хатни... инсоният тарихида камдан-кам учрайдиган ҳужжат сифатида эълон қилмоқдамиз”.

Шоҳмуроднинг “Известия” рўзномасида босилган мактубини “Озод Бухоро” рўзномаси ҳам ўшанда кўчириб босган:

“Мен сенга умримда биринчи ва сўнгги маротаба хат ёзяпман. Мен хат ёзишни, орамизда ҳеч қандай алоқа ўрнатилишини истамаган эдим. Лекин кейинги кунларда юз берган воқеалар мени сенга юрагимнинг қони билан хат ёзишга мажбур этди. 1917 йилда дунё инсоният тарихида биринчи марта икки лагерга бўлинди: капитализм лагери ва социализм лагери.

1918 йил келди. Бу вақтда сенинг крепостной ҳокимиятингда тескаричилик жуда кучайди. Регистон камбағал косиблар ва деҳқонлар қаттиқ зулмга қарши бош кўтаришга журъат этган ва сен ҳукмронлик қилган вақтда бутунлай таланган кишиларнинг қони билан тўлди.

Сен эса айш-ишрат билан машғул эдинг. Ота-ўғил бўлганимиз ҳолда сен билан йилига бир маротаба учрашар, бошқа вақтларда биз уч биродар ўз оналаримиз билан бирга яшар эдик. Сен ўғилларинг борлигини билмас эдинг! Сен уларни англамас эдинг. Лекин онамнинг шикоятлари ҳали эсимда турибди. 1920 йил келди. Бухородаги мустабид, крепостной, ярим мустамлака ва тескаричи ҳокимият қулатилди. Муллаларнинг, бойларнинг

ҳокимияти, сенинг ҳокимиятинг қулатилди. Амир ҳокимияти йўқ бўлди. Унинг ўрнига янги ҳокимият – халқ ҳокимияти келди. Янги ташкил этилган Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти бизларни ўз бағрига олди. У бизларни боқди ва кийинтирди. 1923 йилда бизлар ўқимоқ учун Москвага келдик. Бу вақтга келиб Туркистон шўролари, Бухоро ва Хоразм жумҳуриятлари бирлашиб, Ўзбекистон Шўролар Жумҳуриятини ташкил этдилар. Ўзбекистон жумҳурияти бошқа жумҳуриятлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган ҳолда СССР таркибига кирди. Ёлғиз сенгина эмас, балки сенинг хўжайининг бўлган Русия самодержавияси томонидан ҳам эзилган амир Бухороси тугади. Бухоро янги, бошқа бўлди. Ҳозир у ерда зўрлик ва зулм ўқ, у ерда нодонлик, саводсизлик йўқолмоқда, мактабларнинг сони кўпаймоқда. Батраклар ва меҳнаткаш халқнинг ўн минглаб болалари бу мактабларда ҳар хил илмларни ўрганишмоқда. Большевиклар фирқасининг тўғри раҳнамолиги остида халқ хўжалиги ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Мен олти йилдан буён бутун иттифоқнинг сиёсий ва иқтисодий маркази бўлган Москвада ўқимоқдаман. Мен ишчилар факультетида билим олдим. Бу ерда орттирган ўртоқларим билан бирга ўқиб ва яшаб, катта шўролар жамоасининг аъзоси бўлдим. Мен сени ёмон кўраман. Мен отам йўқ, деб ҳисоблайман ва сенга ҳам ўғлинг борлигини ёдингдан чиқаришингни таклиф этаман. Мен сенинг илгариги ўғлинг эмасман, у янги тил билан гапиради. У ҳур фикрли ва турмушга янгича қарайдиган кишига айланди. Дунё икки лагерга бўлинди. Инқилобий ҳаракат ёлғиз Ғарбда эмас, балки Шарқда ҳам ўсмоқда. Хитой қуллари мустамлакачилик зулмига қарши қўзғолдилар, Ҳиндлар мустақиллик учун интилмоқдалар. Инқилоб ўти бутун ер юзига ёйилмоқдаким, у шубҳасиз алангага айланиб, зиндонларни ёндиради. Мустамлакачилар миллатлар ўртасига нифоқ соладилар, уларни ўз қулларига айлантириш учун алдайдилар... Сен, инидан қувилган тулки Шўролар Тожикистонига ҳужум қилишни, кейин эса мустамлакачи ҳомийларинг ҳимояси остида Бухорога келишни ўйлабсан. Сен шу йўл билан Шўро ҳукуматини йиқитиб, яна амир Бухоросини тузмоқчи бўляпсан. Бу ерда фарқ фақат битта: илгари сен халқни эзиб, топганларингни Русия ҳокими мутлағи билан бўлишар эдинг. Эндиликда эса очофатлиги билан танилган дунё йиртқичи – Англия билан ҳамтовоқлик қилмоқчисан. Лекин сен чучварани хом санаяпсан. Тожикистонда Шўро ҳокимияти яшайди ва яшаяжак. Шўро ҳокимиятини барпо қилиш осон бўлмади. Сендай ифлос, ахмоқ ва дарбадар одам Шўро ҳукуматини осонлик билан йўқота олмайди. Сен 1920 йилда Бухородан қочаётиб, бутун Шарқий Бухорога босмачилик уруғини сепдинг. Ғолиб ишчи-деҳқон қизил қўшини ва кўнгилли аскарлар босмачиларни тор-мор келтирдилар. Лекин босмачи шайкалари шўро тупроғида яна пайдо бўла бошладилар. Бу гал ҳам Қизил қўшин алданган кишилар тўдасини тор-мор қилажак. Шўролар Тожикистоннинг ортида 140 миллион кишилик кучли Шўролар Иттифоқи турибди. Шўролар Иттифоқини Ғарбдаги ишчилар синфи ва бутун мустамлака Шарқи ҳимоя қилади. Булар менинг сенга айтадиган сўнгги сўзларимдир. Сен билан абадий ажралишамиз. Агар ўзим

истамаганим ҳолда тақдир мени сен билан учраштирса, унда сен билан душманларча учрашамиз.

Сенинг собиқ ўғлинг: Шоҳмурод”.

Даҳшат тўла бу хатни “янги тилда гапирадиган ўғил” ўшанда ўз қалб амри билан ёздимикан?! Ўз қўли билан, ўз раъйи билан битдимикан бу очиқ мактубни?! Ё жамиятда ўз ўрнини топиш учун ўғил бошқа йўл йўқлигидан шундай қилдимикан? Бу ёғи ҳозирча бизга қоронғу. Бироқ шуниси аниқки, фарзанднинг ўз падари бузрукворига шу тахлит мактуб битишига ақл бовар қилмайди. Ўғилнинг очиқ ва аччиқ хати яшин тезлигида тарқаб, хорижга, отаси Саййид Олимхон қўлига ҳам етиб борган. Ота рўзномадаги мактубни ўқиб: “Эй, мен билган ва билмаган ғаддор дунё, бу яна не ситаминг эди!?” дея Тангрига тавалло қилиб, фиғон чекканига шубҳа йўқ!

Мактуб ўғилга катта шуҳрат келтиради. Шундан кейин Шоҳмурод ҳарбий инженерлик Академиясига киришга муваффақ бўлади. 1934 йилда академияни аъло баҳоларда тугатади, шу ернинг ўзида ишга олиб қолинади.

Иккинчи жаҳон урушининг илк кунларида Шоҳмурод Олимов фронтнинг олдинги жабҳаларида бўлди. Армия қисмларини сув йўлларидан олиб ўтиш, немис-фашистларнинг бурни остидаги кўприкларни портлатиш, урушнинг энг оғир жойларида жонбозлик кўрсатиш совет офицери Шоҳмурод Олимовнинг кундалик хизматига айланган эди.

Машъум уруш, барибир , ўз ишини қилди: Шоҳмурод Олимов оёғидан жудо бўлди. Қрим остоналарида бўлган шиддатли жангда – кўприкни минадан тозалаш пайтида портлаш юз бериб, у бир умр ногирон бўлиб қолди. У Москвага келтирилди. Касалхонада ётиб, тузалиб чиққач, ўзининг қадрдон академиясига ишга юборилди. Бу пайтда унинг елкасини генераллик погони эгаллаган, кўксини эса Қизил Байроқ ва бошқа жанговар орден-медаллар безаганди.

Амирнинг ўғли ўз қисматини халқ қисмати билан боғлаб яшади. У мамлакат ва халқ учун оғир бўлган дамларда виждонан хизмат қилди. Бироқ Шоҳмурод бошқалардан ўзини хилватда олиб юрар, одамларга нисбатан эҳтиётқорлик билан... йўқ, тўғрироғи, шубҳа билан қарар эди. Атоқли шоир Тошпўлат Ҳамид буни шундай талқин қилган эди: “Москвада олий Адабиёт билимгоҳида ўқиб юрган кезларим Шоҳмуродни излаб бир ўртоғим билан уйига бордим. Шоҳмурод бизни кўрса, худди Бухоройи Шарифни қайта кўргандай бўлиб кетар деб ўйлаган эдим. Қайда, биз бухороликларни кўриб очилмади – совуққина қабул қилди...”

“Амир Олимхоннинг ўғли Шоҳмурод билан Москвада шахсан кўришиб суҳатлашганман, – эслайди узоқ йиллар Бухоро вилояти электр тармоқларида хизмат қилиб келган меҳнат фахрийси Ҳ.Раҳматов. – Бухоро шаҳрида яшовчи дўсти Ўзгариш Ҳамидов (бу йигитнинг ота-онаси амирлик қулади, энди дунё ўзгарди, деб унга Ўзгариш исмини қўйишган экан) билан 1958 йилда Москвага борадиган бўлиб қолдик. Поезддан тушганимиздан кейин Ўзгариш бу шаҳарда амаким яшайди, деб мени бир хонага бошлаб борди. Мезбон яхши кутиб олди. Кечаси Бухороча ош қилдик. Мезбон паловни дамлаганидан кейин қаергадир қўнғироқ қилиб, уйига яна бир меҳмонни

таклиф қилди. Қай кўз билан кўрайки, хонага мен ҳамиша кинода кўриб юрган худди Амир Саййид Олимхонга монанд бир одам кирди. Бу – амирнинг ўғли Шоҳмурод экан...

Буни эслашдан муддао нима? Етмишинчи йиллар эди, фарзандларимдан бири касалликка чалиниб, бўйи ўсмай қолди. Кўрсатмаган докторим қолмади. Охири бир ноёб дорини тавсия қилишди: хориагинин. Хориждан чиқар экан. Биздақа пиёдалар у ёқда турсин, отлиққа ҳам топилмас экан. Шоҳмуродга хат битиб, Москвада шу хил дори топилармикан, деб илтимос қилдим. Бир ҳафтадан кейин дори қўлимга тегди. Болам шу дори шарофатида рисоладагидай бўлиб, ўсиб-улғайди".

...Ким нима деса десин, Шоҳмурод Олимов ўта эҳтиёткор шахс эди. Мана, қизиқ бир воқеа: Киев давлат университети фалсафа факультети битирувчиси Саййид Темур (Афғонистонда таваллуд топган) амакиваччаси Шоҳмуродни Москвага излаб келади. Лекин Шоҳмурод уни совуқ қаршилайди.

– Сен ҳозир бу ердасан, – дейди у, – аммо КГБда аллақачон буни билишади... Тушунсанг-чи, азизим, бу қаттол дунёда сувингни пуфлаб ичганинг яхши!..

Давр ва муҳит уни эҳтиёткор қилиб қўйган эди...

V

ЎзР ФА Тарих илмгоҳи тадқиқотчиларининг маълумотларига қараганда, Амир Олимхоннинг Қобулда, Қалъаи Фотуда туғилган бир этак фарзандлари бўлган. Шулардан бўйи етиб, дадасига суянчиқ бўлганлари – Саййид Умархон ва Саййид Иброҳимбеклар бўлишган.

40-йиллар бошида кун сайин соғлиги ёмонлашиб бораётган Амир Олимхон қандай бўлмасин Бухоройи шарифда дафн этилишини истаб қолади. Уни киндик қони томган хоки-покининг меҳри тортарди. Бухорога боришни сўраб Сталин ва Калинин номига илтижо ила мактублар битади. Амирнинг бари мактубларига Масков рад жавобини берар эди. 1944 йил баҳорида Амир Олимхон дунёдан кўз юмади.

VI

Манғит уруғининг сўнгги ҳукмдори Саййид Олимхоннинг тахтдан кетиши тафсилотлари ҳақидаги юқоридаги маълумотларни ўқиётиб, китобхон хаёлида мана шундай кўндаланг саволлар пайдо бўлиши муқаррар: "Амир ўзи билан қанча бойлик олиб кетди экан? Умуман, салтанат хазинасидан ҳукмдор нималардир олишга улгурдими ёки икки қўлини бурнига тиқиб, Бухородан қуруқ кетдими?"

Бу каби саволлар, шубҳасиз, ҳаммани қизиқтиради. Одамлар орасида амирлик хазинаси ҳақида ҳар хил тахминлар, турфа гаплар, ҳатто ривоятлар юрибди: буларнинг баъзи бирлари ақлга анча-мунча яқин, баъзиси ҳақиқатдан йироқдир.

Амир тахтни тарк этиб, тўғри Ғиждувонга келиб, жафарилик Абдуллабой ҳовлисида бир кеча тунаган, эрта тонгда йўлга чиққан. Амир ортида от ва фойтунларда жуда кўп кузатувчилар бўлгани маълум.

Зарафшон дарёсидан кечув пайти амирнинг ортда келаётган фойтунларидан бири сувда ғарқ бўлади. Худди шу жойда 60-йилларда Шофиркон гидроузели қурилган эди. Буни қарангки, ўша ғарқ бўлган фойтундан тўкилган тилла тангалар экскаватор хокандозига илашиб чиқади. Анча-мунча қисми талаш бўлиб кетади. Ўшанда вилоят ички ишлар бошқармаси мутасаддилари "Олтин танга" операцияси билан бевосита шуғулланган, деган гаплар ҳозир ҳам бор...

Демакки, амир Бухородан чиқаётиб, шу жончиқар тиқилинчда ҳам кўп бўлмаса-да, озроқ бойлик олиб чиқишга улгурган. Дарё кечувидаги "ғарқ бўлиш" воқеаси, йиллар ўтиб ўша хазинанинг топилиши шундан далолат беради.

Яқинда Тожикистонда миллий тилда чиқадиган "Адабиёт ва санъат" газетасида "Амир Олимхоннинг хазинаси қаерда?" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

"Шуни таъкидлаш лозимки, – ёзади рўзнома, – амир ўзининг шахсий мулкини амирлик хазинасидан ажратган эмас. Бу улкан хазина таҳликали 1917 йилда бир неча миллион сўмлик олтинлардан иборат бўлган. Саййид Олимхон бу маблағдан бир қисмини Русия давлати банкидан Оврупо давлат банкларига, шу жумладан, Англия ва Францияга ўтказишни режалаштирган. Муваққат ҳукумат раҳбарлари П.Введенский, Миллер ва корхонадор И.Стахеев омонатларни Русия давлат банкидан олганлар-у, инқилобдан кейин ғойиб бўлганлар. Шу-шу, омонатлардан ном-нишон қолмаган. Бундан ташқари 32 миллион сўмлик омонат олтин ҳам изсиз йўқолган".

Аниқ манбаларга қараганда, амирнинг энг йирик капитали хорижда – Пешовардаги инглиз банкида, Париждаги банкда эса 180 миллион франк пули бўлган.

Бухоро Амири Саййид Олимхоннинг собиқ қушбегиси Усмонбек қизил армия кашшофлари томонидан қилинган сўроқ пайтида амир хазинадан ҳатто бир танга ҳам олмаган, бари тагхонада қолган" деб айтган...

Бухоро амирлигининг хазинаси, сарой захирасининг ҳамма қимматбаҳо нарсалари жой-жойида – чеки-ҳудуди бўлмаган. Манғитлар сулоласининг узлуксиз ўн амир давридаги ҳукмронлиги – чоракам икки аср – шоҳ Раҳимхондан то Амир Саййид Олимхоннинг сўнгги ҳукмронлигигача амирлик хазинаси тўлдириб келинган ва у дахлсиз ҳисобланган. Ҳ.Узоқов, С.Холбоев каби тарихчи олимлар тўғри таъкидлашганидек, урушлар, турли солиқлар ва ўзга мамлакатларнинг инъом-эҳсонлари ҳамда савдо-сотиқ туфайли тўпланган барча бойликлар давлат хазинасига оқиб келаверган, келаверган. Бу оқим миқдоридан на сарой амалдорлари – қозикалон, вазиру вузаролар, на амирнинг оила аъзоларидан ҳеч бир кимса воқиф бўлмаган, бари қаттиқ сир тутилган. Ундан андак воқиф бўлганларнинг қисмати ўлим билан якун топган ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1992 йил 14 август).

Сарой тарихнависларининг битикларига кўра, хазина миқдори ҳеч қачон аниқ бўлмаган.

Бироқ, “Ойна” журналининг 1914 йил 25-сонида (“Фан ва Турмуш”, 1991 йил, 10-сон) “Бухоро амирининг саночларида сақланаётган олтин ва кумуш пуллар бўйи 50 олчин (1 олчин 70 сантиметрга тенг), эни 20 олчин ва баландлиги 8 олчин бўлган бир тоғ ҳажмичадир”, дейилган. Дарвоқе, амир хонадонига тегишли олтин-кумуш пуллар, қимматбаҳо зеб-зийнатлар ҳисоби жамланган дафтарлар тахламасининг ўзи 1,5 олчиндир. Булардан ташқари, ўша журналда қайд этилишича, саройда яна бир ертўла хазинаси бўлган, унда рус, Бухоро ва бошқа бир қанча давлатларнинг олтин пуллари тўпланган.

Сентябрь босқинидан кейин Бухоро амирлигининг хазиналаридан Русияга қанча бойлик олиб кетилган, деган сўроққа ҳали ҳеч бир кимса аниқ жавоб беролган эмас. Сабабки, талон-тарож этилган бойликларнинг чеки бўлмаган!

Хуллас, амир Саййид Олимхон фармонига мувофиқ бош вазир Насрулла қушбеги сентябрь босқинидан уч йил олдин хазинани шошилинч рўйхатга олганлиги маълум. Рус ҳукуматининг махсус Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) ва унинг Ўрта Осиёдаги ўша давр мухтор вакиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳужжат асровхонасида қушбегининг маълумотномаси сақланган. Бухородан ташиб кетилган бойликлар миқдори ва турларининг қисман тагига етиш, уларга андак ойдинлик киритиш илинжида қушбегининг ўша ўта махфий маълумотномасини китобхонлар эътиборига ҳавола қиламиз:

Бухоро тиллоси – 1.148.380 дона.

Рус тиллоси – 4.365.100 сўм.

Ёмби ҳолидаги Гамбург тиллоси – 1.108 пуд (17 тонна 728 кг.).

Гамбург кумуши – 45 т. 404 кг.

Бухоро тангаси – 62.834.780 дона.

Бухоро мис тангаси – 5 т. 696 кг.

Тилло кукуни – 1 т. 56 кг.

Рус банки кумуши – 13 т. 724 кг.

Жами 34 номдаги қимматбаҳо нарсалар рўйхатга олинган. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил 14 август).

Қушбегининг бу рўйхатига амирнинг Эски Бухоро ва Регистондаги бойликлари қисман киритилган, холос. Амир, унинг оиласи ва ҳарамига дахлдор бойликлар музейбоп ва бадиий қимматдаги буюмлар, амирга тақдим этилган совғалар бу махфий маълумотга киритилмаган. Боз устига, Нурота, Хатирчи, Кармана бекликларида сақланган 1012 пуд ва Чоржўй беклиги заҳирасидаги 1016 пуд олтинлар бу рўйхатга қўшилмаган.

Хуллас, амирнинг жами бойликлари рўйхатда қайд этилганидан 4-5 баравар зиёд бўлган. Масковга тошиб кетилган бойликлар ҳар биттаси, ўн-ўн учтадан кам бўлмаган қизил ҳарбий вагонлардан иборат бир неча эшелонда жўнатилган...

Вагонларда қуйма тиллолар, от, қўй, бузоқ ва бошқа парранда-даррандалар шаклидаги олтин буюмлар ҳам бўлган.

Хуллас, шу дайнларга асосланиб, Бухоро амирлигининг бутун ноёб бойликлари, дуру жавоҳирлари қашшоқ Русиянинг чўнтакларига оққан дейишдан ўзга далилимиз қолмайди!

Бу ғаламисликни шоирлар назмга солиб, ҳали-ҳануз айтиб юришлари бежиз эмас:

Поезд тунда келди Когонга,
Тиллаларни ортдик вагонга.
Янгради паровоз наъраси,
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи!

1920 йил 5 сентбярда, тахт тўнтаришидан уч кун кейин Бухоронинг инқилобий ҳукумати босқинчи Фрунзега амир Саййид Олимхоннинг олтин қиличи ва ханжарини тантанали суратда топширади. Айтишларича, Фрунзе амирнинг ўша олтин қиличини Иваново тўқимачиларига совға қилиб юборган эмиш...

Фақат шугинами?

Эҳ-ҳе, бу жафокаш Бухородан талон-тарож қилиб олиб кетилган бойликнинг адоғи йўқ – аниқ сарҳисоб қилиш мушкул.

Дарвоқе, аслида шу қизил тангаларнинг сеҳри, беҳисоб бойликлар, “ҳиди” ўша босқинчиларни шу жаннатмакон ўлкага – Бухорога бошлаб келмаганмиди?!

...Бобокалонимиз амир Темур дафн этилган қутлуғ сағанадан:

“Кимлар боғ-роғимнинг қушларини қувмоқда?! – дея беҳуда нидо чиқмаган. – Ўлкамизни тузатингиз, аждодларнинг ҳур яшашини таъмин этингиз. Агар шундай қилмасангиз, ўлкамиз буюк бир мозорлик ҳолига келажакдир...” – дея фарёд урганлар улуғ бобокалонимиз.

Шукур, боболар нидоси бесамар кетмади, улар илтижоси ижобат бўлди!

АҲАД УСТОЗ САБОҒИ

(сўнгсўз ўрнида)

1

Шофирконни Республикамизнинг турли сарҳадларида олиму шоирлар юрти сифатида эътироф этишади. Зеро, хожагон таълимоти силсиласидаги иккинчи сарҳалқа – Хожа Ориф ар-Ревгарийдек буюк зотга, Иброҳим Мўминов, Султон Жўра, Раззоқ Ҳамроев, Тўра Мирзаев, Жамол Камол, Аҳад Ҳасан, Охунжон Сафаров, Иброҳим Ҳаққул, Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳид, Усмон Қўчқор, Илҳом Ҳасан сингари юзлаб илм, адабиёт ва санъат дарғаларига бешик бўлган бу табаррук замин “шоиркон” дея эъзозланиши тасодиф эмас. Аммо Шофиркон фарзандлари орасида шу заминнинг ўзида яшаб, илму ижод машаққатини тортганлар кам. Сўзсиз, устоз Аҳад Ҳасаннинг бутун умр ўзи туғилиб ўсган юртда яшаб, баракали ижод қилганлиги ўзига хос жасоратдир. Умри саҳрода молу қўй кетидан юриб ўтган чўпон-чўлиқлар, чўлқуварлар ҳаёти-ку ҳарна. Аммо салқин саҳарларда булбул хонишидан, узун оқшомларда шаҳар чироқларидан завқланиб, мавзу излаб қоғоз “тирнаши” лозим бўлган аҳли қаламнинг саҳрога меҳр қўйиши ҳар кун учрайдиган ҳодиса эмас!

Шулар ҳақида ўйлаганимда, устоз Аҳад Ҳасаннинг чўл ҳаётига туташ умр ва ижод йўли тағин-да ҳайратимни оширади. Устознинг бу садоқати омилларини ўзим ҳис этганча талқин қиламан, у кишининг бардошига гоҳ таажжуб, гоҳ ҳавас ила баҳо беришга уринаман. Аммо бари бир устознинг “Қайноқ қум” китобига оқсоқол адибимиз Саид Аҳмад томонидан ёзилган сўзбошида берилган таърифчалик мукаммал таъриф топишга қийналаман: “Аҳаджон учун мавзу танлаш муаммо эмас. У шундоққина эшигини очиб чиқса, кўчасидан тарих оқиб туради… Биласиз, қумда чинорнинг ўсиши қийин. Лекин қанчалар қийин бўлмасин, у қаддини ростлади, умрнинг яшаш-яшариш даврига кирди…” (Саид Аҳмад. Қизилқумда ўсган чинор. Китобда: Аҳад Ҳасан. Қайноқ қум. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 4-бет).

Аҳад Ҳасан билан устоз-шогирд муносабатлари шаклида бошланган оға-инилик туфайли Денов қишлоғи, Жилвон саҳролари, унга туташ Вардонзе қўрғони мўъжизаларини ўз кўзи билан кўрган, улардан ажиб завқу шавқ олган атоқли адибнинг Шофиркон фарзанди ҳақидаги бу эътирофида заррача муболаға, ҳаводорлик йўқ. Аммо умр бўйи бир-биридан долзарб мавзулар орасида яшаб, охир-оқибат гангиб “қўли қаламдан чиққан”лар ҳам оз эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, фаол адабий муҳитдан четда, бунинг устига, саҳрога туташ олис бир қишлоқда яшаб тинимсиз ижод қилиш учун, дарҳақиқат, чинор бўлиш, чинор бўлганда ҳам, илдизлари эътиқод заминига таянган мустаҳкам чинор бўлиш керак! Дунёда кўчасидан тарих оқмайдиган кент йўқ ҳисоби. Бироқ бу тарих дардларини ҳис қилиш, унинг фожиаларидан сабоқ чиқариш, зафарларига эш бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Тарих бўлакларини тупроқ кўчалар, чексиз қум

барханлари, қуриб-қақшаб ётган минг йиллик дарахтлар бағридан топиш, уларни авайлаб, пуфлаб-пуфлаб, силаб-сийпалаб сўзлатиш учун қанчалар бардош, қанчалар жасорат, қанчалик катта юрак керак! Устоз Аҳад Ҳасаннинг Ўзбекистон адибларининг Бухородаги сардори сифатида эъзозланишига сабаб ана шундай фазилатларни ўз ҳаёти ва ёзганларида мужассамлаштира олганлигидир.

Адибнинг Мустақилликка қадар яратилган ўнлаб ҳикоя ва қиссаларига хос муштарак жиҳатлар ёзувчи ижодининг бош мавзуси ва ғоясини яққол кўрсатиб туради. Она-Ватанга садоқат, киндик қони тўкилган тупроқ соғинчи, ундан фахр этиш туйғуси, эрк ва покиза муҳаббат учун кураш, одамийлик ва инсоний ғурур йўлидаги чексиз машаққатлар адиб асарларида энг кўп мурожаат этилган муаммолардир. Бу муаммоларнинг барчаси Бухоро ва бухороликлар қисмати мисолида кўрсатиб берилганлиги адиб ижодида Ватан қиёфасининг Бухоро тимсолида, унинг ажралмас бўлаги бўлган Шофиркон тимсолида намоён бўлишига замин яратган. Шу маънода, адиб асарлари Бухоро ва Шофиркон тарихининг бадиий солномаси ўлароқ, бу заминда яшаган халқ кечмишини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчининг “Муқаддас тупроқ”, “Сўнган юлдуз”, “Етти ёт бегона”, “Зарафшон тўлқинлари”, “Қорахат”, “Даврон бобо”, “Қайноқ қум” ҳикоялари, “Сочи оқарган бола”, “Ўткан кунлардан қолган эртаклар” қиссалари ана шу фазилати билан ҳам ёдда қолади.

Сўз санъати тарихи неча-неча асрлар илгарига бориб тақалишини, унда мавзулар, идеаллар шакллангунга қадар неча-неча замонлар ўтганлигини аниқ-тиниқ тасаввур этиш мушкул. Аммо бир ҳақиқат аёнки, адабиётни адабиёт қилган бош мавзу, шубҳасиз, одамийликдир. Бизга қадар етиб келган энг қадимги оғзаки ва ёзма манбалар қат-қатидаги дард, оғриқ изланадиган бўлса, сўзсиз, энг қадим аждодларимиз карвони ҳам одамийлик излаб йўлга чиққанлиги аён бўлиб қолади. Бу жиҳат Аҳад Ҳасан асарларига ҳам дахлдор эканлиги ёзувчи ижодий изланишларининг бесамар кетмаганлигидан шаҳодатдир. Инчунин, адибнинг “Сочи оқарган бола…” қиссасидаги маккор мутаваллига, “Ўткан кунлардан қолган эртаклар” қиссасидаги тантиқ Сарагулга, “Тўлин ой” ҳикоясидаги исми жисмига мос тушмаган қўрқоқ Эрмаматга, “Сўнган юлдуз” ҳикоясидаги имонсиз Латифийга етмайдиган; “Сочи оқарган бола…” қиссасидаги Носир варанка, Қаноат, Миша, “Муқаддас тупроқ” ҳикоясидаги Сулаймон Шариф, “Зарафшон тўлқинлари” ҳикоясидаги Рашид бобо сиймоларини нурлантириб турган фазилат, сўзсиз, одамийликдир.

“Сўнган юлдуз” ҳикоясидаги эри уруш жанггоҳларида жон фидо қилаётган Назиранинг ожизлик туфайли шилқим, имонсиз Латифийга ён бериши, гулдек оила боғини хазонга айлантириши келинчак қалбидаги одамийликнинг таназзулга юз тутиши эди. Бу аянч манзара акс этган саҳифаларни ўқиш давомида китобхон Назирадан нафратланади, дастлаб умид қилгани – бу аёл Латифий олдида паст кетмайди, деган ўйи пучга чиққач, ҳафсаласи пир бўлиб, уруш синовларига дош беролмай иродаси суст кетган кимсаларни қарғай бошлайди. Чап қўли қийшиқлиги боис урушга

яроқсиз деб топилган Латифийнинг нафақат қўли, балки кўнгли ҳам эгрилигини ҳикояда акс эттирилган фожиали қисматларнинг бош омили дейиш мумкин. Қишлоқ фуқаролар йиғини котиблиги мансабини эгаллаб олган бу манфур кимса ўз лавозими ваколатидан ҳайвоний ҳирсини қондириш йўлида фойдаланади. Бундай манзарага тинч замонда дуч келинса, ҳарна. Бошқалар Ватаним, оилам дея жон бериб, жон олаётган, худонинг берган куни бир хонадон ё сардоридан, ё фарзандидан жудо бўлиб, қора кияётган қиёмат бир замонда бундай бадбахт манзарага гувоҳ бўлиш нақадар даҳшат! Назиранинг бедарак кетган эри – Шарифжон қишлоққа қайтиб, бу аянчли ҳақиқатни билгач тушган ҳолатни тасаввур қилиш, юракка сиғдириш нақадар оғир! Ҳа, одамийлик топталган макону замонда қиёмат азоби ҳеч нарса бўлмай қолади.

Булар адибнинг биргина ҳикояси ҳақидаги мулоҳазалар. Китобдан ўрин олган ҳикояларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб мулоҳаза юритиш, қўша-қўша саҳифалар қоралаш мумкин. Энг муҳими, уларда адиб кўрган, суҳбат қурган, қувончига шерик, дардига ҳамдам бўлган замондошларнинг бутун фожиаси, орзу-умиди, ўтли армони билан акс этган тирик сиймоларига рўбарў бўласиз. Одамият тарихининг нечоғлиқ мураккаб эканлиги ҳақидаги ҳақиқат олдида яна бир карра бош эгиб, оғир ўйга толасиз...

2

Баъзан айрим асарларнинг маърифий аҳамияти ҳақида соатлаб гапиришга уринамиз-у, ўша маърифий аҳамият нимадан иборат эканлигини қийналамиз. Аҳад Ҳасан ҳикоя ва қиссалари тарихнинг тирик суратлари, уларни ўқиган китобхон бобокалонлари даврига бориб келгандай бўлади, ўтмишнинг тирик тасвирларини тасаввурида жонлантиришга муваффақ бўлади. Адиб асарлари туфайли ўзинг яшаб турган заминга боғлиқ ришталарингни излай бошлайсан, унга муносиблик даражанг ҳақида бош қотиришга киришиб кетасан. Юртдошларингга бошқача, аллақандай меҳр кўзи билан қарай бошлайсан. Тилингда бугунги кун шукронаси муқаддас оят каби такрорлана бошлайди.

Устозни ўқувчилик йилларимдан бери яхши биламан. Унинг ўша даврларда қалбимга чексиз ҳайрат ва ҳаяжон солган “Қайноқ қум” китоби ҳали-ҳануз мен учун қадрли. Китобдан ўрин олган ҳикоя ва қиссаларни олим ва мунаққидлар эътирофига сазовор бўлгани учунгина эмас, таъбир жоиз бўлса, болалик хотираларимнинг бир бўлаги эканлиги учун ҳам қадрлайман. Сўзсиз, у пайтларда бу китобни ёзган адиб билан учрашишим, юзма-юз суҳбат қуриш бахтига муяссар бўлишимни хаёлимга келтирганим йўқ. Бироқ “Қайноқ қум”ни, бу китобдаги энг сара қисса – “Сочи оқарган бола”ни ўқиб бола қалбим ларзага келгани, анчагача унинг таъсиридан чиқолмай ўйчан бўлиб юрганим рост.

Қишлоғимизнинг юқори қисмида Қумбосди деган қишлоқ бор. Бу қишлоқ айнан “Сочи оқарган бола” қиссасида тилга олинган кент эмас. Менинг қишлоғимга яқин Қумбосдида Жилвон чўлидаги қум бўронларидан

қочиб жон сақлаган қумбосдиликларнинг авлодлари яшашади. Нотаниш манзилга қўнган мусофирлар ҳосилдор, суви мўл-кўл жой танлаб уй-жой қилишган, янги маконларини ота-боболари мангу ором олаётган, киндик қонлари томган кент номи билан аташган. Аммо ўша пайтларда мен бундай ҳақиқатларни идрок ва эътироф этадиган ёшда эмас эдим. Қиссанинг мурғак қаҳрамони – Қаноатнинг аччиқ қисмати акс эттирилган саҳифаларни ўқигач, уйга сиғмай уйимиз ортидаги боғчага ҳовлиққанча югурганман. Боғ этагидаги тепаликка чиқиб, Қумбосди қишлоғи томонга кўзим ёшланиб узоқ қараганман. Ўша томонга боргим, қум босган пастаккина кулбада, онаизори жасади устида қўлчаларини кўкка чўзганча нола қилиб, кўз ёш тўкаётган Қаноатни қутқаргим, ғам букчайтирган елкаларини қучгим, кулфат оқартирган сочларини силагим келган. Кунлар совиб қолганига қарамай, кўкка тикилиб қалдирғочларни излаганман, уларни сабрсизлик билан кутаётган Қаноатга хаёлан мурожаат этиб, озгина сабр қилишни сўраганман... Мен ўша кунларни болалигимнинг энг тотли онлари сифатида жон қадар, дил қадар қадрлайман, соғинаман. Шу бўлса керак, бир асарнинг муваффақияти?! Бир адиб ижодининг маърифий аҳамияти?!

3

Ҳар бир асар ҳақидаги чин ҳақиқатни, аввало, шу асарнинг ўзи айтади. Энг муҳими, мутолаа жараёнида асарнинг қалби қаерда жойлашганлигини аниқлаб олиш ва бу қалб нималар дея тепишини ҳис қила олиш керак. Бадиий асар ўқиётганингизда бутун вужудингиз кўзу қулоққа айланиб, воқеалар гирдобига ғарқ бўлиб, севимли қаҳрамонларингиз изидан кўз, сўзидан қулоқ узмай сеҳрланиб қолганмисиз?! Айни шу ҳолат асирига айланган пайтингизда ота-онангиз буюрган юмуш хотирангиздан кўтарилиб, танбеҳларга нишон бўлганмисиз?! Шундай вазиятларда “Бу ҳолга қандай тушиб қолдим ўзи?” дея “бошингиз қотгандир”? Асло ҳайрон бўлманг! Сиз ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган неъматга рўбарў бўлгансиз – асарнинг юрагини топгансиз, бу юрак не дея тепаётганлигини дил-дилдан ҳис қилгансиз! “Очиқ дарвоза”дан ўрин олган “Ўткан кунлардан қолган эртаклар” қиссаси ҳам анча-мунча ҳақиқатлар калитини ўз бағрига жо этгани, шубҳасиз. Мутолаа жараёнида асар билан жуда кўп дардлашдим. Англадимки, инсон ҳаёти кулфатга эш, инсоният тарихи дардга ҳамроҳ. Мана, уларнинг айримлари:

Ойдинкўл шикоргоҳига кўнгилхушлик мақсадида отланган амир қум кўчиши туфайли бир кечада вайронага айланган қишлоқлар ва бу манзилгоҳларнинг жамият ва табиат зарбаларидан абгор бўлган аҳолисига рўпара келади – нияти бузуқ одамнинг қадами касофат олиб келади-да, ахир!... Бу ҳам майли. Шикор завқидан умидини узган амир қишлоқ волийси Мирсолибойникида тунаб, бой қизини ўзиники қилади ва саройга жўнаётган янги бегойим – Сарагул қўшни дугона, Темурнинг суюклиси Ҳанифани ҳам ҳарамга судрайди, ҳарам Ҳанифанинг умрига зомин бўлади.

Биз бу касофат қадамнинг касрини асарда яна бир бор кўрамиз: Вобкент туманида қурултой ўтказишга аҳд қилган амирга ялтоқланиш имконини излаб юрган туман қозиси ночор оилалардан бирининг қизи Наврўзойни жаноби олийга пешкаш қилиш учун бандиликда сақлайди. Уни қутқариш умидида куйиб-пишган, Қора Даванг "маслаҳати" туфайли амирга суиқасд қилган Наврўзойнинг севгилиси Сирож шафқатсиз ўлим топади, Наврўзой эса бесўнақай, шарти кетиб, парти қолган Қора Даванг ҳарамига жўнатилади.

"Бировга чоҳ қазисанг, унга ўзинг йиқиласан", дейдилар. Халқ агар бу фикрини янада теранроқ ифода этмоқчи бўлса, бундан-да кескинроқ ҳукм эълон қилади: "Ким қилмагай, ким топмагай!". Халқнинг бу шафқатсиз хулосасига ҳамоҳанг индаллога эга бўлган асарлар дунё адабиётида беҳад кўп. Аммо асар қаҳрамонлари тақдирини айни шу интиҳо сари олиб боришдаги айричалик фикрлари уйғун бўлган қаламкашларнинг ўзига хосликларини келтириб чиқаради. Жумладан, "Юзма-юз" қиссаси орқали ўртага қўйилган хулоса ҳам ўша азалий ҳукмга ҳамоҳанг. Бироқ унинг ифодасида муаллиф тутган йўл адиб ижодий тажрибалари асосида шаклланган ўзига хос йўл эканлиги яққол сезилади. Энг муҳими, муаллиф қисса қаҳрамонларини ўз ихтиёрига қўяди. Уларни ўз ортидан эргаштиришга эмас, улар ортидан эргашиб, саргузаштларини кузатиб боришга ҳаракат қилади. Натижада китобхон амир, Сарагул, Қора Даванг каби қаҳрамонларни шармандали руҳий ва жисмоний мағлубият сари етаклаган тадрижий йўлни аниқ-тиниқ тасаввур эта олади.

Вобкент туманида ўтиши режалаштирилган қурултойга шошилаётган амир аламзада Сирожнинг "ўқига дуч келади". Гарчи суиқасд туфайли унинг бир тукига ҳам зарар етмаган бўлса-да, оддий фуқаронинг бу жунбуши уни хавотирга солмай қўймайди. Бироқ унинг қосир ақли бундай хатарларнинг илдизи аслида қаерда эканлигини англаб етишга кифоя қилмайди. Унинг ўшандаги ўйини яна бир карра ўқиб кўринг: "Бу қандай кўргиликки, етти кишварнинг назари тушган мамлакат аҳли фуқаросининг олампаноҳи бўлсам-у, каминага бирор осуда дам бўлмаса?! ...Қадам боссам рақибим оёғим остидан чиқади, ишонган одамларим уқувсиз, телба–тескари. Саройда фисқу фасод, шикорга чиқсам хунрезлик. Бирор сафолик кун бўладими–йўқми ўзи, эй, парвардигор?! Магарам, тахти олийга бирор нопок ғаламис аралашдими ё амирлик тахти кўзга кўринмас, нозик бирор еридан дарз кетган-у, бу фоний дунёдан каминанинг насибаси узилганми?!..." Ҳа, афсуски, "жаноби олий" омонат тахтининг қаеридандир дарз кетганлигини ҳис қилади-ю, бу ҳалокатга аслида ўзи замин яратаётганлигини англаб етмайди. Ҳанифа, Бадал бобо ва кампири, Сирож, Ғилай, Қосим курьер, Мажид ака каби минглаб бегуноҳ одамларнинг хуни, Темур, Наби, Абдураҳмонбой, Қовунчи бобо каби минглаб жабрдийдаларнинг қарғиши тутиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ахир бундай ҳукмдорлар ўзлари учун қуриб олган манзилу маконлар маишатдан ўзга нарсани бегона санарди. Улар қўнган шох ва бутоқлар заррин либослар, димоғу фироқ, кибру ҳаво юкидан қарс-қарс синарди. Уларнинг оёғи етган кент ва қишлоқлар, асарда тасвирлаганидек, худди Ундаре, Қумбосди, Кумушкент қишлоқлари

каби ҳувиллаб, тағин афгору абгор ҳолга тушар эди. Улар борган манзиллардаги навниҳол қизлар юзларига қоракуя суртиб, ўзларини тасқара қилиб кўрсатардилар, ота-оналар соқол-мўйлови сабз урмаган хушрўй ўғилларини дарҳол яширар эдилар... Амирнинг саройдаги фитналар сабабини излаганига нима дейсиз? Ақлдан озган Қора Давангнинг ўз забун аҳволини шарҳлашга уринганига-чи?!...

Адиб асарлари мутолаасига киришган китобхон ёзувчининг хоҳ у ҳикоя ёки қисса бўлсин, хоҳ у бадиа ёки ахлоқий-маърифий ёхуд публицистик лавҳа бўлсин, деярли ҳар бир асарида тирикликнинг мангу қонуниятига айланган икки муқаррар куч – эзгулик ва ёвузлик кураши масаласига такрор-такрор дахл қилганлигига амин бўлади. Уларни ўқий туриб, баъзан ёвузликнинг эзгулик устидан ҳукм юргизишга уриниши-ю, аммо иши унмай, сарсон бўлишини кўриб, бир қувонсангиз, қалби эзгуликка тўла қаҳрамонлар ғалабасини ўз зафарингиздек қабул қилиб, яна бир бор яйрайсиз. Шу боис адиб асарлари кечаги кун учун нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этган бўлса, бугунги кун учун ҳам шунчалик манфаатлидир. Зотан, улар эртанги кунимиз яратувчилари сифатида қад ростлаётган ёш авлод тарбиясига дахлдор умидбахш ғоялар билан тўйинган, уларнинг барчасида муаллифнинг чексиз соғинчи, миллат эртасини ўйлаб чеккан ташвиш-заҳматлари, эзгу ўй-хаёли мужассамдир. Мутолаанинг бошидан охиригача муаллифнинг теран нигоҳи ўқувчига ҳамроҳ бўлиб, “Дунё яхшиликдан яралган ва яхшилик ила равнақ топгусидир” деган азалий ҳикматни такрор-такрор уқтиргандек бўлади. Аҳад устознинг сизу бизга бермоқни кўзлаган энг муҳими сабоғи ҳам аслида мана шу!

Шодмон СУЛАЙМОН,

филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

Сўнган юлдуз.....3
Очиқ дарвоза.....10
Чироқлар.....13
Даврон бобо.....18
Яшариш.....20
Зарафшон тўлқинлари.....24
Қоплон.....32
Муҳаббатнинг сомон йўли.....39
Тўлин ой.....42
Олдинда нур бор.....57
Етти ёт бегона.....67
Қорахат.....73
Муқаддас тупроқ.....76
Қайноқ қум.....80

Қиссалар

Сочи оқарган бола.....84
Ўткан кунлардан қолган эртаклар.....146

Бадиалар

Олтин бешик.....224
Бухоронинг шоҳиста маликалари.....229
Устод Айний салоҳияти.....237
Иброҳим Мўминов сабоқлари.....249

Панднома

Дунёни болаларга берайлик.....267

Публицистика

Аждодлар нидоси.....304

Ш.Сулаймон. Аҳад устоз сабоғи.....317